

Умарали Норматов

ИЖОДКОРНИНГ ҲАРОРАТЛИ СЎЗИ



**Адабий-танқидий мақолалар,
эссе, хотира ва суҳбатлар**

Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2015

УЎК: 821.512.133-95

КБК: 83.3(5Ў)

Н-79

Норматов, Умарали

Ижодкорнинг ҳароратли сўзи [матн]: адабий-танқидий маҳолалар, эссе, хотира ва суҳбатлар / У.Норматов. – Тошкент: «Turon zamin ziyo» нашриёти, 2015. 320 бет.

ISBN 978-9943-4565-4-9

Муҳтарам ўқувчи, қўлингиздаги китобда таниқли мунаққид Умарали Норматовнинг янги аср иккинчи ўнйиллигида ёзган адабий-танқидий мақолалари, эссе, хотира ва адабий суҳбатлари жамланган. Уларда муаллиф бугунги адабий жараённинг етакчи тамойиллари, адабиётимизда ва адабиётшунослигимизда пайдо бўлган эътиборга лойиқ асарлар, улар билан боғлиқ илмий-назарий муаммолар устида қизғин баҳс-мунозаралар олиб боради; миллий адабиётимиз, адабиёт илмининг бир қатор дарғалари ижодий йўли ва меросига бугунги кун нуқтаи назаридан нигоҳ ташлайди; ижодкорнинг ички бир дард, илҳом билан айтган ҳароратли сўзи, унинг таъсир кучи, миқёси, аҳамиятига эътиборингизни жалб этади; муаллифнинг китобдан ўрин олган ўзи босиб ўтган йўл сабоқлари, замондош илм ва ижод аҳли ҳақидаги хотиралари ҳам Сизни бефарқ қолдирмайди.

УЎК: 821.512.133-95

КБК: 83.3(5Ў)

Маъсул муҳаррир

ва сўнгсўз муаллифи:

Улғубек Ҳамдам,

филология фанлари номзоди

Тақризчилар:

Дилмурод Қуронов,

филология фанлари доктори, профессор;

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-4565-4-9

© Умарали Норматов.

© «Turon zamin ziyo»,

Тошкент, 2015 й.



Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башарият эртасини ўйлаб одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

И. Каримов

КИРИШ

КИТОБХОНГА ИККИ ОҒИЗ ДИЛ ИЗҲОРИ

Сўз санъатининг меҳригиёсими ёки тақдир тақозосими, умр йўлдошим Венерахон ҳам филолог – узоқ йиллар мактабда адабиётдан дарс берган, ҳозир нафақада, оилада энг фаол китобхон. Унинг таъсирида бешта синглиси – барчаси филолог бўлиб етишди. Божаларимиздан бири машҳур адабиётшунос Беғали Қосимов, яна бири зукко, билимдон тилшунос Маҳфузилло Раҳмонов. Қолганлари ҳам олий маълумотли зиёлилар. Қизим Шоира филология фанлари номзоди, олийгоҳда доцент. Уч ўғлим бошқа касб эгалари бўлса-да, китобсеварликда ота-оналаридан қолишмайди. Шоир Шавкатжоннинг тўнғич қизи Нодирахон хонадонимизга келин бўлиб тушган, ўн уч яшар набирамиз Насима ҳозирдан юрган йўлида шеър тўқийди... Устозу шогирдлар, ҳамкасблар ўз йўлига. Дўсту биродарларим, улфатларимнинг ҳам деярли барчаси адабиётга дахлдор одамлар. Табиийки, хонадонимиздаги давра суҳбатларининг бош мавзуси – **Адабиёт**. Мана, ярим асрдан ошибдики, деярли ҳар куни бизникида мажолис-ун нафоис.

Салкам етмиш йилдан бери, даставвал, адабиёт шайдоси бўлиб, адабиёт бўйича таълим олиб, сўнг филолог-адабиётшунос, мунаққид сифатида адабий давраларда юриб, адабиёт ҳақида бетиним ўй суриб, у-бу нарсалар битиб, талабаларга дарс бериб, сўз санъати инсоният яратган, аниқроғи, Аллоҳ бандаларига инъом этган ноёб неъмат, сирли-сехрли **хилқат** эканига такрор-такрор

икрор бўламан. Ҳар гал чинакам санъат асарини ўқиганда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман, бир неча кун ўзимга келолмай юраман. Шу ёшимда ҳам болалиқдан қолган бу одат мени тарк этгани йўқ. Шундай ноёб мўъжиза билан танишмай, бу дунёдан ўтиб кетиш одам зоти учун катта йўқотиш-ку, деб қўяман ўзимга ўзим. Кўнгилга шу хил туйғу солгани, сўз санъатига майл, меҳр уйғотгани, ризқимни шу соҳадан бергани учун яратганга шукроналар айтаман. Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчалик сир-синоатга бой эмас, инсон ва унинг табиати, қисмати, қалби, руҳияти тўғрисидаги ҳақиқатни кашф этишда ҳеч бир соҳа сўз санъати билан бўйлаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди.

Фандаги буюк ихтиро, кашфиётларни, чунончи, нисбийлик назариясини Эйнштейн бўлмаса, бошқа бир даҳо олим яратавериши мумкин. Санъат, адабиётдаги буюк кашфиётларнинг туғилиши эса ниҳоятда шахсий-индивидуал хусусиятга эга. "Герники"ни фақат Пикассо, "Улисс"ни фақат Жойс, "Ўткан кунлар"ни эса фақат Қодирийгина яратиши мумкин. Санъатнинг бошқа турларини асло камситмаган ҳолда, бадиий адабиётнинг имкониятлари беқиёсдир, десам муболаға бўлмас. Масалан, рангтасвир, архитектура, музика, кино бажариши мумкин бўлган вазифаларни ёзувчи, шоир сўз санъати орқали адо этавериши мумкин. Санъат асари яратиш учун кўпдан-кўп ашё, асбоб-ускуналар керак. Электр энергияси бўлмаса, кино, телевидение, компьютер – ҳеч нарса. Бадиий ижод учун эса қалам билан қоғоз бўлса бас. Ҳатто улар бўлмаганида, оғзаки тарзда ҳам яратилаверади. Бадиий ижод ана шунақа ноёб хилқат... Уни ардоқламай бўладими, ахир!

Боз устига, инсон фаолиятига оид соҳалар ичида сўз санъатичалик тутқич бермайдиган, қолип-қоидаларга тушмайдигани йўқ. Жаҳонда ўтган, бугун қалам тебратаётган ҳар бир чин ижодкор, улар қаламига мансуб ҳар бир чин асар ўзича бир дунё; янги асари билан ижодкор ҳар гал янгича йўл, усул, "қоидалар" кашф этади. Бунинг устига, ижодкор шахсидек сирли, сеҳрли ажабтовур зот бошқа соҳа одамларида топилмаса керак. Аллоҳ инсон зотига хос жамики кучли ва заиф, зиддиятли, мўъжизакор сифатларни мужассам этиш учун ёзувчилик истеъдодини, шоир-ёзувчиларни яратган бўлса ажаб эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳ ўзининг мислсиз қудратини намоён этиш учун бу ёруғ оламни, коинот жавҳари саналмиш инсонни яратган. Қарангки, ёзувчи-санъаткор, балки, Аллоҳнинг шу яратувчилик сифатига тақлидан сўз орқали инсонни, тўғрироғи, инсон тимсолини яра-



тишга журъат этади. Аллоҳнинг каломи ҳам сўз санъатининг бекиёс намунасидир.

Абдулла Қодирийдек биргина мислсиз истеъдод соҳиби яратган бадиий кашфиётларни эслайлик. Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно, Солиҳ махдум, Обид кетмон сингари тирик инсонларни – ўзбекнинг ранг-баранг табиатли фарзандлари сиймосини айти тирик, балки тириклардан ҳам тирикроқ одамлар каби гавдалантириш, чиндан-да, мўъжиза, ахир!

Адабиёт илми бадиий ижод табиати, ижодкор шахси, ижод психологияси бобида кўп ишлар қилди, қияпти. Аммо улар мутлақо етарли эмас. Бу борада чин кашфиётларга кўра чалғишлар, ҳар томон оғишлар мўлроқ. Инсоният ҳали улкан истеъдодлар хизматини муносиб қадрлаш даражасига кўтарилгани йўқ. Биз ҳануз чинакам истеъдод соҳиблари билан бу соҳага даъвогар, тамагир, ҳаваскор касибларнинг фарқига ета олганимизча йўқ.

Ўтган аср бошларида, кўп асрлик адабиётмиз туб янгиланиш йўлига кирган кезлари, “Адабиёт надир?”, “Театр надир?” деган саволлар қатори “Танқид надир?” деган масала ҳам кўндаланг қўйилди. Шунда, тарққийпарвар ижод аҳли вакилларида бири, ўзбек жадидларининг отаси Бехбудий, адабий танқид ҳақидаги мақоласида ҳаёт-мамот аҳамиятига молик саволга жавоб ахтариб, “танқид сараламоқлир” деган оқилона жавоб топди. Дарҳақиқат, адабий танқиднинг бош вазифаси, асл функцияси адабий жараёни синчиклаб кузатиб, билимдонлик, нозик дид, фаросат, бундан ҳам муҳими, ҳолислик билан ёндашиб, ундаги, яъни катта оқимдаги хас-хашаклар орасидан чинакам бадиий кашфиётларни, чин истеъдодларни топа билиш, кашф этиш, уларга одилона баҳо бериш, чин асарларнинг чин нафосати, асл моҳиятини очиб беришдан иборат экани ўша кезлардаёқ аён эди. Миллий танқидчилигимизнинг илк босқичида Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Ойбеклар айти шу йўлдан бордилар...

Афсус, минг афсус, тоталитар режим ҳамма жабҳани, жумладан, адабиётга раҳнамоликни қўлга олганидан кейин бу хайрли тамойил барбод бўлди, танқид майдонида қиёмат кўпди. Улкан миллий уйғониш туфайли қад ростлай бошлаган соғлом адабий жараёнда пайдо бўлган ҳар бир ёрқин истеъдод, чин бадиий кашфиёт дейишга арзигулик ҳар бир асар, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, найза кўтариб қарши олинди; Чўлпон, Қодирий, Фитратлар қисмати, Чўлпон шеърляти, “Ўткан кунлар”, Фитрат дарамалари, “Сароб”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Жалолиддин”, “Қўшчинор”, кейинроқ “Тобутдан товуш”, “Юлдузли тунлар” теварагида кечган машъум машмашалар,



адабий жаҳолат, тўғридан-тўғри демагогиядан иборат компаниялар яқин кечмишимизнинг энг кирлик – қора кунлари тарзида тарихда қолди.

Истиқлол йилларида кўп хайрли ишлар қатори бу жабҳадаги ҳа-толиклар бартараф этилди, адолат тикланди. Танқидчиликда дема-гогияга йўл очадиган мустабид мафкура, адабий сиёсатнинг илдизи қирқилди.

Афсуски, бугунги танқидчилигимизда ҳам “сараламоқ” бобидаги ожизлик, оқсоқлик бутунлай бартараф этилгани йўқ, у бошқача кўри-нишларда давом этапти. Бир вақтлар Абдулла Қаҳҳордек талабчан адиб: “Адабиёт дарёси қуриб-қақшаб ётгандан кўра, лойқа бўлса ҳам, тўлиб оқгани маъқул, бўтана оқим ҳам охир-оқибат тинади-да, ахир” деган эдилар. Ҳозир бизда шундай жараён кетяпти: Истиқлол берган эркинлик туфайли миллий адабиётимиз дарёси тўлиб-тошиб оқяпти, бу оқимда хас-хашаклар, кўпигу қуйқалар беҳисоб. Дидли китобхон ҳафсаласини пир қиладиган хашаки “иждо намуналари” билан баробар, гавҳарга арзигулик бадиий топилмалар ҳам йўқ эмас. Бугунги адабий жараёни синчиклаб кузатиб, астойдил сара-ланса, адабиётимизнинг ҳозирги куни ва эртасига умид уйғотадиган ҳаётбахш тамойилларни ўзида мужассам этган иждо намуналари ҳам мавжуд эканига амин бўламиз. Ҳамкасбларимга оғир ботса ҳам, бир гапни дангал айтай: танқид адабий жараёндан ортда қоляпти. Сўраб, – суриштиришлар шундан далолат бераётирки, кейинги ўн йил ичида, жаҳон адабиётини қўя турайлик, ўзимизда эълон этилган асарларни тўла-тўқис ўқиб, кузатиб борган бирорта ҳам мунаққидни тополмайсиз. Бир вақтлар шахсан ўзим адабиётимиздаги бирорта асарни ҳам эътибордан четда қолдирмай кузатиб, ўқиб борардим. Ҳозир ҳам имкон борица ҳаракат қиламан, аммо ҳаммасига улгу-ролмайман. Ҳозир мамлакатимиз ҳудудларида иш кўраётган юзлаб нашриётларда чиқаётган ҳамма китобларни топиш, ўқиб бориш им-кони йўқ... Эҳтимол, шу ёшда мен учун бу ҳол узрлидир. Аммо ёшроқ мунаққидларни бу борада асло кечириб бўлмайди. Танқид майдон-ида турган, ўзини мунаққид сановчи азамат учун бу машаққатли юмуш мажбурийдир. Адабиёт дарёсида ғаввос каби сузмай, оқимда-ги ҳамма нарсалардан яхши хабардор бўлмай туриб, уни саралаш асло мумкин эмас. Афсус, минг афсус, соҳилда туриб олиб, оқим хусусида ҳаёлан, тахминан ҳукм чиқаришга уринишлар, нолишлар кўзга ташланаяпти. Бир вақтлар улуг бир рус адиби афсус-надомат билан, яхши мунаққидларнинг эътиборсизлиги, ҳафсаласизлиги ту-файли қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар, бадиий кашфиётлар эл назаридан четда қолиб кетаётганини айтган эди.



Сир эмас, бугунги адабиётимизда жиддий жонланиш, кўтарилиш жараёни кетяпти, бу ҳол барча адабий авлод вакилларига хос, шу билан баробар, миллий адабиётимиз даргоҳига янги бир навқирон авлод шитоб билан кириб келаётгани қувонарли ҳол. Уларнинг минбарлардаги илк чиқишларини, матбуотдаги илк ҳикоя, шеърларини, илк тўпламларини ўқиб кўринг-а, уларни бундан 20-30 йил бурун адабиётда пайдо бўлган ёш ижодкорлар машқлари билан солиштирганда, бугунги навқирон авлоднинг бўйи бир неча баробар баланд эканига иқрор бўласиз. Бу ҳол адабиётимизнинг эртасига катта умид уйғотади, қалбларга қувонч бахш этади.

Азиз ўқувчи, ушбу китобни шу ёниқ умид, чексиз қувончларим, ички бир дард, жўшқин илҳом маҳсули бўлган асарлар, бугунги қайноқ адабий жараён хусусидаги ўй-мушоҳадаларим, қолаверса, таҳликали замонларда яшаб, ижод этиб фан ва адабиётимизда ёрқин из қолдирган азиз сиймоларга эҳтиромларим изҳори ўрнида қабул қилгайсиз.



1. ЯНГИЛАНАЁТГАН АДАБИЙ ЖАРАЁН

РОМАН КЎЗГУСИДА МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Кейинги икки аср давомида роман жаҳон адабиётида етакчи жанр бўлиб келди, XXI асрга ўтиб ҳам у ўша мавқеини асло бой бергани йўқ. Ҳар бир миллат адабиётининг бўй-басти, даражаси, аввало, шу жанр камолотига қараб белгиланади десам, буни ҳеч ким муболағага йўймайди. Бунинг боиси шундаки, башарият даҳоси яратган адабий жанрлар орасида энг универсали, канонларни, миллий чегараларни тан олмайдигани, бетиним янгиланиб, ўзгариб боришга мойили, ҳамма даврларга, оқимларга мослаша оладигани айти шу роман жанри бўлиб чиқди. Романтизм дейсизми, реализм, соцреализм, неореализм, сюрреализм, магик реализм, постреализм дейсизми, модернизм, постмодернизм дейсизми – барча адабий оқимларда унинг етук намуналарини топиш мумкин. Бугина эмас, ҳамма адабий тур – эпик, лирик, драматик шакллар, миф-асотир, ривоят, ҳикоятлардан тортиб, оғзаки ва ёзма ижоднинг деярли барча кўринишлари, жумладан, ёндош жанрлар – ҳикоя, новелла, қисса-повесть тажрибаларини, ҳатто намуналарини ўз бағрига бемалол сиғдираверди. Унда вақт қамрови, ҳажми, персонажлар сон-саногининг чек-чегараси йўқ. Бир кунлик, ҳатто бир неча соат, дақиқалик воқеа асосига қурилган, айти пайтда, бир асрлик воқеаларни қамраб олган, бир-икки ёки ўнлаб, юзлаб персонажлари бор яхши романларни ўқигансиз, азизлар! Унинг бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ китоблардан иборат хиллари борлигини ҳам яхши биламиз. Унинг ҳудудига публицистика, эссе, тарих, хроника, фалсафа, сиёсат бемалол бостириб кираверади. Роман сатҳи ҳозир урф бўлган плюрализм – фикрлар хилма-хиллигини бадиий ифода-лаш, кўп овозли – полифония учун бекиёс майдондир.

У ёғини суриштирсангиз, бугунги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида миллиардлаб томошабинларни кечаю кундуз телеэкран қаршида ушлаб турган телесериаллар айти шу роман тажрибалари, романга хос тафаккур, тасаввур ҳосиласидир, телесериаллар томошаси энг оммавий визуал романхонлиқнинг ўзгинасидир.

Қисқаси, бу жанрнинг имкониятлари чексиз, шунга яраша роман-навис бўлиш масъулияти ҳам бениҳоя катта. Романнинг ана шундай бекиёс имкониятларидан фойдалана олиш лаёқатига эга бўлган,



унинг заҳматларига дош бера оладиган, роман юкини елкасида кўтаришга қодир шижоатли, чин истеъдод соҳибигина бу жанрда муваффақият қозона олади.

Шунинг учун бўлса керак, мана икки асрдан ошдики, ҳеч ким, ҳатто мана мен деган назариячи олимлар ҳам бу жанрнинг ҳамма бирдек тан оладиган таърифини бера олгани йўқ, беролмайди ҳам. Қарангки, кейинги икки юз йил давомида жаҳон адабиёти, адабий танқидчилигидаги энг қизғин баҳс-мунозаралар айна шу жанр, унинг намуналари, ижодкорлари теварагида кечган.

Муайян сабабларга кўра, бизда роман кейинроқ пайдо бўлди, бундан роппа-роса 90 йил бурун – 1920 йил декабрида ёзиб тугатилган “Ўткан кунлар” билан ўзбек миллий романчилиқ мактабига асос солинди. Хомчўт ҳисоб-китобларга қараганда, ўшандан бери бизда “роман” номи остида 500га яқин асар яратилди. Табиийки, уларнинг савия-даражаси турлича. Миллий романчилигимизнинг туғилиш, шаклланиш ва тараққиёт йўлининг 70 йили ғоят мураккаб, таҳликали вазиятларда, шўро истибдоди адабий сиёсати таъқибу таҳдидлари шароитида кечган бўлишига, машъум сиёсат ижодкорлар тақдирида муайян нохуш асоратлар қолдирганига қарамай, мўъжизани қарангки, ўша кезларда ҳам, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, бизда Европа адабиёти гази билан ўлчанганда ҳам тўлақонли, янги жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бўйлаша оладиган асарлар яратилди.

Энг муҳими, миллий уйғониш деб аталган улкан тарихий-маънавий жараённинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган ўзбек романи кўзгусида айна шу жараён – миллат тақдири – қисмати, унинг онги, руҳиятидаги долғали силсилалар, халқнинг орзу-армонлари, интилишлари, дарду дунёси, оху зорлари улкан кўзгудагидек бор бўйича ўз аксини топди, бу мўътабар анъана мустақиллик йилларида ҳам ўзгача кўринишда давом этиб келяпти.

“Ўткан кунлар”нинг асосий маъно-мундарижаси, пафоси ҳақида ҳозирга қадар ғоят хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилди, айтилмоқда. Улар орасида роман асосида ишқий-оилавий можаролар ифодаси-талқини туради, деган қараш кенг тарқалган. Ҳатто романнинг немис тилидаги таржимаси “Тошкентлик ошиқлар” деб аталиши бежиз эмас. Камина эса, бундай қарашни бутунлай инкор этмаган ҳолда, “Ўткан кунлар” романининг маъно-мундарижаси кўлами ғоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий, борингки, ишқий-оилавий муаммолар кўтарилган деган фикрдадир. Улар ичида, менингча, энг муҳими, юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. “Ўткан кунлар” романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан



кейин ҳам XIX асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамонт аҳамиятига мо-лик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратилма-ган. Адиб бу романи орқали тарихимизнинг энг кир, "қора кунлари" – юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги "хон замонлари" ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аянчли ҳақиқатидан халққа сабоқ бер-моқчи бўлган. Асар марказида турган Отабек, Юсуфбек ҳожи қисмати, руҳиятидаги энг кескин, драматик кечинма-ҳолатлар ифодаси айна шу муаммолар билан боғлиқдир. Ёзувчи қалбини ўртаган, уни қўлига қалам олишга ундаган бош омил, менимча, шудир. Бундай даъвонинг тафсилотлари "Қодирий мўъжизаси" китобимда батафсил ёритилган.

"Ўткан кунлар"дан сўнг пайдо бўлган "Кеча ва кундуз", "Қутлуг қон", "Сароб", "Обид кетмон", "Қўшчинор"ларни эсланг. Бу роман-ларнинг ҳар бири асар битилган кезлардаги муаллифлар кўнглида кечган оғриқ тўла ўй-кечинмалар – асарлар қаҳрамонларининг дра-матик, фожиавий қисмати, дарду дунёси, оху зорини айна кўзгуда-гидек гавдалантириб берганлиги билан қимматлидир. Бу роман-лар орасида хронологик жиҳатдан ажиб мантикий силсила, уйғунлик бор. Чунончи, "Кеча ва кундуз" "Ўткан кунлар"нинг давомидек туюла-ди. Чоризм мустамлакаси халқ ҳаётини асло енгиллаштирмади, бу даврда жаҳолат ва зулм баттар авж олди. Оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги тенгсизлик, қолоқлик, қабоҳат ёнига фаҳш, янги кўринишдаги қаллобликлар келиб қўшилди. Бундай иллатлар ваҳ-шати романда шафқатсиз бир тарзда, бор ҳолича кўрсатилди.

Айна шу шафқатсиз ҳодисаларнинг давоми ва ваҳшати "Қут-луг қон" романида муайян даражада интиҳосини топган. Асар бош қаҳрамони Йўлчи қишлоқдан нажот истаб шаҳарга келади-ю, қа-дам-бақадам ҳақсизлик, тенгсизлик, адолатсизлик қаърига кира бо-ради, бора-бора кўзи очилиб, ўз шаъни, қадри йўлида, қолаверса, сабр косаси тўлиб-тошган жабрдийда оломон ҳимояси, аниқроғи, миллий озодлик ҳаракати йўлида қурбон бўлади.

Миллатларга эрк, озодлик ваъда қилган Октябрь тўнтаришидан кейинги давр акс этган "Сароб"да миллатнинг ҳар жиҳатдан етук, тўкис бахтга муносиб икки кўркем фарзанди – Саидий билан Мунис-хон инқилобий алғов-давлғовлар – икки тўлқин кураши гирдобиди ҳа-лок бўладилар. Адиб аросатда қолган икки ёшнинг маънавий-руҳий изтиробларини ўқувчини ларзага соладиган тарзда ифода этади. Бу жиҳатдан у ўз даври жаҳон адабиётининг "Тинч Дон", "Жараён" син-гари буюк дурдоналари руҳига ҳамоҳангдир.



Ўтган аср 20-йиллари охири, 30-йиллар бошларида колхозлаштириш деб аталган мамлакат тарихида, кўп сонли деҳқонлар қисматида оғир асорат қолдирган ҳодисалар ҳақида давр сиёсатида мос "синфий кураш" ақидаси асосида ҳайбаракаллачилик руҳида битилган асарлардан тубдан фарқ қилароқ, "Обид кетмон" ва "Қўшчинор" ("Қўшчинор чироқлари" эмас) миллий адабиётимизда янгилик бўлди. Мазкур мавзудаги расмий қарашларга мос тушадиган асарлардан фарқли ўлароқ, бу икки асар ўша мудҳиш ҳодисаларга ўзгача тарзда, кутилмаган томонларидан ёндашилганлиги, оддий одамлар қисмати ҳолис, ҳаққоний ифода этилганлиги билан қимматлидир.

Афсус, бу икки асардан сўнг муайян муддат романчиликдаги миллат қисматидан баҳс этиш анъанаси тўхтаб қолди. Ниҳоят, 50-йиллар охирига келиб, "Синчалак" орқали ўша анъана қайта қад ростлади, "Синчалак" билан изма-из яратилган "Уч илдиш", сўнг бирин-кетин пайдо бўлган "Қора кўзлар", "Уфқ", "Чинор", "Олтин зангламас", "Диёнат" сингари миллат тақдиридаги мураккаб, чигал ҳодисалар қаламга олинган романлар эл орасида шухрат топди. Бора-бора миллат қисмати билан боғлиқ ҳодисалар тасвири-талқинидаги танқидий руҳ кескинлашиб, Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романларида жамият ҳаётининг фожиали инқирози ифодаси ўз интиҳосига етди. Жамият ва шахс қисмати талқинида танқидий пафос, инкор руҳининг кучайиши оқибатида миллий романчилигимизда модернистик адабиётга хос абсурд туйғуси ва ғояси, шахс руҳияти таҳлилида эса янгича тамойиллар, "полифония" ва "онг оқими" унсurlари пайдо бўла бошлади. Бу ҳол танқидчиликда қизғин баҳсларга асос бўлди. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек романи истиқлолдан анча бурун мавжуд тузумнинг антигуманистик моҳияти, инқирози, ҳалокатга маҳкум экани хусусида ўз бадиий ҳукм-хулосасини чиқарди. Ва бу билан ўзбек миллий романчилиги миллат олдидаги тарихий миссиясини адо этиш шарафига муяссар бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, мустабид тузум таъқибу тазийқлари шароитида, тарихий ўтмишимизни нуқул зулматдан иборат деб аташ урф тусини олган, ҳар куни "Ким эдик тарихда бизлар, номи йўқ, қашшоқ, гадо" деган бўҳтон ва ҳақоратдан иборат қўшиқ сатрлари янграб турган кезлари жаҳон тан олган буюк сиймоларимиз ҳақидаги "Навоий", "Улуғбек ҳазинаси", "Кўҳна дунё", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар до-вони" сингари етук романларнинг яратилиши мислсиз жасорат, чиндан-да, ҳайратомуз ҳодисадир.

Романчилигимизнинг истиқлол давридаги йигирма йиллик тараққиёти, минг афсус, ҳозирга қадар атрофлича ўрганилгани, муносиб баҳо-



сини олгани йўқ. Назаримда, адабий танқид зиммадаги бош вазифаси – мавжуд роман хирмонини саралашда хийла сусткашлик қияпти.

Истиқлол туфайли ижод аҳли ҳам, адабий танқид ҳам мустабид тузум шароитида шаклланган барча чеклов, тушовлардан халос бўлди, ижодий изланишлар учун кенг йўл очилди. Бошқа барча адабий тур, жанрлар каби романнинг мавзу-мундарижа, шакл, ифода, поэтик қўлами хийла кенгайди; турли-туман адабий-ғоявий оқим, хилма-хил мафкуравий йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади; бир вақтлар менсимай қаралган оилавий-маиший ҳаёт муаммосига бағишланган сон-саноқсиз асарлар битилди; нисбатан суст ривожланган ҳажвий, фантастик ва саргузашт-детектив романлар бугун китоб жавонларимизни тўлдириб турибди. Улар орасида Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Тохир Малик, Ҳожиакбар Шайхов каби эл тан олган адабларимизнинг етук асарлари ҳам бор. Тарихий романчилик аъёналарини Муҳаммад Али, Эркин Самандар, Асад Дилмуроддек тажрибали адибларимиз изчил давом эттираётирлар.

Бевосита баҳс мавзумизга дахлдор – мамлакат, миллат тарихидаги энг буюк ҳодиса – истиқлол йилларида одамлар ҳаёти, тақдир, руҳиятида кечган жараёнларнинг роман кўзгусидаги ифодаси масаласига келсак, бу борада ҳам муайян ютуқларимиз бор.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга – бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш осон кечадиган жараён эмаслигини ҳаммадан кўра ижод аҳли яхши билади, теран ҳис этади. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган ҳодисаларга, қолаверса, ўз тажрибамга таяниб айта оламанки, бу жараён шавқи ва оғриқларини, аввало, ижодкорларнинг ўзлари татиб кўрганлар. Чунончи, Шукур Холмирзаевнинг 90-йиллари ёзган эсселари, жумладан, "Адабиёт ўладими?" мақоласи, устоз О. Шарафиддиновнинг "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" бадиаси, шунингдек, каминанинг устозга эргашиб ёзган "Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари" мутолааси чоғи бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўз бошидан кечган, ўзи юракдан ҳис этган ҳодисаларни, руҳий жараёнларни ўзгалар, аниқроғи, асар тимсолларига кўчириш – бадиий ижоднинг ғаройиб, сирли-сеҳрли ҳилқати. Шукур Холмирзаевнинг истиқлолимизнинг дастлабки йилларида замондошлари ҳақида битилган "Аросат", "Озодлик" "Қуёш-ку фалақда сузиб юрибди...", "Булут тўсган ой" ҳикоялари, ниҳоят, "Динозавр" романи биринчи китобининг дунёга келиш тарихидан қисман хабардорман, уларнинг айримларини муаллиф розилигига кўра қўлёзма ҳолда ўқиганман, эҳтимолки, биринчилардан бўлиб улар ҳақида сўз айтганман, ёзганман.

Баъзи фикрларим такрор бўлса ҳам айтай: "Динозавр" романи



мавзу-материали, мазмун-мундарижаси жиҳатидан ўта замонавий асар, унда асар битилган даврнинг нафаси уфуриб туради, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида одамлар ҳаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз берган ўзгариш, эврилишлар қаламга олинади, одамларнинг ўша кезлардаги ҳаёти-кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ўша туб бурилиш асносида, аввало, адиб қалбидаги, қолаверса, одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг ҳолат-кайфияти миллий адабиётимизда илк бор “Динозавр” орқали роман кўзгусида ўз аксини топди.

Йўқ, “Динозавр” муаллифи долзарб мавзуни қаламга олган экан, бу билан ўтмишда бўлганидек, ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш, улуғлаш ёки ниманидир рад этиш, қоралашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас, балки сўз санъатининг асл табиати, вазифасидан келиб чиққан ҳолда ана шу туб бурилиш палласида юзага чиқаётган инсон жумбоғи, аниқроғи, инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги қирралари, турли нағмалари, сир-симоати билан қизиқади. “Динозавр” романи айти шу жиҳати билан сизу бизнинг эътиборимизни тортади, бизни асар воқеаларининг, персонажлар давраси гурунглариининг иштирокчиси, суҳбатдошига айлантиради. Роман қаҳрамонлари – кеча моҳир актёр саналган Шаҳлонинг хорижий мамлакатларга қатнайдиған тижоратчига, куни кеча таниқли “совет болалар шоири” бўлган Абзал аканинг бугун мутаассиб тақводорга айланиши, куни кеча СССР тарихи ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида даҳрий ишларга қўл урган Тойировнинг бугун катта фирма очиб “бозор иқтисоди” одами, савдогар бўлиб олиши, Жамолиддиннинг оз фурсатда авваллари ҳатто тасаввур этиш ҳам мумкин бўлмаган қўламли мулкдор, бизнесмен бўлиб етишиши – бу тур одамлар табиати, руҳиятидаги бу қадар кескин ўзгаришлар ғалати жумбоқ...

Бироқ асардаги энг катта жумбоқ – бош қаҳрамон Маҳкам образидир. Маҳкам ҳам пок, соддадил, самимий инсон сифатида, ҳам истеъдодли адиб, моҳир тараққийпарвар кинорежиссёр сифатида туб бурилиш, ўзгаришлар жараёнида янги шароитга мослашолмай, янги “шароит мевалари”ни ҳазм қилолмай қийналади. Йўқ, у истиқлол, янгича ижтимоий муносабатлар рақибига эмас, айти пайтда, унда эски тузумни қўмсаш кайфияти ҳам йўқ, аслида, моҳият-эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийдалари тоифасига мансуб: отаси, тоғаси, яқин одамлари эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси қатағонга учраган, Сталин ўлимидан олдин

қамокда ўзини осиб қўйган; Маҳкамнинг ўзи эса ижодкор сифатида оғир шароитларда адолат, ҳақиқат учун курашганлар сафида турган. Истиклол туфайли аждодлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлари ушалади. Шундай бўла туриб, нега энди бу одам янги шароитга дарҳол мослаша олмайди, туб ўзгаришлар моҳиятини англашда қийналади? Бутун гап ҳаётнинг мураккаблиги, асарни асар, образни образ қиладиган бадиий жумбоқ ана шунда! Ахир, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши осонликча кечмайди, "бозор иқтисоди-га ўтиш" даврида юзага чиқаётган мураккаб муносабатларни, давр зиддиятларини Маҳкам хилидаги одам дарҳол ҳазм қилиши қийин; айниқса, одамлараро муносабатларда ҳамма нарсани ҳисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига қуриш тамойили қарор топа бориши, бу ҳодиса ҳатто Маҳкам оиласига кириб келиши уни қийноққа солади. Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадиий ижод, санъат мезонлари ҳам тубдан ўзгарди. Бугун ижодкор кечаги мезонлар билан иш қўриши мумкин эмас. Маҳкам сиймосида биз мана шу мураккаб руҳий жараёни юракдан ўтказаятган, ўзи янги-ланиш машаққатини бошидан кечираятган ижодкор шахси драмаси, балким, фожиасини кўрамиз. Шу тариқа қаҳрамоннинг изтиробли ўйлари, қалб драмаси Шукур услубига хос бўлган икир-чикирлари, тафсилотлари билан ифодаланади. Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини ҳам содда, самимий инсон, ҳам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намоён этганлиги билан жозибадор. Қизиқ, янги замон ўзгаришларини қийинчилик билан қабул қилаётган Маҳкам, роман-да қаламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб дарҳол "бозор даври" одамига айланиб олган кимсаларга қарганда қалбимизга яқин, мустақил Ватаннинг чин, самимий ўғлони сифатида таассурот қолдиради.

Адиб романнинг иккинчи китобидан айрим бобларни эълон этди, афсуски, у охирига етмай қолди. Аммо журналда эълон этилган биринчи китобнинг ўзиёқ "Динозавр" миллий адабиётимизда истиклол даври одамлари тақдири, қалб драмаларини роман кўзгусида ёрқин акс эттирган илк етук асар сифатида қимматлидир, деб ҳукм чиқаришга тўла асос беради.

"Динозавр" олдидан Шукур Холмирзаев қалбида кечган руҳий жараёнга яқин ҳолатни кейинги авлод романнависи Улуғбек Ҳамдамда ҳам кузатиш мумкин. Бунини муаллифнинг 1994-1997 йиллар оралигида қўзғатган автобиографик характердаги "Ёлғизлик" қиссаси мисолида яққол кўрамиз. Анъанавий автобиографик қиссалардан фарқли ўлароқ "Ёлғизлик" одатдаги саргузашт асар эмас, балки айтиш мумкин, ёзилган кезлари муаллифнинг қалбида кечган ўй-мушоҳада-



лар, изтироблар, қолаверса, у муаллиф ижод психологияси биографиясидир. Дарҳақиқат, қисса синчиклаб мутолаа қилинса, кейинроқ дунёга келган "Мувозанат"нинг режа, муаммо, мотив, образлари айтиш мумкин. Қарангки, "Мувозанат" романи "Ёлғизлик" билан изма-из айтиш 1997 йили ёзилган.

Моҳият-эътибори билан роман эпик жанрга мансуб эканини ҳис этган муаллиф "Мувозанат"да "Ёлғизлик"даги субъектив "дил изҳори" усулини қўйиб, ўзини ҳодисалардан четга олиб, объектив, холис ифода йўлидан, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жараёни роман кўзгусида гавдалантириш йўлидан боради.

"Динозавр"да бўлгани каби бош қаҳрамон Юсуфнинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ одами экани "Мувозанат"нинг ифода доирасини кенгайтиради, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида, хилма-хил одамлар сийратида кечаётган силсилаларни ифодалаш имконини беради. Бугина эмас, Юсуфнинг ёш тарихчи олим, олий ўқув юрти муаллими, курсдош дўстларидан бири Саиднинг масъул раҳбар ходим, Миразимнинг эса савдо-тижорат, бизнес одами сифатида олинishi ҳаётнинг турли қатламлари қаърига кириб бориш учун йўл очади. Янги шароит ҳам жамиятда, ҳам оиладаги табақаланиш, фақат талабалик кезлари бир майизни бўлиб еган кадрдон дўстлар даврасидагина эмас, бир оила одамлари: эр-хотин, ота-бола, ака-ука орасида ўта чигал, мураккаб муносабатларни келтириб чиқаради. Шу тариқа жамиятдаги жараёнларнинг оқибат-асоратлари персонажларнинг шахсий, оилавий-маиший турмушида ҳар қадамда баралла намоён бўла боради. Ўз навбатида, асардаги ҳар бир тирик жонни қийнаган дарду ташвишларининг илдизи жамият ҳаётида улкан бурилиш палласида содир бўлган силсилаларга бориб тақалади. Айтиш мумкин — шахсий-оилавий-ижтимоий муносабатлар драматизмининг уйғунлигидан романга мос **улкан яхлит драма, қолаверса, романга хос тафаккур — яхлит бадиий концепция** вужудга келади. Яна бир муҳим жиҳат, асарда қаламга олинган барча персонажлар тақдири, хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳодисалар бош қаҳрамон қисмати билан қандайдир йўсинда туташади; булар Юсуфнинг ўз шахсий ҳаёт драмалари, орзу-интилишлари йўлида чеккан заҳматлари, топган ва йўқотганлари билан қўшилиб-туташиб даврнинг **тирик тимсоли, романга хос қаҳрамон** даражасига кўтаради. Баралла айтиш мумкинки, Юсуф романчилигимизда **ўтиш даври** деб аталган мураккаб тарихий жараённинг қаҳрамонидир. Муҳими, у қийин, чигал, аммо зарурий ҳаётининг силсилалар тўзони орасидан эсон-омон ўтади. Ҳаёт синовларида тобланиб, ўзлигига, асл эътиқодига содиқ қолади.



"Мувозанат" "Жаҳон адабиёти"да босилиш олдида ҳам, босилгандан кейин ҳам қизғин баҳс-мунозараларга асос бўлиб келди, у ҳақида ҳам танқидий, ҳам илиқ гаплар айтилди. Муҳими, роман, қолаверса, унинг муаллифи бу хил кескин баҳсларга дош бериб келяпти. Унга хорижда ҳам қизиқиш катта. Чунончи, АҚШдаги Мичиган университети муаллимаси Рейчл Харэл 2007 йил Марказий Евроосиё масалаларига бағишланган 8-халқаро анжуманнинг маданият шўъбасида ўқиган "Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи воқеаси" мавзусидаги маърузасида романда "кўнгил эҳтиёжи сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилганли"ги алоҳида таъкидланади. Бугина эмас, университетда унга бағишланган кўламли семинарлар ташкил этилади. (Қаранг: "Талабалар дунёси", 2009 йил, 10-сон).

"Динозавр" ва "Мувозанат" каби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи ҳам айни ўша миллат тарихидаги улкан бурилиш, бозор иқтисоди муносбатларига ўтиш палласидаги миллат фарзандлари ҳаёти, қисмати, онг-шуури, қалбида кечган мураккаб зиддиятлар ҳақида баҳс эди. Аммо юқоридаги икки асардан фарқли ўлароқ, "Бозор" бутунлай ўзгача услубий йўналишда битилган. Асар тили бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига қурилган. Бу тилни ўқимай, уқмай туриб романни тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол. Биргина асар номи – "бозор" сўзи таркибидан "бозор" тушунчасидан ташқари "ор", "зор", "озор" маъноларини қидиради муаллиф. Бутун бошли романда бунақа рамзий ишоралар тўлиб-тошиб ётибди. Оддий китобхон уларнинг моҳиятини англашга қўриб етмас, аммо асар бағрида ловуллаб турган ёлқинни баралла кўриб, ҳис этиб туради. Бу романдаги икки жозибадор шахс – Фозилбек билан Қадрия қалбидаги маёқдир. Асар воқеалари, асосан, бир бозор ва унга ёндош қироатхонада кечади. Романда бозор – метафора, рамз, тимсол, ҳаётнинг ўзига хос бадий модели. Муаллиф ибораси билан айтганда, "бозорнинг ўзи дунё", одамларнинг ичини кўриш, томоша қилиш борасида бозордан қулайроқ жой йўқ дунёда, бозор одамларнинг ич-ичини ағдариб, кўз-кўз қиладиган ажойибхона", бунда ҳар бир бандасининг феълидаги зўравонлик, соддалигу муғамбирлик, лақмалигу уятчанлик – ҳаммаси бозорда ё пинҳона, ё ошкора кўзга ташланади. Энг муҳими, бозор – романда муаллиф учун жамият маънавиятидаги бугунги оғриқли жараёнларни тафтиш этишнинг қулай воситаси.

Романда бозор билан ёндош ҳолда қироатхона тасвири ҳам бор. Бозор ҳамиша гавжум, жамики тумонот бозорда. Бозордагиларнинг барчаси нафс илинжида. Нафс балоси туфайли бозор ёнмоқда, чўк-



моқда. Бозор ёнидаги қироатхона эса кимсасиз, хароб, ҳувиллаб ётибди... Ҳаёт ҳеч қачон ақли расолардан, фидойилардан холи қолган эмас. Ҳамма ўзини бозорга ураётган, балки, нафс кўйига мубтало бўлиб қолган замонда, қарангки, қоқ бозорнинг ичидан, бозор одамлари орасидан бир маънавият, маърифат фидойиси Фозилбек отилиб чиқади, илоҳий тақдир уни кимсасиз ҳувиллаб ётган маскандаги яна бир маънавият фидойиси Қадрияга рўбарў қилади... Бу икки ёш нафс балоси туфайли бозор ёнаётган, чўкаётган, нафс бандаларини олов қаърига тортиб кетаётган бир замонда **нажот йўлини** қидирадилар. Улар бозорни ҳалокатдан қутқариш йўли **маънавиятда** деб биладилар. Фозилбек маслакдош севгилиси билан бирга бозор ўзгаришларини тушуниш, унинг тилини, ҳикматини англаш, ўрганиш, зулмат қаърига чўкаётган бозорни маънавият, маърифат ёғдуси билан нурлантириш устида астойдил ўй суради, амалий ҳаракатга ўтади. Ёзувчининг диққат-эътибори бозор манзаралари ва можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс-садосини ифодалаш, бадиий таҳлил этишга қаратилади, бунда “онг оқими” тажрибаларидан ижодий фойдаланади.

Қисқаси, “Бозор” ҳам “Динозавр” ва “Мувозанат” каби ўтиш даврининг роман кўзгусидаги ўзига хос, бетакрор акси, оқил одамлар орасида, онгида кечаётган баҳсу мунозараларнинг акс-садосидир. Асар ўзининг асосий пафоси билан мамлакатимизда қарор топган иқтисодиёт билан маънавиятни уйғунликда олиб боришдан иборат устувор ғоя-концепцияга ҳамоҳангдир.

Биз сўз юритган романлар истиқлолнинг дастлабки йиллари, ўтиш даври жараёнлари ҳақида баҳс этади. Ўтиш даври аллақачон ортада қолди. Кейинги йигирма йил давомида мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек бундан ҳатто ўн йил бурунги ўзбек эмас. Мамлакатимизда жаҳонни ларзага солаётган инқирозга дош бера оладиган жамият, барқарор ўсишни таъминлаётган, жаҳон миқёсида фикрлайдиган янги авлод шаклланди. Бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан осонликча содир бўлаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замондошларнинг бетиним ўй-мушоҳада, ақл-заковат, ижодий меҳнат ва шижоати самарасидир. Мана шу мислсиз жараённинг ичида яшаётган, қолаверса, шу жараённи яратаётган одамлар ҳаёти, уларнинг бунёдкорлик йўлидаги заҳмати ва шавқи, кечинмалари, орзу-интилишлари, армон-ўқинчлари энди яратилажак романларимиз кўзгусида ўзининг муносиб аксини топишига ишонамиз.

2011 йил феврал



“ҚАЙТМАС ТЎЛҚИНЛАР” ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ

“Қайтмас тўлқинлар” романи муаллифи Туроб Мақсудни кўпдан бери орқаворотдан танийман, ижодини кузатиб бораман, “Катталар ва мен”, “Муножот”, “Бешиқ”, “Париға ошиқ ўсмир”, “Муаллим ишқи”, “Юракка қасида” каби китоблари, айниқса, “Илинж” романи менда яхши таассурот қолдирган. Бугунги насримизда ўзигагина хос йўлдан бораётган бу камтарин қаламқаш билан яқиндан танишиш, суҳбатлашиш иштиёқида юрардим. Ниҳоят, муаллифнинг кўп йиллик ижодий изланишлари самараси бўлмиш “Қайтмас тўлқинлар” романи мутолааси асносида шу эзгу ният рўёбга чиқди.

Беш китобдан иборат бу асар эндиgina ўрта мактабни тугатиб она қишлоғидан шаҳарга отланган – олий ўқув даргоҳида ўқиш ғамида юрган Қуддус исмли йигитнинг саргузаштларидан иборат. Асар айна илк ёшлиқ босқичига қадам қўйган йигитнинг 17-18 йиллик умр йўли, аниқроғи, шу босқичга қадар босиб ўтган йўлнинг беш палласи – гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, илк ёшлиги ҳақида; воқеалар айна шу йигит тилидан ҳикоя қилинади. Йигит умрининг ҳар бир палласи алоҳида қисм – китоб шаклида тақдим этилади.

Биламизки, шу пайтга қадар бизда Садириддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровлар қаламига мансуб ўша атоқли адибларимизнинг болалик, ёшлик йиллари эсдаликларига оид асарлари бор эди. Кейинги авлод адибларидан ўз болалик, ёшлик хотиралари асосида яратилган Худойберди Тўхтабоевнинг “Жаннати одамлар”, “Беш болали йигитча” романлари, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси, Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достони айна шу йўналишдаги асарлардир. Мана энди гўдаклик, болалик, ўспиринлик, илк йигитлик даври иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кечган қаламқашнинг кенг кўламли беш китобдан иборат автобиографик, мемуар асарини ўқиб турибмиз.

“Қайтмас тўлқинлар”нинг юқорида тилга олинган асарлардан фарқли жиҳати шундаки, бу романдаги ҳикоячи қаҳрамон муаллифнинг ўзи эмас, ҳаттоки номи ҳам Туроб эмас, Қуддус! Айна пайтда роман мутолааси чоғида қаламга олинган воқеа-ҳодисалар муаллифнинг кўрган-кечирганлари, ўз ҳаётий тажрибалари, шахсий тафаккур тарзи самараси эканлиги ҳам шундоққина сезилиб, кўриниб туради. Шахсан ўзим ҳам муаллиф билан “Қайтмас тўлқинлар” қўлёзмаси устидаги гурунглримиз чоғи Қуддус кўп жиҳатдан Туробжонга яқин эканига иқрор бўлдим.



Туробжон исми жисмига мос ўта хокисор, камтарин инсон. Эҳти-
мол, у ўз қисматини бутун бошли роман бош қаҳрамони қилиб кўр-
сатишдан иймангандир. Маълумки, бир неча йиллардан бери Туроб
Мақсуд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими
масъул котиби бўлиб ишласа-да, ўзини намойиш этишдан қочи-
б, нуқул ўзгалар ташвиши, юртдош қаламкашлар манфаати илинжида
юради, ўз асарлари ҳақида гапиришдан ийманади. Камина учинчи,
тўртинчи, балки, бешинчи бор учрашувдан сўнг Туробжоннинг сар-
дафтарини қисман варақлаб, унинг ўйчан, маъюс кўзлари тубига
чўкиб ётган туғёнлардан огоҳ топгандай бўлдим; қатор асарлари,
жумладан, "Илинж" ва "Қайтмас тўлқинлар"даги одамларнинг дарду
дунёси, оҳу зорлари илдизлари менга аён бўла бошлади. Ҳаётда
кўпни кўрган бу ҳамсухбатим кўнглида яна бир эмас, бир неча асар-
ларга етгулик бой бисоти бор эканига иқрор бўлдим. Ўзи туғилиб
ўсган Жиззахнинг қадимий, айниқса, кейинги юз йиллик тарихини
миридан-сиригача яхши билади; шу билан баробар, у бирмунча
фурсат Фарғона вилоятида яшаган, меҳнат қилган. Ўша кезлари ви-
лоятда юз берган воқеалар, ўз даврининг машхур кишилари ҳақида-
ги хотира, ҳикояларини тинглаб лол қолдим; очиги, фарғоналик бўла
туриб уларнинг кўпидан беҳабар эканимдан хижолат чекдим...

Боз устига, унинг фақат миллий адабиётимиз эмас, жаҳон адаби-
ёти, санъати, фалсафаси, руҳшунослигига доир нодир асарлардан
хабардорлиги, "Қайтмас тўлқинлар" устида ишлаш чоғи кейинги икки
аср давомида Фарбу Шарқда яратилган автобиографик-мемуар асар-
ларнинг деярли барчаси билан танишганлиги, улар ҳақидаги ўз шах-
сий фикр-мулоҳазалари – булар мени лол қолдирди. Ўзининг эъти-
роф этишича, XIX аср рус файласуф ёзувчиси, публицисти А.И. Гер-
ценнинг "Кечмиш ва ўйлар" мемуар романи "Қайтмас тўлқинлар"нинг
туғилишига туртки берган. Очигини айтиш керак, "Қайтмас тўлқин-
лар"да "Кечмиш ва ўйлар"дан кўчиб ўтган нималардир бор, аммо
унда тақлиддан асар ҳам йўқ. "Қайтмас тўлқинлар" фақат Туробжон-
нинг табиатига, қаламигагина ҳос содда, самимий, бир оз хокисор,
тўпори, деҳқонча руҳ билан йўғрилган. Асарнинг ифода йўсинида
эсдалик, хотира-мемуар, насрий баён ва драма усуллари қоришиқ
ҳолда келади, лирик-фалсафий чекинишлар, тарихий-афсонавий
талқинлар, шеърий парчалар, публицистик талқинлар ўрин алмашиб
туради. Шу хил ифода йўсинлари баробарида ўзга санъат турлари,
чунончи, рангасвир намуналарига ҳам дуч келамиз: матнда воқеа-
ларга мос суратлар берилган. Замонавий жаҳон адабиётида шу хил
тажриба бор, муаллифнинг аввалги асарлари, чунончи, "Илинж"да
қўлланилган бу усул "Қайтмас тўлқин"ларда изчил тус олган.



Романнинг илк китоби – “Ўдаклик”да бу ёруғ дунёни энди таний бошлаган ўдак – Қуддус теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни айна шу ёшдаги тасаввури даражасида идрок этса, кейинги қисмларда у улғая борган сари тафаккур-идрок даражасига мос тарзда ифода, талқин тарзи ҳам ўзгариб боради. Ўрни келганда айтиб ўтай, бу хилдаги асар учун ўта нозик, мушкул ижодий изланиш чоғи гоҳо маромига етмай қолган ўринлар, ҳолатлар ҳам учрайди. Бу ҳол “Ўдаклик”да яққол сезилади.

Асарнинг “Болалик” қисми нисбатан мароқли чиққан. Давр руҳи – жамиятда, бинобарин, болакай мансуб бўлган муҳит-шароитдаги “қўрқув салтанати”, уруш хотиралари, асоратлари, фожиавий ва кулгили воқеалар, ғаройиб саргузаштлар ифодаси ўқувчида завқ-шавқ уйғотади. Учинчи китобдаги машҳур халқ хофизлари Маъмуржон Узоқов, Орифхон Хотамовлар билан боғлиқ лавҳалар, орадаги аския, қишлоқ турмушига оид ачинарли воқеалар, мактаб ўқувчиларининг меҳнати, пахта теримидаги иштирокига оид воқеалар тасвири яхши чиққан. “Илк ёшлик” китобидаги бригадир Зумрад опа фожиаси, шунингдек, туркий қавм тарихига оид ҳикоя, ривоят, маълумотлар, энг муҳими, Қуддус шахсияти – камолотидаги ўзгаришлар ифодаси муаллифнинг ютуқларидандир.

Ҳар бир китоб охиридаги умрнинг алоҳида палласи хусусидаги қаҳрамон тилидан келтирилган фалсафий-лирик, публицистик кечинма-хулосалар бамисоли қўшиқдай янграйди. Ровий қаҳрамон балоғат ёшида туриб, гоҳ ўдак, гоҳ болакай, гоҳ ўспирин, гоҳ ёш йигитча бўлиб дил розларини изҳор этади. Чунончи, ровий ўдаклик билан хайрлашув чоғида “Ўшанда инсон умрининг энг беғубор онлари – ўдакликим тугаётганини сезмас эдим, сезмайгина қолмай, балки ўдакликдан тезроқ кутулишни, бирор мўъжиза рўй бериб, каттариб қолишни, дашномларга беписанд қарашу камситишлардан кутулишни шундай хоҳлайманки...” деб дил розларини тўкиб солади. Ўсмирлик интиҳосида уни мана бундай мушоҳадалар оғушида кўрамиз: “Ўсмирлик – инсон умрининг ажиб бир сирли, мураккаб, зиддиятли, фаол, аммо тарқоқ, ҳом интилиш, чираниш, иккиланишларга мўл, юрагида севги гунчаси очилган ажойиб бир даври. Унинг тўлқинлари руҳимни сирли қитиклайди, ширин хаёлларга толаман. Кекирдагим бўртиб, овозим йўғонлашиб, мўртим сабза ургандан бери вужудим қизийди, баъзан юрагим гумириб-гумириб кетади...”

Нихоят, Қуддус, эсини таниганидан буён кўнглидан кечган, эндиликда хотирага айланган кунларини ортда қолдириб шаҳарга отланар экан, пайти келиб туғилган юртига қайтса ҳам, энди у асло ўша беғубор дамларга қайта олмаслигини, ўтган кунлар умри дарёси-



нинг қайтмас тўлқинлари эканлигини юракдан ҳис этади. Умрнинг ҳар бир палласи, дақиқаси ҳар бир инсон зоти учун жамики қувончу ташвишлари ила бениҳоя азиз, қадрли, Аллоҳнинг беназир эҳсони, имкони... Даҳо шоиримиз хазрат Навоий бежиз айтмаган:

*Жондин сен кўп севармен, эй умри азиз.
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

“Қайтмас тўлқинлар” моҳият-эътибори ила ана шу шоҳ байтларга ҳамоҳанглиги билан қимматлидир.

Ниҳоят, романнинг яна бир ибратли жиҳати устида тўхталиб ўтсам. Асардаги воқеалар муаллифнинг ўзи туғилиб ўсган юрти – Жиззах яқинидаги қишлоқларда, қисман, Фарғонада бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон туғилиб ўсган оила аъзолари ҳам оддий қишлоқ одамлари. Табиийки, оила даврасидаги гурунглarda сўз аксари кундалик турмуш ташвишлари, гоҳо кимларнингдир ғийбати устида боради. Шуниси ҳақиқатки, ўзбекнинг олис қишлоқ оилалари ҳам маърифат зиёсидан, аҳли донишлар иштирокидаги гурунглardan ҳеч қачон бебаҳра қолмаган. “Қайтмас тўлқинлар” қаҳрамони Қуддус гувоҳлигида гоҳо юрт тарихи, қайғуси, диний-исломий ақидалар, умумбашарий муаммолар устида қизгин баҳс-мунозаралар кетади, муқаддас китоблар ҳикматлари, улар қатори “Ўткан кунлар”даги Юсуфбек ҳожининг юрт қайғуси ҳақидаги оташин дил сўзлари ҳам тилга олинади, уларни ёш қаҳрамонимиз жон қулоғи билан берилиб тинглайди. Биргина мисол. Даврада “Омин” сўзининг маъноси устида сўз очилади. Шунда гурунг иштирокчиларидан бири – Тоға “Омин” қадимий жухудча сўз бўлиб, “Худо борлигига бешак ишондим, тамом вассалом” деган маънони билдиради. Мана, эътибор қилинг, иуддан тортиб, насронийу мусулмон ҳам эзгу дуосини омин сўзи билан якунлайди!.. Бу бари диннинг илдизи бир эканини билдирмайдими? Бу бари диннинг нияти холис эканлигини билдирмайдими? Бу жамики миллату элатнинг томири бир эканини кўрсатмайдими?” дея ўз қарашларини ўртага ташлайди. Шунда қаҳрамонимизнинг отаси Тоға сўзларига илова қилиб қалбидаги армон-ўкинчларини тўкиб солади: “Биз бўлса, баъзан сен ўзбек, сен тожик, сен туркман, сен қozoқ, қирғиз деб бир-биримиз билан ейишамиз! Ота-боболаримиз эса бир-бирига қандай ҳурмат билан қараган?! Нимага ўзбек ўзининг ўғлини Қирғизбой, Қozoқбой, Туркманбой, деб атаган? Нимага қozoқ, қирғиз ўғлининг отини Ўзбек қўйган? Бу бирликка интилиш эмасми?”



Ана шундай туркий бирлик ҳар қалбада садо берган Туркистонни парча-парча қилиб ташлашди”.

Ана сизга оддий меҳнаткаш қишлоқ одамининг дил сўзлари, қалбидаги оҳу зорлари, орзу-умидлари!.. Шахсан ўзим болалигимдан оддий одамлар оғзидан шундай сўзларни такрор-такрор эшитганман, бугун ҳам эшитиб тураман. Мана шундай халқона бағрикенглик, донишмандлик руҳи асарга ўзгача файз бахш этган.

Романда келтирилган асарнинг ёзилишига оид саналарга кўра муаллиф асар устида чорак асрдан кўпроқ (1972-1996 йиллар) меҳнат қилган. Ўшандан бери ўтган ўн беш йил давомида унга сайқал бериш бетиним давом этади. Демак, асар қирқ йиллик ижодий меҳнат маҳсули. Аминманки, роман тўла ҳолда китобхонлар қўлига етиб борганидан кейин ҳам Туробжон “Қайтмас тўлқинлар” устидаги ишни тўхтатмайди, азиз, куюнчак китобхонлар далдаси, истак-мулоҳазалари асосида унга сайқал беришда давом этаверади. Чунки муаллифнинг ҳам, камина қатори мунаққид ва китобхонларнинг ҳам бу асардан умиди катта, “Қайтмас тўлқинлар” Туробжоннинг бош китоби бўлиб қолса, ажаб эмас.

2012 йил 15 август

НОВЕЛЛА БАҒРИДАГИ ТУҒЁН (*“Пунакаре” мутолааси чоғидаги ўйлар*)

Кейинги йилларда биз – мунаққидлар бадиий ижоддаги янгича тамойиллар, ифода усулларининг хилма-хиллиги устида кўп гапиряпмиз, сўз санъати соҳасида айрича изланишлар олиб бораётган, кутилмаган йўллардан юраётган қалам аҳли шаънига ҳамду санолар ёғдираётирмиз, айни пайтда, постмодерн даври зайлига қараб, бой анъанавий тажрибаларни моҳирона давом эттираётган адибларни ҳам қўллаб-қувватлаётирмиз... Қисқаси, танқидчиликда адабий жараёнга бағрикенглик билан ёндашишнинг устувор ҳодисага айланатганилиги қувонарли ҳол.

Бироқ айни шу жараёнда, бадиий шакл, асар поэтикаси, ифода тарзи, усулларининг ўзига хослиги, бетакрорлиги ҳали асар тақдирини белгиловчи ягона, узил-кесил омил эмаслигини, кўпинча, унутиб қўяётирмиз. Қандай усул, услуб, шаклда бўлишидан қатъи назар ёзувчи-шоирни қалам олишга ундаган, унга тинчлик бермаган, қалбини ўртаган чўғ, чинакам ички бир **дард**, ҳаяжонга солган бекиёс руҳий ҳолат – **илҳом** ҳақида гапириш “мода”дан қолаётгандай туюлади менга.



Ҳолбуки, кейинги юз йилликда яратилган ўзимиздаги “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Қутлуғ қон”, “Уфқ”, “Улуғбек хазинаси”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Тушда кечган умрлар”, “Отамдан қолган далалар”, “Мувозанат” каби романлар шакл-шамойилидан қатъи назар, аввало, уларни ичдан ёритиб турган ўша ёлқин, айни теран ижтимоий дард ва беқиёс илҳом маҳсули экани билан китобхонлар қалбидан, бинобарин, адабиётимиз тарихидан муқим ўрин олганлигига ҳеч ким эътироз билдиролмайди.

Шуниси муҳимки, бизда XX асрнинг юқорида санаб ўтилган шоҳ асарлари муаллифларидан бири Абдулла Қаҳҳор бадиий ижоддаги илҳом ҳолатини “ҳис”, “ички дард” деб тушунади, тушунтиради: “Ҳис, ички дард кишининг қалбини тошириб юборади, – деб ёзади у. – Бундай вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди. Ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради. Кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ёзиш учун ҳеч нарса халал бермайди. Фикр тўкила беради. Ёзиб улгуриб бўлмайди”. Ижод оламидаги мана шу ҳолатни у “илҳом” деб атайди. Талабчан адиб ижодкор учун илҳом билан баробар ифода маҳорати ҳам зарурлигини асло назардан соқит қилмайди. Бошқа бир ўринда “Илҳом билан маҳорат топишгандагина китоб ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбида акс-садо янграйди” – деб ёзади.

Ҳозирги кунда турли-туман нашриётларда “роман”, “қисса”, “ҳикоя” номи остида эълон этилаётган сон-саноксиз асарларнинг китобхон қалбида акс-садо бермай, юлдуз кўрмай жон таслим этаётганлиги, баъзан янгича йўллар қидириш баҳонасида бемақсад мавҳумот уммонида доводиращларнинг асл илдизи уларнинг айни шу “ички дард”, “илҳом ва маҳорат”дан мосуво эканлигидадир. Бу гапни дангал айтиш пайти келди, азизлар.

Бироқ умидсизликка тушмайлик, оз бўлса-да, насримизда ярқ этиб жамоатчилик эътиборини ўзига тортаётган, қизғин баҳс-мунозараларга озуқ бераётган ички дард, туғён, чин маҳорат маҳсули саналмиш асарлар ҳам пайдо бўлаётир. Серғайрат, сермаҳсул, тажрибали адибимиз Абдуқайюм Йўлдошевнинг “Жаҳон адабиёти” журналида (2012 йил сентябр сони) эълон этилган “Пуанкаре” новелласи айни шундай чин санъат асарлари сирасидандир. Мен Абдуқайюмнинг ижодий изланишларини кўпдан кузатиб бораман, очиги, унинг шу пайтга қадар ёзган турли савиядаги асарлари тарозининг бир палласига, иккинчиси палласига эса “Пуанкаре” қўйилса, шубҳасиз, кейинги палла босиб кетади.

“Пуанкаре” ҳикоя деб тақдим этилган бўлса-да, аслида, у ҳикоя эмас, менимча, новелла жанрининг етук намунаси. Унда жаҳон ада-

биётида мавжуд айни шу жанрга хос хусусиятлар — ровийнинг ҳам холис кузатувчи, ҳам воқеа иштирокчиси мавқеида туриши, ҳикоя қилинаётган воқеанинг юз бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақтининг бир-бирига уйғунлиги, саҳнавийлик, сюжетнинг шиддатли ривожланиши, қутилмаган бурилишларга эғалиги — барчаси муҳайё. Бундан ҳам муҳими, асар бағрини ичдан нурлантириб турган, қалбимизни ларзага соладиган туғён — ёзувчини қўлга қалам олишга ундаган ички бир дард, ёниқ илҳом, маҳорат унга ажиб бир жозиба бахш этган.

Мазкур новелланинг журналда “Жаҳонга бўйлашиб” рукни остида тақдим этилиши тасодифий эмас. Дарҳақиқат, новелла 1854-1912 йилларда яшаб ўтган француз математик, физик, астроном, файласуф олими Жюль Анри Пуанкаре номи билан аталади, аммо асар жаҳонга машҳур олим ҳаёти эмас, балки ижодий мероси, аниқроғи, келгуси авлодлар ечиши учун қолдирган илмий жумбоқ — Пуанкаре гипотезаси ҳақидадир. Кейинги юз йиллик давомида жаҳоннинг не-не алломалари ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик бу гипотеза — жумбоқ устида бош қотирди; кишида фахр-ифтихор ҳиссини жунбушга келтирадиган жиҳати шундаки, ана шу оламшумул жумбоқ ечими борасида бош қотирганлар сафида “Пуанкаре” новелласи қаҳрамони — бизга замондош, юртдош олим ҳам бор. Афсус, бу зот айни шу жумбоққа оид тадқиқотини ўз вақтида интиҳосига етказиш, элга ошкор этишга улгурмай қолган. Новелла ана шу буюк тарихий кашфиётнинг юзага чиқмай қолиши сабаблари, унинг ҳаётий илдизлари, аянчли оқибатлари устида баҳс этади. Аллоҳ ато этган ноёб истеъдод йўлидаги кундалик оддийгина рўзгор, “турмуш ташвишлари” деб аталган оёқдаги кишанлар силсиласини адиб китобхон кўз олдида бутун икир-чикрилари билан гавдалантиради; не-не “тилло бошлар”нинг “турмуш ташвишлари” гирдобиди эврилиб, улуғ муддалардан чекинишга, жаҳоний тафаккур тараққиётидан ортда қолишга мубтало этган омиллар устида муаллиф алам-изтироб оловида ёниб-ўртаниб қалам тебратади, ўз навбатида, новеллист қалбида кечган алам-изтироблар ўқувчига тўлалигича етиб боради, қалбида акс-садо янграйди, уни изтиробли ўй-мушоҳадаларга ғарқ этади.

Президентимиз айтганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз. Мустақиллик миллатимизнинг топталган шаънини тиклаш, қадди-бастини ростлаб олиши учун чексиз имкониятлар яратди, бу борада кўп хайрли ишлар қилинди, қилинмоқда. Лекин, афсус, минг афсус, кечмишдан қолган қуллик, мутелик асоратлари, шахснинг қисмати йўлида ҳамон оёқда кишан бўлиб келаётган айрим қоқоқ удумларимиз — турмуш ташвишлари, маиший ҳаёт икир-чикрилари кўп ҳолларда бизга панд бермоқда. Шоир Абдулла Орипов



бундан қирқ йил муқаддам ёзган "Турмуш ташвишлари" деб аталган юмористик шеърида ҳам ҳазил, ҳам алам билан шундай деган эди:

*Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари,
Биз сендан баландроқ тура олсайдик,
Биз сендан баландроқ юра олсайдик,
Балки ўнғаярди дунё ишлари...*

Сўнг шоир буларга "Балки шу ташвишлар бўлмаса эди, Шоир бўлармидим анча улуғвор" сатрларини афсус ила илова қилади.

Яна бир улкан ижодкор Эркин Воҳидов эса аёлларимизнинг кундалик рўзгор, турмуш эҳтиёжларига оид бизга тутқазадиган рўйхатига мана мен деган танти эр зоти у ёқда турсин, саховатда беназир Ҳазрат Хизр ҳам дош беролмаслиги ҳусусида ажойиб ҳажв битди. "Нега япон юз йил яшар..." шеърида эса "Нега япон юз йил яшару Ўзбек бунча ёшга бормайди?" деган ҳақли савол қўйиб, ўзи унга шундай жавоб қайтаради. "Чунки япон биздек қоронғу Саҳар туриб ошга бормайди. Мотамида у обрў учун Элни чорлаб зиёфат қурмас. Байрамида бел боғлаб уч кун Шамдек қотиб кўчада турмас..." Сўнг шеър поёнида ҳазил-мutoйиба, киноя-кесатиқ тарзида битилган ушбу сатрлар қаърида қанчалар алам-изтироб яшириниб ётибди:

*Гарчи биздан юз бор фаровон,
Гарчи биздан юз карра тўқдир.
Тўй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.*

*Бу сўзимни японга айтсам
Деди баттар қисиб кўзини:
— Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам,
Харакири қилар ўзини.*

"Пуанкаре" новелласини ўқир эканмиз, икки улкан шоиримизнинг турмуш ташвишларига оид ҳазил-мutoйиба йўлида битилган сатрлари замирида қанчалар жиддий ички дард, муаммолар ётганига яна бир карра иқрор бўламиз. "Пуанкаре" новелласи муаллифи эса уни улкан ижтимоий фожа даражасига кўтариб, чуқур алам, афсус-надомат билан теран бадиий таҳлил этади.

Новелла қаҳарамони – зиёли олим айни илмий-ижодий изланишлар оғушида турмуш ташвишларини ҳам унутиб, бутунаси ноёб кашфиётлар шавқи, сурури, фикри-хаёлида юрган кезлари бирдан унинг ҳаётида кескин бурилиш юз беради, анъанавий тасмил – "ота-она

орзуси"га кўра уйланиб, оила, рўзгор ташвиши бўйнига тушади-ю, қайнана, келин истак-хоҳишлари, инжиқликлари, қариндош-уруғлараро зиммадаги сон-саноқсиз мажбуриятлар қаршисида ўзини йўқотар ҳолга тушади. Боз устига, "ўтиш даври" деб аталган тарихий жараён қийинчиликлари олим қисмати янада чигаллаштиради. Шахсан мен тенги зиёлилар ўша кезлари не-не ноёб истеъдод соҳиблари даврнинг оғир синовларига дош беролмай фан, ўқув юрти даргоҳларини тарк этиб, тирикчилик ғамида бошқа "ёғли"роқ соҳаларга ўтиб кетганликларига гувоҳимиз. Айни пайтда, ҳаёт зарбаларига дош бериб, муайян эсанкирашларга қарамай, охир-оқибат ўз касби-корига, улуғ муддао – идеалига содиқ қолганларни ҳам кўп кўрганмиз. Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романидаги Юсуф тимсолида ана шундай матонатли замондошимиз бисоти ёрқин ифодасини топган. Бошига тушган сон-саноқсиз кўргиликларга, тумуш машаққатларига қарамай, охир-оқибат у булардан ғолиб чиқади.

"Пуанкаре"даги зиёли – математик олим, "дунёдаги тирик даҳолар рўйхатида турувчи" Перельман билан беллашишга қодир ноёб истеъдод соҳиби – қаҳрамонимиз йўлидаги чигалликлар Юсуф бошига тушган савдолардан асло кам эмас. Бир қарашда у турмуш ташвишлари гирдобиде довлдираб, ўзлигини йўқотган ношуд-нотавон, омадсиз, аянчли кимсадек туюлади. Аммо синчиклаб разм солсангиз, сиртдан тирикчилик йўлида турли ҳаёт сўқмоқларида дарбадар кезган онларда ҳам у бир дақиқа бўлсин ўз жони-жаҳонини тиккан фан муаммоси – Пуанкаре жумбоғи устида ўйлашдан тўхтаган эмас. Тўғри, оила-турмуш ташвишлари унинг учун ғоят қимматга тушади, ўзи бошлаган тадқиқотини охирига етказиш учун имкон тополмайди, вақтида ишини ҳимоя қилолмайди, фан даражалари, унвонларига эришолмайди, йўлигагина буларга эришишни ўзи учун эп кўрмайди, инсоний ғурури бунга йўл бермайди. Болалик жўраси Тиркашнинг фақат ва фақат нафс илинжи асосига қурилган фаровон турмуш тарзини у асло ҳазм қилолмайди; илм-фан бобида эса чин илмий кашфиётлар эмас, шунчаки даража, мансаб-мартаба кетидан қувиб юрган ҳамкасблари қилмишидан ҳазар қилади. Умри поёнида дуч келган юз йилда бир бор туғиладиган ёш, ноёб истеъдод соҳиби – ўзи бошлаган ишни поёнига етказишга қодир зукко талаба-шогирди эса ишончини оқламай, айни истеъдод ғунчалари очиладиган бир паллада, ҳудди ўзи каби у ҳам ота-она райи билан уйланиб, оила қуриб "турмуш ташвишлари" оқимига тушиб, илм-фандан юз ўгириб кетиши олим дилини – умидини тилка-пора қилади... Рус олими Григорий Перельман Пуанкаре гипотезасини ҳал этагани ҳақидаги хабар фикру ҳаёлини остин-устун қилиб юборади. Ўша дақиқалардаги олим дарду дунёси, оху зорларини, Аллоҳга қилган нолаларини



тинглаб ўқувчи қалби ларзага тушади, уни аламли ўйларга ғарқ этади. Ахир, бу тўқсон-тўққиз бутун-у юздан тўқсон-тўққиз фоиз қаҳрамоннинг ечими-ку!!! Ахир, у тўғри йўлдан борган экан-ку. Сўнги ноль бутун юздан бир фоиз иш қолган экан-ку! Бир ойгина, йўқ, йўқ, кўпи билан бир ҳафтагина босим ўтириб, илм қилганидами, гипотезани ўзи исботлаган бўларди... Агар зукко талаба шогирд ҳам ёнида турганида, эҳтимол, ишни янада тезроқ ниҳоясига етказарди-ку, манзилга озгина, атиги бир қадам қолганди-ку. Қаҳрамон қалбидан отилиб чиққан мана бу алам, ўкинч-нолаларни тинглаб кўринг-а:

“Менга кўрсатган шунча жабринг каммиди, Яратганим? Нега мени шундай имкониятдан маҳрум этдинг? Нега оғзимдаги ошимни олдиришимга йўл қўйдинг... Нега? Нега, ахир? Гарчанд биламан, бу сенинг айбинг эмас, бироқ нима қилай, ўзим ўзимни айблайми? Ўзим ўзимни жазолайми? Бу билишим менга азоб-изтиробдан ўзга нима олиб келади, нима?..”

Новелла мутолааси поёнида ҳар бир дидли китобхон шундай аламли саволни, албатта, ўзига ҳам беради ва унга ўзича жавоб ахтаради. “Пуанкаре”нинг энг муҳим фазилати ана шунда.

Асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ундаги воқеалар новелла қаҳрамони – математик олим тилидан ҳикоя қилинади, ровий олимнинг исми эса айтилмайди, ровий бир пайтнинг ўзида ҳам олим-қаҳрамон, ҳам муаллиф дарду дунёсини, қалб туғёнларини, ўй-мушоҳадаларини ифодалайди, ҳаёт муаммолари, чигалликлари устида математик формулалар, эҳтимоллик назарияси қоидалари орқали фалсафий мулоҳазалар юритади, шу тариқа математик-фалсафий тасаввур, нигоҳ билан бадий тафаккурнинг ажиб бир уйғунлиги юзага келади. Унда постмодерн усул-услуга хос синтез – ҳужжатлилик, очеркизм, ижодий фантазия, рамзий ҳолат, ишоралар, руҳий таҳлилда изчил реализм тажрибалари билан ёндош ҳолда онг оқими аломатлари, ижодкор шахсининг қолипларга тушмайдиган тафаккур нағмалари – барча-барчасини кузатиш мумкин. Эҳтирос, ҳис-ҳаяжон шавқи бебошлиги оқибати бўлса керак, гоҳо ифода чоғида гап тузиш қоидаларидан четга чиқиб кетиш ҳоллари ҳам юз беради.

Юқорида айтилганлар асарнинг изчил таҳлили эмас, илк мутолаа чоғида туғилган ҳаяжон, ўй-мушоҳадалар изҳори, холос. Мазкур новелла муаллиф ижодида муҳим қадам, бугунги насримизда жиддий ҳодиса эканига, у маҳсус, теран таҳлил, хилма-хил талқинлар учун озук беражигига шубҳа йўқ.

2012 йил декабр



КИЧИК ЖАНРНИНГ КАТТА ИМКОНияТЛАРИ (Улуғбек Ҳамдам ҳикояларига бир назар)

Улуғбек Ҳамдамнинг Миллий университетимиздаги талабалик, сўнг аспирантлик давридан тортиб Тил ва адабиёт институтидаги илмий ходим, ҳозирда эса "Шарқ юлдузи"да бош муҳаррирлик лавозимларига қадар чорак асрлик жўшқин фаолияти шундоққина кўз олдимда кечди. Шу йиллар давомида у, аввало, илмий изланишларга мойил тадқиқотчи сифатида янги ўзбек адабиёти, хусусан, шеърини бўйича бирин-кетин салмоқдор мақолалар, китоблар эълон этди; айна пайтда ҳам шоир, ҳам носир, ҳам таржимон сифатида фаол қалам тебратиб келмоқда; айниқса, унинг насрий асарлари – ҳикоя, қисса, романлари эл оғзига тушди, улар атрофида баҳс-мунозаралар авж олди, "Мувозанат" романининг довури Америкагача етиб борди; "Исён ва итоат" романи, "Ёлғизлик" қиссаси, ўнга яқин ҳикоялари рус тилига таржима этилди; улар миллий танқидчилигимизнинггина эмас, рус ва русийзабон мунаққидлар эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. 2013 йили рус тилида чоп этилган "Забытая мелодия ная" ("Унутилган най навоси") тўпламида жамланган қисса, ҳикоя, муаллиф ижодида оид қатор мақолалар бунинг ёрқин далилидир.

Янги ўзбек насрининг тамал тошини қўйган Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар изидан бориб Улуғбек ҳам насрдаги ижодий машқини ҳикоядан бошлаган, бу борада муайян тажриба тўлагач, қисса, роман жанрларига қўл урди. Гарчи муаллифга қисса ва романлари кўпроқ шуҳрат келтирган бўлса-да, у ҳикоя жанрини асло тарк этгани йўқ; насрда кўз очиб кўрган, бу жанрга содиқлигича қолаётир.

Улуғбекнинг бахти-омади, аввало, шундаки, унинг талабалик, илм-фан, бадиий ижод майдонига кириб келиш йиллари миллатимиз тарихидаги буюк бурилиш, тафаккурда кескин ўзгариш, янгиланиш палласига – истиқлол арафаси, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш даврига тўғри келди. Ўтиш даврининг жамики товланишлари, зиддиятлари ёш филолог талаба, тадқиқотчи, иқтидорли ижодкор – шоир, носир, таржимон шуури, онгида қанчалар чуқур из қолдирганига унинг диплом иши ва номзодлик диссертациясига илмий раҳбар сифатида камина бевосита шохидман. Илмий ишларидан ташқари, унинг деярли барча ижодий машқларини қўлёзма ҳолида мутолаа қилиб борардим. Истиқлол туфайли миллат, хусусан, ёш авлод олдида жаҳон адабиёти, маданияти, санъати, илм-фанига очилган беқиёс имкониятлардан энг самарали баҳраманд бўлган шогирдларим-



дан бири Улуғбек эди, десам муболаға бўлмас. Боз устига, бир ўқув йилини у Туркияда, мавлоно Румий ҳаётининг энг сермахсул йилларини ўтказган, муқим макон топган Кўнё шаҳридаги университетда ўтказди; у ердан бир дунё билим – Ғарбу Шарқ, ҳам замонавий модерн, ҳам қадимий – тасаввуф фалсафаси, адабиёти, санъатига чексиз маҳлиёлик туйғулари билан қайтди. Мавлоно Румий қаламига мансуб "Ичиндаги ичиндадир" асари таржимаси унинг қарашларида янги уфқлар очди. Номзодлик диссертацияси мавзуси учун фанимизда бутунлай янгилик бўлган "соф лирика" муаммосини танлаши, уни Ойбек шеърияти мисолида қойилмақом қилиб адо этиши янгича адабий-танқидий тафаккурнинг жиддий ютуғи эди. Айни ўша кезлари 1998 йили "Ёлғизлик" номи остида чоп этилган тўпламидан ўрин олган қисса ва ҳикояларини ўқиб кўринг-а, уларнинг барчасида Улуғбек ва унга тенгдош, замондош, маслакдош ўтиш даври янги адабий авлод қалбида кечаётган янгиланиш, эврилишлар жамики қирралари, товланишлари билан намоён бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Етмиш йиллик мафкуравий тазйиқлар, қолип тусини олган мустабид тафаккур асоратларидан озод, эркин мушоҳада, ўз қалбида, атрофида юз бераётган жараёнларни ўзгача, янгича идрок этиб, ўзгача йўлларда талқин этиш ҳоллари Сизни ҳайратга солади. Қисса ва ҳикоялардаги ҳам дунёвий реалистик, ҳам ҳаёлий-романтик, ҳам сўфиёна-илоҳий талқинлар синтези – гармонияси асарлар поэтикасига айрича қиёфа бахш этади. Бетиним фикрловчи шахс ҳикояларнинг қаҳрамони тарзида намоён бўлади. Кўп ҳолларда асарлардаги ровий билан қаҳрамонни ажратиб бўлмай қолади. Бир қатор ҳикояларнинг монолог тарзида битилганлиги ҳам тасодикий эмас. Очиги, аксар ҳикояларида мен муаллиф Улуғбекнинг ўзини, шахсиятини, ҳаётига, таржимаи ҳолига оид воқеа, детал, тафсилотларни, ҳатто унга дахлдор макон-манзараларни кўргандай бўламан. Сир эмас, шу хил ҳолатлар "Мувозанат", "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар" романларида ҳам учрайди.

Яна бир муҳим жиҳат, ёзилган санаси 1992 деб белгиланган "Озодлик", "Табассум" сингари илк машқлари билан ўтган аср 90-йиллар охирлари, янги аср бошлари, айниқса, кейинги уч-тўрт йил давомида битилган ҳикояларига қиёсан назар ташласангиз, муаллиф бадиий тафаккурида бетиним ўзгариш, янгиланиш жараёни кечаётганлигига, миқёс – кўламнинг тобора кенгайиб бораётганлигига амин бўласиз.

Авалгидек, янги ёзилган ҳикояларида ҳам ҳаёлот билан реалик, туш ва ўнгда кечган ҳодисалар ёндош ҳолда келади, ҳодиса-

ларни хилма-хил ракурсларда туриб ёритиш анъанаси давом этади. Аммо янги ҳикоялардаги ҳодисалар талқини, фалсафий-бадний мушоҳадалар кўлами хийла кенг, теран. "Кўнглимдаги дарё", "Унутилган най навоси", "Кўзини очиб юмган одам", "Пиллапоя", "Бир оғиз сўз", "Бир пиёла сув", "Мусулмон" ҳикояларининг ҳар бирида романга арзигулик теран поэтик маъно мужассам. Жанрнинг кичик жуссаси, елкасига романга хос салобатли юк ортилган. Энг муҳими, уларда сўнгги йиллар адабиётимизда, қолаверса, жаҳон адабиётида ҳам тансиқ бўлиб турган ўзида юксак идеалларни ташувчи, идеалга интилувчи қаҳрамонлар бирин-кетин бўй кўрсатаётир. Чунончи, «Кўнглимдаги дарё»да шаҳарнинг тигиз муҳитига сиғмайдиган, бошқача, эркин яшаш, ишлаш, ҳамма-ҳаммасини ўзгартириш истаги билан ёнган қалби дарё одамнинг ўй-мушоҳадалари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. "Пиллапоя"даги қаҳрамон ўзгалар, ҳатто устозлари интилган манзилларни ҳурмат қилган ҳолда, улардан фарқли ўлароқ, ҳали ўзи ҳам тузукроқ англамайдиган ғаройиб мўъжиза томон интилади. "Бу мўъжиза ўзимгача мавжуд бўлган ҳар қандай ҳақиқатдан юксакроқ ва кучлироқ туюларди мен учун" дейди у. Ниҳоят, "Мусулмон" ҳикоясида эгизак ака-ука Ҳасан билан Ҳусан орасидаги диний эътиқод ва реал ҳаёт, бу ёруғ дунё гултожи аталмиш инсон олдидаги бурч муаммосига ёндашув хусусида бутун асар давомида реаллик ва қисман сирли-сеҳрли ғаройибот орасида кечган воқеа-ҳодисалар, баҳс-мунозаралар ифодаси, талқини, охир-оқибат, инсон ҳимматининг устуворлиги, асарга эпиграф қилиб олинган ҳазрат Навоийнинг "Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай" деган шох байти тасдиғи билан якунланади...

Бошқа ҳикояларида ҳам айна шу инсонийликка оид мотивларнинг ўзгача кўринишларига дуч келамиз. "Унутилган най навоси" Ватан туйғусининг муқаддаслиги, ўзга юртда топилган бахт, омад, эришилган мансаб-мартаба, орттирилган бойлик, оила, фарзандлар – барча-барчаси омонат, ўткинчи экани хусусидаги хулосалар қадрдон хазин най садоси остида бетакрор тарзда ифода этилади. Асар қаҳрамонининг мана шу аччиқ ҳақиқатни чин дилдан ҳис этиб, изтироблар оловида ёнишининг ўзи катта гап, ўзгалар учун жиддий сабоқ.

"Бир оғиз сўз"даги фароғат оғушида турган эрнинг беҳос умр йўлдоши оғзидан чиққан бир ножўя сўз туфайли алам-изтироблар оловида қоврилиши тафсилотларида сизу биз кутган ҳодиса юз бермаганидан огоҳ топиб, бир чеккаси ажабланамиз; оқил, босиқ одам ўша топдаги изтиробларини ичига ютади, ҳар қанча ичдан



ўртанмасин, мурсою мадора йўлини тутати. Ахир, ота романимиз қахрамони донишманд Юсуфбек ҳожи чала-думбул умр йўлдошининг беандишалик билан айтган сўзлари, хатти-ҳаракатларига бир умр чидаб ўтади-ку! Ҳикояда шу мўътабар анъананинг янгича талқинини кўриб қувонасан киши. Ҳозирда синергетика – мурсо-ю мадора фалсафаси деб аталаётган ақидасиз ҳаёт кечириб бўлмайди-ку, ахир.

Тамомила ўзгача – ривоят усули, услубида битилган, поэтик тусилиши, инсон қисмати, маъно кўлами ифодаси жиҳатидан “Наъматак”ка яқин турадиган “Сафар”, “Ватан ҳақида кўшиқ” – на анъанавий, на модерн, на постмодерн қолипига тушмайдиган ҳикоялар муаллиф ижодида янги бир тамойил бошланаётганидан далолат бўлса ажаб эмас. Қаранг, чексиз уммон бағридаги оролда яшайдиган, аслида бир ота-она авлодлари бўлмиш икки қабила орасида юз йиллардан бери давом этган ўзаро адоват, ким ўзарга кечган шуҳрат илинжидаги бемаъни мусобақа ҳар икки қабиланинг ҳам тинка-мадорини қуритади, охири Аллоҳ инъом этган табиий захира бойликларни емиради, ҳалокат ёқасига келтиради. Ниҳоят, икки қабиладан отилиб чиққан икки зот – йигит ва қиз аччиқ, бешафқат ҳақиқатдан сабоқ чиқариб одам зоти учун юборилган муқаддас китобни қайта ўқиб, янгича идрок этиб янгидан ҳаёт бошлашга жазм этади... Бу ривоят бугунги кунда ҳам жаҳоннинг турли минтақаларида давом этаётган аслида бир Ота ва Она авлодлари бўлмиш зотлар орасидаги адоват, қирғин доялари учун огоҳлантирувчи бонг каби янграйди. “Сафар” ҳикоясининг мантикий давомидек туюлган “Ватан ҳақида кўшиқ”да қаттол душман қамали туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолган юрт фуқаролари ўз орасидан чиққан донишманд, тадбиркор юртбоши атрофида уюшиб, бир жон, бир тан бўлиб ҳаёт-мамот жангида жонини қурбон қилган йигит шижоатидан ибрат олиб, курашга отланган ҳалойиқ, охир-оқибат, тенгсиз жангда ғолиб чиқади, Ватан озодлигига эришади.

Улуғбекнинг айнан шу “қаламнинг қайроғи” деб ном олган кичик жанрда салкам чорак асрдан бери қалам тебратиб, бетиним изланиб, унинг янгидан-янги имкониятларини кашф этишга уринаётгани, жумладан, ўртача ҳикоя ҳажмида “мини роман” намуналарини яратишга эришаётгани ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

2013 йил октябр

УЧ ҲИКОЯ ТААССУРОТИ

Университет аудиториясида, адабий анжуманларда гоҳо талабалар, адабиёт ихлосмандлари мандан: "Нодир Норматов сизнинг укангиз бўладими? Фамилияларингиз бир, кўринишдан, бўй-бастларинг куйиб қўйгандек бир-бирларингга ўхшаш-а..." деб савол берардилар. Мен уларнинг саволларини ерда қолдирмай, "Ҳа, шундай, оға-инимиз, аммо фақат адабиёт оламида" дея ҳазил аралаш жавоб қилардим, сўнг ўзим ҳам шундай савол устида ўйга толардим. Мен Фарғонанинг Рапқон қишлоғида, Нодиржон эса Сурхондарёнинг Шеробод туманига қарашли Пошхурд қишлоғида дунёга келганмиз. Тўғри, амакиларимиздан бири ўтган асрнинг 30-йиллари тақдир тақозоси туфайли оиласи билан Сурхондарёга кўчиб бориб, ўша ерда қолиб кетган. Аммо улар оиласи Шерободда эмас, Сариосиёда маскан топган. 60-йилларга қадар борди-келдимиз бўларди...

Нодиржонни мен ўзим учун қадрдон маскан – Миллий университетда таълим олган йиллари илк ижодий машқлари, хусусан, ҳикоялари орқали таниганман. Шунга ҳам қирқ йилдан ошибди. "Кўҳи-танг ҳикоялари", "Бисот", "Жазо", "Жарлиқдан қушлар учди". "Дарахт тагидаги одам", "Исмоил тоғанинг тарозиси" каби қиссаларини, "Баригел", "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" романларини ўз вақтида муталаа қилганман, улар ҳақида сўз айтиш, ёзишга чоғланганман, аммо негадир, қандайдир сабаб, баҳона туфайли бу ниятлар амалга ошмай қолиб кетган. 2012 йили чоп этилган "Бисот" деб номланган қиссалар, ҳикоялар мажмуасини муталаа қилатуриб улар ҳақида дилдаги ўйларимни ўз вақтида ёзмаганим учун афсусландим. Адабиётшунос дўстим Иброҳим Ғафуровнинг тўпламга сўзбоши тарзида битилган "Нодирнинг ойтоши ёки Сурхон руҳи" сарлавҳали мақоласини ўқиб завқландим, айна пайтда ўз "гуноҳим"ни ювиш учун иним ҳақида икки-уч оғиз сўз айтишга аҳд қилдим.

Иброҳимжон айтган гапларни такрорламай, укамизнинг илк ижодига оид ўз вақтида мени ўйга толдирган, ҳаяжонга солган "Бир куни чумоли бўлиб..." ва энг сўнгги икки ҳикояси – "Кўча эшикнинг нақшин гуллари" ҳамда "Заҳармуҳра" устидаги ўй-мушоҳадаларимни изҳор этишга жазм этдим. Бундай танловнинг боиси шундаки, "Бир куни чумоли бўлиб..." Нодиржоннинг энг сара асарларидан намуна сифатида камина таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган "XX аср ўзбек ҳикояси антологияси"дан, "Заҳармуҳра" эса "Истиқлол илҳомлари" – "Озод Ватан саодати" мажмуасидан муносиб ўрин олган. "Кўча эшикнинг нақшин гуллари" эса ўшандай мўътабар жамоа тўпламларига арзигулик гўзал ҳикоядир.



“Бир куни чумоли бўлиб...” ҳикояси 1979 йили Нодиржоннинг айнан навқирон йигитлик палласида – 29 ёшида ўзи яшаётган ҳаёт муаммолари, турмуш ташвишлари, у дунёю бу дунёнинг беадад жумбоқлари, қувончу бедодликлари устида адоқсиз ўй-мушоҳадалар гирдобига ғарқ бўлиб юрган кезлари қоғозга тушган. Ҳам ҳаётий, ҳам ҳаёлий – фантастик руҳдаги бу асар журналист йигит тилидан ҳикоя қилинади. Йигит туғилиб ўсган қишлоғига паришон ҳолда қайта туриб, қадим қабристон ёнидаги йўлакда буталар ёнида чумолилар қатновига кўзи тушади; қизиги, қулоғига уларнинг ғаройиб оҳанг-товушлари, сўзлашувлари эшитилади. Ғужғон бўлиб ҳаракатланаётган бу митти жониворларга хос тартиб-интизом йўловчи йигитни лол қолдиради; бу қатнов йўлида бирорта бетартиб, қонунбузар йўқ, айниқса, юкдан бўшаган оғизларини енгилгина силкитиб, бир-бирига салом бериб ўтаётган ёш чумолиларга одамнинг ҳаваси келади. Шунда йигит “Қойил” деб юборади. Кутилмаганда ўша чумолилардан бири тилга киради, у билан йўловчи йигит орасида ажойиб мулоқот – гурунғ бошланиб кетади. Чумоли сўзи, изоҳидан маълум бўладигани, йигит боя булоқ бўйида беҳос гиёҳи беҳишдан егани учун чумолилар тилини англайдиган бўлиб қолган, суҳбатдош чумоли берган маълумотга кўра, унинг сафдошлари илдизи асли одамзод наслидан – қабристонда ётган табарруқ зотлар бош миясида бу дунёда ишлатилмай қолган беҳисоб зарралардан, ноёб туйғулар хазинасидан дунёга келган... Қаранг, ҳаёлий-фантастик асар сюжети учун асос бўладиган чиройли топилма-ку бу! Бундан ҳам муҳими, шу ноёб топилма бағрида айни ўз замонида ёзувчини ўйга толдирган, қийнаган, қалбини ўртаган дард, ўткир ҳаётий муаммолар мужассам! Чумоли тилидан ўз насли тарихи хусусида айтилган мана бу гапларга қулоқ тутиб кўринг-а: “Инсон суратида юрган пайтларимизда, – дея ҳикоя қилади у, – инсонлик ҳақ-ҳуқуқимиз тенг бўлса ҳам, уни суиистеъмол қилганмиз, яъни бир-биримизнинг кўзимизга чўп сукиб яшаганмиз. Мана энди чумолига айланиб қолганимизда, ўша хатоларнинг ўрнини босиш учун ўзимизнинг темир қонунларимизни яратганмиз. Бу қонун ҳаммага баробар. Биз қонунни инсончалик суиистеъмол қилмаймиз. Чумолиларнинг бирдан-бир мақсади шу.”

Чумолининг ақидасига кўра, инсон тили бу шартли, ўзи ўйлаб топган товушлар йиғиндиси, чумолилар тили эса табиий сезгилар асосига қурилган. Бутун тирик мавжудотнинг тили – бу сезгидир. Инсон ҳам бу сезгидан маҳрум эмас. Аммо у дунёнинг майда-чуйда ишларига шунчалик берилиб кетганки, натижада, сезгиларидан маҳрум бўлган... Инсон миясидаги сон-саноксиз сезгилар эзгу мақсадлар йўлида ишлатилмаса, ҳаракатга келтирилмаса, у ғафлат уйқусида қо-

лаверади. "Биз – одамзод қавмидан бўлган барча чумолилар, - дейди у асосий мақсадга ўтиб, – бир-биримиз билан мулоқотда бўлишга интиламиз... Ҳеч бўлмаганда, инсонликда қилган хатоларимизни, гуноҳларимизни англаш учун". Ниҳоят, у суҳбатдошига қарата энг асосий сўзини – бош мақсадини изҳор этади: "сенга ўхшаган гиёҳи беҳиштни еган (яъни чумоли тилини биладиган) инсонга билганларимни етказиш".

Чумоли билан мулоқот асносида журналист йигит қалби тубидаги нозик туйғулар жунбушга келади, у яшаб турган муҳит, замона тазйиқи остида кўп ҳолларда қалб тубида ётган эзгу туйғуларга зид ўлароқ, ҳақ гапни айтишга, ёзишга журъат этмаган, гоҳо шахсий манфаат йўлида ёлгонни ёзишга, йўқни бор деб айтишга, қорани оқ қилиб кўрсатишга мажбур бўлган. Шу тариқа фақат инсон зоти учун ато этилган сўз қадрини оёқ ости қилган. Йигитни ана шу муаммо қийнайди...

Шу тариқа ёзувчи ўтган аср 70-йиллари поёнида мамлакатда турғунлик деб аталган мужмал муҳит авжига чиққан замонда **ҳақ сўзнинг** чумоличалик ҳам қадри қолмаганлигига ишора қилади, тўғрисида ҳаёлий-фантастик ифода воситалари орқали сўз қадрининг оёқ ости бўлаётганидан кўнади, ёнади, бу хатарли жараёндан замондошларни огоҳ этмоқчи бўлади. Афсуски, фантастик ифода беғишга эга этилган ана шу инсоний дардни ўз вақтида биров англади ёки айтмади, гарчи англаган бўлса-да, у ҳақида бонг урмади, ўз асарида эл-юртни бу хатардан огоҳ этмади...

Анаб мен ҳам бу ҳақда орадан 36 йил ўтиб гапиряпман, ёзяпман. Саси эсти шунақа экан-да...

Биринчи таламига мансуб ҳикоялар адоғида ёзилган санаси кўрсатилмаса ҳам, мутолаа чоғида улар қачон ёзилганлигини осонгина билиб олавериш мумкин. Уларда ёзилган даврнинг нафаси, руҳи шундоққина сезилиб туради. Кўриб ўтганимиздек, "Бир куни чумоли бўлиб..." турғунлик даврининг маҳсули, ўша руҳдаги ҳикоя фақат ўтган аср 70-йиллари поёнида юзага келиши мумкин. Энди сўз юритмоқчи бўлган "Кўча эшикнинг нақшин гуллари", "Заҳармуҳра" ҳикояларида эса бугунги куннинг руҳи, нафаси шундоққина уфуриб турибди. "Кўча эшикнинг нақшин гуллари" бош қаҳрамони Асроркул отанинг Тошкентдек шаҳри азимда ўғил, келин, набиралари билан кечаётган тинч-тотув, тўқис-фаровон ҳаётини тарк этиб қариган чоғида болалиги кечган, аллақачон бегонага айланган киндик қони тўкилган она қишлоғига қайтиб, қолган умрини шу масканда танҳоликда ғарибона ўтказишга қарор қилиши, аллақачон бировнинг мулкига айланган ҳовлисининг четида ўзи учун бир кулба тиклаб, шу



масканда омонатини топшириш пайида барча кўргиликларга дош бериши шўро замони мезонлари билан қараганда турган-битгани ношукурлик, маънавий "қолоқлик" бўлиб туюлиши мумкин. Истиқлол йиллари қарор топган миллий, диний-исломий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашилса, қариянинг маънавий-руҳий майллари, авлод-аждодлари яшаб ўтган табаррук маконда яратганга омонатини топшириб, аждодлари хоки пойи ёнида мангу қўним топишга бўлган майли, интилишларини тушуниш мумкин. Шуниси ҳам борки, қаҳрамонимиз бобоси Соҳиб кўкчи шу юртнинг табаррук сиймоларидан бўлган, 30-йиллари қулоқ бўлиб, юртдан қувилган, отаси эса урушдан қайтмаган, кейин онасидан жудо бўлган, ака-укаларидан қолмаган, уруш йиллари очликдан ўлиб кетишган, ўзи сўққабош ҳолда Тошкентга бориб қўним топган. Ана шундай машъум кўргиликлар хотироти-кечинмалари гирдобида Отахоннинг зулмат қоплаган кўнгли тубида бир ёрқин лавҳа чироқдек милтиллаб туради – болалиги кечган ҳовлининг ташқи дарвозаси – кўча эшикнинг нақшин гуллари бир умр кўз олдидан кетмайди. Шу нақшин гулларни кўмсаб бу ерларга келган. Аслида, шу эзгу ният, орзу-ҳавас рўёби йўлида отахон ҳар қандай кўргиликларга тайёр. Охир-оқибат, орзу-ният рўёбга чиқади. Энди у мамнун ҳолда омонатини топширади – жон таслим этади. Бир умрлик машаққатлар, ғам-андуҳлар соя солган маҳрум чеҳрасида энди бамисоли нур порлайди, у ўша топилма – кўча эшикнинг нақшин гулларига тикилиб ним табассум билан мангу уйкуга кетади. Шу тариқа гўзаллик туйғусининг ғалабаси жудолик, ғурбат, мусибатлар гирдобида кечган умр поёнига қўйилган гулчамбардай туюлади. Гўзаллик туйғусида ҳикмат кўп, азизлар. Нодиржон мазкур асарида шу ҳикматнинг янги бир қиррасини бадиий кашф этган. Ҳикоя шуни-си билан қимматли.

Истиқлол халқимизни мустабид тузумнинг беадад ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, диний, ҳуқуқий чекловларидан халос этиб чин маънода эркин нафас олиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Қисқа муддат – салкам чорак аср давомида мамлакатимизда эришилган буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари фақат ўзимизни эмас, холис ниятли жаҳон афкор оммасини ҳам лол қолдирмоқда. Минг афсус, шундай ҳайратомуз янгилианишлар жараёнида киши табини тирриқ қиладиган кўнгилсиз ҳолатлар ҳам содир бўлиб турибди. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат бераётирки, эркинлик масъулият туйғуси билан ҳамроҳ бўлганидагина қадр топади, масъулият унутилдими – у ўша шахснинг маънавий тубанлашуви – аввало, қонун, Ватан, жамият, миллат, қолаверса, оиласи, ота-онаси, ака-укалари, фарзандлари олдидаги бурчини унутиш, шахс сифати-



да тубанлашиш, инсонлик шаъни, ор-номусини топташ, охир-оқибат, жиноят, хиёнат томон юз тубан кетиш учун йўл очади. Бугунги кунда бу нохуш ҳодисанинг фожеий оқибатларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Узоққа боришга ҳожат йўқ, республика телевидениесининг бош "Ўзбекистон" каналида шундай мудҳиш кечмиш-кечирмишлар оқибати ҳақида ҳикоя қилувчи махсус кўрсатувлар мунтазам бериб борилаётир. Айни пайтда, адабиётимизда айни шу мавзу-муаммога бағишланган талай ҳикоя, қисса, романлар яратилди, яратилаётир. Нодиржоннинг "Заҳармуҳра" ҳикояси шулар жумласидан.

Ҳикоя қаҳрамони Жонмурод эркин замоннинг эркатои ўғли. Унинг тайинли иш жойи йўқ. На она, на оиласи, умр йўлдоши, фарзандлари олдидаги бурчи, масъулиятини ҳис этади, на ўзининг инсонлик қадрини билади; у эркин нафс бандаси, фақат енгил ҳаёт – осон пул топиш йўлидан юради, ўзини бозорга уради. Сердаромад иш қидириб Россияга боради, сўнг олиб-сотарлик қилади, маиший бузуқлик кўчасига киради, онаизорининг отаси хотираси билан боғлиқ оддий истаклари ижросини пайсалга солади, шу тариқа у бора-бора бебурд, ҳам жисмоний, ҳам руҳий хаста кимса ҳолига тушади. Ниҳоят, ҳалокат ёқасида турган ўғлон – Жонмуроднинг ота билан хаёлан учрашувлари, мулоқотлари, бахши отанинг ўз пушти камарига айтган беозор ўғитлари, хусусан, дилнаво қўшиқлари ўғлонни хушёр торттиради. Ота вафотидан сўнг у турмуш ташвишлари билан бўлиб ўлан базмларини унутиб юборган эди. Бахши ота қуйлаган мана бу сатрлардан ўғлоннинг қарахт вужуди титраб кетади:

*Анал билан Мансурга қурган дормиди,
Тирик айрилган бир кўргани зормиди,
Юр, чирогим, дейди, мени қўймайди,
Сенда ота, менда ўғил бормиди?*

Ёзувчи шу ерга келганида: "Жонмуроднинг кўзларидан ёш қуйилди" деб ёзади. Охир-оқибат, ота айтган қўшиқ сатрларидан хушёр тортган ўғлон – аслида бахши шоир вориси ўзлигига қайтиб Ота айтган қўшиқни беихтиёр давом эттиради:

*Йиғлаганда ёш ёғилар юзума,
Қулоқ сол, отажон, айтган сўзума,
Кетдинг, сенга бу дунё ўзи тормиди,
Сенда ўғил, менда ота бормиди?*



Пировардида ҳикоянавис шуни хабар қилади: "Шунда...шунда унинг юрагидаги оғриқ кўйиб юборди. Аммо кўзларидаги ёш ҳали-бери тўхтамайдиганга ўхшарди".

Муносиб ва ажойиб хотима – ечим. Худди олдинги ҳикоя – "Кўча эшикнинг нақшин гуллари" каби санъат асари – бирида нақшин гуллар, иккинчисиде эса бахшиёна кўшиқ сатрлари асардаги мушкул муаммо, жумбоқ – чигалликларни бартараф этишнинг олтин калити, аниқроғи, ўғлон вужудини заҳарлаган иллатлардан халос этувчи "заҳармуҳра" дори-дармон вазифасини ўтайди. Бошқачароқ қилиб айтганда, гўзаллик, нафосат, чин шеърят, оташин наво кирланган қалбни поклайди.

Хийла кечикиб бўлса-да, ийижоним Нодиржонни ана шундай ноёб бадиий топилмалар билан қутлайман.

2015 йил апрел

ШОИРНИНГ ҲАРОРАТЛИ СЎЗИ

*(Ўлугбек Ҳамдамнинг "Янги инсон"
достони хусусида ўй-мушоҳадалар)*

XX аср янги ўзбек адабиёти миллат олдидаги тарихий миссиясини аъло даражада адо этди, қисқа фурсат ичида замонавий жаҳон адабиёти билан бўйлаша оладиган асарлар яратишга муваффақ бўлди; энг муҳими, уларда миллатнинг асрий орзулари – унинг шаъни, эрки, озодлик ғоялари, дарду дунёси, оху зорлари изҳор этилди; миллатни ғафлат уйқусидан уйғотиш, ўзлигини англатишга, эрки, озодлиги учун курашга чорлов чин асарларнинг етакчи мотивига айланди. "Қизил империя" деб аталган мустабид тузум бошда мазлум халқларга озодлик ваъда қилган эди, аммо ваъдалар ёлғон бўлиб чиқди, оёқдаги кишанлар парчаланмади, халқ бошида ўйнаган қамчилар синмади. Шунда даврнинг виждони саналмиш Шоир саросимада қолган эли кўнглига мурожаат этиб: "Кўнгил, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг? На фарёдинг, на додинг бор, нечун сен мунча сустлашдинг?" деган саволни кўйиб "Тириксан, ўлмагансан, сен-да одам, сен-да инсонсан; Кишан кийма, бўйин эгма, Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсан!.." дея ҳайқиради. Мустабидлар зулмига, зулм туғдирган мутеликка қарши исён туйғуси етмиш йиллик миллий адабиётимизнинг етакчи мотивига айланди; бу оташин ғоя кўплаб наср ва шеърят дарғалари ижоди оша мустабид тузум ҳалокати



арафасида дунё юзини кўрган "Жимжитлик", "Лолазор", "Тушда кечган умрлар", "Отамдан қолган далалар", "Маймун етаклаган одам" орқали ўз интиҳосига етди.

Айни пайтда ўзига, ўзгаларга талабчан адибларимиз эришилган ютуқлардан асло қониқиш ҳосил қилмадилар; улкан сўз устаси Абдулла Қаҳҳор "Биз классик деб атаётган асарларимиз Тўйтепадан нарига ўтмаяпти", дея ўқинса, ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов ўз овози икки дарё оралиғида қолиб кетаётганидан зорланади...

Тан олиш даркор, ўша йиллари бизда ҳам фақат миллат дарди билангина чекланиб қолмай умумбашарий муаммолар акс этган асарлар ҳам яратилди, "Улуғбек хазинаси", "Кўҳна дунё", "Авлодлар доवони", "Даврим жароҳати", "Жаннатга йўл", "Рухлар исёни", "Инсон" қасидаси шулар жумласидан. Сира ёдимдан чиқмайди: ўтган асрнинг 80-йиллари Украинада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунларида муҳташам саройда "Инсон" қасидасидаги башариятга хитобан айтилган "Миндинг илм нарвониға, Чикдинг фунун осмониға, Бу жаҳон айвониға, Аркон ўзинг, вайрон ўзинг. Заррани ижод этиб, Даҳшат бало бунёд этиб, Оқибатни ёд этиб Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг" сатрлари янграганида, залдаги томошабинлар ларзага келган эди. Шундай асарлар битишга қодир адибларимиз бор эди. Лекин ўша кезлари миллат дардини жаҳоний муаммолардан устун деб билган миллий адабиётимиз намояндалари, бош мақсаддан четлаб кетмаслик учун бўлса керак, бундан ўзини тийиброқ турдилар...

Ниҳоят, бош мақсад, асрий орзу рўёбга чиқди, мамлакатимиз мустақилликка эришди, ўтиш даври қийинчиликлари ортда қолди, она юртимизда ҳар жиҳатдан жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари сафидан ўрин олиш ҳаракати бошланди; бундай қутлуғ ҳаракатнинг дастлабки самараларини жаҳон эътироф этмоқда, мустақил Ўзбекистон, унинг юртбошиси овозига жаҳоннинг мана мен деган арбоблари қулоқ тутмоқда.

Учинчи минг йилликнинг дастлабки ўн йили арафасида Президентимизнинг адабиёт аҳлига йўллаган мурожаатида умумбашарий аҳамиятга молик шундай даъватлар бор: "Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янгидан-янги уфқлар очиши билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башарият эртасини ўйлаб одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, ёзувчи "Эй, одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшайсан, инсон деган номга муно-



сиб бўлиш учун нима қиялпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади”.

Камина ярим асрдан мўлроқ адабий жараён ичида юрган бир мунаққид сифатида дадил айта оламани, бундай даъват сўз санъатининг айти ҳозирги кундаги умумбашарий миссияси хусусида топиб айтилган мардона сўзлардир. Миллий адабиётимизнинг кейинги икки-уч йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, адабларимиз, хусусан, мустақиллик йилларида шаклланган адабий авлод ҳар жиҳатдан ана шундай умумбашарий муаммоларни дадил кўтариб чиқишга тайёрдирлар. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре” новелласи, Улуғбек Ҳамдамнинг туркум фалсафий ҳикоялари, “Янги инсон” достони бунинг ёрқин исботидир. Уларнинг айримлари ҳақида ёзилди, ёзилмоқда, улар теварагида қизғин баҳс-мунозаралар кетмоқда, бу асарлар фақат ўзимиздагина эмас, ҳозирданоқ хорижда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Бу ўринда мен “Янги инсон” мутолааси чоғида кўнглимда кечган айрим ўй-мушоҳадаларимни изҳор этиб ўтсам дейман.

Қувонарли жиҳати шундаки, айти шу умумбашарий мавзу-муаммоларга бағишланган асарлар ҳам ифода, услуб, ҳам бадиий талқин жиҳатидан ранг-баранг. Чунончи, Исажон ҳикоя, романларида ижодий фантазия, рамзий ифода, имо-ишоралар усули етакчилик қилса, Улуғбек достонида эса ошкора публицистик талқин, замондош ўқувчи билан суҳбат, ўзаро мулоқот, баҳс-мунозара руҳи устувор. Шоир бугунги кун одамнинг, бинобарин, башариятнинг турли-туман манзараларини кўз олдимизда гавдалантириб, кўпроқ унинг зиддиятли, оғриқли жиҳатларига эътиборни тортади; “янги инсон” деб аталган истеҳзога лойиқ зот ким, у қаердан, қай тариқа пайдо бўлди, қаёққа қараб кетяпти, миллати, ранг-рўйи қанақа, фикри-хаёли, қўллари нима билан банд, энг муҳими, кўнгли қалай, кўнглида қандай дарди бор, деган ҳаёт-мамот аҳамиятига молик масалаларни ўртага қўйиб, оғриқли саволларга ўзича жавоб қидиради.

Шоирнинг бу мушкул саволларга жавоби аниқ-лўнда. Унингча: янги инсон ўзи билан банд; янги инсон ўз юрагидан отилиб кўчага чиқиб кетган, у кўнглида яшашни хоҳламай қўйди, чунки ташқарида яшаш осон туюлади унга. У комфортга сиғиниб, шундай аҳволга тушди, жаминики кўргиликлар шундан бошланди, энг ёмони, вужудидаги илоҳий Жавҳардан узоқ тушди. У ёғи техника тараққиёти-ю, ахборот асрининг қасирғалари, бу ёғи ГМО маҳсулотлари истеъмоли янги инсонни қуюшқондан чиқарди; натижада, “Бисфенол А” ўз кучини кўрсатди, кўрсатаёпти; эркак ва аёл вужудида андроген гармонининг посангиси

ўйнаб кетди... Сўнг шоир бу мудҳиш ҳодисанинг мудҳиш манзараларини кўрсатишга ўтади. Ҳамма бало шундаки, янги инсоннинг таври ўзгарди, сулуқати турланди: эркаги аёлга, аёли эркакка ўхшай бошлади; уларнинг роллари шунчалик қоришиб кетдики, хотин кўчада пул топиб, эр уйда бола боқиб, кир ювмоқда... Бундан ҳам ачинарлиси, янги инсон истеъмолчидир, шоир тасаввурида юҳодек истеъмолчи! Одамзод пайдо бўлгандан бери бундай еярмон, бундай ичармон ва бундай киярмон туғилмаган эди. Оламни бозорга айлантириб тўймаганлар энди одамни бозорга солмоқда. Унинг ДНКсига дахл қилиб, ўзга сифатли хилқатга айлантиришнинг йўлини қилаётирлар, уни Аллоҳ измидан чиқариб, ўзга йўриққа юрадиган, осон бошқариладиган кўғирчоқ роботга айлантириб ягона компьютердан юборилган буйруқ билан бошқариш режалари устида бош қотираётганлар бор. Янги инсон деганимиз бугунданоқ техниканинг, мобил телефоннинг, машинанинг жарангига маҳлиё бўлиб, қалби, руҳи компьютер тугмаларининг чиқир-чиқирларию таркибига ГМО қўшилган озиқ-овқатлар олдида таслим бўлмоқда, шоирнинг образли ифодасига кўра, улар томонидан асир туширилиб, ўз мамлакати – ичкаридан ташқарига – ёт ўлкага қул сифатида ҳайдаб кетилмоқда Янги инсон! “Учинчи минг йиллик ана шундай бошланди, замондош...” дейди шоир алам билан.

Бир қарашда, шоирнинг даъволари муболағадай туюлади. Аммо бу иддаолар ўқувчини ҳушёр торттиради, дўппини бошдан олиб жиддий ўйлаб кўришга, мушоҳада юритишга ундайди. Ҳозирги глобаллашув, фан-техника, информатика замонида унинг мўъжизавий неъматларидан юз ўгириш телбалик бўлар эди, айни пайтда, бу ҳодисанинг сон-саноксиз нохуш оқибатларини, хавф-хатарларини кўрмаслик ҳам гуноҳи азимнинг ўзгинасидир. Замонамизнинг оқиллари бу борада жиддий бош қотираётирлар. “Янги инсон” муаллифи ҳам бу хусусда ўз хавотирларини изҳор этиш баробарида нажот йўллари ахтаради Бу борада нажот йўли, шоир фикрича, ҳақиқатга тик қараш ва инсон зоти учун ато этилган муқаддас хилқат – кўнгил мулкига, оқилона тафаккур оламига қайтиш, Одам Атодан бошланган тарих тажрибасига таянишдан иборатдир.

Инсон зотининг, кўпинча, нарсаларни асл ҳолича эмас, ўзи истанганча кўришга мойиллигидан қониқмайди шоир; шу ўринда у “Нарсаларни менга асл ҳолича кўрсат, дея Оллоҳга йиғлаб илтижо қилаётган Пайгамбар ҳолатини ўйласам, титраб кетман”, деб ёзади. Ана шу сатрларни ўқиганда ўқувчи қалби ҳам титроққа тушади. Минг йиллар давомида аҳли донишлар адолатни излай-излай охир бир хулосага келган: “Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил” (Навоий), чунки “Ичингдаги ичингдадир” (Румий).



Демак, нажот йўли – кўнгил йўли; афсус, минг афсус, кўнгил мулки замона талотумлари туфайли вайронага айланган бўлса-чи?! Ташқаридан бешиб кўнгилда паноҳ топмоқчи бўлсанг-у, у ерда машиналару темир-терсакларга, компьютеру интернетга, бозордаги бақир-чақирлару кўчадаги аюҳанносларга дуч келсанг, дунёга қул бўлиб ёлланган нафсинг илинж билан тумшугини сўқир итдек ойга чўзиб увуллаб турса, дардингни кимга айтасан... Ахир, у ер инсоннинг асл маскани-ку, у ерда Аллоҳ бор! Шоир талқинича, инқилобий пўртаналар ана шу манзилга дарз солди, инсон руҳини йўқотиб қўйди, инсон боласи йўлсиз қолди; битта ҳақиқат – ягона Ҳақ бор эди, кейин бирданига ер юзида неча миллиард одам бўлса, шунча ҳақиқат пайдо бўлди; қачонлардир Биру Борнинг пойида илтижо қилган инсон "Худо ўлди" дея эълон қилдию ўз нафси қаршисида тиз чўқди...

Кишига алам қиладиган жиҳати шундаки, бу дунёда ўз фикрингга эга бўлмаслик – бахтсизлик, бўлиш эса – хавфли... Беихтиёр аро йўлни қидирасан... Ана сизга кўнгилга қайтишнинг машаққатлари, йўлсизликнинг фожиалари!

Достон муаллифи сизу бизни замоннинг ана шундай зиддиятлари, гирдоблари қаърига олиб киради. Ниҳоят, шоир қатъий хулосага келади: аро йўл чин нажот йўли эмас, аро йўлни тутиб, бора-бора ўзинг ҳам оломоннинг бирига айланасан. Иккиланадиган давр эмас, етти марта ўлчаб бир кесадиган пайт келди. Йўқса, юракларга ваҳшат солиб, тасаввуру хаёлларга тажовуз қилганча яқинлашаётган Супер одам бўламиз. Нажот йўли, аввало, ана шу бало-қазолардан ўзингни ҳимоя қилиш, ўзингни ҳимоя қила олсанг, миллатни, башариятни ҳимоя қила оласан. Ўзини ҳимоя қила оладиган инсон бу – ўз юрагини қўрий оладиган инсон. Ўзингни, қалбингни асраш билан курраи заминни, бутун инсониятни асраган бўлиб чиқасан!

Пировардида шоир ўз қалби тубига хаёлан разм солади. Ботинда эса яратганнинг ўзи жойлаган Жавҳар ўзини намоён қилиб илоҳий дастур садоси янграй бошлайди:

*Ташқаридан-кўчадан,
шовқиндан-сурондан,
темирдан-терсакдан,
моддадан-кесакдан...
ўз юрагини қўрий олган инсонгина инсон,
Ҳазрати Инсон!
Чунки,
чунки фақат шундай юракдагина
Биру Бор яшайди,*



унинг ўзи – Инсон истиқомат қилади!
Ва у турланмайди,
ва у тусланмайди,
ва ҳар янги кунда
буқаламундек бошқа тўн киймайди!..

дея хайқиради у.

Ажаб ҳол: дoston поэтикаси бошдан-оёқ ана шундай тигиз, зид-диятли ҳолат-манзаралар, фикр, ўй-мушоҳадалар, кўнгил туғёнлари силсиласи асосига қурилган; вазият, ҳолат, қалб драмаси қанчалар тигиз, қалтис, таҳликали бўлмасин, асар лирик қаҳрамони улар тўзони ичра куйиб-ёниб бетиним нажот йўлини излайди, башариятнинг мангу тажрибалари – ҳам ҳаётий-дунёвий, ҳам диний-илоҳий, ҳам тарихий-адабий, ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятларни бир-ма-бир сарҳисоб қилиб, охир-оқибат, нажотни мустақил мамлакатимизда аллақачон шiorга айланиб кетган **маънавият – енгилмас куч** деган ҳикматдан топади.

Бинобарин, дoston билан танишув поёнида ҳозирги шиддатли тараққиёт, иқтисодиёт имкониятлари юксак маънавият билан туташгандагина башарият чинакам саодатга эриша олади, акс ҳолда, уни олдинда қиёмат, жаҳаннам гирдоби қарши олади, деган ўй ўқувчи хаёлини қамраб олади.

Башариятнинг ҳозирги куни, истиқболи ҳақида ўта долзарб, ҳаёт-мамот аҳамиятига молик муаммолар устида ҳам ҳаётий-дунёвий, ҳам илоҳий қадриятларга таяниб изҳор этилган шоирнинг дил розлари, поэтик талқинлари ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди. "Тафаккур" журналининг ўтган йилги 3-сонида эълон этилган "Янги инсон" дostonи мана уч ойдирки адабий давраларда "Боқий дарбадар", "Озод", "Пуанкаре" асарлари қатори тилдан тушмай келаётир, унинг довуғи мамлакат сарҳадларидан чиқиб, хориждаги холис ниятли дўстларимиз қулоғига ҳам етиб борди. Қани энди, радио, телевидениемиз адабий ходимлари мазкур дoston асосида радио, телепостановкалар яратиб, шоирнинг дил розларини, башарият тақдирига доир оташин сўзларини кенг омма ҳукмига хавола этсалар, мутасадди шахслар эса унинг хорижий, чунончи, инглиз, испан, араб тилларига таржимаси устида бош қотирсалар, деган орзу-истак ила ушбу мақолага ҳозирча нуқта қўямиз, аммо унга оид кўнгилдаги ўй-мушоҳадалар, баҳслар давом этаверади...

2013 йил январ



ДУНЁ КЕНГЛИГИГА СИФМАЙДИ КЎНГИЛ...

Таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг “O‘zbekiston” нашриётида чоп этилган “Ўтли руҳ” номли ихчам ва кўркем шеърий тўпламини мутолаа қилар эканман, беихтиёр миллий шеъриятимизнинг ҳозирги кўлами, ранг-баранг манзараси, қолаверса, биз бугун **янги ўзбек шеърияти** деб атаётган ҳодисанинг босиб ўтган бир асрдан мўлроқ ривожига теаврағида кечган баҳс-мунозаралар кўз олдимдан ўта бошлади.

Тарих учун қисқа бир фурсат давомида бу қадар ўзгариш, янгилаш, бу йўлдаги адашиш, йўқотиш, хатолар, хилма-хил, бир-бирига зид талқинлар; айна пайтда ноёб топилмалар, бадиий ихтиро-кашфиётлар... Минг йиллик мумтоз шеъриятимиз анъаналари, жумладан, аруз теаврағида кечган қизғин баҳслар; халқ оғзаки шеърияти, айна пайтда, замонавий жаҳон адабиёти тажрибалари томон кескин юз ўгириш туфайли миллий поэзиямиз бисотида юз берган туб янгиланиш, анъанавий тасаввуф, дунёвий ва илоҳий ишқ-муҳаббат ғояси ўрнига бевосита кундалик турмуш, маиший ҳаёт, жамият ҳолати, шахс эрки, озодлиги мотивларининг етакчи ўрин эгаллаши; шўро тузуми даврига келиб шўровий ғоялар тарғиботининг авжига чиқиши, айниқса, ўтган асрнинг 30-50-йилларида адабиёт соҳасида олиб борилган машъум мафкуравий сиёсат бадиий ижодда, хусусан, лирикада оғир асоратлар қолдиргани; фақат шўровий мафкура билан йўғрилган “ижтимоий шеърият”гина тан олиниб, асрлар оша башариятга йўлдош, руҳий ҳамроҳ, дил изҳори бўлиб келган “соф лирика”га қарши уруш эълон қилиниши, оддий ишқий шеъриятдан ҳам шўровий талқин, ижтимоийётга алоқадор жиҳатлар талаб этилиши... Айни шундай сиёсат тазйиқи остида ўша кезлари ясалган сон-саноксиз журнал-у мажмуалар қатида қолиб кетган – ўта ибтидоий, кулгили “ижтимоийлаштирилган” сатрларни бугун ўқиб ҳайратдан ёқа ушлайсиз... Ўша давр танқидчилигида “соф лирика” намуналари шоирнинг “ўз қобиғи”га ўралиб қолиши, “жўшқин совет воқелиги”дан чекиниши, шахсий, интим туйғулари доирасидан нарига ўтолмаслиги, энг ёмони, бу ҳол “реакцион романтизм” намояндаларининг “салбий таъсири” оқибати дея баҳоланди.

Фақат мустақиллик йилларидагина бундай жоҳилонга талқинларга чек қўйилди. Жумладан, ёш шоир, носир, адабиётшунос-тадқиқотчи Улуғбек Ҳамдамнинг 1997 йили муваффақият билан ҳимоя қилинган “30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърлари мисолида)” мавзuidaги диссертациясида Ойбекдек беназир шоирнинг “соф лирика”си асл моҳияти теран очиб берилди. Айни шу тадқиқот орқали биз “соф лирика”нинг беназир намуналаридан бири



“Наъматак”нинг оқилона талқинини кўрдик; шоир бу шеърида сўз сеҳри орқали юксақда, шамолнинг беланчагида, виқор-ла ўшшайган қоя лабида қуёшга бир сават оқ гул кўтариб нафис чайқалаётган бир туп наъматак тимсоли орқали табиат гўзаллигига беқиёс мангу ҳай-кал ўрнатганига иқрор бўлган эдик.

Ўз вақтида муносиб қадрланмаган Ойбек ва унинг сафдошлари ижодий жасорати ўтган асрнинг иккинчи ярмида “эрувгарчилик” деб аталган ҳодиса оқибати ўлароқ майдонга чиққан янги авлод шоирлари ижодий тақдирига қанчалар ҳаётбахш таъсир кўрсатгани, мустақиллик йилларида эса ранг-баранг ҳаётбахш тамойиллар, ижодий изланишлар, жумладан, кўнгил лирикаси учун эшиклар кенг очиб қўйилганини кўриб қувонасан киши. Ҳаётбахш ижтимоий пафос билан йўғрилган, соф инсоний туйғу, шахсий дардни ижтимоий миқёсларга кўтарган, кўтара олган ёки ижтимоий миқёсларга шахсий, хусусий, интим кечинмалар орқали чиқиш йўлларини қидираётган шоирларимиз сафи кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Қисқаси, ошкора ҳаётбахш ижтимоий шеърият билан баробар, бир қарашда интим, аммо “ўтли рух” уфуриб турган соф кўнгил лирикаси, дунё кенгликларига сиғмайдиган қайноқ, бетакрор инсоний кечинмалар ифодаси ҳам бугунги кунда башарият учун сув билан ҳаводек зарур эканига энди-энди иқрор бўлаётирмиз. Фарбу Шарқнинг жаҳонга машҳур шоирлари бисотида буни тасдиқлайдиган поэтик далиллар бисёр.

“Ўтли рух” тўпламидан ўрин олган катта-кичик 200га яқин шеърдан фақат биттасида мана бундай ошкора ижтимоий рух изҳор этилган сатрларни ўқиймиз:

*Сабри олтин бўлган озод Ватанда,
Нихоят, Ҳумолар бошга қўнганда,
Кўнгил алёр айтди вужуд кулганда,
Тўйиб яшагандай бўлдим чаманда,
Ҳой, сиз бошга қиров*

*қўнган дўстгинам,
Ҳой, сиз қуёшга
етган дўстгинам.*

*Кўзим ўнгидадир,
Кўзим ўнгида...*

Дарҳақиқат, бу сатрлар озод Ватанда умрининг кўп қисми машъум замонларда кечган, сочлари оқарган чоғи эса бошга Ҳумо қўнган



бир паллада шоир учун кўнгил алёрини айтиш, дилда кечган ҳамма гапларни тўкиб солиш имкони очилганидан чексиз мамнуният изҳоридир.

Ўткиржон истиқлол йилларида жамоат арбоби сифатида танилди, масъул лавозимларда хизмат қилиб истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида фаол иштирок этиб келяпти; ўн йилча “Қишлоқ ҳақиқати”, сўнг мамлакатимизнинг бош газетаси “Халқ сўзи”ни муваффақият билан бошқармоқда. Улкан ва қайноқ ижтимоий силсилалар ичида – гирдобда юрган жамоатчи шоир “Ўтли рух”даги шеърларида тажассум топган интим ўй-мушоҳадалар, кўнгил нағмалари изҳори учун имкон топиши бугунги адабий жараёндаги қувончли ҳодиса, истиқлол ато этган ижодий эркинлик имкониятларидандир. Тан олиш жоиз, Ўткир Раҳматнинг қатор тўпламларида соф кўнгил лирикаси билан бир қаторда ошқора публицистик ижтимоий руҳдаги битиклар ҳам истаганча топилади. Улар танқидчиликда муносиб баҳосини олган. “Ўтли рух” эса айни “соф кўнгил” шеърларидан ташкил топган. Аслида, сўз санъати, хусусан, лирика бу – тилсим, англаб бўлмас сир-синоат! Беназир шоир Чўлпон 1927 йили шеърятга жоҳилона ёндашув жазаваси бошланаётган кезлари Ҳенрих Ҳейненинг мана бу тўртилигини бежиз таржима қилган эмас:

*Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Мени алқамаган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда...*

Оддий ҳаётий муносабатлар чоғи ўзгаларга оддий мулоқот тилида сўзлаб беришга “арзимайдиган” шахсий кечинма, қувончлар назм тилига кўчирилса, санъат ҳодисасига айланса, ўзгалар кўнглига олов солиши бор гап! Бу хил шеърлар руҳий-маънавий, мафкураравий-тарбиявий таъсир кучи, аҳамияти жиҳатидан соф ижтимоий йўналишдаги битиклардан асло кам эмас! Бунинг устига севги-салоқат, вафо, ҳижрон, оламнинг, она табиатнинг сир-синоати устидаги ўй-мушоҳадалар изҳори, талқинининг чек-чегараси йўқ, неча асрлар давомида не-не даҳолар қаламга олган анъанавий мавзуларни ҳар бир адабий авлод вакили, аниқроғи, чин қалам соҳиби янгилайверади, янгилайверади.

Ўткиржон китобининг илк сатрларида кўнгил ҳақида сўз очиб “Кўзимнинг оқию қораси ҳам сен, Ҳаётим мазмуни – сараси ҳам сен, Йиғласам ашкимнинг дарёси сўнгсиз” каби сатрларни келтиради; очиги, бунга яқин таърифларни бошқа шоирларда ҳам учратганмиз,



ўқиганмиз, аммо тўртлик охиридаги "Ўлим ва ҳаётнинг ораси ҳам сен" сатри шеърга ўзгача руҳ бахш этади, ярқ этиб унинг бекиёс чиройини очиб юборади. Тўпламда бунақа поэтик топилмалар бисёр.

Севги ва ҳижрон аламлари ҳақида кимлар ёзмаган; шоирнинг бу хусусдаги "Сени қўмсаб, бора олмасам, Қўнглимни бир ёра олмасам, Қўзларингга боқа олмасам, Ҳижронимни ёқа олмасам" сатрлари ҳам равон, ҳаяжонли, аммо шеър охиридаги "Ҳаётмикан аслида ҳаёт" сатри бирдан ўқувчини ҳушёр торттиради, қалбини ларзага солади. Шоир наздида уни қуршаб турган "Минг биттага бўлинган ОЛАМ", она табиат, қимирлаган жонзот, оддий майсадан тортиб осмонга бўй чўзган дарахт, кундуз қиздирган қуёш, тунда чарақлаган юлдуз, майин эсган насим, қутуриб теварак-атрофни тўзғитган беаёв шамол, баҳорда майин томчиллаган ёмғиру, қишда қаҳрга миниб бўралаб, дарахт шохларини буккан, томларда тош қотган қор – барча-барчаси гўё тирик жон, улар ҳам одам боласи каби бу фоний дунё нашъу наъмосини, кўргиликларини одамлар билан бирга баҳам кўради, фақат улар одам зоти каби ичидагини изҳор этиш қудратидан маҳрум. Мана бу сатрларни ўқиб кўринг-а:

*Бармоқдайин навниҳол эди,
Бирга ўсдик, ахир, ёнма-ён.
У юксакка бўй чўзди энди,
Мен уйимда яшайман ҳамон.*

Лирик қаҳрамонимиз бир умр ҳамроҳига меҳр қўйиб, уни дил-дилдан суйиб, асраб-авайлайди, ҳаётдаги кўргилигу ташналикни у билан бирга баҳам кўради. Афсус, бу дилга яқин, умр бўйи эшик олдида, ёнигинасида тик турган ҳамроҳида тил-забон йўқ: салом берса, алик олмайди, ололмайди, дил розини "минг биттага бўлган алам"ини тўкиб солмайди, соллолмайди. Шуниси шоир дилини ўртайтиди, "Бу ҳаётда қандай кўргилик" дея фиғон чекади. Қарабсизки, ўз-ўзидан оддий табиат ходисаси устида кетаётган гап-сўз, ўй-мушоҳадалар беихтиёр кишини ҳушёр торттиради; асарни ўқиётиб, бир умр бирга ўсиб-улғайган, ёнма-ён яшаб ҳаётлигида бир дунё ҳайрату қувончлари, ғам-аламлари, оху зорларини сизу бизга ошкор этмай, этолмай бу фоний дунёдан ўтиб кетган қанчадан-қанча таниш-билишлар қисмати ёдга тушади. Чиндан ҳам бу ҳол одам зоти учун ҳаётда оғир кўргилик-да, ахир!

28 банддан иборат "Боғ сувратлари" шеърисида боғ, ундаги майса-ю дарахтларнинг турли ҳолат, манзаралари билан боғлиқ поэтик лавҳаларда ҳам инсон ҳаёти, қисматига келиб туташадиган, кишини ўй-му-



шоҳадалар, ҳам нурли, ҳам мунгли, ҳам рангин, ҳам ҳазин кечинмалар гирдобига фарқ этадиган сирли-сехрли поэтик оҳанрабо бор.

Шоир бу шеърини бирдан "Кўнглимга ўт тушди, Титроқларингдан. Минг бир ўй тортқилар, Кўчаларига" дея юксак пардаларда бошлайди, сўнг бирма-бир бу оловли ҳис-ҳаяжон сабаблари изҳорига ўтади. Аввало, шоирни дарахтларнинг бир ажиб нағмаси ҳайратга солади, дарахтлар юзлари сарғайган япроқларидан воз кечмайди, кечолмай шамоллар билан бетиним олишади; боз устига, новдалари шамол йўлига тик туриб шиғил мевасини бағрига босади, асрайди, асло қўйиб юбормайди; қирмиз юз, сулув, бунча ҳам гўзал тар меваларидан офтоб ҳам кўз узолмай халак. Во ажаб, не-не машаққат ила асраб-авайлаётган меваси қўйнида қурт бемалол яйраб танини кемириб ётибди. Шу ўринда шоир "Бу қандай кечмишдир, фалак!" дея ҳайқиради. Дарахт тонгу шом ғойибдан саодат тилаб, бир дақиқа ҳам тинмайди, ненидир кутади, кўкка бош уриб, ибодат қилишда давом этади... Дарду дунёсини зулмат қоплаб кўкариб, қақшаб кулфат гирдобига қолганида ҳам бундай кўргиликларнинг ҳаммасига чидайди... Шоир боғнинг турли фасллар, ҳар бир кун, ҳар дақиқа уни куршаган табиат, бутун мавжудот билан алоқадорликда кечган-кечаётган ҳаёт тарзи манзараларини бирма-бир кўз олдимизда гавдалантиради экан:

*Боғ, сени дунёда
Бахтли деб юрсам,
Сен ҳам йиғлайсанми...
Киприкларинг нам...
...Нега ҳам истадим,
Сенинг васлингни.
Заҳматнинг юклари,
Бунча ҳам оғир...*

дея чин дилдан унга ҳамдардлик билдиради.

Ажаб, шунча кўргилик, заҳматлар гирдобига ҳам бари бир дарахт новдалари боши оққан томон қўл силкитиб, титраб, бахт излашда давом этаверади...

Ўйга толасан киши: Она табиат учунгина эмас, одам боласи учун ҳам ҳаёт, яшаш, бахт бу фақат сурур, роҳат-фароғат, нашъу намодан иборат эмас, эзгу туйғуларни дилга жо этиб, заҳмат юklarини елкага олиб, бахт-саодат йўлида матонат билан фақат олға интилиш, бетиним курашиш демақдир. Бир чаноқ пахта, бир бошоқ бугдой, биттагина қирмизи олманинг дунёга келиш жараёни ҳам инсон,



заҳматкаш деҳқон билан боғбон умрининг бир қисми-ку ахир! Мана Сизга "Боғ сувратлари" мутолаасидан чиқадиган поэтик хулоса!

Шоир китоб охиридаги шеърларидан бирида:

*Яшамоқ истайман
Яна қайтадан,
Қайтгим келар менинг
Улкан дарахтга.*

дея асл дил розини – бутун тўплам бўйлаб ўтган ҳаётий кузатишлар, ўй-мушоҳадалар ҳосиласини изҳор этади, юрагидан отилиб чиққан дунё кенгликларига сиғмайдиган кўнгил иншоиси учун чексиз имкон берган "шеърят абад, ўлмас" эканига имон келтиради.

Эътироф этиш даркор, тўпламда баъзи такрорий ўринлар, қиёмига етмаган, сайқалга муҳтож сатрлар ҳам учрайди. Эҳтирослар олови изҳори чоғи гоҳо сатрлар ҳижоси, мантиқ, қофия уйғунлигига риоя этмаслик ҳолатларига ҳам дуч келамиз. Китобдаги жўшқин эҳтирослар ёлқини эса бу хил кам-кўстларни ёпиб кетади. "Ўтли рух" бугунги шеърятимизда "соф лирика"нинг кўлами тобора кенгайиб, умуминсоний миқёсларга кўтарилиб бораётганидан ёрқин бир далолат сифатида қимматлидир.

ИЖТИМОЙ ПАФОС ЖОЗИБАСИ

*("Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?"
тўплами мутолааси чоғидаги ўйлар)*

Шеърят бу шоир – ижодкор таржимаи ҳоли, қалб силсилаларининг кўзгуси; ҳар бир ёрқин истеъдод соҳиби қисматиға хос бу жараёни оловқалб шоир Иқбол Мирзо ижодий бисоти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Камина бу шоир укамизни талабалик йилларидан, илк ижодий қадамларидан бери кузатиб келаман. Бошда хийла камсуқум, ўта тортинчоқ, аммо минбарга чиқиб ўз шеърларини ўқиганида шер бўлиб кетадиган, минбардан тушгач, яна ўша асл ҳолиға қайтиб индамас, камсуқум, ўйчан, ҳаёлпараст, фақат шеър ишқида ичдан ёниб юрган йигитча Тошкентдек шаҳри азимда макон топиб, истиқлол замони силсилаларида тобланиб фаол, етук шахс, жамоат арбоби сифатида танилди. Авваллари кўпроқ интим-ишқий, маънавий-ахлоқий кечинмалар куйчиси сифатида танилган шоир бисотида бора-бора қайноқ ҳаётий тажрибалари акс-садоси ҳосиласи ўлароқ ижтимоий



мотивлар етакчилик қила бошлади. Буни чоп этилган китоблари номлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошда бирин-кетин чиққан “Юракнинг шакли”, “Кўнгил”, “Сени соғинаман”, “Мени эслайсанми?”, “Сени бугун кўрмасам бўлмас”лар ўрнига энди галдаги шеърини тўпламларини “Агар жаннат кўкда бўлса...”, “Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!” сингари номлар билан аталиши бежиз эмас, албатта.

Тўғри, кейинги мажмуаларида ҳам кўнгилнинг хилма-хил нағмалари хусусида шўх-шодон, ошиқона, ҳазил-мутойиба руҳи билан йўғрилган, шавқ билан битилган “Киприкларинг”, “Ноз ва фироқ”, “Телба хаёл”, “Севгилим”, “Зулфияга қарама”, “Лаби ғунчадек”, “Озорлар етди”, “Сезармикинлар?”, “Юрагимнинг тутуни”, “Нима қилай” сингари дилбар интим лирик тароналар бисёр. Улар ҳақида “кўп ва хўб” ёзилди, илиқ гаплар айтилди, айтилаётир. Очиғи, шоирнинг сўнгги йиллар шеърлятида, хусусан, кейинги икки шеърини тўпламида ёрқин намоён бўлган ижтимоий пафос жилolari ҳозирча танқидчиликда етарли баҳосини олгани йўқ.

Шоирнинг ҳар икки тўплами ҳам Ватан ҳақидаги шеър билан бошланади. “Кўшиқ”даги мана бу тўртликни ўқиб кўринг-а:

*Агар жаннат кўкда бўлса,
остидадир Ўзбекистон.
Агар жаннат ерда бўлса,
устидадир Ўзбекистон!*

Ватан — она юрт ҳақида шеър битмаган шоир йўқ, аммо у ҳақида янги гап айтган шоир кам. Юртимизни “жаннатмонанд”, “жаннатмакон” деб аташ одат тусини олган. Юқоридаги сатрлар бир қарашда ўша содда, халқона таъриф-тавсифларни эслатади. Шоир ўша содда халқона таърифга ишора тарзида сўз ўйини қилиб, Ватанни жаннат маконига янада яқинлаштиради.

Хўш, бу Ватаннинг улўғлиги нимада? Шоир айтмоқчи, юртлар бор — одамзод гул умри хазон, инсоннинг қадри ҳам қиймати арзон... Шоир мансуб заминда эса, инсон мукаарам, бу қутлуғ масканда пирлар, дилни лол этган сирлар, арслонлар, шерлар ётибди. Шоир таърифича, Ватан кенгдир элнинг бағри кенг учун:

*Савоб деб саҳрода сардоба қурган,
Нон ёлса, қўшнига илиниб турган.
Нондек азиз, сувдек сероблик кўрган...*

Шоир шу тарзда элимиз таърифини мадҳ этар экан, бирдан те-варак-атрофга — жаҳон кенгликларига назар ташлаб, алам-ўкинч билан дейди:



*Номардлар қаҳридан чарчади жаҳон,
Нокаслар заҳридан чарчади жаҳон.
Ўзингни тут инсон, кўзингни оч, инсон,
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон...*

Шеър мутолааси интиҳосига етар экан, Сиз ҳам шоирга қўшилиб, беихтиёр ўзингиз мансуб бўлган тупроғи тўтиё шу маконга, худо берган даври давронга, элни азиз қилган азиз инсонга қуллуқ қиласиз. Шундай Ватан, шундай эл учун ҳар қанча қувонса, фахрланса арзийди. Бироқ бунинг ўзи асло кифоя қилмайди; шоир бундан асло қониқмайди; замондош – шеърхон дўстига мурожаат қилиб “Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт”, “Ахир Ватан битта, Сен ҳам биттадирсан”, “Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен, Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!”

Шеър, унда кўндаланг қўйилган савол бамисоли камондан отилган ўқдек мўлжалга – эгасига беҳато етиб боради, ўқувчи қалбини титратади, уни хушёр торттиради, бу ҳақли саволга ич-ичидан, қалб тубидан жавоб ололса, таскин топади, ололмаса, хижолатда ўртанади. Шу шеър минбарларда ўқилганда, тингловчилар чехрасига қараб улардаги таскин ва ўкинч туйғулар зуҳри – ифодасини кўп бор кузатганман.

Иқбол шеъриятига хос яна бир жиҳат – шоир аксар шеърларида замондош шеърхон дўсти билан бевосита мулоқотга киришади, уни қийин саволларга тутати, жавобини кутиб ўтирмай ўша кескин – ўткир масала-муаммолар хусусида ўзининг қатъий фикри, ҳукмини изҳор этади. Биргина мисол – “Ойдан тушган эмас” шеъридаги мана бу саволларни эшитинг-а:

*Бу бинолар қайдан бино бўлди экан?
Ким боболар қаддин расо қилди экан?
Нечук бизни бутун дунё билди экан?
... Тафаккурнинг ҳурлигига недир сабаб?
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.*

Шеър адоғида шоир ўзи қўйган саволларга берган узил-кесил жавоби шу: булар “Шижоатнинг, жасоратнинг маҳсули; Улуғ Инсон – танлаб олган ҳақ йўли бу”. Шоирнинг эҳтиросга тўла қатъий жавоблари қалбнинг акс-садоси каби янграйди... Ана Сизга чинакам теран ижтимоий пафос билан йўғрилган чин шеърнинг жозибаси, куч-қудрати!

Ўз вақтида Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Зулфия,



улар билан изма-из шеърятга кириб келган Э. Воҳидов, А. Орипов, Ш.Раҳмон, М. Юсуф, М. Тойир, С. Саййидларнинг теран ижтимоий пафос билан йўғрилган дилтортар шеърлари миллат онгу шуурида акс-садо бериб, тақдирида қанчалар муҳим аҳамият касб этганлиги кўпчиликка аён. Шукурки, шу мўътабар аъяна бугун ҳам давом этаётир. Шўро даврида сохта ватанпарварлик ғоялари билан булғанган "шиғир"лардан юрак олдириб қўйган бугунги шеърхон, қолаверса, шоирлар ижтимоий мотивлар билан йўғирилган битикларга бир оз эҳтиёткорлик билан ёндашишларини тўғри тушуниш керак. Айни пайтда, бугунги кунда – истиқлол замонида бутунлай ўзгача – халқ, миллат руҳига хос – мос теран ижтимоий пафос билан йўғрилган ноёб шеърларни қадрлаш савоб иш деб ўйлайман. Иқболжоннинг "Ватанга қасамед" ҳайкали пойида" сарлавҳали шеърини эслаб кўринг-а. Авваллари Тошкент шаҳрида айни шу ёдгорлик ўрнида қурол кўтариб турган сўхтаси совуқ бир солдат ҳайкали бўларди. Шу ҳайкал ҳақида шеър битилганини эсполмайман. Мабодо ёзилган бўлса, ясама бир битик чиққандир. Унинг ўрнида бутунлай ўзгача – Ватан посбони бўлишга аҳд қилган ўғлон ва табаррук она сиймоси қад ростлади. Она Ватан деймиз. Ўғлон шу азиз Она-Ватан қаршисида тиз чўкиб, қасамед қилмоқда. Унга тикилиб туриб, шоир шундай ўйларга толади:

*Рамзий тамсилларда ибрат мужассам,
Бир лаҳза ўзлигим кўргандек бўлдим.
Муқаддас меҳробдан боқаркан онам,
Пойида тиз чўкиб тургандек бўлдим.*

*Ҳеч кимга ҳеч қачон бўлмаган қарам,
Она юрт қошида тиз чўккан ўғлон.
Энг улуг қасам бу – онага қасам,
Энг буюк қасам бу – юртга, беғумон!*

Мен ҳар гал ўша ҳайкал ёнидан ўтар эканман, Иқболжоннинг ўша сатрлари ёдимга тушади. Аминманки, бу шеър билан танишган минглаб, балким, миллионлаб ватандошларнинг кўнглида ҳам шундай вазиятда айни шундай кечинмалар ўтажак... Ана Сизга чинакам санъат асари – маҳобатли ҳайкал ва у ҳақидаги чинакам шеър орасидаги уйғунлик ҳамда ҳар иккисининг поэтик жозибаси – ижтимоий таъсир кучи – қудрати!

Шоирнинг кейинги икки китобидан бундай шеърларни яна кўплаб келтириш мумкин. Қизиқ, айниқса, "...Ватан учун" тўпламидаги тарихий мавзудаги битикларнинг аксарияти айни шундай кишини ўйга толдирадиган, қалбларга туғён соладиган шеърлардир.



Янги тўпламдан ўрин олган иккинчи шеър "Тўёна"дан бошлаб шоирнинг унга ҳамоҳанг қатор битикларида олис тарих садолари янграйди. Мамлакатда улкан дон хирмони кўтарилиши муносабати билан битилган шеърда арпа-буғдой ҳақидаги қадим асотир, Сополтепада топилган сирли кўзада сақланиб қолган бир ҳовуч қайроқи буғдой тарихи тилга олинади, сўнг шоир ўша топда кўнглида кечган ўй-мушоҳадаларни шундай сатрларга тизади:

*Ўттиз беш асрлик капсан бу бизга,
Уч ярим минг йиллик меҳр тафти бор.
Тупроққа яқинлик мерос улусга:
Кенг феъл, юмшоқ кўнгли, қадоқ кафти бор.*

Сўнг шундай табаррук заҳматкаш халқ ўз эркини қўлдан берган кезлари не-не балоларни бошдан кечирган – кандикдан буғдой ағдариб, унга эғалик қилолмай, ўзи пахта экиб, оклик ахтариб, хору зор бўлган кунларини эсга олади, ниҳоят, қадрдон ерида кадр топланидан шоир чексиз қувончларини тўкиб солади. Тўпламдаги учинчи шеър "Тепалик" деб аталади. Қаранг-а, юртимизда "тепа" сўзи билан боғлиқ сон-саноксиз тарихий масканлар бор, асарда уларнинг айримлари тилга олинади, шоир уларни огоҳлик ва нажот тепаликлари деб атайди, ёғий тўдаси ялов кўтариб юртга ҳуруж бошлаганда юрт посбонлари ўшандай тепаликка чиқиб машъал ёқиб эл-юртини ўз вақтида огоҳ этганлар... Шоир ана шу тарихий тажрибани эслатар экан, энди асосий мақсадга ўтади. "Ҳар тошдан фалсафа топан" "янги замон эмизган авлод"га мурожаат этиб, уларни ўша "ота тепаликка бир даъфа қайтиш"га чорлайди:

*Ақлингиз олмасин ҳавойи висол,
Жодугар оламга бўлманг маҳлиё.
Тўрхалтага тушган ҳандалак мисол
Ўргимчак тўрига ўралмиш дунё.*

*Манфаат тўқнашса, ярадор – виждон,
Урчиб бораётир душман, боқингиз.
Онгу тафаккурга келмасин қирон,
Юрактепаларда гулхан ёқингиз!*

Бу сатрлар қадим она юрт тепаликларидаги машъала каби ловуллаб. Сизу бизни бугунги кун ғанимлари ҳамлаларидан огоҳ этади. Шеърдаги огоҳлик, чорлов руҳи билан йўғрилган сатрлар нақадар самимий, табиий, улар тўғридан-тўғри юрак қаърига етиб боради. Иқболнинг бир қатор шеърлари янги тарихнинг лавҳалари каби



таассурот қолдиради. “Ўзбек чироқлари” шеърдаги мана бу сатрлар – энг мушкул дамларда халқимизнинг қўшни Афғонистонга кўрсатган чексиз ғиммати ифодаси – тарихий ҳақиқат:

*Ким қора чироққа мой топган чоғлар,
Тушак сўкиб, пилик эшган замонда –
Зухро юлдузидек мавжланиб порлар
Ўзбек чироқлари Афғонистонда.*

Яқин кечмишда айна шу Афғон заминиди содир бўлган мана бу мудҳиш жиноятлар ҳам тарихий ҳақиқат:

*Мен туғилиб ўсган Қўштеғирмонда
Қийиққа туғилган тишлоқ ноним бор.
Қандаҳор йўлида – Ажалдовонда
Қизил иблис тўккан қирмиз қоним бор.*

Шу икки банд шеърда икки давр, икки тузум, икки хил муносабат, икки хил тарихий ҳақиқат нақадар ёрқин намоён бўлган! Бу хил сатрларни китобдан кўплаб келтириш мумкин.

Тўпламдаги Самарқанд туркумига кирган шеърлар махсус таҳлил, талқинларни тақозо этади. Самарқандни кезганда, шоир айтмоқчи, ҳар бир одамни ажиб бир ҳол асир этади – кимдир кафтини елкасига қўйгандек бўлаверади, боз устига, киши бир сирли нигоҳнинг илиқ тафтини бот-бот ҳис этаверади. Бу не ҳол? Шоир бу хусусда ўз тахминларини айта туриб, шу шаҳарда умри кечган ёки мангу қўним топган табаррук зотлар номини бирма-бир тилга олади, ниҳоят, шеърни шундай сатрлар билан якунлайди:

*Син солиб термулар бир соҳир нигоҳ:
“Кимсан? Матлабинг не? Сўйла гофил кас?”
Йўқ, Темур кўзлари эмас бу, иллоҳ,
Темур нигоҳига бардош топилмас!*

Шу тариқа, сирли нигоҳ сирлилигича қолади, шеър Сизу бизни бир умр ўйлашга, бош қотиришга ундайди. Кейинги шеърларда ҳам шундай туганмас сирли руҳий жараён силсилаларига ишора сатрлар бисёр: Жумладан, “Буюк ипак йўли” шеъри ҳам интиҳоси йўқ жараён тавсифи билан якунланади:

*Вале Буюк карвоннинг юмуши битгани йўқ,
Ҳануз йўлдадир, ҳануз манзилга етгани йўқ...*

Туркумда тарихий шахслар билан боғлиқ шундай поэтик лавҳалар борки, гарчи улар шоир тасаввури маҳсули бўлса-да, уларни ҳаётда



айнан бўлиб ўтган воқеадек қабул қилгинг келади. "Расадхона. Улуғбек юлдузи" шеърдаги мана бу сатрлар бу даъвонинг ёрқин бир исботи:

*Бибихоним кучиб кичик Мирзони
Бобонгиз дунёни олди, дегандир.
Эркалаб кўрсатиб ўтлиғ самони
Сизга сайёрапар қолди, дегандир.*

"Ҳазрати Хизр" шеъри Самарқанд туркумига, қолаверса, халқимизнинг олти асрлик тарихидаги энг мудҳиш ҳамда шонли воқеаларга бир якундек янграйди. Шеърда Ҳазрати Хизр билан боғлиқ ривоят келтирилади: Темур тимсолида Хизр кўриниб, мўғул аёғи остида топталган эл оёққа туради, беклик давлат бўлади, давлат – салтанат... Бироқ кажрафтор чарх чаппа айланиб, қондошлар орасида нифоқ авж олади, қонга қон деб хонга хон қилич солади, буюк салтанат эмирилиб, охир-оқибат, яхлит юрт икки бошли бургутга ем бўлади... Тангри иноятини қарангки, теурий миллат истибдод оёғи остида қолиб кетмади, Теурубек ворислари миллатга эрк берди, Теуур боғларига шаън, баҳор қайтди, шоир буюк Теуурнинг бугунги ворисларига қарата дейди:

*Эй, халқим, жафокаш, жабрдийда халқ,
Кечмишинг эртакка йўйиб юборма.
Хизр бармоғини тутганлигинг ҳақ,
Ҳеч қачон бу қўлни қўйиб юборма!*

Китоб ҳақидаги ўй-мушоҳадаларни шу ерда тўхтатиб қўя қолсак бўларди. Аммо шоирнинг сўнгги китобидан ўрин олган уч йил бурун битилган "Ўтинч" манзумаси устида озгина сўзлаб ўтмасак инсофдан бўлмас.

Шоирнинг ижтимоий мотивлар билан йўғрилган шеърларида, хусусан, тарихий мавзуга оид туркумда тобора эпик тафаккурга мойиллик кучайиб бораётганлиги яққол кўринмоқда. "Ўтинч" манзумаси буни яна бир қарра тасдиқлайди.

Башарият тарихидаги илк туркий давлат отаси – бош қаҳрамон тилидан айтилган, аниқроғи, унинг руҳи поки орқали изҳор этилган, ибтидодан то шу кунга қадар шавкатли туркий қавм тарихидаги ҳам кишида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотадиган шонли саҳифалари, шу қавм орасидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг башарият тамаддунига қўшган бекиёс ҳиссаси, ҳам киши қалбини ўртайдиган ожизликлари, аниқроғи, йўқотишлари, ўзаро ички низоларнинг энг сўнгги мудҳиш оқибати – чоризм истилоси, истибдоди туфайли улуғ салтанат бошига тушган мудҳиш кўргиликлар, ниҳоят, Аллоҳ инояти билан қадим Туркистон эли учун ўз қаддини, қадрини, салтанатини



тиклаш имконияти очилиши – “Ўтинч”да ана шулар устида сўз бо-
ради... Йўқ, улар ҳақида шунчаки сўзланмайди, ҳикоя қилинмайди,
одамни – шеърхонни ларзага соладиган, ўйга толдирадиган оловли
сатрлар оғушига ғарқ этади. “Ўтинч”ни ўқиб тугатар экансиз, бирдан
қандай бир кутлуғ замонда, сизу биз учун беқиёс имкониятлар эшиги
очилган, қадим буюк улуснинг буюк орзулари рўёбга чиқаётган бир
паллада яшаётганингиздан бениҳоя қувонасиз. Асар поёнидаги ўша
бобокалонимиз – тарих отасининг бош қаҳрамони тилидан айтилган
мана бу даъваткор сатрлар, яратганга шукрона ва илтижолар, амин-
манки, қалбингизда, албатта, акс-садо бергай:

*Йиғил, бирлаш, бир тан, бир жон бўл, элим,
Сабоқлари кофий зарбул замоннинг.
Сенинг сармоянгдир тажриба, билим,
Сен ҳам соҳиби бўл даверу давроннинг!*

*Минг битта исмингни ёд этдим, Аллоҳ.
Раҳматингни ёғдир, бағри бут бўлай!
Ўзингсан бошпаноҳ, сен олампаноҳ,
Бахт бергил: мен яна Тангрикут бўлай!*

Қалб қаъридан отилиб чиққан бундай эзгу ният, ўтинч, самимий
илтижолар, аминмизки, албатта, ижобат бўлгай. Манзуадаги ижти-
моий пафоснинг кучи, сири, жозибаси шунда.

2015 йил

ЭҲ, БУ ҚИЗЛАР, ҚИЗЛАРЖОН...

(“Кичик мўъжизалар” туркумидан)

Икки оғиз кириш сўз

Улкан адабимиз Асқад Мухтор “Ўзбекистон адабиёти ва санъ-
ати”га бош муҳаррир этиб тайинланган куннинг эртаси теле-
фон орқали мени чорлаб, бир маслаҳатли иши борлигини айт-
ди. Бордим. Салом-аликдан сўнг у дарҳол мақсадга ўтиб, деди:
“Ҳап бундай. Прозаикларимизнинг фикри-хаёли ҳозир роман ёзиш,
танқидчилар эса “роман” номи остида чиқаётган яхши-ёмон
асарлар авторлари шаънига нуқул ҳамду сано айтиш билан банд.
Айтинг-чи, бадиий ихтиро – мўъжиза деб аташга лойиқ роман-
лар борми ўзи ҳозир бизда? Эҳтимол, битта-яримта бордир.



Кичик жанрлар, масалан, ҳикоячилик, қиссачиликда аҳвол ўзгача; мўъжиза дегулик асарлар яратилияпти. Шукур, Учкун, Ўтқир, Хайриддин, Тоғайлар яхши қисса, ҳикоялар ёзяпти. Сиз танқидчи сифатида ишни ҳикояшуносликдан бошлаган, Абдулла Қаҳҳордек қаттиққўл адиб эътиборига тушган эдингиз... Шу йўлни давом эттириб, бугунги энг сара ҳикоялар ҳақида бизга туркум мақолалар ёзиб берсангиз..."

Бу таклиф менга маъқул тушди. Ўша пайтнинг ўзида Асқад аканинг бир шеъридаги "Қаттасини куту кичигидан қолма, кичик мўъжизалар ҳар кун керак" деган сатрлари хаёлимга келди, туркумнинг сарлавҳаси ҳам бирданига топилди-қолди: "Кичик мўъжизалар"... Бу туркум кейинчалик Давлат мукофоти билан тақдирланган "Қалб инқилоби" китобимдан ҳам ўрин олган эди... Асқад ака мукофот ҳақидаги қарор эълон этилган кун телефон орқали каминани кутлар эканлар, ўзига хос ҳазил-мутойиба билан "Мен мукофот ҳайъати аъзоси сифатида китобингиздаги "Кичик мўъжизалар" учун овоз бердим" деб эдилар...

Камина сўнги йиллар миллий адабиётимиз, хусусан, насримиз манзарасини кузатиб борар эканман, беихтиёр Асқад ака билан орамизда ўттиз йил олдин бўлиб ўтган ўша суҳбат хаёлдан ўтди. Ажаб, бугун ҳам айна ўша ҳол; роман, қиссачиликда воқеа бўладиган асарлар санокли, жуда оз, ҳикоячиликда эса, аҳвол ўзгача, Хушид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Абдуқайом Йўлдошев, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Зулфия Қуролбой қизи, Жўра Фозил, ёшлардан Муюссар Тиловова қаламига мансуб "Қичқирқ", "Шабада", "Баҳоруддиннинг ити", "Пуанкаре", "Чилла", "Этакдаги кулба", "Сафар", "Пиллапоя", "Қисмат", "Сувдаги коса", "Тафаккур", "Ёзсиз йил", "Аёл", "Келин", "Соҳилдаги уй", "Кўккўл қўшиғи" каби ҳикоялар адабий жамоатчилик эътиборига тушди, уларнинг айримлари ҳақида махсус мақолалар ёзилди, бири киноэкранга, яна бири театр сахнасига чиқди... Ҳозирча мунаққидлар назаридан четда қолиб келаётган яна талай номлар, жиддий таҳлил, талқин, баҳсларга арзигулик ҳикоялар бисёр. Бу ҳол насримизнинг бугуни ва эртасига катта умид уйғотади. Ана шу эзгу туйғу, ўй-мушоҳадалар таъсирида менда "Кичик мўъжизалар" туркумини давом эттириш истаги туғилди. Кейинги йилларда матбуот юзини кўрган "Она шаънига қасида", "Новелла бағрида туғён", ушбу "Эҳ, бу қизлар, қизларжон..." айна шу туркум намуналаридандир.



* * *

Биз адабиётшунос мунаққидлар ҳозирги замон тараққиёти шиддати, ҳайратомуз ўзгаришлар, янгилианишлар таъсирида гоҳо шошма-шошарлик қилиб, мавжуд адабий анъаналар эскирди, романтизм, реализм даври ўтди, модерн, модернизм, постмодернизм замони келди дея ҳукм чиқариб, анъанавий йўлларда битилган асарлардан бурун жийириш, модерн усул-услугдаги битикларга ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетиш ҳолларига дуч келдик. Замонавий жаҳон адабиёти, санъати, хусусан, энг оммавий санъат тури – кино тажрибаси шундан далолат бераётирки, тасвир, ифода, усул, услуб, бадиий талқин хилма-хиллиги, ранг-баранглиги ҳозирги бадиият, санъат дунёси тараққиётининг бош йўналишига айланиб бораётир. Жамиятнинг ўзида замона зайлига кўра дидлар, майллар, қарашлар, манфаатлар, бинобарин, мафкуралар хилма-хиллиги орта бораётган экан, ўз навбатида, ранг-баранг адабий тамойилларга эҳтиёж туғилаверар экан. Мана шу жараён бугунги миллий ҳикоячилигимизда ҳам намоён бўлмоқда. Метафора, рамзий образлар асосига қурилган модерн битиклар ёнида анъанавий шафқатсиз реалистик ва кўтаринки романтик руҳдаги ҳикояларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳам ўқувчилар, ҳам адабий танқидчилар эътиборини ўзига жалб этаётгани, уларда оз бўлса-да замондошларимизнинг давр драмалари билан йўғрилган, киши қалбини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган, меҳр-мурувват туйғусини жунбушга келтирадиган романтиктабиат шахслар образининг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Жўра Фозилнинг “Соҳилдаги уй” (“Китоб дунёси”, 2013 йил 9 январь), Муяссар Тиловованинг “Кўккўл қўшиғи” (“Ёшлик”, 2012 йил, 1-сон) ҳикоялари айти шу жиҳати билан эътиборни тортади. Ҳар иккала ҳикоя қаҳрамонлари ҳам қизлар, аниқроғи, чекка қишлоқ қизлари; ҳаётда камситилган, аммо қалбида, вужудида меҳр-мурувват, нафосат, аллақандай шижоат уфуриб турган ёқимтой қизларжондир.

Гапни “Соҳилдаги уй”дан бошлай қолайлик. Ҳикоя ҳажман ихчам – кафтдеккина. Шунга кўра воқеа содир бўлган макон манзаралари, персонажлар қисмати тавсифи қисқа, лўнда – воқеа руҳига мос сурур аралаш хазин бир оҳанг билан йўғрилган, ҳикоя илк сатрларидан бошлаб охирига қадар насрдаги назмдек ўқилади. Дарё соҳилидаги мўъжазгина Гугуртли қишлоғи тун қаърига ғарқ бўлмоқда, қўшни уйларда бирин-кетин чироқлар порлайди, биргина чоғроққина уй деразасидан эса нур кўринмайди... Ўқувчида “нега?” деган савол туғилади. Жавоб – сабаб ҳам тайёр: бу ғариб кулбада хаста қария Худойберган отлиқ бобо тиқ этган товушга қулоқ тутиб, интизор ҳолда ётибди. Ўрнидан туриб, уй чироғини ёқишга унда мадор йўқ.

Қадрдон аёли оламдан ўтиб кетган, бир ўғил, бир қизи эса шаҳарда туради, улар ўзлари билан овора. Қариянинг бирдан-бир таянчи – Оқмарал отлиқ ёшгина фариштадек сулув қиз. Ҳар гал у келганда, отахоннинг қоронғи кулбаси, хуфтонга айланган кўнгли чароғон бўлиб кетади. Аслида, Оқмаралнинг ҳам ташвиши ўзига етиб ортади. Сиртдан беғам, кийикдай дуркун, гўзал бу қиз аслида дили ўксик, ҳеч кими йўқ етим, икки йилдирки, пул топиш илинжида хорижда юрган севган йигити йўлига интизор... Ота-онасига, севгилисига беролмаган меҳрини хаста отахонга ҳадя этаётганидан таскин топади у. Ўз навбатида бемеҳр фарзданлари қолиб, “бегона” бир қиз кўрса-таётган илтифотлардан чолнинг вужуд-вужуди яйрайди, кўзларини юмганича, ширин хаёллар оғушига ғарқ... Аслида, ҳимояга, мададга муҳтож бир муштипар қизнинг кўнгли синиқ бир қария кўнглини обод қилиш йўлидаги айни ҳаракатлари ўзига хос жасорат эмасми, ахир. Ҳазрат Навоий айтганларидай:

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотиран шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Ҳикояда лиро-романик руҳни кучайтирадиган ажиб лавҳа бор. Қария Оқмарал ташрифидан мамнун ҳолда пинакка кетгач, қиз мук тушиб китоблар дунёсига ғарқ бўлади, айниқса, “Чолиқуши”ни такрор-такрор ўқишдан, хаёлан Фарида билан гурунглар қуришдан толмайди. Мана шу ҳаёт одами билан китоб қаҳрамони орасида қандайдир муштаракликлар борлигини сезиб турасиз. Булар шунчаки ҳикоя қилинмайди, айни шу тафсилотлар мутолааси чоғи меҳр-мурувват толасидан эшилган ҳам нурли, ҳам мунгли ҳолат-манзаралар ифодаси бир пайтнинг ўзида ҳам фожиавий, ҳам умидбахш руҳ билан йўғрилган.

Ҳикоя хотимасида бу ажиб руҳий ҳолат янада юксакроқ авжига кўтарилади. Умри поёнига етиб қолганлигини сезган отахон бу суюкли қизни сўнгги бор янада кўркам ҳолда кўриш, қолаверса, қиз олдида маънавий қарзини узиш пайида пенсиясидан йиққан маблағи ҳисобидан унга пул ҳадя қилиб, ўзига муносиб кийим олиб кийишини илтижо қилади. Қиз чол кўнгли учун унинг истагини бажо келтириб, у хуш кўрган кийимни кийиб, Отахон кўнглини овлаш учун келганида бобонинг “жони узилган, унинг ярим юмук кўзлари, лабларида ним табассум қотиб қолган” ҳолда кўриб даҳшатга тушади...

Аён бўлиб турибди: қария жон таслим қилиш олдида хаёлан Оқмарални ўзи истаган кийимда кўрган, кўриб, қувониб дили таскин толиб жон таслим этган – ярим юмук кўзлари, лабларида қотиб қолган ним табассум шундан далолат бериб турибди...



Ҳикояни шу ерда тугатиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Аммо муаллиф асарга илова тарзида чолнинг йигирмасидан сўнг шаҳарда турадиган қизи қишлоқда пайдо бўлгани, юз-кўзига ула-элик чапланган, жуда башанг кийинган бу жуvon отасидан айрилган одамга сира ўхшамаслиги, қўни-қўшнилар била 'салом-аликни ҳам насия қилиб, Оқмарални қидириб топиб, ҳе йўқ, бе йўқ унга зуғум ўтказишга тушгани, отасининг пулини ўмарган дея бўхтон ёғдириши, ҳамқишлоқлари эса бегуноҳ қизни бундай ғаразли ҳамлалардан асраб қолгани хусусида ҳажвий тусдаги тафсилотларни келтиради. Бу асар руҳига ёпишмайроқ турибди. Буни сезган ҳикоянавис асарнинг етакчи лиро-романтик оқимиға қайтиб, уни мана бу гўзал, нафис, ҳам мунгли, ҳам нурли манзара тасвири билан якунлайди:

"Оқшом чўкаётир... Соҳилдаги уйларда бирин-кетин чироқлар порлайди. Тик қирғоқдаги ёлғиз уй деразаларида эса нур кўринмайди... Бу уйнинг чироғи энди ёнмайди, Оқмарал энди бу ерга келмайди..."

Қирғоқда ёлғиз турган қиз тўқай шовуллаши, сув шалоплашиға кулоқ тутати. Олис-олисларда яккам-дуккам чироқлар милтирайди, қиз юрагини беҳад ўртаган соғинч билан чироқларнинг жимир-жимир шуъласига тикилади. Баҳор сувлари узоқ-узоқларга оқиб кетадилар".

Отахон умри поёниға дахлдор бу манзаралар фонида намоён бўлган бегона қиз юрагини ўртаган соғинч туйғуси ҳикоя қаҳрамони сиймосини янада очиб юборади, отахоннинг пуштикамаридан дунёға келган одам қиёфасидаги нафс бандаси эса бундай ноёб туйғудан маҳрум. Шу қиёс ҳикоя давомида илгари сурилган поэтик мотивнинг узил-кесил хулосаси каби янграйди; чолнинг ўз қизи бегона, бегона Оқмарал эса чинакамиға унинг ўз жигари, меҳр-мурувват тимсолидек таассурот қолдиради.

"Кўккўл қўшиғи" дабдурустан шундай жумлалар билан бошланади:

" – Ўғлинг қанча кўп бўлса, авлодларинг шунча бисёр, илдинг мустаҳкам бўлади. Қиз бола бировнинг ҳасми, бир куни ўрнини топса, отасини ҳам, туғишганларини ҳам эсламайди. Фойда йўқ улардан. Вояға етказиб қўшқўллаб бировға топширгандан кўра, қизинг бўлмагани дуруст.

Сайфи дароз бу гапларни доим такрорларди. Шунинг учунми, уч ўғлидан кейин қизи Гулсара туғилганида унчалик қувонмади".

Шу жумлалардаёқ ҳикоянинг асосий мотиви, бош персонажнинг асл қиёфаси, ақида-маслағи, ҳаёт фалсафаси аён бўлади. Асар



мана шу бирёқлама, мутаассибона ақиданинг, бир томондан, фожеий оқибатини, иккинчи томондан эса, бутунлай тескари, ҳаётбахш натижасини кўрсатишга қаратилган; ёш ҳикоянавис қизимиз ана шундай чигал, мураккаб ҳодисанинг чиройли бир бадийи ечимини топишга мушарраф бўлган.

Сайфи дарознинг ўғил ва қиз зотига муносабати ҳамда унинг оқибатлари ифода-талқини баҳонасида ҳикоя муаллифи фан-техника даврининг шиддаткор суръати олис қишлоқларга ҳам етиб боргани, бораётгани, авлодлар онги, ҳаёт тарзида чуқур асоратлар қолдираётганини ўзига хос тарзда беришга муваффақ бўлади. Кекса Сайфи дароз учун у яшаб ўтган Балиқчи овули, овул ёнидаги Кўккўл бениҳоя азиз; унинг авлод-аждодлари учун киндик қони тўкилган маскан, ризқ-рўз манбаи. Кўккўл ҳақидаги қўшиқ бир вақтлар кўккўлликларнинг эътиқод мадҳияси саналган, тенгдошлари оламдан ўтиб кетиб, уни ёддан айтадиган биргина Сайфи дарознинг ўзи қолган.

Кўккўл бизнинг онаизоримиз.

Кўккўл бизнинг халоскоримиз.

Бағрида ўйнайди балиқлар,

Кўккўл бизнинг ризқу рўзимиз.

Кўккўл бизнинг онаизоримиз...

Қўшиқнинг ана шу сатрлари чол тилидан тушмайди. Бу қишлоқ, шунингдек, кўл билан боғлиқ ҳикоя, афсона-асотирларни ўз ортида қоладиган овулдошлари, биринчи галда, фарзандлари қулоғига қуйишни ўз бурчи деб билади у. Афсус, ўзгалар у ёқда турсин, шаҳарда ўқиб қайтиб кўл бўйида барпо этилган заводда ишлайдиган ўз ўғилларининг бирон-таси ҳам буларни тинглагиси келмайди. Боз устига, кўлнинг аввалги таровати йўқолиб, зилол суви эса завод оқавалари билан бўлганиб, қиёси йўқ балиқлар қирилмоқда... Бу ҳол отахон вужудини ўртайди.

Не бахтки, овулда, насллари орасида отахоннинг дил розларини, армону ҳасратларини тинглайдиган, уни тушунадиган, қадрлайдиган биттагина зот бор. Асардаги мушкул жумбоқнинг ечими айтишу зот билан боғлиқ. Воқеалар силсиласи, бош персонаж руҳий кечинмалари, ақидалари тадрижида қутилмаган кескин қайрилиш юз беради. Романтик руҳдаги жаҳон мумтоз новеллаларида учрайдиган айтишу ҳолатни "Кўккўл қўшиғи"да ҳам кўрамыз. Сайфи дароз авлодлари илдизи мустаҳкамлиги, орзу армонлари, қадриятлари бардавомлилиги манбаини бино қўйган ўғилларида эмас, туғилишиданоқ ўзи менсимай қараган ягона қизи Гулсара тимсолида кўради. Дарозни хушёр торттирган, ўйга толдирган, дилини оғритган жиҳат шундаки, Кўккўл қўшиғини унга бобоси айтган, ёд олдирган, энди



навбат ўғилларига келганда, улар қўшиқни айтиш тугул, эшитишни ҳам иштасмайди. "Ахир ўз тарихини билмаган, ота-бобосини танимаган, уларнинг нима иш қилганини англамаган одам қандай қилиб келажак ҳақида ўйлайди? У ҳудди илдизсиз дарахтга ўхшайди-ку!" дея ўртанади чол. Ўғилларидан фарқли ўлароқ ардоқли қўшиқни куйлаганида биргина беш яшар қизалоғи унга жўр бўлганида кўпам қувонмайди, "ундан ҳам ниманидир умид қилсам бўлар" деган ҳаёл шуъласи кўнглидан ўтади холос. Ҳикояда бора-бора шу ожиз умид гунча тугиб, тўлишиб, улғайиб, гул очиб, япроқ ёзиб, мева тугиб, охир-оқибат, асар пафоси даражасига кўтарила боради. Бу жараён эса бошда пинхона, оғриқли, жиддий силсилалар, изтироблар, драмалар, фожиалар уйкашлигида кечади.

Дарознинг ўз мутаассибона ақидасидан келиб чиқиб, яккаю ягона қизалоғига совуқ муносабати, чунончи, қизнинг дунёга келиши, исм олиши, қўл сайри чоғидаги фалокат асоратига бепарво муносабати, айнаи шундай ҳолатлар туфайли қиз ақл-хушидан маҳрум бўлиб қолиши – шу каби қалтис, оғриқли, шафқатсиз ҳодисалар силсиласи ҳикоя ҳажми даражасида назокат, одоб доирасида ихчам, лўнда, таъсирчан ифода этилган. Қарангки, қиз отаси ўзига нисбатан адолатсизликлар кўрсатганида бирор ўринда бўлмасин уларни ўзига қаттиқ олмайди, бунинг учун норозилик билдирмайди, аксинча, қаҳрга нисбатан ҳар гал меҳр ила жавоб қайтаради.

Пировардида, қария гап-сўзи, кўнгил розлари ўғлонларига ўтмай, кўзда ёш билан ҳасратини тўкиб солганида, ўша "ақлдан озган" қизи ота нопаларини дил-дилдан ҳис этиб, Кўккўл қўшиғини куйлашга тушади. Шу чоқ, ҳикоянавис таъбирича, гўё отанинг кекса кўнглида минг йиллардан бери мудраб ётган пўртана бош кўтаради. Қария шууридаги силсилалар поёнига етиб, онгида кескин бурилиш юз беради, айбини мардона бўйнига олади. Отахоннинг ўша дақиқалардаги ҳасби ҳолини, иқрорини тинглаб кўринг-а: "Мени кечир, қизим, аҳмоқ отангнинг кечир... Мен қари аҳмоқ авлодимнинг давомчиси фақат ўғилларим деб ўйлабман... Она Кўккўл, ҳали сен ҳақингдаги қўшиқ унутилмабди. Афсуски, уни мен ишонган ўғилларим эмас, **эси паст қизим** (таъкид бизники – У.Н.) куйлаяпти. Бунинг учун одам авлодларида айб йўқ, ҳамма гуноҳ менда..."

Ҳикоянинг бундай ҳаётбахш оптимистик руҳ билан якунланиши, тилдан қолган, ақлдан озган қизнинг пировардида тилга кириб, ота дардига дармон бўлиши, бу ҳол қария қарашида кескин бурилиш ясаши – бундай талқин баъзи ўқувчиларга сунъий, ясама бўлиб туюлиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзида бунақа кутилмаган тасодиф, илоҳий мўъжизалар – "эзгулик учун мукофотлар" учраб туради. Ху-



сусан, романтик руҳдаги асарлар учун бундай ҳол табиий саналади. “Кўккўл кўшиғи”, шунингдек, “Соҳилдаги уй” бизда ўтган асрнинг 60-70-йилларида кенг урф олган, айниқса, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султонов, Тоғай Муродлар бисотида намоён бўлган лиро-романтик аънааларнинг бугунги янгича кўринишидир. Шу руҳдаги асарларнинг ҳатто Хуршид Дўстмуҳаммад, Н. Эшонкул, У. Ҳамдам сингари модерн усул-услугага мойил ҳикоянависларда ҳам учраётгани эътиборга сазовордир.

Аслида романтика – сурур туйғуси, инсон зоти, қолаверса, башарият учун мангу бебаҳо, беназир хислатдир. Ижодкор қайси давр, оқимда қалам тебратмасин, унинг яратигида бу беназир туйғу қандайдир кўринишда намоён бўлаверади.

2013 йил феврал

БОКИРА ТУЙҒУЛАР ТАРАННУМИ

Ўтган йилнинг сентябрь ойи охирилари. Анҳор соҳилидаги сўлим сайлгоҳда ўтадиган бир маросим аввалида шоир Иқбол Мирзони учратиб қолдим. Ёнида турган қорачадан келган миқтигина қизчани менга таништириб: “Бу қизимизнинг исми Дилрабо, шеърлар ёзади, шеърларини китоб қилиб чиқармоқчимиз. Танишиб чиқсангиз” дея елим жилдга солинган мўъжазгина қўлёзмани қўлимга тутқазди. Кечкурун ундаги шеърлар мутолаасига тушдим. 30 чоғли компьютерда терилган шеърлар охирида қалам билан битилган “Дилрабо Норқулова” деган исму насабдан бошқа муаллиф ҳақида ҳеч қанақа маълумот йўқ. Шеърлар мутолааси чоғи бунга ҳожат ҳам қолмади. Қаерда туғилиб, қандай муҳитда тарбия топгани, ҳозирда туғилган юртидан олисда – пойтахтда таълим олаётгани, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Сирожиддин Саййид каби юртдошлари созига ҳамоҳанг, аммо уларникини мутлақо тақрорламайдиган 16-17 ёшли қизалоқнинг бетакрор, бокира, содда, самимий дил розлари каминани ўзига мафтун этди-қўйди. Шу орада вақтли матбуот саҳифаларида Дилрабонинг уч-тўртта шеърига кўзим тушди. Ниҳоят, йил охирига келиб янги ташкил топган “Адиб” нашриётида унинг “Қуёшга яқин маскан” номи остида биринчи китобчаси чоп этилди. Қарангки, Иқбол Мирзо муҳаррирлиги остида нашрга тайёрланган китобчага мен қўлёзмада танишган шеърларнинг барчаси деярли таҳрирсиз киритилибди, фақат улар қаторига 14та янги шеър қўшилибди.

Тўплам, одатдагидек, она Ватан мадҳи, юртнинг қадим тарихи



васфидан бошланади, эндигина шеърят бўстониға қадам қўйган шоира бу борада машҳур “Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим” шеърига назира тариқасида

*Ҳали бу дунёнинг кенгликларида
Бир текис тарқалиб кетмасдан одам,
Аму билан Сирнинг соҳилларида
Аждодлар яшаган улуғ, мукаррам*

деб ёзишга ўзида журъат топибди. Қасида руҳида хийла юсак пардаларда битилган сатрларнинг муаллифи ким экан, деган савол ўқувчини қизиқтириб қолади. Кейинги “Ифтихор” шеърисида бунга жавоб топгандай бўламиз. “Ватан, оқ сутингни оқлайман бир кун, Ортингдан гўдакдек эргашиб юриб” мисралари ўн етти ёшли қизалоқнинг дил розлари эканидан дарак беради. Сўнг мана бу сатрларда ҳаммаси аён бўлади: “Қуёшга яқинроқ масканингданман, Жануб офтобида қорайган юзим”. Бунақа ташбеҳларни ўша масканда туғилиб ўсган ўша ёшдаги шоирагина битиши мумкин.

Ватан остонадан, киндик қони тўкилган, кўз очиб кўрган, таниган маскандан бошланади, деган ҳикматда гап кўп. “Қуёшга яқин маскан”дан ўрин олган қатор шеърлар буни яна бир қарра тасдиқлайди. “Бирдан гуллавора Сурхонда бодом”, “Баҳор бошланади Сурхондарёдан”... Бу сатрлар муаллифнинг 17 ёшида қоғозга тушган бўлса, унинг ўзи 17 бор айнан шу ҳодиса – манзарага гувоҳ бўлган. Энди мана бу лавҳага бир разм солиб кўринг:

*Боботондан мўралар қуёш,
Ёнбошлайди чўпон сингари.
Сўнгга заррин нур сочиб кетар
Даралардан далалар сари.*

Бунақа ҳаракатдаги дилрабо тонг манзараси ҳам айнаи ўша юртда, айнаи ўша тарзда кечиши, айнаи шу юрт фарзанди бўлмиш шоира қаламидангина қоғоз юзига тўкилиши мумкин.

Тўпламда шу тарздаги юрт табиатининг бетакрор манзаралари тараннуми билан баробар айнаи шу юртга хос удум-маросим лавҳалари акс этган шеърлар ҳам талайгина. Бу хил лавҳалар ҳам беқиёс, жозибадор; ҳолат, ҳодисалар эса ҳаракатда берилади, улар садоси қулоғингиз остида баралла янграб туради. “Пойга”даги мана бу манзарага бир боқиб кўринг-а: “От кишнайди... Зириллайди адоқсиз яйлов... Чапдаст йигит айланиб ўтиб, Юган урар асов айғирга. Бири эса эгардан тутиб, Шартта минар қорабайирга. Кўтарилар қий-чув ва сурон, Юраклар ҳам чопар гупириб. Отлар елар хув қирлар томон,



Олислашар дупур-дупури. Қамчи тушар от яғринига, Кенг даралар ортга чопади..." Пойга авжи чоғи суронларга жўр бўлиб юракларнинг бирга чопиши, шоира нигоҳида дараларнинг ортга чопгандай туюлиши – шеърдаги нозик топилма. Жараён итиҳосининг шеър интиҳоси билан мос келиши ҳам шоиранинг ютуғи:

*Оти ўзган ғолиб эгинга
Баковуллар сарпо ёпади*

Дилрабо қишлоқ ҳаётига оид кундалик оддий турмуш, маиший ҳаёт манзараси орқали яқин кечмиш алами, истиқлол шукронасидек муҳим ҳодисалар моҳиятига нигоҳ ташлайди.

*Элак элайди момо,
Эланади элаги.*

Йўқ, бу шунчаки элак элаш эмас, элак билан бирга гўё момонинг юраги ҳам эланади, элак элаб супрасини чош этиш асносида ўтмишни ўйлаб кўзлари ёшга тўлади, элагидан бамисоли юлдузчалардек тўкилиб дунё ўтади, тақчил кунлар ёдига тушади: "Замон қаро, кун қаро... Қайда эди бу унлар..." Элак элаш жараёни давом этади, супра қабариб борган сари момонинг хуфтон бўлган қалби оқариб бораверади.

*Элак элайди момо,
Кўз ёши дона-дона.
Лабида ойдин дуо,
Дуосида шукрона.*

Оддий кундалик турмуш манзаралари орқали ихчамгина бир шеърда замондош, заҳматкаш оддий бир инсон қисматидаги улкан тарихий жараённи бу тарзда бетакрор, содда, самимий ифодалаш, чиндан-да, бадиий топилма!

Шоиранинг шаҳардаги, аниқроқ айтганда, лицейдаги талаба-лик даври таассуротларига оид шеърларида поэтик тафаккур уфқи хийла кенгайиб бораётганига шохид бўламиз. "Қишлоқ билан хайрлашув" шеърда қизимизнинг ҳаётидаги ана шу бурилиш палласи чоғидаги кайфияти мана бундай ифодаланган:

*Юрагимга сайрашни
Ўргатдинг, шеър битяпман.
Мен олисга, ўзингни
Соғингани кетяпман.*

Қалба киндик қони тўкилган юртга соғинч, эҳтиром сақлангани ҳолда, энди унинг шеърларига ўзгача оҳанг, мотивлар ҳам кириб ке-



ляпти. Чунончи, Бобур сатрларидан улги олиб “Жон чекинг, афгон чекинг, Мажнуним бўлинг маним, Тақдиримизга ишқнинг саҳроси тушсин, эй жон”, дея балоғат палласига қадам қўяётган қалбнинг хитоблари янграмоқда. Ёки Машраб ғазалига мухаммас боғлаб, исён-кор шоирга жўровоз бўлиб:

*Тинмайин, эй Дилробо, фарёду оҳ урмоқ надур,
Ғам, алам қаърида ёлғиз йиғлаб ўлтирмоқ надур*

дея қизғин баҳсларга чоғланади қизимиз.

“Китоб ўқимаган болалар” шеърида, кино-ю компьютердан бошқасини билмайдиган болажонларга хитоб қилиб, китобдан йироқлашиш қанчалик йўқотиш эканини куйиб-ёниб уларга ўқтирмоқчи бўлади, жумладан, шундай ёзади:

*Не сабаб китобдан қўрқасиз,
Болари гул ўқиб, бол олар.
Юзта сўз биласиз зўрға сиз,
Китоб ўқимган болалар.*

“Сув”, “Шам” каби шеърларида эса мумтоз шеъриятимиз анъаналари изидан бориб, ўзининг бокира фалсафий кузатишлари билан ўртоқлашгиси келади. Аммо бу йўлда ҳам у ўзлигига содиқ қолади, ўзидан катта кетиш, ошкор ўғитбозлик қилиш, китобийлик томон чалғиш йўқ. Ўз ёшига мос кузатиш, мушоҳада, якун-хулоса – барчаси содда, самимий. “Сув” шеърида жилға бўйидаги икки ҳолат, икки манзара чизилади: “Сувни хафа қилди анави одам, Ҳузурида ёмон гап айтиб қўйди”. Шу туфайли кўнгилсиз ҳолат рўй беради: “Бу зилол жилғанинг оғриди дили, Бадани жимирлаб, вужуди куйди”. Сўнг айтиш шундай масканда бутунлай бошқача ҳолатга дуч келамиз: “Бир саҳройи эса мақтади уни, Шукр, деб томчисин кўзига сурди”. Бу ҳолат оқибати эса бутунлай бошқача: “Чеҳраси очилди шунда жилғанинг, Ўйноқлаб даралар сари югурди”.

Шу икки ҳолат, икки манзара қиёсидан шоира мана бундай хулосага келади:

*Одамлар! Кўнгилни асранг, кўнгилни,
Фақат эзгу сўзга тўлсин бу олам.
Топ-тоза сувларга яхши гап айтинг.
Айтманг ҳатто ёмон тушинишни ҳам.*

Кўриниб турибди, шоиранинг ўғит, даъволари ҳам, истак-илтижолари ҳам “ёмон тушинишни сувга айт” матали билан баҳси ҳам – барчаси ёшига мос, самимий.



Шам ҳақида кимлар ёзмаган. Дилрабонинг "Шам"и эса ҳеч кимникини такрорламайди. Бу ерда ҳам ёнаётган шам манзараси, манзаранинг ҳаракатдаги ифодаси Дилрабо нигоҳига хос бетакрор, беқиёс:

*Шам. Пиликдан бошида чироқ,
Ўзи дуркун, қомати мавзун,
Косасида мавжланган қирғоқ,
Ҳижрон тунӣ жудаям узун.*

*Шам. Зулфини суманбар ёйиб,
Боқиб турар ҳар ён паришон.
Кўз ёшлари тушар сирғалиб,
Кўнгли бўлар ғамларга нишон...*

*Шам. Ёнади, ёнгани сайин
Зулмат чекинади йироққа.
Энди адо бўлиши тайин
Ошиқ каби маҳкум фироққа...*

Бу жараёни кузатаётган шоира охири бирдан ҳайратга тушади:

*Шам. Шунчалар ёнгани билан
Оғининг ости қоронғу.*

Сўнг бирданига ўзлигига қайтиб, бу ғаройиб ҳолат-ҳодисада ўз-лигини кўради:

*Биз ҳам унга ўхшаймиз, чиндан
Худди бизнинг ўзимиздир у.*

Шеър поёнидаги бундай кутилмаган бурилиш ўқувчини хушёр торттиради, ўй-мушоҳадаларга ундайди. Ўйлаб қоласан киши: шеърнинг юраги айна шу икки сатр бағрида-ку, ахир!

"Қуёшга яқин маскан"даги бу каби нозик поэтик кузатиш, мушоҳадалар, бокира туйғу-кечинмалар, содда, самимий дил розлари шоира қизимизнинг истиқболига катта умид уйғотади. Тўпламдан ўрин олган "Умидим" шеърида шундай сатларни ўқиймиз:

*Қани, ҳей, йўл бошла, умидим,
Елкамга қўл ташла, умидим.
Ёр бўлгин жон қадар, умидим.
Энг сўнги он қадар, умидим!*

Дилрабо қизимиз ўзининг ана шу қатъий аҳдига бир умр содиқ қолажагига ишончимиз комил.

2012 йил 13 январ



АДАБИЁТ ФАНИНИНГ УФҚЛАРИ ЁҲУД ЯНГИ ДАВР ОЛИМИ

(Ҳимоялар чоғидаги ўйлар)

Истиқлол йилларида нуфузли илмий кенгашларда ёқланаётган диссертант ва диссертацияларга қўйилаётган талаблар оширилиб, илмий даража бериш тизимини такомиллаштириш чоралари кўрилгани айни муддао бўлди. Жумладан, фан номзоди, хусусан, докторлик илмий даражасини олишга даъвогар тадқиқотчи албатта хорижий тиллардан камида бир-иккитасини мукаммал билиши, хорижий тилларда илмий маърузалар қила олиши, мақолалар билан хорижий матбуотда чиқиши шарт қилиб қўйилди.

Ўтган йили Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда диссертантлар олдига қўйилган янги талаблар муҳокамаси чоғи айрим ҳамкасбларимизнинг бўлғуси фан номзоди ва докторлари хорижий матбуотда илмий мақолалар билан чиқиши шarti фан йўлига ғов солади, деган иддаоларини эшитиб, рост, ранжидим. Бу талаб, аксинча, фанимиз ривож, фан кишилари камолоти учун йўл очади-ку, ахир. Бусиз фанимизни жаҳон майдонига чиқишини тасаввур этиш қийин. Қани энди фақат адабиётшунос олимларгина эмас, ижодкор ёзувчиларимиз ҳам И. Бродский ёки Ў. Помук каби хорижда чет тилларда миллий адабиётимиз ютуқларини завқ-шавқ билан тарғиб қила олиш даражасида бўлсалар...

Шуниси қувонарлики, ўз вақтида кўрилган бу жиддий чоралар ўзининг ilk самараларини бера бошлади. Ўтган йил поёнида, янги йилнинг бошларида бир эмас, учта филология фанлари доктори илмий даражаси олиш учун тақдим этилган диссертациялар ҳимояси, менимча, бу соҳада бурилиш, янги бир босқич бошланаётганидан далолатдир.

Бадиий ижоднинг боши фольклордадир, деган нақл бор. Адабиётшунослик бўйича ҳимоялар бобидаги янги шабадалар ҳам айни фольклоршуносликдан бошланди. 2010 йил 22 декабрда Республика фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида иқтидорли ёш адабиётшунос Жаббор Эшонқулов "Ўзбек фольклорларида туш ва унинг бадиий талқини" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Аввало, диссертация ва унинг автореферати ниҳоятда пухта, мукаммал, кўркем тарзда тайёрланган. Диссертант мавзу юзасидан ўзимизда иккита монография, 30 мақола, хорижда эса 10дан ортиқ

мақола эълон этган, халқаро анжуманларда 12 бор маъруза ўқиган. Германия, Туркиядан тортиб деярли барча туркийзабон мамлакатларнинг етакчи олимларидан тақризлар олинган; уларда мазкур тадқиқот фақат Ўзбекистонда эмас, турк дунёси фольклоршунослигида ҳам муҳим илмий янгилик деб эътироф этилган.

Диссертант инсон ҳаёти ва руҳияти билан боғлиқ ғоят муҳим сирли-сеҳрли ҳодиса – тушнинг фольклордаги талқинини текширишга киришар экан, аввало, уни умумтуркий, қолаверса, умумжаҳон фольклористикаси, жаҳон ёзма адабиёти контекстида олиб қарайди. Бугина эмас, тушнинг илмий ўрганилиши, туш ҳақидаги мифологик қарашлар, Шарқ ва Ғарб фалсафаси, руҳшунослик, таърих илмидаги талқинлар ҳақида батафсил тўхталади; Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф, сўнг “Ирқ битиги” – “Таъбирнома”дан тортиб сон-саноксиз ноёб манбалардаги ғоят қимматли талқинларга мурожаат этади. Имом Ғаззолийнинг туш “Одам ўғли фитратининг ғаройиботларидандир”, деган фикри билан XX асрнинг машҳур руҳшуноси Фрейд ва унинг издошлари қарашларида муштаракликлар борлигини аниқлайди. Ёзма адабиётдаги туш талқини устида гап кетганда “Шоҳ Эдип”дан тортиб Т. Манн, Ф. Кафка, У. Фолькнер, Х.Л. Борхес, Х.Кортосар, шунингдек, бугунги миллий адабиётимизнинг қатор намуналарига мурожаат этади. Ишнинг “Ўзбек халқ эртаки ва дostonлари структурасида тушнинг тутган ўрни”, “Туш семантикаси ва баъдий вазифалари” боблари ғоят мароқли чиққан.

Яна шуниси эътиборлики, ишда мавзуга оид ўзимиздаги ва хориждаги сон-саноксиз илмий адабиётлар қамраб олинган; диссертант ўзгалар фикрини шунчаки эслаш-эслатиш билан чекланмайди, ўрни келганда улар билан баҳсга киришади, ўз мустақил қарашларини илгари суради; кўзланган мақсаддан келиб чиқиб “Унда биринчи марта мавзумиз доирасида психоаналитик методни ўзбек фольклорига нисбатан қўллашга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, тадқиқотда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий таҳлил методларидан кенг фойдаландик”, деб ёзади муаллиф. Аслида, диссертант ишда ўзи тилга олган таҳлил методлари билангина чеклиниб қолмаган, ҳозирги адабиётшунослик фанидаги мифологик, лингвистик, структурал каби методлардан ҳам кенг фойдаланган. Диссертация билан танишиш асносида бу жиҳатдан таниқли назариячи олим Ю. Боров: “Ҳар бир мактаб методологияси тадқиқ этилаётган ҳодисанинг фақат бир томонинигина очишга хизмат қилади. Ҳодиса моҳиятига тўлароқ қириб бориш учун барча мавжуд методологик тажрибаларни бирлаштириш даркор”, деганида тўла ҳақ эканига яна бир бор иқрор бўламиз. Муҳими, фольклоршунос тадқиқотчи ўз фани қобиғи би-



лан чекланиб қолмай, миллий ёзма адабиёт тарихи, замонавий адабий жараён, жаҳон адабиёти ва назарияси, руҳшунослик, фалсафа, тарих дунёсида ўзини ғоят эркин ҳис этади, эркин ҳаракат қилади. Аминманки, у истаган мамлакат олими, ижодкори билан бу борада бемалол юзма-юз туриб баҳслаша олади. Мустақил юртнинг XXI асрнинг олими — фан доктори шундай бўлиши керак-да, ахир!

Орадан бир ой ўтиб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги адабий алоқалар, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик бўйича ихтисослашган кенгашда Муҳаббат Шарафутдинованинг “XX аср ўзбек романчилиги ҳикоя тарзининг ўзига хос хусусиятлари (Жаҳон адабиёти контекстида)” мавзусидаги тадқиқоти ҳимояси бўлиб ўтди. Тўрт ярим соат давом этган ҳимоя мажлисида иштирок этганларнинг бирортаси ҳам тирбанд зални тарк этмай ўтирди. Диссертантнинг батафсил маърузасидан сўнг расмий оппонентлар чиқишларида, кенгашга йўлланган 20дан ортиқ тақризларда, шунингдек, муҳокамада иштирок этган 10га яқин мутахассис олимлар нутқида билдирилган барча мулоҳазалар хусусида ўзининг лўнда, дадил, аниқ-равшан фикрларини айтди, берилган саволлар қайси тилда бўлса, ўша тилда жавоб қайтарилди. Бирорта масала, савол очиқ қолдирилмади. Диссертация ҳимояси жараёни диссертант учун ўзи кашф этган янги қараш, ғояларнинг, ақидаларнинг чин маънодаги ҳимояси тарзида ўтди. Рус, корейс ва бошқа миллат вакиллари, фақат филологлар эмас, шифокор, сиёсатшунос, юрист, тарихчи, иқтисодчи, математик, физик олимлар, шунингдек, ёзувчилар ўзбек романининг жаҳон адабиёти билан қиёсий таҳлилига бағишланган диссертация устидаги мулоҳаза, баҳс-мунозараларни жон қўлоғи билан тингладилар.

Мазкур тадқиқот, аввало, икки жиҳати билан ажралиб туради. Шу пайтга қадар XX аср ўзбек романи тараққиёти тамойиллари, хусусан, поэтикасига бағишланган кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларидан фарқли ўлароқ, Муҳаббат Шарафутдинова ўз ишида шу давр ўзбек романи **ҳикоя тарзи** структурасини махсус тадқиқ этишга жазм этади. Роман жанри поэтикасида муҳим ўрин тутувчи аини шу муаммони — миллий роман структурасидаги янгиланиш жараёнини жаҳон адабиёти контекстида — жаҳон романчилигининг нодир намуналари билан қиёсан таҳлил этиш йўлидан боради.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослигида Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А. Қаҳҳор насрий асарларини, жумладан, романларини Ж. Зайдон, В. Скотт, Ж. Лондон, А. Пушкин, Л. Толстой, Чехов, М. Горький, М. Шолохов асарлари билан қиёсий ўрганишга уринишлар бўлган, лекин улар кўпроқ ғоявий-мафкуравий йўналишда, персонажларда-

ги муштаракликлар қиёси тарзида эди. Т.Жўраевнинг ўзбек насридаги "онг оқими"га оид номзодлик диссертациясини мустасно этганда миллий романчилигимиз поэтикасини жаҳон адабиётидаги янги бадий-поэтик жараёнлар билан қиёсий тадқиқ этувчи жиддийроқ иш қилинган эмас эди. Шу ҳолат назарда тутиладиган бўлса, М.Шарафутдинованинг тадқиқот иши ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор. Икки аср бурун пайдо бўлган "жаҳон адабиёти" атамаси ҳозирга келиб "адабий глобаллашув", "умуминсоний адабиёт" палласига қадам кўётган бир пайтда бу турдаги тадқиқотга эҳтиёж ниҳоятда катта.

Маълумки, ўзбек адабиёти минг йиллар давомида айнан Шарқ халқлари адабиёти анъаналари доирасида, асосан, араб, форс, қисман, ҳинд адабиётлари билан ҳамкорликда, ислом дини фалсафаси, тасаввуф таълимоти таъсирида ривожланди. XIX аср охири XX аср бошларида у янги бир маънавий оламга, Овropa маданияти, адабиёти тажрибаларига юз ўгира бошлади. Даврнинг тараққийпарвар сиймолари ҳар бир соҳада янгиланишга чуқур эҳтиёж сездилар ва бу йўлда фаол ҳаракат қилдилар. Замонавий адабий жанрлар – ҳикоя, роман, драма, шеърий шаклларда қалам тебратган ва бу шаклларнинг етук намуналарини яратган алломалар – жумладан, А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, А. Қаҳҳорлар жаҳон адабиётидаги жараёнлардан чуқур хабардор эдилар; улар фақат адабиётдаги, адабиёт илмидаги янгиланишлар эмас, санъатдаги, руҳшунослик ва фалсафадаги янгиликлардан ҳам яхши хабардор эдилар. Қодирий ва Чўлпон эски мактаб, мадраса билан баробар рус-тузем ўқув юртларида таълим олган, ҳар иккиси ҳам болалигиданоқ рус тилини мукаммал эгаллаган, сўнг Қодирий Москвадаги Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиган, Чўлпон эса 1924 -27, 1931-34 йиллари Москвада яшаган, ишлаган, "Кеча ва кундуз" романи айна ўша Москва муҳитида яратилган эди. Диссертант Қодирий ва Чўлпон романларининг ҳикоя тарзи структурасини жаҳон адабиёти контекстида текширишга жазм этар экан, бунда ҳеч қанақа атайинлик, зўрма-зўракилик йўқ. Ҳар икки муаллиф ҳам жаҳон адабиёти адабий тафаккури даражасида туриб қалам тебратганлар; ҳар икки адибнинг ўша кезлари битган адабий-танқидий мақолалари, чунончи, Қодирийнинг С.Хусайн билан мунозараси, реализм, футуризм, импрессионизм каби оқимлар хусусидаги фикрлари, Чўлпоннинг Мейрхольд театри, Р.Тагор ҳақидаги мақолалариёқ уларнинг маънавий, адабий савияси нақадар юксак, замонавий жаҳон адабий тафаккури даражасида эканлигини тасдиқлайди. Шу даражага кўтарилган қаламкашларгина "Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз"дек етук, том маънодаги замонавий романларни яратиши мумкин эди.



Замонасининг ҳар жиҳатдан етук бошқа бир адиби А. Қаҳҳор, Қодирий романларини “янги давр адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлардир” деганида тўла ҳақ.

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, М. Шарафутдинова ўз тадқиқотида “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” романлари талқинини тўғридан-тўғри кўтарилган муаммо таҳлилидан бошлайди, мавзуга оид илмий адабиётлардан кўплаб иқтибослар келтиради, назарий асос сифатида М. Бахтин қарашларига таянади; аммо муаллифларнинг ўз ижодий тажрибалари, адабий принципларига оид қарашлари, ғоят ибратли фикр-мулоҳазаларидан деярли фойдаланмайди. Ў. Ҳошимов, О. Мухтор ижодига оид боб ва фассларда ҳам айна шу ҳол кўзга ташланади. Ютуқлар билан бир қаторда ишнинг бу камчилиги ҳам айтиб ўтилди.

XX аср ўзбек романчилигида ишда қўйилган назарий муаммо – ҳикоя тарзи структураси жиҳатидан жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсан тадқиқ этишга арзигулик асарлар бисёр, чунончи, Ойбекнинг “Қутлуг қон”, А. Қаҳҳорнинг “Сароб”, О. Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, Т. Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Х. Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, М. Муҳаммад Дўстнинг “Лолзор”, У. Ҳамдамнинг “Мувозанат”, Х. Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романлари шулар жумласидан. Аммо бир диссертация доирасида уларнинг барчасини қамраб олиш имкони йўқ. Шуни назарда тутган ҳолда, ишда XX аср ўзбек романчилигидаги кўтарилган муаммога оид жараёнларни ўзида намоён этадиган айрим асарлар таҳлил доирасига тортилганлиги, менимча, мақсадга мувофиқ. “Ўткан кунлар” романидаги ровий – муаллиф ҳикояси, мактублар, этнографик тафсилотлар, қистирма жанрлар (шеър, новеллалар), персонажлар нутқи, ички монологлар ифода тарзи айниқса, роман тилидаги муסיқийлик чиройли таҳлил этилган. “Кеча ва кундуз” ҳикоя тарзидаги киноя-кесатиклар Н. Гоголь асарлари билан қиёсланган. Ў. Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи билан У. Фолкнернинг “Ўлар чоғимда” романларидаги полифоник ифода тарзидаги муштараклик ва фарқли жиҳатлар таҳлили мароқли чиққан. Яна шу адибнинг “Тушда кечган умрлар” романи Ч. Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” асари билан қиёсан текширилган. Роман структурасидан ўрин олган ҳикоячи персонажнинг эсдаликлари, тушлари, мактуб, хужжат, кундаликлари асарда ижтимоий оҳанглар ранг-баранглигини таъмин этганлиги теран таҳлиллар орқали кўрсатилган. Ҳозирги ўзбек модерн романчилигининг намуналаридан бири О. Мухторнинг “Минг бир қиёфа” асари ҳикоя тарзига хос ранг-баранглик М. Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Ф. Кафканинг “Жараён” романлари билан қиёсан кенг тадқиқ этилган.



Батафсил кузатиш, таҳлил, талқинлардан муаллиф А. Қодирий, А. Чўлпон, Ў. Ҳошимов, О. Мухтор романлари поэтик дунёси Шарқ ва Ғарб бадиий синтезининг ғоят мароқли эстетик намоишидир, деган асосий хулосага келади.

XX асрнинг моҳир романшунослари М. Бахтин, Х. Ортега-и-Гассет қарашларига таянган ҳолда XX аср ўзбек романи ҳикоя тарзини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ этишга қаратилган ушбу тадқиқот кишида ифтихор туйғусини уйғотди; XX аср ўзбек адабиётида шўро даври истибдоди – таъйиқларига қарамай, янги давр жаҳон адабиёти нодир намуналари билан бемалол бўйлаша оладиган асарлар яратганлигини, миллий адабиётимиз шунчаки “кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми” эмас, жаҳон янги адабиётининг узвий қисми тарзида ривожланганлигини яна бир қарра тасдиқлайди; бундай муҳим қарашни, илмий концепцияни келгусида яна давом эттирадиган янги тадқиқотлар учун йўл очади. Тадқиқотнинг рус тилида ёзилганлиги ўзбек романчилиги мактаби даражаси, қўлама хусусида жаҳон адабий-илмий жамоатчилигини хабардор этиш йўлидаги дадил қадам эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Қани энди шу тарздаги тадқиқотлар инглиз, испан, француз, япон тилларида ҳам пайдо бўлса!..

Кувонарли жиҳати шундаки, М. Шарафутдинова диссертациясида илгари сурилган бу муҳим концепция айти шу илмий кенгашда орадан 20 кун ўтиб ҳимоя қилинган Замира Қосимованинг “Олам ва одам концепцияси миллий ва жаҳон адабиёти анъаналари призмасида (А. Фитрат, А. Қодирий, А. Чўлпон ижоди мисолида)” тадқиқотида янгича аспект, ўзгача таҳлил, талқинлар орқали давом эттирилади. Диссертация муаллифи Фитрат, Қодирий, Чўлпон асарларида олам ва одам концепцияси адибларнинг диний-фалсафий дунёқарашлари, Шарқ ва Ғарб мумтоз адабиёти, маърифатчилик даври маданияти таъсири остида шаклланганлигини, ижод аҳли ўз даврининг ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик муаммолари ечими, талқинида жаҳон тажрибасига ижодий ёндашганлигини аниқ далиллар орқали кўрсатади. Худди Ж. Эшонқулов, М. Шарафутдинова каби З. Қосимова ҳам мавзу юзасидан қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий анжуманларда маърузалар ўқиган, АҚШ, Россия, Белорусия каби мамлакатлар матбуотида бир қатор мақолалар эълон этган.

Шуниси характерлики, З. Қосимова ҳам М. Шарафутдинова каби рус тилида ёзилган тадқиқотида Қодирий, Чўлпон асарлари таҳлили чоғи оригинал – она тилидаги матнга таяниб иш кўрган, аслиятга хос беназир ифода, мўъжизакор руҳ билан танишиш асносида қалбида жўш урган ҳайрат, завқ-шавқини рус тилида изҳор этишга уринган. Ҳар икки тадқиқотчи ҳам бу икки аллома асарларининг, айтиқса,



"Ўткан кунлар"нинг рус тилига таржимаси ночор аҳволда эканлигини таъкидлайдилар, кўп ҳолларда фикр-қарашлари тасдиғи учун асардан олинган кўчирмаларни ўзларининг таржимасида беришга мажбур бўлганлар. Энг ёмони, "Ўткан кунлар"нинг жаҳон тилларига таржималари ўша рус тилидаги ночор таржималар асосида адо этилганлигини З.Қосимова ўз ишида афсус-надомат билан айтиб ўтади. Энг кейинги русча таржима аслиятга анча яқин бўлса-да, бари бир, аслиятдаги руҳ етарли ифодасини топмаган. Буни-ку тушуниш мумкин. Икки тил, икки хил ҳаёт тарзи орасидаги масофа хийла узоқ. Энди мана бу ҳолатга нима дейсиз:

Беш йил бурун Шарқшунослик институтида таълим олган набирам "Ўткан кунлар"нинг туркчага таржимаси устида битирув иши ёзди. Романнинг туркча таржимасини аслият билан сатрма-сатр синчиклаб солиштириш асносида ҳар қадамда чалкашлик, аслиятдаги маъно ва асл руҳни бузиш ҳолларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Биргина мисол: бир ўринда Қутидорнинг ўз аёлига ўзбек удумига кўра қизи номи билан мурожаати – Кумушга мурожаат тарзида берилади. Тасвирдаги бу каби нафис, латиф жумлалар, нозик сўз ўйинлари бузиб берилади, ё тушириб қолдирилади ёки латофатдан холи қуруқ ахборотдан иборат қилиб қўйилади... Кўзларингга ишонмайсан киши. Наҳотки миллий адабиётимиз дурдонаси тили, дили ва ҳаёт тарзи жиҳатидан яқин қардош турк тилига шу тарзда ўгирилса! Мен Туркияда бўлганимда турк ҳамкасбларимиздан "Ўткан кунлар" таржимаси хусусида таассуротларини сўраганимда, улар негадир лоқайд жавоб берганларидан ажабланган эдим. Кейин маълум бўлдики, бунинг сабаби беназир романнинг туркча таржимаси ночорлигида экан... Шунда беихтиёр акс ҳол ёдимга тушди. Янги турк адабиётининг нодир намунаси "Чолиқуши" бизда қанчалар мушхур. Бунинг сабаби аён: моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий уни қойилмақом қилиб ўзбекчалаштирган, асарнинг асл руҳини, бутун нафосатини ўзбек китобхонига етказа билган. Тажриба бот-бот шундан далолат бераётирки, И.Фафуров айтганидай, таржимон тилда ёзувчига тенг ёзувчи, шоирга тенг шоир бўлгандагина, аслият таржимаси аслиятга тенглашади.

Бу диссертациялар фақат икки роман эмас, XX аср миллий адабиётимизнинг бошқа кўплаб жаҳон янги адабиёти етук намуналари билан бўйлаша оладиган асарларини таржимада жаҳон тилларига бор ҳолича бериш санъати бугунги кунда ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолаётганига яна бир бор жамоатчилик эътиборини тортиши билан ҳам аҳамиятлидир.

2011 йил феврал



ТАНҚИД ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

Шўро даври адабий сиёсати фақат сўз санъати, адабиёт фани ривожигагина эмас, адабий таълим соҳасида ҳам оғир асоратлар қолдирди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб амалдаги адабий таълим тизими тоқат қилиш мумкин бўлмаган ҳолга етди. Уша кезлари ҳокимият тепасига келган янги раҳбарият ташаббуси билан собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб 1991 йилнинг мартида мактаб адабиёт дастури ва дарсликларини тубдан янгилаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳга О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Назаров, Б. Қосимов каби ўндан ортиқ таниқли адабиётшунослар жалб этилди. Гуруҳнинг Дўрмондаги ижод уйида олиб борган жўшқин илмий-ижодий изланишлари самараси ўлароқ тубдан янгиланган дастур лойиҳаси тайёрланди, қизғин баҳс-муҳокама-лардан сўнг вазирлик томонидан маъқулланди ва шитоб билан мазкур дастур асосида дарсликлар тайёрлашга киришилди. Янги дарсликларнинг тайёр боблари пешма-пеш кўп нусхада кўчирилиб, мактабларга тарқатилди. Шу тариқа истиқлолнинг биринчи йилида озод мамлакатимиз мактаблари истиқлол руҳи билан йўғрилган янги адабиёт дастури, дарслик боблари асосида иш бошлади.

Мактаб адабий таълимида бошланган янгиланиш изчил давом этиб, олий ўқув юртлари адабиёт дастурлари, дарсликларини ҳам тубдан янгилашга киришилди, кўп асрлик ўзбек адабиёти, жумладан, янги ўзбек адабиёти тарихини қайта ўрганиш, баҳолаш йўлида олиб борилган изланишлар оқибати ўлароқ "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" (1999), "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" (2004) ўқув дарсликлари майдонга келди.

Маълумки, миллий адабиёт, айниқса, янги ўзбек адабиёти тарихини адабий танқид тарихисиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Бу борадаги бир қатор ишлар, чунончи, 1987 йили чоп этилган бошдан-оёқ ўша давр руҳи билан йўғрилган икки томлик "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" аллақачон ўз илмий қимматини йўқотган эди. Истиқлол йилларида миллий ўзбек адабий танқидчилиги тарихини замонавий адабий-танқидий тафаккур даражасида туриб янгича ёритиш йўлида ҳам қатор хайрли ишлар қилинди, миллий танқидчилигимизнинг айрим намояндалари, қатор атоқли адибларимизнинг адабий-танқидий қарашлари, шунингдек, улар ижодининг танқидчиликдаги талқинларига оид тадқиқотлар пайдо бўлди. "Ўзбек адабий танқиди антологияси", олий ўқув юртлари учун бир қатор ўқув қўлланмалари, ниҳоят, кечикиброқ бўлса-да Б. Назаров, А.Расулов, Ш.Аҳмедова, Қ. Қаҳрамоновлар қаламига мансуб "Ўзбек адабий танқиди тарихи" ўқув дарслиги майдонга келди.



Мазкур дарслик муқаддимасида таъкидлаб ўтилганидек, миллий танқидчилигимиз илдишлари қадим замонларга бориб тақалади, аммо чин маънодаги замонавий ўзбек адабий танқидчилиги кейинги юз йиллик давомида, кўп асрлик сўз санъатимиз тарихидаги туб бурилиш – янги ўзбек адабиёти билан ҳамоҳанг тарзда туғилиб шаклланди, ғоят мураккаб, зиддиятли, айни пайтда шарафли йўлни босиб ўтди. Дарсликда ўзбек адабий танқидининг фан ва санъат ҳодисаси сифатидаги ижтимоий-эстетик моҳияти, мақсад ва вазифалари, методологияси, давр эҳтиёжи, тақозоси туфайли пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёт тарихининг ўзига хос тамойиллари босқичма-босқич ёритилган. Миллий адабий танқид ривожига муносиб ҳисса қўшган қатор етакчи адабиётшунос-мунаққидлар илмий-иждоий фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, адабий танқиднинг шаклий-жанрий таркиби тасниф этилиб, тақриз, адабий-танқидий мақола, портрет, очерк, эссе, адабий-танқидий мактуб, адабий суҳбат каби жанрлар таҳлил этилган. Ҳар бир мавзу режа, мавзуга оид саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик кўрсатмалар билан таъминланган. Қисқаси, салмоқдор бу дарслик замонавий таълим технологиялари асосида бугунги адабиётшунослик назарияси ва методологияси ютуқлари даражасида туриб тайёрланган.

Ажратилган дарс соатларидан келиб чиқадиган бўлса, китоб ҳажми хийла катта. Аммо ҳозирча бизда миллий танқидчилигимиз тарихига оид замон руҳига мос фундаментал тадқиқот яратилмаганлиги назарда тутилса, бу ҳол ўзини тўла оқлайди. Дарсликда юз йиллик адабий-танқидий жараён бутун тафсилотлари билан ёритилган, эллика яқин мунаққидлар ҳақида турли ҳажмда маълумотлар берилган экан, талаба учун ўқув дастурида назарда тутилган ўринлар асосий, қолганлари эса қўшимча манба хизматини ўтайверади.

Миллий танқидчилигимизнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожланишида бевосита адибларимизнинг бу борадаги саъйи ҳаракати, фаолияти таҳсинга сазовор. Ҳатто Чўлпон, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳорлар соғлом миллий-танқидий тафаккур раvнақида етакчилик қилганлар. Чўлпоннинг 16 ёшида ёзган дастурий аҳамиятга молик “Адабиёт надир” мақоласи, Фитратнинг “Адабиёт қоидалари”, Қодирийнинг “Ўткан кунлар” танқидига оид мунаққид С. Хусайн билан баҳси, Ойбекнинг Чўлпон, Ҳ.Олимжон шеърини таҳлил қилиши ва ур-йиқитчиликка қарши чиқишлари ўтган асрнинг 20-30-йиллар адабий-танқидий тафаккурининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Муайян кам-кўстларига қарамай, Ойбек қаламига мансуб “Аб-



дулла Қодирийнинг ижодий йўли" рисоласида буюк адибнинг мислсиз санъати хусусида мардона ва оқилона сўзлар айтилган. Булар дарсликда ўз ифодасини топган. Айни шу анъана 50-йиллар иккинчи ярми, 60-йиллар давомида жасур аллома А. Қахҳор томонидан давом эттирилди, унинг адабий анжуманлардаги, матбуотдаги ҳар бир чиқиши, хусусан, "Ёшлар билан суҳбат" китоби маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди; адиб теварагида қатор янги авлод ижодкорлар, улар сафида Матёқуб Қўшжонов билан Озод Шарафиддиновдек етук истеъдодли мунаққидлар уюшган эди, ҳар иккиси А. Қахҳорни ўзига устоз деб биларди. Бу ҳол миллий адабиётимиз, адабий-танқидий тафаккур ривожига ўзига хос руҳ бахш этди. Дарсликда ана шу жиддий ҳодиса етарли даражада ёритилмай қолган.

Дарсликнинг характерли жиҳатларидан бири шуки, мушкул вазиятларда танқид майдонида турган истеъдодли мунаққидларнинг фожиявий қисмати бор ҳолича берилган. Шўро адабий сиёсати, мамлакатда авж олдирилган синфий-мафкуравий курашлар жазаваси туфайли 20-йилларда истеъдодли мунаққид сифатида тан олинган Вадуд Маҳмуд сиёсий жазаваларга дош беролмай танқид майдонини эрта тарк этди; бошда чин нафосат кашшофи сифатида танила бошлаган А. Саъдий, Қодирий катта умид боғлаган С. Ҳусайнлар вульгар социологизм йўлига тушиб олдилар. Бошқаларнинг қисмати ҳам деярли шу хилда кечди. Танқид чин истеъдодни, чин санъат асарининг гўзаллигини кашф этишдек бош вазифасидан чекиниб, ғоявий-синфий, сиёсий демагогия йўлига тушиб олди. Дарслик муаллифлари шу аччиқ ҳақиқатни бор ҳолича қайд этиш билан бир қаторда, ана шундай кўргиликка гирифтор мунаққидлар бисотида "йилт" этган жиҳатларни ҳам адолат юзасидан эътироф этиб ўтадилар. 60-80-йиллари фаолият кўрсатган мунаққидлар бисоти гарчи муайян зиддиятлардан холи бўлмаса-да, уларда ижобий хислатлар етакчилик қилади. Буни муаллифлар танқидчиликдаги энг муҳим тамойил – бадиий ижод асл табиати, уни санъат ҳодисаси сифатида англаш, талқин этиш томон юз ўгириши самараси тарзида изоҳлайдилар.

Шу ўринда мен ўша кезлари кўплаб бошқа мамлакатлар адабиётшунослигида бўлгани каби миллий танқидчилигимизда ҳам соцреализмни "очиқ система" сифатида талқин этишдан иборат тамойил юзага келганлигини, бу ҳол, аслида, адабий жараённинг ўзида рўй бераётган ифода ва талқинлар ранг-баранглигини ҳимоя қилишнинг ўзига хос йўли бўлганлигига эътиборни тортмоқчи эдим. Айрим ўқув кўлланмаларида эътироф этилган ана шу самарали ҳодиса дарслик муаллифлари эътиборидан четда қолган.



Дарсликнинг энг муҳим ютуғи, менимча, истиқлол даври миллий танқидчилигимиз ривожда содир бўлган ғоят самарали умидбахш тамойилларнинг кенг қўламда изчил ва теран тадқиқ этилганлигидандир. Шунинчун билан эътироф этиш даркор: истиқлол йилларида ўзбек адабий танқидчилиги ҳар қандай тазйиқ, чекловлардан халос бўлиб, чин маънода эркин, ўз мустақил йўлига тушиб олди, "қўп миллатли адабий танқиднинг бир қисми" доирасидан чиқиб, умумжаҳон замонавий адабий танқидий тафаккур ўзанлари томон юз ўгира бошлади, аввало, мунаққид эътиқоди, қолаверса, таҳлил, талқин, баҳолаш методологияси тубдан ўзгарди. Адабий танқидчиликда эркин ижодий баҳс муҳити шаклланди, фикрлар, талқинлар хилма-хиллиги учун кенг йўл очилди.

Биринчидан, адабий танқид ўзи босиб ўтган 70 йиллик ўта мураккаб, зиддиятли, ҳаттоки, фожиавий йўлни қайта нигоҳдан ўтказиш, адабий жараёни, алоҳида ижодкорлар бисотини қайта баҳолаш, талқин этишга киришди.

Иккинчидан, янги ўзбек адабиётининг жадид ёҳуд миллий уйғониш даври адабиёти деб номланган илк босқичи манзараси бор ҳолича тикланди.

Учинчидан, адабий танқид истиқлол даври адабий жараёни, унда содир бўлаётган янгича тамойилларни аниқлаш, баҳолаш йўлида астойдил ҳаракат қилди; авваллари тасаввур этиш мумкин бўлмаган, шўро даврида фақат "реакцион буржуа оқими" дея рад этилган модернизм ҳодисаси теварагида жиддий тортишувлар бўлди.

Тўртинчидан, адабий танқид янги шароитда ўз қуроли – таҳлил, талқин, баҳолаш мезонлари – методологияси устида жиддий бош қотирди, энг чигал, мураккаб муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўллари кидирди.

Жиддий ютуғимиз шундан иборатки, мустақил мамлакатимиз Конституциясида "фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги" қонун билан кафолатланди ва "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" деган қоида амалиётга айланди. Замонавий герменевтикага кўра, адабий ҳодиса ёки асар ҳақидаги ҳеч қайси фикр, баҳс, талқин узил-кесил ҳукм тарзида қабул қилиниши мумкин эмас. Япон алломаси айтганидек, "Фақат менинг фикрим ҳақ деган одам ё даҳо, ёки ғирт телба". Ниҳоят, адабий танқидчилигимизда ана шу жаҳоншумул тафаккур тарзи устувор бўлиб бормоқда. Чунончи, "Бой ила хизматчи", "Кеча ва кундуз", "Қутлуг қон", "Сароб", "Синчалак" каби асарлар теварагида жиддий мунозаралар бўлди, ҳатто "Сароб" ҳақида ҳозир ўндан ортиқ талқинлар мавжуд. Миллий



адабиётимиздаги модернизм хусусида ҳам турфа қарашлар ҳамон давом этмоқда. Шуниси характерлики, жамият, адабий жамоатчилик бирорта қараш, талқинни узил-кесил ҳукм тарзида қабул қилаётгани йўқ. Мабодо илмий йўсинда далил-исботлар билан айтилган бўлса, уларнинг ҳар бири эътиборга лойиқ, ҳар бир қараш, талқин яшашга ҳақли. Бу ҳол жамиятимизнинг, адабий муҳитимизнинг муҳим ютуғи. "Ўзбек адабий танқиди тарихи"да ҳозирги адабий жараён тадқиқи, баҳолаш, талқинида намоён бўлган ана шу муҳим жараёнлар ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир. Бу ҳол жаҳон андозаларига, бугунги таълим тизими талабларига тўла мос тушади, талабаларни мустақил фикрлашга, ижодий ўй-мушоҳадаларга даъват этади.

Қўлимиздаги дарсликнинг шу хилдаги ютуқлари билан баробар айрим кам-кўстлари устида юқорида йўл-йўлакай тўхталиб ўтдик. Буларга қўшимча тарзда унда таҳрирга муҳтож саҳифалар, тақририй ўринлар, дарсликларга хос бўлмаган тафсилотларга мойиллик, услубий яхлитликнинг етишмаслиги, китобнинг типографик жиҳатдан бугунги талаблар даражасида эмаслигини илова қилиб ўтиш мумкин. Бироқ шу хилдаги кам-кўстларига қарамай, "Ўзбек адабий танқиди тарихи"нинг илк бор дарслик тарзида пайдо бўлиши қувончли ҳодиса сифатида баҳоланишга лойиқ.

2012 йил август

ЖЎШҚИН МУЛОҚОТЛАРДА ТУФИЛГАН ТАДҚИҚОТ

Зулхумор Мирзаева. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. "Фан" нашриёти. Тошкент – 2011.

Истиқлол йилларида кўп асрлик ўзбек адабиёти, жумладан, янги ўзбек адабиётини тубдан қайта ўрганиш, баҳолаш ва талқин этиш бобида янги давр бошланди. Шўро адабий сиёсати, яққаҳоқим мафкура таъйиқи остида адабиётшуносликда йўл қўйилган хатоликларни бар-тараф этиш, айниқса, жаҳидчилик ҳаракати билан боғлиқ янги ўзбек адабиётининг илк босқичи, унинг Беҳбудий, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон каби улкан намояндалари ҳақидаги бор ҳақиқатни юзага чиқариш йўлида кўп хайрли ишлар қилинди. О.Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Н.Каримов, Б.Назаров, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуროнов, Ш.Ризаев каби та-ниқли адабиётшуносларнинг бу соҳага оид туркум мақолалари ва монографиялари адабий-илмий жамоатчиликка маълум. Бу мавзуга оид янгича қараш, талқинлар янги ўзбек адабиёти тараққиётининг яхлит манзараси олий ўқув юртлири учун мўлжалланган "XX аср ўзбек



адабиёти тарихи" (1999) ва "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" (2004) ўқув дарсликларида ўз ифодасини топди. Мазкур икки китоб бу соҳада келгусида амалга оширилажак кўп жилдлик фундаментал тадқиқотларнинг дебочаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Аёнки, миллий адабиёт, айниқса, янги давр адабиёти тарихини адабий танқид тарихисиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. 1987 йили чоп этилган бошдан-оёқ давр руҳи билан йўғрилган икки томлик "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" аллақачон ўз илмий қимматини йўқотган. Миллий ўзбек адабий танқидчилиги тарихини замонавий адабий танқидий тафаккур даражасида туриб янгича ёритиш йўлида ҳам қатор хайрли ишлар қилинди, ўзбек адабий танқидчилигининг айрим намояндалари, қатор атоқли адабларимиз ижодининг танқидчиликдаги талқинига оид тадқиқотлар пайдо бўлди; "Ўзбек адабий танқиди" антологияси, олий ўқув юртлари учун бу соҳага оид ўқув қўлланмалари чоп этилди. Афсус, бу соҳада ҳам ҳануз фундаментал, чин маънодаги миллий танқид тарихи яратилган эмас. Ишончим комил: яратилажак "Ўзбек адабий танқиди тарихи"да авваллари йўл қўйилган хатолар, бир ёқламаликлар асло такрорланмайди; юз йиллик адабий жараён адабий танқид кўзгусида қай тариқа акс этган бўлса, ўшандай – ўз ҳолича холис, ҳаққоний, илмий, жамики қирралари, мусбат ва манфий томонлари, йўқотиш ва топилмалари ила тўлиғича намоён бўлади; табиийки, танқид майдонида турган мунаққидларнинг хизмати тарих олдидаги миссиясини қай тариқа ва қай даражада адо этганига қараб ўз ҳаққоний баҳосини олади. Пировардида, яна бир ҳолатни эслатиб ўтиш жойиз деб биламан. Миллий адабиётнинг даражаси фақат миллий танқидчилик кўзгусидаги акси билангина белгиланмайди, жаҳоннинг кўплаб етук миллий адабиётлари қатори кўп асрлик ўзбек адабиёти, жумладан, янги ўзбек адабиёти намояндалари ҳам жаҳон илми, жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари аҳли донишлари эътиборини ўзига жалб этиб келган. Мумтоз адабиётимиз баробарида XX аср янги ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши, албатта, танқид тарихидан ўрин олишга ҳақли, даркор деб ҳисоблайман. Тан олиш керак, шўро даврида яратилган адабий танқид тарихида бунга оид кичик бир фасл бор, у "Ўзбекистондаги рус танқидчилиги" деб номланади, мавзу кўлами эса айни шу ном доираси билангина чекланади. Мазкур танқид тарихи яратилган кезлари бундан бошқасини кутиш мумкин эмас эди. Ҳолбуки, янги ўзбек адабиёти тараққиёти жараёни хусусида рус танқидчи-адабиётшунослари билан баробар, кўплаб хорижий, жумладан, Америка, Германия каби тараққий этган мамлакатлар олимлари жиддий ва мунтазам илмий тадқиқотлар олиб бораётган эдилар. Рус ва қардош халқлар мунаққид ва адабиётшуносларидан фарқли ўлароқ хорижда-

ги, хусусан, Америка адабиётшунослари шўро даврида ман этилган Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби алломаларнинг "шўро тузumi руҳига ёт" асарларини таржима ва тарғиб этиш, улар устида жиддий тадқиқотлар олиб бориш билан машғул эдилар. Тўғри, ўша кезлари жаҳондаги икки лагерь – АҚШ бошлиқ капиталистик тузум билан социалистик лагерь орасидаги "совуқ уруш" адабиёт ва адабиёт фани жабҳасида ҳам ўз асоратини қолдирган, ҳар икки лагерьга мансуб адабиётшунослар орасида найзабозлик авжига минган эди. Берлин деворининг, сўнг Совет Иттифоқининг, бинобарин, социалистик лагернинг қулаши билан "икки жабҳа жанги"га чек қўйилди, кўллаб соҳаларда бўлгани каби жаҳон адабий илми, тафаккури тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, адабий алоқалардаги совуқ уруш асоратлари ҳам барҳам топди; яқин ўтмишда ғоявий-мафкуравий душман сифатида қаралган қатор америкалик адабиётшунослар ва уларнинг раҳнамоси Э. Олвортнинг ўзбек жадид адабиёти намояндларини тадқиқ этишдаги хизматлари эътироф этила бошланди. Чунончи, шўро даврида ғоявий мухолифларни кескин фош этиш кампаниясида қисман иштирок этган таниқли адабиётшунос, академик Б. Назаров Э. Олвортнинг "Падаркуш" драмаси таржимасига бағишланган мақолада "...серкўлам, билимдон, XX аср ўзбек адабиётининг қатор долзарб муаммолари ва фидойи миллатпарвар адиблари ижодини ўрганишда деярли эллик-олтмиш йилдан буён изчил изланиш олиб бораётган, бу йўналишда қатор салмоқли тадқиқот, монографиялар эълон қилган. умрини ўзбек адабиётини ўрганишга бағишлаган олимлардан бири, эҳтимол, улар ичида энг забардасти америкалик Эдворт Олвортдир", – деб ёзади. Бу чин олимнинг мардона эътирофидир. Бундай эътироф фақат мустақиллик йилларидагина айтилиши, ёзилиши мумкин эди.

Айни шу олимнинг масъул муҳаррирлигида Она-Ватанимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган ва мустақиллигимизнинг йигирманчи йилида нуфузли "Фан" нашриётида чоп этилган ёш, умидли тадқиқотчи Зулхумор Мирзаеванинг "XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" монографияси адабиётшунослигимизда қувончли ҳодиса тарзида баҳоланишга лойиқ.

Мазкур тадқиқотга қадар ҳам ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилишига оид олимларимизнинг янгича йўналишдаги изланишлари акс этган бир қатор мақолалари эълон этилган эди. И. Ҳаққуловнинг "Чўлпон шеъриятининг хорижда ўрганилишига доир" (1992), Ш. Турдиевнинг "Беҳбудий Америкада" (1992), Ҳ. Болтабоевнинг "Хорижда Фитратшунослик" (1992), "Хорижда чўлпоншунослик" (1997), "Ўзбек адабиётининг америкалик дўсти" (1997), Х. Исмаиловнинг "Абдулла Қодирий абадияти" (1994), "Чўлпон ва жаҳон" (2001), Р. Иноғо-



мовнинг “Хорижда қодирийшунослик” (1994) мақолалари шулар сирасидан. Б. Каримовнинг “XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоаси (қодирийшунослик мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертациясида (2002), сўнг “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” монографиясининг (2006) “Хорижда қодирийшунослик” бобида Германия ва Америкада амалга оширилган Қодирий ижодий меросига оид тадқиқотлар нисбатан изчил, ҳолисона тадқиқ этилди.

Зулхумор Мирзаева истиқлол йилларида хориждаги янги ўзбек адабиёти тадқиқи оид асарлар хусусидаги ўзимизда шакллана бошлаган янгича, ҳолисона талқинлар тажрибасига таянган ҳолда “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” монографиясида уни кенг қўламда, атрофлича махсус текширишга жазм этади. Б. Назаров китобга ёзган сўз бошисида таъкидлаганидек, ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши деган муаммо яхлит ҳолда, бирламчи материаллар асосида наинки Ўзбекистон, балки умуман халқаро миқёсда илк бор тадқиқ этилмоқда. АҚШнинг ўзида ҳам бу йўналишдаги ишга қўл урилган эмас. Зулхумор Мирзаева ушбу китобидаги асосий тадқиқотни яратишда бирламчи материаллар – инглиз тилидаги газета, журнал, монографияларга таяниш билан кифояланмай Эдворт Олворт, Эден Наби, Жон Соупер, Эдворт Лаззери, Христов Мурфи, Адиб Холлид ҳамда Роберта Мария, Шон Лайонс, Оғир Аҳмет, Рейчел Ҳаррел каби ўзбекшунос – ўзбек адабиёти, маданияти, тарихи, миллий сўз санъатимизнинг инглиз тилига таржималари билан шугullanувчи таржимон-мутахассисларнинг айримлари билан шахсий илмий алоқани ҳам йўлга қўйган. У АҚШ илмий сафарлари билан чекланмай, Англия, Германия, Франция, Россия, Корея, Ҳиндистон, Туркия, Қозғистон сингари мамлакатлардаги анжуманларда, семинар-ўқув машғулотларида ўз маърузалари, илмий лойиҳалари ва мақолалари билан иштирок этиб, мутахассислар, тенгқурлари билан мунтазам қизгин илмий мусохабалар олиб бораётир. Мазкур тадқиқот, бир чеккаси, ана шу жонли, жўшқин, самимий мулоқотларнинг самарасидир.

Ёш тадқиқотчи мазкур монографиясида АҚШнинг машҳур Нью-Йорк миллий кутубхонаси архивида сақланаётган XX аср ўзбек адабиётининг чет элдаги тадқиқи оид манбаларни ўрганиш асосида ўтган асрда юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганиш ва уни тарғиб этишга интилиш ҳаракати 1927 йилдан бошланганлигини аниқлайди. Маълум бўлишича, Усмон Хўжа ўғли, Мустафо Чўқай, Заки Валидий Тўғон, Мажиддин Аҳмад, И. Тўлқин, Тоҳир Шокир ўғли Чигатой, Абдуваҳоб Исҳоқ ўғли Ўқтой, Вали Зуннун ва бошқа миллатпарвар юртдошларимиз миллий адабиётимизнинг хориждаги илк тарғиботчилари бўлганлар. Бу йилларда яратилган мақолалар,



асосан, Чор мустамлакаси зулмига қарши ҳаракатларнинг бадий адабиётдаги талқинига бағишланган. Ўзбек жадид адабиётининг бевосита Америкада америкаликлар томонидан ўрганилиши эса XX асрнинг 50-йилларидан бошланган. Ўша кезлари АҚШнинг Колумбия университетида Марказий Осиё халқлари ҳаёти, тарихи, маданиятини ўрганувчи илмий марказ ташкил этилган. Кейинчалик бундай тадқиқот маркази Гарвард ва Жанубий Калифорния университетида ҳам ташкил топган. Бугунги кунга келиб АҚШнинг кўплаб университетларида Марказий Осиёни ўрганувчи бўлимлар мавжуд. Хусусан, Индиана университети ўзбек тили ва адабиёти бўйича кадрлар етказиб берувчи асосий ўқув юртларидан бири бўлиб, мазкур соҳага оид адабиётларнинг аксари ана шу университет нашриётида чоп этилади. Монографияда яна бир талай ўзбек ва инглиз тилларида нашр этиладиган газета ва журналлар рўйхати келтирилган.

Тадқиқотчи ўтган олтмиш йил давомида АҚШда янги ўзбек адабиётини ўрганиш тарихини шартли равишда уч босқичга бўлиб текширишни лозим кўради, ўз навбатида, ишда ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари тавсиф этилади, намояндалари тилга олинади.

Илк босқич ўтган асрнинг 50-70-йилларини ўз ичига олади. Э. Олворт бошчилигидаги кекса авлод вакиллари А. Бенингсен, Э. Уимбуш, Р.Ж. Беррет сингари тадқиқотчилар ўзбек жадидчилик ҳаракати ва адабиётини бадийят, адабиётшунослик нуқтаи назаридан эмас, асосан, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тадқиқ этганлар. Ушбу олимларнинг изланишлари асосий эътибор Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараённи таҳлил этишга қаратилганлиги билан характерланади. Мазкур тадқиқотларда "совуқ уруш" даври асоратлари баралла уфуриб туради.

Иккинчи босқич – 70-80-йилларда тадқиқот олиб борган Э. Лазерини, Ж. Соупер, Э. Наби, Х. Мурфи каби олимлар кекса авлод вакилларида фарқли ўлароқ жадидчилик ҳаракати раҳанамолари, жумладан, адабиёт намояндалари ҳаёти ва ижодига оид манбаларга алоҳида эътибор қаратадилар. Биографик метод улар илмий ижодининг етакчи принципига айланади. Бу ҳолат ишда Х. Мурфининг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён"га бағишланган илмий ишлари таҳлили орқали кўрсатилади.

Ниҳоят, учинчи босқич 90-йилларда янги авлод адабиётшунослари Адиб Холид, Шон Лайонс, Роберта Мария, Оғир Аҳмет, Жон Макбадийят талаблари асосида таҳлил қилиш билан бирга асарлардан лизчалоштириш йўлидан борадилар.

Монографиянинг "Маърифатпарварлик концепциясининг бадий-ғоявий тадқиқи", "Миллий истиқлол ва миллатпарварликнинг ғо-



явий-бадий таҳлили” бобларидаги кузатишлар, мазкур муаммолар бўйича америкалик ва ўзбек адабиётшуносларининг қарашларидаги муштаракликлар ва фарқли жиҳатлар хусусидаги кузатиш ва хулосалар ҳам мароқли чиққан. Муаллиф америкалик тадқиқотчилар жадид адабиётидаги маърифатпарварлик ғояларининг ёритилиши масаласини таҳлил этишда бадий асарларда иштирок этувчи персонажлар исмлари, асарларининг мавзуси ва ғояси, мазмунидан рамзий маъноларини топиб, ўзбек олимлари эътиборидан четда қолган жиҳатларини ўрганиб, асар муаллифларининг ўзига хос қирраларини тадқиқ этишга интиланликларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, улар тадқиқотларида йўл қўйилган айрим камчиликларни, चुнончи, маърифатпарварлик ғояларини ғарбона дунёқарашдан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилганликларини, бу ҳол баҳс-мунозараларга, эътирозларга сабаб бўлганлигини айтиб ўтади. Шунингдек, ёш олима жадид адабиёти намуналарида миллий истиқлол ва миллатпарварликнинг ғоявий-бадий таҳлили асносида америкалик олимларнинг аллегорик образлар ижтимоий-сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун хизмат қилганлиги, кўп ҳолларда миллий истиқлол ғояси декоратив тарзда ёки мажозий ва рамзлар воситасида ифодаланганини тўғри таъкидлайдилар, деган хулосага келади; бу борада америкалик олимларнинг ишларида янги этапда амалга оширилган ўзбек олимларининг тадқиқотларидаги концепцияларининг таъсири борлигини ҳам айтиб ўтади. Монографияда жадид адабиёти намуналарининг инглизчага таржималари махсус тадқиқ этилган.

Шуниси характерлики, монографияда таъкидланишича, Америка тадқиқотчилари бир вақтнинг ўзида ҳам таржимон, ҳам манбашунос-матншунос, ҳам танқидчи олим сифатида фаолият юритадилар. Чунончи, китоб муаллифи “Падаркуш” драмасининг ўзбек, турк ва инглиз олимлари (Ш. Турдиев, Б. Қосимов, Ш. Ризаев, Э. Олворт, Темурхўжа ўғли) томонидан амалга оширилган бешта нашр варинатлари, пьесанинг инглиз ва турк тилларидаги таржима нусхаларини текстологик жиҳатдан тадқиқ этиш асносида аслиятга (Самарқанд, 1913) энг яқин нусха ҳамда таржима варинатларидаги ютуқларни аниқлашга муваффақ бўлади; “Падаркуш” драмасининг Э. Олворт томонидан илк бор инглиз тилига таржимаси ва лотин ёзуви асосида ўзбек тилидаги наشري ўз даврининг мукаммал нусхалари деган хулосага келади (126-бет).

Монографияда Чўлпон шеъриятининг турли босқичларида турли мутаржим олимлар томонидан амалга оширилган таржималарининг қиёсий таҳлили ҳам қизиқиш уйғотади. Чунончи, “Кўнгил” шеърининг Темур Хўжа, Ж.Маккейн, А.Обидов таржималарининг қиёсий таҳли-



ли асносида А.Обидов варианты ҳар жиҳатдан устун экани аниқланади, "...шоир ва таржимон А.Обидовнинг ўзбеклиги, Чўлпон юртида униб-ўсгани, улар ўртасидаги руҳий яқинлик ва миллий тафаккурнинг муштараклиги ҳам таржимон ўғирмасининг муваффақиятли чиқишига ёрдам берган"и айтилади. (148-бет). "Бас энди" шеърининг Темур Хўжа, Э.Олворт ва А.Обидов таржимлари қиёси асносида эса Темур Хўжа варианты нисбатан муваффақиятли чиққанлиги, таржимон шеърдаги "гўзалликнинг лисоний белгиларини таъминлашга, аслиядаги сўзлар жилосини инглиз тилида аслият билан мутаносибликда беришга муваффақ бўлган"лиги таъкидланади (149-бет).

Китобнинг иккинчи қисмидаги Қодирий романларининг структурал таҳлили, ўзбек ва хорижлик олимлар бадиий асар ғояси талқинидаги тафовутларнинг назарий-методологик асослари, Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар каби муаммолар талқинига оид мақолаларда биринчи қисмда илгари сурилган концепциялар, кўтарилган баҳс-мунозаралар давом эттирилади, уларга аниқликлар киритилади, янгича талқинлари тақдим этилади.

Менимча, бу қисмдаги энг муҳим янгилик америкалик олимларнинг фақат жадид адабиёти масалалари билан чекланиб қолмай, миллий адабиётимизнинг кейинги тараққиёти, бугунги шеърият, насрдаги жараёнлар масалаларига юз ўгириши, бу борадаги илк қадмлари ҳақидаги маълумотларнинг берилганлигидадир. "Мувозанат" романининг Америкадаги талқини, ҳозирги ўзбек модерн шеъриятини инглиз тилига таржима қилишга оид америкалик олиманинг кузатиш, ўй-мушоҳадалари, шунингдек, китоб муаллифининг Америкада янги ўзбек адабиётшунослиги асосчиси Э. Олворт ва янги авлод вакиласи Рейчел Ҳаррел билан суҳбатлари китобга алоҳида файз, ўзгача руҳ бахш этган.

Китоб муаллифи Рейчел Ҳаррелнинг "Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари, Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи воқеаси" сарлавҳали мақоласини (2007 й.) батафсил таҳлил этиб, ўқувчини унинг асосий мазмун-мундарижаси билан таништиради. Маълум бўлишича, тадқиқотчи мазкур мақоласида романнинг бошқа асарлардан фарқи ва қийматини уч муҳим омил билан изоҳлайди: биринчи иккинчиси – миллат сифатининг характерига хос муомала услуби; характер муштараклигида ўз-ўзини англаш йўлининг миллий кўнгил эҳтиёжи сифатида етишган мавзунинг жасорат билан акс эттирилиши. Ана шу омиллар туфайли бу асар нафақат ўз юртида, балки кенг миқёсда хориждаги мухлислар эътиборини ҳам ўзига тортганлигини муаллиф алоҳида ўқтиради.



Монография муаллифи ҳамкасбининг роман хусусидаги мақбул фикр-қарашлари билан ўқувчини батафсил таништириш баробарида, мақоладаги айрим бир ёклама мулоҳазалар билан қизгин баҳсга киришади. Жумладан, Рейчел Ҳаррел, “Юсуфнинг институтга қайтиши билан роман оптимистик руҳда яқунланса-да, жамиятдаги ахлоқий емирилишга олиб келган турғунлик ва жаҳолатга етарлича жавоб бўлмади”, — деган фикрни айтади. Зулхумор Рейчел хонимнинг роман хусусидаги бу кескин хулосаси муаллифнинг ғоявий-бадий мақсадига уйғун эмаслигини таъкидлайди ва роман фалсафаси хусусида қуйидаги объектив хулосага келади: асардаги бош қаҳрамон Юсуфнинг ўз иш ўрнига қайтиши билан муаллиф ҳаётнинг жиддий, ижтимоий-фалсафий ғоясини илгари сурган. Олам мувозанатининг бузилишига йўл қўймайдиган, дунёда уйғунликни тутиб туришга қодир улўғ инсонлар Юсуф тимсолида гавдалантирилган. Айнан Юсуфнинг ўз ўрнига қайтиши дунё мувозанатига бўлган ишончга бир ишора. Нега Миразим Юсуфни кўрса, таскин топади, Захро Юсуфдан куч олади? Аслида, ҳар бир инсон ботиний ва зоҳирий мувозанатга муҳтож. Юсуф каби инсонлар бор экан, олам мувозанати йўқолмайди, у ўз ўқи атрофида айланаверади. Ниҳоят, Зулхумор Мирзаеванинг роман ҳақидаги кузатиш, таҳлил, талқинларидан чиқарган хулосаси ғоятда ибратли: “Демак, бош образнинг қайтишини фақат ёзувчи яшаётган юрт, уни шакллантирган диёр ёки уни севган миллатга дахлдор ижтимоий-маиший муаммоларга боғлиқ таҳлил этиш бир ёклама ва жўн талқиндир. Чунки Юсуф аслида бутун инсоният, борлиқ олам мувозанатини, рамзий маънода дунёни тутиб турган Мувозанатнинг тимсоли”.

Шуниси муҳимки, шўро даврига хос найзабозликлардан фарқли ўлароқ, бундай баҳс-мунозаралар дўстона, ўзаро ҳурмат руҳида, ягона мақсад — адабий асар ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаш, юзага чиқариш йўлидаги уриниш, изланиш жараёни воситасидир; қолаверса, бу ҳол мустақиллик йилларида адабиёт ва адабиётшунослик жабҳасида халқаро миқёсда шаклланаётган янгича баҳс маданиятининг ёрқин бир кўринишидир.

Кези келганда, айтиб ўтай: Рейчел Ҳаррел 2004-2005 йилларда мамлакатимизда бўлган чоғлари бу юртга, унинг одамлари, тарихи, қадриятлари, тили ва адабиётига мафтун бўлиб, қисқа фурсатда ўзбек тилини мукаммал ўрганади, ўзбек адабиёти билан танишади, айниқса, уни миллий адабиётимизнинг бугунги тараққиёти, насри ва модерн шеърят намуналари қизиқтиради, бир қатор ёш носир, шоирлар билан мулоқотлар олиб боради; қисқа фурсат — олти ойлик сафар ниҳоясида, бир туркум ўзбек модерн шеърларини инглизчага таржима қилади; айти таржима асносида кўнглида туғилган ўй-му-

шоҳадалари асосида **ўзбек тилида** "Кўкламдан кўкламга (Ўзбек модерн шеърятини инглиз тилига таржима қилишга доир мулоҳазалар)" сарлавҳаси остида мақола ёзиб, "Жаҳон адабиёти" журналига тақдим этади. Мақола журналнинг 2005 йил 6-сонида деярли таҳрирларсиз эълон этилди ва у журналхонлар орасида катта қизиқиш уйғотди, уни бир қатор журнал, алманахлар кўчириб босишди. Эҳтимол, бу америкалик адабиётшуноснинг ўзбек адабиёти ҳақида ўзбек тилида битилган – илк бор ўзбек тилида босилган илк мақола-сидир! Шунинг учун ҳам бу мақола мазмунини бу ерда шарҳлашга ҳожат йўқ. Бу ўринда Зулхуморнинг монографияда келтирилган Рейчел хоним билан суҳбатидаги "Ўзбек олимасининг ўзбек адабиёти, шеърятига муҳаббатининг сабаби, сир-синуоти нимада? Руҳий яқинликдами? Ҳозирбаси ёки умумбашарий мезонларга туташлигидами?" деган саволига суҳбатдошининг берган куйидаги қисқа ва лўнда жавобини келтириш билан чекланаман: "Ундан излаган нарсамни топаман. Мен нимани ўйласам унда мужассам. Унинг дунё адабиётига тенглашадиган жиҳатлари кўп, гап фақат ўша жиҳатларни етказиб беришдаги муҳим восита – таржимада" (232-бет). Бундай юксак эътироф изоҳга муҳтож эмас!

Бу йил 92 ёшни қоралаб турган Америкадаги ўзбек адабиётшунослигининг асосчиси, пири, Эдворт Олворт, унинг издошларидан бири янги авлод вакили Рейчел Ҳаррел билан олиб борилган суҳбатларда илгари сурилган ўзбек-америка адабий алоқалари, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, бугунги адабий жараён тадқиқи, миллий адабиётимизнинг жаҳон адабиёти дурдоналари билан бўйлаша оладиган етук намуналарини инглиз тилига таржимаси билан боғлиқ амалий-назарий мулоҳазалар эътиборсиз қолмайди деган умиддаман.

Зулхумор Мирзаеванинг мазкур тадқиқоти камчиликлардан холи эмас, албатта. Унда айрим фактик чалкашликлар, услубий ғализликлар учрайди, чунончи, "Кўкламдан кўкламга" мақоласининг қавс ичидаги "Ўзбек модерн шеърятини инглиз тилига таржима қилишга доир мулоҳазалар" деган изоҳи "Ўзбек модерн шеърятини инглиз тилига ўгиришга доир мулоҳазалар" дея бузиб берилади (232-бет). Мақоланинг илк наشري манбаи "Жаҳон адабиёти" қолиб, "Талабалар дунёси"га ишора қилинади. Шунингдек, ишда такрорий ўринлар, маромига етмай қолган мулоҳазалар ҳам учрайди. Б.Назаров сўзбосезмаган, ўзи пайқамаган, тажриба озлиги туфайли йўл қўйган камчиликларини бартараф этишга бор билимини, куч-ғайратини сарфлайди, қўлимиздаги китоб ютуқлари ёш, шижоатли қизимизнинг келажигига катта умид уйғотади.



Қизимизга айтадиган баъзи истакларимиз ҳам бор: шахсий мулоқотларда, анжуманлардаги чиқишларида америкалик ҳамкасбларига, ўз навбатида, бизда ҳам ўзбек-америка адабий алоқалари, адабий таъсир масалаларига эътибор катта эканини эслатиб турса деймиз; америкалик адиблар Марк Твен, Жек Лондон, Бичер Стоу, Теодор Драйзер, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Жон Стейнбек, О. Нил асарлари бизда қанчалик машхур эканлиги маълум, "Гекльбери Финн саргузаштлари", "Том тоғанинг кулбаси", "Мартин Иден", "Америка фожиаси", "Чол ва денгиз", "Алвидо, қурол!" каби романлар ўзбек тилига моҳирона таржима қилинган. "Жаҳон адабиёти"нинг илк сонларида А.Хейлининг "Оқшом хабарлари" романи таниқли ёзувчи Н. Эшонқул таржимасида тақдим этилган. "Мартин Иден" ва "Сароб" (Абдулла Қаҳҳор), "Ғазаб шодалари" ва "Қутлуғ қон" (Ойбек), "Мен қазо қилганимда" ва "Икки эшик ораси" (Ў. Ҳошимов), "Гекльбери Финн саргузаштлари" ва Худойберди Тўхтабоев романларининг қиёсига оид қизиқарли кузатишлар олиб борилган, бу борадаги ишлар янада ривожлантиришга муҳтож.

Яни бир гап. О.Ёкубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Т. Мурод каби адибларимизнинг бугунги жаҳон адабиёти етук намуналари билан бўйлаша оладиган қисса, романлари, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфидек доврўғли шоирларимизнинг шеър ва дostonлари, қолаверса, машхур ўзбек болалар ёзувчиси Х.Тўхтабоевнинг рус, украин, немис, француз, испан, итальян, чех, фин, молдован, болгар... жами 30га яқин жаҳон тилларига таржима қилинган романларининг инглиззабон мамлакатлар, жумладан, америкаликлар эътиборидан четда қолиб келаётгани соҳа одамларининг эътиборсизлиги оқибати эмасмикан, деган хаёлга борасан киши...

Охирида, бир истак. Америка Қўшма Штатлари Ахборот бўлими томонидан 1994 йили ўзбек тилида "Америка адабиёти асослари" деб аталган мухтасар чиройли китоб чоп этилган. Америкада ҳам инглиз тилида айнаи шаклдаги "Ўзбек адабиёти асослари" чоп этилса, бу ишга Зулхумор қизимиз бош-қош бўлса, айнаи муддао бўларди.

Қисқаси, америка ва ўзбек адабиётшунослари, таржимонлари олдида ҳамкорликда қилинажак эзгу ишлар беҳисоб. Мустақиллик даври руҳи билан йўғрилган "XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" китоби бу йўлдаги илк дадил қадамдир.

2012 йил январ



“АДАБИЙ ЖАРАЁНДА “МОМ СИНДРОМИ” РИСОЛАСИ ХУСУСИДА

Ўтган аср бошларида, кўп асрлик адабиётмиз туб янгиланиш йўлига кирган кезлари “Адабиёт надир?”, “Театр надир?”, “Танқид надир?” деган саволлар кўндаланг қўйилди, шунда, жумладан, ўзбек жадидларининг отаси Бехбудий адабий танқид ҳақидаги мақоласида ўша принципал саволга жавоб ахтариб, “танқид сараламоқдир” деган оқилона жавоб топди. Дарҳақиқат, адабий танқиднинг бош вазифаси, асл функцияси адабий жараёни синчиклаб кузатиб, билмдонлик, нозик дид, фаросат, бундан ҳам муҳими, холислик билан ёндашиб, ундаги, яъни катта оқимдаги хас-хашаклар орасидан чинакам бадиий кашфиётларни, чин истеъдодларни топиш, кашф этиш, уларга одилона баҳо бериш, чин асарларнинг чин нафосатини, асл моҳиятини очиб беришдан иборат экани ўша кезлардаёқ аён эди. Миллий танқидчилигимизнинг илк босқичида Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, А. Қодирий ва Ойбеклар айтиш шундай бордилар...

Афсус, минг афсус, тоталитар режим ҳамма жабҳани, жумладан, адабиётга раҳнамоликни қўлга олганидан кейин бу хайрли тамойил барбод бўлди, танқид майдонида қиёмат кўпди. Улкан миллий уйғониш туфайли қад ростлай бошлаган соғлом адабий жараёнда пайдо бўлган ҳар бир ёрқин истеъдод, чин бадиий кашфиёт дейишга арзигулик ҳар бир асар, А. Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, найза кўтариб қарши олинди; Чўлпон, А. Қодирий, Фитратлар қисмати, Чўлпон шеърляри, “Ўткан кунлар”, Фитрат драмалари, “Сароб”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Жалолиддин”, “Қўшчинор”, кейинроқ “Тобутдан товуш”, “Юлдузли тунлар” теварагида кечган машъум машмашалар, адабий жаҳолат, тўғридан-тўғри демагогиядан иборат кампаниялар яқин кечмишимизнинг энг қирлик — қора кунлари тарзида тарихда қолди.

Истиқлол йилларида кўп хайрли ишлар қатори бу жабҳадаги хатоликлар бартараф этилди, адолат тикланди. Танқидчиликда демагогияга йўл очадиган мустабид мафкура, адабий сиёсатнинг илдизи қирқилди.

Афсуски, бугунги танқидчилигимизда замонавий адабий-танқидий, назарий тафаккур даражасида фикр юрита билмаслик, қўполроқ қилиб айтганда, адабий саводсизлик, дидсизлик, “сараламоқ” бобида ожизлик ёхуд банди ожизга хос бахиллик, майда тарофкашлик, яна қандайдир тушуниш, тушунтириш қийин бўлган руҳий ҳолат, майллар оқибати ўлароқ айрим истеъод билан битилган асарлар, чин истеъдод соҳиблари теварагида муайян силсила тусини олган танқидий кампаниялар кўзга ташланяпти. Агар бунинг



олди олинмаса, фасод бойлаб, жиддий касалликка айланиб кетиши мумкин. Истеъодли адабиётшунос, етук назариячи, мунаққид Дилмурод Қуронови "Адабий жараёнда "Мом синдроми"" деб аталаган мўъжазгина рисолаи айни шу хатарли хавотирдан бизни, адабий-илмий жамоатчилиكنи огоҳлантириши билан қимматлидир.

Рисола муаллифи биргина ижодкор – кейинги ўн-ўн беш йил давомида учта романи, қисса ва ҳикоялари, қатор шеърӣ тўпламлари, адабий-танқидий китоблари, таржимлари билан танилган, асарлари, жумладан, "Мувозанат" романи хорижда ҳам муносиб баҳо олган истеъодли носир, шоир, мунаққид, таржимон Улуғбек Ҳамдам ижоди, аниқроғи, икки романи – "Мувозанат" ҳамда "Исён ва итоат" теварагида кетган баҳс-мунозаралар устида мушоҳада юритади.

Ҳар қандай асар, жумладан, истеъод билан битилган, кўпчилиكنинг эътирофини қозонган роман устида ҳам танқидий фикрлар айтилишига ҳеч ким, улар қатори рисола муаллифи ҳам асло қарши эмас. Лекин ноҳолис, ноилмӣ, сиёсий демагогия ва бўҳтондан иборат, пашшани фил қилиб кўрсатиб, ваҳима кўтариш муайян силсила тусини олаётгани – "Мом синдроми"га айлангани ҳам ҳақиқат. Буни кўра-била туриб, жим туриш мумкинми? Чинакам танқидчининг виждони бунга йўл қўядими? Рисола куюнчак истеъодли олим, мунаққиднинг айни шу кўнгилсиз ҳодисага қарши қалб исёни тарзда битилган. Дадил айтиш мумкинки, рисола ҳозирги миллий танқидчилигимизда муҳим ҳодиса. Аввало, унинг тузилиши, ифода тарзи, усули, услуби, сўзлаш оҳанги янгича. Эзопдан келтирилган масал ҳозирги танқидчиликда кўзга ташланаётган нохуш ҳодиса моҳиятини очиш учун калит хизмати ўтаган, ҳодисани "Мом синдроми" деб аташ ниҳоятда ўринли. Айниқса, асар матнидаги "Эзоп тили"га хос ним табассум, пичинг-киноя ҳодиса моҳиятини очишда ниҳоятда қўл келган.

Ҳар икки роман теварагида айтилган ижобий фикрлар – О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, П. Қодиров ва бошқаларнинг теран таҳлил ва талқинлари, сўнг бундай қарашларга зид, Ойбек ибораси билан айтганда, танқидчиликдаги "саводсизлик ва ур-йиқитчилик"дан иборат "Мом синдроми" жараёни ишда ниҳоятда билимдонлик ва нозик дид билан илмӣ тарзда таҳлил этилади. Айниқса, Н. Худойберганов ҳамда С. Содиқ қарашлари билан олиб борилган баҳс-мунозаралар рисолага теран илмӣ-эстетик руҳ бахш этиб турибди. Жиддий баҳслар чоғи илмӣ одоб доирасидан четга чиқишлар йўқ. Муаллиф У.Ҳамдам романларида учрайдиган бадиият ва тилга оид камчиликлардан асло кўз юммаган ҳолда калондимоғлик, менсимаслик, ҳатто бўҳтондан иборат дағдаға ва ҳамлаларни осойишталик билан асосли далил ва таҳлиллар орқали рад этади.

Рисола билан танишиб шунга амин бўламизки, бугунги миллий танқидчилигимиз тафаккур тарзи жиҳатидан замонавий жаҳон танқидчилиги билан бўйлаша олиш палласига қадам қўяётир. Энг муҳими, миллий адабиётда, алоҳида ижодкор бисотида пайдо бўлган галдаги ҳар бир асарга қандайдир тайёр қолиплар, шаклланган мезонлар асосида эмас, ҳар бир асарнинг ўз ички табиати, "қонуният" асосида ўзгача ёндашиш устувор тус олаётир. Боз устига, бугунги замон адабий-эстетик қарашлари, санъат, фалсафа, руҳшуносликдаги янгиликлардан хабардор олим-ижодкоргина шундай рисола яратиши мумкин. Мазкур рисола яна бир карра шундан далолат берадики, асл асарнинг асл моҳиятини бугунги кун даража-сида англаш мунаққид учун бахт-омад. Бунинг акси эса бахтсизлик. Устоз Озод Шарафиддинов сўнги китобини бежиз "Ижодни англаш бахти" деб атаган эмас.

Қисқаси, мазкур рисола фақат муаллифнинг эмас, танқидчилигимизнинг жаҳон адабий-танқидий тафаккури билан бўйлашиш йўлидаги дадил қадамидир.

2010 йил 1 май

ИЖОДКОР НИГОҲИДА АДАБИЙ ЖАРАЁН

Бадиият дунёси ичида яшаб, ёниб ижод этиш баробарида қайноқ адабий жараёни кузатиб, у ҳақида мунтазам ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этиб борган жонкуяр, нозиктаъб, доно ижодкорлар ҳамма даврларда, барча халқлар адабиётида оз бўлса-да учрайди. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоийнинг бу борадаги фаолияти ноёб ҳодиса. XX аср янги ўзбек адабиёти тамал тошини қўйган Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар шу мўътабар аъёнани янги шароитда шижоат билан давом эттирдилар; улар замонавий жаҳон адабиёти намуналари билан бўйлаша оладиган шеърӣ, насрий, драматик асарлар яратиш баробарида айна шу жараёнга баҳо бериш, тамойилларини аниқлаш, адабий-эстетик принципларини ишлаб чиқиш масъулиятини ҳам ўз зиммаларига олдилар ва бу масъулиятли вазифани муносиб даражада адо этишга мушарраф бўлдилар; замонавий адабий танқиднинг илк етук намуналари ҳам айна шу табаррук зотлар қаламига мансубдир, бинобарин, замонавий миллий адабий танқидчилигимиз асосчилари ҳам ўша алломалардир. Бу ноёб ҳодиса илм-фанда махсус ўрганилди, ўрганилмоқда. Қодирий билан Чўлпон-ку биринчи галда ижодкор эдилар, вазият, тақдир тақозоси



билан адабий танқидчилик вазифасини ҳам адо этишга ўзларида мажбурият ҳис этиб, бу соҳага қўл урдилар. Фитрат эса етук дараматург бўлиш баробарида, биринчи галда олим, адабий-илмий тафаккур одами эди, у бевосита мураббий, илмий ҳодим сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Кейинчалик Фитрат тажрибасини маълум муддат Ойбек, сўнг бевосита унинг шогирди Иззат Султон умр бўйи ҳам драматург, ҳам назариячи олим — фан арбоби, номзоди, доктори, академик сифатида давом эттирди. Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун меросида ҳам адабий-танқидий асарлар муайян ўрин эгаллайди. Уларга замондош Абдулла Қаҳҳорнинг 40-60-йиллар фаолиятида, айниқса, ҳаётининг кейинги ўн йиллигида бу соҳа муҳим аҳамият касб этди; сўз санъати ривожини ва ижтимоий-сисий, маънавий ҳаётнинг ўткир, долзарб муаммолари ҳақидаги мардона чиқишлари билан у 50-60-йиллар адабий авлоди, шунингдек, О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновдек янги авлод мунаққидларининг раҳнамосига айланди. Адиб вафотидан кейин ҳам унинг мардона сўзлари истиқлол йилларига қадар ўз таъсир кучи, ҳароратини сақлаб қолди.

Истиқлол арафасида, истиқлол йилларида бадиий ижод, адабий тафаккур ривожини учун янгидан-янги уфқлар очилди, мустабид тузум шароитида босиб ўтилган адабий-иждоий йўлни қайта баҳолаш, янги давр тақоси билан пайдо бўлган янгидан-янги тамойилларни аниқлаш, баҳолаш босида қизгин баҳс-мунозаралар бошланди, бу жабҳада мунаққидлар билан баробар ижод аҳли ҳам фаол иштирок этди; мунаққидлар билан ёзувчи-ижодкорлар орасида мусохабалар гоҳо хийла кескин тус олди. Айниқса, бу босқич адабиётида пайдо бўлган янгича тамойиллар, хусусан, модернизм теваарида баъзан ижодкорлар, баъзан эса мунаққидлар томонидан бирёқлама кескин танқидий сўзлар айтилди. Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, баҳс-мунозаралар ҳар қанча жўшқин, кескин бўлмасин, қараш, мулоҳазаларнинг бирортасига ҳам мустабид тузум замонидagi каби узил-кесил ҳукм тарзида қаралгани йўқ. Бу ҳол истиқлол даври адабий-танқидий муҳитининг, бизда ҳам қарор топа бошлаган замонавий герменевтиканинг энг муҳим фазилати, ютуғидир. Адабий ҳодиса, алоҳида асарлар ҳақидаги қарашлар, уларнинг баҳо ва талқинлари қанчалар хилма-хил, бегараз ва асосли бўлса, шунча яхши. Соғлом адабий муҳитнинг характерли белгиси, илмий-назарий тафаккур даражасидан дарак берувчи муҳим омил эканига танқидчилар ҳам, ижодкорлар ҳам иқрор бўла бошлади.

Шу ўринда беихтиёр бир вақтлар Абдулла Қаҳҳор афсус-надомат билан куюниб айтган мана бу гаплари ёдга тушади: “Танқидчи ижодкор билан китобхон орасида Қоработир эмас, дўст — тилмоч бўлиши

керак", "Танқидчи бамисоли меҳрибон доя каби янги туғилган яхши асарни йўргаклаб олиши лозим..."; "Белинский, Добролюбовлар билан Пушкин, Лермонтовлар муносабатини эсланг – улар бир-бирларига дўст, меҳрибон бўлганлар, бир мақсад йўлида кураш олиб борганлар. Бир-бирларини нақадар теран тушунганлар. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси. Ёзувчи "А" деса, танқидчи "Б" дейди. Чин истеъдод маҳсули бўлган асарни қўлда гулдаста тутиб қутлаш ўрнига найза кўтариб қарши олади. Дилдаги (агар дил бўлса...) гапни айтиш ўрнига юқоридагиларнинг қош-қовоғига қараб гапирди. Улар назарида асар ёзган ёзувчи – қора курсида ўтирган жиноятчи, ўзларини эса давлат ҳимоячиси – посбони деб билади..." Алам-изтироб, надомат билан айтилган бу сўзларни тасдиқлайдиган сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин. Улуғ адиб яққол чизиб берган ана шу мудҳиш манзара билан бугунги соғлом адабий-танқидий муҳитни солиштириш мумкинми!? Асло!

Кези келганда айтиб ўтай, танқидчи билан ёзувчи орасидаги А. Қаҳҳор эслатган мудҳиш ҳолатни бартараф этиб, соғлом ижодий муҳитни тиклашда устозларнинг хизмати нақадар катта эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Камина ўтган асрнинг 70-80- йиллари давомида "Ёзувчи-танқидчи диалоги" жанрига қўл уриб, ўз даврининг ўнлаб етакчи адиблари билан адабий суҳбатлар олиб борганим айна ўша устоз ўғитларининг самараси, қолаверса, ёзувчи-шоирлар билан умумий тил топиш йўлидаги уринишлар натижасидир.

Бугунги кунда гоҳо бутунлай ўзгача гаплар ҳам қулоққа чалинаётир, эмишки, ҳозир мунаққидлар ўта ширинзабон бўлиб борапти, кескин танқид анқонинг уруғи бўлиб қолди... Бўлса бордир. Аммо бунинг далил-исботи қани? Қайси заиф-ночор асарни ўз қадрини билган мунаққид ошириб мақтади? Бунақасини кўрганим, ўқиганим йўқ.

Тўғри, бир вақтлар танқиддан тубан асарни кескин танқид остига олиш урф бўлган, таниқли мунаққидларимиз ҳам ўшандай "асар"ларни эринмай батафсил таҳлил этиб авра-астарини очиб ташлаш билан овора бўларди. Хўш, бу адабий жараён учун нима берди? Ҳеч нарса! Улар адабиёт ривожига тугул, адабиёт илми, танқидий тафаккур учун ҳам бирор наф келтирганини билмайман. Адабий танқидчиликда "танқиддан тубан" деган ибора бор. Тилга, қўлга олишга арзийдиган чин асар ҳақидагина баҳс-мунозара юритиш мумкин... Каминани қувонтирадиган жиҳат шуки, бугунги адабий танқид чин асар билан "танқиддан тубан" асарнинг фарқи етадиган бўлиб бормокда, сон-саноксиз ночор асарларнинг танқид эътиборидан четда қолаётгани адабий-танқидий диднинг юксалиб бораётгани аломатидир.



Мана шу ўй-мушоҳадалардан кейин бевосита асосий мақсад-муд-даога ўтсам бўлар. Мени қувонтирадиган жиҳати шуки, адабий жа-раёнга, алоҳида истеъдод билан ёзилган асарларга, ноёб бадиий топилмаларга, туғилаётган, шаклланаётган умидбахш тамойиллар-га баҳо беришда танқидчи билан ёзувчининг қараши-фикри, гапи, баҳоси аксар ҳолларда бир жойдан чиқяпти.

Мустақиллик йилларида шаклланган, айти шу даврдаги янгила-нишлар ичида, бошида турган янги авлод ижодкорларининг аксари-яти айти шу ўзлари бошлаган янгича тамойилларнинг ҳимоячиси, назарий асосчиси сифатида майдонга чиқдилар. Шеърятда Рауф Парфи, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Ғўзал Бегим, Ш. Субҳон, Д. Ражаб, насрда Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул, И. Султон, ҳам наср, ҳам назмда қалам тебратиб келаётган У. Ҳамдам, Р. Раҳмат-ларнинг чиқишлари ҳозирча махсус ўрганилгани, етарли баҳосини олгани йўқ. Бугунги авлод, қалам аҳли орасида Фитрат, Ойбек, И. Султон анъаналарини давом эттириб, ҳам бадиий ижод, ҳам илм-фан, тадқиқотчилик, ҳам мураббийлик, ноширлик фаолиятларини муваффақият билан қўшиб олиб бораётган Хуршид Дўстмуҳаммад, Шўҳрат Ризаев, Улуғбек Ҳамдам сингари замондошларимиз борли-гидан қувонасан киши.

Қисқаси, кейинги юз йиллик давомида бирин-кетин дунё юзини кўрган Чўлпоннинг "Адабиёт надир", Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Ўткан кунлар" танқиди устида баъзи изоҳлар, "Тонг сирлари"га сўз", Ойбекнинг "Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?!", "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик", Аб-дулла Қаҳҳорнинг "Ёшлар билан суҳбат", Саид Аҳмаднинг "Йўқто-ганларим ва толганларим", Асқад Мухторнинг "Ёш дўстларимга", Пиримқул Қодировнинг "Уйлар", "Тил ва эл", Шукур Холмირзаевнинг "Адабиёт ўладими?", Назар Эшонқулнинг "Тасаввурга дош берсанг бўлди", Фахриёрнинг "Янгиланиш анъанаси", "Муаззам қўшиқ" син-гари алоҳида китоб, турли мақола ва суҳбатлари, ҳам таниқли му-наққид, ҳам адабиётимиз учун янгилик – мансура жанри ижодкори, ҳам Достоевскийдек даҳо адиб романлари, "Зардушт таваллоси", "Мутаассибнинг кузи", "Улисс"дек шоҳ асарлар таржимони И. Ғафу-ровнинг таржима назарияси ва амалиётига оид ўқув дарслиги, мақо-ла ва адабий суҳбатлари – булар янги ўзбек адабиёти тараққиёти тамойилларини белгилашда нақадар муҳим рол ўйнагани, ўйнаёт-гани, боз устига, миллий адабий танқидий тафаккур равнақиға му-носиб ҳисса бўлиб қўшилганлиги адабий-илмий жамоатчиликка аён, булар "Ўзбек адиблари адабиёт ҳақида" деб номланган антология ва туркум тўпламлар учун бой материал беради.



Мазкур мақолада мен ана шу табаррук анъананинг энг сўнги бир йиллик манзарасига бир қур назар ташлаб ўтсам дейман. Шу вақт давомида ижод аҳли – шоир, носирларимиз қаламига мансуб айрим китоблар, газета ва журналларда, илмий тўпламларда эълон этилган 30дан ортиқ мақола мен учун кутилган ва кутилмаган тортиқ бўлди.

Гапни сўнги йилларда фаол қалам тебратаётган, бирин-кетин янги роман, қисса ва ҳикоялари билан жамоатчилик эътиборини тортаётган Аҳмад Аъзамнинг "Мени истаган шеърият" (ЎзАС, 2012 йил 21 сентябр) ва "Назарнинг янгича назари" (ЎзАС, 2012 йил 29 июн) сарлавҳали мақолалари хусусидаги мулоҳазалардан бошласам. Мақолалардан бири сўнги йигирма йил давомида бизда ғоят кескин баҳс-мунозараларга асос бўлаётган модерн шеърият, иккинчиси эса модерн наср намунаси – Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли" романи хусусида. Аввало, модерн шеърият ҳақидаги мақоланинг номланиши ўқувчини қизиқтиради: Нега сарлавҳа "Мен истаган шеърият эмас", айни "Мени истаган шеърият"? Мақола мутолааси чоғи бу ҳақли саволга ўқувчи муносиб жавоб топади: чин модерн битиклар ўзининг чин ўқувчи – мухлисини қидирадиган, уни англашга ва қадрлашга қобил хайрихоҳ ўқувчиларни, тадқиқотчиларни кутган, кутадиган шеъриятдир, деган маъно мужассам сарлавҳада.

Маълумки, модерн шеърлар хусусидаги энг жиддий эътироз уларнинг ўта мураккаб, тушунарсиз, кутилмаган рамзлар, имо-ишоралар билан йўғрилганлиги, вазн, шеърий оҳанг, ритмика қоидаларига риоя этилмагани, боз устига, тиниш белгиларидан ҳам холи эканида. Мақола муаллифи бу хил даъволар билан баҳслашиб, пачакилашиб ўтирмайди, модерн шоирларни асоссиз даъволар, таъна-дашномлардан ҳимоя қилиш, модерн назарияси хусусида сафсата сотиш йўлидан бормайди, бевосита ўзимиздаги етуқ модерн шоирлар Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад шеърлари мутолааси чоғида кўнглида туғилган кайфият, ўй-мушоҳадалари, шеърхонлик борасидаги ўзининг шахсий тажрибалари хусусида сўзлайди. У дангал айтади: "Кейинги пайтларда Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимухаммадни кўп ўқийман, уларнинг нима демокчи эканини тўлиғича тушунаман десам, уйдирма бўлар, лекин таъсирланаман. Мутолаада ҳаёлим очилиб, бошқа қандайдир, ишора маконларга кетиб қолади, кўнглим бошқа бир дунёга сайрга чиққандек, бир оз таажубда қарайман: нималар экан бу деб. Шу таъсир – фикримни меҳвардан чиқариб, тасаввуримни ўзга хиёбонларда ва ўзга биёбонларда ҳам сайр қилишга етаклаган таъсир шеърнинг янгиллиги қувватидан бўлса керак. Ташбеҳма-ташбеҳ англамаган ҳолимда ҳам мубҳамликни ўзимга яқин



олиб, очиб қарашга интиламан, тўғрироғи, шеърнинг ўзи шунга даъват қилади, фақат чорламайди, сўз кучи билан ўша жозиб сирларга тортаверади”.

Бошқаларни билмадиму, мақола муаллифи тилга олган модерн шеърят дарғаларининг матбуотда чиққан ҳар бир янги шеъри, хусусан, “Ўзбек модерн шеърят” тўплами билан илк бор танишган, айти шу китоб ҳақида Республика телевидениесига интервью беришга тайёргарлик кўраётганимда, шу тўпلامга бағишланган “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп...” мақоласи устида ишлаётган чоғимда ҳам айти шу Аҳмаджонда юз берган ҳолатни мен ҳам бошдан кечирганман. Эҳтимол, бошқаларда ҳам шундай ҳол юз бергандир.

Мақола муаллифи ўз даъволари тасдиғи учун Абдували, Баҳром, Фахриёр, яна қатор шоир шеърларидан далиллар келтиради, улар хусусидаги ўз англамлари билан ўртоқлашади.

Баҳромнинг чумоли ҳақидаги сатрларини шарҳлаб, шоир “биз қарамаган чумолини хаёлан қўлига олиб, турли томонидан қараб кўради, яна хаёлан: мабодо одам эмасми бу, шер бўлса-чи, бирдан юрагимга чангал урсам, унинг ҳайқириғидан еру кўк ларзага тушар эдим, мен бу чумоли муҳаббатига арзийманми... Шу тариқа уни ҳар кўйга солиб, ўйлаб қарайди, яъни бизни ўйлатади; чумолига ҳар тарафдан баҳо беришга, уни турли ўлчамларда кўришга ундайди; бир мўъжаз жонзот мисолида қандай яшаётганимизни идрок этишга чорлайди, содда бир билгилар билан, ўзи ҳам ажабланган бўлиб бизни ажаблантиради”, дея муаллиф шеър мутолааси чоғидаги ҳайратларини тўкиб солади. Айти шундай далилу таҳлиллардан сўнг Фахриёрнинг “Геометрик баҳор”и шеърятимизда тубдан янгилик бўлган, чиндан-да, шакл симфониясидир. Бу ҳам энг аввало, шоирнинг ўзигача бўлган, ўзи тарбиясини кўрган шеър санъати анъаналарини пухта ўзлаштирган ҳолда, шу муайян чегараларни ўзгартириш олган жасоратидан деган хулосага келади. Унингча, етук модерн шоирларимиз дунёга янгича қарашларимиз, тимсоллар оқими унинг кўринмаган манзараларини кўрсатиш, бадий тафаккурнинг хос ўзанларини очиш билан, умуман, адабиётимиз келажигининг ўзигача пойдеворларини тиклаган сўз шайдолари... Муаллифнинг анъанавий шеърят билан модерн шеърят орасидаги фарқ хусусидаги мулоҳазалари ҳам эътиборга лойиқ: “Мен кўниккан шеърят, - деб ёзади у, — кўнгил расмини илож қадар тўлиқ қаламга олади, модерн эса кўнгил манзарасини фақат чизгилаб ўтади, шартларга имолайди, туйғуларга ишоралайди, улардан ўзингиз маъно яратасиз. Ҳа, яратасиз. Фаол ижодкорга айланасиз”. Адибнинг қатъий фикрича: “Бу эскига қарши янгилик эмас, ўша эскининг замиридаги, энди очи-



лаётган, сиз очаетган анъана. Бу анъанага шоир атайлаб амал қилмайди ёки янгича тафаккур даъвоси уни инкор ҳам эта олмайди". Бундан ҳам муҳими: "Анъана, анъаналар, дейлик, бу – шеър тарбияси билан кирган тил оҳанглари, ўзбек тилида шеър ёзган одам қувватини шу тилда яратилган жами шеърятдан олади. Гап бирор устозимизга эргашишда, аниқ бир давр ёки йўналишдан қувватланишдагина эмас, тафаккуримиздаги шеърятнинг жамулжам таъси-ротида".

Насрда қалам тебратиб келаётган замондош бир адибнинг ўзбек модерн шеърятимиз намуналарининг такрор-такрор мутолааси чоғида кўнглида кечган ўй-мулоҳазалари бу борадаги адабий танқидчиликда ҳамон давом этаётган баҳс-мунозаралар ечими учун очқич вазифасини ўташи тайин. Ахир, модерн шеърят ҳақида гапириш, ёзиш учун, аввало, ҳудди Аҳмад Аъзамдек такрор-такрор кўнгли билан ўқиш, ўқиш санъатини эгаллаш даркор, шундагина у шеърхон, сухандон, қаламкаш олдида ҳақиқий жамолини намоеън этади. Илмийликка асло даъво қилмайдиган, илмий-назарий манбалардан бирорта ҳам иқтибос келтирмай битилган мазкур мақола модерн шеърятнинг асл моҳиятини англаш, англантишда чин модерн шеършуноснинг теран тадқиқи билан бемалол бўйлаша олади.

Аҳмад Аъзамнинг "Назарнинг янгича назари" мақоласи модерн насримизнинг етук бир намояндаси Назар Эшонқулнинг "Шарқ юлдузи"да (2012 йил 2-3- сонлар) эълон этилган "Гўрўғли" романига мухтасар тақриз – икки оғиз дил сўзи тарзида битилган. Мақола бизда одат тусини олган ёзувчининг янги асарини шунчаки шарҳлаш тарзида битилган эмас, тақризнинг учдан икки қисми асосий масалага "кириш"дан иборат. "Кириш"да муаллиф қаламкаш дўсти Назар билан унинг туғилган юрти Қашаи тоғларию Музработ даштларига қилган сафари, Тошкентдек шаҳри азимда дўстлашиб, биргаликда амалга оширган хайрли ишлари, дўстининг ижодидаги ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб борганлиги тўғрисида мароқ билан сўзлайди. Марказдан олис чекка кишлоқда туғилиб, дашту далаларда улғайган тоғлик чўпон бола отасига қарашиб молини боқиш, шамоллар ўйнаган даштларда тўзон ютиб, сомон ташишдан бўшамаган, дарсини тайёрлаб, китоб ўқишга ҳам фақат кечалари вақт топган овлоқнинг боласи кўни келиб дунё адабиётини чуқур ўзлаштирган, ўзи ҳам шу адабиётларнинг сара намуналари билан беллашулик асарлар яратган улкан ёзувчи бўлиб етишишида ибратли бир ҳикмат борлигини таъкидлайди. "Бу ҳикматда, – деб ёзади муаллиф, – халқимизнинг азалдан салоҳиятли экани, бу салоҳият қаерда, қанақа шароитда ўсган бўлсин, фарзандларида истеъдод бўлиб очилиб боравериши муҳассам". Мақолада "Уруш



одамлари", "Маймун етаклаган одам", "Шамолни тутиб бўлмади", "Тобут" каби қисса ва ҳикоялар мисолида айтилган "Назар Эшонқул бадий тафаккур ўзанларини янгилаб, аллақачон...кўпларимиздан олдинга ўтган ёзувчи", у ҳар бир янги асарида нафақат "янгилик кашф қилади, балки ўзи ҳам янгиланади; "ихчам шаклга кенг қамровли мазмун-моҳиятни сиғдириш, ўқиган одамнинг фикрини фаоллаштириб, таассуротида кенглик яратиши билан янги бир китобхон қатлами юзага келишига ҳам улги" бўлганлигини таъкидлайди.

Ниҳоят, асл мақсадга ўтиб, "Гўрўғли" романининг асл моҳиятини қисқа ва лўнда тарзда очиб беришга муваффақ бўлади. Унинг талқинича, бу роман адибнинг шу кунгача ва шу орада яратилган асарларининг қиёми. Асарга бутун бошли бир давр, кишилиқ жамиятининг муҳим бир босқичи жо бўлган. Бутун бошли бир давр, жамият ҳаётининг ботиний кечинмаларига Н. деган бир қаҳрамоннинг одамларга муносабати, одамларнинг унга муносабати акс этган кўз қарашлари орқали очиб берилади. Нореал муҳит қаҳрамоннинг сокин изтиробларида ойдинлашади. Н. исмини жамият машинаси ўчирган, лекин ўзлигини йўқотмасликка ундаётган, сукунатда жимжит курашаётган одам... Н. янглиш бир хатонинг қурбони эмас, тизим машинаси ҳаракатининг муқаррар маҳсули. Бунда гап воқеликнинг реаллигида эмас, асардаги реал бўлмаган, бўлишнинг иложи йўқ воқеа ўқиган одам кўнглида реал воқелик, ўтиб кетган мустабид тузум ҳақида тасаввур уйғотади... Ниҳоят, мақола муаллифи шу хил ўй-мушоҳада, талқинлардан мана бундай хулосага келади: "Бу роман дунё адабиёти илғор тажрибалари билан бўйлашадиган асарларни ёдга солади, уларнинг айримлари билан бўйлашади. Таъсири кучли тасвирлар таассуротимизга сон минг мулоҳазаю муқоясалар, эркинлик қадридан ибратли сабоқлар беради, фикримизни эркинлаштиради..." Романни синчиклаб ўқиб чиққан синчков китобхон бу фикрларга қўшилмай иложи йўқ.

Аҳмад Аъзам бугунги миллий шеърятимиз, насримиз намуналари "дунё адабиёти илғор тажрибалари билан бўйлаша оладиган" асарлар эканини алоҳида таъкидлайди ва бу билан ҳақли равишда фахрланади. Айни шу туйғу, ифтихор руҳи Х. Дўстмуҳаммаднинг "Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий", Хуршид Давроннинг Шавкат Раҳмон ва Г. Лорка хусусидаги қиёсий кузатиш, ўй-мушоҳадаларига ҳам хосдир. Аҳмад Аъзам бугунги миллий модерн шеърятимиз, насримизнинг етук намуналари жаҳон илғор адабиёти даражасида эканини таъкидлаганида қиёсий далилларга ўзида эҳтиёж сезмайди, бунда у етук китобхон савия-даражасини назарда тутди. Х. Дўстмуҳаммад билан Х. Даврон эса айни қиёсий таҳлил йўлидан боради.

Қизик, 1608-1674 йилларда ҳаёт кечирган инглиз шоири, олими

ва публицисти Жон Мильтон, қисқагина умри – 1894-1938 йилларга тўғри келган ўзбек адиби ва публицисти Абдулла Қодирий ўрталарида қандай яқинлик, ўхшашлик бўлиши мумкин? Ўзгача давр, ўзгача макон, ўзгача эл – ҳаёт тарзлари. Боз устига, Қодирий Жон Мильтон деган номни эшитганми, унинг ҳаёти, фаолияти, ижодий мёросидан хабардорми? Қирқ йилдан бери қодирийшунослик билан шуғулланиб бу хусусда бирор далил, ишорага дуч келган эмасман... Хуршид мақоласини ўқиб тақдири азалнинг ажиб шеvasига имон келтирасан киши. Мақола муаллифининг – ҳам танқидчи олим, ҳам публицист, ҳам моҳир носир қалами сеҳри туфайли жонли гавдалантирилган. Англия тарихининг кескин бурилиш палласида миллат тақдири учун ҳаёт-мамот жанглари кечаётган бир паллада ижодкор-публицист Жон Мильтон олиб борган муросасиз мардона кураш манзаралари билан бизда – миллатнинг тарихида энг кескин, ғоят шиддатли, ўта зиддиятли ҳаёт-мамот жангларида, айна матбуот майдонида Қодирий олиб борган жанг лавҳалари орасидаги ўхшашликларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Боз устига, бу аёвсиз жанглардан тирик чиққан ҳар икки маънавият жангчисининг фожиавий қисмати ҳам бир хил-а!!!

Мақола охирида муаллиф Қодирийнинг амалий ақидаси хусусидаги “мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, “иҳ” дейдирган йигит эмасман” деган сўзларини келтириб, “Бу ҳайқирик Мильтоннинг “Менинг руҳим ҳамиша танамдан қудратлироқдир” деган сўзига ўхшаб кетишини эслатади.

XX асрда мустабид тузум сиёсати ҳар қадамда таҳдид солиб турган кезларда Қодирий сафдошлари – Фитрат, Чўлпонлар, улардан кейин яшаб ўтган Ойбек, Қаҳҳорларнинг мислсиз кўргилик ва жасоратлари жаҳонга кўз-кўз қилишга лойиқ ибрат намуналаридир.

Таниқли шоир Хуршид Давроннинг “Тафаккур”нинг “Жавондаги жаҳоҳир” рукини остида эълон этилган “Мувозанат йўли” (2012 йил, 4-сон) туркум мақолаларининг ҳар бирини мўъжаз мустақил тадқиқот дейиш мумкин. Чунончи, шоир ўз дилига яқин Б. Қосимовнинг “Миллий уйғониш”, Ойбекнинг “Созим”, Ясунари Кавабатанинг “Отраженная луна”, Антуан де Сент – Экзюперининг “Мальенкий принц” китоблари ҳақида мухтасар тарзда ҳеч ким айтмаган янги гапларни топиб айтади, улар мутолааси чоғи кўнлида кечган бетакрор ўй-кечинмаларини тўкиб солади. Биргина “Унинг чолғуси – юраги эди...” сарлавҳаси остида Федерико Гарсиа Лорканинг Шавкат Раҳмон таржимаси остида 1989 йили чоп этилган китоби хусусидаги мушоҳадаларини эслайлик. Шапалоқдек мақола таржима ва таржимон ҳақида сизу бизга кўпгина қимматли маълумотларни беради. Шавкатнинг ўша кезлардаги маслакдошлари Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Усмон



Азимлар билан ўзаро мулоқотлари, орада бўлиб ўтган хазил-мutoйи-балар – булар шунчаки ҳангомалар эмас, барчаси Шавкат Раҳмон бисотини очишга қаратилган нозик ишоралардир. Шоирни яқиндан билган маслақдош дўсти – мақола муаллифи “Федерико Лорканинг бетакрор овози бежиз Шавкат Раҳмон таржимасида ўзбек тилида жарангламаган, – деб ёзади ва сўзида давом этиб, ишончли далиллар келтиради. – Аввало, уларнинг шеър ва шоирлик масъулияти бобидаги эътиқодлари ҳамоҳанг эди. “Энг қайғули шодлик” китобига ёзган сўзбошисида Шавкат Лорканинг куйидаги сўзларини алоҳида қайд этган: “Яхшиямки, санъат санъат учун деган ғоянинг мағзи пуч, акс ҳолда, бундан-да шафқатсиз ғоя бўлмасди. Бу сохта санъатнинг ўзигагина дахлдор соф санъатга бирортаям виждонли одам ишонмайди. Зиддиятли давримизда ижодкор халқ кулса кулиб, йиғласа йиғламоғи, ўз бинафшаларидан воз кечмоғи, белигача ботқоққа ботиб бўлсаям, бинафша излаётганларга кўмаклашмоғи шарт”. Бу фақат Лорканинг эмас, Шавкат Раҳмоннинг ҳам ижодий ва ҳаётий матлаби эди”. Шавкат Раҳмон асл шахсияти, табиати, шеъриятининг асл моҳиятини бундан ошириб айтиш мумкин эмас.

Шу ўринда мақоладаги Хуршиднинг дўсти билан мулоқотларидаги айни шу жиҳатга оид бир хотира – лавҳани келтириб ўтишни лозим кўраман:

– “Биласизми, Хуршид, мен нима учун Лоркани яхши кўраман? – деган эди Шавкат Раҳмон Сулаймон тоғининг тепасида оқшом чўқаётган Ўшни томоша қилиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда. – Унинг шеърияти мени ватан ва миллатни севишга ўргатди.

– Нима олдинлари ватанни севмасмидингиз? – дедим кулиб мен.

Шавкат ҳам жилмайди. Тугай деб қолган сигарета тутунини ичига чуқур торти-да, гапида давом этди.

– Лоркага ўхшаб озодлик учун ўлиш қўлимиздан келадими? Унинг илк шеърларидаёқ ватан озодлиги йўлида ўлмоқни тақдир деб билган инсонни кўрасиз. Лорка йигирма ёшида ватанни кезиб улгурган эди. Унинг шу ёшида Кастилия бўйлаб қилган сафаридан олган таассуротлари акс этган биринчи китоби Испанияга бўлган буюк муҳаббатнинг тимсоли. Ўша сафар жараёнида у қанақадир умумий бир миллат эмас, ўзи кўрган, суҳбатлашган одамлар ҳақида ёзиш лозимлигини англади, бу одамларнинг ҳар бирини чин юракдан севишини ҳис этди. Шуни ҳис этдию ёзадиган шеъри ўзгарди. Ана шу ўзи яхши билган, таниган оддий одамларга бўлган муҳаббати ватанга бўлган улкан муҳаббатга айланди...”

Бу нодир хотиралар, фақат яқин дўсти Хуршидгагина айтилган асл дил розлари Шавкат портретига ноёб чизгилардир. Ўша мўъжаз мақо-



лада бугун ҳам қизғин баҳс-мунозараларга асос бўлиб келаётган “таржимадан таржима” ва “аслиятдан таржима” масаласи хусусида ўртага ташланган мулоҳазалар ҳам ибратлидир. “Шавкат Лорка шеърлари таржимаси билан жуда узоқ вақт шуғулланди, – деб ёзади Хуршид. – Даслабки таржималарнинг кўпидан воз кечди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган эди: “Ўйлаб кўрсам, Лорканимас, Лорканинг таржималарини таржима қилганим аёнлашди. Рус мутаржимлари, шубҳасиз, энг сўнги имкониятларини ишлатиб меҳнат қилган бўлсалар ҳам, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўриш иштиёқида ёнавердим”. Лирик шеърларнинг асл қиёфасини фақат шеър ёзилган тилгина бера олишини англагани учун Шавкат испан тилини ўрганишга киришди. Испанияга сафар қилди. Айнан ана шу узоқ йиллик меҳнат ва беқиёс муҳаббат натижаси ўларок “Энг қайғули шодлик” китоби майдонга келди. Китобнинг номи ҳам Лорканинг “Энг қайғули шодлик шоир бўлишдир, қолгани ҳисобмас” деган сўзларидан олинган эди...”

Мақолада келтирилган таржима бобида Шавкат Раҳмон тажрибаси, фидойилиги бугунги таржимонларимиз учун бир ибрат намунаси бўла олишига шубҳа йўқ. Гап фақат таржима учун танланган асар ва унинг муаллифига эҳтиром, аслият тилини билиш устида бораётгани йўқ, ўша ижодкор мансуб бўлган халқ, асарларида акс этган макон, муҳит билан бевосита танишиш иштиёқи таржима ва таржимон учун беқиёс имкониятлар очиши мумкинлиги таъкидланаётир бу ўринда. Тасаввур қилинг: ҳар қанча заҳмат чекилган бўлмасин “Улисс” ёки “Танҳоликнинг юз йили” каби нодир асарлар айнан Лорка шеърляти каби бевосита аслият тилидан таржима қилинганида, боз устига, таржимонлар ўша асарларда акс этган макон, у ерда яшаб ўтган халқ турмуши билан бевосита танишган бўлганларида таржималар жамоли янада очилиб кетиши турган гап. Х.Даврон мулоҳазалари шу жиҳатдан ҳам қимматли.

Шоир Сирождидин Саййиднинг “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгиладан ёхуд Хуросонда бир дарвоза бор” мақоласи (“Жаҳон адабиёти”, 2012 йил, 10-сон) Сергей Есениннинг Эркин Воҳидов таржимасидаги бир туркум шеърларига илова тарзида берилган, эссе-бадиа йўлида битилган бу дил изҳорлари моҳият жиҳатидан Хуршид Даврон қаламига ҳамоҳанг. Бадиа муаллифи янги таржималарни шарҳлаб ўтирмайди, тўғридан-тўғри университетдаги талабалик йилларининг илк босқичида, қаҳратон қиш кечаларидан бирида талабалар ётоқхонасида тор доирадаги адабий гурунгда тасодифан даврада пайдо бўлган Акрамжон отлик юқори курс талабаси – Есенин шеърляти шайдоси ёддан айтган Эркин Воҳидов таржималаридаги шеърлар уни не кўйларга солгани ҳақидаги мароқли хотиралардан бошлана-



ди. "Энг ҳайратланарлиси, — деб ёзади муаллиф, — Акрамжон шунча шеърни тутилмасдан, адашмай, асарларни чалкаштирмай ёддан ўқиб берарди... У аини пайтда шоирлик ҳадисини обдон олган тажрибали устоздек, балки ўзи билмаган ҳолда ўқиётган шеърлари билан бизга шоирлик илмидан ҳам сабоқ бериб борар, ҳаётнинг, шеър ва шоирликнинг ранжу машаққатларидан воқиф этаётгандек эди..." Ниҳоят, шеърхонлик, шеърлар муаллифи ва унинг таржимонини ошкор этиш, ўқилган шеърлар 1971 йили чоп этилган "Замин дарғаси" китобидан олинганлигини ошкор этиш билан интиҳосига етади. Акрамжон "ўзи билмаган ҳолда бизни бедор этиб, шеърый хужайраларимизни уйғотиб кетди" дея эътироф этади шоир. Ўша дақиқалардан бошлаб у Есенин шеъриятининг шайдоси, мухлисига айланади. "Замин дарғаси"ни қидириб топиб, худди Акрамжон каби ундаги деярли барча сатрларни ёд олади, давраларда ёддан айтиб, олқишларга сазовор бўлади; радио орқали мутаржим устоз овозида янграган сатрларни тинглаганда ўзини кўярга жой тополмайди. Энди у Есенин шеърларининг шунчаки шайдоси бўлибгина қолмай, журналист — филолог талаба, ёш тадқиқотчи сифатида таржималарнинг жозиба сирларини қидира бошлайди, у тадқиқ, ўй-мушоҳадалар асносида мана бундай хулосаларга келади: "Устоз Эркин Воҳидов бу таржималарга том маънода бутун истеъдоди, ёшлигию, меҳр-муҳаббатини, бор маҳорати билан ҳароратини сарфлагани ҳар бир шеърдан уфуриб туради. Ўзбек ўқувчиси бу шеърларни аслиятда ҳам ўқиши мумкин, бироқ уларда ўзбек тилидаги таржималардан баҳраманд бўлгани ўзбекона **зарофат билан лаззатни** (таъкид бизники — У.Н.) топиши дарғумон". Таржимадаги аини ўша — ўзбекона зарофат билан лаззатни ҳис этиш ва кашф қилиш Сирожддиннинг топилмаси! Шоир Эркин Воҳидовнинг ўзи журналда эълон этилган янги таржималар учун ёзган мухтасар сўзбошисида: "Сергей Есенин менинг болалик дўстим десам хато бўлмас. Ҳассос шоир ижодини мактаб ёшимдан яхши кўриб, талабалик йилларида таржималар қилганман. Мени адабиётга олиб кирган устозлардан бири ҳам Сергей Есенин... Болалик тасаввуримда у мен учун ўзбек шоири эди, бугун ҳам шундай. Уни мен таржима қилмадим, у ўзи шеърларини ўзбек тилида шивирлаб қулоғимга айтиб турди" дея эътироф этади. Қаранг, бу эътироф билан бадиа муаллифининг ўй-мушоҳадалари орасидаги муштараклик ўқувчини лол қолдиради, "Замин дарғаси" фақат Эркинжондек шоирнинг дунёга келишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолмай, ўз вақтида бутун бир шоирлар авлодини тарбиялаган, ёшу ўрта ёшли шоирларнинг назмий дид ва савиясини шакллантиришда чинакам адабий воқеа бўлган. Китоб Э. Воҳидов,

Рауф Парфидан тортиб, Муҳаммад Юсуфгача, Тилак Жўра, Муҳаммад Раҳмон, Усмон Азимдан то бугунги шеърятимизнинг навқирон вакили Шодмонқул Саломгача – кўпчилигимиз бу “олтинсоч, мовий кўз ўрис” шоири қолдириб кетган, ўзбек шоири ўзбекча миришкорлик билан парвариш этган қайинзор бағрининг ҳаётбахш ҳаволаридан баҳраманд бўлганлигини алоҳида таъкидлайди ва “Адабиётда бутун бошли мактаб – тажриба ва маҳорат мактаби ўрнини босадиган китоблар бўлади. “Замин дарғаси” ҳақли равишда шеърятимизда ана шундай баланд мақомни шараф билан бажарган, шу мавқени бундан кейин ҳам сақлай оладиган китоблардан саналади”, – деган юксак ва умидбахш хулосага келади.

Айни пайтда, бадиа муаллифи бугунги ахборот, интернет замонида нодир адабий меросга муносабатдаги айрим нохуш ҳоллар устида аламли ўйларини ҳам тўкиб солади. Қарангки, 1971 йили “Замин дарғаси” 35 минг нусхада чоп этилган, ҳозирги кунда Есенининг китоблари ўзининг юртида уч минг, нари борса беш минг нусхада чиқяпти. Машъум замонда яшаб ўтган шоир “Мен қишлоқнинг сўнги шоири” деган аламли сатрларни битган. Яна бир умр йўли долғали замонларда кечган рус шоири Андрей Вознесенский “Мен тараққиётнинг сўнги шоири” дея ундан ҳам аламлироқ ноталар чеккан... Сирожибдин буларни эслатар экан, бадиасини барибир умидбахш туйғулар изҳори билан яқунлайди, унингча, бу ёруғ олам ҳар қалай “Мен дунёнинг сўнги китобхониман” деган сўзларни ҳеч қачон эшитмас керак. Дунё тугагунга қадар китобга, китоб ўқишга бўлган завқу иштиёқ одам болаларида сўнмаслиги муқаррар. Бу туйғу, бу меҳр бор экан, демак, шоирлар ҳам туғилаверади...

Шу тариқа бир шеърый таржима китоби баҳонасида беқиёс шоирнинг беқиёс иштиёқ, илҳом ва маҳорат ила амалга оширган таржимаси миллат маънавий ҳаётида нақадар теран из қолдиргани, бутун бир адабий авлоднинг шаклланишида қанчалар муҳим аҳамият касб этганини бадиа муаллифи ҳаётий лавҳалар, ишончли далиллар орқали кўз олдимизда жонли гавдалантириб беради. Тан олиш даркор, адабиёт илмида бунақа ишлар ҳозирча амалга оширилгани йўқ. Мазкур бадидадаги нозик кузатишлар, ҳароратли ўй-мушоҳадалар ана шундай фундаментал тадқиқотлар учун туртки берса ажаб эмас.

Бугунги кунда фаол қалам тебаратаётган шоирларнинг ўз сафдошлари ижоди, алоҳида шеърый китоблари ҳақида газета, журнал саҳифаларида мақолалар билан чиқаётганлиги, муҳими, уларда шунчаки расмий гаплар эмас, бугунги шеърятимиз тамойилларига оид нозик кузатишлар изҳор этилаётгани диққатга сазовор. Бу жиҳатдан, айниқса, Қўчқор Норқобилнинг “Қизғалдоқ танкни кўтаради”



("Китоб дунёси", 2012 йил 5 октябрь), Рустам Мусурмоннинг "Сўзлар товланади шеърда олмосдек" (ЎзАС, 2012 йил 8 март), Гўзал Бегимнинг "Ишқ соати" (ЎзАС, 2012 йил 8 март), Баҳром Рўзимухаммаднинг "Зангори довруқ қанотларида" (ЎзАС, 2012 йил 15 июнь), Лайло Шарипованинг "Гумбазларга етар туфроқнинг бўйи" ("Шарқ юлдузи", 2012 йил, 2-сон), "Ишқдан яралган шеърлар" ("XX аср ўзбек адабиёти масалалари", 2012), Беҳзод Фазлиддиннинг "Катта адабиёт остонасида" (ЎзАС, 2012 йил 14 сентябрь), "Сўз салтанати" ("XX аср ўзбек адабиёти масалалари", 2012) мақолалари эътиборга лойиқ.

Биласиз, азиз ўқувчи, Ўткир Ҳошимовнинг истиқлолнинг дастлабки йилида дунё юзини кўрган "Тушда кечган умрлар" романи маънавий-адабий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлган эди; асар ўз вақтида адабий танқидчиликнинг юксак баҳосини олди, хилма-хил талқинларга озиқ берувчи бу роман теварагидаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Таниқли шоир, носир Қўчқор Норқобилнинг "Китоб дунёси"нинг бир саҳифасини эгаллаган "Тушда кечган умрлар" ҳақидаги эътирофи бунинг яна бир далилидир. Маълумки, қатор етук мунаққидлар, жумладан, устоз О. Шарафиддинов илҳом, эҳтирос, юксак маҳорат самараси бўлган бу романнинг ижтимоий пафоси кўламига алоҳида урғу бериб: "Ўткир Ҳошимовнинг романи аниқ инсонлар тақдири орқали фармонбардор маъмурий тизим деб аталган тузумнинг, ҳукмрон коммунистик мафкуранинг ғайринисоний моҳиятини фош этувчи романдир. Инсон эркини топтовчи, инсон шахсиятини поймол қилувчи, инсон ҳуқуқларини рад этувчи жамият муқаррар равишда миллионлар бошига ҳам жисмоний, ҳам руҳий фожиалар солади... "Тушда кечган умрлар" ижтимоий йўналиши жиҳатидан ҳам, инсоний мазмунининг теранлигига кўра ҳам, бадиий фазилатлари билан ҳам Ўткир Ҳошимов ижодида янги бир босқич бўлди" – деган қарашни илгари суради (XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т., "Ўқитувчи", 1999, 496-бет). Бошқа қатор муаллифлар ҳам романнинг айти шу ижтимоий-бадиий пафоси кўламига алоҳида урғу бериб ўтганлар. Романни ўқиган ҳар бир дидли китобхон ҳам буни юракдан ҳис этиб туради. Қўчқор Норқобил эса бундай қарашга қўшилмайди, бундай талқинни бадиий етук асарни "яна бир қарра реалистик қарашнинг ўтмас тиғи билан бўғизлаш" деб атайди. Унинг "Тушда кечган умрлар" "жамиятнинг авра-астарини кўрсатиб берган, мустабид тузум асоратларини фош қилган", қисқаси, "жамият ва унинг инқироzi" ҳақидаги роман эмас; "романда ўткинчи мавзу, ҳеч қанақа жамият йўқ; унда фақат "Рустам фожиаси, қисмати бор", "Рустам том маънода уруш одамига айланиб улгурган, ўзини урушга топшириб бўлган, у ҳар куни урушда юради. Ёзувчи ўз олдига қўйган оғир мақсадга эришган" ва ҳоказо...

Мақола муаллифининг романдаги уруш қурбони Рустам образига алоҳида эътибор бериши, уни "уруш одами" тимсоли сифатида ёзувчининг жиддий бадиий кашфиёти эканини қайта-қайта таъкидлаши тасодифий эмас. Айниқса, афгон урушининг бевосита иштирокчиси бўлган Қўчқор укамиз учун уруш қурбони Рустам қисмати билан боғлиқ ҳаётий тасвир ва талқинлар унинг учун яқин ҳамда бениҳоя қадрли экани тушунарли. Рустам тақдирига оид бошқа жиҳатлар, шунингдек, асардаги ёндош ҳолда қаламга олинган яна қатор персонажлар қисмати талқини мақола муаллифини унча қизиқтирмайди. Буниси ҳам тушунарли. Аммо роман биттагина Рустам ҳақидаги қисса эмас. Асарнинг номи ҳам "Тушда кечган умрлар"-ку! Романда Рустам қисмати билан бирга яна талай персонажлар, жумладан, Соат Ғаниевичдек машъум замоннинг машъум типлари тақдири ҳам маҳорат билан қаламга олинган. Уруш одами Рустам қисмати йўналиши билан ёндош ҳолда мустабид тузумнинг жамики даҳшату ваҳшатини фош этувчи ҳаётий лавҳаларнинг мавжудлиги асар қиммати, салобатига заррача соя солмайди. Асар охир-оқибат Рустамни уруш одамига айлантирган, қолаверса, қўшни афгон халқи бошига балою офатлар ёғдирган кучларга қарши исён каби янграйди. Мана, чинакам санъат асарининг қиммати, таъсир кучи. Мен "ҳақиқий адабиёт ижтимоийликдан холи, "соф санъат" инсонни кашф этади" деган фикрга асло қўшила олмайман, "Тушда кечган умрлар" шуҳрати ҳам бунини тўла тасдиқлаб турибди.

Шоир ва шоиралар қаламига мансуб – Рустам Мусурмоннинг "Сўзлар товланади шеърда олмосдек", Баҳром Рўзимухаммаднинг "Зангори доврўқ қанотларида", Гўзал Бегимнинг "Ишқ соати", Лайло Шарипованинг "Гумбазларга етар туфроқнинг бўйи", "Ишқдан яралган шеърлар" мақолалари сафдошлари яратилган моҳиятини ҳис этиш, теран англаш, бундан чексиз кувонч изҳорининг беназир намуналаридан десам муболаға бўлмас. Шеърини китобларга тақриз, китоб муаллифларига мактуб ёки дил изҳори тарзида битилган бу шоирона битиклар шавқ билан ўқилади. Рустам Мусурмон Хосиятнинг бир қадар ноодатий "40:0", "Ишғол" деб номланган шеърини тўппамлари хусусидаги мулоҳазаларини, аввало, номлар шарҳидан бошлайди, бу борадаги ўзга қаламкашлар тажрибасини ҳам эслатиб "40" сони шоиранинг яшаган умри, "0" эса йўқлик, бу – шоиранинг ўзига нисбатан ўта талабчанлик ҳисси ифодаси, яъни қирққа кирдим, кўнгил тилаган барча мурудларга эришолмадим, деган афсус-надомати изҳори, "Ишғол" эса ҳаётда қисман эришганларидан мамнуслик белгиси. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, бу икки тўппамда шоиранинг шеърини тафаккур уфқи тобора кенгайиб, ўзига нисбатан талабчанли-



ги ортиб бораётганидан далолат беради, буни шеърларида бетакрор тимсоллар, рамзий образлар, олмосдек товланиб туриши ҳам тўла тасдиқлайди. Далил учун муаллиф ёрқин мисоллар келтиради. "Мана бу сатрлардаги сифатлар воситасида яратилган сўз ўйинига эътибор беринг, — дея аниқ далилларга мурожаат этади. — Қоронғулик қилар гоҳ кўча, соғинасан таниш овозни. Мен ўзимни оқлаб ҳар кеча, Қоралайман оппоқ қоғозни". Бошқа шеърда эса феъллардан худди шундай сўз ўйини ясалади: "Очилгандинг — Баҳорда, гулим, Бугун сенинг танинг янчилгай. Менинг очилмаган кўзларим, Бу ҳаётда туринг очилмай". Тазодга — сўзларнинг қарама-қарши маъноларидан тўқилган шеърга қаранг: "Эшикларим очиқ бўлса ҳам кирма. Нафас ололмайсан — кунлар иссиқ дим. Менга қанча қалин кийиниб келма — Совуқлик қилади Сенга, ҳаётим". Мана бу сатрларда метафоралар, сўзнинг кўчма маъно жилвалари "ялт" этиб кўзга ташланади: "Кўзи сузилган узум", "Куз ўтади кўксини пуч ёнғоққа тўлдириб", "Тушларимни ювиб ташласаммикин?!", "Оғзим тўла музлаб қолган сўз", "О, қандай ухлайман, Юлдузлар кўлин менинг деразамга узатиб турса", "Раҳми келган эшаклар эса кучоғига олар Денгизни"... Мақола муаллифи келтирган сатрларда олмосдек товланиб турган тимсол, рамзий образлардаги теран маъно, дил изҳорлари, гарчи улар шарҳи келтирилмаса ҳам, ҳушёр ўқувчи қалбига етиб бораверади, шоиранинг поэтик маҳорати ҳақида муайян тасаввур уйғотаверади.

Мақола ниҳоясида "40:0" китобининг охирида келтирилган шоиранинг кундаликлари ҳақида сўз очиб, муаллиф шуларни ёзади: "Бу битикларда ижодкорнинг ҳаёлот олами, онгу шуурида кечаётган фикрлар, ўйлар оқими ифодаланган. Турли ҳажм ва ранг-баранг мазмундаги жумлаларни мозаика парчалари сингари бирлаштирсангиз, инсон характери, руҳияти, ички оламининг суратларини томоша қиласиз". Топиб айтилган гаплар, фикр тасдиғи учун бир неча мисоллар келтиради. Шулардан бири М.Цветаева, Пушкин, Есенинлар билан ғойибона мулоқотдан сўнг кўнглида кечган ёзганларидан қоникмаслик, ўзига нисбатан ўта талабчанлик, шафқатсизлик руҳидаги мана бу эътирофларига қулоқ тутинг-а:

"Шеърларим жудаям саёз. Мен буни ёзганим сайин англаяпман. Ўқиганим сайин ҳис қиялпман. Наҳотки, шу ҳолда тўртта китобим чиқди?... Қаерга кетяпман? Худо кўрсатган йўлдан ўзимни қандай олиб ўтяпман? Нималар қоляпти?"

Аёл — шоиранинг мардона сўзларида қанчалар юксак ибрат бор! Мақола шундай мардона руҳда якунланади: "Мени асра, — дейди бир ўринда шоира. — Ёлғон шеър ёзишимга йўл қўйма".

Барчамизни мана шу ёруғ туйғу тарк этмасин".

Мардона бир шоирамиз ҳақидаги синчков шоирнинг дил сўзларини тингладик. Энди бир шоиранинг яна бир мардона шоира ҳақидаги мулоҳазаларини ўқиб кўрайлик. Гап шоира Гўзал Бегимнинг шоира Ҳалима Аҳмедованинг "Шафақ ибодати", "Нигоҳ қибласи" китоблари муносабати билан унга йўллаган мактуби устида кетаётир. Дадил айтиш мумкинки, Ҳалима Аҳмедова шеърятни истиқлол даври миллий адабиётимизга жиддий ҳодиса. У ҳақида ёзилди, ёзилапти, лекин, афсус, ҳозирча бу ноёб "аёл шеърятини" чинакамига илмий кашф этилгани йўқ. Гўзал Бегимнинг мактубида ана шу ноёб битиклар жозибаси сирларига ишоралар бор. Шоира талқинича, Ҳалиманинг китобларидаги жозибанинг илк асоси ундаги оловли меҳр, ҳар бир сатрдаги кувеш ҳиди, ҳарорати уфуриб туради; "Шеърларингиз – бу жазава, руҳ, жозоба жазаваси", деб ёзади мактуб муаллифи. – Ўт ҳамма нарсани поклайди, дейишади. Шеърларингиз таъсирида чирсиллаётган туйғуларимга қулоқ тутарканман, дунёни жазава тозалайди, деган хулосаларимни тизгинлайман ипларига. Ҳа, дунёни жазава тозалайди". Гўзалнинг шоиранинг "мен"и устидаги кузатишлари ҳам эътиборга сазовор. Унингча, кейинги йилларда ўзбек шеъриятида ўз "мен"ини бўрттириб, баъзан эса яшириб ифодалаш кўзга ташланади. Дейлик, Баҳром Рўзимуҳаммадда ўз "мен"ини тепадан, ташқаридан кузатиш, Фахриёрда фикрнинг камалакранг жилосига ўраб ифодалашга интилиш бор". Ҳозиргача ҳеч ким сезмаган, айтмаган тамойиллар. Хўш, бу борада Ҳалима шеъриятида қандай жараёнлар кечяпти? "Шижоатда ҳам назокати барқ уриб турган сатрларингизда, – деб ёзади шоира мактубида, – орқа тасвирнинг бош планга ўтиши ифода шиддати билан қоришиб, **ўқувчининг юрак ости оқимида** жунбушга келади" (таъкид бизники – У.Н.). Шоира далил учун икки банд шеър келтиради:

*Деразам ортида менга сездирмай
Сокингина ўтиб кетади баҳор.
Урушиб қолгандик анча йил олдин
У менинг қалбимни этганда абгор.*

Ёки

*Ўзимдан чарчаган кунлар ўйлайман,
Қай бири содиқроқ, ақлим лол, карахт:
Жонимга сен қурган ғамимми ёки
Қалбим ортидаги ялангоёқ бахт?!*

Бу сатрларни ўқиганда шоира ўз нозик кузатишларида нақадар ҳақ эканига тан берамиз...

Мактубдаги мана бу анъанавий "мен" бағридаги янгилик хусу-



сидаги кузатишлар ҳам мароқли. "Бир қарашда шеърларингиздаги образлар силсиласи қадим Шарққа хос рамз-тимсоллардан иборат: гул, япроқ, шароб, шафақ, шабнам, Қақнус, Самандар... Булар ҳаммаси эски, таниш образлар. Бироқ нимаси биландир ўқувчига янгидай туюлади! Назаримда, севинчни-да, ғамни-да ёнбошдан эмас, ичдан, туб илдизидан ёритиш билан. Дард, фироқ микроскоп орқали катталаштирилиб эмас, кўнгил кўзи, юрак нигоҳи билан "текширувдан" ўтади. Сўзлар кўнгил арқонида енгил ҳаракатланади. Шоирга ўхшаб эмас, шоир бўлиб яшаётганингиздан огоҳ этади улар".

Шу каби нозик кузатиш, дил изҳорларидан сўнг мактуб муаллифи шундай хулосага келади:

"Китобларингизни ўқиб, бугунги кунда Бадиий сўз тубдан янгиланаётганининг рўёбини ҳам кўрдим.

*Бугун шамол, эрта шамол, индин шамол,
Айландим уларнинг чин улфатига.
Сургун қилинганман аллақачонлар
Ҳеч ким ва ҳеч нарса салтанатига.*

Шеърларингиз тилсим, мен унинг қошида "Сим-сим, оч эшигинг-ни" деб адабиётнинг олтин дарвозасини қоқаётган "етса кетмас" эртақ қаҳрамонига ўхшайман. Бармоқларим тўла шеър. Киприкларимда ҳам силкинади шеър. Шеърли дунё бўйлаб отган ҳар бир қадамида ширали, назокатли, тирилтирувчи, ёруғ ва шаффоф баҳодир сўзлар жаранглайди, жаранглайверади..."

Азиз шеърхон, шу сатрлар мутолаасидан кейин Ҳалиманинг Гўзал Бегим мулоҳаза юритган китобларини қайта ўқиб кўринг-а, ишончим комил, айни Гўзал қизимиз тушган ҳолатга Сиз ҳам тушасиз, бу борада у айтган гаплар, ўй-мушоҳадалар чин ҳақиқат эканига – бадиий сўз тубдан янгиланаётганига, фақат бадиий сўз эмас, у ҳақидаги тасаввур, ўй-қарашлар ҳам янгиланиб бораётганига амин бўласиз. Бу борада ижодкор – шоир ва шоираларнинг ўзи етакчилик қиляпти. Мавриди келганда, айни ҳозирги шеърининг янгича таҳлили, талқинига оид яна бир-икки мисол келтирсам.

Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Зангори доврўқ қанотларида" сарлавҳали мақоласида модерн йўналишга мансуб шоирларимиздан бири Турсун Али ижодига хос нозик хусусиятлар шоир бисотидан олинган уч банд шеър таҳлили мисолида аниқ-лўнда очиб берилган. Мана, шулардан бири:

*Қиров тушган далалар ястанган кўйи
Қаҳратон қўйнига кирар қиқирлаб.*



“Чароғон овоз” туркумига мансуб ушбу иккиликка қиров тушган далалар манзараси асос қилиб олинган, — дея изоҳлашга киришади муаллиф. — Қиров — дала юзасида пайдо бўладиган юпқа қорсимон зарра. Қиров ингани боис, даланинг қитиги келади: у қиқирлаб кулганча қаҳратон қишнинг кўйнига кириб кетади. Шоир қишнинг нафис суратини чизган. У совуқликдан иссиқлик ахтармоқда. Зотан, “кўйнига кириш”да ҳароратга ишора бор. Маъно шундан иборат. Онг ости қаватларига йўналтирилган “зарб” эса қаттиқ “қ” ҳарфи орқали кечган: қиров, қаҳратон, кўйин, қиқирлаш. Шу қирчилдоқ товуш кўмагида онг ости шуурига таъсир ўтказиладики, бу ҳам модернизм методининг асосий усулларида...” Икки сатр шеър изоҳи баҳонасида ҳам шоир шеърининг моҳияти, ҳам модерн усулнинг муҳим хусусияти очиб берилади. Шу тарздаги таҳлиллар интиҳосида модерн шоир қиёфасини кўз олдимизда гавдалантирувчи мана бундай хулоса — лавҳа келтирилади: “Турсун Али кўз олдимизда ўй-хаёл шоири бўлиб гавдаланади. Хаёлларини кўзгаган нарсаси: ранг ва ифор. Шоир кўпроқ табиатдан таъсирланади. Манзараларни яхшигина тасвирлайди. У бўёқ ўрнига сўзни қўллаётган мусаввирга ўхшайди. Ҳайқирқлари сокин. Шу боис битта китобига “Сокин ҳайқирқ” деб ном қўйган”.

Мақоладаги яна бир муҳим кузатишга эътиборни тортишни истардим. Миллий шеъриятимиздаги модерн ҳодисасини Овropa ва Америка қитъаси адабиёти таъсири билан боғлаш одат тусини олган. “Қизиги шундаки, — деб ёзади Баҳром Рўзимухаммад, — Турсун Али шеъриятида Европанинг ҳам, Американинг ҳам таъсири сезилмайди. У, асосан, Шарқ мумтоз шеърияти доирасидаги япон, хитой, корейс, вьетнам назмидан руҳланган”. Бундай қарашда асос бор. Фақат миллий шеърят эмас, насримиздаги модерн жараёнларда ҳам шарқ таъсирини, аниқроғи, шарқ модернизми билан муштарак жиҳатларни жиддийроқ ўрганишга ундайди бизни шоиримиз.

Лайло Шарипованинг иккита чиқиши руҳи, моҳияти жиҳатидан юқоридаги мақолаларга ҳамоҳанг. Лайло шоирликка даъво қилмасида, аслида, у туғма шоира; шеърый тўплами, ҳали эълон этилмаган ҳолда қўлма-қўл ўтиб ўқилаётган шеърлари Ҳалима, Хосият битикларидан асло қолишмайди. Айни пайтда, у адабиётшунос, фан номзоди, ҳозирги миллий шеъриятимизда фольклоризм мавзусида қизиқарли тадқиқот олиб борган. Лайлонинг туғма шоира эканлиги унинг илмий асарларига, адабий-танқидий мақолаларига алоҳида файз, жозоба бахш этиб туради. Унинг, айниқса, Ҳалима Аҳмедова ва Иқбол Мирзо шеъриятига оид мақолалари бу жиҳатдан ибратли. Ҳалиманинг “Нигоҳ қибласи” китобига бағишланган шоира ва олима мақоласининг “Ишқдан яралган шеърлар” деб аталиши тасоди-



фий эмас. Мақола муаллифининг фикрича, Ҳ.Аҳмедова шеърияти ўзагида ишқ ётади. Бу ишқ тўпладан тўпламга ўтиб, борган сайин улуғлашиб, сулувллашиб бормоқда; инсонга аталган севги охир-оқибат илоҳий севгига айланиб борганини ҳис қилиш учун шоира шеъриятини вақт кўзлари кўмагида назардан ўтказиш лозим; муҳими, бу ишқ тасвири шеър тарзида намоён бўлмоқда... Далил учун муаллиф шоиранинг қатор шеърларини тилга олади, уларда “бугуннинг нурафшонлиги юз очаетгани”ни таъкидлайди. Унинг назарида бу шеърлар бир-биридан ҳайратнок, манзарали, ташбеҳлар оҳорли; ишқ мотиви етакчилик қилган шоира шеъриятида ҳаёт ва ўлим ҳақидаги мушоҳадаларнинг кенг ўрин тутиши ҳайратланарли ҳол. Башарият учун мангу ёндош муаммо – ўлим ва ҳаёт ҳақидаги поэтик мулоҳазалар унинг битикларида ғаройиб бир тарзда ёндош келади, илгари ҳимоясиздай кўринган шоира руҳияти ўлим билан юзма-юз бўлиб улгуради, бугун у ҳаётга ташна; ўлимни соғиниб ёзилган шеърларида фикр қуюқлашса, ҳаётни севиб ёзилган шеърларида рангин туйғулар рақсга тушишига шоира шеърияти мисолдир... Бунақасини шахсан мен замонавий шеъриятимизда учратмаганман.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, Ҳ.Аҳмедованинг ҳар бир сатрида ташбеҳ яширин. Бу ташбеҳларни англаш учун тафаккур ва тасаввур кенглиги керак; унинг шеърларини ўқиш ва ўқиш учун нозик таъб, саводли шеърхон керак. Ана шундай шеърхон наздида шоира шеъриятидаги андаккина нуқсон ҳам сезилиб қолиши табиий, шу маънода шоира шеърларида оз бўлса-да учрайдиган қусурлар тишга тош теккандай таъсир қилади. Мақолада кетирилган шоира мисрасидаги бир ҳижонинг камлиги, қофиядаги биргина кичик нуқсон ҳам шеърга соя солганлиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам аслида шоира битиклари мадҳиясидек таассурот қолдиради.

Шоир Иқбол Мирзо шеърияти хусусида кўп ёзилди, ҳўб ёзилди. Жумладан, камина ҳам ёзганман. “Гумбазларга етар туфроқнинг бўйи” мақоласида Лайло ҳозиргача у ҳақда ҳеч ким айтмаган гапни айтган, бу аломат шеърый бисотга янги, қўшилмаган томонлардан ёндашилган. Унингча, Иқбол Мирзонинг шеърияти муҳаббатга лим-мо-лим, юракда илдиз отиб, Ватан тупроғида кўкарган, юрт осмони томон бўй чўзаётган мевали дарахт, эҳтимол ўрик: меваси баҳордаги довуччадай ёшларни тортади, зардолудай саратонда дилларга ором беради, данаги ақлимизни пешлайди... Шеърларининг оҳанги равон, қофияси тўқ, сатрлар тўкилиб келади, қуйилиб келган мисралар қатидан бадий санъатлар кўз очаверади; у – туйғуларни манзарларда ифодалайдиган мусаввир шоир... Шеърларида товушлар, сўзлар ўзлари ҳосил қилган оҳангда яйраб, расқ тушади: шоир шеър-



лари инсоннинг шахсий дардларини инсониятнинг дардларига қўша олган, инсониятнинг дардларини эса шахсий дардларига айлантира олган қалбдан тўкилган фикр ва оҳанг вобасталигидан ҳосил бўлган битиклардир; ижодкор қалбида улуғ бир ишқ бор ва бу ишққа жуфт излаб, у тириклик оламида кезади. Ундаги бу илоҳий ишқ асли ботинда борки, уни ишқ ҳақидаги буюк асарлар тасаввурлантирган. Ғўзалликнинг исми кўп, ўзи битта. Муҳаббатнинг ифодаси рангин. Ўзи танҳо. Шоир муҳаббат заминида илдиз отиб, ишқ аршига етган қалб садоларини шеърга кўчиради... Иқбол Мирзо шеърини – унинг ўжар руҳиятидан, бепоён кўнглидан, зоҳири ва ботини қоришиб кетган тафаккуридан, яъниким уч ўлчам аро туғилган ишқ ҳосиласи... Иқбол Мирзо шеърлари хур руҳнинг парвозидан туғилган, табиат ва жамиятдаги уйқаш ҳамда фарқли, зиддиятли муносабатларни акс эттирган, самимий, дилтортар шеърлардир...

Мақолада илгари сурилган, муаллиф назаридаги шоир шеърини хос етакчи мотивлар шулардан иборат. Лайло уларни шунчаки декларатив тарзда шоирона изҳор этиш йўлидан бормай, бу даъволарнинг барчаси учун шоир бисотидан далиллар келтиради, келтирилган шеърини парчаларни мақола ҳажми имкони даражасида назорат билан таҳлил қилади, шеърини парчалардаги ифода воситалари, хусусан, ўзига яхши таниш фольклоризм, параллелизм ҳодисалари хусусида теран, мароқли мулоҳазаларни илгари суради, лекин негандир Ҳалима ҳақидаги мақолада мавжуд бу шоир шеърини хусусида айрим танқидий мулоҳазалар айтишдан ўзини тияди.

Ижодкорлар наздидаги шеърини талқини устида гап кетганда яна бир ибратли факт – истеъдодли ёш шоир Беҳзод Фазлиддиннинг танқидий чиқишларини мамнуният билан эслатиб ўтишни лозим кўраман. Бу ўринда мен унинг “Катта адабиёт остонасида ёхуд ёш шоирлар ижоди ҳақида айрим мулоҳазалар” (ЎЗАС, 2012 йил 14 сентябр), “Ҳассос руҳнинг тиниқ овози” (ЎЗАС, 2012 йил 9 ноябр), “Сўз салтанати” (“XX аср ўзбек адабиёти масалалари”, 2012) мақолаларини назарда тутатириман.

Сўнгги беш-олти йил давомида шеърини майдонига кириб келган, бирин-кетин шеърини китоблари чоп этилган ёш шоирлар ижоди ҳақида тажрибали мунаққидларнинг қатор мақолалари чиқди, чиқаётир. Аммо улар хусусида ёшларнинг ўзлари, сафдошлари нима деркин, деган савол кўплар қатори каминани ҳам қизиқтирарди. Шу ҳақда ўй сураётган кезларим Беҳзоднинг “Катта адабиёт остонасида” шеърини ўқиб мамнун бўлдим. Аввало, мақола муаллифининг ўз тенгдошлари шеърини билим даражаси хусусидаги мана бу кузатишлари эътиборга лойиқ; унингча, аксарият ёш шоирлар вазн, қофия, тўроқ каби шеър техника-



си билан боғлиқ илк сабоқларни аллақачон ўтиб бўлишган; ҳатто улар орасида шеърни бундай “қолип”лардан чиқариш, вазн, қофия қоидаларини “бузиш”га уринаётганлари ҳам бор. Шундай экан, уларга шеър қандай ёзилиши ҳақида ваъз ўқиш эриш туюлса керак. Бугина эмас, ёшлар шеърияти анча субъективлашган. Бугун уларни ўз қалб олами, руҳиятдаги ўзгаришлар, онг ости дунёсидаги маънисиз маънилар кўпроқ қизиқтиради. Бу ҳолни. Беҳзод уларнинг “ташқи олам, ижтимоий муҳитидан узилиб қолиш”и деб шарҳлашдан йироқ. “Аксинча, — деб таъкидлайди у, — навқирон авлод вакиллари инсон қалбининг ўзи сирли олам, таъбир жоиз бўлса, етакчи мавзу эканини аллақачон тушуниб етишган”. Айни пайтда, айни шу масалада у тенгдошлари ижодидаги оқсоқликни кўради, бу хусусидаги кузатишларини дангал айтади: “Албатта, айрим ҳолларда ижодкорнинг фақат ўзи билан ўралашиб, ўта субъектив истак-майллар доирасида қолаётгани акс этган шеърлар ҳам ёзилаётир. Шахсий икир-чикирлардан баланд кўтарила олмаган шоир, шубҳасиз, чинакам ижодий парвозга эриша олмайди, жўн “ёндим-куйдим”лари билан ўқувчини бездиради. Ваҳоланки, бугун бадииятдан узоқлашмаган ижтимоий-ахлоқий муаммолар акс этган шеърларга эҳтиёж катта. Шу маънода, кузатиб бораётганларга маълумки, бугунги ёшлар ижодида давр муаммолари, ижтимоий кайфиятнинг бадиий ифодаси ҳали ярқ этиб кўзга ташлангани йўқ...”

Булар топиб айтилган мардона сўзлар. Бу ҳақли таъна-дашномлар фақат ёшларга эмас, кўпни кўрган тажрибали шоирларимизга ҳам дахлдордир. Кўламли, ижтимоий-фалсафий пафос билан йўғрилган чин нафосат дурдоналарига бўлган эҳтиёж, чанқоқлик ҳар қачонгидан кўра ҳам долзарблик касб этмокда. Ҳолбуки, бу борада жаҳонга кўз-кўз қилгудек бой тажрибаларимиз бор. Айни шу ҳол ёшларни ўша тажрибалар ҳақида баҳс этувчи “Ҳассос руҳнинг тиниқ овози”, “Сўз салтанати” мақолаларини ёзишга ундаган бўлса ажаб эмас. “Ҳассос руҳнинг тиниқ овози” мақоласи мана бундай жумлалар билан бошланиши бежиз эмас: “Бугунги ижодкор ёшлар жаҳон адабиёти, хусусан, шеъриятига кўпдан маҳлиё. Ҳижжалаб ўқиганларимиз — Алоплинер, Элиот, Лорка ва бошқа хорижлик машхур шоирларни тилимиздан бол томиб эслаймиз. Албатта, уларнинг тажрибаларини ўрганиш фойдадан холи эмас. Аммо баъзи Ғарб шоирларига кўр-кўрона тақлид қилувчилар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, XX аср ўзбек шеърияти, жаҳон адабиёти мезонларидан туриб қараганда ҳам, жуда катта поэзия, дунё лирикасининг дурдоналари билан тенг асарлар унда кўплаб топилади”. Далил учун Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Усмон Носир, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Омон Матжон, ниҳоят, Рауф Парфи-

лар номи тилга олинади ва улар орасидан биттасини – Рауф Парфи ижодий-шеърый меросини таҳлил этишга жазм этади. Ижодини интим лирика, ёмгир оҳанглари тараннумидан бошлаган шоир қай тариқа теран ижтимоий-фалсафий, пировардида, илоҳий миқёсларга кўтарилиши жараёнини ўзига хос тарзда ёритишга жазм этади ва бунга эришади ҳам. Бошда устоз Асқад Мухторнинг Рауф ҳақидаги кузатиш, қараш, мулоҳазаларига таяниб қалам тебратган ёш шоир, тадқиқотчи секин-аста очилиб, ўзининг мустақил кузатиш, мулоҳаза, янгича талқин, дил розларини тақдим эта бошлайди. Бу ҳол “Сўз салтанати” мақоласида яққолроқ кўринади. Шулардан айримларини келтириб ўтсам: “Аслида, шеър – шоирнинг ўзидир. Шу маънода ҳар бир чинакам истеъдод бу таърифларни янгилайди. Айтиш жоиз бўлса, ҳеч қандай услуб йўқ, магар шоирнинг ўзи – услуб, ижодкорнинг “ўз”и – унинг йўлидир”. “Рауф Парфини ўқиб шеър фақат Дард бўлса керак, деган ўй кечади хаёлдан”. “Фақат шоиргагина ярашади дард”, – дейди унинг ўзи”. “Рауф Парфи ижодидан етарлича бохабар ўқувчи унинг бутун асарларида ўзини ўзи кўндиrolмаётган исёнкор руҳ кезиб юрганини сезмай қолмаса керак. Бироқ бу шунчаки пессимистик кайфиятнинг поэтик ифодаси эмас, аср кишиси, давр одамлари фалсафий ҳаётининг юксак санъат даражасидаги бадиий аксидир”. “Сўз, сўзсиз, мўъжиза. Рауф Парфи бу мўъжизадан янги мўъжизалар яратади. Аммо шоирни зору абгор этган ҳам шу сўз. Шоир унга телбаларча эргашади, излайди, талпинади, юкинади. Шу маънода “Сўз – Ватан” деган шоирни (“Она тилим”) тушуниш мумкин. У сўзда яшайди, қувонади, азоб чекади... шунда жон беради”. Шоир учун “шеър – дуо”, шеър ёзиш – ибодат... Мақола муаллифи Рауфнинг мана бу сўзларини келтиради: “Ҳар бир одамнинг Оллоҳга мурожаат қиладиган пок бир макони, жойнамози бўлиши лозим. Оқ қоғоз – шоирнинг жойнамози. Оқ қоғози бўлмаган шоир имонидан айрилади, Оллоҳни унутади. Санъатнинг барча турлари: мусиқаи, рассомликми, шоирликми – барчаси Оллоҳга мурожаат шаклидадир. Шеър ёзиш покланиш дегани. Покланишга доим тайёрман...” Ёш ижодкор улкан шоир шеърятини унинг ана шу муқаддас ақидалари асосида текширади, шу муқаддас мезонлардан келиб чиқиб, аниқ далиллар асосида ўй-мушоҳадалар юритади; ниҳоят, мақола мана бундай баланд пардаларда интиҳосига етади: “Рауф Парфи “Оғрик” шеърини “Кўкрак кафасимиз – нажот қалъаси!” сатри билан якунлайди. Бу не дегани? Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) “Тақво мана бу ердадир” дея муборак кўксиларини кўрсатган эканлар. Демак, нажот – тақвода. Имонга кафил бўлувчи Сўзда. Сўз бор экан, унинг Рауф Парфи каби дарвеш – фидойилари ҳам тирикдир”.



Пировардида, яна бир ёш истеъдод соҳиби қаламига мансуб мақола ҳақида гапирмай ўтсам инсофдан бўлмас. Гап Отабек Жўрабоевнинг “Ардоқли дастхатлар” сарлавҳали чиқиши (“Тафаккур”, 2012 йил, 4-сон) устида кетаётир. Маълумки, мақола муаллифи синчков, сезгир манбашунос, матншунос сифатида илмий давраларда эътибор қозongan, у нашрга тайёрлаган Хазиний девони, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасининг илмий-танқидий матни матбуотда ижобий баҳосини олган. Отабек илмий ходим лавозимида Абдулла Қаҳҳор уй-музейида сақланаётган адиб ижодий меросини ўрганиш бобида қисқа муддатда кўп хайрли ишларни амалга оширишга эришди. “Ардоқли дастхатлар” шулар жумласидан. Биласизлар, Отабек айни пайтда истеъдодли шоир, шеърӣй тўплами шеърхонларга манзур бўлган. “Ардоқли дастхатлар”да унинг нозик, шоирона нигоҳи сезилиб турибди; архивда сақланаётган сон-саноксиз ноёб ҳужжатлар орасидан саралаб олиниб журналхонларга тақдим этилган намуналар Қаҳҳордек буюк сиймога бўлган эҳтиром, қолаверса, фақат кенг журналхонлар оммаси учун эмас, мутахассис қаҳҳоршунослар, жумладан, камина учун ҳам янгилик бўлди. Ёзувчи табиати, эътиқодини ярқ этиб намоён этадиган “Қўрқсанг айтма, айтсанг қўрқма” сингари ҳикматлари, адиб ҳаёти, шахсияти, ижодий ақидаларига, адабий жараёнга оид мулоҳазалари, бевосита ўзим ҳақидаги “Танқидда Озод, Умарали, Қўшжоновлар бош кўтарган!” деган эътирофи билан илк бор шу мақола орқали танишганим учун ҳам Отабекдан беҳад миннатдорман.

Ниҳоят, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” саҳифасида чиққан “Адабий иновация эҳтиёжи”, “Ҳаммаси ёзиб қўйилган”, Абдулла Шернинг “Жаҳон адабиёти”да эълон этилган “Аччиқ ҳақиқатлар фалсафаси”, “Абадият ва умр”, Исажон Султоннинг “Тафаккур” ва “Жаннатмакон”даги ўй-мушоҳада ва суҳбати, Назар Эшонкулнинг “Шарқ юлдузи” бош муҳаррири саволларига жавоблари, Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги ўзбек шеърӣяти” монографияси, мақола, адабий суҳбатлари, шоир, таржимон Вафо Файзуллонинг “Чақмоқ ёруғи” адабий ўйлар китоби, Шухрат Ризаевнинг кино, театр, санъат оламига оид чиқишлари – булар етук ижодкорларимиз – бугунги жаҳон миқёси, даражаларида туриб фикр юриштишга, жаҳоннинг мана мен деган санъат, адабиёт дарғалари билан юзма-юз мулоқотлар олиб боришга қобил-қодир замондошларимиз борлигидан далолатдир. Булардан қувонмай бўладими, ахир!

Шулардан бири – “Янги ўзбек шеърӣяти” устида озгина тўхталиб ўтсам.

XX асрнинг якунланганига ўн йилдан ошди. Ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ аср адабиётининг тажрибаларини илмий ўрганиш,

улардан муайян сабоқлар чиқариш йўлида баъзи ишлар амалга оширилди. Устоз О.Шарафиддинов ташаббуси билан "Жаҳон адабиёти" саҳифаларида (1998 йил, 1-сон) "Сарҳисоб" рукни остида давра суҳбати уюштирилган эди; 1999 йили чоп этилган олий ўқув юртлари учун "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги ўша давр адабий-танқидий қарашларининг якуни тарзида майдонга келди. Шундан бери орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Аср адабиётининг турли муаммолари, босқичлари хусусида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди, айрим назарий муаммолар, қатор ижодкорлар, алоҳида асарлар теварагида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Аммо аср адабиётининг етакчи тамойиллари бугунги илм-фан, адабий-танқидий тафаккур даражасида туриб, яхлит ҳолда янги томонлардан тадқиқ этилган фундаментал илмий асар деярли яратилмади. Рус адабиёт-шунослигида амалга оширилган ишларга қиёс қилинганда, бу борада биздаги оқсоқлик яққол кўринади.

Ана шундай бир шароитда Улуғбек Ҳамдам қаламига мансуб "Янги ўзбек шеърияти" монографиясининг пайдо бўлиши ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

XX аср янги ўзбек шеърияти (бинобарин, янги ўзбек адабиёти) тараққиёт йўлини тадқиқ этишда муаллиф бизда одат тусига кирган (аллақачон эскирган) андазалардан воз кечиб, бутунлай янгича йўлдан боради, давр – шахс – ижодиёт, эстетик идеал феноменлари билан боғлиқ ҳолда шеъриятда юз берган ўзгаришларни кузатади, янги шеъриятда ғоявий-тематик янгиланиш омиллари, лирика табиатидаги эврилишлар, мафкуралашув, ижтимоий дарднинг инсонийлашуви, лириканинг мафкура таъсиридан халос бўлиши каби жараёнларни бетақрор тарзда теран таҳлил этади. Аср шеърияти поэтикасидаги тадрижий ўзгаришлар, чунончи вазн алмашуви ва унинг омиллари, поэтик ифода такомили, лирик субъект эврилишлари устидаги муаллиф мулоҳазалари ҳам бетақрор, мароқли чиққан.

Ишдаги изчил илмий тадқиқ усули эссега хос эркин талқинлар билан жўр бўлиб асарга алоҳида жозиба бахш этган. Асар мароқ билан ўқилади.

Қисқаси, "Янги ўзбек шеърияти" ўтган аср миллий адабиётимизни, унинг етакчи тармоғи – бой, ранг-баранг шеъриятимизни тадқиқ этишда дадил янги қадам, муҳим ҳодиса деб аташга тўла асос беради.

Ижод аҳли қаламига мансуб бир йиллик адабий-танқидий мақола, тақриз, суҳбат, ўй-мушоҳадаларга оид кузатишлар шундан далолат берадики, санъат, адабиёт оламидаги жараёнлар, алоҳида асарлар ҳақида сўзлаш, ёзиш учун қаламкашда адабий истеъдод билан баробар нозик дид, илҳом, шижоат, маҳорат ҳамда тафак-



кур кўлами сув билан ҳаводек зарур. Адабий истеъдод, нозик дид, илҳом, маҳорат, шижоат, тафаккур кўлами туташгандагина чин санъат намуналари билан бўйлаша оладиган юксак адабий-танқидий асарлар дунёга келади. Афсуски, бевосита профессионал адабий танқид майдонида чин асар деб аташга лойиқ намуналар оз, жуда оз. Фақат илмий даража олиш учун ясаладиган "монография", "илмий мақола" номи остида эълон этилаётган сон-саноқсиз бетаъсир, ҳиссиз, тузсиз битиклар урчиб ётибди адабиётшунослик майдонида. Касб-корим тақозосига кўра уларни ўқишдан зада бўлиб юрган кезларим йил давомида матбуотимиз саҳифаларида чиққан ижод аҳли қаламига мансуб ҳар қандай тамалардан холи, фақат қалб амри, нозик дид, илҳом самараси бўлмиш бу битиклар мутолааси чоғи олган завқимни сиз азиз ўқувчилар билан баҳам кўриш истаги мазкур мақоланинг ёзилишга туртки бўлди. Эҳтимол, мен тилга олган, фикр юритган мақолалар барчаси тафаккур кўлами, ифода маҳорати даражаси жиҳатидан бирдек эмасдир, улардаги жўшқин эҳтирос мавжлари баъзи ҳамкасбларимизга эриш туюлар, аммо уларнинг нозик дид, илҳом, ички бир дард билан ёзилганлигига шубҳа йўқ. Шунинг ўзи ҳам бугунги кунда катта гап. Кошки, шу ноёб "арзимасдек" туюлган фазилатлар танқид, адабиётшунослик майдонида илмий даража илинжида юрган сон-саноқсиз ҳамкасбларимизга ҳам юқса...

2013 йил феврал

"ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ" МУТОЛААСИ ЧОҒИДА ТУҒИЛГАН ЎЙ-МУШОҲАДАЛАР

Мана, ниҳоят, "Шарқ юлдузи" журналимиз саҳифаларида 2013 йил бўйи давом этган **"Янги авлод овози"** номи остида ўтказилган адабий-танқидий гурунг ўз ниҳоясига етаётир, энди уни сарҳисоб қилиш пайти ҳам келди. Хўш, шундай мавзуда баҳс-мунозара юритишга эҳтиёж бормиди, деган савол туғилиши табиий. Сир эмас, тарих учун қисқа фурсат — мустақиллигимизнинг 22 йили давомида мамлакатимиз асрларга тенг мислсиз ўзгаришлар, туб янгиланишлар йўлини босиб ўтди, миллатнинг янги авлоди туғилиб, йигит ёшига етди, истиқлолни 50, 60, 70 ёшида қарши олган авлодлар қарашини, тафаккурида, ҳаёт тарзида ҳам туб бурилиш юз берди. Бу ҳол, айниқса, адабиёт ва санъат аҳли тақдирида чуқур из қолдирди, гарчи гурунг мавзуси "Янги авлод овози" деб аталса-да, мустақиллик йиллари адабиёт бўстонида шакллланган, униб-ўсиб бўй кўрсатган қалам



соҳиблари овозига хос хусусиятлар талқинига қаратилган бўлса-да, аслида мавзу кўлами кенгроқ, янги босқичда мана шу янги авлод билан ҳамнафас енг шимариб ягона улкан ва шарафли мақсад – истиқлол ғоялари амалиёти йўлида бақамти ижод этаётган устозлар акс-садоси ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Мазкур гурунг бизда одат тусини олган бирданига бир мажлисда ўртага ташланган масала бўйича иштирокчиларнинг беҳос кўнглига келган ўй-мулоҳазалари изҳори шаклида эмас, бош муҳаррирнинг пухта ўйланган ҳозирги адабий жараён тамойилларига оид 10 банддан иборат саволларига шошилмай, пухта ўйлаб жиддий тайёргарлик кўриб берган жавобларини йил давомида журналнинг 6 сониди эълон этиш тарзида кечди.

Адабий-танқидий гурунг “Янги авлод овози” деб номлаган экан, унинг иштирокчилари ҳам миллий адабиётимизнинг янги авлоди намояндалари, истиқлол арафасида, истиқлол йилларида адабиёт бўстониغا кириб келган шоир, носир ва мунаққидлар; улар орасида ёши энг улугълари – Ҳ.Болтабоев 1954, Ш.Ризаев 1958 йилда туғилган, Д.Қуროнов 1960, И. Ёқубов, Раҳмон Қўчқор, Баҳром Рўзимухаммад, Раҳимжон Раҳматлар 1961, Назар Эшонкул, Абдуқаюм Йўлдош 1962, Р. Ҳайдарова 1966 йилда таваллуд топган. Уларнинг барчаси адабиётда, адабий танқидда аллақачон ўз мавқеини эгаллаб, ижодий, илмий йўли, маслагини тайин этиб олган қалам соҳибларидирлар. Қолаверса, улар бош муҳаррирнинг ҳар бир саволига “етти ўлчаб бир кес” нақлига амал қилиб, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда жавоб қайтаришга ҳаракат қилганлар.

Журнал тахририяти каминадан мазкур адабий гурунгга якуний чиқиш билан иштирок этишни тақлиф этганда, очиги, бошда бир оз иккиланиб қолдим. Ахир мен бутунлай бошқа давр, ўзга авлод одамиман-ку, “Янги авлод овози” гурунгининг энг улуғидан ҳам ёшим чорак аср каттароқ-ку, деган андишага бордим. Бироқ дўппини бошдан олиб бундоқ ўйлаб қарасам, уларнинг бирортасиям мен учун бегона эмас, Абдуқаюм билан Исомжонни мустасно этганда, қолганлари барчаси менинг 60 йиллик умрим кечган Миллий университетда таълим олган, аксарияти шу даргоҳда бирга ишлаган, бир майизни бўлиб баҳам кўрган кадрдон маслакдошларим-ку; қолаверса, Ҳамидулла, Улуғбек, Дилмурод, Раҳимжонларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилганман... Қисқаси, гарчи қирқ йиллик фаолиятим машъум мустабид тузув замониди кечган бўлса-да, Аллоҳнинг беадад инояти туфайди Абдулла Қаҳҳордек буюк сиймо адабий муҳити ҳамда Миллий университетда қарор топган Озод Шарафиддинов адабий-танқидий мактабига дахлдор бахтиёр бир бандаи мўминман.



Давра гурунглари кузата бориб шунга амин бўлдимки, 60-йиллардаёқ шаклланган Қаҳҳор адабий муҳити, устоз Озод Шарафиддинов адабий-танқидий мактаби сабоқлари истиқлол даври адабиёти, адабий-танқидий тафаккури, янги адабий-танқидий авлод парвози учун мустаҳкам замин вазифасини ўтаган, боз устига, устознинг ўзи мустақиллик йилларидаги ўн беш йиллик фаолиятида, янги шароитда янги адабий авлод ҳимояси, камолоти йўлида беқиёс заҳмат чеккан, жасорат кўрсатган. Бошқа вақтли нашрлар босиб чиқаришдан чўчиган бугунги жаҳон адабиёти билан бўйлаша оладиган ёш авлод қаламига мансуб қатор “қалтис” асарларнинг ўзи бош бўлган “Жаҳон адабиёти”да эълон этиши, айти шу авлод сафида қалам тебратган ўша кезлари жиддий эътироз, баҳсларга озиқ берган – янгича модерн йўналишидаги шоирлар, носирлар ижоди ҳимоясига бағишланган мақола, адабий суҳбатлар учун журнал саҳифаларида кенг ўрин ажратиши бунинг ёрқин далилдир.

Мазкур адабий-танқидий гурунда қўйилган барча саволларга бирма-бир жавоб қайтариш шарт эмасдир, деган ўйга бориб, назаримда, мен учун энг муҳим бош масала – янги авлод ва унинг ижодий қиёфаси хусусидаги ўз фикр-қарашларим ихлоси билан чеклансам.

“Бугунги адабий авлоднинг (магар у бор бўлса) ғоявий-бадиий эстетик қарашлари нималардан иборат?” деган бир қарашда осон, оддий расмий саволга, қизиқ, гурунг қатнашчиларининг жавоблари хийла паришон тусда кечди. Эҳтимол, муҳаррирнинг қавс ичида келтирилган шубҳаси салафларига ҳам юқди шекилли, улар ҳам бу хусусда иккиланиб қолдилар. Профессор Ҳ. Болтабоев тўғридан-тўғри “кейинги даврларда ижод қилган алоҳида истеъдодлар номини тилга олиш мумкин, бироқ улар адабий авлод сифатида шаклланмаганга ўхшайди” деса, Ш. Ризаев “Ҳозирги пайтда ана шу кайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод вояга етди, деб дабдурустдан айтиш жуда мушкул” дея ҳамкасби қарашини маъқуллайди. Проф. Д. Қуронов бу масалага бир оз кескинроқ ёндашса-да, бироқ охир-оқибатда ҳамкасблари қарашидан унча узоқ кетмайди. Унингча, ижтимоий тафаккурнинг ҳам илғорида борадиган ижодкорлар – шу куннинг гапини айтадиган “адабий авлод” орзулигича қоляпти; “янгиланган кайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод ҳам вояга етган”, фақат унда энди “салафларидаги белгиларни излаш бефойда”, “энди ижод аҳлининг барини бирдек ўртоғчи умуммиллий дард йўқ”.

Назаримда, бу хусусда Раҳмон Қўчқор масала моҳиятига хийла яқин келгандай кўринди менга. Дарҳақиқат, у айтганидай, бугунги адабий авлоднинг ғоявий-бадиий қарашлари бир хилликдан узоқ – ҳаётнинг ўзидек ранг-баранг экан, ижодкорларнинг воқеликни идрок



этиш ва уни талқин қилиш усул-услублари бир-бирига ўхшамаслиги, энг муҳими, ёш ўзбек шоир-ёзувчилари дунёнинг илғор адабиётларига бўйлашиб ижод қилаётганлигини сезмаслик мумкин эмас... Мунаққиднинг куюнчаклик билан айтган мана бу иддиаларига қўшилмай илож йўқ: "бу авлоднинг бор эканига ҳали ҳам шубҳа қилиш, унинг изланишларини тумовнинг йўталидек ўтиб кетадиган ҳодиса, деб қўл силташдан кўра, унга тенглашмоқ, уни ихлос-ла ўқимоқ ва уқмоқ, агар қўлдан келса, нафақат миллий миқёсда, балки халқаро эстетик майдонда ҳам унинг тарғиб-ташвиқи билан шуғулланмоқ вақти аллақчон келган"ини таъкидлар экан, мунаққид салафларининг бу хусусдаги иддиоларига жавобан қизишиб: "Нима учун ранг-баранглик авлод тушунчасини инкор этар экан? Нега авлоддан дунёқарашдаги яқранглик талаб қилинар экан? Ахир, дунёқараши, диди, эстетик идеаллари, ижодий услублари ранг-баранг бўлмаса, бу замондошларнинг номи "адабий авлод" эмас, "адабий пода" аталиши керак эмасми? Қайси замонда, қайси авлодда бир-бирини такрорлайдиган икки ижодкорни топасиз? Ахир, ижодкорни шу мақомга лойиқ қиладиган энг асосий мезон айнан ҳеч кимникига ўхшамайдиган дунёқараши, бадиий идрок, эстетик диди эмасми?" – дея ўз қарашида қатъий туради.

Янги авлод, унинг бугунги адабий жараёндаги ўрни, овози хусусида гурунгда иштирок этган ижод аҳлининг қарашлари Раҳмонжоннинг овозига ҳамоҳанг. Чунончи, Назар Эшонқул янги босқичда қалам тебратган турли ёшдаги ижод аҳли номларини келтириб: "улар асарларини услубига ва концепциясига кўра, янги авлод насрига тегишли деб баҳолаш мумкин. Шунинг учун **ёшига қараб эмас, адабий авлодни асарларнинг мазмуни, услуби, концепциясига қараб белгилаш тарафдориман**" (Таъкид бизники – У.Н.) – дейди.

Ғоят ўринли, оқилона мулоҳаза. Бу хусусда кейинроқ махсус тўхталсам. Ҳозирча бошқа давра қатнашчиларининг бош савол хусусидаги мулоҳазалари билан таништиришда давом этайлик.

Шоир Баҳром Рўзимухаммад эса ўзи бевосита дахлдор бўлган шеърият, хусусан, модерн йўналиши, унинг тадрижи, ҳозирги ҳолати, қолаверса, миқёси, намояндалари, яхши намуналари хусусида батафсил тўхталиб: "Ҳар хил усулларда асар битадиган шоирларни бир авлодга мансуб дейиш ўринлими?" – деган савол қўяди ва: "менимча йўқ" – дея жавоб қилади. Унинг даъвосича, "бир мактабга дахлдор дейиш бошқа нарса". "Бизнинг аксариятимиз, – дея эътироф этади у – "парфизм мактаби сабоқчиларимиз".

Уйлаб кўришга арзийдиган мулоҳаза.

Адиба Рисолат Ҳайдарова кўламни янада кенгроқ олиб: Сўнгги ўн-йигирма йил мобайнида ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар адабий



жараёнга шу қадар таъсир кўрсатдики... бир қарашда киши ҳозирги адабиётимизнинг қиёфасини бор бўйича англаб ололмайди. Англаш учун эса шу чоқча миямизда яшаб келган "рамкалар"дан сал четроққа чиқиб олиш керак бўлади", деган жиддий фикрни илгари суради.

Хўш, бир қарашда кундай равшан бугунги адабиётимизнинг қиёфаси хусусидаги саволга бу қадар зиддиятли, мунозарали жавоблар берилишининг боиси нимада? Бу ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун айни шу янги босқичда босиб ўтилган йўл, унинг энг муҳим жиҳатларини эслаб ўтмоқ даркор.

Ҳап шундаки, адабиётимизнинг янги авлоди мансуб бўлган мустақиллик даври миллатимиз тарихида ғоят ноёб, мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. Кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихидаги муҳим бурилиш замонавий жаҳон адабиёти томон юз ўгириши жараёни – **янги ўзбек адабиёти** деб аталган ҳодисанинг шаклланиши, юз йиллик тараққиёти хоризм мустамлакаси даврида бошланиб, мустабид коммунистик тузум шароитида, машъум яккахоким мафкура тазйиқи остида кечди, компартия йўл-йўриқларидан салгина четга чиққан қанчадан-қанча қалам аҳлининг олтин боши қурбон бўлди. Кишини ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, ҳатто ана шундай машъум шароитда ҳам миллат шаънини улуғлайдиган, унинг асл орзу-интилишлари – эрки, озодлиги ғояларини тараннум этадиган, зулм доялари илдизига болта бўлиб тушадиган асарлар яратилди, турли-туман кўринишда яратилаверди.

Ниҳоят, юз йиллик эзгу орзу-ният рўёбга чиқди. Бунда бир неча авлод озодлик куйчиси ва жарчиси саналган адабий авлод асл намояндаларининг хизматлари беқиёс.

Истиқлол ғояларини амалга ошириш эса осонликча кечгани йўқ; бошқа, олдинроқ озодликка эришган Шарқ мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бизда бир тизим – социализмдан – бошқа бир тизим, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш, барча соҳада жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари андозларига мос келадиган жамиятни шакллантириш, бу борада ҳозирда жаҳон тан олган **ўзбек моделини** ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш – бу ҳазилакам иш эмас! Ана шу кўп қиррали қудратли жараён асносида **маънавиятга** алоҳида аҳамият берилди, "Юксак маънавият – енгилмас куч", жумладан, "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" деган шиор остида сон-саноксиз амалий ишлар адо этилди, этилмоқда. Миллий адабиётимиз тарихида ҳеч қачон кўрилмаган ижод эркинлигининг **қонуний асослари** яратилди, аввало, сўз санъати учун ҳаётий манба – она тилимиз давлат мақомига эга бўлди, маънавий меросга, бадиий ижодга муносабат тубдан ўзгарди, **фикрлар хилма-хиллиги** учун йўл очилди, "фикр



юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги" қонун билан расмийлаштирилди. Конституциямизда "Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас" деб ёзиб қўйилган.

Бу ижтимоий, маънавий, адабий тараққиёт учун бениҳоя муҳим тарихий ҳодисадир. Дадил айтиш мумкинки, ижод аҳли адабиётимиз ва санъатимиз тарихида илк бор ана шундай ноёб кафолатга эга бўлди. Шу тариқа, адабиёт ва санъат аҳли яқин ўтмиш яккахоким мафкура тазйиқидан бутунлай халос бўлди, бизда ҳам жаҳоннинг тараққий этган эркин демократик мамлакатларидаги каби фалсафий-мафкуравий сажия, эстетик принциплари жиҳатидан хилма-хил адабий-бадий оқимлар, турли адабий мактаблар шитоб билан қарор топа бошлади. Боз устига, мана шу жараёнларнинг барчаси жаҳонда **глобаллашув** жараёни авжига чиққан, **информатика** тармоғи бениҳоя кенгайган, интернет, компьютер кундалик ҳаётга шиддат билан кириб келаётган бир паллада юз берди, бераётир. Миллий адабиётимизнинг бугунги тараққиёти, ҳозирги адабий авлод қиёфаси ҳақида сўз кетганда ана шундай **қўламли жараёни** четлаб ўтиш асло мумкин эмас.

Яна бир муҳим жиҳат, шу йиллар давомида "кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми" саналган, Кремлда ишлаб чиқилган, адабий эстетик принциплар асосида иш кўришга мажбур этилган ўзбек адабиёти ўзгаларга тобелиқдан озод бўлиб ўз эрки, хоҳиш-ихтиёрига қўра илғор **жаҳон адабиёти ўзанлари бўйлаб ривожланиш йўлига ўтди**. Яккахоким мафкура, яккахоким соцреализм қолипларидан чиқиб, ўз миллий анъаналарини эркин давом эттириш, жаҳон адабиётидаги илғор тажрибаларни бемалол ижодий ўзлаштириш имкониятига эга бўлди. Мустабид замонда "реакцион" деб аталган диний-исломий мотив – талқинлар, "реакцион буржуа оқими" саналган модернизмнинг эшиклари ижод аҳли учун кенг очиб қўйилди. Қуръони карим, ҳадисларнинг бугунги она тилимизга таржима этилиши, "илғор совет адабиёти" саҳнасидан бадарға этилган тасаввуф фалсафаси, адабиёти тадқиқи, тарғиботига кенг йўл очилиши, Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллаёёр каби мутасаввуф шоирлар меросининг халққа қайтарилиши миллат маънавий ҳаётида, айниқса, бадий ва адабий-илмий тафаккур ривожига янги давр очганини унутмайлик, азизлар. Асарида биргина **Аллоҳ** сўзини қўлагани, "**модернизм**" хусусида икки оғиз илиқ гап айтгани учун маломат тошлари остида қолган ижод ва фан намояндаларини кўрганимиз, кўра туриб, улар ёнини олишга қурбимиз етмай алам-ўкинчдан ўксиниб, изтироблар



оловида қоврилиб юрган кезларимиз ҳамон ёдимда. Бундоқроқ носир ва шоирларни қўйиб туриш, Чингиз Айтматовдек номи, асарлари жаҳонга машхур адибнинг "Плаха" ("Қиёмат") романидаги диний мотив, Исо Масих қисматида оид боблар теварагида қанчалар машааш бўлгани, марказий матбуот саҳифаларида адибнинг "Аллоҳга ғамза қилиш"да айблангани эсимиздан чиққани йўқ. Ахир, булар узоқ эмас – 1986 йилда бўлган эди-ку! Бугун университет аудиториясида филолог талабаларга шу ҳақида сўзлаб берсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайди.

Қийинчиликлар, иккиланишлар билан бўлса-да, давр тақозосига кўра бизда ҳам жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги каби **мафкуравий-фалсафий асоси жиҳатидан хилма-хил йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади**. Моддий дунё қонуниятларига, тарихийлик, ижтимоий таҳлил принципларига қатъий амал қилган анъанавий реализм билан баробар деярли барча тур, жанрларда диний, руҳоний-исломий талқин устувор асарлар яратиш анъана тусини олди. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма, табиий, сирли-сеҳрли мавжудод тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий-тарихий шароит – тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онгидроқдан ташқарида англаб етилмаган ҳолат-қафиятларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънолигини қабариқ тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги билан кўрсатган абсурд асарлар, абсурд қаҳармонлар (мустабид тузум инқироzi тасвирига бағишланган асарларда), шунингдек, "пост-модернизм ўйини" асосига қурилган битиклар ҳам кўрина бошлади. Қизиқ, биз аллақачон сўз санъатининг ўтмиш босқичига мансуб деб атаган романтизм ёхуд натурализм йўлида битилган яхши асарлар ҳам пайдо бўлаётир. Улар ҳақида ёзилди, ёзилаётир. Исажон Султоннинг "Онаизорим" қиссаси, Қўчқор Норқобилнинг "Нози... Нози-гул", Жўра Фозилнинг "Соҳилдаги уй", Муяссар Тиловованинг "Қўқўл қўшиги" ҳикоялари шулар жумласидан. Боз устига, XX аср жаҳон адабиётида етакчи йўналиш – модернизмнинг ҳомуси деб ном олган "Улисс", "Улисс" мактабига даҳлдор "Жараён", "Бузрукнинг кузи" каби шоҳ асарларнинг она тилимизга таржима этилиши маданий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлди, модернизм мактаби мухлислари доирасини хийла кенгайттирди.

Ўтилган йўлга бир назар ташлаб кўринг-а, жаҳон модерн асарларининг ҳаётимизга кириб келиши, модерн йўналишининг миллий адабиётимизнинг ҳозирги босқичида етакчи тамойиллардан бири



даражасига кўтарилиши осонликча кечгани йўқ; жиддий баҳс-мунозаралар, эътирозлар, эътирофлар, кескин ҳамла, инкор ҳамда ҳимоялар жараёнида кечди, “модернизм миллий адабиётимизга ёт, у ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий мухитида нашъу намо тополмайди”; модернизм “қора ва тушқун” кайфиятни ифодалайди, “нигилизм ва даҳрийликни тарғиб этувчи адабиёт”, “модернистик асарлар моҳияти пуч, маънодорлик ва маънавиятдан маҳрум” деган идиолар бот-бот такрорланди... Шуларга қарамай модерн тамойил миллий адабий тафаккур майдони сари дадил юришда давом этди, ғарбдагидан ўзгача, **ўзбекона миллий қиёфада** намоён бўла борди; 2003 йили 24та навқирон модернчи авлод шеърларидан таркиб топган “Ўзбек модерн шеърияти” мажмуасининг чоп этилиши маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди; Ғарбу Шарқ модерн шеъриятига ҳамоҳанг қатор шоирларимизнинг шеърий китоблари, носирларимизнинг ҳикоя, қисса, романлари ўзимизда эътибор қозониш баробарида хорижда ҳам қизиқиш уйғотди; ўндан ортиқ модерн роман муаллифи Омон Мухторнинг хазрат Навоий ҳақидаги диалогияси Давлат мукофоти билан тақдирланди...

Табиийки, бу жараён хусусида илиқ гаплар билан баробар баҳс-эътирозлар тўлқини ҳамон тўхтагани йўқ. Гоҳи баҳслар чоғи хийла кескин кетиш ҳолларига ҳам дуч келаётимиз. Чунончи, Исажон Султоннинг кейинги йилларда оғизга тушган, ҳатто 2011 йили жаҳоннинг ўнта етук ҳикояси қаторидан ўрин олган, постмодернизмнинг аъло асарларидан деб баҳоланган “Қисмат” (“Айвон”) ҳикоясидаги метамарфоза кўринишидаги эпизод – жабрдийда, аламзада ўғлоннинг балиқ тимсолида намоён бўлган марҳум ота ҳақида аччиқ устида айтган бир оғиз сўзи хусусида айна журналдаги гурунг билан ёнма-ён берилган мақолада билдирилган кескин танқидий мулоҳаза устида тўхтамай ўтолмайман. “Хос калом хосияти” сарлавҳали мазкур мақолада муаллиф Узоқ Жўракулов ҳикоядаги айна шу ҳолатни “ғайриинсоний ғояларга, шайтанат афсунларига билиб-билмай маҳлиё бўлиш”, “фрейдизм афсунларига маҳлиёлик”, “Ғарбга тақлид ўлароқ, бегона, ғайриҳаққоний” ҳодиса дея ҳукм чиқаради (“Шарқ юлдузи”, 3-сон, 132-бет). Эҳтимол, персонаж сўзлари ифодасида бир оз кескинлик, ғализлик бордир, аммо ҳикояни синчиклаб ўқисангиз, ундаги бир оила аъзолари – ота, она, уч ўғлон қисмати, ҳаёт тарзи, ҳар бирининг бетакрор табиати, фикрлаш, ўйлаш йўсинлари билан танишсангиз, уларнинг ҳар бири ўзича бир олам эканига иқрор бўласиз. Боз устига, катта ўғил билан ота, қолаверса, ота билан барча оила аъзолари – она, ўртанча ва кичик ўғлонлар орасидаги мураккаб муносабатлар, хусусан, Ота табиатидаги тундлик,



шафқатсизлик каби иллатларнинг ҳаётий асос – сабаблари ҳикоя жанри имкониятлари доирасида моҳирона очиб берилган.

Ота мустабид тузум қурбони, бир вақтлар раҳбарлик лавозимида ишлаган кезлари у ўз жонини ўйлаб, намозхон отасига қўл кўтарган, қамалиб кетиш хавфидан қўрқиб, падари бузрукворининг шаънини топтаган, шу тариқа бегуноҳ отанинг қарғишига қолган. Шу туфайли бир умр иши юришмайди, бесамар, бир хилдаги зерикарли, машаққатли маънисиз юмуш – поёни йўқ қамишзорда бетиним қамиш ўриш тинка-мадорини қурилади; алаmidан ичади, маст ҳолда аёлига, болаларига ўшқиради, уларга кун бермайди, калатаклайди... У шу ҳолда замон талотумлари гирдобиди дунёдан бедарак ўтиб кетади. Миллий турмуш тарзимизнинг аломат жиҳатини қарангки, муштирапар она, икки ўғлон марҳум аламзада бу кимсадан шунчалар шафқатсизликлар кўрган бўлсалар-да, асло ундан юз ўгирмайди, ота қилмишидан нолимайди, Аллоҳдан унинг охирати обод бўлишини тилайди. Одам табиати қизиқ экан-да, биргина аламзада катта ўғил ота гуноҳини кечирмайди, кечиролмайди. Хаста онаси дардига даво бўлар, деган умидда зовурда пайдо бўлиб қолган тилла балиқни овлаб, онаси учун қозонда қовурётганда, уни отаси арвоҳи тимсоли деган ўй билан у ҳақда кўнглида йиғилиб ётган дард-аламларини тўкиб солади. Мунаққид ўз мақоласида Катта аканинг айнан шу аламли сўзларини келтиради-да, уни биз учун “бегона”, “ботил эътиқод”, “ғарбга тақлид”, “ғайриҳаққоний”, “фрейдизм афсунларига маҳлиёлик” деган кескин хулосаларга келади. Бугина эмас, фикрини давом эттириб, янада кескинлаштириб “Ғарб маънавиятини, хусусан, адабиётини емириб, бугунги руҳий инқироз чоҳига ташлаган икки маданий-фалсафий фактор ... ҳинд ва хитойнинг буддавий эътиқоди асосида таянувчи реинкарнация,... Ф. Ницше сингари сатаналогия (шайтанат илими)”, “З. Фрейднинг “Эдип комплекси” назарияси”га алоқадорликда айблашгача боради.

Сизларни билмадим-у, азизлар, камина болалик чоғларимда ҳамқишлоқларимдан оламдан ўтганлар руҳи-арвоҳи турли жонзотлар қиёфасида кўринади, деган ақидалар, эртақларни кўп эшитганман, очиги, ўша кезлари буларга чиппа-чин ишонганман. Чунончи, оламдан ўтган яқинлар арвоҳи ҳар пайшанба оқшом капалак-парвона кўринишида хонадонларга ташриф буюради, шам ёкиб Қуръон оятларини тиловат қилиб, уларнинг руҳи покларига бағишланса, таскин топиб муқим топган манзилига қайтиб кетади, деган гап-сўзлар, шунингдек, ўғай она ва ўз отаси томонидан нобуд қилинган болакай руҳи қуш қиёфасида келиб, қотиллардан ўч олиши ҳақида эртақлар эшитганим ҳамон ёдимда. Қолаеверса, болаликда кўлдан қўймай ўқиганимиз жаҳонга машхур “Шум бола” қиссасида арвоҳлар руҳи



покининг хонадонга келишига оид суҳбат эпизодини билмайдиган ўзбек китобхони кам бўлса керак.

Эҳтимол, Исажон ҳам бундай ақида, эртакларни болалигида эшитгандир, "Қисмат"да аламзада ўғлон тилидан билганларини қис-тириб ўтгандир... Оддийгина қишлоқ одамлари – ҳикоя персонажла-ри назаридаги ҳодиса, улар тилидан айтилган гап-сўзларга шу қадар "умумбашарий" миқёс бахш этиш, уни ўта "реакцион таълимот"ларга олиб бориб тақаш, унга сиёсий тус бериш қандай бўларкин?! Боз устига, ҳикоядаги воқеалар диний-исломий қадриятлар топталган, шу тариқа хурوفот учун кенг йўл очилган бир мудҳиш замонда юз берганини ҳам унутмайлик.

У ёғини суриштирадиган бўлсангиз, ота билан бола, умуман, бир-бирига яқин одамлар орасидаги шу хил кўнгилсиз ҳолатлар фақат ғарбга хос ҳодиса эмас. Аслида, бу Одам ота замонидан бери барча халқлар тарихида, ҳаётида учраб турадиган ҳолдир. Қон-дош-жондош яқинлар – ота-бола Хоразмшоҳ билан Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек билан Абдуллатиф, Гавҳаршодбегим билан Абусаид, Хусайн Байқаро билан Мўмин Мирзо, бобурийзода ака-ука Хумоюн билан Камрон, ота-ўғил Амир Умархон билан Мадалихон ораларида бўлиб ўтган мудҳиш ҳодисалар олдида соддадил, алам-зада ўғлон билан бешафқат ота орасидаги можаро, ўзи эмас, она-си, укаларининг ҳимояси йўлида аламдан айтган "одоб доирасига сиғмайдиган" гапларидан шундай кескин ҳулосалар чиқариш, ҳикоя муаллифи бошига маломатлар ёғдириш, ғоявий-сиёсий қабохатлар гирдобига кириб қолишда айблаш ўринли бўлармикан?! Юқорида тилга олинган тарихий шахслар орасидаги можаролар ҳақида, жум-ладан, Абдулла Қодирий роман ёзишга чоғланган, Ойбек, Шайхзода, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Самандар, Омон Матжон, Хуршид Даврон каби адибларимиз эса бири биридан қолишмайдиган етук асарлар яратган. Адабиётимизда муайян анъана тусини олган миллат тарихининг ана шундай маломатли лавҳалари ифодаси аччиқ тарихий сабоқ сифатида сизу бизни ҳушёр торттиради. Машъум мустабид муҳит гирдобиде жаҳолатда қолган жабрдийда шахслар – асар персонажлари тасаввурида кечган ҳодисаларни муаллиф амал қилган ақидага тенглаштириш илм-фан одобидан эмас, ахир...

Маълум бўляптики, "Қисмат" Ғарбга эмас, миллий адабиётимиздаги айни шу анъана – адабий мактабга дахлдор асар – янада бе-рироқ келадиган бўлсак, у мавзу-моҳияти жиҳатидан мустабид тузум шафқатсизликлари оқибати ўлароқ бир-бирига яқин одамлар орасида юз берган юзсизлик, сотқинлик офатлари бор кескинлиги билан кўр-сатилган Абдулла Қаҳҳорнинг "Зилзила", Саид Аҳмаднинг "Сароб",



Асқад Мухторнинг “Фано ва баҳо”, Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ”, Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам”, “Шамолни тутиб бўлмайд” каби қисса ва ҳикояларига ҳамоҳангдир. Ҳикоянинг маъно-мундарижаси, асосий пафоси унинг илк наشريга эпиграф қилиб олинган “Отага чўп отсанг, кун ўтиб бир кун, фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин...” деган ҳикматда ёрқин ифодасини топган. Айни пайтда “Қисмат” ифода тарзи жиҳатидан ҳозирги ҳикоячилигимизда чин янгиликдир. Асарда персонажлар қисматига оид ҳодиса-воқеаларнинг, муаллиф ўзини четга олган ҳолда, бевосита персонаж тилидан, улар нигоҳи орқали ифода этилиши, кескин, драматик ҳолатларнинг бир-икки штрих орқали берилиши, ўта реал ҳаётий лавҳа, ҳаттоки натуралистик тафсилотлар билан тушда кечган ёхуд ўнгда ҳаёлий, метамарфозалар, яъни персонажлар тасаввурида бир жонзотнинг бошқа бир жонзот қиёфасида намоён бўлиши – булар асарга ўзига хос полифоник хусусият бахш этади, ўқувчини ғаройиб бир қоришиқ муҳит ичига олиб қиради. Мана шу қоришиқ муҳитда ўқувчи бир оз довдираб қолиши, ҳар хил ҳаёлларга бориши, ўзича бирёқлама хулосалар чиқариши ҳам мумкин. Асарни синчиклаб ўқиб, вазминлик билан мушоҳада юритилса, унда ёт оқимларга хос ҳеч қанақа шубҳали жиҳатлар йўқ эканига, асар мазмун-моҳиятига эътиборан миллий анъаналаримиз, қадриятларимизга хос йўналишда яратилганига тўла иқрор бўлади. Хуллас, “Хос калом хосияти”да қўйилган иддиолар асоссиз, мазкур ҳикоя бош пафоси мафкуравий-синфий ёндашув асосида одамларни, яқин кишиларни, ҳатто бир оила аъзоларини бир-бирига рақиб этиб қўйган мустабид тузум башарасини ўзига хос бетакрор тарзда моҳирона кўрсатиб берганлиги билан қимматлидир.

“Қисмат” ҳикояси баҳси хусусида батафсилроқ тўхталишим боиси шундаки, яқин ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам жаҳон адабиётининг илғор ижодий тамойилларига алоқадор ҳодисалар, уларнинг кам-кўстлари устиде сўз борганда осойишта, ишонарли таҳлил, илмий далиллар билан сўзлаш ўрнига қилични яланғочлаб жангарилик қилиш ҳоллари бизга панд берапти. Ҳатто Раҳмон Қўчқорнинг оқилона мулоҳазаларга бой чиқишида ҳам қисман шу ҳол сезилади. Ижодий изланишлар хусусидаги аниқ далил-исбот, таҳлиллар ўрнига қаламкашлар шаънига умумий тарзда маломатлар, киноя-кесатиклар ёғдириш билан чекланади.

Мана энди Назар Эшонқул ўртага ташлаган “адабий авлодни ёшига қараб эмас, асарларининг мазмуни, услуби, концепциясига қараб белгилаш” мақбул йўл экани хусусидаги мулоҳазаларга ўтсам бўлар.

Истиқлолни 60, 70 ёшида қаршилаган адиб ва устоз мунаққидларнинг тафаккур тарзи – ижодий, илмий ақидаларидаги эврилишларни эспайлик. Устоз Саид Аҳмаднинг “Умрим баёни”, Озод Шарафидди-

новнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” деб номланган ҳасби ҳол, иқрорнома тарзидаги бадиалари – бири бирига тенгдош адилблар, иккинчиси эса замондош мунаққид-адабиётшуносларнинг ўзига хос ҳасби ҳолидир. (Мақтанишга йўйманг, азизлар: каминанинг “Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари” бадиаси ҳам айна шу руҳда битилган.) Бу икки тарихий ҳужжат шунчаки шўро давридаги йўл қўйилган чалғишлар, хатолар учун муаллифларнинг мардона тазарруси, изоҳнома, иқрорномасигина эмас, балки забардаст, жасур ижодкор билан мунаққиднинг янги босқичдаги ижодий манифести каби янграйди. Бу икки ҳужжат остига ҳолис ниятли барча тенгдош – сафдошлари имзо чекиши мумкин. Саид Аҳмаднинг истиқлол йилларида бирин-кетин чоп этилган бошдан-оёқ янги давр нафаси уфуриб турган, истиқлол ғоялари билан йўғрилган “Йўқотганларим ва топганларим”, “Қорақўз Мажнун”, “Киприкда қолган тонг”, Озод Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти”, “Довондаги ўйлар” китоблари ҳар жиҳатдан “Янги авлод овози”га ҳамоҳангдир. Бу икки сиймонинг ўнлаб истеъдодли сафдошлари, издошлари, шогирдлари фаолиятида ҳам шу ҳолни кузатишимиз мумкин.

Баҳром айтган адабий мактаблар масаласига келсак, шеъриятдаги “парфизм” билан бир қаторда миллий адабиётимиз тараққиётида ёрқни из қолдирган, истиқлол йилларида янада ёрқинроқ намоён бўлган яна қатор адабий мактабларимиз бор. Бу ҳусусда Исломжон Ёқубов жавобларидаги мулоҳазаларни янада кенгайтириб, уларга қуйидагиларни илова қилиб ўтишни истар эдим.

Адабий жараён ғаройиб қудратли ҳодиса. Агар табиатан чин инсоний, олижаноб, ҳаётбахш руҳ билан йўғрилган бўлса, бундай ҳаётбахш тамойиллар ҳар қандай шароитда таъқибу таъйиқларга қарамай, у миллий заминда илдиз отиб яшайверади. Чўлпону Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжонлардан улгу олган, кейинги ярм аср давомида бақамти ёнма-ён қад ростлаб, мудом миллат кайфияти, руҳияти, орзу-интилишлари қуйчиси сифатида байроқни қўлда тутиб келаётган **Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов** атрофида уюшган қалам аҳлининг қўшалок ижодий мактаблари миллий шеъриятимизнинг улкан бойлигидир. Ҳ.Олимжон билан Миртемирлар асос солган **халқона шеърий йўналиш аъёналарини** давом эттирган Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзолар мансуб мактаб аллақачон эл оғзига тушган. Яна ўша машъум замонда не-не тўсиғу таҳдидларга қарамай буюк тарихий сиймоларимиз ҳаётига бағишланган биографик асарлар яратишга журъат этган Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим, Жавҳад Илёсов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Х.Тўхтабоевлар аъёнаси, янги босқичда уни давом эттирган Муҳаммад Али, Нурали Қобул, Асад Дилмурод, Наби Жалолоддин,



Саъдулла Сиёевлар тажрибаси ҳар жиҳатдан эътирофга сазовор. Фақат миллат эмас, жаҳон тарихида ўз замондошларига кўра энг юксак ғоялар – адолат ва маърифатга асосланган улуғ салтанат бунёдкори Амир Темури ҳақида қатор муносиб асарлар, жумладан, Муҳаммад Алининг тетралогияси яратилди. Энг муҳими, айтиш мумкин, тетралогия бизда ўзига хос барқарор **адабий-бадий биографик мактаб** мавжудлигини яна бир қарра тасдиқлади. Ярим аср давомида чин ўзбек аёлига хос садоқат ва матонат тимсоли сифатида тан олинган, овози неча бор жаҳон минбарларида янграган, умри поёнида – бақо бўсағасида битган “Хотирам синиқлари” достони орқали босиб ўтган умр ва ижод йўлига мардона якун ясаган, қатағонлар дояси – мустабид тузум ҳақидаги шафқатсиз хулосани ва қалб тубида асраб юрган эзгу орзуси – Истиқлол хусусидаги дил сўзларини айтишга улгурган Зулфия опа миз асос солган **янги ўзбек шоирлари мактаби** ҳақида фахр-ифтихор билан сўз юритиш мумкин. Саида Зуннунова қисса ва ҳикоялари орқали жамолини-кўркини намоён этган **ўзбек миллий аёл насри** Шаҳодат Исахонова, Дилбар Саидова, хусусан, Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова ҳикоя, қисса, романлари орқали ўз мавқеини мустаҳкамлаётир.

Ниҳоят, яна бир ибратли факт – жаҳон **болалар адабиёти** намуналари билан бўйлаша оладиган ёши улуғроқ Худойберди Тўхтабоев, Тоҳир Малик роман, қиссалари, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон шеърини моҳиятан “янги авлод овози”га ҳамоҳанг экани билан қимматлидир.

Яна қанчадан-қанча шу хил адабий-ижодий мактабларимиз бор. “Янги авлод овози” гурунги фақат миллий адабиётимизнинг ҳозирги авлоди, истиқлол йилларида майдонга чиққан ижодкорлар эмас, юз йиллик адабиётимизда чуқур из қолдирган адабий авлодлар, ўнлаб ижодий мактаблар, шу заминда юзага келган ҳаётбахш адабий тамойил – анъаналар ҳақида ўйлашга ундайди, янги ўзбек адабиётининг кенг қўламли фундаментал тарихини яратиш зарурлигини тақозо этади. Истиқлолимиз чорак асрлик ёшига яқинлашиб борапти, ўтган аср поёнида устоз Озод ака ва камина тузган ўқув дастури асосида “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” чоп этилган эди, сўнг проф. Б. Қосимов бошчилигида янги ўзбек адабиётининг илк босқичи ҳақида “Миллий уйғониш даври адабиёти тарихи” дарслиги ҳам яратилди. Афсуски, Тил ва адабиёт институтида бир неча йиллар давомида тайёрланган кўп жилдлик “XX аср янги ўзбек адабиёти тарихи”дан ҳамон дарак йўқ. Ҳолбуки, кўшни мамлакатларда, жумладан, Россияда XX аср адабиёти тарихига оид кўплаб ўқув қўлланмалари, махсус тадқиқотлар пайдо бўлди, уларнинг аксарияти янгича йўлда би-

тилган, адабий жараён жамики қирралари билан кўрсатилган, жумладан, адабий оқим, мактаблар тавсифига кенг ўрин берилган. Улар билан бўйлашадиган, улардан асло қолишмайдиган ижодий тажрибаларга бой, кўпқиррали янги ўзбек адабиёти тарихининг тубдан **янгича фундаментал тадқиқотини** яратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканига мазкур адабий гурунг чоғи яна бир қарра иқдор бўлди. Адабий авлод, мактаблар хусусидаги айрим чалғишлар, асосан, шундай фундаментал тадқиқотларнинг йўқлиги оқибатидир.

"Бугунги ўзбек адабий танқиди мавжуд ҳақиқатни қай даражада ўзида акс эттирмоқда" деган саволга деярли барча гурунг қатнашчилари жавобларида мавжуд ҳолатдан қониқмаслик кайфияти ошқор бўлди; фақат ижодкорлар эмас, мунаққидлар, жумладан, камина ҳам шундай фикрдаман. Бунинг бир неча сабаблари бор. **Биринчидан**, ҳозир мунаққид учун адабий жараёни тўлалигича кузатиб бориш мушкул юмуш бўлиб қолди. Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, 60 ёшга қадар салкам 40 йиллик фаолиятим давомида миллий адабиётимизда пайдо бўлган жамики янги асарларни ўқиб, кузатиб борганман, русча чиққан, оғизга тушган рус ҳамда жаҳон адабиёти, адабиётшунослиги асарлари билан мунтазам танишиб турардим. Ҳозир жаҳон адабиётини кўя турунг, ўзимизда матбуот саҳифаларида, Интернет сайтларида эълон этилаётган, юзлаб нашриётларда чиқаётган сон-саноқсиз асарларнинг ярмини ҳам топишга, ўқишга улгуролмайман. "Танқид – сараламоқдир", деймиз, ҳаммасини ўқимай туриб қандай қилиб саралайсиз...

Иккинчидан, бугунги куннинг мунаққиди ўз доираси, фақат адабиёт дунёси билангина чекланиб қолса, узоққа боролмайди; бугунги адабий жараён тараққиёти замонавий театр, кино, телевидение, телесериал, интернет, тасвирий санъат, мусиқа олами уммонидан улар билан ёндош, ҳамнафас, ҳамкорликда бирга кечмоқда. Гапнинг очиги, бир-икки мунаққидни, аниқроғи, Шухрат Ризаевни мустасно этганда, сўз санъати билан баробар театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа тилини теран англайдиган, у ҳақида ёзишга қодир адабий танқидчи борми ҳозир бизда?!

Мени яна бир ҳол ташвишга солади. Марҳум академик Тўрабек Долимов Миллий университетга раҳбарлик қилган кезлари устоз Озод Шарафиддинов билан бамаслаҳат ЎзМУ филология факультетида айни шу адабиётшунос-санъатшунослик ихтисослиги бўйича махсус бўлим ва кафедра ташкил этилган эди. Миллий маданиятимиз, адабиётшунослигимизнинг ҳозирги куни, келажагини ўйлаб барпо этилган мана шу мўътабар хилқат ҳозир тугатилиш арафасида...

Адабиёт назарияси, миллий адабиёт тарихи бўйича етук кадрлар, шунингдек, журналистлар етиштириш тизими шаклланган; ло-



ақал биргина Миллий университет филология факультетида замон зайлига мос миллий адабий танқидчилар тайёрлайдиган махсус гуруҳ, қолаверса, устоз Озод Шарафидднов орзу қилган **адабий танқидчилик кафедраси** ташкил этилса, айти муддао бўларди.

Ниҳоят, гурунг чоғи ўртага ташланган ҳар хил “изм”ларга, “ўйин”ларга ортиқча берилиб, инсоннинг катта ҳарфлар билан ёзиладиган ДАРДидан ўзоқлашиб кетмаяпмизми, деган иддио устида тўхталиб ўтсам. Бунинг ёнига ДАРДнинг ўзи тақозо этадиган яна бир бош ҳарфлар билан ёзилиши шарт бўлган **ИЛҲОМ**ни ҳам қўшган бўлардим.

Кейинги йилларда биз мунаққидлар бадиий ижоддаги янгича таъмоиллар, ифода усулларининг хилма-хиллиги, ҳар хил “изм”лар, адабиётшуносликка оид янги таҳлил-тадқиқот методлари устида кўп гапирыпмиз; структурал, постструктурал методлар асосида асарларни таҳлил этишга уринишлар бўляпти. Бундай ташаббуслар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лойиқ. Бироқ шу жараёнда бадиий шакл, асар структураси, поэтикаси, ифода тарзи, усулларининг ўзига хослиги, бетакоррлиги ҳали асар тақдирини белгиловчи ягона узил-кесил омил эмаслигини кўпинча унутиб қўяётимиз. Қандай усул, услуб, шаклда бўлишидан қатъи назар ёзувчи-шоирни қалам олишга ундаган, унга тинчлик бермаган, қалбини ўртаган чўғ – чинакам ички бир **дард**, мунаққидни ҳаяжонга солган беҳиёс руҳий ҳолат – **илҳом** ҳақида гапириш “мода”дан қолгандай туюлади менга. Ҳолбуки, кейинги юз йилликда ўзимизда яратилган “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Қўтлуғ қон”, “Уфқ”, “Улуғбек хазинаси”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Тушда кечган умрлар”, “Отамдан қолган далалар”, “Мувозанат”, “Гўрўғли”каби романлар шакл-шамойилидан қатъи назар, аввало, уларни ичдан ёритиб турган ўша ёлқин – айти теран ижтимоий дард ва бемисл илҳом экани билан китобхонлар қалбидан, бинобарин, адабиётимиз тарихидан муқим ўрин олганлигига ҳеч ким эътироз билдирилмайдиган. Фақат романчилик эмас, ҳикоя, қисса, лирик шеърят, дoston, драматургиядан ҳам бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар қаршисида “янги”ликка даъво қилинган, “янги”лик қолипларига солиб ясалган ҳиссиёт, дардсиз, сунъий битикларнинг асл башараси шундоқ кўринади-қолади.

Қисқаси, муайян кам-кўстларига қарамай “Янги авлод овози” гурунги ҳам ижод аҳлини, ҳам мунаққид – адабиётшуносларни бир қадар ҳушёр торттиради, бу ташаббус истиқлолдан руҳ олиб янги босқичга кўтарилган, янада кенгроқ миқёсларга шайланаётган миллий адабиётимизнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси хусусида жиддий ўйлашга ундаши билан Сизу биз учун қимматлидир.

2013 йил октябр

АСЛ ИЖОДНИ АНГЛАШ БАХТИ

“Шарқ юлдузи” журналининг ўтган 2013 йилги сонларида “Янги авлод овози”, бу йил эса “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи) мавзuida давом этган баҳс кенг адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Кузатишлар шундай далолат бераётирки, китобхонлар журналнинг галдаги ҳар бир янги сонини қўлга олганда айна шу рукндаги бир-биридан жўшқин хилма-хил талқинлар билан йўғрилган мақолаларни ўқишдан бошлаётганларини кўриб, адабий танқидчилигимизда янги бир жонланиш, ўзгача тамойиллар юз бераётганидан огоҳ бўлиб, чин дилдан қувонасан киши. Энг муҳими, ҳар икки баҳс ҳам шунчаки галдаги бир адабий-танқидий тортишув эмас, балки миллий адабий жараён, бадиий тафаккурда кечаётган янгича тамойиллар, улар билан боғлиқ муаммолар, ечимини кутаётган жумбоқлар устида кетаётир. Бу борада бир вақтлар бўлганидек “коса тагида нимкоса” қидириш, бор гапни дангал айтишдан чўчиб, айланма йўллар қидириш, муросаю мадора усулини тутиш йўқ, чинакам ошкоралик, кўнгилда борини тўкиб солиш тажрибаси қарор топмоқда.

Каминани қувонтирадиган яна бир жиҳат: қизгин баҳс-мунозаралар чоғида бир вақтлар бўлганидай мунаққидлар бир тараф-у, ижодкор – ёзувчи-шоирлар иккинчи тараф бўлиб, бир-бирларига тош отиш удумидан бу гал асар ҳам йўқ. Ҳар икки тарафнинг адабий-танқидий савия-даражасидаги, эътиқод, маслак, мақсад йўлидаги муштараклик кишини қувонтиради. Яна бир ижобий ҳол: мазкур баҳслар, шунингдек, ёзувчи-ю мунаққидларнинг аксар адабий-танқидий чиқишлари биз аллақачон “кўпмиллатли совет адабиёти” доирасидан чиқиб, илғор жаҳон адабий тафаккури оқимиға тушиб олганлигимизни кўрсатаётир, ҳар иккала баҳс руҳи ва матуботдаги қатор мақола, тадқиқотлар ҳам буни яна бир қарра тасдиқлаётир. Сўнги йилларда жаҳон модерн адабиётининг кўплаб баҳс-мунозараларга асос бўлган иккита ноёб намунаси – Ж. Жойснинг “Улисс” ва Сэмюэл Беккетнинг “Годони кутиш” асарлари она тилимизга моҳирона ўғирилди. “Годони кутиш” таржимаси сўнгида Назар Эшонкулнинг мазкур пьеса ҳақидаги “Ўзини ўрганаётган одам” сарлавҳали теран мазмундор мақоласи илова қилинган. Гапнинг очиги, шу пайтга қадар мазкур асар ҳақида рус тилида чиққан кўплаб мақолалар билан танишганман, аммо ушбу мақола мутолааси чоғи бу нодир асарнинг асл моҳиятини англаб етгандай бўлдим. Аминманки, фан доктори Жаббор “Годони кутиш” таржимаси чоғида у ҳақидаги кўплаб илмий тадқиқотлар билан танишган, бу ўта мураккаб, ноанъанавий асар моҳияти хусусида кўпдан бери модерн адабиёт дунёси ичида



яшаб, қалам тебратиб келаётган мохир адиб Назар Эшонкул билан жиддий баҳс-мулоқотлар олиб боргани аён ҳақиқат. Мазкур таржима шунчаки пьесанинг сўзма-сўз таржимаси эмас, бу ноёб беназир асар моҳияти устидаги узоқ давом этган изланиш, суриштирув, илмий тадқиқотларнинг ҳам ҳосилидир. Яқин ўтмиш тарихидан маълумки, шўро замонида "Улисс"га нисбатан тақиқ, таҳдид, жоҳилона ҳақоратлар ўтган аср охирига қадар давом этди, асарнинг янги таржимаси "Иностранная литература"да тўла ҳолда эълон этилгандан кейин ҳам унинг теварагида баҳс-мунозаралар тўхтагани йўқ, аммо энди уни қораловчилар билан бирга ҳимоя қилувчилар овози ҳам баралла янграй бошлади. Шуниси қувонарлики, 90-йиллар бошларида истиқлол шарофати билан она тилимизда "Улисс" ҳақида жиддий тадқиқот пайдо бўлди, таниқли адабиётшунос С.Мамажонов раҳбарлигида инглиз тили ва адабиёти билимдони ёзувчи Тиловалди Жўраев мазкур роман бўйича номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди, мавзуга оид роман маъно-мундарижаси ҳақида ёрқин тасаввур берувчи тадқиқот ўзбек тилида рисола ҳолида чоп этилди. Афсус, шундан кейин ҳам "Улисс" ва унинг муаллифи устидаги баҳс-мунозара тўхтагани йўқ; ниҳоят, мохир таржимон Иброҳим Ғафуров таржимасидан кейин, қолаверса, ҳозирда фанда жаҳон адабиётида "Улисс"нинг юзлаб издошлари борлиги эътироф этилган бир пайтда ҳам қатор ижобий руҳдаги чиқишлар билан баробар, "Улисс" ва унинг муаллифи шаънига маломатлар ёғдириш давом этмоқда.

Ғарбу шарқ адабиёти тарихи билимдони устоз ёзувчи, адабиётшунос Маҳкам Маҳмудовнинг мазкур мунозара чоғида "Улисс" билан "Одиссея" орасидаги муштараклик хусусида айтилган айрим мулоҳазаларга кескин эътирозларини ўқиб ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир, бундан йигирма йил бурун чоп этилган Тиловалдининг рисоласида "Одиссея" билан "Улисс" структураси бобма-боб қиёсий таҳлил этилиб, улкан адиб анъанавий заминда туриб буюк кашфиёт қилгани, "Улисс" қаҳрамонлари "Одиссея" қаҳрамонларидан фарқли ўларок, замондошларининг амалиётда эмас, руҳий оламидаги ғаройиб саргузашти силсилалари ўқувчини лол қолдирадиган тарзда бутун тафсилотлари билан таҳлил ва тадқиқ этилганлиги илмий кашф этиб берилган эди-ку. Гапнинг очиги, мен илк бор Ж.Жойснинг шу хил беқиёс бадиий кашфиётларини, "Одиссея" билан "Улисс" орасидаги муштаралик ва фарқли жиҳатларни Тиловалдининг ўша рисоласи орқали англаб етганман. Орадан шунча йиллар ўтиб, Маҳкамжон қаламига мансуб мана бу танқидий мулоҳазаларни ўқиб ёқа ушлаб қоласан киши:

"Гомер "Одиссея"сида баъзи хаёлот манзаралари фонида жасур инсоннинг ҳақиқий саргузашлари, кутилмаган фалокат, офатларни

енгиб ўтган, табиат қудрати, ҳатто самовий қудрат билан баҳслашган, ақл қуввати билан киклоп-девни ҳам доғда қолдирган етук қаҳрамон фаолияти мантиқан асосли, табиий реалистик тасвирланган бўлса, Жойснинг уч қаҳрамони Леопольд Блум, Стивен Дедалус, Молли ҳеч қазерга бормагани ҳолда, беш юз саҳифа давомида тинимсиз гап сотадилар, сўкинадилар, ҳеч қандай фалокатга учрамайдилар ҳам. Одиссейнинг долғали уммон ва денгизу оролларда оламнинг ярмини кезиб чиқишини Жойс қаҳрамонларининг у хонадан бу хонага ўтиши, Дублин шаҳрининг бир неча кўчасини айланиб кезишига қиёслаб бўладими? Асло! Дублин кўчаларида кезиш қаёқдаю, Ўрта Ер, Эгей денгизлари, Баҳри муҳитда долғали тўлқинларда сузиш қаёқда? ("Шарқ юлдузи", 2014, 3-сон, 164-бет).

Маҳкамжон бу гаплар билан чекланиб қолмай ўнлаб, юзлаб тадқиқотчиларнинг янгича фикр-қарашларига зид ўлароқ мана бу гапларни ёзади: "Аслида эса, чиндан ҳам цитаталар тўпламига ўхшаш бу салмоқли ва қуроқ-ямоқли асарни "Одиссея"га ўхшатишни мен Гомернинг ҳам, унинг асарини ҳам ҳақоратлаш, деб биламан. Жойснинг "Улисс" романидан "Одиссея"га ўхшашликни излаш тиканзорда сайроқи булбулу, анвойи гулларни излашдай гап" (164-бет).

Мана шундай ўта кескин, ҳақоратомуз, нописандлик билан айтилган-битилган даъволарга "Улисс" таржимони баҳс муносабати билан битилган мақоласида ўта босиқлик, одоб-андиша, муҳими, билимдонлик билан жавоб қайтаради. Хабарим бор, "Улисс" таржимаси устида Иброҳимжон ўн йилдан ортиқ тер тўқди, аниқроқ айтиладиган бўлса, таржима жараёнида бутун бошли илмий тадқиқот ишлари олиб борди, асарнинг дунёга келиш тарихи, қўлёзма нусхалари, асар атрофидаги баҳс-мунозаралар, жаҳон тилларига қилинган таржималар тажрибаси билан батафсил танишди. "Кейинги юз йилликда пайдо бўлган шоҳ асарлар орасида "Улисс"дек мислсиз бало-қазоларга дучор бўлган, қарама-қарши баҳс-мунозараларга асос берган бошқа бир асарни билмайман, – деган эди, у бир маҳал. – Ким нима деса, деяверсин, XX асрда иккита шоҳ асар яратилган бўлса, биттаси шу "Улисс"... Яна шуни ҳам илова қилишни истардим, шу пайтга қадар қилган таржималарим заҳмати тарозининг бир палласига, "Улисс" устидаги меҳнат-машаққатлар юки эса иккинчи палласига қўйилса, иккинчиси босиб кетиши турган гап..."

Ўн йил "Улисс" оламида яшаган одамнинг "Улисс" пала-партиш ёзилган", деган мунаққид даъвосига берган жавоби оддий ва мардона: "Улисс"да ҳеч қандай пала-партишлик, чалкашлик йўқ. Бу романда ҳар бир сўз, ибора, ифода, бадиий фигуранинг ўз мақсадга йўналтирилган вазифаси, ўрни, таъсир доираси, бажарадиган эсте-



тик маънолари беназир заргарона адо этилган". Бу биринчи раддия. Иккинчиси эса мана бундай: "Одиссея"га мутобиқан унинг қўшиқларида акс этган мифологик воқеа-ҳодисаларга жўр ва маънодош бўлишни бадиий ният қилган. Асарни ёзаётганда бобларни шундай нисбий номлар билан атаган. Асар битганда улардан воз кечган..." Учинчи жиҳат: "Жойс инсон кечинмалари, ўй-хаёллари, кўзи билан кўриши, қўлоғи билан эшитиши, нафас олиши, ранг-баранг ҳиссиётларини, ташқи олам, вазият тасвирларини бир вақт бирлиги ичига сиғдирган, айни тасвирланаётган дамда булар бари қандай кечса ва бу вақт ичида ички ва ташқи оламда қанчалар одми, жўн ҳолатлар, ҳайратомуз ҳаракатлар юз берса, ҳаммасини шу муайян вақт бирлиги, макон ва ҳолат бирлигида тасвирда гавдалантиришни ният қилган ва фавқуллоҳда амалга оширишнинг илоҳи йўқдай кўринган бадиий натижаларга эришган." Бундан ҳам муҳими, "Психика, руҳий жараёнларнинг бениҳоя мураккаб ҳодисаларини сўз билан ифода-далаш феноменини яратган ва усули қудрат кашф этган. Буларни замондош адиблар ва тадқиқотчилар "монтаж усули", "онг оқими" деганга ўхшаш тушунчалар билан атаганлар". Таржимон ижодий изланишлар жараёнида ўзича кашф этган яна бир муҳим жиҳат шуки, "романда воқеалар бадиий фаросат билан қўрилган жуда назик бадиий ассоциацияларда халқа-халқа ўзаро боғланиб боради. Замонлар Блум, Стивен, Молли сингари қаҳрамонлар ҳаёлида қуюн каби олис тарихларга, олис тарихлар эса Ирландия миллий озодлик ҳаракатининг жуда мураккаб қоллизияларига тинимсиз уланиб туради. Леополд Блум Одиссей эмас. Жойс янги замон Одиссеи қандай қиёфага кирганлигини, унинг саргузаштлари энди нимфалару турли асотирий ҳодисалар ичида эмас, XX асрнинг миллий озодлик курашлари, оддий одамнинг оддий кундалик ташвишлари, оғриқлари, аламлари, умид-умидсизликлари, ҳаётдан, қисматдан тинмай маъно қидиришда кечаётганида кўрсатади. Стивен ҳам Ҳамлет эмас. Аммо ҳамлетчилик уни қанчалар ўртаётгани ҳар дамда сезилади".

Ниҳоят, мунаққид-таржимон шундай хулосага келади: "Жойс ғалати фикрловчи интеллектуал одамлар қиёфаларини кашф этади. Блум ва Стивеннинг чексиз кечинмаларида ахборий мажозлар силсиласи оқиб ётади. Авангардга паст назар билан боқувчилар ва осонгина тушунолмадик, деб юрувчилар ўзлари билмаган ҳолда замондан орқада қолиб кетадилар". Ниҳоят, хулосаларнинг хулосаси, ундан келиб чиқадиган бош сабоқ мана бу:

"Эски классик мезонлар изидан янги эстетик мезонлар санъатга кириб келганлиги, янги санъат дунёсини бино қилаётганидан беҳабар қоладилар. Адабиётчи учун орқада қолиш хайрли бўлолмайди".



Биз истаймизми, йўқми Жойс, Беккет ва уларнинг жаҳон адабиётидаги юзлаб сафдош-издошлари тажрибалари аллақачон миллий адабиётимизга ўзига хос кўринишда, турли-туман шаклларда кириб келган, улар ўзгача миллий қиёфада намоён бўлаётир. Иброҳимжон шулардан бир нечасини, чунончи, "Қичқирик", "Катта кўча", "Бепоеён осмон" каби ҳикояларда, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон қисса ва ромаларида янгича кўринишларда намоён бўлаётганини катта қувонч билан эслатиб ўтади. Афсуски, кейинги чорак аср давомида адабиётимизда, аниқроғи, шеърият ва насрда модерн йўналишдаги жараёнлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари бор ҳолича кенг кўламда теран илмий таҳлил этилгани йўқ; баҳслар чоғи ўта бирёқлама кетиш, ҳар қандай модерн кўринишларини миллий адабиётимиз учун бегона, ёт ҳодиса атаб қоралаш, инкор этиш ёки, аксинча, бу йўлдаги изланишларда йўл қўйилган кам-қўстлардан кўз юмиб, ҳар боб билан бу йўлни ҳимоя қилиш жараёни ҳамон давом этмоқда. Ҳимоя, оқлов ҳам, танқид, қоралов ҳам теран илмий таҳлил, ишончли далил-исботларга асослансагина қадр топади. Биргина мисол. Йўлдош Солижоновнинг "Гўрўғли" романи қахрамони номи унинг бош ҳарф билан аталиши, мавҳумот гирдобда қолган шахснинг нажот излаб, сар сари кезиши жиҳатидан Кафка асарини эслатишини далил қилиб, асарни "Жараён"га тақлид дея чиқарган хулосасига тўла қўшилиб бўлмайди. Ҳар икки асарда муайян муштаракликлар мавжуд эса-да, ҳар икки асарда акс этган давр, воқеа-ҳодисалар моҳияти, персонажлар қисмати, ифода тарзи, оҳанги ўзгача-ку! Шу ўринда беихтиёр "Ўткан кунлар"га оид Сотти Ҳусайн билан муаллиф орасида бўлиб ўтган баҳс чоғидаги бир ҳолат ёдга тушади. Мунаққид "Ўткан кунлар"га оид рисоласида романнинг "анча ери Жўржи Зайдоннинг "Армануса", "Ўн еттинчи рамазон" романларига ўхшаб кетишини танқид қилади. Аммо мунаққид бу хусусда аниқ далил келтириш ўрнига мужмал гаплар айтиш билан чекланади. Қодирий мунаққид даъволарини рад этар экан **"оқилон пайрави нуқат накунад"** (оқиллар нуқтага аҳамият қилмайдилар) деган форсий матални келтириш билан кифояланади. Назаримда, "Гўрўғли"ни тақлидда айблаш учун келитирилган далиллар етарли эмас. Бу хусусда биз ҳам устоз келтирган ўша матални эслатиш билан чекланамиз: "оқилон пайрави нуқат накунад".

Улуғбек мақоласида кўтарилган тақлид, кўчирмачилик, аналогия, таъсир, ўхшашлик, сайёр сюжет каби муаммолар орасида биргина "кўчирмачилик" (ёхуд "адабий ўғрилиқ")ни асло кечириб бўлмайди, кўчирмачилик, адабий ўғрилиқ ўз номи билан ўғрилиқ, гуноҳи азим. Бироқ тақлид, аналогия, ўхшашлик, сайёр сюжет масалаларига бир оз эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ керак.



Ўтган асрнинг 60-йиллари Миллий университетда шоир, драматург Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси муҳокамаси чоғи талабалардан бирининг асар ҳақидаги бир эътирози ва унга адиб берган жавоб сира эсимдан чиқмайди. Ўша муҳоқамада талабалардан бири трагедиянинг финал қисми схематик чиққан, асар кўплаб трагедиялар қатори бош қаҳрамоннинг ўлими билан тугайди, дея эътироз билдирди. Бу эътирозга жавобан адиб шундай деган эди: “Адабиётдаги, бадиий асардаги схематизм иллатига мен ҳам қаршиман. Бироқ борлиқ-табиат, ҳаётнинг ўзи шундай схемалар асосига қурилганки, уни ўзгартириш одам боласининг қўлидан келмайди. Масалан, кун билан туннинг, йил фаслларининг алмашуви, одамзод умри; одам боласи туғилади, Аллоҳ берган умрини яшайди, сўнг ўлади. Укажон, Одам Атодан бери давом этаётган шу “схема”-ни, қани, озгина ўзгартириб беринг-чи, мен бундай “ўзгариш”ни бажонидил асарга олиб кирган бўлардим”.

Яна бир ҳаётда юз берган сабоқ бўларли ҳодиса. Бир вақтлар “Гулистон”да чиққан “Адабий ўхшашликлар хусусида” мақолам анча шов-шувларга асос бўлган эди. Унда икки – устоз ва ва шогирд адибларимизнинг (ҳар иккиси ҳам оламдан ўтган, улар руҳини безовта қилмаслик учун исми шарифларини тилга олмадим) бир мавзудаги икки қиссаси воқелари, мавзу, муаммолари, персонажлар қисмати ҳайрон қоларли даражада бир-бирига ўхшаш эди. Мен шу хусусда анча кескин танқидий мулоҳазалар айтган эдим. Кейинчалик суриштирувлардан аён бўлдики, бир-бирига бу қадар ўхшаш воқеалар чиндан ҳам ҳаётда айнан шу тарзда юз берган экан, ҳар икки муаллиф ундан таъсирланиб, бир-бирларидан мутлақо беҳабар ҳолда бир пайтда айна шу мавзуда асар ёзганлар, улар олдинма-кейин матуботда чиққач, ҳар икки муаллиф бир-бирларининг асарлари билан танишиб, орадаги бу қадар яқинлик, ўхшашликдан огоҳ бўлиб, лол қолганлар. Каминанинг танқидий мулоҳазаларидан сўнг кўнглимга яқин ҳар икки адибимиз бу қадар ўхшашлик учун мендан узр сўрадилар, кейинчалик бу асарларини қайта нашр этмадилар... Қаранг, ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан-да...

Адабиёт дунёси шундай бепоён, беқиёс, ғаройиботларга бойки, бир мавзу, бир муаммо, бир тарихий воқеа, тарихий шахс ҳақида ўнлаб, юзлаб муаллифлар бир-бирини мутлақо такрорламайдиган оригинал асарлар ярата беришлари мумкин. Кейинги юз йилликда ўзимизда, хорижда битилган, битилаётган Амир Темур, Навоий, Бобур ҳақидаги сон-саноксиз асарларни бир кўз олдимизга келтирайлик-а. Тўғри, бадиий савия-даражаси ҳар хил, аммо уларнинг бирортаси иккинчисини деярли такрорламайди. Менимча, бугунги адабиётда



тақлид, муайян ўхшашлик, ўзаро таъсир, боринги, сайёр сюжет ҳолатлари адабиётдаги, адабий жараёндаги у қадар хавфли иллат, фожиа эмас. Кўчирмачилик, тақлид, ўхшашликка қарши ўт очиб, уни фош этиш, думини кесиш бемалол мумкин. Бироқ барча қаламкаш-ни Аллоҳ берган қобилият, савия-даражасидан юқори кўтаришнинг эса асло иложи йўқ. Ҳар ким ўз имкони доираси-даражасида ижод қилади. Буни унутмайлик, азизлар. Энг муҳими, ҳар ким ижод бобида ўз имкони, даражасига лойиқ яратган асари учун ўзига яраша баҳосини олмоғи лозим. Ўз имконияти, даражасини англаш ҳам ижодкор учун фазилат, бахт! Афсус, минг афсус, бунга эришиш, аслида адабий ҳаётдаги, жараёндаги энг мушкул жумбоқ. Адабий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан айти шу адолатнинг қай тарзда рўёбга чиқиши, чиқаётганлигига боғлиқ. Ўртача асар билан қаламкаш ўқувчини ўз ортидан эргаштира олмайди, ўртача асар билан адабий жараён ҳеч қачон олға силжимади. Беназир, бетиним изланувчи ноёб истеъдод, ёниқ илҳом, қалбларни ларзага соладиган ички дард, кишини ўй-мушоҳадаларга толдирадиган, ҳодисаларга янги томондан қарашга ундайдиган беқиёс тафаккур, янгича талқинлар, ифода усуллари билан одамларни лол қолдирадиган, уларни янги бир эзгулик оламига олиб кирадиган истеъдод соҳибигина чин ижодкор номига муносибдир. Улуғбек орзу қилган асл ижод намуналарини ана шундай чин, ноёб асл истеъдод соҳибларигина яратади. Асл ижод соҳиби эса ҳеч қачон сўнмайди, ўлмайди, муаллифи тани жонидан маҳрум бўлса-да, асарлари орқали яшайверади. Бунинг исботи учун узоққа боришга ҳожат йўқ. Шундоқ атрофимизда, қолаверса, тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётибди.

Р. Бартнинг "Муаллиф ўлими" мақоласи теварагида салкам ярим асрдан бери давом этаётган қизгин баҳсларга муносабат тарзида унинг бугунги миллий адабиётимиздаги асоратларига оид қизгин мунозаралардан, очиги, умидимиз катта эди. Афсус, Улуғбек, Зухридин, Маҳкамжон, Иброҳимжон чиқишларида ўртага ташланган нозик кузатиш, ўткир ҳаётий, илмий-адабий муаммо-жумбоқлар бу ёқда қолиб, гап-сўз оқими адабиётшуносликдаги, адабий таълим, илмий даража олиш жабҳасидаги қаллобликлар, жиноий ҳаракатлар, айти шу хил қилмиш-қидирмишлар оқибати ўлароқ "илмий тадқиқотлардаги муаллифнинг ўлими" томон бурилиб кетди.

Баҳс бошидаёқ Зухридин Исомиддинов келтирган таълим, фан, илмий даража учун ёзиладиган диссертациялар билан боғлиқ ўта ошкора беҳаёларча тамагирлик, қаллобликка оид далил-исбот, ҳа-



ётий лавҳалар тавсифини ўқиб, рости ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Наҳотки, бир азамат толиби илм Зухриддиндек талабчан, ҳақиқат-гўй таниқли олим, масъул лавозимларда хизмат қиладиган обрўли сиймо ҳузурига келиб, уялмай-нетмай "диссертация яшаш" хусусида ошкора арзи-додини тўкиб солса?! Ётиги билан изҳор этилган рад жавобидан сўнг ҳам таниқли олимнинг изидан қолмай, ялтоқликни давом эттираверса, фаннинг бир даражасига эришиб, энди иккинчи поғонасига қўтарилиш пайига тушиб, яна ўша ялтоқликни давом эттираверса... Наҳотки, шундай шармандали жиноий ҳаракатга кескин раддия билдириш чораси топилмаса?!

Азизлар, очиғини айтай, мен ярим аср Миллий университет даргоҳида доцент, профессор, 26 йил кафедра мудирини лавозимларида, чорак асрдан мўлроқ филология бўйича илмий даража берадиган кенгаш аъзоси сифатида хизмат қилиб, бирор марта ҳам бунақан-ги ошкора шармандали ҳодисага дуч келган эмасман. Шу йиллар давомида 20дан ортиқ фан номзоди, докторлиги илмий даражаси устида иш олиб борган шогирдларга раҳбарлик, 50 дан ортиқ фан номзоди, доктори ишларига оппонент – тақризчилик қилиб ҳеч қачон бу жабҳада бу хилдаги ошкора тамагирлик ёки кўчирмачилик ҳолатини кўрган эмасман. Тўғри, шу йиллар давомида мен аъзоси бўлган илмий кенгашда ёқланган 4 ёки 5 диссертация экспертлар томонидан уларда кўчирмачилик ҳолатлари борлиги аниқлангач, муаллифлари илмий даражасидан маҳрум этилгани, уларнинг илмий раҳбарлари эса муайян муддат диссертацияларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан четлатилганлигини биламан. Шу воқеанинг ўзи қанчалар шов-шувларга сабаб бўлган, мазкур ишлар муаллифлари, қолаверса, раҳбарлари илмий доираларда бундай қилмиш-қидирмишлари учун ҳамкасблари юзига қаролмайдиган ҳолга тушган эди.

Бевосита талабаларнинг ёзма ишлари, илмий тадқиқотлар, диплом ишлари, ҳозирда эса малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари масаласига келсак, бошқа ўқув даргоҳларидаги вазиятдан беҳабарман, аммо камина бевосита даҳлдор Миллий университет ўзбек филологияси факультетида юксак талабчанлик, ошкоралик, ҳалоллик ҳамиша барқарор бўлган. Ғ.Каримов, А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, С.Долимов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Б.Қосимовдек етук олим, талабчан устозлар яратган илмий муҳитда ҳеч қачон қаллобликларга йўл қўйилмаган. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтай: ярим аср давомида мен хизмат қилган даргоҳда каминанинг бўлғуси адабиётшунос талабаларга, Ш.Раҳматуллаев эса тилшуносларга "Илмий тадқиқот асослари" курсидан машғулотлар олиб борганмиз. Мазкур курс дастурида фандаги пла-



гиатлик – кўчирмачилик мавзусига оид махсус соат ажратилган эди. Биринчи курсдаёқ плагиаторлик илм-фанда ғирт шармандалик – ўғрилиқ, жиноят экани талабаларнинг қўлоғига қуйилар, билиб-билмай бу ишга қўл урган талаба курсдошлари олдида шарманда-ю шармисор этилар эди. Мабодо диплом ишларида шундай ҳол юз бергудек бўлса, диплом иши бекор қилинар, раҳбар беш йил диплом ишига раҳбарлик қилишдан маҳрум этиларди. Бу масалада бирор кимса ўша “жабрдийда”ларни химоя қилиб, ўртага тушганини кўрган, эшитган эмасман. Муваффақият билан ёзилган, фанда янгилик дея баҳоланган диплом ишлари мақола, китоб ҳолда нашр этишга, мўтабар тўпламларга киритишга тавсия этилар эди. Биргина мисол – каминанинг Озод Шарафиддинов раҳбарлигида ёзган “Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари” мавзусидаги диплом ишим факультет илмий кенгашининг тавсияси билан 1959 йили Давлат нашриётида чоп этилган мўтабар китоб “Ўзбек адабиёти масалалари” тўпламига киритилган эди. Қаранг, университетдаги менинг энг сўнги шогирдим Саъдулла Қуროновнинг муваффақият билан химоя қилган магистрлик диссертацияси “Ифода ва ифодавийлик” номи остида 2013 йили “Akademnashi” томонидан китоб ҳолида чоп этилди, адабий жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотди...

Демак, университетимизда ярим аср бурун мавжуд мўтабар аъна бугун давом этипти...

Камина ана шундай кайфиятда юрган паллада “Асл ижод соғинчи” баҳси чоғи ҳамкасбларимиз томонидан кўюнчаклик билан айтилган талаблар доирасидаги бугунги илмий муҳитга оид гап-сўзлар, очиги, мени ажаб бир ҳолатга солди. Дилимга энг яқин дўстим Йўлдош Солижоновнинг кўпдан буён кўнглида йиғилиб қолган бу борадаги дард-аламлари вулқондек отилиб чиқиб, норозилик учкунлари аланга олганини кўриб, дил-дилдан ачиндим. Унингча, “муаллиф ўлими”га сабаб бўладиган масалалар ичида энг хавфлиси, ҳозирги пайтда ниҳоятда оммавийлашиб кетаётгани бу кўчирмакашлик билан тақлидчиликдир... кейинги йилларда кўчирмакашлик, тақлидчилик, тайёр илмий, ижодий материалларни ўзиники қилиб олиш одат тусига кирди. Ажабланарли томони шундаки, шу каби иллатларни хаспўшлайдиган, уни қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам топилмоқда... Бу иш билан шуғулланадиган кимсалар (аслида, кўчирмакаш ва тақлидчилар) ўзларини гўё тадбиркор деб санамоқдалар... Бундай тадбиркорлик эса адабиёт, фан ва санъатга катта зарар келтиряпти. Унингча, “Уларнинг айримлари ўзлари ўқиган чет эл китоблари ёки кўрган киноларидаги воқеаларни худди карта чийлагандек аралаштириб, қайта ҳикоя қилишга уста бўлиб кетдилар”. Дўстимиз, яна



олий ўқув юртларидаги бугунги ҳолатга қайтиб, надоматлар билан шуларни қайд этади: "... битирувчиларнинг айримлари тайёр лўқмани ямламай ютиб, ҳеч нарса кўрмагандек семириб яшаш йўлини қидираётган кимсага ўхшайдилар... Ҳозирга келиб, аввало, мавзулар ниҳоятда майдалашиб, бачканалашиб кетди. Иккинчидан, уларнинг мазмун-моҳиятида бир хиллик пайдо бўлди... Учинчидан, кўчирма-кашлик авжига чиқди. Битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялари билан танишсангиз, дарсликлар ва қўлланмалардан, интернет маълумотларидан тайёр кўчирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Тўртинчидан, олий ўқув юртларида битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини ёзиб берадиган ишбилармон мутахассислар отряди шаклланди..." ва ҳ.к.

Энг ачинарлиси, мақола муаллифи бошдаёқ ўзгалардан, шахсан ўз ишидан кўчирилган магистрлик иши хусусида гап очганида, унинг гаплари на диссертантга ва на унинг илмий раҳбарига пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди...

Бунга чидаш мумкинми?! Бу ғирт шармандалик, қолаверса, жиноятнинг ўзи-ку! Биз адолатсизликларга дуч келсак нола чекамиз, лекин ҳақиқат йўлидаги курашни охирига етказишга келганда сусткашлик, муросаю мадора йўлини тутамиз. Қонун, ҳақиқат муаллиф-дўстимиз томонида экани аён кўриниб турибди. Аммо адолатни рўёбга чиқаришга келганда хийла жангари, жасур дўстимиз ҳам сусткашликка, муросага боряпти. Ҳамма бало ана шунда. Шундай вазиятларга дуч келганда беихтиёр камина ярим аср ҳамкорлик қилган Ғ.Каримов, Ш.Раҳматуллаев каби устозлар кўз олдимда гавдаланади. Улар қонун, ҳақиқат, адолат йўлидаги курашларда гоҳо вазиятга қараб эҳтиёткорлик йўлини тутган, аммо аҳдидан ҳеч қачон чекинган эмас, ҳар боб билан ҳақиқат тантанаси учун курашган ва аксар ҳолларда аҳдига эришган. Биргина мисол. Устоз Озод ака бир ёш истеъдодли ёзувчининг ўз даврида қалтис туюлган романи қўлёзмасини "Жаҳон адабиёти"да чиқиши учун ҳамма чораларни кўрди, аммо тўсиқлар устига тўсиқларга дуч келаверди: охири, шу асар босилиб чиқса-ю, мени ишдан олишса, бажонидил рози бўлардим, деган аҳд-паймон билан уни нашр этишга журъат этди. Қарангки, асар журналда чиққач, устоз маломат эмас, таҳсинларга сазовор бўлди.

Ҳозир биз ўзга замонларда, адолат учун йўллар очик демократия, қонун устуворлиги замонида яшаётганимизни унутмайлик. Имоним комилки, ўша қалтис вазиятда дўстим Йўлдошали барча нохушлик ва қийинчиликларни зиммага олиб, адолат учун курашни поёнига етказганида, аминманки, ғалаба байроғи унинг кўлида бўларди, вазият бутунлай ўзгариб кетарди. Қолаверса, интернет, компьютер орқали бадиий ижод ва адабиёт илми соҳасида авж олган қаллоблиklar



устиди гап борганда, айти шу жабҳадаги фирромлик, ўғриликлари аниқлаш, фош этишда айти ўша интернет ва компьютернинг беқиёс имкониятлари борлигини, улардан адолатни барқарор этишда фойдаланиш зарурлигини унутмайлик.

Қалтис вазиятларда қатъият, дадиллик, шижоат, амалий хатти-ҳаракатлар керак, азизлар. Шикоятлар, оҳ-воҳлар, нолишлар замони ўтди, амалий ишлар замонида яшаётганимизни унутмайлик. Курашганга завоқ йўқ. Қабохатлар, жиноятлар билан мурса-ю мадора ҳукм сурган муҳитда эса мурса йўлини танлаган инсон ҳам ношуд-нотавон маҳлуқ билан баробар, дўстлар. Бу борада ҳушёр бўлайлик, инсонлигимизни унутмайлик.

Шу ўринда Ҳамидулла Болтабоевнинг мақоласида келтирилган информатика оламидаги ўта мураккаб чалкашликлар гирдобиди адолат йўлидаги дадил амалий ҳаракатлар, нажот йўлини қидиришга уринишларни ибрат қилиб кўрсатишни истардим. Ношир укамизнинг нақд фойдадан, аллақачон кармонга тушган червонлардан воз кечиб, тайёр ҳолга келиб турган ночор китоб нашридан дадил воз кечиши бошқа ноширлар учун ҳам ибрат – ижобий намуна! Шундай қилса ҳам бўлар экан-ку, ахир! Аслида, ноширнинг бош вазифаси муаллиф учун ким эканини билиб бўлмайдиган, чаласаводларча битилган, мужмал, сохта, ясама, қурама асарлар билан муаллифи ярқ этиб кўриниб турадиган асл асарларнинг фарқига етиш, ўшандай асл асарларни қадрлаш, вақтида асл эгаларига етказишдир.

Ҳамидулла укамиз мулоҳазаларига шуларни илова қилишни истардим, китоб бошига "масъул муҳаррир" фалончи деб ёзиб қўйилар экан, у, чиндан ҳам, китоб учун масъул жавобгар бўлиши даркор. Ҳозирги кунда номигагина эмас, Ваҳоб Рўзमतов, Маҳмуд Саъдий каби ҳар бир сатр, сўз устида муаллиф билан жанг олиб борадиган, қолаверса, бутун бошли адабий жараёнлардан хабардор чин маънодаги масъул муҳаррирларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Чин масъул муҳаррирларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш керак, ишдаги масъулиятсиз муҳаррир эса ўз "таҳрири"дан ўтган ночор асар учун моддий ва маънавий жавобгарликни ўз зиммасига, елкасига оладиган бўлиши даркор. "Асл асар"ни қадрлаш, ҳимоя қилишнинг йўли ана шундай!

2014 йил



II. АДАБИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ, НОДИР НАМНУАЛАРИ БАҲСИ

“ЎТКАН КУНЛАР” САБОҚЛАРИ: РОМАННИНГ ИЖОДИЙ ТАРИХИ, ИЖТИМОЙ ПАФОСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

(Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллигига)

Жаҳон адабиётидаги шох асарларнинг дунёга келиш тарихи шундан далолат берадики, уларнинг ҳар бири, аввало, давр, ижтимоий вазият тақдоси, қолаверса, муаллифлар таржимаи ҳоли, оилавий ва ижодий муҳити, ҳаётини тажрибалари, билим даражаси, тафаккур тарзи, миқдоси, маънавий бисоти, маслак, ақида-этиқоди, орзу-интилишлари, энг муҳими, ижтимоий идеаллари ҳосиласидир.

Замонавий жаҳон адабиётшунослигида бу муаммони ўрганиш бобида бой тажриба тўпланган. Бизда, хусусан, янги ўзбек адабиёти етук намуналарини шу жиҳатдан тадқиқ этиш борасида баъзи ишлар қилинган бўлса-да, улар кўнгилдагидек эмас. Ҳатто “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”дек беқиёс романларимизнинг ижодий тарихи, сир-синоати ҳали тўлалигича илмий кашф этилгани йўқ. Азиз китобхон, ана шу “очилмаган кўрик”қа қурбимиз етгунга қадар бир нигоҳ ташлаб кўрайлик-чи, бу жабҳада қандай жумбоқлар, ҳикматлар бор экан...

Бошдаёқ дадил шунини айтиш мумкин: Абдулла Қодирий ўтган асрнинг 20-йиллари шароитида тарихий мавзуда ўзгача эмас, айна “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”дек романлар ёзишга ҳар жиҳатдан тайёр эди.

Биласиз, Абдулла Қодирий, дастлаб, эски усулдаги, сўнг рус-тузем мактабида, муайян муддат мадрасада, кейинроқ Москвадаги адабий-бадиий институтда таълим олган, туркий тиллардан ташқари араб, форс, рус тилларини яхши билган бўлғуси адиб диний, тарихий, адабий асарларни мустақил ўзи ўрганди, вақтли матбуотни мунтазам кузатиб борди.

У оқ-қорани таниб, ижтимоий ва ижодий фаолият доираларига қадам қўяр экан, даврнинг энг қайноқ, ўта мураккаб, зиддиятли жабҳалари ичида турди, асосан, матбуот майдонида қалам тебратди.

Дастлаб, ўлкада кечаётган миллий уйғониш, жаҳидчилик ҳаракати руҳидаги асарлар таъсирида ёзилган шеърлар, ҳикоялардан бошланган ижод кўлами тобора кенгайиб уч асосий йўналиш – даврнинг ўткир, долзарб муаммоларига акс-садо тарзида битилган публицистик чиқишлар, “Калвак маҳзум”, “Тошпўлат тажанг” сингари ҳажвий асарлар ва, ниҳоят, тарихий мавзудаги романлар устида иш олиб борди. Адибнинг ҳар уч йўналишдаги ижодий мероси шу пайтга қадар қанчалар ўрганилган бўлмасин, ҳали бу буюк бисотнинг очилмаган қирралари, ечилмаган жумбоқлари беҳисоб.

Биргина адиб тарихий романларининг мавзу-мундарижасини белгилаш масаласини олайлик. “Ўткан кунлар”га кириш тарзида битилган изоҳда шундай сўзлар бор: “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”. Хўш, шу хайрли ишга қўл урган адиб нега миллат тарихининг сон-саноксиз шонли саҳифалари туриб, асар учун мавзуни “яқин ўтган кунлардан”, кейинги “хон замонлари”дан белгилайди, нега бу даврни “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари” деб атайди?

Маълумки, “Ўткан кунлар”ни ёзиш адиб кўнглида Октябрь тўнтаришидан кейин туғилган, Октябрдан олдинги кайфияти хусусида у таржимаи ҳолида шундай ёзади: “Некалайнинг тахтдан йиғилиб ҳуррият бўлганига хурсандлигим, албатта, дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табиий эди. Айниқса, 1916 йил рабобий олиш масаласидан кейин, умуман, Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди”. Кўп сафдошлари қатори бошда унинг Октябрь тўнтаришидан умиди катта эди, аммо умидлар бирин-кетин сароб бўлиб чиқа бошлади, айниқса, Қўқон мухториятининг аянчли қисмати машъум истибдоднинг янгича кўринишидан аён далолат эди. Ўша кезларда чоризм истилоси истибдодига олиб келган омиллар, айтиш мумкин арафасидаги “қора кунлар” сабоқлари ҳақидаги тарихий асарнинг кўнглида туғилишига туртки бўлгани, ёзувчининг кўлига қалам олишга ундагани – булар ҳам ҳаётининг ҳақиқат, ҳам ҳаётининг эҳтиёж, ижтимоий муҳит, виждон, имон тақозосидир.

Айни шу “Ўткан кунлар”дек асарнинг дунёга келишида ижтимоий факторлар билан баробар оилавий муҳит омили ҳам катта бўлган. Шу пайтга қадар ижтимоий фактор хусусида озми-кўпми гапирилган, ёзилган, аммо оилавий омил негадир назардан четда қолиб келади.

Синчиклаб разм ташланса, “Ўткан кунлар”да қаламга олинган макон, замон, ўша макон ва замонда содир бўлган тарихий воқеалар, алоҳида тарихий шахслар айтиш мумкин ҳаётдагидек аниқ-равшан, бор ҳолича берилган; ҳатто “ижодий фантазия” маҳсули бўлган “тўқима” образ – қаҳрамонларнинг ҳам ҳаётининг прототиплари мавжуд. Шуниси ҳам борки, асар мутолааси чоғида ҳаётда бор тарихий шахслар



билан “тўқима” образлар орасидаги тафовутларни сезмайсиз; уларнинг ҳар иккисига ҳам ёзувчи бирдек жон ато этган, улар худди тирик, таниш инсонлардек кўз олдингизда гавдаланади.

Шу ўринда “Ўткан кунлар” ёзиб тугатилган, аммо роман хали эълон этилмаган кезлари “Инқилоб” журналининг 1922 йил 7-8- қўшма сониди босилган муаллиф қаламига мансуб “Отам ҳам большевик” сарлавҳали кулгулик (юмористик) хотира-ҳикояси устида тўхталиб ўтсам. Бир қарашда ҳазил-мутойиба тарзида битилган ихчамгина бу ғаройиб асар, аслида, ғоят жиддий — буюк адибнинг ижодий тақдири, тафаккур олами сир-синоати, асл маслағи, ақидасини аниқлаш, англатишда, тархий романларининг ижодий тарихини ўрганишда муҳим очкич — калит вазифасини ўтайди. Кулгуликнинг аввалида адиб “Отам 1242 ҳижрий, 1823-мелодий йиллари Тошкандда туғулб, алҳол, 99-100 ёшларидадир” деган маълумотни беради. Шундан сўнг, бу табаррук зотнинг миллат тарихи олдидаги буюк миссияси устида сўз очиб “Руслар истилоси вақтида 42 ёшида бўлб, Тошкандни руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг биридир” дея изоҳ беради. Ота ҳақидаги аслида ғоят жиддий, ниҳоятда қимматли маълумотларни берган асарни “кулгулик” — ҳазил-мутойиба тарзида ёзилиши тасодифий эмас. Қарангки, шўро йилларида асарда келтирилган Қодирийнинг отаси **“Тошкандни руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг бири”** ибораси ўқувчилар учун шунчаки ҳазил-киноя бўлиб туюлган, ўз вақтида бунга жиддий эътибор бермаганлар. Ёзувчи бу билан чекланмайдди. Кулгулик муаллифи отахон юз йиллик умрининг қирқ йили муслмон хонлари замонида, эллик йили Русия чор истибдоди, энди беш йили меҳнаткашлар ҳокимияти даврида ўтаётганлигини айтиб, “Отам Русия чор ҳукуматини сира ҳам тиламайдир. Чунки унинг элли йиллик истибдодини ўзи истиқбол эткан, Чорнинг аччиғ-чучугини кўп татиған” деб ёзади. Сўнг “Бу кунги меҳнаткашлар ҳокимиятига ҳам унча дўст эмас” дея дилидаги гапини дангал айтади ва “Бунинг ҳам сабаби маълум”, дейди-ю, сабаблари ўқувчига маълум бўлгани учун у ёғига ўтмайди.

Аммо хон замонларини ўйлаган чоғларида отахон яйраб кетади: “Эй, хўб замоналар бор эди, тилла жобдуқлик отлару ва басавлат беклару ўрдаларда ҳар кун қарса базиму... Ўтуб кетди энди бир замонлар, деб афсус еб қўядир».

Сўнг ёзувчи ғоят назокат билан чол кўнглида кечган истиқлолни кўмсаб кечинмалари изҳорига ўтади:

“Худонинг хоҳлагани-да, кофирнинг қўлида қолуб кетдик... Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга тупуруб (таъкид бизники

– У.Н.), яроғ тополмағанда ҳам қора калтак бўлуб чиқса, исни-биска қўймас эди. Қадимги замоннинг йигитларидан шу кунда ҳам бўлганда-чи, эй-ҳа, ўрусинга йўл бўлсун”.

Сўнг яна бир “қалтис” масала – ҳозирги замонда юрт раҳбари устида сўз кетганда болшавойнинг каттаси ўзимизнинг мусулмонлардан экани айтилганида, қария бундан таскин топгандай бўлади, яна ўғлини саволга тутди:

“– Тузук, тузук, кўб яхши. Болшевойнинг одамохун экан, сарбоздан кел, сарбоздан. Ўзимиздан сарбозлар борми?”

- Бор, лекин бўлса ҳам йўқ ҳисобида.

- Аттанг, шуниси чакки экан.

- Нима зарари бор, дада?

- Эй, ўғлим, одам бўлгандан кейин ҳар нарсанинг ҳам бошида бўлиш керак, «Нон қўйнимда, ит кейинимда!...»

Ана шундай зот оиласида, тарбиясида, таъсирида туғилиб вояга етган ўғлон нималарга қодир экани, унинг ҳаётий, ижодий ақидалари, ҳаттоки бош асарлари “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, охирига етмай қолган “Амир Умархоннинг канизи” романларининг мавзу-мундарижаси, пафоси ўша улуг зотнинг болалиқдан қулоғига қуйилган кўрган-кечирганлари, орзу-армонлари, оила даврасидаги хотира-ҳикоялари таъсирида шаклланганлиги сир эмас. Кулгуликда мана бундай қимматли маълумот бор: “Туркистон хонларидан Шералихонни, ундан сўнг Худоёрхон, Маллахон ҳам бу орада йиллаб ва ойлаб хонлиқ қилуб ўткан Муродхон, Саид Султон ва бошқа хонларни, Тошканд бекларидан (ҳокимларидан) Муҳаммад Шариф оталик, Салим-соқбек (бу зот Бухоро амири томонидан Тошканд беклигига қўйилган эди. Мусулмонқул томонидан ўлдирилди), Азизбек, Нормуҳаммад Қушбеги, Шодмон ўроқ, Қаноатшоҳ, Мирза Аҳмад қушбеги, Маллахон (Маллахон оғаси Худоёрхоннинг хонлиги вақтида Тошкандда уч йиллаб бек бўлиб тургандир). Энг охирдан, Қўшдодхонларнинг беклигини кўруб, ўткузган. Хонлиқнинг бош нозири ва қўмондони ўрнида бўлганлардан, Мусулмонқул ва мулла Алимқулларни кўрган ва урушларида бўлган. Пискатлик Қашғар амири машхур Ёқуббекни Қашғарга кузаткан” («Диёри бакр», 2007, 89-90-бет).

Икки-уч роман эмас, яна ўнлаб тарихий-бадий асарларга мавзу-материал бўлгудек қимматли маълумотлар, ўзига таниш тарихий шахслар, жангу жадаллар, улар ҳақида ҳаётий хотиралар... Ҳар иккининг тилга олиниши бежиз эмас. Тарихий шахсларга баҳо беришда адиб кўп ҳолларда ота қарашларига таянади. Биргина мисол. “Ўткан кунлар”да Нормуҳаммад қушбеги устида гап кетганда, муаллиф унга



шарҳ берар экан, отаси нуқтаи назарига таяниб шундай ёзади:

"Нормухаммад кушбегининг Тошканддаги беклик даври тахминан 1270 дан – 73 йил ҳижрийгачадир. Замона бекларининг хушёрроғидир. Отам хон замонларида ўзи кўриб-кечирган ўнлаб беклар ичидан шу Нормухаммадни чиқариб: "Юртни тинч тутди, кўб яхши одам эди, худо раҳмати" деб қўяр эди". ("Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", 1992, 105-бет).

Афсуски, Абдулла Қодирий бисотида "Тажимаи ҳол"даги қисқача маълумот, "Отам ҳам большевик» кулгулик асари, романларидаги айрим кистирма, шарҳлардан ташқари бу табаррук зот ҳақида бошқа маълумотлар йўқ ҳисоб! Улар бўлса ҳам, сақланмаган. Одатда, босиб ўтилган йўл ҳақидаги хотиралар ёзувчи улғайиб пайғамбар ёшига етганида ёзилади, афсус, адиб бу ёшга етмай оламдан ўтиб кетди, қанчадан-қанча кўрган-билганлари, отасидан эшитганлари ёзилмай қолди... 1924 йил Қодир бобо оламдан ўтганида набира-си Ҳабибулла 6 ёшли болакай эди; аммо бобоси вафотидан сўнг оила даврасида, қолаверса, уни яқиндан билганлар оғзидан эшитган кўплаб хотира-ҳикоялар бир умрга ёдида қолган. 1964 йили бобо ҳаётидан "Эски Тошкентда" номли тарихий қисса ёзишга чоғланган. Тошкент ҳокими Азизбек даврига оид қизиқарли ва аянчли воқеалар, асоссиз таъқиблар, беҳуда қон тўкишлар замонида Қодир бобо тутган адолат йўли ҳақида ҳикоя қилувчи қисса, афсуски, тугамай қолган. Қиссанинг қоғозга тушган қисми Ш.Қодирийнинг "37-хонадон" китобида эълон этилган. Агар асар охирига етганида Қодир бобонинг ҳаёт йўли, айниқса, унинг Тошкентдаги тарихий воқеалардаги иштироки, бинобарин, Қодирий романларининг юзага келишидаги аҳамияти, ўрни янада кенгроқ очилган бўларди.

Маълумки, "Ўткан кунлар" романи воқеаси, муаллифнинг ўзи асарда қайд этганидек, 1264-ҳижрий, 1847-48 милодий йилдан бошланиб 1269 ҳижрий, 1852 милодий йилда интиҳосига етади. Шу оралиқда Тошкентда иккита ғоят таҳликали тарихий воқеа содир бўлади. Улардан бири 1847 йили Тошкент ҳокими Азиз парвоначи сиёсатига қарши бошланган машҳур Тошкент кўзғолони ҳамда 1852 йил 9 октябрда Тошкент ва Қўқонда юз берган машъум қипчоққа қирғин воқеаси ифодаси асардаги бош қаҳрамонлар Юсуфбек хожи ҳамда Отабек бисотини намён этишда энг олий босқич, қолаверса, асарнинг ижтимоий пафосини белгиловчи чўққи – кульминацияси деб аташ мумкин.

Ниҳоят, асар хотимасида хабар тариқасида келтирилган Отабек



қисматига оид мана бу маълумот ҳам асарнинг асосий маъно-моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Уни қайта ўқиб, мушоҳада қилиб кўринг-а:

"1277-нчи йилнинг (милодий 1861 – У.Н.) куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди:

"Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафларимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим..."

Мактуб муаллифи Қаноатшо – тарихий шахс, тарихий манбаларда унинг номи, хизмати зикр қилинган, жумладан, романда келтирилган изоҳда шундай дейилган: "Қаноатшо – ҳозирги Тожикистоннинг Қоратегинидан. Қўқон хонларининг бир нечасида амири лашкар лавозимида, шунингдек, Туркистон вилоятининг ҳокими бўлган. Русларга қарши курашганлардан. Бухорога элчи бўлиб борганда амир Музаффархон томонидан 1862 йилда қатл этилади".

Романда қаламга олинган кўплаб тарихий шахслар – Худоёрхоннинг ҳокимият тепасига илк бор келган кезлардаги ҳолати, Мукулмонқул, Азизбек, Нормуҳаммад қушбеги, Алимқул каби тарихий шахсларнинг қиёфаси, маслаги, қисмати ҳам отаси хотираси, нуқтаи назари ҳам тарихий манбаларга мос тарзда жонли гавдалантирилган.

Айни ўша тарихий жараёнларда мусбат позицияда турган, бу борада муаллиф нуқтаи назарини, асл маслак-идеалларини ўзида ташувчи чин қаҳрамонлар Юсуфбек ҳожи билан Отабеклар шунчаки "тўқима" образларми, уларнинг ҳаётий асослари – прототиплари борми? Шу ҳақида кўп йиллардан бери ўйлайман. Тарихий манбаларни, аввало, ёзувчининг ўз бисотини, қолаверса, адибнинг тўнғич ўғли Ҳабибулла ака хотираларини титкилайман, сон-саноқсиз тарихий манбаларга мурожаат этаман.

Ўша давр Тошкент тарихига оид энг мўътабар тарихий манбалардан бири "Тарихи жадидаи Тошканд" асарида Парчабоф маҳаллалик Муҳаммад Юсуфҳожи (шойи тўқиш устахонаси эгаси) бошчилигида кўзғолон кўтариб, Азиз парвоначи навкарларига ҳужум қилгани айтилади. Аммо Юсуфҳожи номини ҳисобга олмаганда кўзғолон тафсилотлари романдагидан бутунлай фарқ қилади. "Тарих"га кўра Азиз парвоначи зулмига қарши кўтарилган кўзғолон рамазон ойининг чоршанбасидан пайшанбага ўтар кечаси рўй берган, сўнг икки томон келишиб сулҳ тузишган. Бундан норози бўлган қуйи табақа вакиллари жума куни кечаси Юсуфҳожи бошчилигида айни шу битимга қарши бош кўтарган. Кўзғолон 12 кун давом этган, ниҳоят, кўзғолон-



чиларнинг ғалабаси билан якунланган, Азиз парвоначи мансабдан четлатилиб, солиқлар бекор қилинган... Романда эса икки-уч кунлик воқеалар қаламга олинади. Ёзувчини жараённинг барча тафсилотлари эмас, ҳодисанинг **туб моҳияти**, ўша жараёнда персонажларнинг руҳий-маънавий ҳолати, драмаси кўпроқ қизиқтиради.

Шу воқеа юз берган кезлари "Тарих" муаллифи тахминан 17 ёшлар атрофида бўлган, асли тошкентлик бу аллома воқеаларнинг жонли гувоҳи. Айни пайтда "Ўткан кунлар" муаллифи таянган ноёб манба – отаси Қодир бобонинг бу хусусдаги хотира-ҳикоялари ҳам эътиборга сазовор, чунки отахон ўша кезлари 25-26 ёшлардаги айни кучга тўлган, оқ-қорани таниган, хон сарбози сифатида қўзғолон воқеаларининг, жангларнинг ичида – гирдобиди бўлган. Кейинчалик бўлғуси тарихчи олим ўзи шоҳид бўлган қўзғолон воқеаларини тарихий асарида ёзиб қолдирган бўлса-да, сарбоз жангчи – воқеалар иштирокчиси хотира-ҳикоялари орадан йиллар ўтиб ўғлони – ноёб истеъдод соҳиби – Абдулла Қодирий қалами остида тарихий роман саҳифаларига муҳрланган. Бир тарихий воқеанинг ҳар икки манба – тарихий ва бадий асарлардаги икки хил талқинларидан қай бири ҳақиқатга яқин – бу масалада ҳакамлик қилиш мушкул юмуш.

Романдаги Юсуфбек ҳожи қўзғолоннинг бошида турган одам, "Тарих"даги Юсуфхожи эса сулҳга қарши бош кўтарган кимса. Бу одамнинг шахсияти, асл маслаги биз учун қоронғу. Юсуфбек ҳожи эса асарнинг бошидан охиригача шахсияти, маслаги, эътиқоди, дарду дунёси билан мана ман деб туради; ўша тигиз, таҳликали вазиятлардаги хатти-ҳаракатлари ўқувчини ларзага солади. Айниқса, кейинги мудҳиш воқеа – қипчоқ қирғини асносида бу зот бутун улғуворлиги, ички олами, изтироблари билан намён бўлади.

Абдулла Қодирий ҳақидаги икки ўғли, замондошлари хотираларини, қолаверса, адибнинг ўзи ва яқинлари ҳақида ёзиб қолдирган маълумотларни синчиклаб ўрганиш шундан далолат бераётирки, асар қаҳрамонларининг, хоҳ замонавий, хоҳ тарихий бўлишидан қатъи назар, ҳаётий асоси, прототиpleri мавжуд. "Хотираларда адиб сиймоси" сарлавҳали мақоламизда бу хусусда қатор далил-исботлар келтирилган эди. Бу борадаги кузатиш-мулоҳазаларни давом эттириб, "Ўткан кунлар"даги Отабек, Юсуфбек ҳожи образининг ҳаётий замани устида мушоҳада, тахминларимни ҳам айтиб ўтсам.

Бир қарашда эришроқ туюлса-да, Отабек образида қисман муалфининг ўзидан, асосан, отаси Қодир бободан ўтган жиҳатлар анчагина. Ҳабибулла Қодирий берган маълумотга кўра, Қодир бобо 1821-1822 йилларда туғилган, серғайрат, шижоатли ва дунё кўрган киши бўлиб йигитлик чоғларида хон, беклар қўлида сарбозлик, улғайиб

қолгач, Эскижўвада бақоллик дўкони очиб, ипак, идиш-оёқ, чой каби моллар билан савдо қилган, тижорат важи билан узоқ шаҳар – мамлакатларга кўп бор сафар қилган... (Ҳ. Қодирий. "Отам ҳақида", 1983, 5-бет) Маълум бўляптики, Қодир бобо ёш жиҳатидан "Ўткан кунлар" қаҳрамони Отабекка деярли тенгдош, унинг номидаги "ота" ўзаги отага ишорадек туюлади; касб-кори жиҳатидан ҳам Отабекка ўхшаш савдогар, тижорат важи билан сафарларда бўлган, боз устига хон, беклар қўлида сарбозлик қилган. Агар Отабек Олмота устидаги ўрус билан тўқнашувда (1861 йили) қаҳрамонона урушиб, шаҳид кетган бўлса, Қодир бобо, адиб ёзганидек, орадан тўрт йил ўтиб (1865 йили) Тошкентни руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг бири сифатида эътироф этилган. Қодирий "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романларининг бир неча ўринида, юқорида айтганимиздек, бу табаррук зот номини мамнуният билан тилга олиб ўтади. Мавжуд маълумотларга таяниб, тахмин қилиш мумкин: Қодир бобо йигитлик чоғларида тижорат, қолаверса, сарбозлик важи билан Қўқон, Марғилон шаҳарларига ҳам бот-бот ташриф буюрган; романда қаламга олинган Мирзакарим Қутидор, Акрам ҳожи, Зиё шохичи, уста Алимга ўхшаш марғилонлик асл инсонлар билан гурунлар қилган, олис шаҳар-мамлакатларга қилган сафарлари ҳақида сўзлаб тингловчиларни лол қолдирган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, Отабек каби севги саргузаштларини ҳам бошидан кечирган бўлиши мумкин...

Қодирийнинг бобоси Ҳожимуҳаммад бобога келсак, гарчи исмидан бошқа у ҳақда ҳеч нарса айтилмаган, ёзилмаган бўлса-да, исмидаги "ҳожи"нинг ўзи романдаги Юсуфбек ҳожига бир ишорадек туюлади. У кезлари "ҳожи" мақоми ҳар кимга ҳам насиб этаверган эмас. Қодирийлар сулоласи-шажараси бошида турган бу одам макон ва замон жиҳатидан Юсуфбек ҳожи образи учун прототип деб аташга муайян асос беради. Узоқ йиллик кўрган-кечирганлари ҳақида Қодирий айтган шу қадар кўп маълумотларни сўзлаб берган зот – Қодир бобо ўз отаси Ҳожимуҳаммад ҳақида ҳам тўхталмаслиги, гапирмаслиги мумкин эмас. Бобо ҳақида жамики эшитганлари, билганлари романдаги Юсуфбек ҳожи тимсолида намоён бўлганига ишонгинг келади киши...

Кези келганда адибнинг ижодий принципларига оид яна бир муҳим манба "Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида" мақоласидаги шахсий эътирофларини эслаб ўтсак. 1935 йил 10 мартда "Ёш ленинчи"нинг адабий тўғарагида сўзлаган ўша маърузасида шундай мулоҳазалар бор:

1. "...менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар";



2. "Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрганим эсам-да, яна бориб, текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам эътибор бераман";

3. «Ёзувчининг ўзидан қўшиши (русча айтганла "вымесье") адабий асарда катта роль ўйнайди... лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман...»

4. "Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади. Масалан, мен колхозларда юрганимда ҳақиқатан ҳам Обид кетмоннинг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим..." ("Диёри бакр", 391-393-б.)

Тасаввур қилиб кўринг-а, мабодо "тирик тарих" Қодир бободек отаси, Ҳожимуҳаммаддек бобоси бўлмаганида, салкам бир асрлик Тошкент беклиги, Қўқон хонлиги тарихининг жонли шохиди, муҳим тарихий ҳодисаларнинг, кўплаб урушларнинг бевосита иштирокчиси хотира-ҳикояларини тингламаганида "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"дек беқиёс тарихий романлар дунёга келардими? Асло! Ўзи айтганидек, Юсуфбек ҳожига, Отабекка, қолаверса, Кумушга ўхшаб кетадиган ҳаётий типлар шундоққина ёнгинасида эди-ку!

Замонасининг етук зиёлиси, адиби, Ватаннинг пешқадам, куюнчак, фидойи фуқароси, миллат эрки, шаъни, озодлиги йўлига жонини тиккан фидойи ўғлон учун тарихий мавзу дилдаги туғёнларни, орзу-армонларни тўкиб солиш, ёниб ўзлигини намоён этиш майдони бўлганлигини ҳам асло унутмайлик, азизлар.

Мана энди ўзи эътироф этган ижодий принциплар амалиётда қандай намоён бўлган ҳақидаги мулоҳазаларга ўтсак бўлар.

Демак, **аввало**, ёзувчининг ўз бошидан кечирганлари, оилавий муҳит, ота-оналари ҳаёти, саргузаштлари улкан ёзувчи бўлиб етишувида, бинобарин, тарихий романларининг майдонга келишида муҳим роль ўйнаган.

Иккинчидан, адиб тарихий романлари мавзусига оид материалларни синчиклаб ўрганиб чиққан, рус, форс тилларини пухта билган аллома Қўқон хонлиги, Тошкент беклиги тарихига оид маълумотларни, жумладан, Муҳаммад Солиххўжанинг "Тарихи жадидаи Тошканд" (1863-88 йиллари ёзилган), Мулла Олимнинг "Тарихи Туркистон" (1915), Бартольднинг "История культурной жизни Туркестана" (1927), В.Наливкиннинг "Краткая история Кокандского ханства" (1886) каби манбалар, шунингдек, Қўқон хонлиги тарихи, хонлар ҳаётига оид XIX асрда Қўқонда яратилган қатор тарихий асарлар би-

лан таниш бўлган.

Учинчидан, хотиралар, илмий-тарихий манбалар билан чекланиб қолмай, адибнинг ўзи мустақил текшириш, суриштиришлар олиб борган, роман воқеалари юз берган жойларни аввал неча марта кўрган эса-да, ўзи айтганидек, яна бориб, яхшироқ ўрганишга ҳаракат қилган. Бир-икки мисол. Абдулла Қаҳҳор Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишланган анжуманда сўзлаган машҳур нутқида адибнинг "Меҳробдан чаён" романига тайёргарлик олдидан 1925 йили Қўқонга қилган бир ташрифи устида қизиқарли воқеаларни гапириб берган эди. Ҳ. Қодирий "Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида" китобида ўша нутқдан мана бу лавҳани келтиради:

"Шаҳар зиёлилари орасида "Жулқунбой келибди" деган гап тарқалди. Мен ўша чоққача Қодирийни асарлари орқали танир эдим. Айниқса, "Ўткан кунлар" романи шу вақтларда Фарғонада донг чиқарган, у қўлма-қўл ўтиб ўқилар эди (гап романнинг 1925 йили алоҳида китоб ҳолида босилган "Биринчи бўлим"и, олдинроқ "Инқилоб" журналида босилган боблари устида кетаётир – У.Н.). Кўпчиликнинг "Бизнинг уйга қўнинг", таклифини рад этиб, у киши "Менга мана шу Жоме масжидининг бир ҳужрасига жой қилиб бера қолинглар", деб илтимос қилдилар.

Жоме бу вақтларда бузилиб, хароб ҳолга келган эди. Бир неча чол усталар бир ҳужрани тузатиб, жой қилиб беришди...

Қодирий ҳужрада бир неча кун турдилар. Шунда мен у кишини икки-уч бор кўрдим, кузатдим. Ёдимда, бир марта кўрганимда у киши хон ўрдасини кўздан кечирарди, эшик тепасига, пештоқларига хат билан битилган ёзувларни ўқиб, дафтарига кўчириб олар эдилар. У вақтларда мен Қодирийнинг бу ташрифидан мақсадларини билмаган эдим. Кейин билдимки, ўша ташриф "Меҳробдан чаён"га материал тўплаш учун экан..." ("Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида", 19-бет).

Энди бошқа бир далил – бевосита "Меҳробдан чаён"нинг ўзида, "Хоним ойимлар" бобида изоҳ-шарҳ ҳолида келтирилган дўсти Босит Қодирий иштирокида ҳарам тўғрисида, Худоёрхоннинг уч қарра хонлик даврида уйланган 35 чоғли хотинлари ҳақида ўша кезлари ҳаёт бўлган, тўқсон ёшларга етган, кучли хотираси билан уни лол қолдирган Розияхонимдан олган маълумотлари бутун бошли тадқиқотга аризулик ноёб ҳужжатдир. Ёзувчи суриштириш, материални ўрганиш маҳалида, ўз сўзлари билан айтганда, энг майда нарсаларга ҳам аҳамият беради. Чунончи, «Меҳробдан чаён»да тарихий шахс Худоёрхоннинг сўзлаш тарзига изоҳ бериб, «Эналаринг» сўзидаги «нг» ҳарфини «нг» равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги фарғона ўзбекларида



ҳам (айниқса, қишлоқларда) юмшоқ «нг» ўрнида қалин «нг» ишла-тиш кўб эшитиладир», деб ёзади. Ўша кезлари ислоҳ қилинган ҳар-фимизда бу товушнинг махсус шакли йўқ эканини эслатиб, бу хусусда ўз таклифини ҳам айтиб ўтади. («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», 347-бет). Арзимас икир-чикирдек туюлган деталь «нг» тасвирнинг, би-нобарин, Худоёр образининг, адиб сўзлари билан айтганда, яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиқишини таъминлайди.

Умуман, ҳар икки романда муаллиф томонидан тарихий шахс, воқеаларга берилган изоҳ, шарҳлари махсус ўрганишга арзигулиқдир.

Устоз қодирийшунос Иззат Султонов Қодирий ҳақидаги сўнги иши – 1990 йили чоп этилган “Ўзбек совет адабиёти тарихи” дарслиги учун ёзган “Абдулла Қодирий” мақоласида шундай кузатиш-хулосалар бор: “Ўткан кунлар”да тасвирланган характерлар ҳаётий ҳодисаларга тўла асосланган ҳолда, моҳият-эътибори билан тўқима образлардир. Ҳатто Азизбек, Мусулмонкул каби конкрет тарихий шахслар тасвири-да ҳам бадиий тўқима катта роль ўйнагани ёзувчи ижодини текширув-чилар томонидан аллақачон аниқланган фактдир” (170-бет).

Хўш, қайси тадқиқотчилар “Ўткан кунлар”ни тарихий манбалар билан қиёсий ўрганган, тарихий воқеалар, конкрет тарихий шахслар тасвирида бадиий тўқима катта роль ўйнаганлигини кимлар, қайси тадқиқотида «аллақачон аниқлаганлар»?

Булар ҳақида далил-исбот келтирилмаган. Ёзувчининг ўзи қатъ-ий қилиб “вымесель” – бадиий тўқима адабий асарда катта роль ўй-найди, лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман” деб турибди-ку. Хабарингиз бор, мунаққид Сотти Ҳу-сайн “Ўткан кунлар” ҳақидаги танқидий мулоҳазаларида, жумладан, “Юсуфбек ҳожи дабдурусдан исён чиқаради, озгина жарчиликдан сўнг тўполон бошланиб, уруш бўлиб кетади” деб даъво қилган. Роман муаллифи бу эътирозга жавобан “Ўткан кунлар” ҳам “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар” мақоласида қатъий қилиб “Ҳолбуки, ўша исённинг жараёни айнан мен ёзганчадир. Ёлғон-яшиғи йўқ, исён “дабдурусдан!” Материалистча ўйлағанда ҳам бу “дабдурусдан”нинг сабаби очилса керак. Масалан, 70 кун муҳосарада қолган, очиққан, нонсиз бир халққа бундан юз йил илгариги курс билан 32 танга (бир ярим тилла баробари) солиқ солинсин-чи, қандай томоша бўлар экан! Шундай кезларда халққа бир раҳбаргина керақдир. Шу раҳбарликни “дабдурусдан” Юсуфбек ҳожи ўтаса не ажаб” деб ёзади.

Эҳтимол, роман дунё юзини кўрган кезлари Муҳаммад Солиххў-жа ҳаёт бўлганида ўша кўзғолон жараёни тафсилотларининг “Тари-хи ҳадидайи Тошканд” билан “Ўткан кунлар”даги таққинлари усти-да, албатта, қизғин баҳслар бўларди, табиийки, ҳар бири ўз қараши,

талқинини ҳимоя қиларди. Бадиий асарни-ку, қўяверинг, турли тарихий манбаларда ҳам бир тарихий ҳодисанинг турли хил талқинларига қўп бор дуч келиб турамиз. Эҳтимол, ўша кўзғолоннинг "Ўткан кунлар"даги тафсилотлари тасвирида ноаниқликлар, камчиликлар бордир. Аммо кўзғолоннинг асл моҳиятини, бу жараёнда ўша кезлари турли ижтимоий кучлар тутган мавқени, айниқса, қарама-қарши қутб Азизбек ва Юсуфбек ҳожиларнинг дарду дунёсини, асл мақсад, маслак, эътиқодини очиб беришда, уни пафос даражасига кўтариб, китобхонни ларзага соладиган, ўйга толдирадиган даражага кўтаришда "Ўткан кунлар"нинг хизмати бекиёсдир.

Айни шу жараён талқинида "Ўткан кунлар" муаллифи ҳеч қайси тарихий асар муаллифининг кўлидан келмайдиган ниҳоятда муҳим бир аччиқ ҳақиқатни бадиий кашф этади. Гап оломон оломон: Кечагина Азизбекнинг мунофиқона аъдовларига учиб, Азизбек учун "бир томчи қонимиз қолгунга қадар йўлингизда жон берамиз", деб онт ичган ва бу ахдида қаттиқ туриб уни ҳимоя қилган ўша халқ – оломон бугун унга қарши кўзғолади, "севикли" бекни тахтдан қулатади, "Сен бизларга нима ишни қилмадинг" дея таъна тошларини ёғдиради. Ўша "садоқатли" оломоннинг талаби билан Азизбек икки оёғидан арқон билан боғлаб отнинг човига судратма қилинганда унинг от оёқлари остида судралиб кетишини ҳузурланиб томоша қилади... "Қодирий мўъжизаси" китобида бу жараён талқини кенг таҳлил этилгани учун бу ўринда у ҳақида батафсил тўхтаб ўтирмадик.

Айни шундай ҳолатларга 1852 йили бўлиб ўтган машъум қипчоқ қирғини воқеаси тасвири, талқинида ҳам дуч келмиз. Тарихий манбаларда бу борада қайд этилишича, ҳодиса ўша йилнинг кузида, аниқроғи, 7-октябрь куни бир пайтнинг ўзида ҳам Тошкентда, ҳам Қўқонда содир бўлган, аниқроғи, пухта ўйлаб уюштирилган. Қизиқ, "Ўткан кунлар"да ҳодиса муддати куздан баҳор фаслига кўчирилади. Романда фитнага тайёргарлик жараёни батафсил қаламга олингани ҳолда бевосита жараённинг ўзи тасвир доирасидан ташқарида қолади, мудҳиш жараённинг оқибатлари асар қаҳрамони Отабек нигоҳи орқали гавдалантирилади.

Қодирий ижодининг илк тадқиқотчиларидан бири Ойбек бунга эътироз билдириб "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" рисоласида шундай ёзади: "Қипчоқлар қирғини кўрсатилганда... Отабекни ёзувчи далага "қимиз ичиш"га чиқариб юборади. Иш битгандан сўнг у қайтади. У, далада қимиз ичиб, кечқурун шаҳарга қайтганида бўлиб ўтган қирғиннинг қонли изларини кўради. Воқеа тафсилотларини одамларнинг оғзидан эшитилади. Хафа бўлади, куюнади" (Ойбек. Асарлар.



Ўн томлик. 9-том, 1974, 259-бет).

Эҳтимол, романнинг "Тошканд устида қонлик булутлар", "Тошканд қамалда", "Азизбек", "Истиқлол дарди" бобларида Қўқон хонлиги билан Тошкент беклиги орасида кечган можаро – жанглarning мудҳиш манзаралари, Азизбекка қарши кўзғолон жараёни бевосита бутун даҳшату ваҳшати билан кўрсатилгани учун адиб қипчоқ қирғини воқеасини ифодалашда ўзгача йўлдан боргандир...

Дарҳақиқат, Ойбек айтганидек, романда бу жараён манзараси бевосита қаламга олинмаган, асарнинг икки етакчи қаҳрамони Юсуфбек ҳожи ҳам, Отабек ҳам мудҳиш воқеалардан четда туради. Гарчи Юсуфбек ҳожи қабих можарони уюштиришга бағишланган мажлисда иштирок этиб, тиш-тирноғи билан унга қарши тургани қаламга олинган бўлса-да, ғаламислар уни алдаб, атайин ғафлатда қолдириб ўз муддаоларига эришадилар; отаси қабил ғафлатда қолган Отабек ҳам айни ўша куни шаҳар чеккасида сайрда бўлади. Айни шу ҳолат тасвирида ҳам муҳим ҳақиқат, моҳият бор. Тарихдаги кўплаб мудҳиш жиноятлар айни шу тарзда – замонасининг ҳақгўй виждони саналмиш сиймолар нигоҳидан ташқарида ғоят пинҳона бир тарзда уюштирилган. Романдаги воқеалар оқимининг ўзи кўрсатиб турибдики, Юсуфбек ҳожи, Отабеклар бундан огоҳ бўлганида имкон қадар унинг олдини олган бўларди-да!

Гарчи қирғин оқибатлари, манзаралари Отабекнинг Мингўрик сайридан қайтиш, шаҳарга кириб бориш асносида кўрган-кечирганлари, гувоҳларнинг айтганлари тарзида берилса-да, унинг мудҳиш манзаралари айни жараённинг ўзидагидан кам эмас. Отабекнинг ўша кезлардаги изтироблари, ички туғёнларини ўқиганда китобхон ўзини кўярга жой тополмай қолади.

Бундан ҳам муҳими, эртаси Ота билан учрашувда, ҳодиса ва унинг асл сабаб, илдизи устида кетган баҳс-суҳбат поёнида романнинг бош пафоси баралла намоён бўлади. Бутун бошли мамлакат, миллат тарихидаги энг катта, ҳаёт-мамот аҳамиятига молик ҳодисанинг туб илдизи, асл моҳияти айни ўша дақиқаларда ярқ этиб очилади. Қирғин олдидан юқори доирада ўтказилган кенгашда ҳожининг ўртаниб-ёниб дил-дилидан айтган нутқидаги мана бу сўзларини яна бир қарра ўқиб кўринг-а: "Мана, буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопади. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайди. Сиз дунёда ўзингизни якка душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!" – деди ва рўймоли билан кўз ёшисини артиб ўрнидан турди. – Агарда дунёдан ўтаёзган бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, буродарлар!"

Афсус, минг афсус, даврада бу донишманд сиймонинг ҳақ сўзини, огоҳларини эшитадиган, англайдиган зот топилмайди, аксинча. Ҳожи даврани ташлаб кетганида унинг устидан ҳоҳолаб, "кўкнори ичган", "ваҳимачи" дея масхара қиладилар. Қирғиндан кейин Ҳожи Отабек билан учрашувда машъум ҳодиса муносабати билан дилидаги оху зорини яна бир карра изҳор этади. "Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб..." деб бошланадиган машхур монологда яқин келажақда юз берадиган мислсиз фалокат манзарасини чизиб беради. Тарих кўрсатди, айти шу фалокат юз берди, халқ салкам бир ярим аср давом этган машъум истибдод жабрини чеқди...

Азизлар, Юсуфбек ҳожининг огоҳлари чоризм истилосига ярим аср бўлган, истибдоднинг янги босқичи бошланган кезлари битилган, бинобарин, асар миллатни айти шу янги фалокатдан огоҳ этиш учун ёзилган эди!

Яшириб нима қиламиз, Юсуфбек ҳожининг, Отабекнинг романдаги ана шу дил сўзлари – огоҳлари, аввало, Қодирийнинг дил сўзлари – башоратлари эди. Таассуфлар бўлсинким, башоратлар тўғри бўлиб чиқди, роман ёзувчи айтмоқчи, "дунёга келиши биланоқ бахтсизликка" учради, танқид уни найза кўтариб қарши олди, асар китоб ҳолида тўлиқ босилиб чиққан йили муаллиф бўхтон билан қамоққа олинди, ҳақиқат йўлида ўлимни ҳам писанд қилмаган бу жасур сиймо қатъий туриб ўзини ҳимоя қилди, эркинликка чиқди; таъқибу таҳдидларга қарамай ижодий фаолиятини давом эттирди, афсус, ҳали отаси умрининг ярмини ҳам яшамай туриб 37-йил юҳоси уни ўз комига тортиб кетди. Айти қаҳрамони Отабек каби, романда 18 йил бурун башорат қилинганидай, ўзи ҳам юрт озодлиги йўлида қурбон бўлди. Бинобарин, ўз кўли билан яратган икки чин миллатпарвар адабий қаҳрамон – тақдирдош Отабек ва Юсуфбек ҳожи тимсоллари ўзи ва отаси учун ҳам қўйилган мангу ҳайкалдир.

Ҳаётининг қисмати жиҳатидан Қодирийни эслатадиган Ойбек юқорида тилга олинган рисоласида ғоят назокат, топқирлик билан шундай ёзади: "Ўткан кунлар"ни ўқиганда, яхшилик идеяси билан ёмонлик идеясининг кураши каби бир ҳол сезилади. Мусбат қаҳрамонлар номидан кўпинича Абдулла Қодирий ўзи гапирганга ўхшаб кўринади. Отабек, Юсуфбек ҳожилар орқали ёзувчининг идеялари инсон қиёфасига кириб, гуманистик ахлоқий, сиёсий-ижтимоий идеалларини ифода этадилар» (Ойбек. Асарлар, 9-том, Т., 1974. 260-261-бетлар).

Ойбек сўзларини тасдиқлайдиган далил-исботларни юқорида келтирдик. Ниҳоят, яна бир асар бош қаҳрамонлари билан муаллиф шахсияти, характери, асл маслак-этиқоди орасидаги муштараклик-



ка оид ҳайратомуз далил келтириб ўтсам. Романда қаламга олинган тарихий воқеа – Тошкент қўзғолони арафасида Азизбек Юсуфбек ҳожини ўз томонига оғдиришга интилади, унга катта ваколатлар беради. Шунда ҳожи кўнглида шундай ўй кечади: "Солиқ йиғишда қаршилиқ қилганни даррага ётқизиш, мувофиқ кўрилганда осдириш ҳаққи ҳам менга берилган эмиш... Гўё Юсуфбек ҳам ўзидек бир қонхўрға, бир золимга айлансин эмиш... Мен қонхўрлик учун худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлум бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадирган виждон бор, дин бор, диёнат бор". ("Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён". Т., 1992, 87-бет).

Бу дил сўзлари 1920 йили қоғозга туширилган. Орадан олти йил ўтиб 1926 йили адиб теварагида уюштирилган бўҳтон туфайли унинг устидан жиноий иш очилиб қамоққа олинади. Судда сўзлаган машҳур нутқида, жумладан, у «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса «иҳ» дейдирган йигит эмасман... Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир» дейди. Кейинроқ 37 йилги машъум қатагон бўрони арафасида Ёзувчилар уюшмасида адибни сўроққа тутадилар, жумладан, унинг худога ишониш-ишонмаслигини аниқламоқчи бўладилар. Шу қалтис дақиқаларда Қодирий қатъий туриб, Аллоҳнинг борлигига ва бирлигига имон келтиради, шу тариқа бошига бало орттиради. Эртаси хонадонида шу ҳақда гап кетганда, яқинларидан бири шунчаки оғизда "худо йўк" деб қўяқолсанг бўлмасмиди, деганида, адиб қатъий туриб: "Энди мен бир кишининг икки оғиз сўзи деб, қирқ йиллик эътиқодимдан қайтайми? Мунофиқлик, виждонсизлик бўлмайдими бу", – дейди (Ҳ. Қодирий. "Қодирийнинг сўнгги кунлари", "Ёшлик", 1989, 6-сон, 37-бет). Ҳа, улуғ адиб ҳаётидаги энг қалтис вазиятда ўзи сукукли қаҳрамонининг йўлини танлайди.

Ҳайрон қоласан киши: донишманд адиб қаҳрамонининг ўта таҳликали дамлардаги чин этиқоди ҳақидаги сатрларни қоғозга тушираётганида келгусида рўй берадиган айни шундай қалтис вазиятдаги ўз руҳий ҳолатини гўё олдиндан башорат қилгандек туюлади кишига.

Кўряпсизми, азизлар, "Ўткан кунлар"дек шоҳ асарнинг майдонга келишида, унинг ижодий, тарихий, ижтимоий-ғоявий мотивларини, ётачки қаҳрамонлари ирода йўсинини белгилашда адиб, аввало, ўз бисотига таянади; қаҳрамонлари тимсолида ўз шахсияти, оилавий муҳити, ота-боболари ҳаёти, қисматидан ўтган жиҳатлар беҳисоб, айниқса, ўз идеалларининг мужассами бўлмиш бош қаҳрамонлари Отабек билан Юсуфбек ҳожилар тимсолига ўздан, ота ва бобосидан кўчиб ўтган қисмат, ҳикматлар кишини лол қолдиради, булар

қаҳрамонларга ажиб ҳаётий жозиба бахш этади.

Бугина эмас, бу шоҳ асар бугун ҳам бизларга ўткан кунларнинг аччиқ қисматидан сабоқ беришда давом этаётир. "Отам ҳам большевик"да Қодир бобонинг чаланичасига айтган "Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга туپуруб, яроғ тополмағанда ҳам қора калтак бўлуб чиқса, исни-биска қўймас эди", "кофирнинг кўлуда қолуб" кетмас эди, деган халқона ҳикмати романда Ҳожи билан Отабекнинг бош шиорига айланди. Асар бошидаёқ Отабек Шамай сафари хотиралари устида тўхталганда "Менимча, ўруснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса керак... аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўз аро низомиз сабаб бўлмоқда" дейди. Асарда қаламга олинган воқеалар жараёни бирин-кетин шу ҳикматнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ниҳоят, ягона Туркистон ўлкасининг икки бўлаги – Қўқон хонлиги билан Тошкент беклиги, ягона туркий улуснинг икки қавми – қорачопон ва қипчоқ орасидаги низолар, охир-оқибат мудҳиш қирғинга айланиб, юртни ҳалокат ёқасига келтиради. Шунда донишманд Ҳожи "Иттифокни не эл эканини билмаган, елғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндирки, ўрус истибодди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар..." дея Қодир бобо, Отабек айтган дил сўзларини энг олий чўққисига кўтаради. Ажаб, оқибат айна улар айтганидай бўлиб чиқди. Бу ҳикмат, бу башорат, бу огоҳ – тарихнинг аччиқ ҳақиқати, тажрибаси, мустақилликка эришган бугунги ёруғ кунларимизда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юртнинг бирлиги, халқнинг бирлиги мустақиллигимиз абадийлигининг гаровидир. "Ўткан кунлар"нинг энг муҳим ҳикмати, сабоғи ана шунда.

Мақолаимизни шу нуқтада, баланд пардада тугатсак ҳам бўларди. Аммо яна роман ва унинг муаллифи шахсияти, қаҳрамонлари, ижодий-принципи билан боғлиқ айрим қалтис, ғаройиб жумбоқни четлаб ўтсак, мулоҳазаларимиз чалароқ, бирёқламароқ бўлиб қоларкан. Келинг, ҳар қандай андиша, истиҳолани йиғиштириб қўйиб, бор гапни дангал айтиб қўя қолайлик.

Ёзувчининг идеали мужассами бўлган қаҳрамонлар – Юсуфбек хожи ва Отабек устида гап кетар экан биз уларни муаллиф, шунингдек, отаси Қодир бобо шахсияти, ҳаёти ва қисматига оид факт, хис-



латлар билан қиёсий ўрганиш йўлидан бордик; шунингдек, бу борада адибнинг адабий-эстетик принципларига ҳам таяндик. Гарчи Ойбек айтганидек, бу қаҳрамонлар орқали "ёзувчининг идеялари инсон қиёфасига кирган" бўлса-да, бу ҳол асло ҳаёт ҳақиқатига зид эмас. Шу ўринда адибнинг яна бир ижодий принципини эслаб ўтиш жоиз. Қодирий "Меҳробдан чаён" сўзбошисида "мен марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича олишқа тиришдим. Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиий-шаръийдир. Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам тушуради" деб ёзади. Адиб олдинги романи "Ўткан кунлар"да ҳам айтиш мумкин ақида асосида иш кўрган. Юсуфбек ҳожи, Отабеклар қанчалар олижаноб, юртпарвар, адолатпарвар, узоқни кўрадиган донишманд, имон-этиқодда собит шахслар бўлмасин, бари бир ўз даврининг одами сифатида давр босими, имконияти доирасидан бутунлай четга чиқиб кетолмайди, Бобур сатрлари билан айтганда, кўнгли тилаган муродга етолмайди. Барибир машъум замон зуғуми, босими устунлик қилади, эзгу орзу-умидлари бирин-кетин чилпарчин бўлади, охир-оқибат, Ҳожи дунё, жамият ишларидан бутунлай этак силтаб кетади. Фақат ижтимоий жабҳада эмас, ишқий-оилавий ҳаётда ҳам айтиш мумкин шу ҳол юз беради; ҳали оила қурмай туриб қўш хотинликка қатъий қарши турган Отабек кўнгли тилаган муродга эришиб Қумушдек пари пайкар васлига эришган бўлса-да, охир-оқибат, ота-она орзуси олдида таслим бўлади, кўнгли тиламаган қизга уйланиб қўш хотинли бўлиб қолади; Юсуфбек ҳождек қатъиятли сиймо бу борада "чала-думбул" хотини Ўзбек ойимга бас келолмайди, ўша муҳитнинг одами сифатида бунга қурби етмайди. Айтиш мумкин биз идеал шахслар деб билган сиймолардаги инсоний ожизлик, "кўнгли тилаган мурод"га эришиш йўлидаги курашларда ожизлик, омадсизлик ҳам оилавий, ҳам ижтимоий ҳаётдаги фожиалар учун йўл очади.

Яна бир ажиб ҳол: Отабек тимсолида кундошлик удумига қатъиян қарши турган, унинг аянчли фожиасини қойилмақом қилиб, ўқувчини ларзага солар тарзда кўрсатган адибимиз роман ёзилганидан 16 йил ўтиб Қозон сафарида беихтиёр ўзи "Ўткан кунлар"да қаламга олган вортага тушиб қолади, у татар қизи Амина майлини рад этолмай, унга уйланишга мажбур бўлади (Бу ҳодиса тафсилотлари ҳақида камина ва Ш.Турдиевларнинг махсус мақолалари бор). Қисқаси, қаҳрамони Отабек кўргилиги ўзининг ҳам бошига тушади. Гўё романдаги яна бир башорат ҳаётда рўй беради. "Бандаи ожиз" деймиз. Биз "идеал қаҳрамонлар" деб атаган шахслар табиатидаги ожизлик ҳаётдаги реал баркамол сиймолар қисматида ҳам содир бўлаверар экан-да...

Қодирийдек беназир сиймо ҳаёти, қисматида, "Ўткан кунлар"дек



шоҳ асар саҳифалари қатида юқорида биз тилга олган каби тил-симлар, жумбоқлар, сир-синаотлар, мўъжизалар, бугунги кун учун сабоқ бўларлик ҳикматлар беҳисоб. Айниқса, асарда бошдан-оёқ ёлқин – нур бўлиб ўтган эл-юрт, миллат эрки, озодлиги, бирлиги го-яси мустақилликка эришган ҳозирги кунларимиз учун ниҳоятда ар-доқлидир. Ропла-роса ярим аср давомида бу роман дунёсини кезиб, уни қайта-қайта ўқиб, ўрганиб топган асосий хулосам шу. Айни пайт-да, бир тилагим – истагимни ҳам айтиб ўтсам: менинг юқоридаги кузатиш, қиёс, таҳлил, талқинларимни узил-кесил ҳукм деб қарал-маслигига умид қиламан. Адабиёт фанида энг самарали тамойил плүрализм – фикрлар хилма-хиллиги устувор бўлиб борар экан, жумладан, бу беқиёс асар яна узоқ йиллар, балким асрлар давоми-да кўплаб янги тадқиқотлар, хилма-хил талқинларга озиқ беражак.

2014 йил, январ-феврал

“ДАВРИМ ЖАРОҲАТИ” ДОСТОНИНИНГ УМУМБАШАРИЙ ИЖТИМОЙ ПАФОСИ

(Достон яратилганининг 50, мудҳиш жароҳат содир
этилганининг 70 йиллиги муносабати билан)

XX аср янги ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан бири кўпқиррали ижодкор Ойбек бисотида достон жанри алоҳида ўрин ту-тади. Қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида шоир тарихий ва за-монавий мавзуда йигирмага яқин достон яратди. Аксар достонлари қаҳрамонлари номлари билан аталади: “Дилбар – давр қизи”, “Темир-чи Жўра”, “Бахтигул ва Соғиндиқ”, “Гулноз”, “Навоий”, “Ҳамза”, “Зафар ва Заҳро”, “Маҳмуд Торобий”, “Ғули ва Навоий” каби... Бинобарин, уларда, шунингдек, “Ўч”, “Қаҳрамон қиз”, “Камончи”, “Қизлар”, “Бобом” ҳамда тугалланмай қолган “Темур” ва “Бобур” достонлари ҳам қаҳра-монлар қисмати талқинига бағишланган лиро-эпик асарлардир.

Улуғ шоирнинг биргина достони “Даврим жароҳати” эса ўзгача, ли-ро-публицистик йўналишда. Бу ерда асар қаҳрамони бевосита шоир-нинг ўзидир. Муаллиф унда шахсан ўзи шоҳид бўлган XX асрнинг энг мудҳиш ҳодисаларидан бири – иккинчи жаҳон уруши поёнида Япон заминида содир этилган – башарият тамаддуни тарихидаги мислсиз офат – атом қуролини ишга солиш туфайли бир дақиқа давомида 200 мингдан ортиқ тинч аҳоли ёстиғини қуритган, яна неча минглаб тирик қолганлар тани-ю қалбини бир умрга жароҳатлаган, бутун башарият



аҳлини ваҳшатга солган мудҳиш ҳодиса устида қалам тебратади. Шу мислсиз офат содир этилган дақиқалардан ўтган йигирма йил давомида шоир қалбидаги аламли туғён унга тинчлик бермайди, 1965 йилга келиб ўша – давр жароҳатининг қалбдаги асоратлари сатрларга тизилади ва дoston шаклига кириб, ғазабдор вулқон каби янграйди.

Ойбек ўша мудҳиш ҳодиса юз берган 1945 йил 6 август соат 8.15 дақиқа арафасида Япониянинг Хиросима шаҳридаги вазият манзараларини – японларнинг тинч-осойишта ҳаёт сурурини, сўнг ваҳшат кўпган дақиқалар, жаҳаннамга айланган, одам боласи тасаввурига сиғмайдиган ваҳшату даҳшатларни кўз олдимизда гавдалантиради, давр балосининг шум қанотидан қарсиллаб қуйилган ялмоғиз ўти лавҳаларини чизар экан "Азроил, инсондан, кел, ол сабоқни!", "Юз мингча одамлар – кул... Бу не офат?! Одамлар йўқ бўлди, қолди соялар... Миллион даражага ошган ҳарорат! Йиғлади соялар, йиғлади тошлар..." - дея дил-дилдан ўкинади... Бири биридан мудҳиш манзаралар тасвиридан сўнг, шоирнинг мана бу қалб фарёдига ўқувчи дили тоқат қилиши қийин, жудаям қийин:

*Латофат, муҳаббат, ҳаётдан бир из
Қолмади, бир онда барчаси барбод.
Қани ёш жувонлар? Қани йигит, қиз?
Қани ҳумор кўзлар – изида фарёд...*

Бу мудҳиш ҳодисага одам зоти эмас, она табиат, ҳатто денгиз сувлари ҳам дош беролмайди, унинг қаршисида "Тўлқинлар ўқирлар ҳазин марсия" деб ёзади шоир.

Дoston поёнида адиб ваҳшатли манзаралар таъсирида ларзага тушган қалб титроқларини жиловлаб, кўнглида кечган ўй-мушоҳадаларини сатрларга тиза бошлайди. Янги тарих – XX асрнинг ғоят зиддиятли муаммолари устида ўй-хаёлларга толади. Олим-шоир фикрича, мушарраф олимлар кўп жабр тортиб, илм марваридларини доналаб терди, ҳар бири қалбидан – кирмасдан қабр, илм машъалига бир учкун берди, жумладан,

*Олимлар асрлар атомнинг сирин –
Қидириб, босдилар қадам-бақадам,
Ақл олмоси-ла атомнинг мағзин
Чақишга уриниб, етдилар адам.*

*Олимлар асрлар тош, тикан, чангал –
Йўлларни босдилар... Ажойиб сабр!
Фикр учқуни-ла ёқдилар машъал,
Хайрли ишни, леб қучдилар қабр.*

Шу ўринда академик – олим шоир ғурур-ифтихор билан “Атомнинг қаъридан қудрат булоғин, Ҳаёт сари боғлаш – на гўзал орзу!” дейди. Унингча, аслида, бу тубсиз хазинага калит топиш билан баробардир. Шоирни қийнаган жумбоқ шуки: “Ҳайҳотки, бу калит жаҳаннам очди”.

Инсон даҳоси кашф этган, аслида эзгу мақсадларга йўналтирилган ихтироларни “ҳаёт чаманига ўт-олов сочиш”га хизмат эттирган кимсаларни шоир “Инсоннинг ифлоси – бир гуруҳ палид”, ёвузлик, “инсон шаънига ҳақорат”, башариятнинг душмани, минг аср ҳам юва олмайдиган тарихда қолган доғ деб атайди.

Шоир шу мудҳиш ҳодисадан сўнг дoston ёзилгунча ўтган йигирма йиллик ҳаётига назар ташлар экан:

*О, даҳшат, ёвузлик – таърифдан ожиз
Қаламим тебранмас, қотган сўзларим.
Ўйласам ҳар дафъа юрагим жиз-жиз –
Қоврилур, ҳасратда ёнур кўзларим,*

дея ҳайқиради. Йигирма йил бурун қалбида қолган ўша бедаво жароҳат бир умр шоирга тинчлик бермайди. Адиб дoston поёнида жабрдийда япон халқига чин дилдан ҳамдardдлик билдириб, “Ту-проғингга ҳали оёқ босмадим, Дardларингни таширман нақ йигирма йил... Бирга ёндим, бирга чекдим дardингни, Севгимни, дилимни қилганман тортиқ” дея асарига сўнгги нуқта қўяди. “Даврим жароҳати” шоирнинг бошқа дostonлари орасида айни шу ҳам “ғазабкор вулқон” тарзи, ҳам ўта самимияти билан ажралиб туради.

Нихоят, бу нодир асарнинг яна бир муҳим жиҳатига Сиз, азиз ўқувчилар эътиборини қаратишни истар эдим. Сир эмас, шоирнинг 30-50-йиллар давомида яратган деярли барча дostonларида ҳодисалар талқинида шўровий мафкура қандайдир даражада ўз асоратини қолдирган. “Даврим жароҳати” мамлакат тарихидаги янгиланиш – “эрувгарчилик” замони маҳсули сифатида бу хил синфий-мафкуравий ёндашувлардан деярли холи. “Инқилоб чақмоғи... ёрди зулматни” сингари бир-икки “шўровий” сатрларни мустасно этганда, асар бошдан-оёқ умумбашарий талқин, беқиёс инсоний дard билан йўғрилган.

Дoston дунёга келган кундан бошлаб эл оғзига тушди, асар асосида Республика радиоси томонидан яратилган радиоиницировка узоқ йиллар тингловчиларни ларзага солиб, ўйга толдириб келди, адабий танқидчилик асарни муносиб баҳолади, у дарслик, ўқув қўланмаларидан ўрин олди... Аммо булар етарли эмасдек туюлади. Бу умумбашарий аҳамиятга молик нодир дostonнинг жаҳон миқёсидаги



тарғиботи, ўзга тилларга, хусусан, япончага таржимаси устида бош қотирмоғимиз даркор. Достон яратилгандан буён орадан роппа-роса ярим аср ўтган бўлса-да, у ўз қадр-қимматини, умумбашарий ижтимоий пафоси, салобатини асло йўқотгани йўқ, айниқса, бугунги мислсиз фан-техника инқилоби замонида достон башариятни унинг хатарли оқибатларидан огоҳлантирувчи бонг каби янграмоқда. Ўтган аср поёнида Чернобиль атом электростанциясида содир бўлган фалокат, янги аср бошида, айти етмиш йил бурун атом захрини табиб кўрган япон халқи табиат инжиқлиги – цунами зарбаси туфайли ўз ватанидаги атом станцияларида юз берган ҳалокатлар зарбидан қанчалар озор чекканига гувоҳ бўлдик. Атом – водород бомбасига эгалик қилиш иштиёқи ваҳимаси Америка ва Россия, Хитой, Америка ва Ироқ, Шимолий ва Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Покистон, Эрон ва Исроил муносабатларига соя солиб келаётганини кўрдик, кўряпмиз... Шу хил хатарли ҳодисалар устида сўз борганда беихтиёр “Даврим жароҳати”даги оташин шоирнинг башариятни огоҳликка даъват этувчи қалб нидолари бот-бот ёдга тушаверади, қалбларни тугёнга солаверади.

Бугина эмас. “Даврим жароҳати” достони билан Ойбек ўзбек шеъриятида, аниқроғи, достончилигида ўзига хос ижтимоий пафос ифодаси анъанасини бошлаб берди. Агар Ойбек ўз достонида фан-техника мўъжизаси хайрли ишлар эмас, ёвуз мақсадларга хизмат этиши мислсиз фожиаларга олиб келганлигидан фарёд чекса, шоира Зулфия айти шу XX асрда содир бўлган бошқа бир мудҳиш жиноятнинг оқибати, атом бомбаси зарбасидан-да қолишмайдиган Сталин даври қатағонлари офатидан фарёд чекади. Аслида, униси ҳам, буниси ҳам бир-биридан қолишмайдиган давр жароҳатлари, хотира синиқлари, қалб изтиробларидир.

Шоир Эркин Воҳидов “Инсон” қасидасида Ойбекнинг “Даврим жароҳати”га жўровоз бўлиб, замондош-инсон зотига қарата “Машъали фикрат – сенинг, ҳам чангали ваҳшат сенинг... Миндинг илм нарвонига, Чиқдинг фунун осмонига, Бу жаҳон айвонига Аркон ўзинг, вайрон ўзинг. Заррани ижод этиб, Даҳшат бало бунёд этиб, Оқибатни ёд этиб, Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг” дея чексиз ҳасрат тўла ўй-мушоҳадаларга толади.

Ойбек кўнгил лирикасининг тадқиқотчиси, Зулфия, Эркин Воҳидовлар шеърияти мухлиси Улуғбек Ҳамдам эса ХХI аср остонасида туриб Ойбек бошлаб берган, Зулфия, Э. Воҳидовлар давом эттирган адабий анъана изидан бориб, бугунги инсон, башарият қисматининг бошқа бир қалтис жумбоғи устидаги ўй-кечинмалари, қалб изтиробларини изҳор этади. “Янги инсон” деб аталган изтехзога лойик

зот ким, у қаердан, қай тариқа пайдо бўлди? Қаёққа қараб кетяпти? Шу каби ҳаёт-мамот аҳамиятига молик масалаларни ўртага қўйиб, оғриқли саволларга ўзича жавоб қидиради; энг ёмони, янги инсон ўз юрагидан отилиб, кўчага чиқиб кетди, у комфортга сигиниб шундай аҳволга тушди; унинг таври ўзгарди, эркаги аёлга, аёли эркакка ўхшай бошлади, бир жинсли никоҳ одат тусига кира бошлади; бу жараённинг мудҳиш оқибати атом ва қатағон фалокатларидан-да кам эмас... Шоир шу ажаб аянчли ҳодиса устидаги аламли ўй-мушоҳадалари орқали башариятни бу хатардан огоҳ этмоқчи бўлади...

Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, "Даврим жароҳати"дан бошланган умумбашарий аҳамиятга молик табаррук адабий анъана миллий шеъриятимизда хилма-хил кўринишда изчил давом этаётир. Шу қутлуг анъанани бошлаб берган оташин шоир руҳи поки олдида бугун таъзим бажо келтиришга бурчлимиз.

2015 йил

ЭЗГУЛИККА, ТАРИХ ҲАҚИҚАТИГА САДОҚАТ

(Пиримқул Қодиров таваллудининг 85 йиллигига)

Севимли адибимиз Пиримқул Қодиров ҳаёт бўлганида шу йили таваллудининг 85 йиллигини бирга нишонлаган бўлардик. На чора, ўлим ҳақ, бугун у орамизда йўқ, аммо унинг руҳи поки, табаррук сиймоси ҳамиша кўз олдимизда, қалбимизда. Адибимиздан бой адабий мерос қолди, асарлари ҳудди тириклигидагидек севиб ўқилмоқда, ўқилаверади. Ардоқли ёзувчимизнинг таваллуд топган санасида унинг ғоят самарали ҳаёт ва ижод йўлига бир қур назар ташлайлик.

Ўтган аср 50-йиллари миёнасида "қатағонлар раҳнамози" деб ном олган мустабид ҳукмдор вафотидан кейин мамлакатда қисман эркинлик шабадалари эса бошлади, унинг эпкинни бизнинг ўлкамизга ҳам етиб келди. Бадий ижодда жонланиш, янги тўлқин пайдо бўлди. Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Алилар авлоди адабиёт майдонига чиқди, уларнинг ўнлаб истеъдодли сафдошлари, издошлари устоз адиб Абдулла Қаҳҳор атрофида уюшиб, қудратли адабий ҳаракатга айланди. Пиримқул Қодиров мана шу янги адабий авлоднинг қарвонбошиларида бири, Қаҳҳор мактабининг фаол толиби, айна пайтда Қаҳҳор ижодининг тадқиқотчиси, шунингдек, ижод бобида Қаҳҳорга хос ҳақгўйлик, шижоат анъанасининг давомчиси сифатида майдонга чиқди. Уни элга танитган илк романи "Уч илдиш" Қаҳҳор сўзлари би-



лан айтганда, ўзбек адабиётига “момақалдирокдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтиллаб” кириб келди. Яқин ўтмишдаги тарихий жараёнларнинг қайноқ изидан бориб, 1957 йили ёзилган бу роман миллий адабиётимизда, балки, собиқ иттифоқ адабиётида қатағон оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир.

“Уч илдиз”нинг яна бир муҳим жиҳати, унда ўтган аср 50-йиллар ша-роитида янги тарихий вазият таъсирида шакллана бошланган соғлом кучлар, хусусан, адибнинг ўзига тенгдош, замондош ёшларга, аниқроғи, мустабид тузум шакллантирган демагог, шафқатсиз даҳшатли кучларга қарши тура оладиган, ижтимоий адолат, инсон қадри, эрки, шаъни учун дадил курашга отланган Маҳкам, Гавҳар сингари ёшларга хос хислатларни алоҳида самимият, меҳр-муҳаббат билан қаламга олади; чин маънавият инсоний камолотнинг бош омили – бақувват илдизлари эканига алоҳида урғу беради. Илк романида намоён бўлган бу хил тамойиллар адибнинг кейинги “Қора кўзлар”, “Қадрим”, “Эрк”, “Олмос камар” каби замондошлари ҳаётидан олиб ёзган асарларида ўзгача кўринишда, янада юксакроқ бадиий ифодасини топди.

Замондошлари ҳақидаги роман, қиссалари адиб ижодининг бир қаноти бўлса, тарихий мавзудаги романлари иккинчи қанотини ташкил этади. Замондошлари ҳақидаги асарлари аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, ёзувчига тарихий мавзудаги романлари кўпроқ шуҳрат келтирганлигини эътироф этиш лозим. Университетда Шарқ тарихи бўйича таълим олган, фан номзоди – адабиётшунос олим, бадиий тил тадқиқотчиси сифатида танилган ёзувчимиз фикр-хаёлини ҳамиша халқимизнинг шонли ўтмиши, жаҳонни лол қолдирган буюк сиймолари ҳаёти мафтун этиб келарди.

Ниҳоят, замонавий мавзудаги асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган адиб ўтган аср 60-йиллар охирига келиб зўр жа-сорат билан улкан ва қалтис бир мавзуга қўл урди; Темурбек насли-нинг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаоли-яти тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг кўламли эпик полотно устида иш бошлади. Илҳом тўла машаққатли ижодий меҳнат, шижоат самара-си ўлароқ йигирма йил ичида “Юлдузли тунлар” (“Бобур”), “Авлодлар довони” (“Ҳумоюн ва Акбар”) номлари остида маҳобатли эпик асар майдонга келди.

Энг муҳими, бу кенг эпик полотнонинг ўқ томирини Бобур – Ҳу-моюн – Акбар, яъни бобо – ўғил – набира орасидаги ибратомуз му-носабатлар ташкил этади. Атоқли француз тарихчи-олими Э. Ренан буюк Темурий тождорлар Бобур – Ҳумоюн – Акбар орасидаги оқило-на ворислик жаҳон тарихида фақат бир мартагина содир бўлган но-дир ҳодиса деб тарифлайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган



Темур салтанатини янги асосда қайта тиклашга муяссар бўлди, бу билан бобокалони Темур руҳига мислсиз садоқатини намоён этди, унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса отаси асос солган салтанатни бало-қазолардан омон сақлаб қолди, ниҳоят, набираси Акбар бу салтанат доврўғини жаҳонга ёйди. Муаллиф айнаи шу ибратомуз ҳодиса моҳиятини теран бадиий таҳлил этиб, улкан эпик полотнонинг пафоси даражасига кўтарди.

Қарангки, мана шу эзгу ижодий жасорат мустабид тузум таъқибу тазйиқлари шароитида тарихий ўтмишимизни нуқулгина зулматдан иборат деб аташ урф тусини олган, ҳар куни “Ким эдик тарихда биз, номи қул, қашшоқ, гадо” деган бўхтону ҳақоратдан иборат кўшиқ сатрлари радио орқали янграб турган кезлари амалга ошди. “Юлдузли тунлар” муҳокамадан ўтиб, нашрга тавсия этилганидан сўнг олти йил босилмай ётди; ниҳоят, жонкуяр, фидойи кимсаларнинг саъйи ҳаракати туфайли у дунё юзини кўрди. Китобхонлар асарни байрамдек кутиб олди; қисқа фурсатда рус ва бошқа тилларга таржима этилди, танқидчиликда юсак баҳоланди. Давлат мукофоти билан тақдирланди. Мустабид тузум адабий сиёсатининг тутуриқсизлигини қарангки, орадан сал фурсат ўтгач Ёзувчилар уюшмаси съезди минбарида, сўнг Ўзкомпартия пленумида, матбуотда роман муаллифига жиддий ғоявий айблар қўйилди; тайёр турган иккинчи китоб нашри тўхтатиб қўйилди. 80-йиллар охирига бориб, мамлакатга янги типдаги бош раҳбар келгач, бундоқ машмашаларга чек қўйилди. Кўп саргардонликлардан сўнг асар дунё юзини кўрди. Ниҳоят, заҳматкаш адибимизнинг елкасига офтоб тегди. Пиримқул Қодировнинг тарихий романлари миллий адабиётимизда муҳим янгилик, катта ижодий жасорат, тарих ҳақиқатига садоқат сифатида баҳо олишга лойиқ.

Шўро даврида “Юлдузли тунлар”га баҳо берганда айрим адабиётшунослар роман ва унинг муаллифини таъқибу тазйиқлардан асраш мақсадида асардаги шох ва шоир Бобур шахсияти ва қисматидаги зиддиятлар ифодасига алоҳида урғу берар, Бобур образи тилидан айтилган: “Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир”, “Менга вафо қилса, фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин” деган сўзларини такрор-такрор эслатиб ўтар эдилар. Дарҳақиқат, Бобур шахсияти ва қисматида шундай зиддиятли ҳоллар чиндан рўй берган, ёзувчи романда шундай ҳолатларни бир эмас, бир неча ўринларда қаламга олган. Бу ҳол ҳақиқат тақозоси эканидан ташқари, ёзувчи учун ўзига хос адабий-бадиий тактика – эҳтиёт чораси бўлганлиги сир эмас. Шу хил зиддиятли ҳолатлар ифодасида ҳам, барибир, Бобур буюк сиймо, дилбар шахс, мислсиз саркарда, одил ва доно шахс сифа-



тида бутун улғуворлиги билан намоён бўлади. Муаллиф, биринчи галда, Бобурнинг даҳо инсон, арбоб сифатидаги хислатларини очиб беради, унинг тарихдаги энг буюк хизмати таназзулга юз тутган буюк Темур салтанатини қутқариб, унга янги асосда қайта ҳаёт бахш этганини кўрсатади. "Юлдузли тунлар"нинг асосий пафоси шундан иборат, ёзувчининг энг муҳим бадиий кашфиёти ҳам ана шунда.

Буюк сиймоларнинг драмаларга тўла шонли ва мураккаб ҳаёт йўлини, тарихдаги буюк хизматларини тарих ҳақиқатига содиқ ҳолда холис ифодалаш "Авлодлар довони"да яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлган.

Очиғи, ўзбек адабиётида ўша пайтда бу қадар кенг қамровли тарихий романлар яратилмаган эди. Ҳар икки китобни бирга қўшиб оладиган бўлсак, юз йилдан ошиқроқ давр, даврнинг энг муҳим тарихий ҳодисалари, Турон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихининг ғоят чигал драматик воқеалари, юзлаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, авлодлар алмашуви; ўнлаб тарихий шахслар, ғалаба ва инқирозлар; давр ғоялари, турли хил эътиқодлар, оддий меҳнат аҳлининг аҳвол-руҳияти; ҳар хил миллат, турли даврларга оид удум-тамойиллар; ғоят катта ҳудуд – турли юртларнинг шахру қишлоқлари, дарё, ўрмонлари, далалари, иқлиму муҳити – буларнинг барчасини бор ҳолича кўриб, билиб, юракдан ҳис этиб, аниқ тасвирлаш, жонли гавдалантириш осон иш эмас!

"Авлодлар довони" романи муаллифи олдида яна бир мушкул вазифа турарди. Маълумки, "Юлдузли тунлар"нинг асосий воқеалари ёзувчининг ўз она юртида бўлиб ўтади, асарнинг асосий персонажлари ҳам шу юрт одамлари. "Авлодлар довони"да эса воқеалар бутунаси ҳинд диёрига кўчади. Бобур умрининг сўнгги йиллари, Ҳумоюннинг жанговар фаолияти Ҳиндистонда кечса-да, улар ўзларини бу юртда бегона ҳис этадилар, она юрт соғинчи билан армон-ўкинчда яшаб ўтадилар. Акбар эса дилда ота-боболар ақидаларини эъзозлагани ҳолда, бу юрт, бу элнинг фарзандига айланади, ҳинд ҳаётига сингиб кетади, ҳинд қизларига уйланиб, ҳиндлар билан куда-кудағайга айланиб, кўплаб ҳиндча удумларга амал қилади... Қисқаси, "Юлдузли тунлар"да соф ўзбекона миллий руҳда бошланган тасвир-ифода "Авлодлар довони"да ҳиндча руҳ-колоритнинг устуворлиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳиндча руҳ-колорит устувор ўринларда ҳам ўзбек адабининг дастхати баралла сезилади; ўзбекона нигоҳ билан "Рамаяна" ва "Маҳобҳорат" эпослари, Р.Тагор романларига хос ҳиндча руҳ-колоритнинг қўшилиб-туташиб кетиши оқибати ўлароқ асар бетакрор бадиий қиёфа касб этади.

Бу роман жуда катта маърифий қимматга эга. Кузатишлар шундан далолат бераётирки, "Авлодлар довони" чиққунга қадар кўпчилик ўзбек китобхони Бобур, Ҳумоюн ҳақида бир қадар тасаввурга эга

бўлса ҳам, романнинг яна бир бош қаҳрамони – жаҳоннинг кўпгина маърифатли кишиларига таниш, улар учун ардоқли бўлган, “чина-кам даҳо” сиймолар қаторида тилга олинадиган Акбарни яхши билмас эканлар. Бу роман туфайли у ўз халқининг, бобо юртининг маънавий оламига қайта бошлади. Асарда яхши маънодаги маърифатчилик кенг ўрин олган. Муаллиф муҳим тарихий воқеалар, шахслар тўғрисида жуда кўп ишончли маълумотлар беради; булар ўқувчига малол келмайдиган жонли, образли тил билан ифода этилади. Китобхон гоҳо илмий-тарихий, аниқ ҳужжатли асар ўқиётирми ёки бадиий роман – унинг ҳаёлини реал ҳаёт ҳақиқати, чиндан бўлиб ўтган воқеалар, аниқ тарихий шахслар қисмати банд этади, барча воқеаларни тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилади. Бу тарихий роман учун яхши фазилат! “Асарлар китобини ўқиганингиз сари, – дейди муаллиф, – тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Шу сабабли мен Бобур, Ҳумоюн ва Акбарларнинг кўрган-кечирганларини тасвирлар эканман, ўз фантазиямдан кўра “тарих фантазияси”га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосландим»¹.

Бир қарашда, роман тарихий хроникага ўхшаб кетади: муаллиф бобурийлар сулоласи, хусусан, Ҳумоюн, Акбар ҳаётининг муҳим паллалари, тож-тахт учун олиб борган жангу жадаллари, уларнинг бунёдкорлик ишлари, маънавий изланишлари, орзу-армонларини йилма-йил, ойма-ой кунма-кун, гоҳо эса ҳар бир дақиқасини ипидан игнасиғача бутун тафсилотлари билан беради; Акбарнинг туғилишидан тортиб то ўлимига қадар бутун ҳаётини ҳикоя қилади, адиб қаҳрамонларининг оилавий, шахсий интим ҳаётини, саройдаги можароларни, авлодлар, ота ва боболар, ака-укалар орасидаги можароларни ҳам эсдан чиқармайди. Шунга қарамай, асарни биз оддий хроника деб айтолмаймиз, у асло оддий солнома, жангнома эмас. “Авлодлар доवони” кенг қамровли, тарихий ҳодисаларни, тарихий шахслар тақдирини теран бадиий таҳлил этувчи, ўтмиш ҳодисаларидан бугунги кун учун сабоқ берувчи ўй-мушоҳадалар романи, у фақат тарихий воқеалар, тарихий шахслар тақдири ҳақидагина эмас, муҳим ижтимоий-фалсафий ғоялар, юксак оригинал гуманистик концепцияларнинг туғилиб, шаклланиши тўғрисидаги романдир.

Ҳиндистон – кўп миллатли ва кўп динли мамлакат. Ҳиндистон халқи узоқ йиллар давомида миллий ва диний айирмалар, адоват-

¹ “Ёшлик”, 1993, 10-11-сонлар. 10-бет.



лар жабрини бир неча бор татиб кўрган; халқнинг тараққийпарвар фарзандлари дину миллат айирмай, турли миллат, ҳар хил эътиқод кишиларининг иноқ, тотув яшаши ғоясини илгари сурганлар; Кабир каби подшолар шу ғояни зўр эҳтирос билан тарғиб этган. Ҳумоюн, айниқса, Акбар шу умумбашарий ғояни амалга оширмоқ йўлида астойдил кураш олиб борган, Акбар бобоси Бобур, отаси Ҳумоюн васиятларига содиқ қолиб, барча халқларни миллий низо, диний адоват балоларидан халос қилишнинг янги йўлларини излайди, “ҳамма эллар ва эътиқодлар тенг” деб эълон этади, жаҳонда биринчилардан бўлиб “сулҳи кулл” – ҳар томонлама тинчлик сиёсатини ўтказди. Романда мана шу эзгу ғоянинг туғилиш тарихи, унга бўлган тарихий зарурият, ҳаётий эҳтиёж, бу ғояни рўёбга чиқариш йўлидаги машаққатли курашлар, сон-саноқсиз қурбонлар, унинг муайян тантанаси ва фожиавий инқирози – барчаси билимдонлик, катта маҳорат билан бадиий тадқиқ қилинган. “Авлодлар довони”нинг аини шу жиҳати ҳақида Чингиз Айтматов роман муаллифига йўллаган мактубида шуларни ёзади: “Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни интеграция қилишга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий интеграцияга одамзод барибир мурожаат қилади, чунки бугунги шароитда инсониятнинг омон қолишга имконият берувчи бирдан-бир йўл ана шудир”²¹.

Асарни ўқиганда киши ҳаёлини доимо банд этиб турадиган икки зиддиятли ҳолат мавжуд: бир томондан, шахсий ғараз, худбинлик, шуҳрат, тор манфаат, мансаб-мартаба, ҳокимият, тож-тахт учун кураш, бу йўлдаги олишув, ҳийла-найранг, хиёнат ва пасткашликлар – булар миллат, қолаверса, бутун инсоният тарихидаги энг мудҳиш қора доғлардир; бундай иллат, қабиҳ хатти-ҳаракатлар оқибатида “инсон” деган табаррук зот шаъни оёқ ости қилинади, одам бола-си, ҳатто энг яқин кишилар – ота-ўғил, оға-ини орасида меҳр-оқибат, кўтарилади, бир-бирига ашаддий рақибга айланади, минг-минглаб кишилар дилига озор етади, беҳуда қонлар тўкилади, охир-оқибат юртдаги ҳар бир тирик жон, бутун бошли халқ, инсоният ҳаёти, камолоти инқирозга, заволга юз тутати... Шу ҳолат асар давомида ўқувчи дилига бетиним озор бериб туради. Бу роман одамзодни мана шу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариб олишга ундайди. Иккинчи томондан, доно, олижаноб, фидойи, ватан, эл-юрт манфаати ишига жонини, жаҳонини тиккан аломат одамларнинг ҳаётда ҳамиша борлиги, бебаҳо эзгуликлар машаққатларга, таҳдиду таъқибларга қарамай

¹ Қаранг: Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. Т., “Маънавият”, 2001, 91-бет.

авлоддан-авлодга ўтиб бориши, эзгуликнинг ворисийлиги, мангулиги ўқувчи дилига далда беради, қувонч бахш этади. Асар қаҳрамонлари, сарой аъёнлари образи, уларнинг тарихда тутган ўрни устида сўз борганда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз. Гап шундаки, ҳар иккала романда ҳам бобурийлар, бинобарин, темурийлар сулоласига мансуб аломат аёлларнинг – тарихий сиймоларнинг образи катта эҳтиром, зўр меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган. Айниқса, Хонзодабегим, Ҳамидабону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик. Хонзодабегимнинг иниси Бобурга чексиз меҳри, садоқати, ўз шахсий ҳаётини қурбон қилиб, кўнгли тиламаган одам – Шайбониҳон шартига қўниб, унинг никоҳига ўтиб, инисининг ҳаётини қутқариб қолиши, бинобарин, Темурийлар салтанатини сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшгани – эртак ва дostonлардаги аёл қаҳрамонлар шижоати ва жасоратини эслатади. Аслида, бу ҳаётда чиндан бўлган ҳодиса! Ёзувчи Хонзода бегимнинг жасорат ва фожиаларга тўла ҳаёт йўлини реалистик бўёқларда маҳорат билан ёрқин гавдалантирган. Ёшлигиданоқ жасур, тадбиркор, доно аёл сифатида танилган Ҳамида бону Акбарнинг “даҳо шахс” бўлиб етишувида қанчалар заҳмат чекади. Бугина эмас, Акбар шоҳ сифатида доврўғ қозонган кезларда ҳам донишманд она мадад ва маслаҳатларидан доимо баҳраманд бўлиб туради... Умуман, бу хил табаррук аёлларнинг давлат ишларига ва илму санъат ривожига қўшган ҳиссаси, қонли урушларнинг олдини олиш, узоқ жойларга элчи бўлиб бориш, бир неча бор ота-бола низоларини бартараф этишдаги фидойиликлари ифодаси романнинг энг жозибадор саҳифаларини ташкил этади.

Ҳозирча кўпроқ романнинг тарихий, маърифий, ижтимоий-фалсафий хусусиятлари тўғрисида сўз юритилди. Аслида бу кенг қамровли асарнинг бадиий фазилатлари, қаҳрамонларнинг руҳий олами, ундаги кўплаб санъаткорона тасвирланган лавҳа-картиналар ҳақида ҳам тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Ҳумоюннинг мағлубияти, ҳинд йигити Низом мешкобчи мададида ҳалокатдан аранг қутилиб қолиши; узоқ давом этган адоват, биродаркушлик жангларидан сўнг Ҳумоюн ташаббуси билан оға-иниларнинг учрашуви, Ҳиндикуш тоғининг этакларида гўзал табиат қучоғида уюштирилган базм-тантана, оға-иниларнинг дунё, тож-тахт ташвишларини бир дам унутиб, беғубор болалик йилларига қайтиб, озгина муддат дилкаш суҳбат қуриши, ота Бобур қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳи олдида қасамёд этишлари, аҳду-паймонларига, қасамёдига ҳиёнат қилиб, яна ўзаро адоват, биродаркушлик урушлари йўлини тутган Комроннинг мудҳиш жазога маҳкум этилиши, кўзига мил тортиш лавҳаси; Акбар-



нинг ҳинд қизи билан никоҳ тўйи маросими, донишманд Салим ота билан фалсафий мулоқотлари, бу довюрак, баҳодир йигитнинг фил билан олишувлари, ёвлар билан жанглари – бундай ўринлар чинакам бадиий тасвир намуналаридир.

Тарихимизнинг туб бурилиш палласи 1991 йил – миллий адабиётимиз учун буюк имтиҳон, сарҳисоб палласи бўлди. Шўро даврида битилган, даврнинг ўткинчи, алдамчи ғоялари билан булганган сон-саноксиз “асар”лар ортда қолиб кетди. Чин истеъдод, олижаноб ғоялар нури билан йўғрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримқул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романлари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг улуғ ғояларига хизмат этмоқда.

Истиқлол йилларида адабимиз давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Республика Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари сифатида эл-юртга чин садоқат билан хизмат қилди. Айни пайтда, ижодий фаолиятини изчил давом эттирди. Мураккаб ўтиш даврида матбуотдаги чиқишлари, публицистик мақолалари орқали қатъий туриб, истиқлол ғояларини ҳимоя қилди, топталган миллий-тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида жонбозлик кўрсатди. Унинг тарихий ўтмишдан олиб ёзган “Она лочин видоси” романи, “Тил ва эл”, “Амир Темури сиймоси” илмий бадиалари айна шу эзгу ғоялар руҳи билан йўғрилган.

“Чин истеъдод бу – кўпга кетадиган бардош” деган доно нақлни Пиримқул акамиз давраларда кўп бор эслатиб турардилар. Айни шу ноёб хислат – эзгуликка, сўз санъатига, тарих ҳақиқатига садоқат ва бу йўлдаги фидойилик, бардош адабимизнинг қутлуғ умри, 60 йиллик ижодий фаолиятида ҳамиша маёқ бўлиб келди. Бу фазилат миллатимизнинг янги аср авлоди, истиқлол фарзандлари, хусусан, ёш ижодкорлар учун ҳам ибратдир. Шоира Зулфия опамизнинг адабга бағишланган шеъридаги мана бу оташин сўзлар айна пайтда ёш авлодга ҳам қаратилгандир:

Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин...

Ёниб ўтларда тоблаш ҳар ҳижони Сиздан ўргансин...

*Бу ён мозий, бу ён - гулшан замон, қонда икки црмоқ,
Азиздир қай бири фикру юракка кўп қийин билмоқ,
Ва лекин икки дарёдан жавоҳирлар топиб термоқ
Ва элга тухфа этмоқда фидони Сиздан ўргансин!*

2013 йил



БИР ГУРУНГ ЧОФИДАГИ ЎЙ-МУШОҲАДАЛАР

2006 йилнинг 20 август якшанба куни Бўстонлиқнинг Чорбоғ ҳудудида жойлашган ёзувчиларнинг дала боғ кўрғонида ижодкорлар ўртасида анъанавий бешинчи шахмат турнири бўлиб ўтди. Устоз Озод Шарафиддиновнинг порлоқ хотирасига бағишланган ушбу тадбирда меҳмон сифатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Таклиф этилганлар қаторида улкан адибимиз Одил Ёқубов ҳам бор эди. Турнирни даврадагиларнинг энг ёши улуғи – саксонни қоралаб келаётган Одил ака табрик сўзи билан бошлаб бердилар. Одил ака ҳам шахмат шайдоси; авваллари кўп кузатганман – манаман деган шахмат шоввозлари саналмиш адиблар – Озод ака, Эркин, Худойберди, Иброҳимжонлар билан мардона беллашиб, бирда ғалаба сурурини тотиб, бирда мағлубият аламини чеккан, камдан-кам ҳолларда дурангга рози бўлган. Агар ўйинга тушса, аминманки, ўша куни рақибини доғда қолдириши тайин эди. Бироқ ўз қадрини билган оқсоқол адибимиз ёшига ярашадиган йўл тутиб, қаламкаш сафдошлари, шогирдларига оқ йўл тилаш билан чекланди. Турнир иштирокчиларига ҳалақит бермаслик учун сўлим боғнинг кўркем айвонида устоз адиб теварагида алоҳида давра курдик. Эрталаб бошланган гурунги кеч – асрга қадар қарийб ўн соат давом этди. Жуда кўп воқеа-ҳодисалар, гоҳ жиддий, гоҳ кулгили, гоҳ қувончли, гоҳ алам-армонли хотиралар эсга олинди. Гап-сўзлар, асосан, адабиёт, бугунги адабий жараён муаммолари, босиб ўтилган йўл сабоқлари устида кетди.

Умр оқар дарё дейдилар. Одил ака билан илк бор ярим аср бурун университетда танишганман. У киши мендан бор-йўғи бир курс олдинда – рус филологияси бўлимида ўқирди. Кези келганда айтиб ўтай, урушдан кейинги йиллари талабалар таркиби ўзига хос бўлган – курсдошлар орасида тўғридан-тўғри мактаб партасидан университет аудиториясига келган 17-18 ёшлилар билан баробар ёши бирмунча улуғ, уруш қатнашчиларини ҳам учратиш мумкин эди. Одил Ёқубов ана шундай жанг кўрган талабалардан эди. Ўз даврида ўзбек болалар адабиётида муайян янгилик бўлган «Тенгдошлар» қиссаси суаллифи билан бир том остида таълим олиш бизларга чексиз ғурур бахш этарди. Талаба адиб барча талабаларнинг нигоҳида-назарида эди, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб борардик. Одил аканинг қуйи курс талабаси одоб-андиша, сулувлиқда танҳо Марямхон билан ишқий мулоқотлари ҳам ёшларнинг оғзига тушган эди. Ўша кезлари Одил ака қаерда, қайси хонадонда яшаганини билмайман, бироқ дарсдан бўш вақтларда уни ҳамиша университетнинг асосий кутуб-



хонасида кўрардик. Камина ҳам кутубхонанинг «кунда-шунда»ларидан эдим. Бироқ «кунда-шунда»ликда ҳеч қайсимиз Одил акага тенглашолмасдик. Одил аканинг ўқув хонаси четроғида жойлашган столи устида турли-туман китоблар, асосан, рус ва жаҳон адабиёти намуналари, журнал-газеталар, дафтар-қўлёзмалар қалашиб ётарди. Мутолаа, дарсларга тайёргарлик билан баробар, афтидан, у янги асарлари устида ҳам шу ерда ишларди. Ўша йиллари университетда адабиёт тўгарагининг нуфузи хийла баланд эди, тўгарак органи «Студент» журналининг галдаги ҳар бир сони жиддий муҳокама қилинар, муҳокама чоғи аксари асосий гапни Одил ака айтарди. Бу одам хийла вазмин, сиртдан осойишта кўринса-да, минбарга чиққанида ҳаяжон билан жўшиб-ёниб гапирар, баҳс-мунозаралар чоғи ҳеч кимни, ҳатто домлаларни ҳам аямасдан дилидаги гапларни шартта-шартта айтаверарди. Айниқса, асарларга 40-50-йилларида урф бўлган ақидапарастлик асосида ёндашишларга асло тоқат қилолмасди. Фақат қаламкаш дўстлари эмас, ўз асарлари хусусида айтилган бундай фикрларни кескин рад этарди. «Розахон» деган бир пардали комедияси муҳокамасида каминанинг ўша давр расмий қарашлари таъсирида асарда қаламга олинган мешчанлик илллати «ҳаётиимиз учун типик эмас» деган гапим Одил аканинг жиддий эътирозига учради. Бундай кескин эътироз мени, бир жиҳатдан, эсанкиратиб қўйди, иккинчи томондан, илк бор адабиёт хусусидаги расмий қарашларга ўзгачароқ, яъни танқидий кўз билан қарашга туртки берди.

Университетни битириш олдида чоп этилган «Икки муҳаббат» тўплами, айти шу йили саҳна юзини кўрган «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куюди» драмалари билан биз университетдошлар ҳақли равишда фахрланардик. Университетни тугатиб Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган кезлари энди уни, асосан, ўша даргоҳда учратардик. Галдаги ҳар бир янги асарини иштиёқ билан ўқиб борардик. «Розахон» муҳокамасида гапириб, тилим куйгани учун адибнинг галдаги асарлари ҳақида сўз айтишга чўчиб юрардим. Ниҳоят, «Шарқ юлдузи»нинг 1960 йил 1-сониди Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» қиссаси чиқди. Бу қисса кўплар қатори мени ҳам зўр ҳаяжонга солди. Энди у ҳақда мақола ёзишга журъат этдим. «Ёш ленинчи»да чиққан каттагина тақриз муаллифга маъқул тушди, унинг «Қиссани тушуниб ёзибсиз» деган гапи мени руҳлантириб юборди. Шундан кейин ёзувчи яратган деярли барча асарлари хусусида баҳоли қудрат сўз айтишга уриниб келаман... Дарҳақиқат, «Муқаддас» муаллифнинг ўша пайтга қадар ёзган ҳикоя, қисса, драмаларига нисбатан солиштириб бўлмас даражада олға ташланган дадил қадам эди. Бу асар гўё «Одил Ёқубов» деган феномен учун муаллифлик ёрлиғи вазифа-

сини ўтади. «Тенгдошлар»дан «Муқаддас»га қадар ўтган ўн йиллик йўл ёзувчи учун ижодда ўзлигини англаш – топиш йўлидаги бетиним изланиш, одат тусига кирган адабий қолиплар билан мурасасиз олишиш, машъум «конфликтсизлик назарияси» таъсирини, китобийлик инерциясини енгиб ўтиш йиллари бўлди. Муаллиф «Муқаддас»да ҳаётнинг ўзидан олган завқини, ўз юрак дардини, ҳаяжонларини изҳор этади, ўзи қаламга олган ҳаёт ҳодисаларини, персонажлар қалби ва руҳиятини мураккаблиги, зиддиятлари, чинакам нафосати билан китобхонга етказа олади. Қиссадаги икки ёшнинг ҳаётдаги илк мустақил қадамлари, қувонч ва ташвишлари ниҳоятда самимий ҳикоя қилинган, энг муҳими, ёзувчи дилидаги гаплар китобхон қалбини ҳаяжонга соларли гўзал поэтик шаклини топган.

«Муқаддас» ёзувчининг бош эстетик принципларини тайин этувчи асар сифатида ҳам қадрли. «Муқаддас» сўзи фақат қисса қаҳрамони номи билангина боғлиқ бўлмай, ёзувчи асарида зўр эҳтиром билан илгари сурган инсондаги энг азиз, муқаддас туйғулар – виждон, бурч, эътиқод, диёнат, адолат ғоясини ҳам ўзида ифодалайди. «Диёнат»дан тортиб тарихий романларию «Оққушлар...», «Адолат манзили» ва «Осий банда»га қадар адибнинг эътиборга сазовор барча асарларидаги гап-сўзлар, асосан, худди шу муаммо теварагида айланади...

1960-68-йиллар давомида Одил акани, асосан, Абдулла Қаҳҳор хонадониди, «Қаҳҳор одамлари» - Саид Аҳмад, Шухрат, П.Қодиоров, М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновлар даврасида кўрардим. Бу давра ўзига хос адабий дорилфунун, ижодий тафаккур мактаби бўлган. Эл-юрт, миллий адабиёт ғами билан куйиб-ёниб яшаш нима эканини шу даврада кўрганман, дилдан ҳис этганман. Ҳаёт, адабиёт, адабий жараён хусусидаги теша тегмаган гапларни, мардона ҳаққоний сўзларни шу даврада эшитардим. Бу давра аҳли учун бир-бирларига ҳамду санолар ёғдириш ёт эди. Абдулла ака О.Ёқубов, П.Қодиоров, М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновларни русча таълим кўрган, жаҳон адабиёти, адабиётшунослигидан бохабар чинакам «мулла ижодкорлар» дея ҳурмат қилар, шу билан баробар «улар русча ўйлаб, ўзбекча ёзади» дея писанда қилиб кўярди. Бир гап: «Одилнинг янги романи кўлёмасини ўқидингизми? - деб сўрадилар ва давом этиб, - «Эр бошига иш тушса...» кўлёмаси столим устида турибди. «Ўтмишдан эртақлар» билан бандман. Романни вақтида ўқиб беролмаганим учун ҳижолатдаман. Кеча газетада чиққан бобиға кўзим тушди. Эҳтирос, ўзбекона руҳ думидек гажоқ қилиб юборибди. Бу усул Туробга ярашади. Одилга эса мутлақо ёпишмай турибди. Буни Одилнинг ўзига айтдим».

Одил ака роман устидаги иш жараёнида бу мулоҳазани ҳисоб-



га олгани аён. Газетада чиққан боб билан романнинг китоб нусхаси матнини қиёслаганда бунга тўла амин бўласиз. Айни пайтда, маслақдош шогирдлари устоз асарлари ҳақида ҳам танқидий мулоҳазаларини дадил айтаверар эдилар. «Ўтмишдан эртақлар»да қора бўёқлар, бири-биридан мунгли, кишида оғир таассурот қолдирадиган ҳодисалар кўпайиб кетгани, «Тобутдан товуш»да яланғоч сахналар борлиги, «Нурли чўққилар»да асар ғояси Қаҳҳорга хос ифоданинг ўзидан табиий йўсинда оқиб чиқиши етишмаслиги – шу хилдаги эътирозларни Одил акадан эшитганман.

Адабиётшуносликда «биографик метод» деган илмий мактаб бор. Бу мактаб тарафдорлари ижодкор асарларида муаллиф биографияси, шахсияти билан алоқадор жиҳатларни тадқиқ этади. Афсус, бу илмий мактаб бизда ҳали тўла-тўқис шаклланган эмас. Одил Ёқубов ижоди айни шу муаммони текшириш учун ғоят бой, қизиқарли материал беради. «Эр бошига иш тушса», «Излайман», «Музқаймоқ», «Қайдасан, Мориго?» каби тўғридан-тўғри автобиографик характердаги роман, қисса, ҳикоялари қатори адибнинг бадий фантазия-таъсаввур маҳсули саналмиш асарларида ҳам кўрган-кечирганлари, ҳаётий тажрибалари билан алоқадор жиҳатлар беҳисоб. Ҳатто узоқ ўтмишдан олиб ёзган драма, романлари воқеалари пардаси ортида адибнинг ўзлиги, замонаси, уни қийнаган, ўйга толдирган ўткир ҳаётий муаммоларга туташ робиталар баралла кўзга ташланиб туради. У ўтмишга ҳам ўз замонаси, XX аср иккинчи ярми одами нигоҳи, ҳаётий тажрибаси орқали назар ташлайди.

Одил аканинг волидаи муҳтарамаси қазо қилганида Озод ака, Пиримқул ака, Худойбердилар билан Қарноққа борганда, наҳорги эҳсон оши пайтида таъзияга келганларни кузатганда, улар орасида ўнлаб айни адиб асарларидаги персонажларга қуйиб қўйгандек ўхшаш чеҳраларни кўриб ҳайратда қолган эдим. Бугина эмас, халқимизнинг азалий удумлари, мўътабар анъаналари яхши сақланган, тиниқ булоқлари, сўлим боғлари, хусусан, олмасзорлари, бепоён яйловлари, ям-яшил қир-адирлари билан дилларни мафтун этувчи киндик қони тўкилган бу мафтункор юрт манзаралари ифодаси адиб асарларига бетакрор руҳ, ажиб файз бахш этган.

Одил акани бемалол ўз замонасининг куйчиси, бадий солномачиси деб аташ мумкин. 37-йил қатағони, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти воқеалари, Узоқ Шарқдаги жанг лавҳалари, 50-йиллар мушкулотлари, 60-йиллар тўлғоқлари, қайта қуриш, ниҳоят, истиқлол тўлқинлари, бозор муносабатларига ўтиш даври одамлар қисмати, руҳиятидаги эврилишлар – «Эр бошига иш тушса», «Излайман», «Қайдасан, Мориго?», «Қанот жуфт бўлади», «Ди-



ёнат», «Оққушлар...», «Адолат манзили», «Бир кошона сирлари» ва «Осий банда»да мамлакат, миллат ҳаётидаги адибнинг ўзи гувоҳ бўлган, бевосита иштирок этган ўша тарихий ҳодиса, жараёнлар ҳаққоний, мардона, бетакрор ва таъсирчан акс эттирилган.

Одил Ёқубовнинг бахти, омади шундаки, унинг ёзувчи сифатида шаклланиши мустабид тузум адабий сиёсатида эрувгарчилик, бир оз эркинлик шабадалари эса бошлаган, ҳақиқатни айтиш, ифодалаш учун қисман йўл очилган даврга тўғри келди. Ўша кезлари кўп миллатли шўро адабиёти равнақида янги бир тўлқин бошланди. В. Астафьев, В. Тендряков, В.Распутин, Евг. Евтушенко, Р.Гамзатов, Ч.Айтматов каби ҳақиқатпараст, адолатпарвар ижодкорлар майдонга чиқди. А.Таврдовский сингари оқсоқол устоз адиблар бу шиддатли адабий ҳаракатни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб турдилар. Бизда ҳам айна шундай ҳодиса рўй берди, А.Қаҳҳор қаноти остида уюшган ўнлаб ижодкорларнинг ҳақиқат, адолат руҳи билан йўғрилган асарлари тўфайли миллий адабиётимизнинг нуфузи беқиёс даражада юқорига кўтарилди. Қаҳҳорнинг «Ёзувчи, шоир одамларнинг дилидаги, тили учидagi гапларни айтиши керак», «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас» деган сўзларини бизлар китобдан эмас, илк бор давраларда адибнинг ўз оғзидан эшитганимиз. Бугунги кунда 60-80-йиллар адабиётидаги «гап айтиш»га мойиллик тамойилини қусур сановчилар ҳам топилади. Тўғри, ўша кезлари кўплаб истеъдодли адиблар асарларида «гап айтиш»га, «масала кўтариш»га берилиб кетиб, гоҳо сўз санъатининг бош вазифаси – инсон жумбоғи, инсон қалбини англаш, тушуниш, тусунтириш мушкул бўлган қалб нағмаларини бадиий таҳлил ва талқин этиш эътибордан четда қолгандай туюлади. Бу ҳол ўша кезлардаги вазият, адабиёт олдида турган вазифалар билан изоҳланади. Расмий доираларда, улкан минбарларда, фан тилида, публицистикада мамлакат, одамлар ҳаётига оид ўткир муаммоларни кўтариб чиқиш, бор ҳақиқатни айтиш имкони бўлмагани учун бу вазифани, яъни социология, фалсафа, публицистика бажариши лозим бўлган вазифаларни адабиёт ўз зиммасига олди. Истеъдодли, имон-эътиқоди бутун, жасур адибларнинг энг яхши асарлари виждон садосига, ҳақиқат баҳсларига айланди. Айна пайтда, чин истеъдод соҳиблари, жумладан, О.Ёқубов қисса ва романларида «гап айтиш», «масала кўтариш», яъни ҳақиқат баҳслари персонажлар тимсолида тажассум топган мангу муаммолар – шахс жумбоғи талқинлари билан ажиб бир тарзда тутатиб кетган. «Диёнат»даги Отақўзи, Нормурод домла, «Оққушлар...»даги Шоввоз, Ойсулов, «Адолат манзили»даги Суюн бургут, Ветеран, «Бир кошона сирлари»даги Сарвар, Дилора, Дарвешали ва Гулнозалар айна шу



жиҳатлари билан эътиборга молик.

Нукул ўз кўрган-кечирганлари, тенгдош-замондошлари ҳақида ёзиб эл оғзига тушган адиб 70-йилларга келиб бирдан тарихий мавзуга қўл уриши — буюк олим, темурийзода Улуғбек ҳаётидан тарихий роман ёзиши кўпларни ҳайратга солди. Боз устига, улкан шоир, драматург қаламига мансуб миллий театримиз сахнасида қўйилиб, маданий ҳаётимизда жиддий ҳодисага айланган тождор улуғ олим тимсоли доврўғи ҳали заррача сусаймаган бир паллада пайдо бўлган роман муаллифи Улуғбек ҳақида қандай янги гап айтди экан деган андиша кўплар қатори мени ҳам безовта қиларди. Шоир Туроб Тўла лутф қилиб, ҳазрат Навоийдан иқтибос келтириб: «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Шайхнинг панжасига панжа урмоқ», дейиши бежиз эмас эди. Шу орада роман қўлёзмаси қўлимга тушди. Асарни бир кеча-кундузда ўқиб туширдим. Очиғи, «Ўткан кунлар»дан кейин миллий адабиётимиздаги мени энг ҳаяжонга солган тарихий роман шу бўлди. Мутолаа жараёнида бошдаги шубҳа-гумонлар тарқалди-кетди. Машҳур трагедияни мутлақо такрорламайдиган, айна пайтда у билан бемалол беллаша оладиган бутунлай янгича, оригинал асар пайдо бўлганлиги Одил аканинг кўллаб мухлислари қатори мени ҳам беҳад қувонтирди. Кейинроқ бу икки шоҳ асарни қиёсий таҳлил ва тадқиқ этувчи махсус мақола ёздим.

1972 йилнинг декабрида Ёзувчилар уюшмасида роман қўлёзмаси муҳокамаси бўлди. Муҳокама мажлисини уюшма раҳбарларидан бири Раҳмат Файзий бошқарди. Раҳмат ака ўзига хос эҳтиёткорлик билан нотиклар сўзларидаги эҳтирослар шаштини қайтариб, силаб-сийпалаб турди. Нотиклардан бири бу тарихий романдаги замонавий руҳ ҳақида сўз очиб, «У фақат Улуғбек ва унинг даври эмас, ҳамма замонларнинг асари, жумладан, улуғ сиймо бошига тушган савдолар, энг қалтис дамларда унга яқин, ҳатто ундан яхшилик кўрган банди оғизлар орасидаги саросима, иккиланиш, устоз алломадан юз ўгириш, хиёнатлар бизнинг замонамизда ҳам бўлди-ку, бўляпти-ку! Узоққа бормайлик, Ҳабиб Абдуллаев, Абдулла Қаҳҳорлар ҳаётининг сўнгги кунларида, вафотларидан сўнг айна шундай ҳодисаларни кўрдик-ку!» деганида, Раҳмат ака доврўраб қолдилар. Шунда хушёр бир адиб бир-биридан узоқ XV аср билан XX аср воқеаларидан бундай паралеллар қидириш нотўғри ва хатарли эканини айтиб, гапни бошқа ёққа бурди. Муҳокамадан сўнг ўша адиб қўлоғимга шивирлаб: «Сиз танқидчилар бунақа талқинлардан тийилиб туринглар, агар шу гаплар юқорига етиб боргудек бўлса, романинг наشري таппа-тақ тўхтади» деди.

Муҳокама чоғи айтилган яна бир қалтис гап жиддий эътирозга сабаб бўлди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, кимдир «Бош қаҳрамон асар-



нинг қоқ ўртасида ҳалокатга учраб, саҳнадан чиқиб кетади. Улуғбек ўлими тасвирини асар охирига олиш керак» деган фикрни ўртага ташлади. Бунда у улуғ сиймолар ҳақида ёзилган жаҳон адабиётидаги ва ўзимиздаги кўплаб асарларни, жумладан, «Мирзо Улуғбек» трагедиясини рўқач қилиб кўрсатди. Бу мулоҳазани бир-икки нотиқ кўллаб-қувватлагандай бўлди. Шунда устоз Озод ака сўз олиб, бу фикрга кескин эътироз билдирди. «Адабиётдаги мавжуд анъаналар, қонуниятлар мезони бўйича эмас, ҳар бир асарга унинг ўз ички қонуниятлари асосида баҳо беришга, фикр юритишга ўрганишимиз керак», - дея гап бошлади у. Устоз сўзида давом этиб, муаллиф тутган йўлни ҳар жиҳатдан оқлади. Дарҳақиқат, улуғ шахслар ҳақидаги трагедиялар, биографик романларнинг аксарияти бош қаҳрамоннинг ҳалокати, ўлими билан тугайди. Агар Одил Ёқубов бояги нотиқларнинг гапига кириб, анъанавий йўлдан бориб, Улуғбек ҳалокатини роман охирига кўчиргудек бўлса, асар барбод бўлиши мумкин. Аввало, «Улуғбек хазинаси» асари «Навоий», «Юлдузли тунлар» сингари бош қаҳрамоннинг узоқ йиллик ҳаёт йўлини ҳикоя қилиб берувчи тарихий-биографик роман эмас; қаҳрамон ҳаётининг қисқа ва энг қалтис фожеей палласи ҳақидаги асар. Бугина эмас, асар номидан ҳам кўриниб турибди: Улуғбек ҳаёт йўли эмас, унинг умр сарҳисоби, умри давомида орттирган энг азиз хазинаси – маънавий мероси, бу мероснинг қисмати, шу қалтис дамларда уни асраб қолиш йўлида кетган жангу жадаллар, яқинлар, шогирдлар орасидаги иккиланиш, ажралиш, инсоний ожизлигу матонат, хиёнат усадот – шулар билан боғлиқ бошдан-оёқ руҳий драмалар романидир. Асар биринчи қисмида Улуғбекнинг умр сўнгидаги қалб драмалари, алам-ўкинчлари, фарёдлари қанчалар таъсирчан ифода этилган бўлса, бош қаҳрамон ҳалокатидан сўнг садоқатли шогирд Али Қўшчининг шижоатлари, падаркуш Абдуллатифнинг руҳий қийноқлари, шогирд Мавлоно Муҳиддиннинг икки ўт орасидаги тўлғонишлари ифодаси орқали бошдаги драматик шиддат асар охирига қадар заррача су-саймай давом этади. Энг муҳими, фақат Улуғбекнинг танг вазиятдаги изтироблари эмас, Абдуллатиф, Мавлоно Муҳиддиннинг қалб қийноқлари ҳам ўқувчини ларзага соладиган тарзда ифода этилади. Ана шундай драмалар кўюни гирдобиди ҳамиша, ҳар қадамда марҳум улуғ алломанинг безовта руҳи кезиб юргандай туюлади. Бу безовта руҳ садоқатли шогирдларни шижоатга ундайди, хиёнаткор бандайи ожизларни эса дўзах азобига солади. Шу тариқа «Улуғбек хазинаси» орқали миллий адабиётимизда воқеанавислик романларидан кескин фарқ қилувчи руҳий драматик-тарихий романчиликка асос солинди, бу тажрибани муаллиф галдаги «Кўҳна дунё» романи-



да давом эттирди ва кўп янги хусусиятлар билан бойитди.

Чорбоғдаги гурунг чоғи муаллиф билан бирга бу роман теварагида кетган айрим баҳс-мунозаралар, умуман, роман табиати, хусусан, тарихий роман муаммолари хусусида бундан йигирма-йигирма беш йиллар бурун олиб борган суҳбатларимизни эсга олдик. Қаранг, чорак аср илгари «Роман табиати: талаб ва имкониятлари», «Ойбек даҳоси» ("Истеъдод кўлами") сарлавҳаси остида матбуотда эълон этилган суҳбат-мақолада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Роман жанри теварагида неча юз йиллардан бери баҳс-мунозаралар давом этади, унинг жумладан, тарихий романнинг жанр хусусиятларини аниқлашга кўп уринишлар бўлган. Бироқ ҳеч ким тарихий романнинг ҳамма учун мақбул узил-кесил таърифини беролгани йўқ. Шахсан Одил ака тарихчининг иши тугаган жойда ёзувчининг иши бошланади, деган қарашга мойил. Воқеанавислик, тарихий шахслар ҳаётини ҳикоя қилиб бериш, тарихий жараёнларни беллетристик тарзда гавдалантиришни ҳар қандай қаламкаш, жумладан, беллетрист тарихчи ҳам эплайверади. Аммо тарихий шахслар руҳиятини, умуман, руҳий жараёнларни ифодалаш, бадий таҳлил этиш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ғазнавий, Ибн Сино, Беруний ҳаёти, фаолиятига оид кўплаб тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган. «Кўҳна дунё» муаллифи, шубҳасиз, улардан фойдаланган. Бироқ ёзувчи «Улуғбек хазинаси»да бўлгани каби бу романда ҳам мавжуд тарихий ҳужжатларни, улуғ шахслар биографиясини бошдан-оёқ ҳикоя қилиш йўлидан борган эмас. Айни «Улуғбек хазинаси»даги каби бу уч улкан сиймо ҳаётининг қисқа даврлик палласини, энг кескин зиддиятли ҳодисалар силсиласини роман майдонига олиб чиқади; фақат бу уч сиймо эмас, улар билан алоқадор қатор персонажлар ҳаётидаги чигалликлар, руҳиятидаги шиддатли коллизия, изтироблар ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган бир тарзда ифода этилади. Мураккаб чигал қисматлар, руҳий драмалар ифодаси эса кизгин баҳс-мунозаралар руҳи билан йўғрилган. Бундай баҳс-мунозаралар фақат персонажлар орасида эмас, муаллиф билан асарда қаламга олинган тарихий давр, тарихий шахслар, бу кўҳна дунёнинг ажаб жумбоқлари, адолатсизликлари устида кетади; адибни, айниқса, шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг бир шеvasи – айшни нодон суриб, кулфатни доно тортиши аламли ўйларга, чексиз изтиробларга солади. Шу тариқа О.Ёқубов миллий адабиётимизда тарихий романнинг ўзига хос баҳс-мунозара хилини яратди. Баҳс-мунозара руҳи, айниқса, Султон Маҳмуд Ғазнавий сиймоси талқинида ёрқинроқ намоён бўлган. Асар муаллифи Ғазна-

вийни кўпроқ мустабид ҳукмдор сифатида кўрсатишга жазм этади; султоннинг эзгу ишлари, курган қасрлари, у яратган гўзалликда бе-назир жаннатмонанд боғлари, барпо қилган мачит ва мадрасалари, илм-фан кишиларига кўрсатган саҳоватлари, жанглардаги шижоати, мардлигу тантиликларини ҳам эҳтиром ила эътироф этган ҳолда унинг ўз ҳаётида йўл қўйган хатолари, адолатсизликлари, гуноҳлари учун умр сўнгида чеккан руҳий қийноқлари, Аллоҳ олдида тавба-тазаррулари ифодасига кенгроқ ўрин берди.

Ёзувчи асарида шундай йўл танлаган экан, у бунга ҳақли. «Кўҳна дунё» Ғазнавий ҳақидаги илмий рисола эмас. Адабий асарда ижодкор ўз бадиий ниятидан келиб чиқиб, тарихий шахсларга турли нуқтаи назардан ёндашавериши мумкин. Биламизки, Алишер Навоий достонидаги Искандар образи тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Ф.Шиллер ўзича, В.Скотт бошқача, С.Цвейг яна ўзгача талқин этган. Клеопатранинг Шекспир, А.Пушкин, Б.Шоу ва Чўлпон асарларидаги, шунингдек 60-йиллари Америка киночилари яратган фильмдаги талқинлари нақадар хилма-хил. Исо Масих ҳақидаги асарларда-чи!? Эҳтимол, келгусида бир истеъдодли ўзбек адаби чикиб, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётига мурожаат этиб, тамомила бошқача, яъни унинг кўпроқ ижобий томонларини кўрсатишга жазм қилиб, бу ишни қойилмақом қилиб адо этса, марҳамат, бундай ижодий жасоратни қутлаш мумкин. «Кўҳна дунё»да султон кўпроқ мустабид тождор сифатида гавдалантирилган экан, бу ҳам, умуман, олганда тарихий ҳақиқатга зид эмас, бу мураккаб сиймо ҳаётида бунинг учун етарли асослар бор. Қолаверса, ҳар қандай бандайи мўмин, айниқса, эл-юртга кўп йиллар бош бўлган оқил сиймо умри поёнида, боқий дунё бўсағасида, сўнги сарҳисоб чоғида хато-гуноҳлари учун изтироб оловида қовирилиши, тавба-тазаррулар орқали покланишга интилиши табиий бир ҳол.

Чорбоғдаги гурунгда адабнинг ижтимоий, журналистлик фаолияти устида ҳам гап кетди. У ҳар доимгидек бу гал ҳам «Литературная газета»га мухбирлик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бош муҳаррирлик қилган йилларини мамнуният билан эслади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Литературная газета» орқали момақалдиروقдай янграган мақолаларининг майдонга келиши ва юзага чиқишида мухбир Одил Ёкубовнинг ҳам ҳиссаси борлиги адабий жамоатчиликка аён. Одил ака ўртача ҳикоя ёки дostonдан кўра халқнинг дардини ифодалайдиган, корига ярайдиган ўткир публицистик мақола афзалдир, деган гапни кўп бор такрорларди ўша йиллари. Айни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» бош редактори О.Ёкубовнинг даъавати, рабати туфайли ўнлаб ёш истеъдодли шоир ва носирларимиз оташин



публицист сифатида танилган эди.

Озод Шарафиддиновнинг «Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари» эссеси устида сўз очилганида, адиб «Бундай мақолани фақат Озодгина ёзиши мумкин, - деди чуқур мамнуният билан. – Озод билан мен чин дўст, маслакдош эдик. Менинг дардим унинг дарди, унинг қувончи менинг ҳам қувончим эди. Москвадаги қурултой минбарида сўзлаган 7-8 минутлик нутқимнинг асл моҳиятини Сиз тилга олган мақолада худди айна мен каби қалбдан ҳис этиб, мен каби ўртаниб-ёниб теран очиб берган. Бизнинг танқидчилигимизда бунақаси кам учрайди».

Адиб қурултой минбаридан сўз олиш тарихи устида тўхталиб, бунда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бениҳоя катта хизмати алоҳида таъкидлади. «Шахсан у киши ташаббус кўрсатмаганида, куйиб-пишиб қурултой ҳайъати раисини бунга кўндирмаганида, биздек фақир бир езувчи учун минбарга чиқиш бир орзу-хаёл бўлиб қолаверарди, – дея сўзини давом эттирди. – Дўстим Озод Президентимиз ҳақида «Мустақиллик меъмори» деган яхши нарса ёзди. Камина ҳам «Қашқадарё гурунглари» очеркимда бу жасур, бунёдкор сиймонинг бетакрор инсоний фазилатлари, ижтимоий адолатни тиклаш йўлидаги жонбозликлари хусусида баҳоли қудрат қалам тебратганман. Бу асар ҳақида ҳам энг одил, ҳақ гапни Озод айтди».

Ниҳоят, гап-сўзларимиз адибнинг янги асари «Осий банда» романига келиб тақалди. «Саодат», «Тафаккур» журналларида асардан эълон қилинган боблар устида қизгин гап кетди. И.Ғафуров муаллифни романга топиб қўйилган чиройли ном билан қутлади, Ўткир Ҳошимов, Мирпўлат Мирзо, А.Расулов, О.Абдуллаевлар эса янги асарда яқин кечмиш воқеалари ўзгача тарзда кенг қўламда ҳарорат билан акс эттирилганлигини таъкидладилар.

«Жаҳон адабиёти» (2006 йил сентябрь сони) саҳифаларида босилган роман бобларини ўқиб, у ҳақда кенгрок тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Табиийки, ҳали тўла ҳолда чиқмаган роман устида гап айтиш, узил-кесил ҳукм-хулоса чиқариш қийин. Бироқ ўқилган боблар мутолааси чоғида туғилган айрим кузатиш, ўй-мулоҳазаларни изҳор этиш мумкин, деб ўйлайман.

Илк таассурот шуки, ёзувчи янги романида ҳам шу пайтга қадар замондошлари ҳаётдан олиб ёзган асарлари, хусусан, романлари тажрибаларига – шаклланган ўз анъаналарига содиқ қолган. Ўзи кўрган, кузатган, бевосита шохид бўлган ҳодисаларни қаламга олган. Адиб бу романида ҳам ўзини қийнаган, қалбини ўртаган ҳаётий муаммолар, ўша азалий инсоний жумбоқлар – имон-эътиқод, ор-номус ва диёнат каби муқаддас фазилатлардан чекинишга олиб



келган ижтимоий иллатлар устида баҳс юритади, тоталитар режим, мустабид сиёсат замонида яшаган, шахс сифатида шаклланган, катта ва кичик лавозимларда фаолият кўрсатган осий бандаларнинг табиати, қисматида ўша давр қолдирган асоратларни, руҳиятида кечган пинҳона ва ошкора зиддиятларни фавқуллодда бир маҳорат, ўзига хос эҳтирос, ҳарорат билан ифодалайди.

Романдан эълон этилган боблар воқеалари марказида донгдор машъал ҳўжалик раҳбари ҳазрат Саркор образи туради. Аввалги романларида бўлгани каби муаллиф қаҳрамон умри, фаолиятининг энг тигиз, драматик палласида туриб унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди; раҳбарлик лавозимидаги илк қадамларидан тортиб бу йўлдаги парвози, инқирозлари манзараларини бирма-бир эслаш, гавдалантириш орқали мамлакатимиз тарихидаги ўтган аср 50-йиллар ўрталаридан то 80-йиллар бошларига қадар, чорак аср давомида содир бўлган характерли тарихий жараёнларни китобхон кўзи олдида ёрқин, жонли бир тарзда гавдалантириб беради.

Асарни ўқиган ёш китобхон учун ундаги воқеалар, Саркор саргузаштлари, Катта Ота, Кичик Ота, жаллод грузин пошшо, дудуқ пошшо, қаҳри қаттиқ кўзойнак пошшо каби республика ва собиқ иттифоқ бош раҳбарлари билан боғлиқ эртакнамо, ҳам кулгили, ҳам аянчли ҳодисалар, хусусан, Катта Отанинг Мирзачўлга ташрифи, тўнғиз ови ҳангомалари нуқул ёзувчи фантазияси, бадиий тўқима бўлиб туюлиши мумкин. Адибга тенгдош одамлар яхши билади – бу номлар остидаги тайёр трагикомик персонажлар ҳаётда бор, ўтган одамлар; эртакнамо ҳангомалар эса ҳаётнинг ўзида деярли айнан содир бўлган. Қарангки, улкан мамлакат, неча миллионлаб тирик инсонлар тақдири ўша йиллари ўшандай кимсалар-нокис раҳнамолар ихтиёрида эди. Ёзувчи ният қаҳри қаттиқ кўзойнак пошшонинг Кичик Отага ғарази туфайли бутун бошли ўзбек халқининг шаъни топталган, бадном этилган. Ана Сизга мустабид тузумнинг асл қиёфаси!

Шуни унутмаслик керак, мазкур роман ҳужжатли асар эмас, ёзувчи, бир чеккаси, адабий одоб юзасидан, қолаверса, бадиият тақозосидан келиб чиқиб, ҳаётда бор шахсларни ўз номи билан эмас, адабий тўқима номлар билан атайди, инсоний қисматлар, саргузаштлар бобида ўзини эркин тутди, шахслар, саргузаштларни ижодий фантазия – тасаввур либосига ўраган ҳолда ўқувчига тақдим этади. Шу тариқа асарда ҳаётининг ҳақиқат билан ижодий тасаввур ажойиб бир тарзда уйғунлашади. Ёзувчининг «Кўҳна дунё» романида қўлланган бу усул янги замонавий романида ўзгача жило билан намоён бўлган. Истеҳзо, киноя-кесатиклар, нозик ишора, қочиримлар билан йўғрилган теран таҳлилий тасвир ва талқинлар эса асарга ўзига хос руҳ,



фазилат бахш этган.

Такрор айтаман, бу гаплар асарнинг эълон этилган боблари мутулааси асносида туғилган илк таассурот, илк мулоҳазалардир. Одил аканинг кўплаб мухлислари қатори шахсан мен ҳам романнинг тўла нашини орзиқиб кутиб қоламан.

«Осий банда» шундан далолат бериб турибдики, саксон ёшга қадам қўйган ардоқли адибимиз қалбидаги жўшқин илҳом, ижодий парвоз ҳамон авжида.

Ўша кунги гурунг чоғида Одил акани шундай ҳолда кўриб беҳад қувонган эдим.

2006, 2011 йиллар

ШОИР ШАЪНИГА ИККИ БАДИҲА

Мухтасар муқаддима

Азиз китобхон! Ушбу бадиа-эсседа мен атоқли шоир укамиз Муҳаммад Юсуф ҳаёти, ижоди билан боғлиқ камина бевосита шоҳид бўлган икки лавҳани, аниқроғи, кўнгилда бирданига бадиҳа тарзида туғилган кечинма-хотираларни қоғозга туширишга жазм этдим. Улардан бири шоир Ғафур Ғулом номидаги нашриётда ишлаган кезлари орамизда кечган бир мулоқот, иккинчиси эса Муҳаммаджон вафотидан кейин унинг туғилиб ўсган юрти Мингтепанинг "минг биринчи тепа"сида шоир хотирасига оид гурунг тафсилотларидир.

Илк мулоқот таассуротлари

Шоир Муҳаммад Юсуфни кўча-кўйларда, адабий давраларда учратиб, шеърий-ижодий фаолиятини мунтазам кузатиб юрган бўлсам-да, у билан бевосита ҳамсухбат бўлган эмас эдим. 1986 йили Ғафур Ғулом нашриётида "Қалб инқилоби" китобим корректураси устида ишлаш жараёнида у менга рўпара келиб, салом-алиқдан сўнг: "Умарали ака, дostonнамо бир нарса қоралаган эдим. Сизнинг бу жанрга оид мақолаларингизни кузатиб, ўқиб бораман. Муҳаммад Али ака билан суҳбатингизни телевидениеда кўрганман, журналда ўқиганман" дея машинкада кўчирилган 8-10 саҳифалик қўлёзмани қўлимга тутқазди ва "Назмда эмас, насрда битилган шу нарсани "дoston" деб атаса бўлармикан? Шошилинч эмас, бўш вақтингизда ўқиб фикрингизни айтарсиз", дея илова қилди-да, хонани тарк этди.

Китоб корректураси устидаги иш поёнига етай деб қолган эди, уни



битирдим, дарҳол Муҳаммаджон тутқазган қўлёмани қўлга олиб, мутолаага киришдим. Аввало, кутилмаган ном: "Осмоннинг охири"! Бунинг устига ўта халқона шеърлари билан аллақачон элга танилган шоирнинг насрдаги асари. Гарчи манзума-сочма тарзида битилган бўлса-да, ҳеч қанақа вазнга тушмайдиган, қофиясиз сатрлар бағрида чинакам шеърӣ рух, ажиб поэтик оҳанг баралла уфуриб турибди. Бир қарашда, ўша бизга таниш содда, самимий, халқона, ўйноқи сатрлар, айна пайтда, ўша ўйноқи жумлалар бағрида дарҳол англаш, тагига етиш қийин бўлган ташбеҳлар, тағдор, маънодор, ўқувчини ўйга толдирадиган, мушоҳадага ундайдиган жумбоқлар; маъно-мантиқ, ўй-мушоҳада оқимида бебошлиқ, кутилмаган қайрилишлар, жавобсиз саволлар, хитоблар, ўқувчини довдиратиб қўядиган мана бундай руҳий ҳолатлар:

"Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бировга яхшилик қилишдай гап.

Ҳақиқий шеърӣят ҳамиша оёқ остида. Мисралар қулунлар каби тупроққа ағанаб ётишибди. Тур, тойчоқ, чопамиз, десанг бас. Биз ҳар замон бир оёқ остига боқиб шеър топамиз. Кейин унинг чангини қоқамиз ва қанча кўп қоқсак – шунча кўп шеър йўқотамиз..."

Қизиқ, анъанавий эстетика, шеър чанг-ғуборлардан тозаланиб қанчалар сайқал топса, шунчалик юксакликка кўтарилади, дерди, шоиримиз эса бунинг аксини айтади...

Буниси ҳам майли. Мана бу кутилмаган сатрларга қаранг:

"Мен ҳозир Ерни ушлаб тўхтатаман. Нега тинмай айланаверади у.

Наҳот зерикмаган бўлса?

Ернинг охири қайда? Тасаввурни-чи?..

Аниқ рақамларни жиним суймайди. Учбурчаклар – тасаввур қафасларидир."

Асарда фикрлар, туйғулар, ўй-мушоҳадалар, ҳодисалар оқими, товланиши бутунлай ўзгача; миллий заминда қатъий турган, халқона шеърӣ анъаналаримиз йўлидан борган, бораётган ўта халқчил шоиримизнинг XX аср замонавий жаҳон адабиёти, аниқроғи, модерн шеърӣяти тамойилларига эш бу хил жиҳатлари мени пол қолдирди.

Ҳали ҳис-ҳаяжонларим босилмай туриб шоирнинг ишхонасига кирдим, асар мутолааси чоғида кўнглимда кечган шу хил ўй-мушоҳадаларимни айтдим, бу гаройиб ўзгача асар билан уни қутладим. "Сизни анъанавий йўлдан бораётган соф миллий шоир деб юрсам гирт модернист экансиз-ку!" десам: "Рус филологиясини битирган-



миз, курсдошларимга қўшилиб, тўрт йил жаҳон модерн шеърияти дарёси оқимида сузганмиз-да, мен ҳар қанча миллий заминга талпинмайин, гоҳо оёғим ўша томон тойиб кетганини ўзим ҳам билмай қоламан", — деди у кулиб.

Нихоят, менинг мазкур асар қўлёзмаси хусусидаги илиқ гапларим учун миннатдорчилик билдирди, ҳали у дoston даражасига етиб бормагани, асар устидаги иш давом этажани айтди.

Негадир асар кейинчалик "дoston даражасига кўтарилмай" шоир тўпламида ўша ҳолича чиқди. Шоир кейинги икки дostonи "Қўҳна қудуқ" билан "Қора қуёш"да миллий дostonчилигимиз анъаналари йўлидан борган эса-да, барибир, уларда ўзи талабалик йилларида ғаввос бўлиб сузган, замонавий жаҳон модерн шеърияти уммони нафаси, таъсири баралла сезилиб туради. Ана шу икки жиҳатни моҳирона уйғунлаштириш санъати шоирнинг бир қатор лирик шеърларида юксак даражада намоён бўлди ва айна шу ҳол шоиримизга катта шуҳрат келтирди. Даъвомиз исботи учун бир-икки мисол келтирай.

Анъанавий шеърятда ошиқ учун суюкли — фаришта, суймагани эса — ажина, ялмоғиз бўлиб кўринади. Шоиримиз учун эса суймагани суйгандан мулойим — кўркем!!!

Ҳеч қанақа шарҳу изоҳларсиз, оҳвоҳларсиз битилган мана бу биргина сатрда бутун бошли роман учун татигулик адоғи йўқ армон, инсоний фожиа мужассам:

Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ғаройиб шахс. "Қўзимнинг ёшини Келади ичгим, Тилимни чайнагим Келар гоҳида", "Юмалаб ётаман Илонлар билан. Уларга ишондим Бир ёрдан кўпроқ... Кийиклар қонини келади ичгим, Чаённи чайнагим келар гоҳида". Шоир Улуғбек Ҳамдам айтганидай, бу шеър шаклан анъанавий бармоқ вазнининг қоидаларига мувофиқ жарангласа-да, бироқ лирик қаҳрамоннинг ҳолати анъаналар доирасидан ташқарига чиқиб кетади. Чунки анъанавий шеърый этика "қаҳрамоннинг кийикнинг қонини ичиши, илонлар билан юмалаб ётиш"ига йўлатмас, айна пайтда, уни илондан, чаёндан эҳтиёт қилган бўларди.

Кўриниб турибдики, жаҳон янги шеърияти нафаси аллақачон ўзбек шеъриятига кириб келган ва у ҳатто энг анъанавий шоиримиз бисотида ҳам киши билмас бир тарзда намоён бўлган. Қисқаси, Муҳаммад Юсуф шунчаки миллий шоир эмас, янгича шеърый тафаккур бобида бугунги жаҳон шеърияти намоёнлари билан бўйлаша оладиган ноёб ижодкордир.

Шоир шеъриятидаги айна шу хил ноёб жиҳатлар янгидан-янги



тадқиқотлар, ўй-мушоҳадалар учун бой озиқ беради.

Минг биринчи тепадаги гурун

2003 йилнинг апрели. Бир гуруҳ тошкентлик ижодкорлар, адабиётшунос олимлар Ғафур Ғулом туғилган кунининг 100 йиллик анжуманида иштирок этиш учун Андижонга ташриф буюрдик. Салкам бир ҳафта ёққан ёмғир кечагина тиниб, булутлар тарқаб шаҳар қуёшнинг нурига чулғанган, қадим пахса девор уйларнинг бўғотлари лолақизғалдоқларнинг алвони билан бурканган. Кайфиятлар улғу шоир тўйига мос авж паллада. Андижон университети мажлислар залида уюштирилган адабий анжуман юксак савияда ўтди. Зиммадаги вазифалар кўнгилдагидек адо этилди.

Эртаси ёзувчи, адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдам таклифига кўра унинг она юрти Марҳамат тумани - қадим Мингтепага бордик. Биринчи галда тарихда Андижон кўзғолони номи билан юритилган миллий озодлик ҳаракати бошида турган мингтепалик Муҳаммадали – Дукчи эшонга алоқадаор хароба – ёдгорликларни зиёрат қилдик. Сўнг икки йил бурун бевақт оламдан ўтган Муҳаммад Юсуф қишлоғига ўтиб, у мангу макон тутган қабристонга ташриф буюриб, шоир қабрини зиёрат қилдик, Қуръон тиловат қилиб, руҳи покига бахшида этилди...

Улуғбек хонадони эгалари Мингтепа шимолидаги сайлгоҳ – қир тепаликлардан бирида меҳмонлар учун зиёфат дастурхони ёзишган экан. Қирлар ошиб, енгил машиналар, мотоциклларнинг зўриқиб тепаликка интилишларидан ўзимиз ҳам зўриқиб, зўр келганида машинадан тушиб, яёв юриб, ниҳоят, мўлжалланган манзилга етиб келдик. Теварак-атрофга боқиб, бирдан баҳри-дилимиз очилиб, йўл азоби чарчоқлари ҳам унутилди-кетди. Кўз олдимизда баҳор кўрки қулф уриб яшнаб ётган, Жанубий Фарғона канали қоқ иккига бўлиб турган Мингтепа воҳаси. Рўпарада Улуғбекнинг "Мувозанат" романида эҳтиром билан тасвир этилган Улуғ тоғ виқор билан савлат тўкиб турибди. Қадим-қадимлардан яшаб келган эл бу юртни бежиз Мингтепа деб атамаган экан. Теварак-атроф бир-бирига туташиб, қалашиб ётган қир-адир – тепаликлардан иборат. Эҳтимол, қачондир, кимдир тепаликларни санаб чиққандир, уларнинг саноғи роппа-роса мингтадир. Ўзимизча, соҳилнинг нарёғидаги энг баланд телани Мингинчи тепа ҳисоблаб Дукчи эшон номи билан атадик, замондош шоир Муҳаммад Юсуф туғилиб ўсган қишлоққа туташ ўзимиз ўтирган масканни эса Минг биринчи тепа санаб уни дилбар шоир номи билан юритишга қарор бердик.

Ўша дақиқаларда беихтиёр хаёлимдан қирқ йил бурун юз берган



воқеа тафсилотлари ўта бошлади. Устоз Субутой Долимов шахсий кутубхонасидаги 20-30-йилларга оид китоб, журналлар билан танишаётиб қўлимга 1927 йили чоп этиган «Дукчи эшон воқеаси» деб номланган китобча тушиб қолди. Ўзлари ниҳоятда саховатли бўлишларига қарамай, бунақа ноёб китобларга келганда ўта «хасис» домла, ўша куни сахийликлари тутиб, китобни бир ҳафтага ўқишга бердилар. Ўз даврининг маърифатли кишиси Фозилбек Отабек ўғли қаламига мансуб бу китобни мароқ билан ўқиб чиқдим. Китобдаги бир фотосурат ва унинг шарҳи, айниқса, менга қаттиқ таъсир қилди. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, Мингтепа тўпга тутилиб, эли эса қатағон этилгач, тирик қолганлар кўча-кўйда «ҳоким, пристуф ёки тўралар рўбарў келса дарҳол руку қилиб» салом беришга мажбур этилади. Ниҳоят, Туркистон вилоятининг генерал-губернатори «ярим подшоҳ» А.М.Духовский Андижонга ташриф буюради. Шаҳар вокзали майдони аҳоли вакиллари, мактаб болалари билан тўла. Ярим подшоҳ келиб вагондан тушган ҳамон барча, аввал ўргатилгандек, баробар энгашиб ерга қараб турадилар. «Ярим подшоҳ» уезд ҳокимидан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир» деб сўрайди. Ҳоким: «Жаноб император аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлик қилгани учун бизлар хижолат бўлиб, улуг ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бетимиз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, афв қилиб, подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан қарай олмаймиз, дейдилар», — дея жавоб қайтаради.

Ана, сизга халқ бошида турган мунофиқ, сотқин ҳокимларнинг халқни тобеликка, мутеликка, итоатга ўргатиш тактикаси, уялмай, Аллоҳдан қўрқмай халқ номидан ёлғонни чин деб айтган сўзлари. Бунақа машъум тактика — ёлғон бир аср давом этди, бу ҳол миллатни афкор этди! Сўнг нима бўлди денг. Фозилбек ўз китобида ёзади:

«Йикчи эшон қишлоғи бўлган Мингтепа ғўристонга айлантилгандан кейин «Ярим подшоҳ» ички Русияга бориб, тўрт юз уйлик мужик талаб қилди ва мужикларга Мингтепа қишлоғини марҳамат қилдиқ деб қишлоқ отини «Марҳамат» қўйди».

Бу хил тактика ҳам салкам юз йил давом этди, фақат исёнкорлар юрти эмас, ўлкадаги ном бериш мумкин бўлган маскану маконларнинг деярли 90 фойизи мустабидлар хоҳлаган номлар билан аталдиган бўлди.

Кези келганда айтиб ўтай: «Дукчи эшон воқеаси» 1992 йили янги ёзувга табдил этилиб, китоб ҳолида чоп этилди, лекин негадир 1927 йилги нашрида келтирилган қатор ноёб фотосуратлар, жумладан, вокзалдаги «Ярим подшоҳ»ни кутиб олиш маросими акс этган сурат



тушириб қолдирилди.

Аёнки, Андижон қўзғолони халқ мулкини, шаънини топташга қарши исён тарзида бошланган эди. Таъқибу таҳдиду қатагонларга қарамай Дукчи эшондан бошланган халқ қонидаги исёнкорона руҳ асло сўнмади. Орадан чорак аср ўтиб Андижондан Чўлпондек исёнкор шоир етишиб чиқди. Унинг қисмати ҳам қатагон билан якунланди-ю, шоирнинг «бўйин эгмасликка» чақириғи ўнлаб виждони уйғоқ эрксевар адибларнинг пинҳона шиори бўлиб қолаверди. Ниҳоят, аср охирига келиб Дукчи эшон сув ичган қутлуғ юртда яна бир исёнкор эрк куйчиси пайдо бўлди, унга Дукчи эшон, Чўлпонлар орзу қилган кунларни – юрт мустақиллигини кўриш, истиқлолни тўлиб-тошиб куйлаш насиб этди. Лекин унинг кўнглида бир армон қолди: «Эркли элда эркадир ҳар жони муслим, Ҳар юртнинг ўз эли муслим, жони муслим. Ҳар келгинди келса, ўзгармасин исмим, Мингтепани атайлик ўз номи билан» дея кўнгил розларини, аламларини тўкиб солди. Шоирнинг мана бу сатрларини тинглаб кўринг-а:

*Қандай алам отимизни қўйса ёвлар,
Марғилонлар қаердаю Горчаковлар?..
Бизни азал буколмаган бу синовлар,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.*

*Унутми ё бу аўшада оққан қонлар,
Бешигида чирқиллаган болажонлар,
Қўзғолонлар нега бўлди, қўзғолонлар?..
Мингтепани атайлик ўз номи билан.*

*...Ҳар ким ўзи қўйсин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наматиға,
Ҳеч бўлмаса, Дукчи эшон ҳурматиға
Мингтепани атайлик ўз номи билан.*

Муҳаммад Юсуф номи билан аталган тепалиқда Мингтепа жамолига тикилиб ўтириб гурунг курар эканмиз, шоирнинг бу армони эрта-дир-кечдир, албатта, ушалажагига умидвор эдик. Чунки истиқлол туфайли истибдод даврида топталган кўплаб миллий қадриятлар қатори қадим мўътабар жой номларини тиклаш жараёни давом этмоқда...

2014 йил



АЁЛ ШАЪНИГА ҚАСИДА

(Бадиъа)

Азизу муҳтарам, ҳар доим бош ҳарф билан битишга арзигулик Аёл – она, опа-сингил, қизалоқ, қолаверса, суюкли вафодор ёр ҳақида ёзмаган, улар шаънига бағишлов – қасидалар битмаган бирор шоир борми? Одам боласи бу ёруғ дунёга келгач, унинг илк таянчи, суянчи – суюкли она, тили чиқиб айтадиган илк сўзи ҳам – она. Шеър санъати ҳам она мадҳидан бошланган бўлса ажаб эмас. Неча-неча асрлардан бери не-не даҳо шоирлар бор бисотини ишга солиб аёл зоти шаънига мадҳиялар битади, ҳар бири бу ҳақида ўз сўзини айтади аммо бу табаррук зотнинг васфи – таъриф-тавсифини айтиб адо қилолмайди; ҳар бир давр, ҳар бир адабий авлод, ҳар бир чин истеъдод уни янгилайверади, кутилмаган қирраларини кашф этаверади.

XX асрнинг сўнгги чорагида адабиётимиз-шеърятимиз бўстони саҳнида пайдо бўлган, айна шу бўстон саҳнида ўзининг беқиёс чаманини яратган беназир истеъдод соҳиби Муҳаммад Юсуфнинг айна шу аёл шаънига бағишланган шеърларига бир қур назар ташлаб кўрайлик-а, унда қандай хикматлар бор экан...

Аввало, Муҳаммажон қизғин ижодий фаолият билан машғул бўлган йиллар қизил империя ҳалокатга юз тутган, талвасали сўнгги дамларини бошдан кечираётган, ниҳоят, Қодирий, Чўлпон сингари не-не типло бошлар орзу қилган, курашган, жонини-жаҳонини фидо этган миллат эрки, озодлиги, мустақиллиги амалга ошган қутлуғ бир палла эди. У биринчи галда она юрт, эл фарзанди, фуқароси, шоир ўғлони сифатида устозлари, сафдошлари, издошлари қатори Ватан, халқ эрки, озодлиги куйчиси сифатида майдонга чиқди.

Ушбу мақола-бадиамиз учун мавзу қилиб олинган аёл, аниқроғи, ўзбек аёли шаъни устида қалам тебратар экан, шоир унинг фақат бугуни эмас, яқин ўтмиши, босиб ўтган аламли-аянчли кунларига ҳам назар ташлайди. Гапни "Ўзбекнинг аёллари"дан бошлай қолайлик. Чунки унда ўзбек аёлининг яхлит поэтик портрети яратилган. Шеър шундай бошланади:

*Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган.*

Демак, шоир назарида ўзбек аёли фарзанд учун яралган, фарзандга меҳр унинг биринчи хислати, сўнг шеърнинг қолган яна тўрт



бандида унинг “фарзанд”га оҳангдош, қофиядош “меҳнат”, “тоқат”, “иффат”, “иззат”дек таърифлари қалашиб келади; “фарзанд”га “меҳнат”, “тоқат”, “иффат”, “иззат” қўшилиб ўзбек аёлининг яхлит бир бекиёс жамоли кўз олдимизда намоён бўлади.

Шоир айти шу хислатлар жамулжамини биринчи галда Она тимида кўради. Она ҳақидаги туркум шеърларининг ҳар бирида юқорида саналган бош унсурнинг ажиб, бетакрор зуҳри-ифодаларини кўрамиз: шоир ҳеч қанақа дабдаба, жимжима, ясама безакларсиз, “шонли совет замонаси”да не-не кўргилик, балло-офатларга дош бериб, фақирона кун кечирган хокисор қишлоқ аёлининг ичдан нур таратиб турган асл қиёфасини кўз олдимизда шундоққина гавдалантиради:

*Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам.*

*...Гарчи бисотингда “байрам” сўзи йўқ,
Биламан, кутасан сандал тўла чўғ,
... Дейсан: олисларда омон юрсанг бас,
Ёдингга тушсам гоҳ йўқлаб турсанг бас...*

Шоир шу ҳазин, мунгли манзара – ҳолатларнинг ифодаси чоғи, ўқувчини кўйиб турунг, ўзи ғам-ғуссалар оғушида ўзини йўқотар ҳолга тушади. Сўнг мана бундай мардона бир хулосага келади:

*Шаънингга шеър битдим. У сени топсин,
Пойингга тиз чўкиб, қўлингни ўпсин.
Ундан ҳам улугим борлигин кўрсин,
Мен учун ҳам азиз ҳолингни сўрсин,
Сенсиз ғариб кўнглим кўнглими, онам,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам!*

XX аср шўро замони ва заминидида шўрпешона халқимиз иккита мудҳиш ҳодиса – иккинчи жаҳон уруши ҳамда Сталин қатағони фожиасини бошдан кечирди. Ҳар икки фожианинг энг оғир, залворли зарби-юки аёлларимиз зиммасига тушди.

Шоирнинг қатагон қурбонларига бағишланган туркум шеърлари, “Қора кувёш” достони ҳануз адабиётшунослиқда махсус тадқиқ этилган ҳақида кўп ёзилди, аммо Муҳаммаджоннинг бу хусусдаги битиклари ўзгача, бекиёс:



*У жилмаяр, кўзда ёш қалқиб,
Шивирлайди лаблари бесас:
Саидалар фаришта, балки
Фаришталар Саида эмас!..*

Саида опанинг бир ғазалидаги “Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум, Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай” сатрлари – ўзи ҳақида айтилган мардона ҳақ гап. Фақат қаноатда эмас, вафо, садоқат, имон-эътиқод, поклик бобида ҳам бу аёл беқиёс ибрат намунаси! Саид Аҳмад ака гувоҳлик беришича, Саида опа Алихон тўра Соғунийни ўзига пир деб билган, устозининг завжаларини эса ўз онаси қаторида кўрган. Соғуний ҳазратлари ҳам уни ўз қизи ўрнида қадрлаган, бу қиз ҳаёти, тақдири билан яқиндан танишгач, “Фаришталар Саида эмас, аслида Саидалар фаришта” деган хулосага келган. Бу гапни шахсан Саид Аҳмад акадан эшитиб эдим. Шу ҳақиқатни шеърига киритгани учун Муҳаммаджондан миннатдор бўлишимиз даркор.

Шоир Қодирий, Чўлпонлар қисмати, Бобурдек табаррук сиймоларга қилинган ҳамлалар ҳақида қалам тебратар экан: “Булбулзабонларинг хазон ёпдим, Дунё уларнинг ҳеч тенгин топдим?” – дея фарёд чекади... Бу тур сатрлар устида кўп гапириш, ёзиш мумкин. Лекин мавзудан узоқлашиб кетмайлик. Гап қатағон фожиаларининг аёл кўксидagi алам-изтироблари, акс-садоси устида эди. Салгина мавзудан четроқда бўлса ҳам, “Қора қуёш” достонидаги бир эпизодни четлаб ўтолмайман. Рус адаббаси Галина Серебрякова берган маълумотга кўра, Москванинг Малая Лубянкасида 2 ёшдан 16 ёшгача болалар қамоқхонаси бўлган. Қамоқхонадаги болакайлар ҳам катта “халқ душманлари” каби сўроққа тутилган, қийноққа солинган.

*“Қушлар ҳам уйқудан уйғонмай ҳали,
Жовдираб бир сафга тизилар бари.
Мудраб йўлга тушар терговчи сари –
Икки яшар “халқ душманлари”.*

Шеърнинг давомини кўчиришга қаламим дош беролмайди...

Шу пайтга қадар қатағон жараёни ҳақида бунақасини ўқиган эмасман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: “Терговчи ҳам асли кимгадир ота. Терговчида жуда тажриба катта. Йўқ айбига иқрор бўлар, албатта, Икки яшар “халқ душманлари”.

Шу каби мудҳиш ҳодисалар шўро замонида неча йиллар сир тутилди, шоир айтганидай, “Ўлган ўлди-кетди. Ҳеч ким қайтмайди.



Нега, Нима учун, Бу энди жумбоқ. Тарих – соқов кампир, Дардин айтмайди, Айтолмас, Унутиб ҳам бўлмас аммо”...

Санъат, шеъриятгина бу хил мудҳиш манзараларни, алам-изтиробларни қайта тирилтириб, одам зоти кўзи олдида баралла гавдалантириб, қабих жиноятлар, қилмиш-қидирмишлар устидан мардона ҳукм чиқариш, башариятни бундай жиноятлардан огоҳ этишга қодир ноёб яратикдир.

Азиз китобхон! Мақола сўнгида дostonдаги энажон билан болажон орасидаги мана бу алам-фарёд тўла савол-жавобларга қулоқ тутиб кўринг-а, уни охиригача тинглашга қурбингиз етармикан!?

- Отанг қани, болам-ов?
- Отам Сибирга кетган.
- Онанг қани, болам-ов,
- Онам ҳам бирга кетган...
- Аканг қани, болам-ов?
- У дунёда ухлайдир.
- Уканг қани, болам-ов?
- Кўкрак сўраб йиғлайдир...
- Синглинг қани, болам-ов?
- Синглим ётар чалажон.
- Ўғлим бўлгин, болам-ов,
- Нониз борми, онажон?!

Охирги банддаги сўнги чора – “нажот” ҳақидаги мана бу сатрлар вужуд-вужудингизни зир титратади:

- Энажоним, энам-ов,
- Энди нима қиламиз?
- Энанг ўлсин, болам-ов,
- Бир кунимиз кўрамиз!...

Шўрпешона халқимиз ана шундай кўргиликларни кўриб бу кунга – озод, эркин, мустақиллик кунларига етиб келганлигини асло-асло унутмайлик. Яқин тарихнинг маломатли кунларини ёдга солиб, қабоҳатлар қазъидан омон чиққан халқ, аниқроғи, жафокаш аёл шаънига айтилган ана шундай шоҳона сатрлар муаллифи – аломат шоиримиз руҳи поки олдида қуллуқ қилишга бурчлимиз.

2014 йил



ВАТАННИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ

(Абдулла Орипов таваллудининг 70 йиллигига)

Улкан замондош шоиримиз Абдулла Орипов шеъриятида Ватан туйғуси, эл-юрт қайғуси ифодаси, талқинлари хусусидаги мулоҳазаларимизни сал олисдан, яқин кечмишдан бошлашимизга тўғри келади. Яқин кечмишда, шоир шеъриятимиз бўстонига кириб келган кезларда, бу борадаги вазиятни эсламай, билмай туриб масала моҳиятини англаш, англатиш мушкул.

XX аср бошларида "миллий уйғониш" деб аталган қутлуғ ҳаракат туйғайли миллий адабиётимизда янги бир адабий авлод шаклланди, бу авлоднинг Ҳамза, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари улкан дарағалари ҳам амалий фаолияти, ҳам ижоди билан ўша мустабид мустамлака шароитида **миллатпарвар** сифатида миллатни уйғотиш, унга ўзлигини англатиш йўлида мислсиз жонбозлик кўрсатдилар; сўнг ҳокимият тепасига келган большевиклар оғизда миллатлар учун ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини ваъда қилиб, айти шу йўлда курашган, ижод этган табаррук зотларни таъкибу таҳдид остига олиб, миллатпарварликни миллатчиликка йўйиб, охир-оқибат, уларни маҳв этиш – қатағон сиёсатини олиб борди. Миллий ғурур-ифтихор туйғуси хусусида сўз очиб "миллий маҳдудлик", аксилиниқилобий ҳаракатга йўйила бошланди, миллатнинг шонли ўтмиши, буюк даҳолари ҳақида ёзиш "ўтмишни идеаллаштириш" деган ёрлиқ асосида кескин қораланадиган бўлди. Ўтмишнинг фақат зулмат, энди сенинг ватанинг СССР, сен энди совет халқисан, мана шу ватанда бахт топдинг – фақат шу ҳақда ёзишнинг шарт, деган ақида усутвор тус олди, канон даражасига кўтарилди. Ўшандай шароитда ижод аҳли қай аҳволга тушганини бугунги ёш авлод тасаввур этиши қийин, азиятлар. Бундай мудҳиш сиёсат ижод аҳли тақдирини чуқур асоратлар қолдирди. 20-50-йиллар оралиғида Ватан, халқ, унинг ўтмиши, бугуни ҳақида ёзилган сон-саноксиз "асарлар"да шу мудҳиш адабий-сиёсат тамғаларини кўриб, дилингизни афсус-надомат ҳисси ўртади. Айти пайтда, Чўлпондек исёнкор шоирнинг "Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка" деган ҳайқирик янглиғ янграган сатрларини, Ойбекдек дилбар шоирнинг "Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки қишларида шивирлар баҳор, Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар" сингари латиф тароналарини, Ҳамид Олимжоннинг "Ўхшаши йўқ бу ғўзал бўстон, Достонларда битган гулистон, Ўзбекистон дея аталур, Уни севиб эл тилга олур" сингари она юртнинг жўшқин тароналарини ўқиб, ўша мудҳиш замонларда ҳам шундай дил розларини айта олган жасур зотларга тасаннолар айтамыз. Кўп ҳолларда, муроса-



созлик йўлини тутган улуғ шоиримиз Ғ.Ғуломнинг миллий маҳдудлик, миллатчилик, ўтмишни идеаллаштиришга қарши курашнинг иккинчи тўлқини авжига чиққан 40-йиллар охирида битилган "Шараф қўлэма-си" шеъридаги мана бу мисраларни тинглаб лол қоласиз:

*Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.
Миср эҳромларидан
Тарихинг қариқоқдир...
Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,
"Олий ирқ" даъвоғари,
Черчилнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукаммал.*

Бу сатрлар бир украин шоирнинг Украинани севишга даъват этув-чи шеъри марказий матбуотда кескин танқид остига олинган, Итти-фоқ бўйлаб шу руҳдаги асарларга қарши жазавали кампания хуру-жи ҳали босилмаган кезлари битилганлиги назарда тутилса, бу айни жасоратдир. Бу ерда гап фақат Черчил ва унинг боболари устида кетаётгани йўқ; бу сўзлар кимларга қаратилганлиги оқилларга аён эди. Бу ҳол яна бир бор шундан далолат берадики, эл-юрт тақди-ри ҳақида ёниб, қайғуриб яшаган замондошларининг олдинги қато-рида борган адибларимиз эзгу ниятларини рўёбга чиқариш йўлида гоҳо тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Президентимиз таъкидлаганларидек, яна бир ҳақиқат борки, асл истеъдод эгалари тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Юқорида келтирилган далиллар айни ўша аллома-лар қалб қаъридаги туғёнлар изҳоридир.

Айни шу ноёб тамойил – "иккинчи миллий уйғониш" деб аталган ўтган аср 60-йилларида миллий адабиётимизда, айниқса, жасур адиб Абдулла Қаҳҳор мактабига мансуб ижодкорлар, хусусан, ёш адабий авлод ижодида ўзгача кўринишда янада қудратлироқ тарзда намоён бўлди. Шеъриятда ҳам, насрда ҳам ўзликни англашнинг янги тўлқини бошланди. Айни ўша кезлари дунё юзини кўрган "Чинор" ро-мани қаҳрамони деярли ҳар куни давлат мадҳияси тарзида радио орқали янграб турган машҳур қўшиқдаги миллат шаънига ҳақорат, бўхтондан иборат "Ким эдик тарихда биз номи йўқ, қашшоқ, гадо" деган сатрларига қарши эътироз билдириб: "Ўтмишни ёппасига зул-



мат қилиб кўрсатадиганларни ёмон кўраман... Ўзбек ҳеч маҳал гадо бўлган эмас... Ота-буваимиз ёғ ичиб, яланғоч ётмаган, албатта. Нони бўлмаса бўлмагандир, лекин кўнгил қашшоқлиги унга бегона эди", дейди. Муаллиф шу эзгу ғояни тасдиқловчи катта, қадимий, маданий, меҳнаткаш, тағли-зотли ўзбек оиласини улуғловчи аломат асар яратди. Айни ўша пайтда Эркин Воҳидовнинг "Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим" сатрлари билан бошланувчи қасидаси пайдо бўлди. Ажиб бир ҳол: "Чинор" ва "Ўзбегим" билан деярли бир пайтда ёш забардаст шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон, Ватаним маним"и дунёга келди. Миллат тарфаккурида, миллий адабиётимизда янги бир босқични бошлаб берган бир хил мотивдаги – мустабид тузум миллий сиёсатига исён тарзида янграган бу уч асарнинг муаллифлари бир-бирларидан мутлақо беҳабар ҳолда, бир-бирларининг таъсирларисиз дунёга келиши ғаройиб ҳодиса! Яна бир ҳайратомуз ҳол: айни ўша йиллари О.Ёқубов билан П.Қоди-ров буюк темурийзодалар Улуғбек ва Бобур ҳаётидан ҳикоя қилувчи романлар устида иш бошлаган эдилар.

Тўғри, "Чинор", "Ўзбегим", "Ўзбекистон, Ватаним маним" етакчи мотиви жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, аммо улар қаърига назар ташласангиз ҳар бири ўзича бир поэтик дунё эканига амин бўласиз. "Ўзбекистон, Ватаним маним"ни фақат ва фақат Абдулла Орипов деган феномен яратиши мумкин!

Абдулла Орипов танланган асарларининг биринчи жилдида "Ўзбекистон" қасидасининг ёзилган муддати 1964-1970 йиллар деб кўрсатилган. Шоир ўтган етти йил давомида она юрт манзаралари, ватандошлар ғами ифодасига бағишлаб кўплаб ёниқ сатрлар, бевосита она Ватан мавзусини бутунлай янгича ёритувчи "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Она сайёра"дек беназир шеърлар битди. Булар ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган, ёзилмоқда. Хусусан, "Мен нечун севаман Ўзбекистонни"нинг асл тағмаъноси ўша кезлардаги "яширин муҳолиф"ларга, Ўзбекистонни фақат бойликлари – пахтаси, олтини учунгина "хурмат қиладиган" мустамлакачиларга ишора, улар билан мунозара тарзида битилгани ҳақидаги фикр, бундай қарашнинг шоирнинг ўзи томонидан тасдиқланиши чин ҳақиқатдир. Аммо бу шеърнинг қиммати, маъно доираси фақат шу билангина чекланмайди. Ҳар қандай етук асар каби "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеъри маъно жиҳатидан сержило. Унда даврнинг энг ўткир ижтимоий иллатига қарши исён билан баробар умумбашарий аҳамиятта молик муқаддас туйғулар ҳам мужассам.

Она тилимизда "Ватан" сўзи билан баробар соф қадимий – туркий "эл-юрт" атамаси ҳам бор. Қарангки, бу калимада "юрт"дан олдин "эл" келади. Аслида Ватан эл – халқ билан Ватан бўлади-да,

ахир! Шеърда Ватанга меҳр устидаги баҳслардан кейин асарнинг қоқ ўртасида муаллиф "Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни, сабабини айтгин десалар менга" деган саволни яна бир карра ўртага қўяди-да, ўзи мана бундай жавоб қилади: "Шоирона гўзал сўзлардан олдин Мен таъзим қиламан она халқимга". Сўнг асл кўнгил розларини яна-да ойдинлаштириб энди тўғридан-тўғри халқига қарата дейди:

*Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?*

Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунёда танҳо, еру осмони, табиати, тупроғи, қуёши – барчаси бебаҳо, улар ҳам ардоққа муносиб. Аммо шоир учун ҳаммасидан азизи – шу замнида яшайдиган она халқи – она-юрти. Шоир айнй шу она халқининг фарзанди. Фарзанд учун эса онанинг бой ёки камбағал, гўзал ёки хунук, қайси миллат, қайси дин – мазҳабга дахлдорлиги аҳамиятсиз: фақиру хақир, кўримсиз, дардманд она бағридаги болакайни тортиб олиб, бадавлат, кўркем, фариштадек аёл кўлига тутқазсангиз, "дод" дейди, фақир, кўримсиз бўлса-да, ўша ўз туқани бағрига талпинади. "Мен нечун севаман Ўзбекистонни"ни ҳар гал қайта ўқиганимда айнй шу манзара кўз олдимга келади. Аллоҳ ягона бўлганидек она ҳам, она-Ватан ҳам танҳо, бу борада инсон зотига танлаш ҳуқуқи берилмаган; она-отадан, Ватандан юз ўгирганни "оқпадар", "ватанфуруш" дейдилар. Шеърда умумбашариятга хос ана шу бекиёс ҳолат, ноёб туйғу бетакрор, жозибадор, бундан ҳам муҳими, ўта самимий ифодасини топган. Юқорида келтирилган шоирнинг халқига мурожаат тарзидаги сатрлари инсон қалби туб-тубидан отилиб чиққан қиёси йўқ оташин туйғунинг фавқуллодда бадийи кашфиётидир. Яна бир ажиб ҳолат: шеър сатрларидаги "нечун" сўзини унинг муқобиллари – "нега", "нимага", "нима учун" сўзлари билан алмаштириб бўладими? Фақат "нечун"гина асл моҳиятни очишга қодир. Шеър таркибига кирган ҳар бир сўз, сатрлар ўз ўрнида, оятлардек мукамал. У ҳақда структурал метод асосида бутун бошли тадқиқот яратиш мумкин.

Шоирнинг 60-йиллар ижодидагидан Ватан мавзусидаги яна бир ноёб шеъри – "Она сайёра". Биламиз, бу йиллар инсоният тамаддуни тарихида янги давр – космосга парвоз палласи эди. Бу ҳодиса инсон зоти, айнйқса, ижодкор тафаккури миқёсларини янги босқичларга олиб чиқди. Давр билан ҳамнафас шоиримиз Ватан мавзусидаги галдаги шеъри "Она сайёра"да энди айнй космос кенгликлари, арши аъло чўққиларида туриб, самодан она юрти жамолига одатдагидек фар-



занд меҳри билан нигоҳ ташлайди. Илк таассурот шуки, шоир қар-
шисида турган ер шарининг "салмоғи Қуванинг анорича бор". Бунақа
қиёсни фақат асл ўзбек шоири Абдулла Ориповгина топиши мумкин.
Бирин-кетин ер шарни манзаралари – қатра ёш мисол уммонлар, чи-
гит увоғича келмас тоғлар, афтода бир ҳол қитъалар, денгизлар; на-
билар, расуллар, доҳийлар, қатор турган қабрлар, қасрлар; унга жо
бўлган ҳаракатдаги она табиат, сон-саноқсиз тирик жонлар, макон та-
лашаётган каслар; бир ёнда шоҳу гадо, бир ёнда дўст-ғаним... Улар-
нинг ҳамасини бағрига босиб кетётган муштипар она сайёра... Шулар-
ни ўйлаб, ташвишлар уммонига ботган чоғда бирдан шоир нигоҳи она
Ватан манзарасига тушади, тушади-ю, қалби чароғон бўлиб кетади:
"Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним. У менинг кўзимга
ҳилолдай маҳваш", – дея ҳайқиради. Ўз юртининг она сайёрада тут-
ган ўрни, миссияси хусусида ифтихор билан "О, она сайёра, бағрингни
поклаш Менинг ватанимнинг тушган бошига", "У ерда тентимас иблис
хаёли, У ерда дўстликни улуғлаб инсон, Такаллум қилади кумри ми-
соли" дейди. Шоир она сайёрада муқим ўз ўрнига эга она Ватаннинг
келажагига катта умидлар боғлаб, бу қутлуғ йўлда она юрт дардлари-
га дармон, руҳини эса унинг учун фидо этишга тайёр эканини айтади.
Қаранг, шу сатрлар битилгандан сўнг орадан салкам ўттиз йил ўтиб
она Ватан мустақилликка эришди, она сайёрамиздаги ҳақиқий ўрнини
топди. Мустақиллик майдонида она сайёра бағрида Республикамиз
ўрни туширилган аломат рамзий монумент қад ростлади. Ўша сало-
батли обида беихтиёр "Она сайёра" шеърини ёдга солади.

Ниҳоят, гал "Ўзбекистон", тўлиқ номи "Ўзбекистон, Ватаним ма-
ним" қасидасига келди. Бу қасида қирқ йилдан бери тилдан тушмай
келади, юқорида эслатилганидек, бу шеър устида муаллиф етти
йил заҳмат чекди, ундан кейин ҳам шоир асарга қайта-қайта сайқал
бериб келди. Она Ватаннинг, эл-юртнинг шонли поэтик тарихи та-
раннум этилган бу қасида шоир сафдоши Эркин Воҳидовнинг "Ўзбе-
гим"и билан бирга мамалакатимизда, хорижлик юртдошлар орасида
нақадар катта шуҳрат топганлигини яхши биламиз. Мактабларда,
асосан, Россия тарихи ўқитилган ўша кезлари бу икки қасида мил-
лат авлодлари учун она Ватан тарихи дарслиги вазифасини ўтади,
миллий туйғуни ҳар боб билан сўндириш сиёсати кетаётган кезла-
ри ватандошларимизда миллий ифтихор туйғусини асраб қолиш ва
шакллантиришда беқиёс рол ўйнади.

Бу ўринда "Ўзбекистон" қасидасини батафсил таҳлил этишга ҳо-
жат йўқ, "Ўзбегим" билан бирга "Ўзбекистон" қасидаси мустақиллик
йиллари мактаб адабиёт дарсликларидан муқим ўрин олди, улар
адабиётшуносликда батафсил таҳлил, талқин этилди, этилмоқда.

Бу ўринда қасиданинг бир жиҳатигагина эътиборни тортмоқчи эдим. Гап эл-юрт қайғуси устида кетаётир.

Мустабид тузум шароитида Ватаннинг асл фарзанди саналмиш чин истеъдод соҳиблари она-Ватан, халқ қисматидан сўз очганда ғурур, ифтихор баробарида, албатта, шу эл-юртнинг қайғуси билан ёниб қалам тебратганлар; ночор, ожиз ҳолидан ўкинганлар. Қодирӣ, Чўлпон, Ойбек, Қаҳҳорлар шундай йўлдан борган. "Юрт қайғуси" иборасини Фитрат ҳатто бир эмас, тўртта шеърига сарлавҳа қилиб олган. Шеърлардаги шоирнинг юрт қайғуси, фиғонлари ўқувчи қалбини зир титратади. Шу анъана янги авлод намояндаси Абдулла Орипов шеъриятида ҳам ўзгача кўринишда давом этди. Айни шу эл-юрт қайғуси билан йўғрилган шеърлари туфайли ҳам шоир эл-юртнинг ўз Абдуллажонига айланди. Ҳатто "Ўзбекистон" қасидасига ҳам шу туйғу кириб келди. Аслида, қасида ўз номи билан қасида — мадҳия, фахр-ифтихор изҳори. Қасидадаги мана бу қалбларни ўртовчи сатрларни ўқиб кўринг-а:

*Толенигда бор экан яшаш,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Этмоқ бўлиб юртим хомталаш,
Бош устига келди инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг,
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг.
Қонга тўлган кафаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.*

Ўқувчига таскин берадиган жиҳат шуки, бу қадим диёр, бу жафокаш халқ ана шундай бало-қазоларни енгиб ўтишга қодир! Шу тарика афсус-надоматлар қаъридан бўй чўзган матонат туйғуси туфайли аламли сатрлар беихтиёр қасида руҳига тутшиб кетади. Мана шу хусусият "Ўзбекистон" билан олдинма-кейин яратилган "Юзма-юз", "Ўзбекистонда куз", "Саратон", ҳатто "Сароб" шеърларига ҳам хосдир.

*Мен уни ўйлайман тун — кечаларда,
Она ҳалқим, дейман, меҳрим оқар жим.
Кўзимга баъзида кўринса жанда,
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман халқим...
Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга бенасиб таом,
Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб ном олдинг — авом!*



Бунақа иснод, изтиробга дош бериш қийин, азишлар. Шеърят "далада байрам", "бахтли ҳаёт", "меҳнат шавқи, сурури" хусусидаги мисралар билан тўлиб-тошиб ётган кезлари "Миллион эгатларга сочилган ўзбек", далаларда "кузги райҳондайин маънос ўсган ранг-пар сингилгинаси" хусусида сўзсиз, ҳасратларда тўлғаниб сатрлар тизиш, "қўнглим тўлиб кетар, инграйман, халқим" дея дил розларин тўкиб солиш, чиндан-да, жасорат эди ўша кезлари... "О, Абдулла, кўзларингни очиб қарагин, Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон", "Қайда қолди мен ишонган у ўзга ҳислар", "Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин нечун кўпдир ҳалигача разил одамлар", "Гар бор бўлсанг, жавоб бер, эй илоҳий қудрат, Наҳот гўдак ишончини ёзибсан қорга?!" сингари оловли сатрларни битиш бошни кундага қўйиб бериш билан баробар эди. Шу тур мисраларда эл-юрт қайғуси шоирнинг шахсий туйғулари билан тутшиб, ноёб поэтик уйғунликни вужудга келтиради. Дадил айтиш мумкинки, миллий шеърятимизда эл-юрт қайғуси, бинобарин, ижтимоий мотив билан шахсий майлларнинг уйғун келиши бобида Чўлпондан кейин Абдулла Орипов энг юксак мақомга кўтарилди. Ўрни келганда айтиб ўтай: ҳазрат Навоидан кейин "Ўзбегим" деган калом Эркинжонга қандай яраша, "Халқим", "Ўзбекистон", "Ватаним маним" деган мурожаатлар шу халқнинг чин шоир ўғлини Абдуллажонга ҳам шунчалар ярашади.

Шу мақомга кўтарилган шоиргина чин дилдан "Англадимки, оламда, Ватан танҳо", "Тенгсиз шу чаман танҳо", "Ёлғиз сен баланд, танҳо", "Энг олий баҳтим менинг, Онажоним, шеърят" дея шеърятни Ватани, халқи даражасига кўтаришга журъат эта олади.

Мана шу ноёб фазилат шоирнинг 60-йиллардан кейинги шеърятда ҳам давом этди, янгидан-янги фазилатлар билан бойиб борди. Не бахтки, уттиз йил давомида эл-юрт қайғуси, унинг эрки, чин озодлиги орзуси билан ёнган шоиримиз истиқлол эълон этилган кунда "Адолат офтоби" шеърини ёзиб халқимизни "Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими", "Ўз қўлингга олганинг – ялов сенга муборак" дея қутлади, муҳими, бу шеър илк бор Президентимизнинг эл-юрт мустақиллигини эълон этган Олий Кенгаш минбарида туриб ўқилди. Шоир фақат қутлов сўзлари билан чекланмай, халқини огоҳликка, бу тенгсиз саодатни бало-қазолардан асрашга чорлади.

Унутмагин ва лекин, олдда бор ҳали ётлар,
Қадамингни пойлайди, очкўз, юҳо не зотлар,
Шоҳ сурибсан, инжима, гингшиса агар мотлар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекининг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.



Не бахтки, мустақил мамлакатнинг Давлат мадҳияси шеърий матнини яратиш ҳам айти эл-юртнинг шу оташин куйчисига насиб этди. Мустабид тузум даврида ҳам расман Ўзбекистон давлат гимни – мадҳияси бор эди. Мадҳия мусиқасини беқиёс истеъдод соҳиби Мутал Бурхонов яратган. Шажарасининг бир учи миллий озодлик ҳаракати сардорларидан, истибдод қурбони Фитратга бориб туташувчи бу аллома мадҳия тароналари бағрига миллатнинг шаъни-шавкати, асрий орзуларини фавқулдда бир маҳорат билан сингдирган эди. Афсус, Мадҳиянинг шеърий матни бу ноёб санъат дурдонаси руҳига мутлақо бегона эди. Илк сатрларидаёқ тобелик, мутелик асоратлари бурқисиб турган бу “шеър” матни шеъриятимизда ҳеч қанақа ўринга эга бўлмаган бир кимса томонидан ясалган эди. Аслида, бунақа сийқа сатрларни битиш учун шоир бўлиш шарт эмасди. Ўша кезлари замонга, тузумга ана шунақа чинакам санъатга ёт “шеър”, “шоир”лар керак эди-да!

Абдулла Орипов қалами остидан чиққан мустақил Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг шеърий матни Мутал Бурхонов ижод этган беқиёс мусиқа руҳига айнан мослиги, мустақил мамлакат, унинг халқи руҳи, шон-шавкати, фахр-ифтихори, орзу-интилишларининг чинакам ифодаси экани билан қимматлидир.

Қисқаси, “Ўзбекистон, Ватаним маним” қасидасидан бошланган эл-юрт таронаси Мадҳияда энг авж пардаларига кўтарилиб, мустақил мамлакат – келажаги буюк давлатнинг рамзларидан бирига айланди.

2011 йил март

х х х

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК МАСЛАКДОШ ДЎСТИМ

(Адабиётшунос Наим Каримов таваллудининг 80 йиллигига)

1952 йил сентябрь ойининг ўрталари. Ҳозирда Амир Темур хиёбони номи билан юритилаётган маскан биқинида жойлашган университет биносининг иккинчи қаватидаги мажлислар залида адабиёт тўғарагининг янги ўқув йилидаги илк машғулот кетяпти. Зал талабалар билан тирбанд. Билдимки, зални тўлдириб ўтирган талаба-ю, университет домлалари орасида республикага машҳур адиб ва адабиётшунос-мунаққидлар ҳам бор экан. Яқиндагина биринчи курс талабаси шарафига муяссар бўлган камина кўзларимга ишонмай ҳайрат ва ҳаяжон оғушида залдагиларга тикиламан. Анжуманни ҳикоялари, матбуот ва радиодаги публицистик чиқишлари билан танилган юқори курс талабаси Жонрид Абдуллахонов бошқармоқда.



Талаба ёшларнинг ижод намуналаридан иборат машинкада кўчирилиб тўрт нусхада тайёрлаб муқоваланган адабий журналнинг янги сони устида қизгин баҳс-мунозара кетяпти. Журналдан ўрин олган ҳикоя, шеърлар, айниқса, охириги курс талабаси Саида Зуннуованинг туркум шеърлари устида илиқ гаплар айтилди. Шунда бирдан университет комсомол яйчейкаси раҳбарларидан бири сўзомол, чаққон йигит сўз олиб, компартиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати, бу борадаги қарорлари хусусида сўз бошлади, ҳар бир асарга партиявийлик принциpidан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади, айти шу жиҳатдан журнал тахририяти жиддий хатога йўл қўйгани халқ душмани сифатида қораланган ёзувчининг умр йўлдоши шеърларига ўз саҳифаларидан ўрин берганлигини кескин танқид қилди. Зал сув қуйгандек жимжит. Анжуманни бошқараётган раиснинг ҳам оғзи калимага келмайди. Шу орада бўйчан, адлқомат йигит даст ўрнидан туриб қўл кўтарди. Раис уни журнализмизнинг масъул котиби учинчи курс талабаси Наим Каримов деб таништирди ва унга сўз берди. У қисқа ва лўнда қилиб шундай деди: "Саида Зуннуова шеърларини мен синчиклаб кўздан кечириб журналга киритганман, ўқиб кўринг, биродарлар, улардан ҳеч қанақа сиёсий хато тополмайсиз. Мабодо умр йўлдоши халқ душмани сифатида қораланган экан, бу ишга шоиранинг дахли йўқ. "Доҳий" ҳам айтган-ку, ахир: "Отанинг гуноҳи учун ўғил жавобгар эмас!" деб" ва дарҳол жойига ўтирди. "Доҳий"нинг сўзлари тилга олингани учун бўлса керак, бояги жангари нотиқнинг ранги рўйи бўзарди-ю, эътироз билдиришга юраги бетламади. Шунда залдан "Саида опага сўз берилсин!.." деган овозлар эшитилди. Қарангки, ўтган ўқув йили университетни тугатган шоира опамиз шундоққина орқа қаторда ўтирган эканлар. Раис сўз беришига улгурмай у минбарга чиқди, ҳеч қанақа гап-сўз, арзи ҳол қилмай вафо ҳақидаги шеърини ўқиди, ўқиди-ю минбардан тушиб секин-аста зални тарк этди. Ўтирганлар зўр ҳаяжон оғушида. Аммо ҳеч ким қарсақ чалмади, миқ этмади. Дил розларини изҳор этишга ўша кезлари ҳукмрон бўлган "қўрқув салтанати" йўл бермасди. Шу тариқа анжуман тугади...

...Ва ўша кун, ўша дақиқадан бошлаб "Наим Каримов" деган ғоят тигиз, кескин вазиятни бирдан ўзгартириб юборган нафосат ҳимоячиси бир умрга қалбимдан ўрин олди, ҳали юзма-юз учрашмай, танишмай, сўзлашмай туриб руҳан чин дўстимга айланди. Шу тариқа илк танишув 52-йилнинг 15 ёки 16 сентябрида содир бўлган эди. Дўстим ҳақидаги ушбу дил сўзларини 2012 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари қоғозга туширдим — роппа-роса 60 йилдан сўнг. Бу тасодиқми ёки яратганнинг иноятими?...



Наимжон мендан икки курс олдинда ўқирди, шу воқеадан сўнг яна кўплаб илмий-адабий анжуманларда бирга қатнашдик, нутқлар ирод этдик, университетни тугатгач, бирин-кетин аспирантура таълимини олдик; Ғ.Каримов, Н.Маллаев, С.Долимов, А.Ғуломов, Ғ.Сулaimинова, Ш.Раҳматуллаев, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов каби аллома устозлар даврасида юриш бахтига муяссар бўлдик; сўнг у Тил ва адабиёт институтида қўним топди, мен эса Миллий университетда қолдим. У институт хузуридаги XX аср ўзбек адабиёти бўлимида ишлади, кейинчалик шу бўлимга бошлиқ – мудир бўлди, мен эса 26 йил Янги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилдим; у биринчи галда Ҳ.Олимжон, Ойбек, кейинроқ Чўлпон, М. Шайхзода, Миртемир ҳаёти ва ижодий меросининг тадқиқотчиси сифатида танилди, камина эса Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, шунингдек, XX аср иккинчи ярмидаги замонавий адабий жараёни, ўзимга замондош адиблар Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, О. Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, Х.Тўхтабоевлар ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш йўлидан кетдим. Наимжоннинг таклифи билан бир неча йиллар давомида у бош бўлган бўлимда ўриндошлик асосида хизмат қилдим. Институтда режалаштирилган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" фундаментал тадқиқотни яратишда иштирок этдим. Афсуски, бир неча жилдлик бу тадқиқот натижалари ҳануз дунё юзини кўргани йўқ. Аммо шуниси таскин берадики, бир гуруҳ таниқли адабиётшунослар ҳаммуаллифлигида олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тайёрланган, 1999 йили чоп этилган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи"да ўша кезлари олиб борилган илмий излашнишларимиз натижаси қисман ўз ифодасини топди.

Ўтган аср 80-йиллар иккинчи ярмида, Истиклол арафасида мустабида тузум даврида қатағон қилинган адибларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, асарларини халққа қайтариш ҳаракати бошланди, темир тўсиқлар ортида махфий сақланган архив ҳужжатлари эшиги очилди, адолатпарвар публицист, адиблар, жонкуяр тадқиқотчи олимларнинг кунни туғди.

Талабалик давридаёқ қатағон тўзони гирдобидида қолган бир пок, беғуноҳ муштипар бева, айна пайтда, имон-эътиқоди пўлатдай мустаҳкам, вафо-садоқатда тенгсиз шоирани ўша "қўрқув салтанати" қутуриб турган кезлари йўлини топиб ҳимоя қилган – бунга журъат этган дўстимиз Наимжон айна шу қутлуғ ҳаракатнинг бошида турди, мустамакчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси ва "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси кенгашининг раиси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори ва-зифаларида ишлади. Ҳар қандай хайрли ишнинг аввалида бўлгани



каби бу борада ҳам шошма-шошарлик билан дуч келган ҳужжатларни атрофлича текширмай, ўрганмай, асл моҳиятига етмай матбуот саҳифаларига шошма-шошарлик билан олиб чиқишга уринишлар ҳам бўлди; аммо О.Шарафиддинов, Б.Қосимовдек зукко тадқиқотчилар қатори дўстимиз Н.Каримов шошилмай, ховлиқмай архив ҳужжатларини атрофлича синчиклаб ўрганиш йўлини тутди; чигал, жумбоқли муаммоларнинг тагига етганидан кейингина уларни жамоатчилик ҳукмига етказиш йўлидан борди. Ўша йиллари шаҳар марказида жойлашган Давлат хавфсизлиги қўмитаси архиви, Чилонзордаги Давлат архивида Наимжон билан ёнма-ён ўтириб, бу синчков олимнинг ишлаш усулидан кўп нарса ўргандим. Мен, асосан, Қодирий, Шўхрат, Саид Аҳмадга оид ҳужжатлар билан танишиш ниятида эдим. Наимжоннинг маслаҳатига кўра камина танлаган адибларимга оид "иш"лар билан танишишнинг ўзи мутлақо етарли эмаслиги, уларга ёндош шахслар "иши"ни ҳам, албатта, кўриб чиқиш зарурлигига иқрор бўлдим. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий қисматига оид қатор ғоят ноёб маълумотларни адибга қисматдош шахслар "иши"дан топдим.

Яна бир муҳим тарихий адабий ҳодиса – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳ.Олимжонлар таваллудининг 100 йиллик тўйларига бағишланган анжуманларда бирга иштирок этдик, Ўзбекистон Фанлар академиясида, Тил ва адабиёт институти, Миллий университет, республикаимизнинг қатор олий ўқув юртиларида биргаликда илмий маърузалар билан қатнашдик, туркум мақола-лар ёздик, илмий мажмуалар тайёрлашда иштирок этдик, алоҳида китоблар яратдик; ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича бирлашган ихтисослик кенгаши аъзоси сифатида кўп йиллар ҳамкорлик қилдик.

Ҳар иккимизнинг ҳаётимиздаги энг ёрқин лавҳалардан бири – миллий адабий таълим тарихида янги босқич саналган ғоят шарафли ва масъулиятли тadbирдаги иштирокимиздир. Шўро даври адабий сиёсати фақат сўз санъати, адабиёт фани ривожига, улкан адиблар, адабиётшунос олимлар қисматидагина эмас, адабий таълим соҳасида ҳам оғир асоратлар қолдирди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб амалдаги адабий таълим тизими тоқат қилиш мумкин бўлмаган ҳолга етди. Ўша кезлари ҳокимият тепасига келган янги раҳбарият ташаббуси билан собиқ Иттифок республикалари орасида биринчилардан бўлиб 1991 йилнинг мартида мактаб адабий дастури ва дарсликларини тубдан янгилаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳга О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Қосимов каби ўндан ортиқ таниқли адабиётшунослар, тажрибали

методистлар жалб этилди. Камина ишчи гуруҳга раҳбар, Б.Қосимов мумтоз адабиёт, Н.Каримов эса XX аср янги ўзбек адабиёти бўйича ўринбосар этиб тайинланди. Гуруҳнинг Дўрмондаги ижод уйида олиб борган жўшқин илмий-ижодий изланишлари самараси ўлароқ тубдан янгиланган дастур лойиҳаси тайёрланди, қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг вазирлик томонидан маъқулланди ва шитоб билан мазкур дастур асосида дарсликлар тайёрлашга киришилди. Янги дарсликларнинг тайёр боблари пешма-пеш кўп нусхада кўчирилиб, мактабларга тарқатилди. Шу тариқа истиқлолнинг биринчи йилида озод мамлакатимиз мактаблари истиқлол руҳи билан йўғрилган янги адабий дастур, дарслик боблари асосида иш бошлади. Очигини айтиш керак, мана шу хайрли ишда ишчи гуруҳ аъзолари орасида энг фаоли, интизомлиси, зиммадаги вазифани вақтида, юксак савияда адо этиб ҳаммамизга намуна бўлган зот – Наимжон эди.

Бу дўстим билан ҳамкорликда ишлаш каминага ҳамиша завқ-шавқ, илҳом бахш этади. Унинг дастхати, қўлёзмалари ҳам кўнглидек тоза, беҳато, чиройли. Янги авлод дарсликларининг илк китоби – 5-синф адабиёт дарслик-мажмуасини тайёрлаш Наимжон билан менинг чекимга тушди. Айни пайтда, икковимиз ҳам якунловчи 9-синф дарслиги муаллифларидан эдик. Авваллари у билан XI синф ва олий ўқув юртлари учун адабиёт дарсликлари устида бирга ишлаб эдик. Юксак маданиятли, асл зиёли, тиним билмас заҳматкаш, зукко олим билан ишлаш, дарсликлар яратишда ҳаммуаллиф, маслакдош – ҳамкор бўлганим билан фахрланаман. Унинг ўз ҳамкасбларини бир оз хижолатга қўядиган одати ҳам бор, ҳамиша бирга адо этиш лозим бўлган вазифанинг оғирини ўз зиммасига олишга интилади; ҳамкорларининг қараши, ақидаларини, нафсониятини бениҳоя хурмат қилади; шунча йил ҳамкорлик қилиб ўз қараши, ақидаларида қатъий бу аллома зот билан орамизда бирор марта ҳам келишмовчилик, баҳс-тортишувлар рўй бермапти- я!

1990 йилдан дўстим бош бўлган бўлимда муайян муддат у билан ҳамкорлик қилиб, шунга амин бўлдимки, Аллоҳ Наимжонга беназир салоҳият ато этган: танҳо ўзи бутун бошли илмий жамоа юкини елкасида кўтаришга қодир. Бу гапда муболаға йўқ. Амалда бунинг тасдиғини кўрдик, кўряпмиз.

Наимжон илм-фан, ижод бобида ҳеч қачон мансаб-мартаба, шон-шухрат, бойлик кетидан қувган, қинғир ишларга, ҳаром-ҳаришга қиёбоққан эмас. Улкан адабиётшунос олим М.Қўшжоновнинг аёл шогирдларидан бири устоз ҳақидаги хотирасида: “Домла ҳалол луқма едилар”, “номаҳрамга терс қарадилар”, деб ёзади. Рост гап! Шахсан мен ҳам бунга гувоҳ. Айни шу таъриф Наимжонга ҳам тўлалигича



тааллуқли. Эсини таниганидан буён бетиним меҳнат, илм-ижод, адабиёт ғами оғушида дабдабаю асасалар, ҳашамдор қасрлар, дачалар қуриш орзу-хаёлидан узоқда улуг зотларга хос заҳматкаш эл қатори оддийгина кулбада – бетон девор торгина домда садоқатли умр йўлдоши Муҳаббатхон, ўғил, келин, набиралари билан қисинмай, нолимай камтарона яшаб ўтяпти.

Русларда “неутомимый”, ўзимизда эса “толмас” деган чиройли сўз бор. Бу ноёб сифат шўро замонида ўринли-ўринсиз ишлатилавериб, чин эгасини тополмай хийла сийқалашиб кетган эди. Бугунги кунда уни тиниб-тинчимас, фидойи, замондош меҳнат, фан ва ижод намо-яндалари исми шарифига қўшиб ишлатавериш мумкин. Жумладан, адабиётшунос Наим Каримовга у узукка қўйган гавҳардек ярашиб тушади. Шунча йиллар кузатиб, Наимжонни на дам олиш кунлари, на таътил ойлари мириқиб, яйраб-ёзилиб курортларга бориб дам олганини билмайман, бирор марта ҳам оғзидан “чарчадим”, “толиқдим” деган сўз чиққанини эшитган эмасман, у ишлаб, ижод қилиб, дилида-гиларни қоғозга тўкиб солиб яйраб, ҳузур қиладиган ноёб зот. Кўри-нишидан қадди-басти хипча, нозик-ниҳол вужуди аллақандай чайир, пишиқ-пухта маъдандан ясалганмикан, деган хаёлга борасан киши. Қаранг, ёши саксонга бориб, кўз тегмасин, шу вақтгача андек шамоллаш, тумовсирашни ҳисобга олмаса, бетоб бўлиб тўшақда ётгани, хастахонада даволанганини эшитган эмасман. Чамалаб кўринг-а, етмиш билан саксон оралиғида, пенсия ёшининг иккинчи ўн йиллигида эълон этилган “Чўлпон”, “Мақсуд Шайхзода”, “Миртемир”, “XX аср адабиёти манзаралари”, “Адабиёт ва тарихий жараён” каби салмоқдор китоблар, сон-саноқсиз илмий мақолалар, таржима-ю эсселар, адабий суҳбатлар, драма-ю киносценарийлар, илмий маърузалар, муҳокамалардаги чиқишлар, ўнлаб шоғирдлар етиштириш, боз устига, масъул лавозим, фаол жамоат ишлари... Бир ижодкор одам шу қутлуғ ёшда умр бўйи адо этиши мушкул бўлган юмушлар... Буларнинг ҳаммасини қойилмақом қилиб адо этиш... Бу айтишга осон!

Ҳа, азизлар! Мен халқимизнинг ана шундай беназир ўғлони билан **олтмиш йил** ҳамқору ҳамнафас бўлганимдан ҳар қанча фахрлансам арзийди-да, ахир!.. Аллоҳ яна қанча умр берса, умримнинг охиригача шу азиз туйғу қалбимнинг туб-тубида сақланиб қолажак.

2012 йил 15-16 сентябрь

ОЙДИНХОННИНГ ИЖОДДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАРИГА ОИД ТЎРТ ЛАВҲА

Биринчи лавҳа

1960 йил 4 августда камина гувоҳ бўлган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Мен ўша кезлари ҳозирда Миллий университет деб юритилаётган қутлуғ даргоҳда аспирант эдим. Ўша йили менинг илмий раҳбарим устоз – Озод Шарафиддинов она тили ва адабиёт фанлари бўйича кириш имтиҳони комиссиясига раҳбар этиб тайинланган, унинг таклифига кўра комиссия аъзолари сафига мен ҳам жалб этилган эдим. Оғзаки имтиҳон чоғи рўпарамда ўтирган қорачадан келган миқтигина гавдали қиз билетдаги саволларга эҳтирос билан адабий тилда шундай пишиқ-пухта жавоб бера бошладики, уни гапдан асло тўхтатиб бўлмасди. Қизнинг жарангдор гап-сўзлари бошқа домлаларни, жумладан, Озод акани ҳам ўзига жалб этди. Устоз дарҳол унинг кимлигини суриштириб, қалашиб ётган иншолар орасидан ёзган ишини топиб, кўз юрита бошлади, куни кеча текширув пайтида ҳаммамизни лол қолдирган иншо эгасига мамнуният билан боқиб, унга тасаннолар айтди ва оғзаки жавобларини ҳам беш баҳога лойиқ топди. Иншо, янглишмасам, “Қутлуғ қон” романидаги Гулнор образи мавзусида эди. Бу ҳақидаги иншоларнинг аксарияти дарсликда берилган матннинг салгина ўзгартирилган нусхаси бўлар, уларда бирорта ҳам янги гап, ўзгача талқинни топиб бўлмасди. Бу синглизмизнинг иншоси эса бутунлай ўзгача – романдаги бу образни у худди тирик-таниш инсондай ўзига яқин олиб, унинг фожиавий қисмати устида куйиб-ёниб қалам тебратгани шундоқ кўриниб турибди. Иншо оригинал, тугал асар даражасига кўтарилган, уни бемалол матбуотда эълон этиш мумкин эди... Устоз орадан йиллар ўтиб шоира Ойдин ҳақидаги “Меҳр толасидан эшилган шеърят” мақоласида шу воқеани мамнуният билан эслатиб ўтади.

Талабаликнинг илк қадамлариданоқ у барча фанлардан аъло баҳога ўқиш баробарида истеъдодли шоира сифатида ўзини намоён этди, адабий анжуманларда минбардан туриб ёддан айтган ўз шеърлари билан тингловчилар эътиборига сазовор бўла бошлади.

Иккинчи лавҳа

1963 йил кузида университетда бўлиб ўтган бир адабий учрашув поёнида ўша кезлари республика радиосининг адабий эшиттиришлари бўлими раҳбари бўлиб хизмат қиладиган ёзувчи Ўлмас Умарбеков боягина минбарда ўқиган шеърлари билан олқишларга сазовор бўл-



ган Ойдинхонни мендан радиога бирга олиб боришни илтимос қилди, шеърларини ўқиш учун 20 минут вақт ажратилажаги, шоира ҳақида 5-6 минутлик сўз айтишим лозимлигини тайинлади. Белгиланган вақтда Ойдинхон билан радиога етиб бордик. Омадни қарангки, Ойдин синглимизга бағишланган адабий эшиттириш таниқли радиорежиссёр Неъмат Дўстхўжаевга топширилган экан. Репитиция кўнгилдагидек ўтди. Сўнг тўғридан-тўғри эфирга узатиш пайти келди. Каминанинг таништирувидан сўнг Ойдинхон одатдагидек тўлиб-тошиб, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб, бирин-кетин шеърларини ёддан айта бошлади, охириги еттинчи шеър “Келинингни кўрганда”нинг мана бу сатрлари янграганда, режиссёрнинг кўзларида ёш қалқий бошлади:

*Келинингни кўрганда
Бир оҳ тортинг, онажон.
Қайтадан қийнадими
Эски дардинг, онажон!..
...Келининг кўрган замон
Оҳ тортмагил, онажон.
Ўзи дардкаш қалбингга
Юк ортмагил, онажон...
Жангда кўз юмган ўғлинг
Юракларда барҳаёт.
Шоирларнинг шеърида,
Тилакларда барҳаёт...
...Ўғлинг, келининг ҳаққи
Висол бўлиб ёнурман.
Қалбингда бор доғингни –
Ором бўлиб олурман,
Мағрур овозинг бўлиб
Дунёга жар солурман!..
Оҳ тортмагил, онажон...*

Эшиттириш якунлагач, Неъмат ота Ойдинга юзланиб: “Раҳмат, кизим, ҳаётда бахтингни, ижодда омадингни берсин” дея дуо қилиб, унга оқ йўл тилади.

Бу нуруний зот 96 йил умр кўриб, оламдан ўтди, ўша куни у радио орқали бутун мамлакатга танитган синглимиз Ойдинхон эса ўша табаррук зот дуолари ижобат бўлиб, элимизнинг таниқли, ардоқли шоираси даражасига кўтарилди, шоиранинг 70 ёш бўсағасида чоп этилган “Шом шуълалари” сайланмаси айни табаррук отахон кўзида ёш қалқитган “Келинингни кўрганда” шеъри билан бошлангани тасодифий эмас.

Учинчи лавҳа

1965 йил августи. Дўрмондаги ижод уйида ёш қаламкашлар йиғини кетяпти. Ялпи мажлисдан сўнг устоз адиблар билан алоҳида учрашувлар белгиланган. Бири-биридан мароқли адабий гурунглار таассуроти, шавқи орадан салкам ярим аср ўтса-да, ўша анжуман иштирокчилари қатори камина хаёлини асло тарк этгани йўқ. Айниқса, улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор билан учрашув айрича мароқли ўтган эди. Салкам икки соат давом этган суҳбат, савол-жавоблар тафсилоти ҳамон шундоққина кўз олдимда гавдаланади. Дарвоқе, ўша кунги адиб нутқи матни "Ўзбекистон маданияти"нинг (ҳозирги ЎзАС) 1965 йил 14 август сонидида "Талант — халқ мулки" сарлавҳаси остида эълон этилган эди. Ўша нутқда адиб ёш шоира Ойдин Ҳожиева номини ҳам тилга олиб, у ҳақида илиқ сўзлар айтди, айти пайтда, уни "офаринчилик" кампанияси хуружидан асраш лозимлигини уқтирди: "Битта-иккита яхши шеър билан диққатни жалб қилган ёш шоира Ойдин Ҳожиевага уч ой мобайнида бир неча газета ва журнал "Оқ йўл" тилади. Бу "офарин"лардан Ойдиннинг ўзи хижолат".

Газетадаги мақолада тушиб қолган хотирамда сақланган адибнинг яна икки жумла гапини бу ерда илова қилиб ўтсам. У шундай деган эди: "Оқ йўл тилайдиган азаматнинг ўзида бунинг учун маънавий ҳуқуқ бўлиши керак-ку, ахир! Ойдинга оқ йўл тилаганлар орасида умрида ёш шоира даражасида бирорта сатр битмаганлари ҳам бор..."

Аминманки, устоз алломанинг ана шу мулоҳазалари шоира учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолди, ўзига талабчанлик, ортиқча хушмад, мақтовларга учмаслик, беҳуда танқидлар қаршисида ловдираб қолмаслик унинг ижод йўлидаги аҳду паймонига айланди.

Тўртинчи лавҳа

"Келинингни кўрганда" шеърининг шуҳрати, жумладан, ёш шоира уни илк бор радиода ўқиган чоғи режиссёр отахон кўзларида қалқиган ёш таъсири туфайлими, Ойдинхон бу мавзуга қайтиб "Келинчак" достонини яратди. Достон "Шарқ юлдузи" журналининг 1967 йилги 12-сонидида эълон этилди. Асарни шеърхонлар хуш қабул қилди, танқидчиликда унинг теварагида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Жумладан, ёш шоир ва мунаққид Ўлмас Муҳиддин "Ўзбекистон маданияти"да (1968 йил 26 июль) эълон этилган "Замондошимиз образи" мақоласида, дастлаб, "Келинчак"ни юксак баҳолайди: "Шоира қахрамон руҳига яхши кира олган. Унинг психологиясини усталик билан чизган", — деб ёзди. Аммо нарироқ бориб асарни баҳолашда кес-



кин қайрилиш қилади. “Бироқ, – деб ёзади мақола муаллифи, – шу билан бирга асарда нимадир етишмаётгани, нимадир оқсаётганини айтиб ўтишни истардик. Бу – авваламбор бош қаҳрамон образининг индивидуал хусусиятлари очилмаслигида, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, айрилиқ ҳижронлари ва хатти-ҳаракатлари бизга олдиндан таниш Ойбекнинг Раиса, Саида Зуннунованинг она, Жуманиёз Жабборовнинг Гулшан образларини эслатиб юборишида кўринади...”

Ўз вақтида бундай даъво танқидчиликда жиддий эътирозлар туғдирди. Жумладан, камина “Жанр имкониятлари” сарлавҳали мақоламда (“Шарқ юлдузи”, 1969 йил, 4-сон) Ўлмас Муҳиддин билан баҳсга киришиб, унинг даъволари асоссиз эканини кўрсатишга ҳаракат қилган эдим.

Маълумки, жаҳон адабиёти тарихида тақдиран бир-бирига ўхшаб кетадиган қаҳрамонлар кўп учрайди. Ҳақиқатан ҳам, “Келинчак” қаҳрамонининг Ойбек, С.Зуннунова, Ж.Жабборов асарлари персонажлари тақдири билан муштарак жиҳатлари бор. Аммо бу ўхшашлик фақат уруш келтирган кулфатларнинг умумийлигида, холос. Ойдин қаҳрамони тақдири эса ўзининг индивидуал, бетакрор чизиқлари билан бошқалардан баралла ажралиб туради. Шоира қаҳрамонидаги индивидуал белгилар, эҳтимол, муакмал ифодасини топмаган бўлиши мумкин, лекин қаҳрамон – Келинчак образининг индивидуал хусусиятлари очилмаган, дейиш ўринсиз. Энг муҳими, бу ерда масалага ёндашиш, уруш, севги, ҳижрон талқинлари бутунлай ўзгача.

Ойбек “Раиса” балладаси билан шеъриятимизда уруш ва аёл тақдири бадиий талқини масаласини бошлаб берган эди. Кейинчалик бошқа муаллифлар бу масалага кўп бор мурожаат этдилар ва аксар ҳолларда, бу муаммонинг янги-янги қирраларини очишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, Ж.Жабборов “Гулшан” достонида уруш туфайли юз берган илк севги ҳижрони ва иккинчи муҳаббатнинг туғилиш жараёни билан қизиқади. С.Зуннунова эса “Рух билан суҳбат”да уруш жафосини чеккан она қалбини очади, шоира қаҳрамони уруш туфайли эридан жудо бўлган, эрсиз фарзанд ўстириб, вояга етказган она марҳум эри руҳи қаршисида унга ҳисоб беради...

“Келинчак”да эса бутунлай бошқа манзара. Аввало, бу ерда севги талқини ўзгача. Достонни ўқиганда ишқ савдосининг яна бир ажиб, чигал манзарасига дуч келамиз. Севги ва ҳижрон ҳақидаги шундай сюжет тарзига одатланиб қолганмиз: йигит билан қиз, албатта, уруш арафасида бир-бирига кўнгил қўйган бўладилар, улар энди висол лаззатига эришганида ёки эришай деб турганида, йигит жангга отланиб қолади-ю, ҳижрон, ишқ учун имтиҳон бошланади... “Келинчак”да бундай эмас. Қиз севиб эмас, онаси хоҳиши билан турмушга чиққан.

Эр – аломат йигит. Ҳар жиҳатдан қизга муносиб. Йигит қизни жонидан ортиқ севади, у доим қиз атрофида парвона, қиз эса бундай илтифотларга лоқайд, бепарво...

Ниҳоят, ҳижрон дақиқалари етиб келади. Эр – йигит жангга отланади. Кўпчилик асарларда тасвир этилганидек, қиз ҳижрон дақиқаларида изтироб оловида ёнмайди, ларзага ҳам тушмайди, эрини жангга кузатиш чоғи кўз ёши ҳам тўкмайди, у ҳамон бепарво, лоқайд. Пировардида, энг оғир – мудҳиш ҳодиса рўй беради – йигитнинг жангда ўлими ҳақида хабар келади. Бу шум хабар яшин каби аёл бисотини ёритиб юборади, унинг қалби тубида улкан ғалаён кўзғолади; у бор овоз билан қалб садосини изҳор этишга, “севаман” дейишга, эри – йигит кўнглини олишга тайёр!.. Афсус, вақт ўтган, бунинг иллати йўқ, ҳали қалби тубидаги бисот юзага чиқмай, муҳаббат ғунчаси очилмай, севишга улгурмай туриб, севги қадрини англаб етмасдан бурун абадий ҳижрон бошланади...

Шоира ана шу мураккаб, сирли-сехрли ҳолат-вазият туфайли аёл қалбида юз берган чигал руҳий жараёнларни яхши ифода этади. Энди аёл севган одамидан абадий жудо бўлганини кечикиб англаб етади, юраги ёрнинг қайтиб келмаслигини айтиб турса-да, бунинг эслаш уни ларзага солади; лекин у қалбида муқим ўрин олган севгисидан асло воз кечмайди, кечолмайди:

*Бу севги йўлини тутмоқ бор, аммо
Ким ҳам қайта олур ундан терс томон?
Унинг измидадир азалий дунё,
Қадимий коинот, наинки инсон.
Бу йўлдан буюклик топарсан, ёким –
Юз тубан кетарсан беному нишон.
Бу йўлда қолади ё сиқим ҳокинг,
Ё бўлиб қоларсан сен марду майдон!*

Шоира қахрамони шу мушкул савдо йўлини тутиб, марду майдон бўлиб қолади!

“Келинчак” қахрамони ўзи учун қанчалар қимматга тушган бўлмасин, севгисига садоқати туфайли ўзини бахтиёр ҳис этади, айти шу севги-садоқат ҳаётда унинг учун маънавий таянч ва суянчга айланади, уни ҳижрон тўзон-аламларидан қайноқ ҳаёт қучоғига олиб киради, яшашга, курашга ундайди, ниҳоят, у ҳалол меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор топади.

Бундан 43 йил бурун “Келинчак” достони ҳимояси йўлида битилган, аввал “Шарқ юлдузи”да эълон этилган, сўнг 1970 йили нашрдан чиққан “Жанр имкониятлари” китобидан ўрин олган (43-46-бетлар) му-



лоҳазаларимни бу ерда жузъий таҳрир ила келтирар эканман, шоира синглизимнинг 70 ёшга тўлган, аллақачон халқ шоираси, жамоат арбоби сифатида эътироф этилган бир паллада унинг ижоддаги илк қадмларида ҳам мураббий, ҳам мунаққид сифатида озгина бўлса-да, унга таянч бўлганим, асоссиз танқидлардан ҳимоя қилганим учун таскин ва фахр туйғусидан бахтиёр эканимни асло яширолмайман.

2012 йил апрел

ЕТУК ОЛИМ, ДИЛБАР ШАХС, СОДИҚ ҲАМРОҲ

Хаёт, умр оқар дарё, дейдилар. Куни кеча университет аудитори-ясида маърузаларимни бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглаб ўтирган, курсдаги энг одоб-интизомли, айна пайтда, серсавол талаба укам Бахтиёржон бугун 70 ёшни қоралаб қўйибди. Гапнинг очиги, номзодлик диссертациясини ёқлаб бирданига юқори курс талабаларига ихтисослик фанидан маърузалар ўқишни бошлаган камина Бахтиёржон сингари кўп китоб кўрган, мушоҳадаларга бой укамизнинг кутилмаган саволларидан бир оз ҳадиксираб турардим. Бошда мени синаш учунми, укамиз ўзи танишган, аммо маъруза мавзуга унчалик алоқаси бўлмаган қалтис адабий манбалар бўйича саволларга тутиб кўрди, камина ҳам бўш келмай барча "қалтис" саволларга жавоб қайтардим, қаноат ҳосил қилди, шекилли, кейинчалик бундай "синов"лардан тийилди, апоқ-чапоқ бўлиб кетдик; танаффус пайтлари ўзаро илмий-адабий мавзуларда гурунглашадиган бўлдик. Биргал бир туркум шеърлари қўлғизмасини қўлимга тутқазиб, танишиб чиқиш ва улар ҳақида фикр айтишимни сўради. Танишдим. Бинойидек шеърлар. Ўша кезлари шеъриятга кириб келаётган бир-икки шеърий китоблари чиққан шоирларнинг битикларидан асло қолишмайди. Фикрларимни айтдим. Негадир, у менинг айтганларимга бепарвороқ қаради. Чамамда, у ўша кезлари икки йўл бошида турарди: шеърият, шоирлик ва илм-фан, адабиётшунослик. У кейингисини танлади, илм-фан, адабиётшунослик йўлидан кетди. Қарангки, унинг диплом ишига раҳбарлик қилиш менга насиб этди. Камдан-кам учрайдиган ҳол: диплом иши тап-тайёр ҳолда қўлимга тегди, танишиб чиқиб лол қолдим: бирор жумласига, саҳифасига қалам урганим йўқ, шундайича ҳимояга тавсия этилди, ҳимояда юқори баҳо олди.

Бахтиёржон ҳар жиҳатдан аспирантура таълимига тайёр эди. Аммо ўша давр талаб-қоидасига кўра битирувчи икки йил мактабда ишлаб бериши лозим эди. Умри шу пайтгача Тошкентдек шахри



азимда кечган укамиз вилоятнинг чекка бир қишлоғида хизматда бўлди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, сўнг она шаҳрида – ўзи орзу қилган фан маркази – Тил ва адабиёт институтидан қўним топди; салкам ярим асрки, шу масканда турли лавозимларда хизмат қилиб келади, фан номзоди, доктори, профессорлик, академиклик унвони, даражаларига эришди; институтда амалга оширилган фундаментал тадқиқотларнинг ё раҳбари, ёки иштирокчиси бўлди; Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ижодий маҳоратига оид тадқиқотлар яратди, кўплаб илмий шогирдлар тайёрлади. Айни пайтда, ўзи таълим олган Миллий университет филология факультети билан алоқасини узган эмас, гоҳ маърузачи, гоҳ ҳимоя бўйича илмий кенгаш аъзоси, гоҳ имтиҳон комиссияси раҳбари сифатида ҳамиша бу масканда хизматга тайёр туриб келаётир. Фақат ўзимизда эмас, қатор хорижий мамлакатларда ҳам етук олим сифатида танилган бу укамиз бир вақтлар талабалик йиллари камина берган сабоқ, диплом ишига раҳбарлик қилганим ҳаққи каминага "устоз" дея мурожаат этиб, мени бир оз хижолатда қолдиради, ҳозирга қадар байрам кунлари телефон орқали биринчилардан бўлиб табрик этишни асло тарк этмайди.

Айниқса, Бахтиёржон билан мактаб ва олий таълим талабалари учун тубдан янгиланган адабий таълим дастури ва дарсликлари яратиш йўлида бирга чеккан заҳматларимизни асло унутолмайман. Миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ўрта мактабнинг 9, 11-синфлари, олий ўқув юртлари учун "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" (1999), "Ўзбек адабий танқиди тарихи" (2012) дарсликлари бевосита унинг иштироки-ҳаммуаллифлигида яратилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида, ўтиш даври қийинчиликлари палласида ғоят қалтис, жиддий тўсиқларни енгиб ўтиш учун сафимизда Бахтиёржондек қатъиятли шахс-олим борлиги ниҳоятда қўл келган эди.

Мазкур дарсликларнинг ҳар бири жиддий таҳлил, талқинлар учун асос бўла олади. Бу ўринда мен Бахтиёржон иштирокида яратилган биргина асар – филолог ва журналист талабалар учун сув билан ҳаводек зарур бўлган "Ўзбек адабий танқиди тарихи" дарслиги устида тўхталиб ўтиш билан чекланаман.

Шўро даври адабий сиёсати фақат сўз санъати, адабиёт фани ривожидоғина эмас, адабий таълим соҳасида ҳам оғир асоратлар қолдирди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб амалдаги адабий таълим тизими тоқат қилиш мумкин бўлмаган ҳолга етди. Ўша кезлари ҳокимият тепасига келган янги раҳбарият ташаббуси билан собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилардан



бўлиб 1991 йилнинг мартада мактаб адабиёт дастури ва дарсликларини тубдан янгилаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳга О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Қосимов каби ўндан ортиқ таниқли адабиётшунослар жалб этилди. Гуруҳнинг Дўрмондаги ижод ўйида олиб борган жўшқин илмий-ижодий изланишлари самараси ўлароқ тубдан янгиланган дастур лойиҳаси тайёрланди, қизгин баҳс-муҳокамалардан сўнг вазирлик томонидан маъқулланди ва шитоб билан мазкур дастур асосида дарсликлар тайёрлашга киришилди. Янги дарсликларнинг тайёр боблари пешма-пеш кўп нусхада кўчирилиб, мактабларга тарқатилди. Шу тариқа истиқлолнинг биринчи йилида озод мамлакатимиз мактаблари истиқлол руҳи билан йўғрилган янги адабиёт дастури, дарслик боблари асосида иш бошлади.

Мактаб адабий таълимида бошланган янгиланиш изчил давом этиб, олий ўқув юртлари адабиёт дастурлари, дарсликларини ҳам тубдан янгилашга киришилди, кўп асрлик ўзбек адабиёти, жумладан, янги ўзбек адабиёти тарихини қайта ўрганиш, баҳолаш йўлида олиб борилган изланишлар оқибати ўлароқ "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" (1999), "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" (2004) ўқув дарсликлари майдонга келди.

Маълумки, миллий адабиёт, айниқса, янги ўзбек адабиёти тарихини адабий танқид тарихисиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Бу борадаги бир қатор ишлар, чунончи, 1987 йили чоп этилган бошдан-оёқ ўша давр руҳи билан йўғрилган икки томлик "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" аллақачон ўз илмий қимматини йўқотган эди. Истиқлол йилларида миллий - ўзбек адабий танқидчилиги тарихини замонавий адабий-танқидий тафаккур даражасида туриб янгича ёритиш йўлида ҳам талай хайрли ишлар қилинди, миллий танқидчилигимизнинг айрим намояндалари, қатор атоқли адибларимизнинг адабий-танқидий қарашлари, шунингдек, улар ижодининг танқидчиликдаги талқинларига оид тадқиқотлар пайдо бўлди. "Ўзбек адабий танқиди антологияси", олий ўқув юртлари учун бир қатор ўқув қўлланмалари, ниҳоят, кечикиброқ бўлса-да Б.Назаров, А.Расулов, Ш.Аҳмедова, Қ.Қахрамоновлар қаламига мансуб "Ўзбек адабий танқиди тарихи" ўқув дарслиги майдонга келди.

Мазкур дарслик муқаддимасида таъкидлаб ўтилганидек, миллий танқидчилигимиз илдишлари қадим замонларга бориб тақалади, аммо чин маънодаги замонавий ўзбек адабий танқидчилиги кейинги юз йиллик давомида, кўп асрлик сўз санъатимиз тарихидаги туб бурилиш – янги ўзбек адабиёти билан ҳамоҳанг тарзда туғилиб, шаклланди, ғоят мурраккаб, зиддиятли, айна пайтда, шарафли йўл-



ни босиб ўтди. Дарсликда ўзбек адабий танқидининг фан ва санъат ҳодисаси сифатидаги ижтимоий-эстетик моҳияти, мақсад ва вазифалари, методологияси, давр эҳтиёжи, тақозоси туфайли пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёт тарихининг ўзига хос тамойиллари босқичма-босқич ёритилган. Миллий адабий танқид ривожига муносиб ҳисса қўшган қатор етакчи адабиётшунос-мунаққидлар илмий-иждоий фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, адабий танқиднинг шаклий-жанрий таркиби тасниф этилиб, тақриз, адабий-танқидий мақола, портрет, очерк, эссе, адабий-танқидий мактуб, адабий суҳбат каби жанрлар таҳлил этилган. Ҳар бир мавзу режа, мавзуга оид саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик кўрсатмалар билан таъминланган. Қисқаси, салмоқдор бу дарслик замонавий таълим технологиялари асосида бугунги адабиётшунослик назарияси ва методологияси ютуқлари даражасида туриб тайёрланган.

Ажратилган дарс соатларидан келиб чиқадиган бўлса, китоб ҳажми ҳийла катта. Аммо ҳозирча бизда миллий танқидчилигимиз тарихига оид замон руҳига мос фундаментал тадқиқот яратилмаганлиги назарда тутилса, бу ҳол ўзини тўла оқлайди. Дарсликда юз йиллик адабий-танқидий жараён бутун тафсилотлари билан ёритилган, элликка яқин мунаққидлар ҳақида турли ҳажмда маълумотлар берилган экан, талаба учун ўқув дастурида назарда тутилган ўринлар асосий, қолганлари эса қўшимча манба хизмати ўтайверади.

Миллий танқидчилигимизнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожланишида бевосита адибларимизнинг бу борадаги саъйи ҳаракати, фаолияти таҳсинга сазовор. Ҳатто Чўлпон, А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳорлар соғлом миллий-танқидий тафаккур раёнида етакчилик қилганлар. Чўлпоннинг 17 ёшида ёзган дастурий аҳамиятга молик "Адабиёт надир?" мақоласи, Фитратнинг "Адабиёт қондалари", Қодирийнинг "Ўткан кунлар" танқидига оид мунаққид С.Хусайн билан баҳси, Ойбекнинг Чўлпон, Ҳ.Олимжон шеърини химоясига оид мақолалари, адабий танқидчилигимиздаги саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши чиқишлари ўтган асрнинг 20-30-йиллар адабий-танқидий тафаккурининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Муайян кам-қўстларига қарамай, Ойбек қаламига мансуб "Абдулла Қодирийнинг иждоий йўли" рисоласида буюк адибнинг мислсиз санъати хусусида мардона ва оқилона сўзлар айтилган. Дарсликда булар ўз ифодасини топган. Айни шу анъана 50-йиллар иккинчи ярми, 60-йиллар давомида жасур аллома А. Қаҳҳор томонидан давом эттирилди, унинг адабий анжуманлардаги, матбуотдаги ҳар бир чиқиши, хусусан, "Ёшлар билан суҳбат" китоби



маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди; адиб теварагида қатор янги авлод ижодкорлар, улар сафида Матёқуб Қўшжонов билан Озод Шарафиддиновдек етук истеъдодли мунаққидлар уюшган эди, ҳар иккиси А.Қаҳҳорни ўзига устоз деб биларди. Бу ҳол миллий адабиётимиз, адабий-танқидий тафаккур ривожига ўзига хос руҳ бахш этди. Дарсликда ана шу жиддий ҳодиса етарли даражада ёритилмай қолган.

Дарсликнинг характерли жиҳатларидан бири шуки, мушкул вазиятларда танқид майдонида турган истеъдодли мунаққидларнинг фожиавий қисмати бор ҳолича берилган. Шўро адабий сиёсати, мамлакатда авж олдирилган синфий-мафкуравий курашлар жазаваси туфайли 20-йилларда истеъдодли мунаққид сифатида тан олинган Вадуд Маҳмуд сиёсий жазаваларга дош беролмай танқид майдонини эрта тарк этди; бошда чин нафосат кашшофи сифатида танила бошлаган А.Саъдий, Қодирий катта умид боғлаган С.Хусайнлар вульгар социологизм йўлига тушиб олдилар. Бошқаларнинг қисмати ҳам деярли шу хилда кечди. Танқид чин истеъдодни, чин санъат асарининг гўзаллигини кашф этишдек бош вазифасидан чекиниб, ғоявий-синфий, сиёсий демагогия йўлига тушиб олди. Дарслик муаллифлари шу аччиқ ҳақиқатни бор ҳолича қайд этиш билан бир қаторда, ана шундай кўргиликка гирифтор мунаққидлар бисотида "йилт" этган жиҳатларни ҳам адолат юзасидан эътироф этиб ўтадилар. 60-80-йиллари фаолият кўрсатган мунаққидлар бисоти гарчи муайян зиддиятлардан холи бўлмаса-да, уларда ижобий ҳислатлар етакчилик қилади. Буни муаллифлар танқидчиликдаги энг муҳим тамойил – баъдий ижод асл табиати, уни санъат ҳодисаси сифатида англаш, талқин этиш томон юз ўгириши самараси тарзида изоҳлайдилар.

Шу ўринда мен ўша кезлари қўллаб бошқа мамлакатлар адабиётшунослигида бўлгани каби миллий танқидчилигимизда ҳам социализмни "очиқ система" сифатида талқин этишдан иборат тамойил юзага келганлигини, бу ҳол аслида адабий жараённинг ўзида рўй бераётган ифода ва талқинлар ранг-баранглигини ҳимоя қилишнинг ўзига хос йўли бўлганлигига эътиборни тортмоқчи эдим. Айрим ўқув қўлланмаларида эътироф этилган ана шу самарали ҳодиса дарслик муаллифлари эътиборидан четда қолган.

Дарсликнинг энг муҳим ютуғи, менимча, истиқлол даври миллий танқидчилигимиз ривожига содир бўлган ғоят самарали умидбахш тамойилларнинг кенг қўламда изчил ва теран тадқиқ этилганлигидир. Шуни мамнуният билан эътироф этиш даркор: истиқлол йилларида ўзбек адабий танқидчилиги ҳар қандай тазйиқ, чекловлардан



халос бўлиб, чин маънода эркин, ўз мустақил йўлига тушиб олди, "кўп миллатли адабий танқиднинг бир қисми" доирасидан чиқиб, умумжаҳон замонавий адабий танқидий тафаккур ўзанлари томон юз ўгира бошлади, аввало, мунаққид эътиқоди, қолаверса, таҳлил, талқин, баҳолаш методологияси тубдан ўзгарди. Адабий танқидчиликда эркин ижодий баҳс муҳити шаклланди, фикрлар, талқинлар хилма-хиллиги учун кенг йўл очилди.

Биринчидан, адабий танқид ўзи босиб ўтган 70 йиллик ўта мураккаб, зиддиятли, ҳаттоки, фожиявий йўлни қайта нигоҳдан ўтказиш, адабий жараёни, алоҳида ижодкорлар бисотини қайта баҳолаш, талқин этишга киришди.

Иккинчидан, янги ўзбек адабиётининг жадидчилик ёхуд миллий уйғониш даври адабиёти деб номланган илк босқичи манзараси бор ҳолича тикланди.

Учинчидан, адабий танқид истиқлол даври адабий жараёни, унда содир бўлаётган янгича тамойилларни аниқлаш, баҳолаш йўлида астойдил ҳаракат қилди; авваллари тасаввур этиш мумкин бўлмаган, шўро даврида фақат "реакцион буржуа оқими" дея рад этилган модернизм ҳодисаси теварагида жиддий тортишувлар бўлди.

Тўртинчидан, адабий танқид янги шароитда ўз қуроли — таҳлил, талқин, баҳолаш мезонлари — методологияси устида жиддий бош қотирди, энг чигал, мураккаб муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўлларини қидирди.

Жиддий ютуғимиз шундан иборатки, мустақил мамлакатимиз Конституциясида "фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги" қонун билан кафолатланди ва "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади", деган қоида амалиётга айланди. Замонавий герменевтикага кўра, адабий ҳодиса ёки асар ҳақидаги ҳеч қайси фикр, баҳс, талқин узил-кесил ҳукм тарзида қабул қилиниши мумкин эмас. Япон алломаси айтганидек, "Фақат менинг фикрим ҳақ деган одам ё даҳо, ёки ғирт телба". Ниҳоят, адабий танқидчилигимизда ана шу жаҳоншумул тафаккур тарзи устувор бўлиб бормоқда. Чунончи, "Бой ила хизматчи", "Кеча ва кундуз", "Қутлуг қон", "Сароб", "Синчалак" каби асарлар теварагида жиддий мунозаралар бўлди, ҳатто "Сароб" ҳақида ҳозир ўндан ортиқ талқинлар мавжуд. Миллий адабиётимиздаги модернизм хусусида ҳам турфа қарашлар ҳамон давом этмоқда. Шуниси характерлики, жамият, адабий жамоатчилик бирорта қараш, талқинни узил-кесил ҳукм тарзида қабул қилаётгани йўқ. Мабодо илмий йўсинда далил-исботлар билан айтилган бўлса, уларнинг ҳар бири эътиборга лойиқ, ҳар бир қараш, талқин яшашга



ҳақли. Бу ҳол жамиятимизнинг, адабий муҳитимизнинг муҳим ютуғи. "Ўзбек адабий танқиди тарихи"да ҳозирги адабий жараён тадқиқи, баҳолаш, таққинида намоён бўлган ана шу муҳим жараёнлар ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир. Бу ҳол жаҳон андозаларига, бугунги таълим тизими талабларига тўла мос тушади, талабаларни мустақил фикрлашга, ижодий ўй-мушоҳадаларга даъват этади.

Дарсликнинг шу хилдаги ютуқлари билан баробар айрим кам-кўстлари устида юқорида йўл-йўлакай тўхталиб ўтдик. Буларга қўшимча тарзда унда таҳрирга муҳтож саҳифалар, такрорий ўринлар, дарсликларга хос бўлмаган тафсилотларга мойиллик, услубий яхлитликнинг етишмаслиги, китобнинг типографик жиҳатдан бугунги талаблар даражасида эмаслигини илова қилиб ўтиш мумкин. Бироқ шу хилдаги кам-кўстларига қарамай, "Ўзбек адабий танқиди тарихи"нинг илк бор дарслик тарзида пайдо бўлиши қувончли ҳодиса сифатида баҳолашига лойиқ. Қисқаси, мазкур дарсликнинг ютуқларида Бахтиёржоннинг ҳиссаси катта.

Ниҳоят, Бахтиёржоннинг ўзи, шахсияти устидаги гапга қайтайлик. Кўпдан бери кузатиб юраман, Бахтиёржон адабиётшуносликда қайси мавзу, масала-муаммога кўл урса, уни қойиллатиб адо этади; ҳамкасби, ҳамроҳига ҳеч қачон панд бермайди, кўлидан келганича уни ҳимоя қилади. Адолатсизликка дуч келганда бирдан ловуллаб кетади, кўнглидаги бор гапни шартта-шартта муҳолифининг қарши-сида юзига тўкиб солади, аммо ҳеч қачон кек сақлаб юрмайди.

Бахтиёржон билан турли-туман адабий-илмий сафарларда кўп бор бирга бўлганман. Унинг гурунглари, ҳазил-мутуйибалари ғоят мароқли, ҳамроҳини асло зериктирмайди, давраларга алоҳида файз бахш этади; шахмат суришда шер бўлиб кетади, зўр келганда аранг дурангга рози бўлади. Минбарларга чиққанида эса чин олим қиёфасига киради, албатта, мавзуга оид тингловчиларни ўйга толдирадиган, баҳсга ундайдиган жиддий, салмоқдор янги бир гап айтади...

Бахтиёржон шу каби фазилатлари – етук олим, дилбар шахс, садоқатли ҳамроҳ экани билан ҳаммамиз учун қадрлидир.

2015 йил



ЗАҲМАТКАШ, ФИДОЙИ ОЛИМНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ

1972 йилнинг сентябри – Миллий университет ўзбек филологияси факультети биринчи курсида ҳозирги адабий жараён фанидан машғулотлар бошлаганман. Ўн йилдан бери камина олиб борадиган бу курснинг бош вазифаси – филолог талабаларни жорий адабий жараён оламига олиб кириш, уларда сўз санъати ва адабиётшунослик, танқидчилик янгиликларини мунтазам кузатиб бориш, бинобарин, адабиёт олами ичида яшаш малакасини шакллантиришдан иборат. Одатга кўра, илк машғулоти талабаларнинг бу борадаги савия-даражасини аниқлашдан бошладим. Миллий, қолаверса, кейинги йилларда жаҳон адабиётида яратилиб, эл оғзига тушган, шов-шувларга асос бўлган асарлар бўйича саволлар чоғи ҳаммаси равшан бўлади-қолади. Бу гал ҳам айти шундай ҳол юз берди. Қўйилган саволларнинг деярли барчасига жавоб учун кўл кўтарган уч-тўрттагина талаба орасида кичик жуссали, кўзлари чақнаб турган йигитча эътиборимни жалб этди. А.Солженициннинг "Иван Денисовичнинг бир куни", Ч.Айтматовнинг "Оқ кема"си, Асқад Мухтор, Шухрат, О.Ёқубов, П.Қодиров романлари, С.Аҳмад, Ў.Умарбеков, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев ҳикоя, қиссалари, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Муҳаммад Али шеърӣ тўпламлари, О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновларнинг адабий-танқидий мақола, китоблари, "Литературная газета", "Шарқ юлдузи", "Ўзбекистон маданияти", "Гулистон" саҳифаларида эълон этилаётган асарлар, баҳс-мунозаралар – барча-барчасидан хабардор бу талабага илк танишувдаёқ меҳрим тушиб қолди. Мен аудиторияда ўтирганларга уни ибрат қилиб кўрсатдим, филология бўйича олий таълим даргоҳига қадам қўйган талаба шундай бўлиши лозимлигини, филология бу сўзга, сўз санъатига шайдолик – ошиқлик дегани, адабий асарларни мажбурият юзасидан эмас, чин дилдан севиб, қидириб топиб ўқийдиган, бу соҳани қисмат деб биладиган, унга ҳатто жонини, жаҳонини бахш этишга тайёр одамдангина ҳақиқий филолог – адабиётшунос, етук мураббий чиқишини бу гал ҳам бўлғуси филологларга уқтирдим. Суриштириб билдим: Ҳамидулла исмли бу йигит Андижон шаҳрида 1954 йил 29 августда маърифатли оилада дунёга келган, мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ китоб шайдоси бўлган, филолог бўлишни кўнглига туккан. Мактабни битирибoқ ТошДунийнғ филология факультетига ариза топширган, аммо етарли балл тўпловмаган, бир йил мебель фабрикасида ишлаб, айти



пайтда, астойдил тайёргарлик кўриб иккинчи йили университет талабаси бўлишга эришган экан...

Афсус, ҳар галгидек бу курсга қабул қилинган 60-80 чоғли филолог талабалар орасидан битта, нари борса икки-учта ана шундай фидойи чин филологлар чиқади, холос... Ҳар хил йўллар билан бу даргоҳга кириб қолган, ҳатто кейинчалик бу соҳа бўйича илмий даража, унвонларга эришган "уддабурон"ларнинг эса қисмати нима билан тугаганини кўрдик, кўряпмиз... Илоҳий адолатни қарангки, фаннинг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби филология жабҳасида ҳам унинг асл қиёфасини, келажагини, даража-миқёсини, аввало, Аллоҳ берган чин истеъдод, ўз соҳасига чексиз меҳр қўйган фидойи шахсларгина белгилайди. Миллий университетда кечган олтмиш йиллик фаолиятим давомида топган бармоқ билан санарли ана шундай ноёб ҳислат соҳибларидан бири – ўша илк машғулот чоғи эътиборимни тортган кичик жуссали, кўзлари чақнаган шогирд йигитча – бугунги кунда 60 ёшни қоралаб турган таниқли адабиётшунос олим, мураббий Ҳамидулла Болтабоев экани билан фахрланаман.

Аслини олганда, Ҳамидуллага мен ўзимни устоз дейишдан бироз ийманаман. Тўғри, талабалик йиллари унинг диплом ишига, сўнг сиртқи аспирантлик кезлари номзодлик диссертациясига расман илмий раҳбар бўлганман; диплом иши учун мавзу сифатида ўз даврида қизғин баҳсларга асос бўлган "Сўнгги бекат" романи (Ш. Холмирзаев асари), сўнг номзодик диссертацияси учун эса "Ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар (70-йиллар)" муаммоларини тавсия этганман. Диплом иши, номзодлик диссертацияси устидаги иш жараёнида, очиғи, раҳбар сифатида бу шогирдга йўл-йўриқ кўрсатишга зарурат бўлгани йўқ; тадқиқот мавзусига оид адабий манбалар, илмий адабиётлардан тортиб, иш режаси-ю, унда кўтариладиган муаммоларгача – барчасини ўзи мустақил ҳал этган, айрим масалалар бўйича орамизда баҳслар бўлиб ўтган, холос. Талабалик даври якунида "Сўнгги бекат" романи устидаги илк илмий қадами, аспирантлик йиллари маҳсули – 70-йиллар ўзбек насридаги услубий изланишларга оид тадқиқоти мавзуга оид қатор нозик кузатиш, ўзига хос таҳлил, талқинлари билан адабий-илмий жамоатчилик эътиборини қозонди. Қарангки, 1982 йили ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси орадан ўн йил ўтиб, 1992 йили "Наср ва услуб" номи остида китоб ҳолида чиқди, 2006 йили эса турк тилига таржима этилиб Туркиядаги Чаноққалъа ("18 Март") университетида нашр этилди. Мазкур тадқиқотда ўтган асрнинг 70-йиллари насримизда юз берган услубий тенденциялар, уч йўналишдаги ("изчил реалистик", "лиро-романтик" ва "рамзий-мажозий") изланишлар ҳақи-

даги кузатишлар ўзимиздагина эмас, хорижлик адабиётшунослар орасида ҳам қизиқиш уйғотгани эътиборга сазовордир.

Номзодлик диссертацияси устида ишлаган чоғлари Ҳамидулла собиқ Иттифок, қолаверса, жаҳон адабий жараёни билан яқиндан танишди. О. Ёқубовдан тортиб Эркин Аъзамгача бўлган истеъдодли ёзувчилар ижодий йўлини синчиклаб кузатди, бугина эмас, айниқса, ўзига замондош-тенгдош адабий авлод – Х.Султонов, Х.Даврон, М.Юсуф, М.Маҳмудов, Х.Дўстмуҳаммад, Шавкат Раҳмон, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Муродлар билан яқиндан дўст тутинди, ана шулар муҳити ичида нафас олди. Мен бундан буён ҳам бу укамиз ўзим каби айти шу ижодий жараён устида янгидан-янги тадқиқотларни давом эттирса керак, деган умидда юрардим. Эҳтимол, каминга сингари номзодликни ёқлаб устозим О.Шарафиддинов асос солган Миллий университетдаги ўзбек адабий танқидчилиги мактаби муҳитида иш бошлаганлигим, 26 йил ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилганлигим, фақат бир масканда қўним иш олиб борганим туфайли бир йўлдан боргандирман...

Тақдир, нон-насиба экан, Ҳамидулланинг илм-фан, меҳнат йўлидаги кечмиши ўзгача, хийла мураккаб тарзда кечди. Укамиз 1977 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўз соҳаси эмас, Халқ хўжалиги институтининг тайёрлов бўлимида иш бошлади, орадан кўп ўтмай Халқ хўжалиги институтининг Қўқон филиалига, сўнг Андижон филиалига ишга ўтди. Ўз соҳаси – ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги қолиб, талабаларга ўзбек ва рус тилларидан дарс берди; сўнг уларнинг ёнига партия тарихи ва фалсафа қўшилди, боз устига рус гуруҳларида рус тилида дарс беришга мажбур бўлди. Ниҳоят, олти йилдан сўнг сиртқи аспирантурани тугатиб, номзодлик илмий даражасига эришгач, Чўлпон номидаги Андижон Тиллар институтида қўним топди, бу ерда ҳам замонавий ўзбек адабиётидан фан номзоди даражасини олган олим рус ва хорижий халқлар адабиёти кафедраси мудир сифатида рус фольклоридан тортиб рус ва жаҳон адабиёти тарихи, назария бўйича рус тилида дарс олиб боришга мажбур бўлди. Мана шу 17 йиллик мураккаб муҳитда ҳам қувончли, ҳам мураккаб, чигал савдолар бошига тушди. Айрим ғаламисларнинг фитна, таҳдид, таъқибларига қарамай, 1996 йил 7 декабрда “XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси” мавзуи бўйича докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

70-80-йиллари замонавий ўзбек насри муаммолари устида астойдил тадқиқот олиб борган, айти шу қайноқ адабий муҳит ичида юрган ёш олим нега бирдан XX аср бошлари, боз устига, энг мураккаб, қалтис сиймо Фитрат ижодий мероси тадқиқи соҳасига ўтди,



деган ҳақли савол туғилади. Мустабид тузум қурбонлари бўлмиш буюк адабий сиймолардан Қодирийнинг омади юришиб, 50-йиллар охири, 60-йиллардаёқ ижодий мероси халққа қайтарила бошлайди; аммо унинг икки сафдоши – Чўлпон билан Фитрат расман оқланган бўлса-да, ижодий меросини рўёбга чиқариш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш ўта мушкул кечди, фақат 80-йиллар охирига келиб бу соҳага йўл очила бошлади. Мана шу хайрли ташаббусни бошловчиларидан бири Ҳамидулла укамиз бўлиб чиқди.

Бу “писмиқ” инигинам хатто мендан ҳам бир ҳақиқатни сир сақлаб юраркан. Талабалик даврининг биринчи йилида унга ётоқхона тегмай, ижара уйи излаб юрганида, бахтли тасодифни қарангки, буюк аллома Фитратнинг синглиси Маҳбуба ая ихтиёридаги хонадондан вақтинча паноҳ топади, бир-икки ҳафта яшашга розилик берган опамизга укамиз ёқиб қолиб, у бир йил шу даргоҳда туриш шарафига муяссар бўлади. Ўша кезлари нафақада бўлган опамизга тиришқоқ, илмга чанқоқ, араб ёзувидаги манбаларни бемалол ўқий оладиган дастёр одам керак эди. Бу кезларда онахон жон-жаҳди билан акаси меросини йиғиш, юзага чиқариш ҳаёли билан банд эди. Ҳамидулла опамизнинг ўнг қўлига айланади, унинг ёнида ўтириб, мунтазам ноёб манбалар мутолааси билан шуғулланади; бир йиллик ижара ҳаётидан кейин ҳам хонадон соҳибаси билан бу борадаги илмий-ижодий ҳамкорлигини давом эттиради; шу тариқа Ҳамидулланинг “пинҳона” фитратшунослиги шаклланади.

Ниҳоят, 80-йиллар охирига келиб, ошкоралик деб аталган бир вазиятда Ҳамидулла Фитрат опамига дадил қадам қўя бошлайди, 1987 йил октябрь-декабрь ойлари М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида малака ошириш чоғи марказдаги улкан адабиётшунослар Г.Поспелов, Е.Хализев, Л.Климовичлар билан ҳамкорлик ўрнатиш асносида пойтахтдаги кутубхона, архивлардаги Фитрат ижодий меросига оид манбалар билан яқиндан танишиш, улардан нусха олиш шарафига муяссар бўлди. Шу тариқа Фитрат опамига шўнғиб кетади. Бирин-кетин “Абдурауф Фитрат” (1992), “Қатағон қилинган илм” (1996), “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос” (1996), “Фитратнинг илмий мероси” (1996) китоблари нашр этила бошланди. Ниҳоят, 1996 йил 7 декабрда “XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлади. Қодирий, Чўлпон ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқариш бобида И. Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримовлар қанчалар жонбозлик кўрсатган бўлсалар, Ҳамидулла ҳам сафдошлари қатори фитратшуносликда катта жонбозлик кўрсатди; бу хайрли ташаббус,

шижоат докторлик диссертацияси ҳимояси билан чекланиб қолгани йўқ, олимнинг бу борадаги кўламли фаолияти ҳамон изчил давом этаётир. “Фитрат ва жадидчилик” (2007) мақолалар тўплами Фитрат меросига янги аср адабиётшунослиги нуқтаи назаридан ёндашишнинг чиройли намунасидир. Бевосита Ҳ. Болтабоев муҳаррирлиги, таржимаси остида адибнинг “Мухтасар ислом тарихи” (1992), “Адабиёт қоидалари” (1995), “Аруз ҳақида” (1997), “Мунозара” (1998) сингари асарлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди; шунингдек, 2000-2010 йиллар оралиғида “Маънавият” нашриётида алломанинг беш жилдлик Танланган асарлари Ҳамидулланинг тадбир, таржима, сўз боши ва изоҳлари билан нашр қилинди. Энг сўнгги муҳим ташаббус – Фитратнинг 1927 йили чоп этилган ноёб китоби “Энг эски турк адабиёти намуналари” (2008), 1928 йили чиққан “Ўзбек адабиёти намуналари” (2013), яна ўша укамиз Ҳамидулланинг сўз бошилари билан “Мумтоз сўз” нашриётида қайта чиқиши савоб иш бўлди.

Миллий университет раҳбарияти, ўзбек филологияси факультети илмий жамоаси таклифи билан Ҳамидулланинг 1998 йилда бу мўътабар ўқув даргоҳига профессор лавозимига ишга келиши олим ҳаётида, илмий-ижодий фаолиятида янги босқични ташкил этди. Орандан бир йил ўтиб, у ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудирлигиб тайинланди. Истеъдодли, серғайрат олим бу масъул лавозимда ғайрат-шижоат билан ишга киришиб, атоқли устоз Фулом Каримов анъаналарини янги босқичда шижоат билан давом эттирди. Бу йиллари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган, унга кўра янги тизим – бакалаврият ва магистратура босқичининг Давлат стандартларини тайёрлаш, ўқув режалари ва дастурларини тузиш ҳаракати кетаётган, мумтоз адабиёт бўйича тубдан янгиланган ўқув дастури яратиш, магистратура босқичи учун янги мутахассислик фанларини тавсия этишдек долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим эди. Ҳамидулланинг саъйи ҳаракати билан “Адабиётшунослик методологияси”, “Адабиётшунослик ва структурал методлар”, “Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари”, “Мумтоз тарихий поэтика”, “Назарий поэтика”, “Адабиётшунослик тарихи” ўқув курсларининг режа ва дастурлари ишлаб чиқилди; айни пайтда ана шу ўқув курслар бўйича ўқув қўлланмалари яратишга киришилди. Қисқа фурсат ичида “Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи)” (2005), “Шарқ мумтоз поэтикаси” (2006, 2008) номи билан аталган салмоқдор ўқув китоблари чоп этилди. Профессор Ҳ. Болтабоев томонидан тайёрланган, академик Н. Иброҳимов, А. Рустамов, шунингдек, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, Б. Назаров, С. Олимов, М. Комиловдек етуқ мутахассисларнинг нигоҳи, синчков таҳриридан ўтиб нашр этилган



ҳар иккала китоб ҳам талабалар, қолаверса, хос китобхонлар учун муносиб тортиқ, ташна қалблар учун айна маънавий оби ҳаёт бўлди. "Ислом тасаввуфи манбалари" ва "Шарқ мумтоз поэтикаси" китобларининг 2007 йили Республика олий таълим мутахассислари орасида йилнинг "энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танловида 1-ўринни эгаллаб, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус мукофоти билан тақдирлангани тасодифий эмас.

Маълумки, Шарқ мумтоз поэтикаси кенг қамровли тушунча, у араб, форс ва турк тилларидаги манбалар билан чекланмай, ҳинд, хитой, япон, корейс каби ўнлаб халқлар адабий-назарий тафаккури тажрибаларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур қўлланмаларнинг биринчи китобида ислом тасаввуфи, аниқроғи, ислом тафаккури таъсирида шаклланиб ривож топган, араб ва форс тилларидаги манбаларнинг ўзбекча таржималари берилган. Иккинчи китобда эса ҳинд, хитой, япон, корейс тилидаги манбаларнинг эълон этилиши режалаштирилган. Кейинги минг йиллик давомида ўзбек мумтоз адабиёти ривожини биринчи галда айна шу араб, форс ва турк адабиёти, бадий, фалсафий тафаккури билан узвий алоқада, ҳамкорликда кечганлиги кундай равшан. Демак, мазкур ўқув қўлланманинг айна шу тарзда ташкил топиши теран мантикий-илмий асосга эга.

Фаробийдан тортиб то Фитратга қадар минг йилликда яратилган ғоят бой илмий-адабий манбаларни беришда мақбул йўл танланган – ҳам мумтоз поэтика табиатини, ҳам замонавий поэтика назарияси тажрибаларини назарда тутган ҳолда улар "Бадий сўз табиати, шoirлик таърифи", "Сурат (шакл) ва маъно бирлиги", "Адабий турлар, шеър навлари", "Шеър тузилиши ва аруз илми", "Бадий санъатлар", "Қофия илми", "Тил одоби, бадий нутқ ва услуб" каби тизимларга солинган. Мазкур манба ва талқинлар китоби камтарона тарзда "ўқув қўлланмаси", "мажмуа" деб аталса-да, айна пайтда, жиддий илмий тадқиқотлар махсули, ҳосиласидир. Ундаги муқаддима, боблар олдида берилган муаллифлар ҳақидаги мухтасар маълумот, мавзуга оид кенг талқин ва шарҳлар, китоб охиридаги батафсил изоҳлар, шунингдек, исмлар, истилоҳлар кўрсаткичи юксак илмий савияда адо этилган. Ушбу китобдаги манба ва талқинлар ҳам мумтоз поэтика масалаларини, ҳам замонавий адабиёт назарияси муаммоларини теран тушунувчи назариётчи олим заҳматининг натижасидир. Тасаввур қилиб кўрин-а, олим "Ислом тасаввуфи манбалари" китобида фойдаланган "Асарлар кўрсаткичи"да 200дан ортиқ, "Шарқ мумтоз поэтикаси"да эса 150ка яқин манбалар рўйхатини келтиради. Ўз-ўзидан равшанки, муаллиф келтирилган манбаларнинг барчасини синчиклаб ўрганган.



Мазкур китобларда жамланган ислом тасаввуфи, мумтоз адабиётимиз поэтик тафаккури манбалари билан танишиб чиққанда, табиий равишда китобхон кўнглида миллий ифтихор туйғуси жўш уради: ота-боболаримиз минг йиллар муқаддам жаҳон илғор тафаккури билан таниш бўлганлар, айти пайтда, жаҳон адабий-эстетик бисоти хазинасига муносиб улуш кўшганлар. Шуниси характерлики, ХХI асрда Овropa ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида яратилган ва яратилаётган замонавий руҳдаги энг янги адабиёт, санъат назариясига оид китоблардан ҳам айти Шарқ мумтоз поэтикасига оид махсус боблар муносиб ўрин олмоқда. Қисқаси, Ҳ. Болтабоевнинг мазкур ўқув қўлланмаларида илгари сурилган бош концепцияси Ғарб ва Шарқ мумтоз поэтикаси моҳият эътибори билан яхлит поэтик адабий тафаккур жараёни эканлигини тасдиқлашга қаратилган.

Ниҳоят, олимнинг қўл йиллик машаққатли илмий изланишлари натижаси ўлароқ уч жилддан иборат фундаментал "Адабий-эстетик тафаккур тарихи" майдонга келди. Мазкур тадқиқотнинг Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда яратилган 1-жилди "Қадимги давр" 2013 йили "Мумтоз сўз" нашриётида чоп этилди. Иккинчи, учинчи жилдлари ҳам, асосан, ёзиб тугатилган, ҳозирда нашр жараёни ишлари кетмоқда. Мазкур тадқиқот жаҳон адабиётшунослиги ва эстетик тафаккурининг ибтидосидан тортиб, ҳозирги кунга қадар бир неча минг йиллик тарихини ўзида мужассам этади; аниқроғи, унда жаҳон адабий тафаккури сифатида тан олинган эстетик қарашлар тадқиқи ўрганилган. Муайян давр, миллат ёки алоҳида буюк шахслар томонидан яратилган илмий-назарий ҳодисалар яхлит умумбашарий тафаккур ҳодисаси сифатида тақдим этилган. Шарқ, ғарб адабий эстетик тафаккуридаги муштарак ва фарқли жиҳатлар, унинг сабаб ва оқибатлари моҳияти очиб берилган. Мазкур ишда ўтган аср поёнида рус тилида яратилган 9 жилдлик "Умумжаҳон адабиёти тарихи" тажрибалари ҳам назарда тутилган, айти пайтда, муаллифлар назарий муаммоларга ўзига хос тарзда ёндашганлар; жаҳон адабиётшунослиги ва санъатшунослигининг бой тажрибаларига, энг сўнгги таҳлил ва талқин йўлларига таянганлар. Қисқаси, мазкур тадқиқотда жаҳон эстетик тафаккури тарихини янги аср талаблари ва даражаси нуқтаи назаридан қайта идрок этиш назарда тутилган. Тадқиқотнинг бош мақсад ва вазифалари қуйидагилардан, яъни:

- жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарихини глобал кўламда тадқиқ этиш;
- адабий-назарий тафаккурдаги даврий босқичлар моҳиятини аниқлаш;



- Шарқ ва Ғарб тафаккурларидаги муштарак ва фарқли жиҳатларига типологик ёндашиш;

- илмий муаммога муносабатда шўро адабиётшунослиги ва жаҳон адабий-назарий тафаккури нисбатидаги концептуал хусусиятларни кузатиш; охир-оқибат, илғор жаҳон тафаккури йўлининг устувор эканлигини эътироф этишдан иборат.

Аминманки, жами 65-70 босма табоқдан иборат мазкур саломқдор тадқиқотнинг ҳар уч жилди тўла нашрдан чиққач, унга тўла-тўқис баҳо бериш имкони туғилади; ҳозирданоқ баралла айтиш мумкинки, ана шундай умумжаҳон миқёсидаги кўламли яхлит илмий адабий-эстетик тафаккур тарихини она тилмизда яратишга интилишнинг ўзидек таҳсинга сазовор илмий жасоратдир.

Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасига мудирлик қилган кезлари Ҳ.Болтабоев янги ўқув дарсликлари, дастурлари, қўлланмалари устида ишлаш, фундаментал тадқиқотлар олиб бориш билан баробар Республика ва жаҳон миқёсидаги илмий анжуманлар, жамоат ишларида фаол иштирок этди, чунончи, 1999-2000 йиллари Токио Давлат университетида Туркистон тадқиқотлари маркази гранти аъзоси. 2009 йил майда – Корея Республикаси Марказий Осий тадқиқотлари маркази ва "Revi of Central Asian Studies" журнал таҳририяти аъзоси, 2009 йил 3 майда Туркия Жумҳурияти 18 март университети (Чанокқалъа) фахрий доктори, 2012 йил апрелдан Халқаро Эстетика ва эркин санъат ижтимоий академияси (Россия ФА, Москва) аъзоси. 2013 йил ноябрдан Чингиз Айтматов номидаги Иссиқкўл форуми аъзоси; 2000-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар марказида филология фанлари бўйича Экспертлар кенгаши раиси, 2001-2006 йиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Филология фанлари бўйича Экспертлар кенгаши аъзоси, 2007-2011 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси, 2008-2011 йиллари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси, 2011-2013 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик Кенгаши раиси вазифаларини адо этиб келди.

Халқаро ва мамлакат миқёсидаги илмий анжуманларда у 50 дан ортиқ маърузалар билан чиқишлар қилган, хорижий нашрларда 10дан ортиқ илмий мақолалари эълон этилган; матншунослик, ноширлик, масъул муҳаррирлик, диссертацияларга илмий раҳбарлик ва расмий оппонентлик каби ишларининг сон-саногига етиш қийин;



у 2008 йил 15 июндан Ўзбекистон Ахборот ва матбуот агентлиги "MUMTOZ SO`Z" МЧЖ нашриёти таъсисчиси ва директори сифатида фаолият кўрсатаётир; ўтган қисқа фурсат ичида мазкур нашриётда мумтоз ва замонавий адабиётимизга оид ўнлаб ноёб адабий манбалар, етук адабий сиймолар ҳаёти ва ижодига оид теран тадқиқот, адабий-танқидий мақола, суҳбат, хотиралар тўпламлари чоп этилди. Улар аллақачон кенг адабий-илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

Бу тиниб-тинчимас, серғайрат, серқирра, синчков олим – ижодкор, мураббий укамиз билан қирқ йилдан ортиқ ҳамкору ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлиш бахти насиб этганидан бир умрга шукроналар айтаман; шу йиллар давомида битилган ўзим учун азиз туюлган барча асарларим кўлёмаларини унинг нигоҳидан ўтказиб, сўнг нашрга тақдим этганман, қатор китобларим унинг муҳаррирлиги ва сўзбошиси билан чоп этилган; бир қатор ҳамкасб, шогирдлар қатори Ҳамидулла билан икки бор адабий-илмий суҳбат ўтказганмиз, "Жаҳон адабиёти", "Тафаккур" журналларида чиққан, сўнг китобларимга кирган "Янги назарий тамойиллар ва янгиланаётган адабий жараён", "Бугунги адабиётда эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси" устида кечган жўшқин илмий-ижодий мулоқотлар жараёнини ҳаётимдаги энг қизғин, ҳам машаққатли, ҳам завқли онларимдан деб биламан.

Илм-фан, таълим-тарбия йўлида қирқ йиллик бой тажриба соҳибби – заҳматкаш укамиз, дўстимизни олтимиш ёшлик тўйи билан қутлар эканмиз, ҳозирги шашти ҳеч қачон сўнмаслигини, унга ҳаётда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

2014 йил



III. ХОТИРАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР МАНЗАРАЛАРИ

(Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигига)

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида иккинчи жаҳон уруши йиллари болалаликда кечган серташвиш кунларимиз, қисман ғурур-ифтихор, кўпроқ армон-ўқинчларга тўла хотиралар ёдга тушаверади. Бу гал, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги тантанаси кунларида ҳам ўша таҳликали 1943 йили қишлоғимизда ташкил топган фронторти ёшлар зарбдор бригадаси билан боғлиқ воқеалар кўз олдимдан ўта бошлади.

Тўртинчи синфни эндигина битириб ёзги таътилга чиққанимизда, бирданига уруш бошланиб, ҳаёт алғов-далғов бўлиб кетди, армия ёшидаги эркак зоти бўлса барчаси бирин-кетин жангга сафарбар этила бошлади, колхоздаги дала ишлари эса қариялар, аёллар, ҳали вояга етмаган биз тенгли ўсмирларга қолди. Оилада етти фарзандимиз. Дадамиз кўшни "Совет" колхозида раис, тонгда ишга кетиб, ярим тунда уйга қайтади, ҳафталаб дийдор кўришмаймиз. Турмуш кундан-кунга оғирлашиб бораверди, айниқса, урушнинг иккинчи йили бошларида вазият ниҳоятда таранглашди, қаҳатчилик бошланди, очликдан силласи қуриган, кунжара еб шишиб ўлганларни кўрдик. Боз устига, ҳар куни, кунора фронтдан "қора хат"лар келиб турарди, гоҳ у, гоҳ бу хонадонда кўнгилни вайрон қиладиган йиғи овозлари эшитиларди. Назаримда, бутун мамлакат олов ичида ёнарди.

Ажаб ҳол: 30-йилларнинг охирларида юз берган таранг, таҳликали вазият урушнинг иккинчи йили охирларига келиб бироз юмшади. Аввало, мачитлар эшигига солинган қулфлар очилиб, азон садолари эшитила бошлади: тенгдошларим қатори мачитга қатнай бошладим, маҳалламизда машҳур Азимжон қоридан диний сабоқлар олдим. Бунинг учун ҳеч ким монелик қилмади. Хонадонлардаги томорқаларга жайдари ғўза, зигир, кунжут, кунгабоқар экиладиган, малла ранг ғўза толасидан чархда ип йигирилиб, калава қилинадиган бўлди, мойжувоз, бўз тўқиш дастгоҳлари ишга тушиб кетди. Қиш кечалари кўшниларникида мойжувоз ҳайдаш, бўз тўқиш хунарларини ўрганиб олдим. Ўзим мойжувозда сиқиб чиқарган зигир ёғдан палов ейиш,

тўқиган бўздан кийим-бош кийиш, тунлари қора мой чироқ шуъласи-да китобхонлик гурунглари насиб этди... Урушдан кейин шахс эрки, мафкура бобида мустабид тузум юритган дағдағали сиёсат шуни кўрсатдики, булар дўппи тор келган бир пайтда жамоатни чалғитиш учун қилинган шунчаки бир найранг экан...

Шундай танг бир паллада Украинадан ўлкамизга кўчирилган сон-саноқсиз оилалардан нақ 12тасини ўз бағрига олиш, уларни хонадонларга жойлаштириш, тирикчилигини таъминлаш қишлоғимиз чекига тушди, дадамиз ташаббус кўрсатиб, киевлик бир зиёли оилани хонадонимизга бошлаб келди, меҳмонхонамизга жойлаштирди. Шу кундан бошлаб танча атрофида бир дастурхон теварагида мойчироқ ёруғида гурунг қуриб, бирга овқатланидиган бўлдик. Меҳмон оиланинг ягона фарзанди тенгдошим Яник билан дўст тутиндик, мен билан бирга мактабга қатнай бошлади, бир партада ёнма-ён ўтирардик, икки ой деганда яхшигина "ўзбек"ка айланди. Уруш тугаб, Яник оиласи билан юртига қайтгач, мактабни битириб, Киев университетиди таълим олиб, спорт соҳаси бўйича машҳур халқаро журналист бўлиб етишди, орадан йиллар ўтиб бир вақтлар тузини татиган эл-юрт ҳурмати ўзбек кураши ҳақида салмоқдор бир китоб яратди, китоб тақдими муносабати билан Тошкентга келганида болалиги кечган Фарғонанинг Рапқон қишлоғини зиёрат қилиб, бу ерда орттирган болалик дўстлари билан гурунг қуриб, оғир йилларда кўрсатилган чексиз мурувват-эҳтиром учун қишлоқ аҳлига ташаккур изҳор этди... Биргина Рапқон қишлоғида ўта танг вазиятда уруш кетаётган сарҳадлардан кўчирилган 12 та оилани қабул қилиб олиш, ўзи емай уларни сийлаш... бугун буларни айтиш осон, азизлар! Ўша кезлари бутун мамлакатимизда қанчадан-қанча уруш жабрдийдлари жон сақлаб қолди экан!

Кези келганда айтиб ўтай: гарчи дадамиз раис бўлсалар-да, турмушимиз оддий оилалар тирикчилигидан сираям фарқ қилмасди. Падари бузрукворимиз ҳам мадраса, ҳам замонавий таълимни олган билимдон, ҳалол, ҳаромдан ҳазар қиладиган имон-эътиқодли одам эдилар. Яқинда Эронлик киноижодкорлар яратган "Самовий болалар" фильмини қайта томоша қилатуриб, ўзимнинг уруш йилларидаги ночор болалик хотираларим ёдга тушиб, кўзимга ёш олдим. Фильмда кўрсатилишича, қашшоқ оиланинг икки болакайи — ака-сингил икки сменада мактабга қатнайди, сингил туфлисини йўқотгани сабабли акасининг пойабзалини кийиб, дарсга қатнашга мажбур. Сингилча мактабдан қайтиши билан йўлда уни сабрсизлик билан кутиб турган акасига оёқ кийимини ечиб беради, акаси уни оёғига олиб мактабга чопади, энди сингил акаси ечиб кетган йиртиқ-ямоқ шиппакни судраб уйига қайтади... Ҳар куни шу аҳвол...



Уруш йиллари укам иккимиз мактаб йўлидаги кўприкда айнаи ўшанақа "операция"ни кўп марта бажо келтирганмиз. Қиш кунлари ялангач қор кечиб ўша кўприккачага борган, у ердан эса ўқишдан қайтган укам туфлисини кийиб, дарсга чолган кунларим кўп бўлган. доёз ✓

Ўшандай танг вазиятда қишлоғимизда ёшлар ташаббуси билан фронт орти зарбдор бригадаси ташкил топадиган бўлди. "Патриот"-лигим тутиб олтинчи синф ўқувчиси — камина ўқишни вақтинча тўхтатиб, бригадага табелчи бўлиб ишга кирдим. Бригада аъзолари, асосан, 14-17 ёшли ўспиринлар, қизлар орасида эса ёши улғуроқлари ҳам бор; 17 ёшли акам бригада бошлиғи, урушдан ярадор бўлиб қайтган қўшнимиз Эргаш ака эса маслаҳатчи. Бригаданинг 60 гектар экин майдонининг ярмига қанд лавлагиси, ярмига эса пахта экилади. Дарвоқе, уруш оловида ёнаётган мамлакат ичкарасидан қандайдир қанд-шакар заводи Қўқонга кўчириб олиб келинган, заводга қанд лавлагиси етиштириб бериш кўплаб шаҳар атрофи қишлоқлари қатори бизнинг чекимизга ҳам тушган эди. Пилла терими тугаши биланоқ июнь ойининг бошларидан сентябргача бригаданинг 45 кишилиқ аъзолари барчаси дала шийпонига кўчиб чиқади, шийпоннинг ўртасига қанор парда тутилган: у ёғида аёллар, бу ёғида эса ўғлонлар тунайди. Бригадада ҳарбий интизом жорий этилган. Бригадир акам ташкилий ишлар билан банд, экин агрономияси Эргаш ака зиммасида, мен эса вазифамга кўра тонг саҳарда занг қоқиб, бригада аъзоларини уйғотаман, улар апил-тапил ўрниларидан туриб, юз-қўлларини ювиб, бақда қайнатилган олма қоқи билан қизартирилган "чай" ҳамда зогора нон билан тамади қилиб, ишга отланади, пешин маҳали, шом пайти ҳам шу хилдаги занг садоси остида шийпонга тўпланиш, тамадди қилиш, бир оз гурунглاردан сўнг уйкуга ётиш... Ҳар ҳолда ҳар куни қозон қайнаб турарди, жўхори ош, қовоқ, лавлаги шўрва... Ҳафтада бир марта қозонга гўшт ҳам тушиб қолади; ёз эмасми, бирин-кетин тут, ўрик, олма пишиб, дастурхонни безайди, сўнг қовун, тарвуз... деганларидай — секин-аста афти-ангоримизга ранг югура бошлайди. Бригадада уч йил ишлаган бўлсам, ҳар йили план ортиғи билан бажариларди.

Ўшандай танг вазиятда ажабтовур қизиқ ишлар ҳам бўлиб турарди. Бир гал туман ҳарбий комиссариати вакили бригаданинг 45 аъзоси учун противогаз — газниқоб келтириб, уни қай тариқа бошга кийиш усулини машқ қилдирди. Вакилнинг уқтиришича, уруш охирида боряпти, душман жон талвасасида самолёт орқали заҳарли газ тарқатиши мумкин. Тревога эълон этилиши биланоқ ҳар бир бригада аъзоси ўзи учун аталган — фамилияси ёзиб қўйилган шийпон деворига осилган газниқобни югуриб келиб бошига кийиб, шийпон ёнидаги махсус "землянка" — ертўлага киради ва у ерда жон сақлайди. Бир

ҳафта туну кун ер қазиб эгри-бугри землянкани ҳам тайёрладик. Бу ишларга бош-қош бўлиш каминанинг зиммасига тушди. Хайриятки, уруш охирига қадар "тревога"га зарурат бўлмади.

Каминанинг асосий хизматим, одатдагидек, тонгда занг қоқиб, аъзоларни уйғотиш, ишга сафарбар этиш, даладан шийпонга чорлаш, муҳими, меҳнат интизоми, жараёни, иш сифатини назорат қилиш, саржин орқали ўлчаб, иш ижроси ҳажмини аниқлаш, иш натижалари ҳисобини кечқурун колхоз идораси қошидаги бош табелчига етказиш...

Булар билан чекланмай, бригада учун ажратилган ғўза ва лавлагги эгати ораларини юмшатишга мўлжалланган оқучник – ер тирноғич бошқарувчисига ёрдамлашиш. Оқучникни фронтовик Эргаш ака бошқарарди. Бошда оқучник қўшилган отни миниб, уни олға юришга, маррага етгач, ортга қайтаришга уринаман. От жонивор оғир меҳнатдан сув терга ботиб ҳансираб қолади... Эгат охирига етганда, саман отнинг боши эгилиб, юришга мадори етмай, кўзида ёш қалқигандай бўлади. Шунда унга раҳмим келиб, от устидан тушаман, энди уни юганидан етаклайман, ялангоёқларимга кесак ботиб безиллайди, чидайман. От хордиқ чиқараётган, озиқланаётган кезлари бригада аъзолари ишларини назардан ўтказаман, ниҳоят, шом қоронғисида иш натижаларини сарҳисоб қилишга тушаман...

Эргаш ака ҳолимни кўриб раҳми келади, шекилли, "Мен ҳам сендек тиним билмайман, агрономлик билан чекланмай, урушда ўқ учириб кетган товонсиз оёғим билан эгат оралаб, тонгдан шомгача оқсоқланиб шу от изидан эргашаман... Сенга ҳам, менга ҳам, отга ҳам қийин... Лекин булар нима бўлибди. Одамлар урушда қон кечиб, жон бериб, жон олишиб юрибди-ку! Шукурки, ўшандай ола-тасир жаҳаннамдан йироқдамиз" деган сўзларини такрорлашдан тинмайди.

Одам боласининг табиати қизиқ экан-да, ўшандай серташвиш кунларда, киши тинка-мадорини қуритадиган меҳнатдан сўнг, тунда шийпон ёнида гоҳо машъала ёқиб ўйин-кулги ҳам уюштириб турамиз, Мунаввархон чилдирма чертиб ўзбекча, тожикча лапарлар куйлаганда одамни сел қилиб юборарди, кулги-қийқириқлар авжига минарди... Бир нафасдан сўнг, ажаб, уруш даври тафти замон ғуссаси қора булутдай яна кўнгилларга бостириб келаверади...

Гапираман, ёзаман десам, гап кўп. Фронт ортида содир бўлган машаққат, мусибат, одамларнинг оҳу зорларини қойилмақом қилиб, абдиатга муҳрлаган "Сен етим эмассан", "Асрор бобо", "Уфқ", "Нидо", "Икки эшик ораси", "Беш болали йигитча" сингари беназир асарларимиз бор. Бу борада улардан ошириб, бирор янги гап айтиш бизга йўл бўлсин. Лекин ўша мен табелчи бўлиб ишлаган кезларим бригада даласида ўзим гувоҳ бўлган бир фожиавий ҳодисани айтмай ўтолмай-



ман. Ўша тунги базмимизга файз бахш этган беназир овоз соҳибаси Мунаввархон машҳур кинорежиссёр Комил Ёрматовнинг жияни бўлиб, кўшни Конибодом туманидан маҳалламиздаги эшонзодаларнинг бири хонадонига келин бўлиб тушганди. Тўйдан кейин бир ой ўтар-ўтмас куёвтўра ҳарбий хизматга чақирилади. Ёш келинчак Мунаввархон эса тоғаси Ёрматовнинг маслаҳати билан зарбдор ёшлар бригадасига аъзо бўлиб кирганди. Бошда тенгдошлари қатори кундалик иш нормасини ошиғи билан бажариб юрди. Нима бўлди-ю, кундан-кун ранги ўчиб, ишда орқада қола бошлади; вазифамга кўра унга танбёҳ бериб, жиддий огоҳлантирдим, бари бир фойдаси бўлмади, шу орада дала ай-ланиб юрганимда, Мунаввархон ғўза чопиғи билан машғул дугоналари орасида кўринмади; уни қидириб шийпон томон кетаётганимда ғўзалар орасидан таниш овоз эштилди, у ерга бордим, эгат орасида чўзилиб ётган Мунаввархонга кўзим тушди, кийимлари қон билан беланган эди, чўчиб кетдим, шунда у менга қарата аранг: "Умарали, укажон, яқин келманг. тезда Раҳимахон ёки Хатичани чақириб келинг, ҳолим хароб!" дея ингради. Югуриб бориб, айтганини бажардим. Хатича опа менга тезда арава тайёрлашни, аравага Мунаввархон кўрпа-тўшагини тўшашни буюрди. Буйруқ бажо келтирилди. Дугоналар кўтар-кўтар қилиб, Мунаввархонни кўчада тайёр турган аравага ётқизишди. Арава йўлга тушгач, қизлардан бири дугонасига "Уч ойдан бери куёвидан хат-хабар йўқ, Мунаввархон бечорагина ўзи эзилиб юрувди, шуниси етмагандай, энди у беш ойлик ҳомиласидан жудо бўлибди" дея шивирлади. Шу сўзларни эшитдим, карахт бўлиб қолдим...

Шундан кейин Мунаввархонни қайта кўрмадим, кейинчалик эшитишимча, ота-оналари Конибодомга олиб кетишибди. Мунаввархон бригадамиздаги файзни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. К. Ёрматов жияни аъзоси бўлган ёшлар зарбдор бригадаси ҳақида ҳужжатли фильм яратиш ниятида экан. Мунавварнинг бошига тушган кўргилик туфайли бу эзгу ният ҳам амалга ошмади. Ниҳоят, уруш туғади, куёвтўрадан эса дарак бўлмади.

Мен соддадил болакай ёш келин ҳолидан беҳабар унга ишда ортда қолаётгани сабабини суриштирмай ноўрин танбёҳ берибман-а, деб ўзимни койиганим, фариштадай келинчакни шу ҳолга тушишига сабабчидек сезиб, неча кунлар эзилиб юрганим ёдимдан чиқмайди...

Ўша кезлари мен ҳам Мунаввархонни тенгдошларим қатори ўз жигарим – опамдек ҳурмат қилардим, чин дилдан яхши кўрардим, сўнгги кунларда саратон куёши жазирамасида ҳомиладор ҳолда кўплар қатори ғўза оралаб, тонгдан шомга қадар оғир меҳнат – кетмон билан бетиним чопиқ қилиб, шу ҳолга тушганини қаёқдан билай, билганимда унга асло танбёҳ бермаган бўлардим...

Ҳар бир бандаи ожизда бўлгани каби, камина ҳам эл-юрт тақдир учун ҳаёт-мамонт кураши кетаётган оловли йилларда шу жабҳада чеккан камтарона заҳматларим учун фахрланиш баробарида, бир фариштадек келинчакнинг фожиавий кечмишида қандайдир даражада айбим борлигидан ҳануз ўқиниб юраман.

Ниҳоят, уруш тугади, оловли йиллар ортида қолди, зарбдор бригада ҳам фаолиятини тўхтатди, камина яна мактабга қайтиб, 6-синфдан ўқишни давом эттирдим, 7-синфни аъло баҳоларга тугатиб, ледбилим юрти, сўнг университетда таълим олиш шарафига муяссар бўлдим, филолог тадқиқотчи, мураббий, мунаққидлик йўлидан кетдим, Миллий университетдек қутлуғ даргоҳда ярим асрдан кўпроқ хизмат қилиш, Абдулла Қаҳҳордек буюк аллома назарига тушиш, Озод Шарафиддиновдек беназир сиймога шогирд бўлиш насиб этди. Меҳнатларим муносиб тақдирланди. Бунинг учун шукроналар айтаман. Айни пайтда, оловли йилларда кечган уч йиллик заҳматларимни ҳам ғурур, ҳам ўқинч билан эслаб тураман.

2015 йил май

ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ ИЛТИЖОСИ

(Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари)

Улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирий 1937 йил 31 декабрда ҳибсга олинганидан сўнг то 1956 йилга қадар салкам йигирма йил давомида унинг табаррук номини тилга олиш имкони бўлмади, фақат адибнинг ўзи эмас, асарлари ҳам қатағон қаҳрига учраб, бу буюк зот ижодий мероси, қисмати ҳақидаги бор ҳақиқат сир сақланди. Мустабид ҳукмдор вафотидан сўнг, айниқса, эллик олтинчи йили унинг мудҳиш кирдикорлари ошкор этилгач, кўплаб қатағон қурбонлари қатори Қодирий шаънини қайта тиклаш, ижодий меросини халққа қайтариш, адиб фожиавий қисматига оид чин ҳақиқатни юзага чиқариш ҳаракати бошланди. Бу қутлуғ ишда ҳақиқатпарвар, қалби пок, фидойи давлат арбоблари, адиблар, журналист, адабиётшунос-олимлар қатори ёзувчининг садоқатли ўғлонлари – Ҳабибулла Қодирий билан Масъуд Қодирий ўғлининг хизматлари беқиёсдир. Ҳар иккалови ҳам сўнгги нафасига қадар ота шаънини ўрнига қўйиш фикри-ёди билан яшаб ўтдилар. Ҳ.Қодирийнинг ҳаётлигида икки бор чоп этилган "Отам ҳақида" деб номланган хотиралар китоби, умр сўнгига ёзилиб вафотидан сўнг "Ёшлик" журналида эълон этилган "Қодирийнинг сўнгги кунлари" ҳужжатли хотира қиссаси, Масъуд Абдуллаевнинг бир қатор хотиралари



қодирийшуносликнинг бебаҳо ҳужжатлари бўлиб қолди. Улар ёнига адабиётшунос олимларимизнинг, фидойи публицист, ёзувчиларимизнинг улуғ адиб қисматига оид мақола, эссе, тадқиқот, рисоаларини ҳам қўшадиган бўлсак, бу борада кўп хайрли ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Истиқлол йилларига келиб, қодирийшунослик кўлами янада кенгайди, теранлашди, адиб ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш учун кенг йўл очилди.

Шунга қарамай, афсус, ҳанузга қадар Қодирий ҳаёти, фаолияти, унинг фожиявий қисмати, хусусан, Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиган даври, шоҳ асарлари – “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг дунёга келиш тарихи, адибнинг уларга материал йиғиш учун Қўқон ва Марғилонга қилган сафарлари, шунингдек, 1936 йилги Қозон сафари тафсилотлари етарлича ёритилган эмас. Айниқса, аллома умрининг поёни – унинг қаерда, қай тарзда қатл этилгани, табарруқ жисми – хоки поки қаерда экани ҳанузгача аниқлангани йўқ. Тўғри, Давлат Хавфсизлик қўмитаси архивида сақланаётган “Абдулла Қодирий иши”да ўлимга маҳкум қилинганлиги тўғрисидаги суд ҳукми 1938 йил 4 октябрда ижро этилгани ҳақида аниқ ҳужжат-маълумот мавжуд. Аммо у қаерда, қай тарзда амалга оширилгани хусусида ишончли ҳужжат йўқ. Куюнчак адабиётшунос-олимлар, жумладан, Собир Мирвалиев бу жумбоқни аниқлаш йўлида кўп саъйи ҳаракат қилди, олимнинг 2004 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Абдулла Қодирий” китобининг “Қатагон фожиялари” бобида (146-156-бетлар) ана шу саъйи ҳаракатлар жараёни батафсил ёритилган. Аммо уларни узил-кесил ҳақиқат деб қабул қилиш қийин. Камина ҳам бу борада баъзи уриниш-суриштиришлар қилганман, Ҳабибулла ака, Масъуд акалар йиққан маълумотлар билан танишганман. Қайта-қайта ўйлаб, сарҳисоб қилиб қарасам, айтиш шундай бўладики, бу жумбоққа оид Масъуд ака сўзлаб берган воқеа гарчи узил-кесил ҳукм дейиш учун асос бўла олмаса-да, мавжуд маълумотларга, муҳими, Собир Мирвалиев суриштирувлари натижаларига яқинлиги, уларни бир қатор янги тафсилотлар билан тўлдириши жиҳатидан қимматлидир. Хотирамда сақланиб келаётган бу нодир тафсилотларни Масъуд ака Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган анжумандаги чиқишида жамоатчилик олдида мухтасар тарзда баён этиб, шу соҳага дахлдор масъул ходимлардан ҳануз мавҳумлигича қолаётган жумбоқни ҳал этиб беришларини илтимос қилган эди... Эртаси куни Масъуд ака билан учрашувда мазкур масалага оид ўзига маълум тафсилотларни қўзғашга тушириб, матбуот орқали эълон этишни маслаҳат берган эдим. У бунга рози бўлган эди. Аммо натижасини кўрмадим. Улар



қоғозга тушганми-йўқми номаълум. Эҳтимол, бу машъум ҳодисани қоғозга тушириш учун юраги дов бермагандир. Бу орада Масъуд ака ҳам оламдан ўтди, ўша анжумандаги Масъуд ака нутқини тинглаганлар сафи ҳам тобора камайиб борапти. Айни ўша нутқ, аниқроғи, Масъуд ака суриштириб билган 1938 йил 4 октябрь тунидаги воқеага шохид бўлган Миролим Миркомиллов хотира-ҳикоясини сиз, азиз ўқувчиларга ҳавола қилишни лозим кўрдим.

Ўша ҳодиса шохиди Миролим Миркомиллов – бешикчи уста ҳамда миришкор боғбон Қодирийнинг ашаддий мухлисларидан саналган, бир неча бор адибнинг Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлисидаги гурунларда иштирок этиб, унинг суҳбатларини тинглаган. Ўз навбатида, Қодирий ҳам бу одамнинг Бўзсув бўйидаги боғида меҳмон бўлган. Ёзувчи бошига тушган кўргиликларни эшитиб ич-ичидан ўртаниб юрган кезлари, қарангки, бу садоқатли зот адибнинг умри поёни воқеаларининг шохиди бўлган.

Миролим ота, одатдагидек, ёз ойларини оиласи билан Бўзсув ёнидаги боғида, қиш кунларини эса шаҳар ҳовлисида ўтказарди. 1938 йилнинг эрта кузида оила аъзолари шаҳар ҳовлисига кўчиб ўтган, ҳали мева-чевалар охиригача йиғиб олинмаганлиги учун боғ ҳовлида танҳо ўзи қолган эди. Тунлари аёз. Бунинг устига бир ҳафтадики, боғ ортидаги жарликда содир бўлаётган тунги нотинчликлар унга уйқу бермайди. Ярим тундан бошлаб дам-бадам янграган ўқ овозлари, ўлимга маҳкум этилган шўрликларнинг оҳ-фиғонлари, ингроқлари, гоҳо калимаи шаҳодат садолари қулоққа чалинади, отахонни безовта қилади. Энг сўнгги тун даҳшати ҳаммасидан ошиб тушади. Бора-бора боғ деворига яқинлашиб тахминан йигирма-ўттиз одим нарида қоронғи тунда содир бўлаётган қотиллик жазаваси поёнида кутилмаган ҳодиса рўй беради. Бирин-кетин қисқа танаффуслар оша янграган ўқ овозлари, инграшлардан сўнг девор ортидан боғбон қулоғига таниш овоз эшитилади: “Татармисан? Мусулмонмисан?” Боғбон бирдан хушёр тортади. “Бу ўзимизнинг Қодирий-ку!” дея ичдан овозсиз ҳайқиради. (Эҳтимол, Қодирий командирнинг рус тилидаги татарчага хос оҳангдаги буйруқларидан унинг татар миллатига мансублигини сезиб, шундай савол бергандир). Шу заҳоти отахон орани тўсиб турган пахса деворга яқинлашиб, девор тирқишидан мўралайди. Тунги ғира-ширада бир-бирига рўпара турган командир билан маҳбус шарпасига кўзи тушади. Бояги саволга жавоб бўлмайди. “Сукут аломати ризо” нақлига амал қилиб маҳбус сўзида давом этади: “Командир ўғлон! Фляганг борми?” Яна жимлик. Маҳбус энди ундан илтижо қилади: “Худо ҳақи, умрим сўнгида сендан биргина илтимосим – флягангни бериб тур. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқий. Бор-йўғи беш минут муддат



бер..." Сўнгги илтижо ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборадиган оҳангда айтилганидан боғбон ўзини қўйга жой тополмай қолади. Қолаверса, маҳбуснинг татарча лафзи, айтган сўзлари командирнинг тош юрагини юмшатди, шекилли, маҳбус ўтинчини индамайгина бажо келтиради. Асрга тенг ўша фиғону изтиробларга тўла дақиқалар қандай ўтганини боғбон умрининг охирига қадар эслаб, эзилиб юради. Сўнг яна ўша таниш, аммо бу гал мардона овоз эшитилади: "Отанга раҳмат, Командир ўғлон. Мен тайёрман. Буйругингни беравер!" У ёғи нима бўлганини отахон билмайди. Бирдан янграган ўқ овози қўлоғини кар қилади, ўша сўнгги ўқ ўзига теккандай эсидан оғиб, девор ёнига қулаб тушади. Бир пайт ўзига келиб қўз очиб қараса, тонг ёришиб қолибди. Ҳам тонгги аёздан, ҳам бояги кўргиликлар изтиробидан вужуди титраб, аранг ўрnidан туради. Таҳорат олиб, бомдод номози поёнида Қуръон тиловат қилиб, одатдагидек, бу кеча шаҳид кетганлар ҳақиқа бахшида этади.

Шундан сўнг Миролим ота девор ошиб, тунги ўзи шоҳид бўлган ҳодиса жойига боради. Боягина тупроқ тортилган чоҳ чеккасида шаҳидлардан бирининг оёқ учи очиқ қолганига кўзи тушади. Бу эса сўнгги шаҳид – Қодирийнинг оёғи экани аён. Қотиллар тонг ёришиб қолгани учун сўнгги буйруқ ижросидан сўнг ажал чоҳига апил-тапил тупроқ тортиб, жуфтакни ростлаб қолганлар. Уста – боғбон дарҳол ортга қайтиб боғ ҳовлисида кетмон олиб чиқади, ялпи мазор – чоҳга тупроқ тортиб шиббалайди. Сўнг якка ўзи жаноза ўқиб, шаҳид кетганлар, жумладан, қадрдон дўсти – буюк аллома Абдулла Қодирий руҳи поки олдидаги бандалик бурчини адо этади.

Кейинчалик архив ҳужжатларидан маълум бўлдики, ўша машъум 4 октябрь туни Қодирий қатори Чўлпон, Фитрат каби жами 18 та ижодий-илмий зиёлилар қатл этилган. Эҳтимол, уларнинг барчаси айна шу Қодирий жисми поки қулаган чоҳга дафн этилгандир, ўша машъум туннинг сўнгги қурбони Қодирий бўлгандир, Қодирийга ўқилган жаноза уларга ҳам бахшидадир...

Масъуд ака буларни ўша мудҳиш воқеа шоҳиди саксон ёшни қоралаб турган Миролим отанинг оғзидан ўтган асрнинг 60-йиллари охирида эшитган, камина эса Масъуд акадан эшитганларимни ордан 23 йил ўтиб, айна шу ҳодиса содир бўлган 4 октябрь куни изтироблар оловида ёниб қоғозга туширдим. Ҳодиса тафсилотлари оғиздан-оғизга ўтиш асносида муайян таҳрир – ўзгаришларга учраши табиий. Масъуд аканинг оламдан ўтганига ҳам 15 йилдан ошяпти. Каминани ҳам боғлаб қўйгани йўқ. Кўзимнинг тиригида қадрдоним Масъуд аканинг армон тўла арзи ҳолини қоғозга тушириб, Қодирий мухлислари ҳукмига ҳавола қилишни бурчим деб билдим. Мабодо



Масъуд ака Миролим отадан эшитган ўша машъум кеча ҳақидаги хотираларини вақтида ёзиб қолдирган бўлса-ю, у топилиб эълон этилса, менинг ёзганларим, эҳтимол, ўз кучини йўқотар. Менинг битикларимда муайян сакталикларга йўл қўйилган бўлса, олдиндан узримни ҳам айтиб қўйишни лозим кўрдим.

Пировардида, ўқувчи эътиборини яна бир муҳим жиҳатга тортиб ўтсам: Миролим ота гувоҳлигида содир бўлган – ҳам отахон қалбини ўртаган, ҳам уни лол қолдирган Қодирийнинг бақо бўсағасида ўзини тутиши, имон-этиқод бобидаги қатъияти, лўнда, мардона сўзлаш тарзи 1926 йилги унинг устидан уюштирилган жиноий иш жараёни, хусусан, “Суддаги нутқ” номи билан аталган машҳур ҳужжат руҳига тўла мос келади. Ўша нутқда шундай жумлалар бор: “Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса “их” дейдирган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим танқисроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир”.

Ниҳоят, адибнинг катта ўғли Ҳабибулла аканинг “Қодирийнинг сўнгги кунлари” хотира-қиссасида келтирилган мана бу факт – қайд ҳам шу ҳақиқатни тасдиқлайди: “Қодирий... номардлардан эмас эдилар. У киши ҳақиқат фидойиси, кўрқоқ, мунофиқлар душмани, асло ўлимдан кўрқмагувчи олижаноб инсон эдилар. “Мен ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман, агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман. Фақат ўқ ботган чоғда кишида бир лаҳзалик қийналиш, беҳузурлик бўлади, холос”, – дер эдилар баъзан оилавий суҳбатларда мавриди келиб қолганда” (“Ёшлик” журнали, 1989 йил, 7-сон, 53-бет).

Бу беқиёс жасур сиймонинг орадан 12 йил ўтиб рақиблари қаршисида “Мен тайёрман. Буйруғингни беравер!” дея кўксини ўққа тутиб бериши кишида заррача шубҳа туғдирмайди, адиб табиатига хос аини ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

2012 йил 4 октябрь

Азиз китобхон, юқорида Сиз танишган мақолани матбуотга тақдим этишдан олдин қўллаб ҳамкасбларим назаридан ўтказиб, уларнинг маслаҳатларини олган эдим. Мақола “Шарқ юлдузи”да чиққач, у Қодирий мухлислари орасида катта қизиқиш уйғотди, кимлардир уни интернет сайтига киргазган экан, у ҳақида хорижда ҳам акс-садолар бўлди. Шу орада адибнинг кичик ўғли Масъуд Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди”



номи остида хотиралар китоби чоп этилди. Китоб менга бир оз кечикиб етиб келди. Уни варақлар эканман, энг аввал “Отамнинг қабри қаерда?” боби мутолаасига киришдим. Уни ўқирканман, афсус, 1990 йил 12 январда Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган анжуман минбарида туриб айтган, сўнг ўзаро суҳбат чоғи у киши менга батафсил сўзлаб берган ўша ҳодиса тафсилотларига кўзим тушмади.

Шунда, бирдан кейинроқ, Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Киночилар уйида ўтказилган анжуман очилиши олдида орамизда кечган суҳбат асносида Қодирийнинг сўнгги куни ҳақидаги хотирани қоғозга туширдингизми, деган саволимга, у киши берган жавоби ёдимга тушди. “Ҳануз бирор тўхтамга келолганим йўқ, – деган эди Масъуд ака ўшанда, – бу мудҳиш ҳодисага ўзини гувоҳ санаган ўнта одам ўн хил гап айтади, қай бири ҳақ, аниқлолмайсан киши... Ўша кезлари хавфсизлик кўмитасида ишлаган бир собиқ чекист ходим “Отангизни шериклари билан кўмита биноси подвалида отиб, сўнг жасадини машинада Черняевка томонига олиб бориб кўмишган бўлишлари ҳам мумкин”, деди. Ҳатто хонадонимизга келиб, отангиз отилгани йўқ, у киши тирик, лагерда бирга бўлганмиз” дегувчиларнинг кети ҳануз узилгани йўқ...”

Асосли далил-исбот, аниқ ҳужжат бўлмагани учун Ҳабибулла ака хотираларидаги каби “Ўтганлар ёди” муаллифи ҳам бу машъум жумбоқ, ечимини очиқ қолдирган, бу борадаги айрим тахминларни айтиб ўтиш билан чекланган кўринади.

Шундай бўлса-да, Масъуд ака 23 йил бурун сўзлаб берган версия – Миролим ота ҳикоясига негадир ишонгим келаверади. Чунки ундаги тафсилотлар Қодирий муҳити, шахсияти, маслаги, эътиқоди тарзига ҳар жиҳатдан тўла-тўқис мос тушади. Шу боис “Қодирийнинг сўнгги илтижоси”ни ушбу китобга киритишни лозим кўрдим. Чунки амалиётда шундай тажрибалар бор. Чунончи, Қодирийнинг замондоши машҳур рус шоири С.Есениннинг сирли ўлими хусусида хилма-хил тахминлар ҳанузгача давом этади; у ҳақидаги турли версиялар ўқувчиларга тақдим этилаверади. Гарчи Есенин атрофида, айниқса, умри поёнида игво, фиску фасод авж олган бўлса-да, у ҳар ҳолда эркинликда юрган эди, Қодирий тўққиз ойлик ҳибс, терговлар сўнггида, машъум хавфсизлик кўмитаси чангалида қатъий сир сақланган тергов интиҳосида қатл қилинган, салкам йигирма йил давомида бу мудҳиш жиноят сир сақланган. Табиийки, унинг излари ҳам йўқ қилинган. Модомики шундай экан, адибнинг фожиавий қисматиға оид ҳар қандай тахмин, хусусан, адиб шахсияти, шаънига мос тушадиган версиялар биз учун қадрлидир.

2013 йил 28 декабр



АДИБНИНГ АДАБИЙ МУҲИТИ

Жаҳон адабиёти, жумладан, миллий адабиётимиз тарихидан аёнки, улкан адиблар ўз атрофида муайян адабий муҳит яратганлар, илғор, олижаноб мақсад, ғоялар руҳи билан йўғрилган бундай муҳит ўзига хос адабий мактаб тарзида миллат адабиёти ривожига ёрқин из қолдирган. Янги ўзбек адабиёти ривожига Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза каби улкан истеъодларнинг ҳар бири шундай муҳит яратишга қодир сиймолар эди. Афсус, шўролар адабий сиёсати шароитида улар учун бундай имкон йўқ эди.

Мустабид ҳукмдор вафотидан сўнг “эрувгарчилик” деб аталган вазият тақозоси туфайли республикада ягона ёзувчилар уюшмаси билан ёндош ҳолда жасур адиб Абдулла Қаҳҳор атрофида уюшган ғайри расмий бир ўзига хос мактаб пайдо бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ўша кезлардаги адабий ҳаёт манзараларини шундай таърифлайди:

«Олтишинчи йилларда умумшўро адабиётида бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам икки хил дунёқараш ўртасида кураш авжига чиқди. Янги тўлқин анъанавий қолипларни бузиб-ёриб, баҳорги сойлар каби қирғоққа сиғмай тошиб кела бошлади. Лекин бошқа фикрдаги, аслиятга содиқ, анъаналарни қадрлайдиган, ҳаётни тартиб-интизомсиз тасаввур қилмайдиган кишилар учун ушбу тўлқин номақбул, хатарли бўлиб кўриниши табиий эди... Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшин атрофида уюшган, адабиётнинг расмий ҳайъати ҳисобланган қудратли гуруҳ билан Абдулла Қаҳҳор шоғирдлари аталган янада қудратлироқ бир саф ўртасидаги ички кураш зоҳирдаги осойишталик, дўстона муносабатларга қарамай ашаддий тус олган эди» (Лазиз Қайюмов. Хотиралар. Т., Ғ. Фулом номидаги нашриёт, 2005, 7-бет).

“Абдулла Қаҳҳор шоғирдлари”, энциклопедия, Абдулла Қаҳҳор одамлари сафида Шўхрат, Саид Аҳмад, О. Ёкубов, П. Қодиоров, Ў. Умарбеков, У. Назаров, Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов каби носирлар, А. Мухтор, Ҳ. Шарипов, Э. Воҳидов, А. Ориповдек оташнафас шоирлар, О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов бошлиқ мунаққидлар ҳам бор эди.

Тақдир мени XX асрнинг бир қатор донгдор сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто ота-ини, ота-бола тутиниш бахтига муяссар этди. Мен ҳаётда дуч келган, яқиндан билган, ҳамсуҳбат бўлган адиблар ичида, шубҳасиз, энг ёрқин сиймо, беназир истеъод соҳиби Абдулла Қаҳҳордир.

Эл-юрт, миллат, миллий адабиёт манфаати, шаъни йўлида бу қадар ёниб яшаган бошқа бирор ижодкорни кўрган эмасман. Энг муҳими, у Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда “шаҳси бутун” зот



эди. Хонадонида тор давраларда ҳам, катта анжуман, минбарларда ҳам фақат дилидагини, ҳақ гапни айтар эди. XX аср иккинчи ярмида бизда, ижодкорлар орасида, Чўлпоннинг "Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!" деган шиорига тўла амал қилган ягона жасур сиймо Қаҳҳор эди десам, муболаға бўлмас. Бунини тасдиқлайдиган ўнлаб, юзлаб мисоллар бор.

Бундай шижоат, журъат ўз вақтида мамлакатимиздаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар таъсир кўрсатгани, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан, ёш ижодкорлар кўнглига ўт солгани, мустабид тузум ҳукмдорларини эса ҳушёр торттиргани кенг жамоатчиликка аён. Қаҳҳор ўшандай шижоати, ҳақ сўзи билан виждонли, чин истеъдод соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига тортарди.

Кези келганда айтиб ўтай, Абдулла Қаҳҳор хонадони фақат адиблар эмас, ўз даврининг турли пешқадам фан алломулари М.Ўрозбоев, М.Қулматов, Т.Зоҳидов, Й.Тошпўлатов, Ҳ.Абдуллаев, Ш.Хўжаев сингари ҳур фикрли жамоат арбоблари учун ҳам қутлуғ саждагоҳга айланган эди.

Аслида, Абдулла Қаҳҳор маслакдош дўст, устоз, шогирд топишда ҳеч қачон адашмаган. 2011 йили чоп этилган "Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги"да келтирилган сон-саноксиз далиллар бу ноёб зот одам танлашда болалигиданоқ нозик дид, зийрак ақл-фаросат билан иш тутганлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Чунончи, у илк бор Тошкентга келганида ўзи учун устод деб билган сиймолар ҳақида гап борганда биринчи галда Ғоzi Юнусни, дилга яқин таниш адиблардан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Ғайратийларни тилга олади. У бир умр ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан бўлган. Адабий жараёни мунтазам синчковлик билан кузатиб борган, адабиётда ялт этиб пайдо бўлган асарни, истеъдод соҳибини зийраклик билан пайқаган, уларни қўллаб-қувватлаган. 60-йиллари сочига оқ туша бошлаган кезлари мана бу сатрларни қоғозга туширган: "...аҳволинг шу бўлса, сал кунда ёшларнинг оёғи остида қолиб кетасан. Адабиётда Шукурлар, Ўткирлар, Учқунлар пайдо бўлган. Шуларнинг оёғи остида қолиб кетасан! Сени ҳеч ким кўтариб оломайди, ўзингни ўзинг кўтарасан, унда ўзингга қийин бўлади. Мўмин Кофирлар замони адабиёти қолиб кетди, бугун Пиримқуллар, Одиллар, Саид Аҳмадлар адабиёти! Ҳусниддин Шариповлар, Эркинлар, Абдулла Ориповлар, Ойдин Ҳожиёвалар адабиёти! Танқидда Озод, Умарали, Қўшжоновлар бош кўтарган!" (114, 128-129-бетлар).

Ўзи, янги авлод ижодкорлари хусусида айтилган бу хилдаги мардона сўзлар қоғозда қолиб кетган эмас, амалда, турли анжуманларда, матбуотда, шахсий мулоқотларда, хонадонидаги "мажолис



ун-нафоис"ларда ўртага ташланган, матбуотдаги мақолаларида акс этган, ҳар хил йўллар билан меҳри тушган чин истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаган, ҳимоя қилган.

Биргина мисол. 1967 йили Учқун Назаров Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адиб ҳақида фильм яратишга чоғланганида, суратга олиш учун адибнинг шахсан ўзи дилига яқин бир гуруҳ носир, шоир, адабиётшуносларни таклиф этди. Булар – Шухрат, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев адабиётшунос-танқидчилардан М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновлар... Айни шу "Қаҳҳор одамлари" XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг қиёфасини белгиллаган ижодкорлардир. Не бахтки, фильмга таклиф этилганлар орасида камина ҳам бор эдим! Ҳали ёш бир тадқиқотчи, бошловчи мунаққид бўла туриб, Қаҳҳордек аллома назарига тушганимни эсласам, ҳозир ҳам юрагим ҳаприқиб кетади. Шундай ҳолат фақат каминада эмас, кейинчалик ижодий шижоати билан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, ёзувчиси, "Республикада хизмат кўрсатган Фан арбоби", "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлаган, Академик мақомига эришган Саид Аҳмад, Шухрат, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Тўловберган Қайипберганов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимовлар ҳам бир умр устоздан чексиз миннатдор бўлиб дунёдан ўтдилар.

Мен Қаҳҳор хонадонидagi, адибнинг шаҳардаги уйи ва Дўрмондаги боғ ҳовлисида бўлиб ўтган кўплаб адабий гурунглarda иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Бу даврадаги суҳбатлар шахсан мен учун университет адабиёт таълимидан юксакроқ бўлган десам, буни муболағага йўймағайсиз, азиз ўқувчим.

Давра гурунглирида, асосан, ҳаёт ва адабиёт устида гап борар, муаллифи ким бўлишидан қатъи назар янги чиққан асарлар хусусида фақат ҳақиқат айтиларди. Расмий давраларда ижобий баҳоланган, мукофоту совринлар билан тақдирланган кўп сохта асарларнинг авра-астари очиб ташланарди. Бугина эмас, матбуотда, университет аудиториясида «реакцион», «антисовет» сифатида қораланиб турган ғарб ва рус файласуфлари, руҳшунослари, санъаткор, адиблари асарлари устида ҳам илиқ гаплар, ўзгача қарашлар билдириларди. Шопенгауэр, Нитше, Фрейд, Кафка номларини илк бор шу давраларда эшитганман. Суҳбатлар ўз-ўзидан ҳаёт муаммолари, сиёсатга бориб тақалар, «социализмнинг Шарқдаги машъали» деб ном олган республикаимиздаги реал аҳвол, юритилаётган мунофиқона сиёсат, меҳнаткаш халқнинг, хусусан, қишлоқ аҳлининг ночор турмуши, аёлларнинг, мактаб болаларининг қўлларча меҳнати ҳақида мардона гаплар айтиларди... 1977



йили Москвадаги Олий Адабиёт курсида собиқ Иттифоқ ёш танқидчиларининг бир ойлик семинарида қатнашиб эдим. Таниқли рус адиблари Ф. Абрамов, А. Астафьев, Е. Евтушенко, В. Распутинларнинг мардона чиқишларини тинглаб беихтиёр Қахҳор хонадонидаги гурунглари эслардим. Ўн йил бурунги ўша гурунглар шукуҳи парвози бу ердаги гап-сўзлардан асло қолишмас эди. Мен ўшандай гурунглар шохиди бўлганим учун ўзимча фахрланардим. Бу анъана Қахҳор вафотидан кейин ҳам давом этди. Мана, қирқ йилдан ошибдики, ҳар йили адиб туғилган кун – 17 сентябрда унинг хонадонида тўпланамиз, бу хонадонда бўлиб ўтган машҳур гурунглари қўмсаймиз, улуғ адибни, Кибриё опани эслаймиз, устоз ўғитларини, мардона сўзларини ёдга оламиз, Қахҳор шахсиятининг кейинги ярим асрлик миллий адабиётимиз, хусусан, адабий-танқидий тафаккур ривожига беқиёс таъсири устида ўй сурамыз. Озод ака билан Матёкуб ака то умрининг охирига қадар шундай давраларнинг тўрида ўтирар, даврани бошқариб борардилар.

Қахҳор хонадони давраларида, жумладан, адабий танқид ҳақида ҳам биз ҳеч қаерда ўқимаган, эшитмаган гаплар бўларди. Шулардан айримлари эсимда қолган: «Танқидчи ижодкор билан китобхон орасида Қоработир эмас, дўст – тилмоч бўлиши керак»; «Танқидчи – бамисоли меҳрибон доя каби янги туғилган яхши асарни йўраклаб олиши лозим...»; «Белинский, Добролюбовлар билан Пушкин, Лермонтовлар муносабатини эсланг – улар бир-бирларига дўст, меҳрибон бўлганлар, бир мақсад йўлида кураш олиб борганлар. Бир-бирларини нақадар яхши тушунганлар. Бир тилда сўзлашганлар. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси. Ёзувчи «А» деса, танқидчи «Б» дейди. Истеъдодли асарни қўлда гулдаста тутиб қутлаш ўрнига найза кўтариб қарши олади. Дилидаги гапни айтиш ўрнига, юқоридагиларнинг қош-қовоғига қараб гапиради. Улар назарида асар ёзган ёзувчи – қора курсида ўтирган жиноятчи, ўзларини эса ҳукуматнинг ҳимоячиси – посбони деб билади».

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан тортиб то 60-йилларга қадар биздаги танқидчилик манзараси айна адиб айтганидай бўлган. Ўша кезлари Чўлпон билан Ойбекнинг кўнгил лирикаси, «Ўткан кунлар», «Абулфайзхон», «Ҳинд ихтилочилари», «Сароб», «Навоий», «Қўшчинор», «Тобутдан товуш» сингари эътиборга сазовор барча асарлар ва уларнинг муаллифлари бошига не не савдолар тушганлигини, «Тирик сатрлар», «Ёшлар билан суҳбат» китоблари ўтда ёқилганини яхши биламиз. Бу офат 70-80-йилларда ҳам турли кўринишларда давом этди... Шахсий гараз, бахиллик, жаҳолат ва демагогия самараси бўлмиш ур-йиқитчилик авж олган кезлар миллий танқидчилигимиз тарихидаги, Қодирий таъбири билан айтганда, «энг кирлик, қора кунлар» бўлиб қолди.

Дарвоқе, Қаҳҳор давраларида танқидчининг масъулияти, талабчанлиги, адабиётдаги ҳалтурага, бўш, ёлгон ва сохта асарларга қарши муросасиз бўлиши зарурлиги доимо таъкидланар, адибнинг ўзи бу жиҳатдан ҳам сафдош ва шогирдларига ўрнак кўрсатарди. «Танқидчиликдаги офаринбозлик» иборасининг ижодкори ҳам, бу иллатга биринчи бўлиб ўт очган ҳам унинг ўзи эди. Олтмишинчи йиллари танқидчиликда жавлон урган, яхши-ёмон асарларнинг фарқига бормай, уларнинг барчасига бирдек офарин айтишни касб қилиб олган бир мунаққид ҳақида сўз очиб: «Бу одам нушқурд чиқармайди, ям-яшил беда билан сассиқ алафнинг фарқига бормай баробарига тушира-веради» деган эди. Ўзига энг яқин адиб ва мунаққидлар асарларидаги камчилик ва нуқсонларни ҳам ўзига дангал айтар, айти пайтда, ўз асарлари хусусида оқилона билдирилган эътирозларни эътибор билан тингларди. Устоз кўпинча катта илмий мақолада ифодалаш мумкин бўлган ўткир масалаларни биргина жумла – истеҳзо орқали айтиб юборар, адабиётдаги нохуш ҳодисаларга ниҳоятда теран, одилонга баҳо берарди. Бир гал Дўрмондаги боғда гурунглашиб ўтирганимизда, ўзини Абдулла акага яқин олиб юрадиган ҳозиржавоб журналист қаламқаш келиб қолди. Ўша куни газетада унинг чўчкачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорга жавобан ёзилган ҳикояси чиққан эди. Салом-алиқдан сўнг Абдулла ака бирдан «Ҳикоянгизни ўқидик, антиқа нарса – Чўчка образини адабиётга олиб кирибсиз» дедилар. Шунда бояги журналист ёзувчининг ранги ўчиб кетди. Ҳаммамиз ерга қараб қолдик. Шу биргина истеҳзонинг ўзи ҳам ёзувчи, ҳам танқидчи учун жиддий сабоқ эди. Бунақа воқеалар кўп бўлган.

Қаҳҳор ҳонадонидagi бу хил гурунглар руҳи биринчи галда Матёқуб Қўшжонов ва Озод акалар орқали Миллий университет аудиторияларига ҳам бамисоли нур тезлигида кириб келар, ўз навбатида ёш мунаққидлар, мен ва менинг сафдошларим – Норбой, Абдуғафур, ўша кезларда талаба бўлса-да яқин суҳбатдош ва маслакдошим Иброҳимжонларнинг шуурида чуқур из қолдириб, бизларнинг маслак ва эътиқодимизга айланиб борарди. Мен ҳам талабалар олдидаги маърузаларимда, Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокама-мунозараларда, матбуотдаги чиқишларимда баҳоли қудрат Қаҳҳор одами каби сўзлашга, ёзишга интилардим. Қаҳҳорга бўлган эҳтиром сабаб номзодлик ишим замонавий ҳикоячилик масалаларига бағишланган эди. Ҳикоячиликка оид туркум мақолаларим эл оғзига тушди, ҳатто «Шарқ юлдузи»да чиққан «Даҳшат» ҳикояси таҳлилига бағишланган мақола хусусида Абдулла Қаҳҳордек талабчан мураббий илиқ гап айтди. Бу ҳол мени ниҳоятда руҳлантириб юборди, шундан кейин бутунаси адабиёт, танқид оламига шўнғиб кетдим. Бу орада мени Ёзувчилар уюш-



масига қабул қилишди, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовлар сафида 1966 йил баҳорида Москвада ўтган ўзбек ёш ёзувчилари семинарига юборишди. Москвадан янада дадилроқ бўлиб қайтдим. Қаҳҳор давраларидан бошланган, адабиёт, адабий тафаккур ривожини йўлида ғов бўлиб турган ақидапарастликка қарши қалбда жўш урган исён менга тинчлик бермасди. Устоз Озод ака изидан бориб эҳтиросга берилиб қалтис масалаларда «қуюш-қон»дан чиқиб кетганим учун гоҳо танбеҳлар эшитар эдим.

Шу орда файласуф бир мунаққиднинг ақидапарастлик руҳидаги чиқишлари хусусида сўз очиб шундай деган эдим: «Унинг қаршисида ҳар гапнинг бирида материя бирламчи, онг иккиламчи деб турмасанг балога қоласан». Оқибат, мен айтгандан ҳам баттар бўлди. Бу кимса менга қарши бир қулоч мақола ёзиб «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон этди, мени материалзим ва марксизмни ҳақорат қилишда айблади, номимни жаҳон фалсафаси тарихидаги «энг илғор таълимот»нинг ашаддий душманлари — идеалистлар қаторига тиркаб қўйди. Бугина эмас, бунақа сиёсий саводсиз одам университетда дарс бериши, ёзувчилар сафида туриши мумкин эмаслиги хусусида юқори идораларга хатлар йўллади... Нима қиларимни билмай гангиб юрган кезларим, Кибриё опа хонадонимизга телефон қилиб қолдилар: «Абдулла акангиз йўқлаптилар, бир келиб кетар экансиз», — дедилар. Бордим. Абдулла аканинг столи устида ўша машъум мақола чиққан журнал турарди. Гап нимада эканлигини англадим. Устоз менинг атрофимдаги ғалвалардан хабар топиб, бу хусусда Ёзувчилар уюшмаси раҳбари, Марказий Қўмита ходимлари билан суҳбатлашибди. «Хатар ўтди, хотиржам бўл. Кўриб турибман, ўзингни анча олдириб қўйибсан. Биргина муштга шунчаликми, — дедилар кулиб ва қўли билан бошига ишора қилиб сўзида давом этдилар, — бу бошга бунақа муштлардан сон-минггаси тушган, ўлиб қолганим йўқ, мана, тирик юрибман. Навоий айтмоқчи, эмас осон бу майдон ичра турмоқ... Адабиёт иши чидаганга чиқарган!» Сўнг журналдаги мақолага шаъма қилиб дедилар: «Қип-қизил демагогиянинг ўзгинаси. Демагог билан шаллақи, безори орасидаги масофа бир одим. Бунақа кимсалар билан олишиб, барака топмайсан. Яхшиси, улардан узоқроқ юр».

Шу-шу иккинчи бор унинг номини тилга олмайдиган бўлдим.

Орадан кўп ўтмай устоз Матёқуб аканинг маслаҳатига кўра Абдулла Қаҳҳор туғилган куннинг 60 йиллигига атаб у ҳақда китоб тайёрлайдиган бўлдик. Мен китобнинг «Ҳикоянавис санъати» қисмини ёздим. Қўлёзма тайёрланиб, наشريётга топширилди. Негадир нашр иши юришмай қолди. Шу орада китоб қўлёзмасига ёзилган муаллифи сир тутилган ички тақризни қўлимга тутқишишди. Унда қўлёзма-



нинг камина қаламига мансуб қисми кескин танқид қилинган, Қаҳҳор ҳикояларининг ғоявий-сиёсий жиҳатлари етарли очиб берилмаган, муаллиф А.Алимуҳамедов изидан бориб адиб ҳикояларини «буржуа эстетизми» руҳида текширган, дея айблар қўйилган, уни шу ҳолда чоп этиш мумкин эмас, дея ҳукм чиқарилган эди. Илк китобим қўл-лёмаси ҳақидаги бу хил кескин ҳукм мени довдиратиб қўйди. Шунда Матёқуб ака жонимга ора кириб: «Бу сиёсий сафсатабозликдан бошқа нарса эмас, Сиз хотиржам бўлинг, ўзим гаплашаман, китоб, албатта, чиқади» дедилар. Домла айтганидай бўлди, китоб ўзгаришсиз чиқди, афсус, адиб вафотидан кейин чиқди...

Ўтган ярим аср давомида Қаҳҳор мавзуси, Қаҳҳор руҳи мен учун худди Қодирий мўъжизаси каби доимий ҳамроҳимга, бетиним ўй-мушоҳадалар хилқатига айланди. Шу йиллари Қодирий каби Абдулла Қаҳҳор қисмати, ижодий мероси теварагида кетган баҳс-мунозаралар, адолатли ва адолатсиз “жанг”лар ичида бўлдим, бундай “жанг”лар чоғи гоҳо чалғиган пайтларим ҳам бўлди. Яратганга шукурким, асос-эътибори билан устозга, устоз адабий муҳити, мактабидан олган сабоқларимга бир умр содиқ қолишга интилдим. Шу интилиш самараси ўлароқ, адиб ҳақидаги туркум мақолаларим, хотира, суҳбатларим, “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Устоз ибрати”, ниҳоят, “Абдулла Қаҳҳор: шижоат ва маҳорат жозибаси” китобларим дунёга келди. У ёғини суриштирсангиз, каминанинг ҳозирга қадар матбуотда эълон қилинган 600 дан ортиқ адабий-танқидий мақолаларим, чоп этилган 50га яқин катта-кичик китобларим, асосан, Қаҳҳор адабий муҳити – мактаби одамлари, қолаверса, адиб улуглаган табаррук зотлар ижоди ҳақида баҳс этади.

2013 йил

ҚАЛБДАГИ ИСТИҚЛОЛ ЁЛҚИНИ

Улуғ адиб Абдулла Қаҳҳорни яқиндан билган, кўп йиллар у билан самимий мулоқотда бўлган устоз Озод Шарафиддинов “Қалбида, истиқлол ёлқини бор эди” сарлавҳали бадиясида “ҳамиша унинг қалбида истиқлол ёлқини мавжланиб турган” деб ёзади. Айни пайтда адиб ана шу ёлқинни ошкора изҳор этишдан тийилганини, шўро замонида – ўтган асрнинг 50-60- йиллари шароитида бунини ошкор изҳор этиш асло мумкин эмаслигини таъкидлаган ҳолда шу қалтис масалага оид бир фавқулудда ҳолатни эслатиб ўтади: “Мен яқин мулоқотларимиз давомида, – деб ёзади мунаққид ўша бадиясида, – фақат бир мартагина унинг оғзидан билибми-билмайми истиқлол



ҳақидаги ошкора гап чиқиб кетганини биламан". Омадни қарангки, ана шу "истиклол ҳақидаги ошкора гап" айтилган гурунгда шахсан камина ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлганман.

1961 йилнинг январь ойи охирилари эди. Университетдаги ишларимиз якунида устоз қўл соатига қараб олди-да: "Умарали, кун кеча Абдулла ака Ҳиндистон сафаридан қайтган, Пиримқул ва Одиллар билан келишиб қўйганмиз – устозни йўқлаб бормоқчимиз, пайти келди, Сиз ҳам бирга бўлинг", – деб қолди. Мен бажонидил рози бўлдим. Биргалашиб белгиланган дақиқада адиб хонадонига етиб бордик. Шу заҳоти Пиримқул ака билан Одил ака ҳам адиб ҳовлиси остонасига етиб келди. Салом-алиқдан сўнг хонага кирдик. Одатдагидек, кўркам залдаги думалоқ стол Кибриё опага хос нозик дид билан безатилган. Шу заҳоти устоз юқори қаватдан тушиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дилкаш гурунг бошланиб кетди. Адиб аввалги сафари билан бу галгиси орасида Ҳиндистонда беш йил давомида юз берган ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапирди, ҳикоясининг сўнгига, дарҳақиқат, Озод ака бадиасида ёзганидек, чуқур ҳўрсиниш билан "бизни мустамлакачидан ҳам ёлчитмабди-я!" деди.

Абдулла Қаҳҳорнинг 1966 йили қоғозга туширилган ва ўша йили "Шарқ юлдузи"да эълон этилган, сўнг ўз қўли билан тартиб берган олти томлик асарларининг олтинчи тоmidан ўрин олган "Ҳиндистон хотиралари" очеркида боя тилга олинган, Озод ака бадиасида келтирилган, даврада афсус-надомат билан айтган, хотирамда муҳрланиб қолган мардона сўзлар йўқ. Ахир бу гапни ўша кезлари қоғозга тушириб бўлармиди?! Кези келиб қолди. Фақат ўша гурунгда ўтирганларни лол қолдирган, адиб ўша бир жумла мардона сўзига илова тарзида айтган, ёдимда қолган бошқа гапларни ҳам баҳоли қудрат қоғозга тушириб қўйишни бурчим деб биламан.

"Ҳиндистоннинг ўтмишига оид бугун сайёҳларга кўз-кўз қилинадиган энг муҳим ёдгорликларнинг аксарияти, – деган эди адиб, – Бобур ва бобурийлар тиклаган қасрлардир. Бобур Ҳиндистонни забт этиб, аждодлари бу юртда уч юз йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилиб, унинг битта чўпини ҳам Ватанига олиб кетмабди. Боз устига, шоҳ ва шоир Бобур ўз ерини қўйиб Ҳиндистонга бостириб боришини "хатолиғ, юзи қаролиғ" деб ёзган. Бирорта колонизатор шу ишни қилганми, шу сўзларни айтганми?!"

Шу гаплар айтилган чоғда, айниқса, Пиримқул аканинг кўзлари чақнаб кетган эди. Эҳтимол, устознинг шу ёлқинли сўзлари шогирд кўнглида Бобур ҳақидаги бўлғуси машҳур асарнинг туғилишига туртки бергандир...

Ҳиндистонга иккинчи сафари чоғи у ерда кўрган-кечирганларидан олган таассуротлари, энг муҳими, мустамлакачилик даври ўрнатган



қуллик руҳига раҳна тушгани хусусида қувонч билан сўзлади; сўнг сўзига хулоса тарзида ўша кезлари бизда одам боласи ичида пинҳона ўйлашга ҳам ботина олмайдиган гапларни айтиб эди: "Ҳар ҳолда инглизларда инсоф бор экан, бошда ўлкани қўлдан чиқармасликка роса уриниб кўрди, қонлар тўқди, қарасаки, бўлмайдиган, иззатининг борида хуржунини елкасига ташлаб, бу юртдан чиқди-кетди. Бундай сабоқ улуғ оғаларимизнинг тушига ҳам киргани йўқ".

Ана шу сўзлардан кейин Озод акам бадиасида келтирган адибнинг "бизни мустамлакачидан ҳам ёлчитмабди-я!" деган афсус-надомати изҳор этилган эди.

2015 йил сентябр

ҚУТЛУҒ ХОНАДОННИНГ БЕНАЗИР БЕКАСИ

(Кибриё Қаҳҳорова таваллудининг 100 йиллигига)

Абдулла Қаҳҳорнинг туғилиб ўсган оилавий муҳити, болалик йиллари тафсилотлари "Ўтмишдан эртақлар" қиссасида ғоят ёрқин, бетакрор тарзда ўз ифодасини топган. Афсус, ўсмирлик йиллари, Тошкентда ўқиган, меҳнат, ижод фаолиятини бошлаган, сўнг илк бор уйланган кезлари, омонат оила, икки фарзанд – ўғлонлар билан кечган турмуш тафсилотлари қисман ўзгачароқ тарзда "Сароб" романида акс этган бўлса-да, бу кўнгилсиз оила муҳити ҳақида ишончли маълумотлар йўқ ҳисоб. Булар ҳақида адиб ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган. Эҳтимол, ёзилган бўлса ҳам, сақланмагандир ёки у буларни қаламга олишни ҳам раво кўрмагандир. Адиб умрининг сўнгги йиллари Кибриё опа билан бирга ўтди. Бу аломат аёл билан танишув, янги оила, сўнг чорак асрга чўзилган оилавий жуфтлик буюк адиб учун Аллоҳнинг беназир эҳсони эди.

Шуни ҳам унутмаслик керак, Кибриё хонимнинг биргина армони бор эди – янги оилада фарзанд туғиб, вояга етказиш унга насиб этмади, аммо у бутун ақл-заковати, куч-қувватини ишга солиб, умр йўлдоши учун оилада қулай ижодий муҳит яратиш – фарзандлар ўрнини босадиган тирик асарларнинг дунёга келиши учун жони-жаҳонини фидо этишга ҳар доим тайёр турди.

Тўғри, бу борада Кибриё опа якка-ёлғиз эмас. Миллий адабиётимизнинг яқин ўтмиши тарихида Ҳамид Олимжон – Зулфия, Ойбек – Зарифа, Саид Аҳмад – Саида жуфтликлари орасидаги вафо, садоқат, айниқса, аёл тарафининг фидойилиги оламга кўз-кўз қилгудек нодир ибрат намуналаридир. Улар ҳақида кўп ёзилди, ҳўп ёзилди.



Кибриё опанинг "Чорак аср ҳамнафас" хотира-қиссаси улкан адиб умрининг сўнгги чорак асри ҳақида ёрқин тасаввур берувчи беназир кўзгудир. Бу кўзгуда фақат Қаҳҳор сиймосигина эмас, хотира-қисса муаллифи, адибнинг садоқатли умр йўлдоши Кибриё опамизнинг бутун борлиғи, инсоний-маънавий қиёфаси жамики қирралари билан кўз олдимизда баралла намоён бўлади.

Қаҳҳор вафотидан кейин Кибриё опамиз яна чорак асрдан кўпроқ, аниқроғи, 28 йил танҳоликда умр кечирди. Аммо у руҳан яна 28 йил Қаҳҳор билан ҳамнафас яшади, ўнгида ҳам, уйку-тушида ҳам адиб ҳаёли оғушида кун кечирди: Қаҳҳор хонадони чироғини ўчирмай, адибнинг ҳаётлик чоғидаги адабий муҳитини бор ҳолича сақлаб қолишга тиришди, муҳими, бунга эришди; адибнинг тенгдош дўстлари, шогирдлари билан алоқани мустаҳкамлади, адиб хонадониди у ҳаётлик чоғидаги адабий гурунглари мунтазам давом этди, ҳар йили устоз тугилган ва қазо қилган кунлари бу хонадонда дастурхон ёзилиб, адиб хотирасини ёдга олиш, Қуръон тиловат қилиниб, марҳум руҳи покига бахшида этиш анъана тусини олди. Бугина эмас, Кибриё опамизнинг саъйи ҳаракати, жонбозлиги, шижоати оқибати ўлароқ бу хонадон давлат тасарруфидаги уй-музейга айлантирилди, айни опамизнинг саъйи ҳаракатлари туфайли адибнинг қўлёзма ҳолда қолиб кетган қатор асарлари эълон этилди; беш томлик асарлари нашр қилинди. Уй музейга айланганидан кейин опамиз бу қутлуг даргоҳни тарк этмай, этолмай, ҳовли этагига ўзи учун камтарона бино тиклаб, умрининг охирига қадар шу қутлуг даргоҳда яшаб ўтди. Эзгу ният, ворисийлик шарофатини қарангки, Кибриё опамиз вафотидан сўнг, унинг тавсиясига – васиятига кўра суюкли – садоқатли жияни Нодирахон, мана, салкам йигирма йилдирки, Абдулла Қаҳҳор уй-музейига раҳбарлик қилаётир, опамиз ҳаётлигида бу хонадонда шаклланган мўътабар анъана, табаррук маросимлар, адабий учрашувлар, хотира кечалари мунтазам давом этаётир. Бугина эмас, айни пайтда уй-музей Абдулла Қаҳҳор ижодий меросини тадқиқ этиш адабий-илмий марказига айланди, "Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги", "Ўтмишдан эртақлар" қиссасининг илмий-танқидий матни, "Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор" каби эътиборга сазовор тадқиқотлар амалга оширилди; муаллиф асарларининг кўп жилдлик академик нашрини амалга оширишга ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўриляётир. Бу борада, айниқса, уй-музей илмий ходимлари Отабек Жўрабоев, Марҳабо Қўчқороваларнинг саъйи ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Қисқаси, опамиз, қолаверса, етук қаҳҳоршунос олимларимиз – Озод Шарафиддинов, Матёкуб Қўшжоновлар орзу қилган эзгу режалар бирин-кетин рўёбга чиқаётир...

Дарвоқе, мавзудан узоқлашиб кетмайлик. Опамиз ҳақидаги хоти-



раларга қайтиб, ушбу бадиамиз сўнгида айнаи шу даргоҳда кечган Кибриё опа иштирокидаги дилкаш гурунглар ва эсда қолган айрим хангомаларни қистириб ўтсам.

Ҳар гал бу даргоҳга қадам ранжида қилганимизда, аввало, уй-музей билан боғлиқ муаммо-жумбоқлар устида гап борарди. Шўро замондаги расмиятчилик, сансалорликлар хусусида опамиз куйиб-пишиб сўзларди; аммо бу аломат зот бўш келадиганлар, шунчаки арзи дод, шикоят билан чекланиб қоладиганлар хилидан эмас эдилар; бир ишга киришдими — уни охирига етказмагунча тинмасди. Галдаги учрашувимизда жумбоқнинг қай тарзда ҳал этилгани хусусида кулиб ахборот берар эдилар-да, "Келинглар, энди ғийбат, можароларни тинч қўйиб, шеърхонликка ўтайлик, бир чақчақлашайлик" дея, одатга кўра, Саъдий, Хофиз, Бедилдан ғазал, рубойлар ёд айтиб, уларни шарҳлашга тушиб кетар, ҳаммани оғзига қаратиб, лол қолдирарди.

Тор доираларда, дилига яқин кимсалар билан дастурхон атрофида кечган гурунгларда эса ҳазил-мutoйиба аралаш ўз шахсий ҳаётига оид қизиқ хангома-воқеаларни сўзлаб берарди.

Айниқса, узоққа чўзиладиган қиш кечалари опамиз бизникига ёки қўшнимиз Раҳматилланикига телефон қилиб, "Беш кишилиқ лағмон тайёрлаб, танҳо ўтирибман, томоғимдан ўтмаяпти, келинпошшаларни ҳам олиб келинглар, бирга лағмонхўрлик қиламиз, гурунглашиб ўтирамиз, фақат Сизларгагина айтадиган хангомаларим бор, эшитиб кетасизлар", деб қолардилар. Опамизнинг гапини икки қилиб бўлмасди. Ўша давраларда айтган бири биридан ажиб саргузашт-хангомаларнинг барчаси қозоғга туширилса, бутун бошли мароқли китоб бўлади.

Бир гал аёлларимизнинг сўровига кўра опамиз Душанбеда хизмат қилиб юрган кезлари тожик болалар шоири Миршакарга турмушга чиққани, у киши билан кечган "илимилиқ кунлари" ҳақида сўзлаб бердилар. Опамиз бу зотни ниҳоятда баодоб, ювош, ўта ҳалол, яхши одам эди, дея таърифлайди; сўнг "Ювошлик, яхшилик, баодоблик ҳам эви билан-да, бу одамда жуфти ҳалолани ёмон кўзлардан асраш, қизганиш, рашк туйғуси йўқ эди. Тўғриси, унинг бу қилиғи жуфти ҳалол — каминага малол келарди, — дея ҳикоясини давом эттирди опамиз. — Эр деган зот оилада эркаклик мавқеида туриши керак-да, ахир... Шу сабаб ундан ажралишга қарор қилдим. Тошкентга келиб, радиоода иш бошладим. Тақдир тақозоси билан Абдулла акангиз билан танишиб, ниҳоят, у билан турмуш қурдик... Қарангки, бу одам Миршакарнинг бутунлай акси, муболағага йўйманлар, рашк бобида ҳатто Отеллони ҳам йўлда қолдирадиган зот эканлар. Тўғриси, бу одамнинг, аввало, айнаи шу хислати менга ёқиб қолди..."

Сўнг опамиз никоҳдан ўтган куни эртаси бўлган бир ажойиб воқеани ҳикоя қилиб бердилар.



"Хоним, бундан буён кўчаларга бирга чиқамиз, турли маърака, маросимларга борамиз, ҳар хил даварларда бўламиз. Илтимос, ўшандай давраларда сизга салом берадиган эркак зотининг исм-шарифлари рўйхатини ёзиб берсангиз", – дея менга қоғоз, қалам тутқаздилар. Стол қаршисидаги курсига ўтириб ёза бошладим. Ёзувимга назар солиб, атрофимда у ёқ-бу ёққа юриб турибдилар. Ниҳоят, "Мана, битди", дея рўйхатни қўлларига тутқаздим. Уни қўлларига олмай туриб, "Ҳаммаси шуми? Яхшилаб ўйлаб кўринг, бирортаси эсингиздан чиқмадимикин?" дея саволга тутдилар. "Бори шу", дедим қатъий туриб. "Назир Сафаровни ёзмабсиз-ку", дедилар аллақандай киноя билан. "Вой, эсим курсин" дея 19-одам исми шарифини рўйхатга тиркадим. У киши рўйхатни олиб, тўрт буклаб, костюми чўнтагига солиб қўйдилар. Ўша дамда вужудимдан совуқ тер чиқиб кетди. Очиғи, радиода ишлаган кезларим Назир Сафаров атрофимда парвона бўлиб юрар, гоҳида гап отар, мен эса унга сир бой бермас эдим. Абдулла акангиз шундан ҳам бохабар эканлар.

Мана шу бир қадар кулгили воқеа бу аломат зот ҳақидаги тасаввуримни ўзгартириб юборди, мени сергак торттирди. Бу одамнинг кузатувчанлигига қойил қолдим. Танишганимиздан буён икки ярим-уч ой давомида менинг ҳар бир босган қадамим, хатти-ҳаракатларим, гап-сўзларимни миридан-сиригача кузатиб, тафтиш қилиб юрган эканлар. Бу синчков зотдан ҳеч нарсани яшириб бўлмасди. Кейинчалик кўп кузатдим: суҳбатдошининг ичида-кўнглида нима кечган, кечаётганини беҳато англаб етарди, унинг қаршисида ёмон ўйга боришдан бир умрга тийиладиган бўлим. Қарангки, ўзим шохид, у ўзига яқин олган дўстлари, шогирдларининг биронтаси ҳам унга хиёнат қилмади. Одам боласига баҳо беришда бу зот асло адашган эмас... Шукур, Абдулла акангиз вафотидан кейин ҳам шу одат мени бир дақиқа бўлсин, тарк этгани йўқ. Қайси бир ишга қўл урсам, ўй сурсам, ҳамиша унинг сиймоси кўз олдимда мени кузатиб, тергаб тургандай бўлади..."

Кибриё опамиз, юқорида айтилганидек, Абдулла акамиздан юққан ҳазил-мутуйибага ўч эдилар. Раҳматилла дўстим ниҳоятда сезгир эди. Гоҳо гурунг рафтори аёлларни ёлғиз қолдиришга ундарди, шунда менга имо қилиб, ташқарига чиқишга таклиф қиларди. Иккаламиз ҳовлига чиқиб очиқ ҳавода ўзаро гурунглашиб юрардик. Хонадан эса дам-бадам кулги-қийқирик овозлари янграрди. Муайян фурсат ўтиб опамиз эшикни очиб, бизни уйга чорлар, "Энди оғизларингни ширин қилиб кетинглар", дея ўзи тайёрлаган устоз Озод акамиз таърифлаган ҳолвахўрликка таклиф этардилар. Қутлуғ хонадонда кечган ўшандай дилкаш гурунглار, шеърхонликлар, кулги-қийқириқлар завқи, қолаверса, ноёб ҳолвалар таъмини унутиб бўладими, ахир!..

2014 йил апрел

ТИЛ ИЛМИНИНГ ШОИРИ

*(Тилшунос олим, мураббий Аюб Фуломов
таваллудининг 100 йиллигига)*

Миллий университет филология факультетида хизмат қилган мен тенги домлалар бу табаррук зотга — замонавий ўзбек тилшунослиги илмий мактабига асос солган алломага эркалик қилиб "Аюб ака" деб мурожаат этардик. Талабалик йилларимни ҳам қўшганда Аюб ака билан 35 йиллик умримиз шу даргоҳда ўтди. Соҳамиз бошқа — у киши тилшунос, мен эса адабиётшунос, у киши ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, камина эса ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси домласи, сўнг мудири бўлсам-да, у билан деярли ҳар куни учрашиб турардим. Турли йигин, кенгашларда, қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтадиган анжуманларда бирга иштирок этар, кўпинча ёнма-ён ўтирардик. Ўтган аср 60-70-йиллари университет домлалари учун ажратилган янги маҳаллада ҳовли-жой қуриб бирга ҳаммаҳалла бўлиб яшаш насиб этди. Домланинг умр йўлдоши Саидахон билан менинг рафиқам бир мактабда муаллимлик қилдилар, ўғлим Бобуржон билан Аюб ака, Саидахонларнинг суюкли фарзанди Равшанжон бир мактабда ўқиб, боалиқдан оға-ини дўст тутинган эдилар, бу дўстлик ришталари ҳозирга қадар давом этади...

Ниҳоятда кўркам, адлқомат, озода, саранжом-саришта, чехрасидан нур ёғилиб турадиган бардам-соғлом бу зот юз йил яшаса керак, деб юрардим. Ундай бўлмади. Бутун умри, илмий-педагогик фаолияти мустабид тузум босими, талотумлари, мафкуравий-сиёсий таъйиқи остида кечган бу беназир олим асл маслаги, орзу-интилишлари, дарду аламлари, ҳасратларини ичига ютиб-ютиб, ҳатто энг яқинларига ҳам уларни ошкор этмай, этолмай 70 ёшга етмай бирдан чўкиб қолди, оғир юрак хасталигига учради, 72 ёшида оламдан ўтди. Домламиз орамиздан кетиши биланоқ, университет, маҳалла, тил илми, қолаверса, менинг ҳаётимда тиклаб-тузатиб бўлмас бир кемтиклик, ўпирилиш юз берди.

Миллий тишунослигимиз сафида бири биридан қолишмайдиган етук алломалар кўп, аммо мен билганлар, яқиндан мулоқатда бўлганлар орасида Аюб ака биттагина, у беназир, бетакрор, унга яқин келадиган бошқа ҳамсуҳбат тилшунос олимни, мураббийни кўрмадим, топмадим.

Домланинг аудиторияда, минбарда ўзини тутиши, чаққон хатти-ҳаракатлари, дарс ўтиш, маъруза ўқиш, сўзлаш тарзи, дасрлик, ўқув қўлланма, илмий асарларининг бетакрор ифода тарзи ҳаммани бир-



дек мафтун этар, у кишини шахсан танимаган, кўрмаган, унинг нутқини, маърузаларини тингламаганлар илмий асарлари, ўқув дарслик, қўлланмаларини бир қайта ўқиб кўрсинлар-а, уларда бу зотнинг шахсияти, сўзлаш тарзи, оҳангини баралла тасаввур этишлари мумкин.

Олимнинг бундан 60 йил муқаддам 1954 йили чоп этилган "Феъл" рисоласидан мана бу парчани ўқиб кўринг-а. (У бизга маъруза ўқигани илк бор кирганида, шу ҳаво ранг муқовали китобча қўлида борлиги ёдимда, лекин у маъруза чоғи бирор марта ҳам китоб саҳифаларига қараган эмас). Рисола дабдурустан мана бундай бошланади:

"Феъл ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўз туркумидир. Феъллардаги бу лексик хусусият уларнинг икки тўдага ажралишига асос бўлади: ҳаракат феъллари ва ҳолат феъллари. Феълдан англашиладиган бу ҳаракат ва ҳолат одатда шахс ё предмет билан боғланган бўлади" (3-бет).

Ҳеч қанақа "кириш"сиз феълга берилган лўнда таъриф, барчага бирдек тушунарли, ҳаракатдаги жумлалар...

Китобнинг охиригидан яна бир мисол:

"**Туш** феъли: одатда, равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади... Маъноси: ҳаракатнинг жўналиш йўли; тугаллик, маънонинг кучайиши: *қарол боланинг эғни тутдай тўкилди, еғлари узилиб тушди, қорни тўймагани устига кийимнинг дарди бўлиб, бола бечора гулдай сўлиб тушди* (фольклордан).

Чиқ феъли: бу ҳам равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади. Маъноси: ишнинг бажарилиши, узоқ давом этганлиги: *романи ўқиб чиқди, расмларни кўриб чиқди, бола касалланди, бу кеча йиғлаб чиқди. Бу аппаратни ким ўйлаб чиқарган?*" (81-бет).

88 саҳифалик рисола бошдан-охиригача айни шу тарзда, шу оҳангда, шу усулда битилган... Шу сатрларни бугун қайта мутолаа қилаётган чоғимда домламининг олтмиш йил бурун университет аудиториясида феъл туркуми мавзусида ўқиган ғоят мароқли маърузасидаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари шундоққина кўз олдимда гавдаланди, сўзлаш йўсини, оҳанги баралла эшитилиб турди.

Мен Аюб аканинг сўзлаш, ёзиш тарзи, ифода усулини унга замондош адбилардан Абдулла Қаҳҳор услубига ўхшатаман. Адиб асарларида, хусусан, ҳикояларида ҳар бир сўз ўз жойида, гап тузилиши содда, аниқ, пишиқ-пухта, гапда бирорта ҳам ортиқча унсур ёки кемтик — чала-чулпа ҳолатни тополмайсиз. Жимжимадор, ялтироқ, безакдор жумлаларсиз, ошкора ҳис-ҳаяжон, оҳ-воҳларсиз ҳам содда, лўнда жумлалар орқали адиб нишонга беҳато урадиган теран маънодор матнлар туза олади, уларда ўқувчи дилини ўзига маҳлиё этадиган сирли-сехрли оҳанг баралла янграб, эшитилиб туради.

Мен билган тилшунослар орасида фақат Аюб ака илмий асарларидагина шундай шоирона рух, жозибатор оҳанг бор!

Аюб ака ниҳоятда интизомли шахс бўлган. Бирор тасодиф бўлиб қолмаса, унинг университетга бориши ва қайтиши вақти аниқ тайин эди. У юрганда қаддини адл тутиб бир маромда одим ташлар, бу маромини асло бузмас, белгиланган маромдан тез ҳам, секин ҳам юрмас эди. Университетга яёв бориш ёки қайтиш муддати ҳеч қачон 20 минтудан ошмас эди. Мен ҳам имкон қадар унинг шу тартиб-режимига қараб иш тутар эдим. Энди эслаб кўрсам, ўша 20 минутлик бориб-келишларимиз ҳеч маҳал беҳуда ўтмаган экан. Ўша чоғлардаги гурунглариимизнинг ҳар бири муайян мавзуга бағишланарди.

Аюб ака ўз соҳаси билан чекланмай, адабиёт, адабиётшуносликдаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб борар эди. Миллий адабиёт бу ёқда қолиб, рус ва жаҳон адабиётидаги, жумладан, "Литературная газета", "Новый мир", "Дружба народов", "Иностранная литература" саҳифаларидаги янгиликларни, баҳс-мунозарларни мунтазам кузатиб, ўқиб борарди. Бир гал "Литературная газета" саҳифаларида кетаётган "Лириклар ва физиклар" мавзусидаги баҳс устида сўз очиб, баҳслашаётган азаматлар шарқ тарихини, шарқ адабиёти ва фанини яхши билмайдиди. Озод, Матёқуб, Норбой. Сиз шу баҳсларда қатнашиб бизда олимлар шоиру, шоирлар олим бўлганлигини, бу анъана ҳозир ҳам давом этаётганлигини, лоақал, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Иззат Султонлар мисолида кўрсатсаларинг бўлмайдими, дея таъна қилди. Сўзи тасдиғи учун яна кўплаб мисоллар келтирди.

Домла ўша кезлари фаол ижод этаётган адабиётшунос мунаққидларнинг ақида, савия, даражасини яхши билар, уларга одилонга баҳо берарди. Гурунглариимиздан бирида Л.Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги саломқдор китоблари ҳақида сўз очиб, унинг ютуқ ва камчиликлари устида батафсил тўхталди. Бугун эслаб кўрсам, ўшанда айтган кўп мулоҳазалари ёдимдан кўтарилибди, аммо бир жумла – мана бу гапи эсимда қолибди: "Лазизхон Ҳамза ҳаёти ва ижодини синчковлик билан иқир-чиқирларигача теширибди, Ҳамзага даҳдор бўлса, уйи докчасида ётган игнани ҳам китобига киритибди". Топиб айтилган қаҳҳорона лўнда, образли гап, китобга берилган одилонга баҳо!

Ўзгаларга, сафдошларига баҳо беришда домла ниҳоятда эҳтиёткор, талабчан бўлган. Озод акага, унинг ўзи айтганидай, сиртдан бефарқроқ қараса-да, аслида, уни ниҳоятда ҳурмат қилар, қадрлар, университет спорт залида волейбол машқларида бир командада бирга мунтазам қатнашар, аммо илмий мунозараларда кўп ҳолларда дилидагини ошқора айтавермаса-да, ичида унинг ёнини оларди. Бир



гал адабиёт газетасида Озод аканинг бир чиқиши муносабати билан кескин руҳдаги танқидий мақола босилди. Йўл-йўлакай шу ҳақда сўзлашиб бордик. Охирида у: “Ҳақ гапни айтишда ёзувчилардан Абдулла Қаҳҳор битта эди. Ҳозир танқидчилар ичида бу борада Озод битта! Озод акангизга айтинг, ўзини эҳтиёт қилсин. Юқоридан шапқасини ол деса, куйида калласини оладиганлар борлигин унутмасин”, – дедилар.

80-йиллар бошларида бўлса керак, университетдан бирга қайтиш чоғи “Ўткан кунлар” романининг тил, имло хусусияти, хусусан, 1926 йилги нашрида сўзлардаги *-ган*, *-га*, *-кан*, *-лик* каби қўшимчаларнинг *-ған*, *-ға*, *-қан*, *-лиқ* га айлантирилгани, бу ҳол асар мутолаасида буғунги китобхон учун қийинчилик туғдираётгани устида сўз очиб, нега шундай бўлгани сабабини сўрадим. Фақат бу романда эмас, адибнинг 20-йиллари матбуотда чиққан бошқа асарларида, публицистик мақолаларида ҳам шундай ҳол кўзга ташланади. Қизиқ, Қодирийнинг 1914-1920 йиллар оралиғида, кейинроқ 30-йилларда битган асарларида бу ҳол камдан-кам учрайди. Афсуски, муайян сабабларга кўра адиб асарларининг асл қўлёзма нусхалари сақланмаган, аслиятда қандай эканлигини билмаймиз. Эшитишимча, 20-йиллар бошида қабул қилинган имло қондасига кўра *-ган*, *-га*, *-кан*, *-лик* каби қўшимчаларни *-ған*, *-ға*, *-қан*, *-лиқ* шаклида ёзиш назарда тутилган экан. Бу қоида лотин алифбосига ўтилгунга қадар амалда бўлган... Шуниси ҳам борки, ёзувчи ибораси билан айтганда, роман матнида бу қоида бузиб қўядирган ҳолларга ҳар қадамда дуч келамиз: бир саҳифанинг ўзида *-ган*, *-га*, *-кан*, *-лик* қўшимчалари билан битилган сўзлар ҳам ёндош ҳолда келаверади. Демак, бу борада изчиллик бўлмаган.

Дарҳақиқат, лотин алифбосига ўтилганидан кейин айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, асл ҳолатга *-ган*, *-га*, *-кан*, *-лик* шаклларига қайтилди. Ўша қоида амалда бўлган даврда чиққан асарлардаги ҳолат кейинги нашрларида ўзгартирилди. Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжонлар аввалги имло қоидалари бўйича чиққан асарлари матнини кейинги нашрларида янги қоидага мослаштирганлар. Қодирийнинг “Жинлар базми”, айниқса, “Улоқда” ҳикоялари ҳам 1936 йилги нашрида ҳам услуб, ҳам имло жиҳатидан жиддий таҳрир қилинган.

Афсус, адиб “Ўткан кунлар”ни янги шароитда янги имло қондасига ўз қўли билан мослаштиришга улгуролмай дунёдан ўтиб кетди. Романининг 1925 йилда чиққан биринчи бўлимига илова қилинган “Ўзр” сарлавҳали изоҳномасида у афсус-надомат билан асарнинг “имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди” деб ёзади. “Рўманнинг иккинчи бўлимини бундай хатолардан соф бўла олишига ваъда бера олмаслигини” ҳам писанда қилиб ўтади.

Шу ҳақида сўз очганимда Аюб ака: “Дарҳақиқат, 20-йилларда сиз

тилга олган Тил ва имло курултойидан бошлаб то янги лотин ёзуви-га ўтгунга қадар айти шу тил ва имло масаласи теварагида қизгин баҳс-мунозаралар давом этган, – дея сўзини давом эттирди. – Яна бир неча бор айти шу масалага бағишланган курултой, муҳокама мажлис-лари бўлиб ўтди, матбуотда қизгин мунозаралар давом этди. “Чиғатой гурунги” аъзолари бу ҳаракатнинг бошида тургани боис, гарчи гурунг 1922 йили тарқатиб юборилган бўлса-да, улар илгари сурган ғоялар ҳаракатда давом этаверди. Чиғатойчилар она тилимизни араб, форс тиллари таъсиридан ҳалос этишга, айти пайтда, уни бостириб кела-ётган рус ва бошқа европа тиллари таҳдидидан асраш, ҳимоя қилиш, умумтурк тилларига хос қадриятларни тиклаш, турли усутувор шева бойликларини муомалага олиб кириш йўлидан бордилар. Бу борада гоҳо ҳаддидан ошиш ҳоллари ҳам бўлган. Баҳслар чоғи имло боби-да бир ҳулосага келиш қийин кечган. Боя сиз эслатган “Ўткан кунлар” матнидаги “тузатиш” – таҳрирлар ана шундай ўзбошимчалик оқибати экани аён. Ўша йиллари вақтли матбуот, нашриёт таҳририятларида Қо-дирий айтган “имлочилар” айти шу йўсинда фаолият олиб борганлар.

Бу муаммони шу ҳолда қолдириб бўмайди. Бу Қодирийдек сўз санъаткорига, “Ўткан кунлар”дек беназир асарга, қолаверса, жонли адабий тилимизга зуғумдан бошқа нарса эмас. Муҳими. **романнинг илмий академик нашрини тайёрлаш**, асар матнини Қодирийга ярашмайдиган шу хил сунъийлик, дағаллик, ҳар хилликлардан ҳалос этиш керак. Зарурат туғилса, бу ишга бош қўшишга мен тайёрман...”

Азизлар, юқорида келтирилган Аюб аканинг сўлари матнини айнан тиклашга, очиғи, қурбим етмади, фақат нутқ мазмунини бор ҳолича қоғозга туширишга уриндим, ҳолос. Бунинг учун Сизлардан узр сўрайман. Афсус, бу орада Аюб ака бетоб бўлиб қолди, анча вақт даволанди, аввалги ҳолига қайтмади, охири, оламдан ўтди... 90-йилларга келиб шўро замонида жиддий таҳрир, қисқартиришлар билан чиққан “Ўткан кунлар” ўрнига 1926 йилги нашри асл нусха намунаси сифатида қайта чоп этилди, шундан бери у қайта-қайта чоп этилаётир. Адиб ҳаётлигида лотин алифбосида босилган 1933 йилги нашрида бу борада анча-мунча таҳрир, тузатишлар бор эди. Бу нашр негадир ҳозирга қадар эътибордан четда қолиб келаётир...

Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, қодирийшунослик бу-гун балоғат ёшига кўтарилган, Қодирий армонини, Аюб акадек тил илми шоирининг таклифларини юзага чиқариш, “Ўткан кунлар”дек ноёб романнинг илмий-академик нашрини тайёрлашга қодир зукко адабиётшунос, матншунос, тилшуносларимиз бор, эндиги бутун умидимиз улардан.



АЛЛОМА ПАНОҲИДА ЎН УЧ ЙИЛ

Хотира-эссе

*(Академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов
таваллудининг 100 йиллигига)*

Умримнинг шу палласида туриб, босиб ўтилган йўлга бир қур назар ташласам, юрагим ҳаприкиб кетади. Талабалик, аспирантлик ҳамда мураббийлик фаолиятимни қўшиб ҳисобланса 62 йиллик умрим ҳозирда Миллий университет деб номланган қутлуг даргоҳда ўтибди. Шу масканда филология – ўзбек тили ва адабиёти бўйича олий маълумот олдим, фан номзоди, доктори илмий даражаларига, доцент, профессор унвонларига, фан арбоби, Давлат мукофоти лауреати, Меҳнат шухрати ордени соҳиби шарафига муяссар бўлдим. Ўтилган илк йиллар мамлакатимиз тарихидаги ғоят мураккаб, таълим, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар учун ўта таҳликали бир палла эди. Эркин ижодий фикрга йўллар берк, бир оғиз ҳақ гапи учун не-не алломаларнинг боши кетаётган замонлар эди. Ўшандай машъум паллада Миллий университетимиз мамлакатда хур фикрнинг ноёб масканларидан бирига айланди. XX асрнинг қоқ миёнасида бошлаб айна шу даргоҳда таълим олган, сўнг мураббийлик қилган Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжоновдек мунаққидлар, П.Қодиров, О.Ёқубов, С.Зуннунова, Х.Тўхтабоев, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ў.Ҳошимов, О.Ҳожиева, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Холмирзаев, Х.Султонов, Э.Аъзам, Т.Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст сингари ҳақиқат жарчилари майдонга чиқдилар. Бутун бошли тузуму тизимни ларзага солган, охир-оқибат, истиқлол тантанаси билан якунланган қудратли жараённинг асл ибтидоси айна шу университет бағрида етилганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Айна шу жараён содир бўлган кезлари университетга раҳбарлик қилган улкан сиймоларни бир эслаб кўринг-а, азизлар, булар – академик Т.А.Саримсоқов, О.Содиқов, С.Ҳ.Сирождидинов, Т.Долимовлардир. Айниқса, ўз даврининг хур фикр адиблари раҳнамоси – Чўлпон, Қодирий Фитрат каби эрк, озодлик курашчилари ҳимоячиси сифатида танилган устоз Озод Шарафиддинов ҳамда унинг маслақдошларига нисбатан босим ниҳоятда кучли бўлган; юқоридан унинг "ковушини тўғрилаб қўйиш" ҳақида кетма-кет кўрсатмалар, тазйиқлар бўлиб турган, аммо боя номлари тилга олинган ректорларнинг бирортаси бундай "қора иш"га қўл урган эмаслар, аксинча, йўлини топиб, пинҳона бу жасур сиймони бало-офатлардан ҳимоя қилганлар. Бу ноёб тарихий ҳақиқатни ҳамма билиши даркор:



мамлакатимизда ўша кезлари фақат Саримсоқов, Содиков, Сирожиждинов, Долимовдек улугъ сиймолар паноҳидагина жасур сиймо Озод Шарафиддинов омон қолиши мумкин эди! Аллоҳнинг инояти билан шундай бўлди... Улар бугун орамизда йўқ, илоҳо, уларнинг жойи жаннатда бўлсин, аслида, улар, чиндан-да, жаннати одамлар эди...

Устоз Озод Шарафиддинов ўзи таълим олган, ишлаган кезлари университетга раҳбарлик қилган барча улкан сиймолар ҳақида хотира-бадиалар ёзишни ният қилган эди, устознинг Саъди Ҳасанович Сирожиждинов, Тўрабек Долимов, проректор Шоислом Шомухамедов ҳақидаги "Одамлар нақши", "Фан гўзаллик ҳисси билан тирик", "Олимнинг сурати ва сийрати" сарлавҳали нодир суҳбат, бадиалари кенг жамоатчиликка маълум, улар муаллифнинг вафотидан сўнг чоп этилган "Домлалар" китобидан ҳам ўрин олган. Афсуски, Т.А.Саримсоқов, О. Содиков ҳақида режалаштирилган бадиа-хотиралари қоғозга тушмай қолиб кетди.

Қамина уч бор, жами 20 йил университетимизга ректорлик қилган улугъ аллома Т.А.Саримсоқов ҳақидаги хотира, кўрган-билганларимни қоғозга туширишга жазм этар эканман, улар устоз қалами остидан чиққан хотира-бадиалар сингари жозибадор бўла олмаслигидан афсусланаман.

Мен бу ноёб истеъдод соҳибининг илк бор университетга ректор бўлган даври ҳақида эшитганман-у кўрмаганман, айти иккинчи бор ректорлик қилган 1952-58 йиллари университет филология факультетининг талабаси бўлганман. Расмий доираларда уни "Тошмуҳаммад Алиевич" дея тилга олишар, мурожаат этишар эди. Гапнинг очиги, мен у кезлари бу одамга яккама-якка дуч келган эмасман, икки бор университетда ўтказилган адабий анжуманларда, аниқроғи, Муқимий таваллуднинг 100, Ойбекнинг 50 ёшлик юбилейлари тантанасида даврани очиб беришга бағишланган нутқларини тинглаганман, холос. Ҳар икки йиғилишда ҳам оз ва соз сўзлаб, тингловчиларни лол қолдирган эди. Ўша кезлари 40 ёшлар атрофидаги нодир сиймо ҳақида домлалар, талабалар орасида афсонанамо гаплар юрарди: 24 ёшида физика-математика номзоди, 27 ёшида физика-математика фанлари доктори даражаларига эришган, 28 ёшида университет ректори, академик, 31 ёшида республика Фанлар академияси президенти лавозимларини эгаллаган; математика бўйича янги илмий мактабга асос солган, илмий кашфиётлари жаҳоннинг кўплаб илғор мамлакатларида эътироф этилган... Шундай ноёб истеъдод соҳиби биз таълим олаётган университетнинг ректори экани учун чексиз фахрланиб юрардик.

Тошмуҳаммад Алиевич билан бевосита мулоқотларимиз у кишининг университетга учинчи бор – энг узоқ, ўн уч йил – ректорлик қил-



ган 1971-83 йилларга тўғри келади. Бу йиллари мен университетда анча қаддимни ростлаб олган, аллақачон фан номзоди илмий даражаси, доцент лавозимларини эгаллаган, матбуотда адабий-танқидий мақолаларим мунтазам чиқиб турган, беш-ўнта китобим чоп этилган фаол мунаққид, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эдим. Ўша кезлари ўзбек, рус филологияси ва журналистика ихтисосликларини ўз ичига олувчи кундузги, кечки, сиртқи бўлимлардан иборат филология факультети талабалар, штатдаги профессор-ўқитувчилар миқдори жиҳатидан бутун бошли мустақил ўқув даргоҳини эслатар эди. Тил, боз устига, республикада мана мен деган филология, журналистика бўйича мутахассис-мураббийлар айнан шу даргоҳда жамулжам эди. Кейинчалик мустақиллик йиллари адабиётшунос-филологлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Озод Шарафиддиновнинг энг жўшқин ижодий фаолияти айнаи шу кезларга тўғри келади.

Биргина ўзбек адабиёти кафедраси аъзоларининг сони 30 га етган, уни бошқариш хийла оғирлашган кезлар эди. Кафедра мудирин профессор Ғулом Каримов ректор ҳузурига чиқиб, кафедранинг иккига – мумтоз адабиёт ва ҳозирги ўзбек адабиёти ихтисосликларига ажратиш масаласини кўтаради. Ректор Тошмуҳаммад Алиевич бу масалани қўллаб-қувватлайди, янги кафедра мудирин лавозимини учун конкурс эълон қилишга келишилади. Орадан бир ой ўтиб университет ректори номига бу лавозим учун 2та ариза тушади, иккиси ҳам университет адабиётшуносларидан эмас, четдан... Бундан огоҳ бўлган ректоримиз ҳайрон бўлиб қолади. Ҳузурига Ғ.Каримовни чорлаб вазиятнинг сабабини суриштиради, "Наҳотки ўзимизда бугунги адабиётшуносликнинг республикамизда эмас, Иттифокда ҳам номдор одамлари туриб, четдагилар ариза беришса", дея писанда қилади. Ғулом ака вазиятни ётиғи билан тушунтиради; "Аслида, бу лавозимга энг муносиб номзод Озод Обидович, афсус, унинг теварагида кетаётган машмашалар туфайли у бу лавозимга ариза беришдан бош тортди...", дея изоҳ беради. Шунда Тошмуҳаммад Алиевич "Умарали-чи?" деб сўрайди. "Унга ҳам неча бор айтдим, аммо у "Устозим туриб, қай юз билан мудирликка ариза бераман, деб оёқ тираб турибди", – дея изоҳ беради. "Вазиятни тушундим, – дея қатъий қарорини айтади, ректоримиз. – Озод ақлли одам, у тўғри йўл тутган, ҳозир мавриди эмас, Умаралига менинг номимдан айтинг, кафедра тақдирини ўйлайдиган бўлса, тезда бу лавозимга ариза топширсин, у ёғи бир гап бўлар; вазият яхшиланса икки қўллаб лавозимини устози Озодга топшираверади".

Бу қатъий қарор Ғулом акага ҳам, Озод акага ҳам маъқул тушади ва бу лавозимда икки-уч йил ишлаб туриш, сўнг уни устозга топши-



риш шарти билан камина ариза топширишга рози бўлдим. Ҳаммаси жойига тушди, сих ҳам, кабоб ҳам куймади, аммо "икки-уч йил"га мўлжалланган муддат 26 йилга чўзилди. Шу йиллар давомида мен расман кафедра мудирин бўлсам-да, унинг асл эгаси, раҳнамоси аслида Озод Шарафиддинов эди. Шу йиллар давомида Озод Шарафиддинов номи билан боғлиқ ўзбек адабий танқидчилик мактабига асос солинди, бу кафедра республикамизда эмас, хорижда ҳам маълум, машҳур; янги ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараёнга доир сон-саноксиз тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, бу ишларнинг бош раҳнамоси устознинг ўзидир. Бу борада қатъий туриб, нажот йўлини белгилаб берган Тошмуҳаммад Алиевичдир! Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, азишлар, агар кафедрага камина эмас, бошқа бир Озод акани ёқтирмайдиган кимса мудир бўлиб келганида, аминманки, устоз бир кун ҳам бу масканда турмаган, бинобарин, биз бугун ғурур билан эътироф этаётган савоб ишлар амалга ошмай қолиб кетган бўлиши турган гап эди... Узоқни кўриб иш тутган алломининг тарихий хизматларидан бири ана шунда!

Эшитишимча, Тошмуҳаммад Алиевич мени ҳам етук олим, ҳам ҳалол одам дея эъзозлар, йил ўтиб энг мураккаб, масъулиятли вазифа – кириш имтиҳонлари пайти ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича имтиҳон комиссия раиси ёки ўринбосарлигига тавсия этарди. Гарчи бу вазифани унча ёқтирмасам-да, устознинг гапини икки қилолмай рози бўлардим. Беш-олти бор шу вазифани адо этдим: у киши бирор марта ҳам қонундан ташқари топшириқ берган ёки илтимос қилган эмас. Фақат бир мартагина ўз ҳузурига чақириб нозик бир гап – дил розини, илтимосини айтган эди. Ўша куни ректоримиз эрталаб факультетга қўнғироқ қилиб, соат 12да мени ўзи бош бўлган кафедрага боришимни илтимос қилибди. Айни ўша белгиланган пайтда ҳузурларига бордим. Айни дақиқада шогирдлари билан илмий мулоқотни тугатиб, хонасига кириб келди. Салом-алиқдан кейин бирдан: "Биламан, Сиз қодирийшуноссиз, – деди, сўнг – Қодирий оила аъзоларини, жумладан, адибнинг кичик ўғли Масъуд Қодирийни танисангиз керак?" – дея сўроққа тутди. Уни яқиндан билишимни айтдим. "Масъуджон кеча қабулимда бўлди, мириқиб суҳбатлашдик, – сўзида давом этди Тошмуҳаммад Алиевич. – Отаси, оила аъзолари ҳақида кўп янги гапларни айтиб берди. Қодирий бир гал ҳар икки ўғли – Ҳабибулла ва Масъудни ҳузурига чорлаб: "Ўғилларим, адабиёт туфайли бошимга шунча кўргиликлар тушди, Сизлар асло бу йўлдан борманглар, маслаҳатим – шифокор бўлинглар", – дея дил розларини айтган эканлар. Қаранг, иккиси ҳам отаси айтган йўлни танлаганлар. Ажаб, ҳар иккисининг қизлари – ўша Қодирийнинг набиралари эса филолог



бўлишга аҳд қилган. Ҳабибулланинг қизи Манзума сизларда ўқийди. Бу йил эса Масъуджоннинг қизи филология факультетига ариза топширган. Қодирийдек аллома ҳурмати ҳаққи Сизга кичкина топшириқ бор. Мен айни кириш имтиҳони чоғи хорижда илмий сафарда бўламан, Сиз шу қизимизга кўз-қулоқ бўлиб турсангиз..." дедилар. Уша куниёқ Гулмира билан учрашиб, унинг имтиҳонга тайёргарлик даражасини суриштириб билдим: тайёргарлиги жойида. Шундай бўлса-да, назоратни давом эттирдим. Юзим ёруғ бўлди, имтиҳонларда керагидан ортиқ балл тўплаб, бу қизимиз ҳам филолог талабалар сафидан жой олди, беш йил давомида аъло баҳолар билан ўқиди.

Бир қарашда, илм-фан оламига шўнғиб кетган, қолаверса, ёшлигиданоқ масъул лавозимларни эгаллаган шўро даврининг раҳбар ходими саналмиш бу одамдаги оддий инсоний фазилатларни, бекиёс завқ-шавқ, ҳазил-мутойибага мойилликларни кўриб ҳайрон қолардим.

Иттифоқ педагогика фанлари академиги тилшунос Отақўзи Азизов билан бир кўчада турардик. Отақўзи аканинг бир гуруҳ академик олимлар билан гап-гаштак – улфатчилиги бор эди. Эрта баҳор фаслида улфатлар Отақўзи аканинг хонадонига тўпланадиган бўлди. Устознинг ўғиллари сафарда бўлгани учун у киши мендан эртaroқ келиб меҳмонларни кутиб олишни илтимос қилдилар. Бир соат бурун бордим. Ҳовлидаги гилослар қийғос гулга кирган. Шу пайт денг, бирдан қия очиқ дарвоза олдида Тошмуҳаммад Алиевич пайдо бўлдилар. "Надяхоннинг кўк сомсаларини соғиниб, эртaroқ келавердим, дедилар. Устознинг ҳандон овозини эшитиб, Надя опа хонадан югуриб ҳовлига чиқдилар. Салом-алиқдан сўнг "Қўқонча кўк сомса тайёр, қани ичкарига", дедилар. Домла гилос шоҳларига тикилиб, "Ҳовлингиз жаннатнинг ўзи бўлиб кетибди, ичкарига кейин кирамиз. Ҳозир шу ерда ўтирамиз", дедилар. Опамиз: "Дўстингиз ош зирвагини тайёрлаш билан банд, бироз туриб чиқади", дея гилос остидаги думалоқ столга дастурхон ёзиб ўзи тайёрлаган қўқонча кўк сомса солинган ликобчани стол устига қўйдилар. Ажиб бир ҳид теврак-атрофни тутиб, иштаҳани қитиқлай бошлади. "Умарали, Сиз ҳам Қўқонга яқин жойдансиз, бунақа кўк сомса фақат Қўқонда бўлади, 7 хил кўкат қаймоқ билан қориштирилиб тайёрланади, Надяхоним асли қўқонлик-да!.." дея ҳазил-мутойибага берилиб кетдилар. Сўнг Отақўзи ака билан Надя опанинг хислатлари ҳақида гапирдилар. Надяхоним Отақўзига турмушга чиққач, унга ҳурмат-садоқат юзасидан мусулмонликини қабул қилгани, ўзбек тилини пухта эгаллагани, Қуръон сураларини ёд олгани, оятларни чиройли қироат қилиши, шархлаши, гоҳо ораларида бу борада баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб



туриши хусусида сўзладилар. Баҳсга асос бўлган оятларни чиройли бир оҳангда ёддан айтдилар. Шундай раҳбар, академик олим оғзидан бунақа гапларни эшитиб лол бўлиб қолдим... Шўролар муҳотида – 70-йиллар охирида бунақа ҳолат, чиндан-да, мен учун кутилмаган ҳодиса эди-да...

Шахсан ўз ҳаётим, тақдиримга дахлдор яна бир воқеани эсламай, у ҳақида гапирмай ўтолмайман. 1981 йил январида 50 ёшга тўлишим муносабати билан мени Ёзувчилар уюшмаси ҳамда университет ректорати мукофотга – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига тавсия этишди. Шу орада адабий танқидчилик фаолиятим билан боғлиқ бир қалтис масалада "йўл қўйган хатом" – соцреализм хусусидаги расмий қарашларга зид фикрларимни рўқач қилиб, айрим масъул кимсалар бу одам бундай унвонга муносиб, эмас, деган даъво билан чиқдилар. Уюшма раҳбари Сарвар Азимов билан ректоримиз Тошмуҳаммад Алиевич бунақа баҳслар илм-фанда бўлиб туради, Умарали ҳар жиҳатдан фан арбоби унвонига муносиб дея мени қатъий ҳимоя қилдилар. Ниҳоят, икки ойча кечикиб мукофот ҳақидаги фармон матбуотда эълон этилди. Шунда дилбар шахс, аломат адиб устоз Саид Аҳмад ака мукофотни олиб давлат, эл-юрт орасида юзинг ёруғ бўлиб олдинг, энди қон чиқариб, яқинларинг олдига дастурхон ёз, дедилар. Бу таклифни Сарвар ака ва Тошмуҳаммад Алиевичга айтганимда, улар буни маъқулладилар. "Ширин" кафесида ширин бир базми жамшид уюштирилди. Давра юқорисида Сарвар ака билан Тошмуҳаммад Алиевич ёнма-ён савлат тўкиб ўтирардилар. Уларнинг қаторида республика-мизнинг таниқли ёзувчилари, адабиётшунослари, устоз Озод акам, ҳамкасблар, қариндош-уруғлар... Даврани донгдор шоиримиз Эркин Воҳидов бошқармоқда. Биринчи сўз ректоримизга берилди. У киши камина шаънига қисқа, лекин чиройли сўзлар айтди. Уларни бу ерда келтирсам, мақтанчоқлик бўлади. Қадрдон дўстимиз, улфатимиз таниқли ҳофиз Эсон Лутфуллаев ўша кезлари донг қозонган радио қошидаги "Мақом" ансамблини бошлаб келган... Мумтоз мақом наволари ўтирганларни маст қилган. Бир гал разм солсам, куй авжига чиққанда Тошмуҳаммад Алиевич кўзларини юмиб, хиёл тебраниб ўтирибдилар.

Маросим поёнида биз билан хайрлаша туриб у киши: "Кўпдан бери хизмат, илм-фан билан бўлиб, бунақа яйрамаган эдим, раҳмат. Филологларсиз университет совуқ бир макон, унга Сизлар шунақа завқ-шавқ бахш этасизлар", – дедилар. Сўнг сўзларига илова қилиб давом этдилар: "Юнус Ражабий улуғ иш қилди. Шашмақомни тўла ҳолда тиклаб, ўзига мангу ёдгорлик қўйиб кетди. Шашмақомнинг ҳар



бир куйи алоҳида нодир хилқат. Унда гўё бутун бошли бир азиз инсон умри мужассам. Ўзининг ибтидоси, паст-баландликлари, авжи ва интиҳоси бор. Биргина куйда шунчалар ҳикмат, фалсафа бор-а..."

Тошмуҳаммад Алиевич, менинг нигоҳимда ана шундай беқиёс нозиктаъб аллома, аломат дилбар шахс бўлганлар.

2015 йил январ

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗНИНГ ЭГИЗАК МАЛИКАСИ

XX аср иккинчи ярми миллий адабиётшунослигимизда аёл адабиётшуносларнинг ўрни катта. Фан номзоди, доктори лавозимларига эришиш бобида ҳатто улар эркакларни хийла ортда қолдириб кетган пайтлар ҳам бўлди. Беш қўл баробар эмас, деганларидек, улар орасида номигагина илмий даража олиш, шунчаки тирикчилик илинжида бу даргоҳга кириб қолганлари ҳам кўп. Бироқ фан, адабиётшуносликни тақдир деб билган, бутун умри, ҳаётини шу соҳага тиккан, кеча-ю кундуз адабиёт дарди билан яшаб ўтган фидойи олималаримиз ҳам бор. Бизга замондош, маслакдош опахонларимиз Нинель Васильевна Владимирова билан Машҳура Султонова шулар жумласидан. Мен улар билан илк танишувдан то умрларининг охирига қадар ҳар доим икковларини бирга ҳолда учратардим; бири рус, бири ўзбек бу икки адабиётшунос олималар ҳудди туғишган эгизак опа-сингиллардек эди. Кейинчалик билсам, улар орасида бор-йўғи бир ёшгина фарқ бор экан: Нинель опа 1929 йили, Машҳура опа эса 1928 йили туғилган экан. Иккисининг тақдири ҳам айтарли бир хил: иккаласи ҳам бир пайтда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таълим олган, сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Тил ва адабиёт институтида умрларининг охирига қадар илмий ходим лавозимларида бирга хизмат қилганлар. Ажаб, иккисининг шахсий турмуши, қисмати ҳам деярли бир хил: Нинель опамиз турмуш қурган бўлса-да, умр йўлдоши бевақт оламдан ўтган, умрининг асосий қисми танҳоликда ўтган. Машҳура опамиз эса турмуш қурмай ёлғиз яшаб ўтди; қисқаси, уларнинг ҳаётдаги ягона овунчоғи, умиди, ташвиши адабиётдан иборат бўлган. Ҳар гал улар билан учрашганимизда салом-алиқдан кейинги савол-жавобларимиз, баҳсу мунозараларимиз адабий ҳаётдаги, адабиётшунослиқдаги янгиликлар, адабий муаммолар устида кетарди.

Нинель опа билан Машҳура опани камина билан яқинлаштирган омил — уларнинг ҳар иккиси ҳам, аввало, ҳикояшунос эдилар, тақдир тақозоси билан мен ҳам тадқиқотчилик фаолиятимни ҳикояшунослиқдан бошлаганман; замонавий ўзбек ҳикоячилиги тараққиётининг



асосий тамойиллари мавзусидаги номзодлик ишимга расмий оппонент сифатида Машхура опа тайинланган эди. Боз устига, менинг илмий раҳбарим Озод Шарафиддинов Нинель ва Машхура опалар билан университетда бир даврда бирга таълим олган, ниҳоятда қадрдон бўлганлар... Машхура опа бир умрга ўзимнинг опахонимга айланди, анжуманалардаги, радио ва телевидениядаги ҳар бир чиқишим, матбуотда босилган мақолаларим, чоп этилган китобларим ҳақида ё телефон орқали, ёки учрашганимизда, албатта, ўз фикр-мулоҳазаларини айтар, баҳоси, аксар ҳолларда, ижобий бўларди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги "Ҳикоянавис санъати" туркум мақолаларим унга маъқул тушган эди. Мақолаларим, китобларимнинг кам-қустлари хусусида ниҳоятда эҳтиёткорлик, одоб-андиша билан сўзларди. Нинель опа эса хийла дангалчи, гапни танқиддан бошларди. Бир гал айнан Машхура опага маъқул тушган "Ҳикоянавис санъати"даги "Нурли чўққилар" таҳлилига оид боб ҳақида сўз очиб, бу хил ҳикояни Иброҳим Раҳим ёки Мирмуҳсин ёзса, кечириш мумкин, аммо Қаҳҳордек санъаткорга ярашмайди, Сиз эса уни ижобий баҳолабсиз... Мен бундай баҳога асло қўшилмайман, деганди. Шунда мен, "Марҳамат, фикрингизни матбуотда айтинг", деганимда, у "Қаҳҳордек одам ҳақида ёмон гап айтишдан худо сақласин" дея жилмайиб қўлини кўксига қўйиб, киноя аралаш таъзим бажо келтирганди. Бундай баҳслар чоғи Машхура опа орага тушиб бизни, "яраштириб" қўяр, Нинель опага қарата "Сенга маъқул тушмаган асар Умаралига ёққан бўлса, бунинг нимаси ёмон", дерди кулиб.

Умри қисқа экан, Машхура опа ҳаётдан эртароқ кетди. Афсус, Нинель опани энди ёлғиз, қандайдир руҳий кемтик ҳолда учратадиган бўлдим. Мустақиллик йиллари бир неча муддат Тил ва адабиёт институтида Наим Каримов бошлиқ XX аср ўзбек адабиёти бўлимида ўриндошлик асосида ишладим, тубдан янгиланган "Янги ўзбек адабиёти тарихи"ни яратишда иштирок этдим. Айни пайтда, Институт ҳузуридаги филология фанлари доктори илмий даражасини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида деярли ҳар ҳафтада институтда бўлардим, табиийки, Нинель опа билан учрашиб тутардим. Шу орада опанинг кўнглида адабиётга, адабиётшуносликка, диссертациялар ҳимоясига оид бир дунё гапи тўпланиб қолар, уларни менга тўкиб соларди. Адабий жараёндаги янгиликларни мунтазам кузатиб борар, айниқса, насрдаги янгиликлар, ёш авлод ижоди ҳақида тўлиб-тошиб сўзларди. Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат", "Исён ва итоат" романлари теварағидаги баҳс-мунозаралар ҳақидаги фикрларимни сўрар, айниқса, "Исён ва итоат" хусусида танқидчиликдаги баҳс-мунозаралар уни қизиқтирар, романнинг асл моҳияти очиб берилмаётганидан зорланарди. Рус китобхони



уни қандай қабул қиларкин, деган саволимга романнинг рус тилига таржимаси устида ишлаётганини айтиб, уни рус китобхони, албатта, хуш қабул қилажагига имони комил эканлигини таъкидлаган эди. Орадан кўп ўтмай 2006 йили "Zar qalam" нашриётида роман таржимаси "Бунт и смирение" номи остида босилиб чиқди, китобга сўзбоши тариқасида Г.Гарипова билан ҳамкорликда ёзилган "В поисках утраченного рая..." сарлавҳали мақолада романнинг асл моҳияти теран очиб берилган. Жумладан, сўзбошида асар хусусида унинг "тизгинсиз" ифода услубига мос шундай дил сўзлари изҳор этилган:

"Асардаги воқелик модели илоҳий мавжудотнинг бутун ноуйғун номукамаллиги, вайронакор мутаносиблиги ғояси асосига қурилган. Бу романнинг дискрет поэтикасини белгилаган.

Онг оқими услуби қутилмаганда туғилган шахсий фалсафий фикрлар оқибат ўлароқ бузилган жумлалар, кўп нуқталар, синтактик жиҳатдан узилишларни тақозо этади ва бу асардаги ҳалокат ҳиссини чуқурлаштиради. Бу – инсон фоний дунё сарҳадларини суриб ташловчи олий ғоя – Ҳақ васлига эришадиган чегарадир ва инсон иродаси буни жазо ёки мукофот сифатида қабул қилади, ёзувчи эса уни шу орқали синовдан ўтаказди. Улуғбек Ҳамдам "дарз кетган" дунё манзарасини чизади, унинг "тирқишларига" ўзининг бир бирига ўхшамаган қаҳрамонлари тақдирини суқади, бироқ уларни ўзининг шахсий "мен"и ва Илоҳий моҳиятини излаш бирлаштиради. Бунда у персонажарни ўлимни исён ёки итоат учун жазо сифатида эмас, катарсис сифатида қабул қилишлари билан синайди. Ёзувчининг тасаввуф фалсафасининг "Оллоҳ сизни ўзинингиз учун ўлишга чорлайди, зеро, сиз унда яшайсиз" (Қушайрий) ғоясини чуқур ҳис этганлиги ва моҳиятини англаганлиги ана шунда намоён бўлади."

"Исён ва итоат" таржимаси ва у ҳақидаги мақола ўзига хос таржимон, таржимашунос, ўзбек адабиётининг жонкуяр тарғиботчиси Нинель опанинг бу борадаги сўнгги савоб иши бўлди.

Нинель опа ҳаҳон, рус ва ўзбек адабиётшунослиги фанидаги янгиликлардан баҳобар эди, уни, хусусан, диссертациялар савияси ҳамиша безовта қилар, филология бўйича илмий даража бериш тартиби тубдан янгиланишга муҳтож деб ҳисобларди. Унингча, янги ўзбек адабиёти бўйича ёзилган диссертацияларнинг 80-90 фоизи рус адабиётшунослигидаги рус адабиёти бўйича ёзилган диссертациялардаги тайёр қолипларга ўзбек адабиёти намуналарини шундоқкина солиб тайёрланган ишлардир... Биргал у куйиб-пишиб ўзбек романлари поэтикасига оид бир диссертацияда "Ш. Рашидов романларида полифония" бобида ишора қилиб, бу гирт абсурд-ку, ахир, дея нолий бошлади. Дарҳақиқат, кўзларингга ишонмайсан киши, Ф.Достоевский романларига хос



полифонияни “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”дан қидириш фирт бемаънилик эди-да, ахир...

Қизиқ, мазкур “тадқиқот” ҳимояси чоғида, ҳеч ким, жумладан, мазкур ишни “абсурд” деб атаган опамиз ҳам диссертантга қарши овоз бермади. Ҳимоядан кейин сабабини сўраганимда “Менинг яширин овозим билан вазиятни ўзгартириш мумкин эмаслиги аён-ку!” дея жавоб қилди ички бир ўқинч билан.

Ана шундай чигал вазиятларда опа билан бирга ишладик, дардлашдик, иложсиз мурса-ю мадора йўлларини тутдик. Қанчадан-қанча дардларимиз ичимизда қолиб кетди...

Ўша йиллари барча ҳимоялар шу тарзда кечган десак, жиддий хато бўларди. Ора-сира чинакам теран илмий тадқиқотлар ҳимояси ҳам бўлиб турар, улар ҳимояси чоғи опамизнинг қулфи-дили очилиб кетар, қувончини яширолмас, шундай қувончли дақиқаларда опа икковимиз чин тадқиқот эгаси — диссертант қолиб, бир-биримизни айни шу фандаги чин янгилик билан қутлар эдик.

Нинель Владимирова вафотидан кейин уни эслаганимда, опамизнинг айни шу хушнуд дақиқалардаги қувонч тўла ёрқин чехраси кўз олдимда гавдаланаверади.

2013 йил 13 апрел

ЯХШИЛИК ЙЎЛДОШИ

Йўлдошали билан орамизда тўрт ёш фарқ бўлса-да, иккимиз ҳам бир-биримизни туғишган эгизак, оға-инидек кўрардик. Шундоқ дейман-у, аслида, унинг бошқа ижодкорлар, чунончи, Эркин, Ўткир, айниқса, устоз Саид Аҳмад акага меҳри ўзгача эди. Фарғона вилоятида турли лавозимларда ишлаган, айниқса, Республика Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимини бошқарган йиллари юқорида номлари зикр этилган табаррук зотлар билан Фарғонага қилган ижодий сафарларимиз бошдан-оёқ унинг иштирокида, аниқроғи, раҳнамолигида ўтарди. У нафосат гурунгларининг гули эди, чехрасидан табассум аримасди. Ўта серзавқ, хушчақчақ, дилкаш, беназир бу одамхун дўстимиз қаҳ-қаҳ отиб қулганида, Саид Аҳмад ака ибораси билан айтганда, гўё атрофдаги ўт-ўланлар, дарахтларнинг шохлари силкиниб, уларга қўниб турган қушлар учиб кетарди.

Сухбатлар чоғи унинг тилидан тушмайдиган сўзи “яхши, яхши” бўларди. Ҳозирги замон тушунчасига кўра, “яхши” сўзи аслида вужуди, тани-жони эзгулик билан йўғрилган бу беназир зотнинг **қоди** эди. “Яхши” сўзи гоҳо унга панд бергани ҳақида гаплар юради. Шахсан ўзим бир гал



бунга гувоҳ бўлганман. Суҳбат чоғи Ўткирдан бир бетоб тошкентлик журналист дўстини сўраб қолди. Ўткир яқинда унинг оламдан ўтганини айтди. Йўлдошали одатига кўра беихтиёр “Яхши, яхши” деб юборди, аммо шу заҳотиёқ хушёр тортиб, “Худо раҳмат қилсин” дея дуога қўл очди.

Доимо ҳаётнинг қайноқ кўйида, гирдобда юрадиган дўстимизнинг ўта соддадил, ишонувчанлиги мени ҳайратга соларди. 1986 йил ёзида Саид Аҳмад ака, Ўткир — учаламиз Йўлдошалининг таклифига кўра Сўх сафарида бўлдик. Бири-биридан мароқли адабий учрашувлар ўтказилди. Ниҳоят, якуний тантанада бир мактаб муаллимаси меҳмон адиллар шаънига ҳаяжонли сўз айтиб, ўзи ва шогирдлари тиккан дўппиларни бирма-бир бошимизга кийдирди. Қарангки, дўппилар Йўлдошали билан Ўткирнинг бошига лоппа-лойиқ келибди, иккиси ҳам бошда дўппи, қувониб туришибди. Саид Аҳмад ака билан каминга кийгизилган дўппи эса тор келиб, қўлимизда тутиб турибмиз. Айни шу лавҳанинг фотога туширилган акси менда сақланган. Бу фотосурат каминанинг Саид Аҳмад ҳақидаги “Уфқларнинг чин ошиғи” китобига киритилган...

Саид Аҳмад ака шумликка ўтиб, “Суриштириб кўрдим, бояги аёл кал қизлар мактабининг муаллимаси экан, бошимизга кўндирган дўппиларни кал қизлар тиккани учун бирор қор-ҳол юз бермасин деб, дарҳол бошдан олиб қўйдик” дедилар. Шунда Йўлдошали одатдагидек “Яхши, яхши” деди-ю, сир бой бермади, бир оздан сўнг булоқ бўйига борганимизда, ўзини сувга ташлаб, обдон бошини ишқалаб ювди. Сўнг зиёфат чоғи устоз ундан дўппини суриштирганида, у бехос сувда оқиб кетганини айтди. Бу хангома — бир “шумлик”, ҳазил экани маълум бўлганида, соддадил дўстимиз одатдагидек қаҳ-қаҳ отиб кулди ва “Яхши, яхши” дея даврадаги қувонч устига қувонч бахш этди. Кези келганда айтиб ўтай, мен ҳам, ўз навбатида, ирим қилиб қўлимдаги “кал қизлар тиккан” дўппини ўрик шохи айрисига қистириб ташлаб келган эдим...

Йўлдошали Ёзувчилар уюшмаси раиси муовини вазифасида ишлаган чоғлари бир қалтис, аммо хайрли ишга қўл ургани, хайриятки, у “сир”лигича қолгани хусусида, менга, ҳа, фақат менга гапириб юрарди. Агар шу “сир”ни бугун дўстимнинг руҳи покларини шод этиш ниятида ижод аҳлига ошкор этсам, ҳеч кимга малол келмас, деб ўйлайман. Устоз Озод ака, Салоҳиддин, Наимжон, Бахтиёрлар ҳаммуаллифлигида олий уқув юртлари учун тайёрланган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини “Ўқитувчи” нашриёти босмага тушириши арафасида Олий таълим вазирлигидан китоб қўлёзмасига Ёзувчилар уюшмасидан, албатта, тақриз олиш топшириғи келиб қолди. Қўлёзма дарҳол уюшмага етказилди, уюшма раиси адабий танқид кенгашига у билан танишиб чиқиш ва у ҳақда тақриз тайёрлашни топширди... Вазият ниҳоятда зиқ, вақтида ҳужжатлар тайёрланиб топширилмаса, китоб йил режасидан тушиб қолиши мумкин эди. Ҳаммаси тайёр бўлга-



нида, раис хориж сафарига кетиб қолса бўладими! Шунда Йўлдошали "Умримда битта гуноҳ, аслида, савоб ишга қўл урсам, Аллоҳнинг ўзи кечирар" деди ва айна раиснигиға ўхшатиб имзо чекиб берди. Буни ҳеч ким пайқамади. Шу тариқа истиқлол руҳи билан йўғрилган олий ўқув юртлари учун "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" деб аталган салмоқдор дарслик нашри учун йўл очилди.

Йўлдошалининг турли лавозимларда ишлаган кезлари адо этган бу хил савоб ишларининг сон-саногии йўқ.

Хайрон қоласан киши, айна кучга тўлган, қалами қайралган кезлари жуда кўп вақти меҳмон кутиш, бетиним адабий тадбирлар ўтказиш, турли жамоат ишларини адо этиш билан банд бўлган бу фидойи инсон стол ёнида ўтириб ижод этишга қандай вақт топди экан? У ҳам болалар шоири, ҳам очеркист-публицист, ҳам ҳикоянавис, қиссанавис, ҳам романнавис сифатида бой адабий мерос қолдирди. Афсус, унинг болалар шоири сифатидаги хизматлари, "Боқий умр", "Жалада қолган гул" ҳужжатли қиссалари, туркум "Нома"лари, "Субҳидам", "Вафо", "Армон" сингари романлари адабий танқидчиликда ханузгача етарли баҳосини олгани йўқ.

Бутун умри эзгулик, яхшиликка йўлдош тарзда ўтган дўстимизнинг ёрқин сиймосини ёдга олар эканмиз, унинг руҳи поки олдида ҳамиша қарздор эканимизни асло унутолмаймиз. Сиз жаннати одам эдингиз, жойингиз жаннатда бўлсин, азизим!

2010 йил

ШАВКАТЖОННИ ЭСЛАБ

Мен унга "Шавкатжон" деб мурожаат этардим. Исмига қўшиб айтилган фарғонача шу "жон" эркалаш қўшимчаси ёқар эди, шекилли, ҳар гал шундай мурожаат чоғи хиёл жилмайиб қўярди. Қарийб ўн йил давомида турли вазиятларда у билан бир неча бор мулоқотда бўлганман. Шавкатжонни эслаганда бирдан лоп этиб кўз олдимда гавдаланадиган бир умрга эсимдан чиқмайдиган уч лавҳани қоғозга туширишни лозим кўрдим.

I

1980 йилнинг ёзги жазирама кунларидан бири. Кечки пайт рафиқам билан кўчада кенжа ўғлимиз Жамшидни янги сотиб олинган велосипедда машқ қилдириш билан бандмиз. Шу орада тор кўча бошида икки қизалоқни икки ёнида кўлидан ушлаб эркалаб келаётган таниш одамга кўзим тушди. "Ия, қаёқдан шамол учирди, ўзимизнинг Шавкатжон-ку!",



дея унинг ҳузурига пешвоз чиқдим. Қучоқ очиб кўришдик. Ҳовлига таклиф этдим. Икки қизи номларини айтиб таништирди: "буниси тўнғич қизимиз, Сиз ёқтирган "жон"ни кўшиб айтадиган бўлсам "Нодиражон", униси эса "Шоиражон", деди кулиб. "Маъқул, шоир одам қизларининг исми, албатта, Нодиражону Шоиражон бўлади-да!" дедим ҳазилга ҳазил билан. Шу орада Нодиражон югуриб бориб, ҳовлидаги водопровод жўмрагидан оқиб турган муздек сувдан симириб ича бошлади. Рафиқам ҳайҳайлаб "Қизгинам, томоғинг оғриб қолади-я, қўй уни, мана бу яхна чойни ич", дея қўлида коса кўтариб чолиб келди. Унгача қизалоқ чанқоғини қондириб олди. Шавкатжон эса "Келинойи, хавотир олманг, қизимиз униқиб кетган, чанқаса доим водопровод сувини симиради" дея тасий берди. Сўнг кўнгил учун бўлса керак, рафиқам қўлидан косани олиб яхна чойни ўзи симирди, раҳмат айтиб, косани қайтарди. Кейин иккимизга юзланиб, "Янги ҳовли муборак бўсин, кичкина бўлса ҳам, қоят файзли, нимаси биландир ўшдаги уйимизга ўхшаб кетаркан" деди. Карвотга ўтиришга таклиф қилдик. Бошқа кун махсус келиб, гурунг қилишга ваъда қилиб, жўнашга чоғланди. Куни кеча қўшни маҳалладан ижарага уй олиб жойлашганини айтди. Афсус, кейин уни маҳаллада қайта кўрмадим, суриштирсам, аллақачон бошқа жойга кўчиб кетибди.

Тақдири азалнинг шевасини қарангки, орадан йиллар ўтиб Шавкатжон яхна чойни, тўнғич қизи эса водопровод сувини ичиб чанқоғини қондирган, нимаси биландир ўшдаги уйларига ўхшаб кетадиган "файзли" хонадонга ана шу тўнғич фарзанд келин бўлиб тушди. Минг афсус, бу кунларни кўриш унга насиб этмади, аммо бу хонадонда унинг руҳи поки кезиб юради, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг номи, шеърлари тилга олинади, набиралари овози янграб туради.

II

Шавкатжоннинг ўзи ўз қўли билан тартиб берган, вафотидан кейин чоп этилган "Сайланма"си адабий ҳаётимизда жиддий ҳодиса бўлди. Шоир ҳаётлик чоғида, саломатлик йилларида, очиги, унга, ижодига кўпам эътибор бермадик. Тўғри, унинг тўппамларига тақризлар чиқарди, айрим шеърлари теварагида қизгин баҳслар бўлганди. Бироқ шоирнинг 70-80-йиллар ўзбек шеъриятидаги салмоқдор ўрни, ўзига хос овози, ижодий шижоати, жасорати етарли баҳосини олмади. Бугина эмас, сиртдан осойишта, мулойим, ботинан мурасасиз курашчи, эл-юрт, миллат ғамида ёнган, бироқ қайноқ туйғуларини ошкора байроқ қилишни ор деб билган ғаройиб табиат шоир шахси ҳам кўплар учун жумбоқлигича қолди. Фақат шоир умрининг сўнгги ойларида, оғир хасталик чоғларида бирдан кўзимиз очилгандай бўлди; давосиз дард билан ўжарларча мардона оли-



ша-олиша озиб-тўзиб кетган, “осмон тўла ҳаволар фақат менга етмайди”, “танам қимир этмайди” деб зорланса-да, сўнгги дақиқаларга қадар мўъжиза юз беришига, соғайиб кетишига, кўнгилдаги кўп эзгу туйғуларини рўёбга чиқаришига умид билан қараган, ҳаётга, курашга ташна бу соддадил ва жасур зот ҳатто уни яқиндан билганларни ҳам лол қолдирди. 1996 йил кузида касалхонада ётганида бир неча бор унинг ҳузурда бўлган эдим. Фаҳрий унвон билан тақдирланган кунни биринчилардан бўлиб уни табрикладим. У бундан миннатдорлигини билдирди, айти пайтда, қандайдир афсус ила “Шу иш ўн йил олдин бўлганда эди...” деди. “Ўн йил бурун бўлганда, эҳтимол, бугунги Шавкат Раҳмон деган шоир бўлмасди” дедим ҳазил аралаш. “Ҳа, бу ёғи ҳам бор” дедию, шу заҳоти “Бунақа унвону мукофотлар, барибир мени ўзгартира олмасди” дея илова қилди...

Шоирнинг оғир хаста чоғларидаги ҳолатини эсласам, негадир, япон адиби Уно Контиронинг “Китлар худоси”даги жасур йигитнинг сўнгги дамлари кўз олдимга келаверади: таажжуб, реал ҳаёт одами билан олис бир юрт адиби ҳикояси қаҳрамони орасида бу қадар муштараклик...

Ўша оғир дамдарда шоир шахсини, табиатини яқиндан англаганимиз ҳолда унинг шеърятини ҳам ўзимизча янгидан кашф эта бошладик. Шоир шахси қандай бўлса, шеърятини ҳам ўшандай бўлади. деган нақл бор. Бу гап барча шоирларга бирдек тўғри келавермайди. Бироқ бу нақл Шавкат Раҳмонга тўлалигича дахлдордир. Шавкат Раҳмон шахси қандай бўлса, шеърятидаги лирик қаҳрамони ҳам ўшандай, “Сайланма”ни варақлаб кўринг, илк шеърларидан тортиб сўнгги мисраларигача шоирнинг қалби, табиати, бутун борлиги – вазиятга қараб товланавермайдиган мустаҳкам эътиқоди, содда ва мағрур, курашчан ва жасур бир сиймоси мана мен деб турибди. Бир шеърда у “Мен жангчи эмасдим, мен шоир эдим, ниҳоят, шоирдан кўра зобитман” деб ёзган эди. Дарвоқе, у “рубобий шеър”лар ёзишни, “ҳамиша мусаффо чаманни кўриш”ни орзу қилар, эди. Бироқ қисмат, “маслакфурушлар” қилмиши, улар билан бўлган “бесамар жанглар” шоирни шеърятда жангчига, зобитга айлантирди. “Сайланма”даги шеърлар мисолида аср бошида Чўлпон шеърятида намоён бўлган курашчан исёнқорона миллий руҳ аср сўнгида ҳам сўнмагани, қайта куч олгани, қадр-қимматини асло йўқотмаганига иқрор бўласиз. Бугунги ўзбек шеърятининг сероҳанг, сержило симфониясида Шавкат Раҳмон отли шоирнинг бетакрор кучли ва мағрур садоси ҳам борлиги миллий адабиётимизнинг, миллатимизнинг катта бойлиги ва ифтихоридир.

Миллатнинг асл курашчан руҳини, гўзал хислатларини, қудратини намоён этишдан иборат бу бебаҳо тамойил ҳар қанча ардоққа лойиқдир...



III

Ўртанча ўғлимиз Бобиржонга муносиб келин қидириб юрган кезларимиз Эркинжоннинг умр йўлдоши Гулчеҳраҳон Шавкатжоннинг тўнғич қизи —яқингинада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатган Нодирахонни келинликка тавсия этди. Одатга кўра, сўраб-суриштиришлар бошланди. Менинг чекимга Саид Аҳмад ака фикрини сўраш тушди. Устозга шу ҳақда сўз очишим биланок биринчи гапи "Одамини топибсан, ҳар жиҳатдан сенга муносиб оила фарзанди. Ҳам замонавий, ҳам анъанавий одатларимиз руҳида тарбия кўрган баркамол қиз" деди қатъий қилиб ва сўзида давом этди, — Шавкат оиласи билан бир йилдан ортиқ Дўрмондаги котежда турди. Онаси, келин, бир ўғил, тўрт қиз — бир жону бир тан. Ғоят ориятли, маданиятли, саранжом-саришта, покиза оила. Шу давр давомида бу хонадондан тик этган овоз эшитмадим. Шавкат оғир дард билан олишаётганидан хабардорман. Аммо на ўзи, на онаси, на хотини, на фарзандлари бировга дарддан шикоят қилгани йўқ. Бир куни нонуштадан кейин шийпонда машинка чиқиллатиб ўтирсам, қаршимда бирдан Шавкат пайдо бўлиб қолди. Ҳансираб нафас оляпти, худди чошиб келганга ўхшайди. "Саид Аҳмад ака, узр, кўча айланиб юрсам, девор оша осилиб турган тутингиз шохи меваси ширага тўлиб пишган экан, сиздан сўрамай тўйиб едим, рози бўлинг..." дея узр сўраса бўладими... " Мингдан-минг розиман... Эртага эрталаб келинг, бирга наҳорга тутхўрлик қиламиз, айна етилган пайти, бу минг дардга даво", дедим. Индамади, раҳмат айтиб хонадони томон равона бўлди. Эртаси эрталаб кутдим, келмади; одатимга кўра қўлни совунлаб ювиб бир товоқ тут териб хонадонига элиб бердим. 10 минут ўтар-ўтмас қизларидан бири қимматбаҳо шоколад тўла товоқ кўтариб келиб, тут учун раҳмат айтиб ташлаб кетди. Чамалаб кўрсам, товоқдаги қайтим баҳоси меникидан 8-10 баравар қимматроқ. Эртаси энди тут териб олиб боришдан иймандим... Шундан ҳам бу оиланинг қандай эканини билса бўлаверади. Агар ёшларнинг раъйи бир-бирига маъқул келса, ҳеч иккиланмай совчи юборавер, зарурати туғилса, ўзим орага тушаман...

Шу тариқа, аввало, тақдири азал тақозоси, қолаверса, Гулчеҳраҳоннинг маслаҳати, Саид Аҳмад аканинг таъриф-тавсифи, дилдош ёшларнинг раъйи туфайли Шавкатжон хонадони билан қариндош-уруғ бўлиб кетдик.

1998 йил август, 2013 йил июн

ДЎСТИМ ОРЗУСИ

Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети деб юритилаётган кутлуғ даргоҳда бирга таълим олган курсдош дўстим Азимжон Раҳимов ҳақидаги хотираларимни тўғридан-тўғри унинг таъриф-тавсифидан эмас, иккаламиз таълим олган кезлардаги тарихий вазият, шароит манзараларидан, қолаверса, каминанинг талабаликка қадар босиб ўтган йўлимга бир қур назар ташлаб ўтишдан бошлашимнинг боиси Сиз, азиз ўқувчиларга аён бўлса керак деб ўйлайман.

Талабалик йилларини "олтин даврим" деб аташ одат тусини олган. Муҳтарам китобхон, Сиз ҳам талабалик йилларини бошдан кечирган бўлсангиз, эслаб кўринг-а, ўша йиллар, ҳақиқатан ҳам, умрингизнинг энг қадрли, тотли онлари эканига амин бўласиз. Шахсан бу йилларни ўзим учун ниҳоятда қадрли, қолаверса, ҳаёт-мамот палласи деб биламан. "Ҳаёт-мамот" палласи дейишимга муҳим асос бор. Каминанга 1931 йил январида дунёга келганман. Ўша кезларда шўро ҳокимияти қишлоқларда олиб борган "колхозлаштириш", мулкдорларни кулоқ – синф сифатида тугатиш сиёсати қандай мудҳиш оқибатларга олиб келганлиги тарихдан аён. Ўшандай таҳликали замонларда эсимни таниб улғайганман. Сўнг 37-38 йиллар қатағону тақиқлари, ноёб китобларни ўт-оловда ёқишлар, ерга қўмишлар... Сал фурсат ўтиб иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, юрт кўрки саналмиш эркак зотининг жанг жабҳаларига сафарбар этилиши, деярли ҳар куни жангдан "қора хат"лар келиб, гоҳ у, гоҳ бу хонадонда "жисми йўқ" марҳумга аза очилиши, бева келин, қария отахон-онахонларнинг юракни тилка-пора қилувчи йиғи-фарёдлари, боз устига, қаҳатчилик, йўқчилик азоблари... Энди уруш тугаб, одамларнинг елкасига офтоб, кўксига шабада тега бошлаганида, яна зиёлилар бошига қора қўлан-каларнинг ёпирилиб кела бошлаши...

Каминанинг болалик, ўсмирлик йилларим мамлакат тарихидаги ана шундай ваҳшатли замонларда кечган. Боз устига, мен уруш йиллари мактабдаги ўқишни тўхтатиб, уч йил фронт орти бригадасида табелчи бўлиб ишлаганман, урушдан сўнг мактабни, кейин педбилим-юртини тугатиб, уч-тўрт йил кечикиб, 21 ёшимда Миллий университет талабаси бўлишга эришганман. Гарчи курсдошим Азимжон мендан тўрт ёш кичик бўлса-да, талабалик даврига қадар мен кўрган қунларни у ҳам кўрган. Иккаламиз университет талабаси бўлган 1952 йил, дўппимни бошдан олиб мундоқ эслаб кўрсам, мамлакат тарихида узоқ давом этган таҳликали вазиятнинг энг олий чўққиси бўлган экан. Хур фикрли ижодкор зиёлиларни таъқиб этишнинг янги палласи авжига чиққан, М.Шайхзода, Шухрат, Саид Аҳмад сингари чин ижод



аҳли, Ҳ.Сулаймон, А.Алимуҳаммедов каби етук адабиётшунослар ҳибса олинган, Ойбек, Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткорлари тева-рагида бўхтондан иборат ҳамлалар авжига минган, "Алпомиш" досто-ни таъқибга учраган таҳликали бир палла... Аудиторияда қизиқувчан, аслида, беғараз талабанинг бир оғиз ножўя – сиёсатга тўғри келмай-диган сўзи, саволи учун зимдан гумдон қилинганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Очиғи, ўша кезлари курсдош талабалар билан чин дилдан суҳбатлашиш, кўнгилдаги дардларни изҳор этишдан чўчирдик.

Биринчи курснинг иккинчи семестрига ўтиб вазият ўзгара бошла-ди. 1953 йил баҳорида мамлакатни ўттиз йилча бошқариб келган "дохий" оламдан ўтди, йиғи-сиғи, мотам кунлари ортда қолиб, одам-лар кайфиятида ўзгаришлар сезила бошлади. Рус матбуотида "отте-пель" – ўзбекчада "илиқлик", "эрувгарчилик" сўзлари муомалага кира бошлади, аудиторияларда қолиплардан чиқиб, эркин фикр юритиш-га, ижодкорлар даврасида қизғин баҳс-мунозараларга йўл очилди. Тилшунослик бўйича А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, адабиётшунос-лик соҳасида М.Қўжшонов, О.Шарафиддиновларнинг мароқли ва мардона маърузалари университет аудиторияларига янги руҳ олиб кирди, Ёзувчилар уюшмасида Абдулла Қаҳҳор иштирокида ўтади-ган анжуманлар ёшлар, айниқса, университетнинг филолог, журна-лист талабалари билан гавжум бўлар, улар қалбига олов ёқар эди. Азимжон билан мен биринчи курс бошида эмас, айти шу жўшқин паллаларда шахсан танишганман, дўстлашганман.

Очиғи, бошида мен шеър шайдоси эдим, Машрабга эргашиб ошиқона, сўфиёна ғазаллар машқ қилардим. Курс, битирув-диплом ишларим ҳам шеърият муаммоларига бағишланган эди. Юқори курс-ларда дарслар пайти Азимжон билан ҳамиша бир партада ёнма-ён ўтирардик. Китобхонлик бобида курсимизда унга тенг келадигани йўқ эди, рус тилини пухта биларди, айниқса, "роман жинниси" эди. Дарсларга ҳам бирор янги романни кўтариб келарди, "мундоқ"роқ маърузалар чоғи тиззасига китобни қўйиб, мутолаага берилиб ке-тарди. Танаффус чоғлари, дарслардан кейин орадаги гурунглари-миз, асосан, роман теварагида кетарди. Унинг таъсиридами, кейин-чалик мени ҳам наср муаммолари ўзига торта бошлади.

Университетни тугатгач, йўлимиз айро тушди. Мен ўша давр тар-тиб-қоидаларига кўра икки йил ўз она қишлоғимдаги мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердим. Сўнг Тошкентга қайтиб, универ-ситет аспирантураси таълимини давом эттирдим, номзодлик дис-сертациясини ҳимоя қилиб, ярим аср муттасил мен учун она бағри-дек қадрдон университетда меҳнат фаолиятимни давом эттирдим.

Аспирантлик чоғимда, 1961 йил ёзида, устоз Озод ака билан На-манган томонига йўлимиз тушди, суриштириб, Азимжонни топдик,

хонадони – шаҳар чеккасидаги каттагина кўркам ҳовлисида меҳмон бўлдик, тонготаргача чўзилган қизгин гурунглار курдик. Озод акам Азимжоннинг уй шкафларига териб қўйилган китобларни кўздан кечириб, “Сизга комсомол раҳбари лавозими ярашмайди, дўстингиз Умарали йўлидан – илм-фан йўлидан боринг”, дея маслаҳат берди. Шунда Азимжон ҳам бўш келмай, ҳазил аралаш “Айтганигизни қиламан, аммо дўстим Умарали йўлидан эмас, Сизнинг йўлингиздан бораман”, дея ваъда берди. Айтган сўзида турди, устоз каби Москва таълимини олиб, фан номзоди бўлиб қайтди. Сўнг бутун умр бўйи Фарғона Давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудир, факультет декани лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди, шу жўшқин фаолияти асносида ўзи чин дилдан меҳр қўйган роман муаммоларига оид докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ҳимояси чоғи ёнида турдим. Шукрона дастурхон даврасида бирга бўлдик. Яхши тилаклар айтилди. Орадан бир йил ўтиб фан доктори дўстим ташаббуси билан Фарғона университетида замонавий миллий адабиётимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика адабиётшуносларининг илмий анжумани ўтказилди. Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг Азимжон устоз Лазиз ака билан мени бир кун Фарғонада қолишга таклиф қилиб, тор доирада гурунг қуриш истаги борлигини айтди. Устоз иккимиз рози бўлдик. Эртаси эрталаб енгил машинада шофёр йигит, Лазиз ака, Азимжон ва камина – тўртовлон Шоҳимардон томон йўл олдик. Шоҳимардондаги махсус кўрада Азимжоннинг яқин дўстлари кутиб олишди. Лазиз аканинг илтимосига кўра шоир Ҳамза қабрини зиёрат қилдик, Қуръон тиловат қилиб, маҳрумнинг руҳига бахшида этдик. Сўнг енгил тортиб, бояги қароргоҳга қайтдик. Азимжоннинг соғлиғи, юраги, қон босими бу даргоҳга келиш учун монелик қилишини билардим. “Қандай жасорат билан бу маконга келишга журъат этдингиз?” дея ҳазил аралаш сўроққа тутдим. Шунда бир қалтироқ тутди уни. Ранги ўчиб кетди. Дарҳол ўзини тутиб, “Бир устозу бир дўст-икки қанот бўлиб бу чўққига кўтарилдим-да”, дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди. Даврада гурунг бошланди. Фарғонадан бир ёш ҳофиз таклиф этилган экан, “Фарғона тонг отгунча”дан тортиб, “Фарғонада биттагина”гача тўлиб-тошиб куйлади. Ҳофиз ҳонишларидан, даврадаги жўраларнинг аскиялари чоғи янграган кулги-қийқириқдан Шоҳимардон атрофидаги тоғ чўққилари акс-садо бериб турди...

Гурунг орасидаги танаффус чоғи Азимжон мени сой бўйи томон бошлади, икки оғиз фақат менинг кулоғимга айтадиган гапи борлигини изҳор этди. “Дўстим Умарали, – дея гап бошлади у, – ҳолим ўзимга аён, узоққа бормасам керак...” “Э, қўйсангиз-чи, бунақа васиятгүй-



ликни, даврадаги ҳаммамиздан навқирон азамат йигит – ҳалитдан васиятгўйиликка ўтса, уят бўлади", дедим. "Эшитиб қўяверинг-чи, у ёғи бир гап бўлар, – дея сўзида давом этди у. – Фарзандларим ичида менинг ишимини давом эттиришга муносиби Зокиржон ўғлим филология факультетини аъло баҳолар билан тугатган, ҳозир ҳарбий хизматда. Келаси йил қайтади. Қайтиши биланоқ аспирантурадаги таълимини давом эттирмоқчи. У ҳам отаси йўлидан бормоқчи. Романчилик муаммолари бўйича ишламоқчи. Бу борада анча-мунча иш қилиб қўйган... Бу ёғига ўзингиз раҳбарлик қиласиз..."

Мен бир шарт билан дўстим Азимжон илтимосини қабул қилдим, бу савоб ишни икковимиз бирга адо этишга қарор қилдик.

Афсуски, орадан бир йил ўтар-ўтмас Азимжон бу ёруғ дунёни тарк этди. Илоҳо, дўстимнинг жойи жаннатда бўлсин.

Дўстим Азимжоннинг истаги – васияти тўла-тўқис адо этилди, Зокиржон армиядан қайтиб, аспирантура таълимини муносиб даражада ниҳоясига етказди, отаси – Азимжонга берган ваъдасига кўра айна муддатида – 2000 йили "Одил Ёкубовнинг "Кўҳна дунё" романи поэтикаси" мавзусидаги диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ҳозирда отаси бошлаган савоб ишни давом эттириб, ўзбек романининг янги асрдаги тараққиёт тамойиллари устида жиддий тадқиқот олиб бораётир. Боз устига, у кейинги йилларда серғайрат, шижоаткор ташкилотчи сифатида ҳам танилди. Бир неча йил вилоят ҳокимиятида маънавият масалалари соҳасига бошчилик қилади, ҳозир университет филология факультети декани вазифасида ишлаётир.

Ота васиятини давом эттириш, орзусини рўёбга чиқаришдан аълороқ иш борми ўзи бу ёруғ дунёда!

Афсус, дўстим ҳаёт бўлганида унинг 80 ёшлик тўйини ўғли Зокиржон бошчилигида жамики қадрдонлари билан бирга нишонлаган бўлардик. Муҳими, дўстимнинг эзгу орзулари бирин-кетин рўёбга чиқаётгани кўнгилга таскин беради.

2015 йил

VI. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

БУГУНГИ АДАБИЁТДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ҚАҲРАМОН МУАММОСИ

(Профессор Ҳамидулла Болтабоев билан суҳбат)

Умарали НОРМАТОВ: Бугунги адабиётнинг қаҳрамони қандай бўлиши керак? Бу муаммонинг ечими ҳозир қай аҳволда? Идеал қаҳрамон муаммоси назарий жиҳатдан эскирдими? Қаҳрамон муаммосининг адабий танқидчиликдаги талқини-чи? Бу хил жумбоқлар ҳамкасбларимиз қатори мени ҳам кўпдан бери ўйга толдиради. Масаланинг тарихи, назарияси билан қизиқиб юрганимда буюк шотланд тарихчи олими Томас Карлейлнинг “Қаҳрамонлар, қаҳрамонларга эҳтиром ва тарихдаги қаҳрамонлик” номи остида 2008 йили чоп этилган китоби қўлимга тушиб қолди. 600 саҳифадан ортиқ бу китобни кўлдан қўймай ўқиб чиқдим. 86 йил умр кўрган XIX асрнинг бу буюк алломасини замондошлари пайғамбар деб аташган. Чарлз Диккенс унинг “Француз инқилоби”ни “Инжил” билан бирга ҳамиша ёнида олиб юрган, И.Гёте ва Л.Толстой бу аломат сиймонинг ақл-заковатига қойил қолганлар, Уолт Уитмен эса XIX асрни Карлейлсиз англаш мумкин эмас, деган хулосага келган... Алломанинг биз тилга олган китобида унинг умри поёнида яратган жаҳон тарихида шахснинг роли масаласига оид асарлари жамланган. Китобда жаҳон тарихи – бошдан-оёқ буюк шахслар-қаҳрамонлар биографиясидан иборат, деган фикр ўтказилади, унингча, қаҳрамонлар замонасига қараб маъбудлар, пайғамбарлар, диний ва дунёвий уламолар, шоир-адиблар, шоҳ, ҳукмдорлар ва бошқа кўринишларда бўлишидан қатъи назар, улар бизлар яшайдиган заминга асл ҳақиқатни одамларга тушунарлироқ қилиб етказиш, оммани ўз ортидан эргаштириш учун юборилган шахслардир. Уларнинг миссияси ҳамиша шундай бўлган. Улар мавжуд ҳақиқат бағридаги муқаддас сирларни бошқаларга кўра кучлироқ ҳис этадиган, уларни бизга кашф этиб беришга қодир сиймолардир. Муаллиф бунинг далил-исботи тарзида мажусийлик давридаги маъбудлар, сўнг Мухаммад пайғамбар, руҳоний уламолар, машҳур давлат арбобларининг тарих олдидаги буюк хизматлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Муҳими, буюк ижодкор-шоир, адиблар, масалан, Данте ва



Шекспир хизматини пайғамбарлар хизмати қаторига қўяди. Кейинги асрлар устида гап кетганда, Вольтер, Дидро, Мирабо, Роберт Бёрнс, Вольтер Скотларнинг тарихий хизматлари батафсил ёритилади...

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Сиз тилга олган муаммолар ҳам назарий жиҳатдан, ҳам ижодий амалиёт нуқтаи назаридан доимо долзарблигини йўқотмай келган. Жаҳон тарихи бугунги кунда давлатчилик тарихи, фуқаролик тарихи, муқаддас (ислом) тарихи, маданий тарих, фан тарихи в.б. таснифларда қабул қилинаётганига қарамай, тарих қаҳрамонлар фаолияти билан юзага келган, "тарихни авом эмас, қаҳрамонлар яратади" деган таомилга ўтган даврларда шубҳа остида қараб келганимиз туфайли ҳам бугун бу кўҳна муаммонинг адабий-назарий талқинида янгиланишига эҳтиёж туғилмоқда. Томас Карлейль китобида келтирилган "жаҳон тарихи – бошдан-оёқ буюк шахслар-қаҳрамонлар биографиясидан иборат: қаҳрамонлар замонасига қараб худолар, пайғамбарлар, диний ва дунёвий уламолар, шоир-адиблар, шох, ҳукмдорлар..." деган қараш гарчи Европада XIX асрда тан олинган бўлса-да, Шарқ бу қарашни қадимдан ўз назарияларига йўғдирган, исломий асрда эса у мусулмонлик ва жаҳон тарихига бағишланган асарларнинг қатига сингдирилган эди. "Тарихи Табарий" (X аср), "Тарихи Жувайний" (XIII аср) кабилардан тортиб "Тарихи Муҳаммадий" (Алихонтўра Соғуний, XX аср)гача ҳамма тарихларимиздан аввал Яратганининг номи ва қудрати зикр қилинади, сўнгра яралмишлар: дунё (космогония ва наботот), махлуқот (жонзодлар ва уларнинг энг олийси – инсон), пайғамбарлар, донишмандлар, ҳукмдорлар ва уларнинг давридаги фуқаролик тарихлари изчил тартиб билан келади. Биргина Ҳазрат Навоийнинг ўзи "Зубдат-ут-таворих" ("Тарихларнинг сараси") деб атаган яхлит тарихни биз шўролар даврида иккилантирганимиз етмаганидай, "Тарихи мулуки Ажам"ни, яъни ҳукмдорлар тарихини "Тарихи анбиё ва ҳукамо" (Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи)дан аввал қўйиб, нашр этганимиз тарихдаги қаҳрамон ролига нотўғри қарашнинг яққол намунасидир. Ҳолбуки, Ҳазрат Навоий сара тарихлар яратишнинг мумтоз намунасини бериш баробарида аввал Аллоҳнинг қудрати (Карлейль талқинидагидай, "худолар тарихи" эмас), сўнгра Соҳиби қудратнинг ҳосилалари ҳисобланган воқелик ҳамда унинг асосий қаҳрамони бўлган инсоният тарихи Пайғамбарлар, донишмандлар ва ҳукмдорлар даври тарихлари сифатида тасниф этилгани ислом тарихчиларининг жамиятга ва унинг қаҳрамонларига ёндашувда нечоғлиқ тўғри йўл тутганларининг намунасидир. "Олимлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг ворисларидирлар" ҳадиси шарифига амал қилган ҳолда, ҳақимлар, валийлар, уламолар каби улўғларни Пайғамбарлик тарихининг давомчилари сифатида айни китобида келтириш билан қаноат ҳосил



қилмай, кейинроқ сўфийлар тарихига бағишланган "Насойиму-л-муҳаббат", адиблар таснифотиغا аталган "Мажолису-н-нафойис" сингари тазкира типига асарлар ёзгани тасодифий эмас. Буларнинг ҳаммаси яхлит бир тизим сифатида Сиз айтган қаҳрамонлик тарихининг илди-ларига шохидлик берувчи манбалардир.

Томас Карлейль талқинининг сўнгига ҳам "улар бизлар яшайдиган заминга асл ҳақиқатни одамларга тушунарлироқ қилиб етказиш, уларни ўз ордидан эргаштириш учун юборилган шахслардир" деган илова бор. Демак, бу насроний олими ҳам умуминсоният тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тарихдаги қаҳрамонларни "ўзига эргаштирувчи шахслар" эканига урғу қаратмоқда. Шундай экан, бу ўзига хос китоб муталаасига киришганда ҳам мусулмонлик тарихидаги илмий-маърифий аънанани унутмаган ҳолда ёндашиш жоизмикин. Мен Т.Карлейль китобини (Сизнинг тавсиянгиз билан, албатта) муталаа қилганда Румий фалсафасидаги *Бир кўпдан кўра кўпдир* деган ақида доимо ўнгимда турди. Чунки айрим алоҳида қаҳрамонлар (Румий Пайғамбаримиз с.а.в.га нисбатан қўллаган) ҳам гарчи ўзлари оз бўлсалар ҳам, кўпчиликни ўзига эргаштира оладиган, гарчи бирликда бўлсалар-да, кўпчиликнинг одатий ишларидан улуғворроқ фатвияга қодир бўлганлар. Лекин Т.Карлейль гарчи қаҳрамонлик тарихига ёки тарихдаги қаҳрамонларга қудратли тимсоллар сифатида ёндашганда ҳам Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ва муқаддас ислом тарихига муносабатда тарафкашликка йўл қўяди...

Умарали НОРМАТОВ: Тўғри, олимнинг Муҳаммад пайғамбаримиз ҳақидаги талқинларида муайян тарафкашлик, бир қатор зиддиятли, бирёклама мулоҳазалар мавжуд. Аммо, ўзга, насроний дини кишининг, бир умр насронийлик эътиқодига содиқ қолган европолик улкан олимнинг юзлаб пайғамбарлар орасидан айтиш Муҳаммад пайғамбарни мислсиз **қаҳрамон** тарзида намуна қилиб олиши, пайғамбаримизнинг башарият олдидаги, илоҳий ҳақиқатни одамларга етказиш, жаҳолат ботқоғида ётган миллионлаб гумроҳлар онгида бурилиш яшаш бобидаги беқиёс хизматларини зўр эҳтиром, пафос билан ёритиб берганлиги ўқувчини лол қолдиради.

Табиийки, чин қаҳрамон дейишга лойиқ буюк сиймолар устида гап кетганда, олим, асосан, ўзига таниш Оврўпа тарихи билан чекланади. Асарни ўқий туриб, фикру хаёлим ўзимизнинг, яъни Марказий Осиёнинг кейинги минг йиллик тарихи, аниқроғи, ўзлари тарих яратган Имом Бухорий, Термизий, Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Марғиноний, Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби даҳолар сиймоси бирин-ке-



тин кўз олдимда гавдаланади. Дил-дилдан қувонасан киши, уламолик, авлиёлик, диний ва дунёвий илм, шоирлик, давлат арбобилик, саркардалик бобида ҳам "Қаҳрамонлар" китобида қаламга олинган сиймолардан ҳеч қолишмайдиган жаҳонга таниқли буюк сиймолар ўзимизда ҳам бор! Буюк турк элини якқалам қилишдек улуғ муддаони ёшлигидаёқ қалбига жо этиб, шу улуғ мақсадни аъло даражада адо этишга эришган ҳазрат Навоийнинг хизматлари Данте, Шекспир хизматидан камми?! Ҳазрат Навоийга президентимиз томонидан "авлиёлар авлиёси... шоирлар султони" дея берилган юксак баҳога шак келтирадиган бирор кимса топилмаса керак.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Менимча, "камми?" дейиш ўрнига "улуғроқ" деб айтиш керакмикин?! Зеро, "Қаҳрамонлар" китобида қаламга олинган сиймолардан ҳеч қолишмайдиган эмас, балки ўша "жаҳонга таниқли буюк сиймолар"га илмий, маърифий ва адабий таълим берган (Сиз "ўзимизда ҳам бор!" деган) маънавиятимиз даргалари тарих қаҳрамонлари ҳамдир. Таассуфки, буларнинг инсоният ва тарих олдидаги буюк қаҳрамонликлари Павлик Морозов ёки А.Матросов сингари хоинваччалар юмушичалик қадрланмади. Ҳазрат Навоий номи билан боғлиқ "ЕвроОсиёга устозлик қилган сиймолар: Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги" мавзуида Туркияда махсус халқаро симпозиум ўтказилгани Сиз айтган ғояларнинг амалиётдаги тасдиғидир.

Карлейль қаҳрамонларига келсак, бугунги кунда Гёте ва Толстойнинг эътиқодий қарашларига Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, Ҳегел фалсафасига Румий қарашлари, Овропа табобат илмига Абу Али ибн Сино "Қонун"и, Коперник назариясига Мирзо Улуғбек кашфиёти, Колумб яратигига Беруний гипотезалари асос бўлгани жаҳон афкори илмиясига маълум. Фақат уни баъзи европацентристлари яхши билмайди, тўғрироғи, билганлари ҳолда тан олгилари келмайди. Гўё бу Европанинг қаҳрамон материк сифатида ном қозонишига халақит бериши мумкиндай. Ҳолбуки, XX аср бошларидаёқ "дунё тамаддунининг маркази планетанинг марказида икки четига кўчди" (Америка ва Япония назарда тутилади) деган қараш Европани тамаддун маркази деб билувчиларга етарли огоҳлантириш бўлган эди. Бироқ жаҳон тамаддуни (шумер маданияти)ва эътиқоди (ҳар уч дунёвий дин маскани)нинг маркази сифатида Осиёнинг белгиланиши янги минг йиллик бўсағасида қарашлар холислашиб бораётганидан дарак беради. Бироқ Ғарбда яратилган ҳар қандай адабий кашфиётларга муносабатда ҳам улар тафаккуримизни янги билимлар ҳисобига бойитиши мумкинлиги билан бирга бизнинг миллий менталитетимизга мос келиши, мафкурамизни бир тарафлама ғоялар билан банд

қилиб қўймаёптими, деган андиша билан ёндашиш зарурга ўхшайди.

Умарали НОРМАТОВ: Ҳамидулла, тарихий ҳақиқатга ёндашув бобида жиддий муаммолар устида сўзлаётирсиз. Модомики, суҳбатимиз бугунги адабий жараён, унинг қаҳрамони устида кетаётган экан, асл муддаога ўта қолайлик. Қизиқ, мен Сизни шунга даъват этаётирману, бари бир тарихни эсламай бугунги жараёнлар моҳиятини англаш маҳол эканин тушуниб турибман. Миллий адабиётимизнинг бугунги қаҳрамони устидаги баҳсимизни ҳам бу борадаги яқин тарих сабоқларни эсламай туриб давом эттириш маҳол.

Миллий адабиётимизнинг кейинги юз йиллик тараққиёти ғоят мураккаб, зиддиятли ва айни пайтда хийла самарали изланишлар оғушида тараққий этди. XIX аср охири XX аср бошларидаги миллат онгида юз берган уйғонишлар, ўзликни англаш ҳодисаси бевосита сўз санъатидаги янги жараёнлар билан боғлиқ ҳолда содир бўлди; бу даврга келиб миллий сўз санъатимиз шитоб билан замонавий жаҳон адабиёти ўзанлари томон юз ўгира бошлади, янги адабий оқим, жанрлар қарор топа бошлади. Қисқа фурсат ичида бирин-кетин Оврўпа, бинобарин, жаҳон адабиёти етук намуналари билан бўйлаша оладиган асарларнинг пайдо бўлиши – булар Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби янги давр адабиётимиз даргаларининг мислсиз шижоати самарасидир. Кишини ҳайратга соладиган яна бир жиҳат шуки, юз йиллик янги ўзбек адабиётининг 70 йили шўро истибдоди мафкуравий, адабий сиёсати тазйиқи, босими остида кечди. Бу ҳол ижодкорлар тақдирини кўп нохуш асоратлар қолдирди. Қатағон довули бу уч буюк адабий сиймони айни кучга тўлган пайтида ўз домига тортиб, маҳв этди. Уларнинг тирик қолган издошлари учун ҳам осон бўлган эмас. Шунга қарамай, турли авлодга мансуб истеъдод соҳиблари миллат, тарих олдидаги зиммага юкланган буюк миссияни шараф билан адо этишга мушарраф бўлдилар. Энг муҳими, миллатнинг ўзлигини ўзига англашти, ўз шаъни, эрки, озодлиги йўлида курашга ундаш улар фаолияти, ижодининг асосий моҳияти, пафосига айланди. 20-йиллар аввалида шоирнинг инсонлик шаъни топталган юртдошларига қарата:

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма
Ки, сен ҳам ҳур тугулғонсан!..*

дея ҳайқариши, чиндан-да, мислсиз шижоат, қаҳрамонлик эди.

130 йил давом этган мустамлака балосидан халос бўлишда, истиқлолга эришувимизда шижоатли адибларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг истиқлолимизнинг

илк палласида "Мустақиллик", кейинроқ қатор адибларимизнинг бирин-кетин "Буюк хизматлари учун" орденлари, "Ўзбекистон Ҳазрат Навоий" унвони билан тақдирланиши бежиз эмас.

Ҳамидулла! Мен Карлейль китобидаги қаҳрамон унвонига эришган кўрилган адиблар қисматини ўзимиздаги XX аср бўрун буюк адиблар шариатида яшаб, қизғин фаолият кўрсатиб ижод этган адибларимиз фаолияти билан ҳаёлан қиёс қилатуриб, ватандошларимизнинг ҳаёлига қойил қоламан. Айни пайтда, бир ҳолатдан мутлақо қўйиб тўлмайди. Ўзимизда Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Қаҳҳор ҳақида ёзилган асарларни эслаб кўринг-а! Устоз О.Шарафиддиннинг "Чўлпонни англаш" бадиасини мустасно этганда, уларнинг аксариятида Карлейлга хос ўқувчини ҳайратлар оғушига олиб, ларзага соладиган жўшқин қаҳрамонона руҳ — пафос етишмайди. Шахсан ўзимнинг Қодирий, Қаҳҳор ҳақидаги асарларим ҳам бундан мустасно эмас. Ҳолбуки, бу алломаларнинг Карлейль қаламга олган адибларга яшаб ўтган даврлардагига қараганда мушкулроқ, чигалроқ вазиятлардаги шижоатлари ҳар қанча ардоққа лойиқ, бу нарса улар ҳақида юксакроқ пардаларда сўзлаш, қалам тебратиш имконини ҳужумчи беради бизга. Ҳатто шу пайтга қадар Ҳазрат Навоийнинг бечас ижодий шижоати ҳақида завқ-шавқ ила кўлдан қўймай ўқийдиган китоб яратилгани йўқ бизда.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Карлейль қаҳрамон шон-шарофатида Данте ва Шекспирни, қаҳрамон ёзувчи деб эса, Жонсон, Рюсс ва Бёрнсни назарда тутган ва бу номларни сарлавҳага чиқарган. Биз миллий адабиёт тарихимиздан мумтоз адабиёт вакилларида эътиборга юзлаб улуғ адибларни, жадидчилик ва XX аср адабиётининг энг шундан ҳам кўпроқ намояндаларини келтиришимиз мумкин. Лекин гап санокда эмас. Қаҳрамон адиб бўлишликнинг сабабларини Ойбек юқорида айтдингиз. Биз Маҳмуд Кошғарийдан тортган буюк адибларча кечган сал кам минг йиллик тарихнинг қаҳрамон яратувчиси сифатида уларни таниймиз. Бироқ гап адабий қаҳрамон ҳолатида кетар экан, Сиз номларини тилга олган буюк адиблардан ҳар бири ўзининг ҳаётдаги қаҳрамонликлари даражасида адабий қаҳрамонга айлана олди, деган савол адабиётшуносларни ўйлатиб қолди. Сир эмас, биз Ойбекнинг Навоийсини, Одил Ёқубовнинг Аҳмаднинг П.Қодировнинг Бобурини шундай адабий қаҳрамонлардан ҳисоб қилайлик. Лекин қолганлари-чи? Ҳатто Ойбек домла ёки Одил аҳа ҳақида бўлганларида Навоий ва Улуғбекни бугун "Навоий" ва "Улуғбек ҳақидаги" насидан ўзгачароқ талқин этишлари тайин эти. Лекин бу ҳақда ҳар биримизда бор. Раҳматли Пиримқул акасининг вафотидан сўнг Бобур ва бобурийлар ҳақида ёзилаётган ва тарқатилган ҳужжатлар



илмий асарларни кузатиб, "мен бугун Бобурни, Ҳумоюн ва Акбарни бошқа ёзган бўлардим" деган армонига ўзингиз гувоҳи бўлгансиз Фитрат, Қодирий ва Чўлпоннинг буюк жасоратлари ҳақидаги (илмий ишлар, эссе ва очерклар ўз йўлига) қайси бадий баркамол романи бугун ўқувчиларга тавсия қила оламиз. Шундай экан, менимча, йўқ, лекин ёзилиши керак бўлган асарлардан кўра кўпроқ мавзуни бор, нашр бўлган асарларга қаратсак тўғрироқ бўлар эди.

Умарали НОРМАТОВ: Ҳа, энди бевосита асосий мавзу – бугунги адабиётда қаҳрамон муаммосига қайтсак бўлар. Бугунги адабий жараён деганда, мен уни уч босқичга бўлиб таърифлаш мумкин, деб ҳисоблайман: **биринчиси**, истиқлол арафаси, истиқлолнинг ilk босқичи даври. Бу мустабид тузумнинг инқироzi энг олий чўққисига кўтарилган, ниҳоят, бу инқироз тузумнинг ҳалокатига олиб келган давр. Қарангки, мана шу ижтимоий жараён, аввало, ҳушёр адиблар руҳиятида ўз акси садосини топди, 80-йиллар ўрталарида дунё юзидан кўрган "Лолазор", "Жимжитлик", 80-йиллар охириларида қозға тушиб, истиқлолнинг дастлабки йилларида китобхонлар кўлига етиб борган "Тушда кечган умрлар", "Отамдан қолган далалар" романлари бундай даъвои тўла-тўқис тасдиқлайди. Ўша кезлари яратилган Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқулнинг қатор ҳикоялари бу романларга ҳамоҳанг. Уларда инкор руҳи, абсурд туйғуси, ғояси ҳукмрон. Асарларда бевосита курашчи қаҳрамонлар йўқ ҳисоб, борлари ҳам хийла ожиз, нотавон. Лекин бевосита кўзга ташланмайдиган, сахна ортида туриб бемаъни, бесамар ҳаётий ҳодисалар устидан ҳукм ўқиётган муаллифларнинг изчил, фаол мавқеини, шижоатини пайқаш қийин эмас. Устоз Саид Аҳмад, унинг издошлари Ўткир, Мурод, Хуршид, Назарларнинг ижодий жасоратига тан бермай иложимиз йўқ. Булар ёнига яна кўплаб шижоаткор шоирларимизнинг ўша кезлари ўқувчилар қалбига ўт солган шеърларини, "пахта иши", "ўзбек иши", ижтимоий ва экологик танглик, миллат шаъни, эрки, ҳуқуқи, она тили тақдири билан боғлиқ муаммолар хусусида адибларнинг оташин публицистик чиқишларини кўшадиган бўлсак, эл-юртнинг фидойи адиблари истиқлолдан анча бурун мустабид тузум ҳалокатга маҳкум экани ҳақида ўз ҳукмини чиқариб қўйган ва шу тариқа тарих олдидаги улкан миссиясини адо этишга муяссар бўлган эдилар. Бу ҳол чин қаҳрамонлик сифатида тарихдан ўрин олишга ҳақли!

Иккинчиси – ўтиш даври. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган мамлакатлар қатори бизнинг юртимиз мустақилликка эришгандан кейинги йиллар ғоят мураккаб, шўро даврида шаклланган яроқсиз тизимдан бутунлай бошқа – бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш даврига тўғри келди. Бу жараённинг қийинчилиги, оғриқларини боши-



дан кечирган, аммо мустақил, истиқболи порлоқ демократик жамият қуриш орзуси билан ёнган матонатли кишилар образи бирин-кетин адабиётга кириб келди. Илк босқичдаги сахна ортида турган қаҳрамонлар бевосита романлар кўзгусида намоён бўла бошлади. Бу борада ҳам дастлаб публицистика етакчилик қилди. О.Шарафиддинов, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э. Воҳидов, Ш. Холмирзаев, Ў.Ҳошимовнинг қаҳрамонона руҳ билан йўғрилган эссе-бадиалари замондош қаҳрамонлар ҳақидаги чин асарлар қаторида тилга олишга лойиқдир. Ш.Холмирзаевнинг "Динозавр" романидаги Маҳкам, Ҳ.Ҳамдамнинг "Мувозанат"идаги Юсуф, Х.Дўстмуҳаммаднинг "Бозор"идаги Фозилбек ва Қадриялар мустақиллик даври адабиёти замондош қаҳрамонларининг илк қалдирғочларидир.

(Учинчи босқич ҳақида қуйроқда сўз боради – таҳр.)

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Сиз уч босқичда ўрганишни тавсия этаётган адабий жараёнга нисбатан дунё адабиётшунослигида "Янги (ёки янгиланган) адабий жараён" истилоҳи қўлланилмоқда. Бу дегани "Литературное обозрение" журналининг "Новое литературное обозрение"га айланишига ўхшаган ҳодиса эмас, балки тарихдаги адабий давр ва жараёнлардан фарқланадиган, ягона канон ёки ҳодиса асосига қурилмаган, қонун-қоидалари қатъий ишлаб чиқилмаган *адабий жараён*ни ўрганиш ҳақида сўз кетаётир. Чунки соцреализм, модернизм, постмодернизм, структурализм қанча муддат яшаганидан қатъи назар муайян назария ва методологияни илгари сурган, ўз андоза ва талабларига эга бўлган қарашлар эди. Жумладан, соцреализм мафкуравий талқинни, модернизм метафорик тафаккур ва предметсиз тасвирни, постмодернизм эклектикани, структурализм эса матн структураси (таркиби)ни адабий ҳодиса сифатида тавсия этган, адабий жараёндаги бошқа ҳодисаларни ҳам мана шу меъёр ва "кўзқараш" билан англашга ва англатишга интилган эди. Энди эса "постреализм", "постмодернизм" ва "постструктурализм"ни ўзига урф (мода) қилиб белгилаётганлар муайян қатъий канон ва талаблардан чекинишни, адабий ҳодисага ҳар бир асарнинг ўз ички моҳиятидан келиб чиқиб тушуниш ва баҳо беришни тавсия этмоқдалар. Натижада, адабий жараён темир қоидалар, адабий тамойиллар ва ижодий концепциялар эвазига эмас, балки бадиий адабиётдан қутилаётган янгилиниш жараёнига қараб ўзгариши мумкин бўлган *либерал ҳодиса* (Т.Иглтон) экани, адабиётшунослик эса мана шу янгиланаётган адабиётни ўзгартирувчи назарий илм сифатида эмас, балки ундаги ўзгариш жараёнини кузатиб, адабий сабоқ ва тажрибаларни умумлаштириб, адабий таҳлил усуллари тавсия этувчи методолигик қарашлар комплекси (мажмуи) сифатида намоён бўлмоқда.



Умарали НОРМАТОВ: Адабий давраларда, талабалар аудиториясида тилга олганим асарлар қаҳрамонлари устида сўз юритганимда, нега бундай китобхонга ибрат бўладиган, ўз ортидан элгаштирадиган қаҳрамонларнинг сафи унча кенг эмас, улар бармоқ билан саналарли, деган савол беришади. Бу ҳол кейинги йигирма йил ичида истиқлол берган эркинлик туфайли шўро даврида кескин рад этилган, қораланган модернизм оқимларининг бизга шитоб билан кириб келиши оқибати эмасмикин, деган тахминлар ҳам ўртага ташланади. Қаҳрамон образини яратишдаги "оқсоқ"ликни шўро даври адабиётида "коммунистик ғоялар билан булганган" сохта қаҳрамонларнинг инқироzi орқали изоҳловчилар ҳам бор.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Айнан шу кейинги даъво, менимча, асослироқ туюлади...

Умарали НОРМАТОВ: Менимча, фақат шу кейинги даъво эмас, барча тахминларда муайян асос бор. Бу масалада шошма-шошарлик билан бир ёклама хулоса чиқариш ярамайди. Ҳатто катта тажрибага эга етук устоз О.Шарафиддинов ҳам адабий суҳбатларидан бирида бу хусусда эҳтиёткорлик билан фикр юритади; бу борада ҳам бизни шошилмай, оқилона йўл тутишга ундайди. Сўз санъати бу сирли-сехрли, мўъжизакор олам. Боя биз шўро истибдодининг сунгги палласида яратилган қаҳрамонлардан холи бир туркум асарлар устида тўхталиб ўтдик, айна пайтда, сахна ортида, муаллиф — қатъиятли, довжорак, шижоатли, бош ҳарфлар билан ёзишга арзигулик шахс турганлигини ҳам эслатиб ўтдик. Мен Ф.Кафканинг "Жараён", Ж.Жойснинг "Улисс", А.Камюнинг "Бегона" каби асарларини ўқиётганимда ҳам асарларнинг ўзида тополмаган қаҳрамон сиймосини ўша муаллифларнинг тимсолида кўрганман. Реал ҳаётнинг, реал ҳаёт одамларининг турмуши, кечмиши, руҳий олами, бу қадар чигал қисматининг манзаралари, жумбоқлари устида бу қадар мардона, теран, дохиёна мушоҳада юритаётган қалам соҳибларининг шижоатига қойил қолмай бўладими, ахир. Мана шунинг ўзи қаҳрамонлик эмасми!!!

Бу борада модернизм, аниқроғи, унинг етук намояндалари башарият тарихи олида катта хизмат қилди. XX аср поёнига, янги аср бошларига келиб модернистик оқимларда ҳам чархнинг авзойига, давр эҳтиёжига қараб жиддий ўзгаришлар юз берди. Чунончи, постмодернизмнинг қатор намуналарида башариятнинг ҳозирги давр идеалларини бевосита ўзида ташувчи қаҳрамонлар пайдо бўла болади.

Мен кўпдан бери шундай хулосага келганман: қайси оқим, адабий тур, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар чин бадиий асар ҳазрат Навоий ибораси билан айтганда, улуғ муддаодан туғилади, Қаҳҳор



сўзлари билан айтганда эса, у шижоат, маҳорат ва илҳом самараси ўлароқ яратилади; бинобарин, чин асар **юксак эстетик идеал. шижоат, қаҳрамонлик** маҳсули! Юқорида айтилганидек, қаҳрамон тимсоли бўлмаган асарларда ҳам у чин истеъдод соҳиби – муаллиф сиймосида намоён бўлаверади. Мана шу ғаройиб, ноёб ҳодиса янги аср адабиётимизнинг бир қатор намуналарида, чунончи, О.Ёқубовнинг “Осий банда”, Э.Аъзамнинг “Шовқин”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романларида ўзига хос тарзда намоён бўлди.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Бир пайтлар давлат олдидаги шахсий (план) мажбуриятини 100 фоиз бажарганни қаҳрамон деб аташга ўрнган бизлар ҳадеб ҳар қандай етишмовчиликнинг сабабини “шўролар”дан кўришимиз ҳам мантиқдан эмас.

Ҳегел “Эстетика”сида қаҳрамонлик (героизм)ни эстетик категория сифатида шарҳлар экан, “время героев” (қаҳрамонлар даври) тушунчасини эстетик таълим тизимига киритади. Фақат ўтмиш, урушлар ва тўфонли даврлар қаҳрамонлик замонини эмас, балки бугунги кун, кечаги воқеалар ҳам қаҳрамонлик даврига айланиши мумкин. Лекин гап ҳаётдаги прототипни адабий қаҳрамонга айлантира олиш маҳоратида. Шу ўринда улуг рус адиби Ф.Достоевскийнинг бир маслаҳати ёдга келади: “Агар кўзингиз ўтса ва кучингиз етса, ҳаётдаги оддий бир воқеада ҳам Шекспирда йўқ *теранликни* кўра олишингиз ва тасвирлаб уддалашингиз мумкин. Бироқ ҳамма гап кимнинг *кўзи ўтиши ва кимнинг кучи етишида*”. Бир вақтлар замондош адибларидан кўнгли тўлмаган В.Шкловский “биз қачонгача прототипларни хотирлаб, архетиплар (қаҳрамон ҳақидаги тасаввур) билан яшаймиз” деб писанда ҳам қилган эди. Адабиётимизда истеъдод билан ёзилган асарлар талайгина, айниқса, Сиз тилга олган сўнгги уч роман ўзига хослик жихатидан миллий адабиётимизда алоҳида ҳодиса сифатида саналишга арзийди. Бироқ Қодирийнинг Отабеги, Қаҳҳорнинг Саидийси каби насримизда қанча вақт “қаҳрамонлик даври”ни ўташи мумкин экан бу асарлар персонажлари. “Осий банда” адабиётга янги қаҳрамон олиб кирди, “Шовқин” ягона чуқур мақсадни ният қилмаган оломонни кўрсата олди, “Боқий дарбадар” эса гарчи боқийликка даъво қилолмаса ҳам, ҳаёт сафаридида дарбадар кезган зиёлининг маънавий эҳтиёжларини кўтариб чиқди. Лекин адабий меъёр, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, адабиётимиз “домовоий”га ўз номини ёздирадиган қаҳрамон бўладиган бўлса, унда булардан қай бири рўйхат (прописка)да қанча вақт қоларкин, деган савол туғилади.

Давр шиддатли, замон ўткинчи, бироқ идеаллар боқий. Миллий адабиётнинг эстетик идеалини рўёбга чиқарувчи адабий қаҳрамон экан, унинг келажаги адабиёт саҳнасида тутиб турилган даврагина боғлиқ эмас. ...



Умарали НОРМАТОВ: Шуниси ҳам борки, сахна ортида ёки эпизодик тарзда кўринган қаҳрамонлар ўқувчиларнигина эмас, ҳатто тажрибали мунаққидларни ҳам қаноатлантирмаётганига гувоҳ бўлаётимиз. Масалан, "Боқий дарбадар"да профессор Зиё ўғлининг ўз отасига йўллаган мактуби келтирилади. Асар структурасида муҳим ўрин тутган мактуб жиддий концептуал аҳамиятга эга. Муаллифнинг асл мақсади муддаоси идеали ўғлоннинг дил сўзлари орқали самимият ила изҳор этилади. Шунинг назарда тутиб бўлса керак, Қ.Йўлдошев ўша мактуб муаллифи – ўғлонни шунчаки ғоя ташувчи фигура эмас, мукаммал инсон – қаҳрамон ҳолда кўришни истади. "Назаримда, асарда профессор Зиёнинг ўғли образи табиати бир қадар кенгроқ тасвирланиши асосланиши ва такомилга етказилиши лозим эди", дейди. Бу шундан далолат беради, ҳамма замонларда бўлгани каби бугунги кунда давр замон қаҳрамонини бевосита асар саҳифасида кўришга эҳтиёж катта. Бу эҳтиёжни ўз пайтида пайқаган кино, хусусан, телевидение дунёси хайрли ишларга қўл урмоқда. Янги асрнинг дастлабки ўн йили давомида миллий телеэкранларимиз орқали намойиш этилган ва этилётган америка, япон, корейс, турк киноижодкорлари маҳсулотлари – "Титаник", "Тафаккур нағмалари", "Ганди", "Ошин", "Қиш сонатаси", "Ишқ эртаги", "Осиё", "Келин" каби фильм ва сериаллар томошабинларда катта қизиқиш уйғотгани, уйғотаётгани тасодифий эмас.

Президентимиз бир неча бор, санъат ва адабиёт аҳли эътиборини китобхон, томошабинни, хусусан, ёшларни ўз ортидан эргаштирадиган, уларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар образини яратишга жалб этгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, И.Каримовнинг "Бухоро маданият маркази"да янги театр биноси билан танишув чоғидаги санъаткорлар билан мулоқотда бу хусусда айтган ушбу мулоҳазалари санъат ва адабиёт аҳлини жиддий ўйлашга ундади. "Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур, – дейди юртбошимиз. – Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини қучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак".

Бу ижод аҳли олдида турган ниҳоятда савоб ва айни пайтда ўта масъулиятли вазифа. Гап шундаки, шўро даврида урф бўлган "ҳозиржавоблик", "долзарблик" шиори остида шошмашошарлик билан битилган таши ялтироқ, ичи қалтироқ "замондош қаҳрамон"лар ясаш удуми аллқачон ўтиб кетган. Бунинг учун, аввало, чин истеъза эмас, давр қаҳрамонини яратиш учун улкан заковат, даврни, ундаги жараёнларни, замондошлар руҳиятидаги характерли тамойилларни

замонавий тафаккур чўққисида туриб фалсафий, бадиий идрос ва тафтиш этиш талаб қилинади. Қозонда бори чўмичга чиқариб берилди. Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор, А.Мухтор яратган Отабек, Ўйбек, Асрор бобо, Очил бувалар тимсолида муаллифлар бисотида бўлиб ўтган хислатлар шундоққина кўриниб, сезилиб туради.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Ирланд олими, Ж.Жойс таълимотини Терри Иглтон «Адабиёт назарияси» (2010) китобининг «Силарни танқид» бўлимини шундай яқунлайди: «Биламизки, арслон дрессировщик (арслон ўргатувчи)дан кучли, бунини арслон ўргатувчи ҳам билмайди. Муаммо шундаки, арслон ўзининг ундан кучли эканини билмайди. Бу эмаски, адабиёт (нинг ўлими) арслонга ҳақиқатни англашга ёрдам беради» (Иглтон Т. Теория литературы. Введение. М.: Изд. «Терра-информ», 2010. С.257). Айрим шўро даври мунаққидлари ўзгаришларни арслон ўйнатувчи деб билганлар, улар нимани имо қилсалар асосан шунга қараб ҳаракат қилиши керак, деб ўйлаганлар. Томошабинлар ҳам арслонни эмас, балки арслон ўйнатувчини алқаб олқишлаганлар. Ҳолбуки, ҳақиқий танқиднинг вазифаси арслонга ўз кучини ҳис қилишга, англашга ёрдам бериши керак. Бу фикрларни ўқиганда бевосита Эркин Воҳидовнинг «Венкувер томошагоҳи» эсга келади. Цирк ваъдатидан муқим ўрин олган, лекин кўпда ҳам биз эътибор беравермасанми, воқеадан Эркин ака фалсафий хулоса қилади. Арслонни муте (манфаат) (манфаат) туйғуси эканини англатади. Мана шу адабий қаҳрамон (Арслон) бизнинг қаҳрамонларимиз рамзига ўхшайди.

Умарали ака, миллий адабиётимиз ва унинг қаҳрамонлари арслондай кучли. Бироқ у қорин-қурсоқ (нафс) йўлида кимларнинг эътиборасига - таёғига муте бўлиб қолмаслиги керак. У ўз қудратини ҳис қилиши, шуурини, шиддатини арслон ўйнатувчи (дрессировщик) қилидаги егуликка эмас, балки янада кучлироқ, ўзидан ҳам қудратлироқ арслонлар (демак, қаҳрамонлар) яратилишига сарф қилиши керак.

Умарали НОРМАТОВ: Ниҳоят, учинчи босқич устида сўзгачан навбати келди. **Учинчи босқичга** келиб эстетик идеал ва қаҳрамонларнинг миқёси хийла кенгайди, теранлашди. Президентимиз И.Каримов «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида ҳозирги кунда ижодкорлар олдида турган долзарб вазифалар устида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: «Барчамизга маълумки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асосини инсоният олдида янги-янги уфқлар очиши билан бирга оқиллари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг шариятнинг эртанги кунини ўйлаб одамларни эзгуликка, инсофдорликка, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳаракат



ратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, ёзувчи «Эй, одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади».

“Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун, — дея сўзида давом этади Президентимиз, — ижодкорларимиз, аввало, катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойилик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз”.

Чоп этилган сон-саноқсиз асарлар орасида айнан шу “Эй, одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?” деган саволларни қатъий қилиб қўядиган, уларга баҳоли қудрат жавоб излайдиган, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этадиган ялт этиб кўзга ташланадиган, ўқувчини ларзага соладиган, ўй-мушоҳадаларга ундайдиган ҳикоя, қисса, романларга ҳам дуч келамиз. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Қичқириқ”, Э.Аъзамнинг “Ступка”. У.Ҳамдамнинг “Яхши одамлар”, “Мусулмон”, айниқса, Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур”, “Гуноҳ”, “Ёзсиз йил”, “Аёл” ҳикоялари шу хил асарлар сирасидан.

“Тафаккур”, “Ёзсиз йил” ҳикоялари ўз вақтида мени махсус мақолалар ёзишга ундаган эди. Аввало, бу ҳикоялар мутолааси чоғида мен ўзимни йўқотар ҳолга тушган, бир неча кунлар уларнинг таъсирида юрган эдим. Ҳар икки ҳикоя ҳақида мақолалар ёзиб бир оз ҳовримдан тушдим. 2011 йилнинг кеч кузида “Ёзсиз йил” асосида моҳир режиссёр Ҳотам Файзиев яратган филмни кўриб, яна қайтадан ўша ҳолатни бошдан кечирдим. 2011 йил сентябрда “Мувозанат” романининг театр саҳнаси томошаси чоғида ҳам айнаи шу ўн йил бурун роман билан танишув пайтидаги ҳис-ҳаяжон қайтадан янгиланди. Кузатишлар шундан далолат бераётирки, фақат каминагина эмас, кўплаб китобхон, томошабинлар ҳам айнаи шу кўйга тушганлар. Аминманки, “Мувозанат” асосида телесериал яратилса, “Гуноҳ”, “Аёл” ҳикоялари чин истеъдод соҳиблари томонидан саҳна ёки кино асарига айлантирилса, айнаи шу ҳол такрорланиши турган гап. “Гуноҳ”даги аёлнинг фарзанд илинжида гуноҳ йўлига кириб топган қувончи, бу қувончнинг айнаи дақиқанинг ўзидаёқ азоб-изтиробга айланиши ва унинг бундай қалтис гуноҳ эвазига эришилган “қувонч”, “Бахт”дан воз кечишига қатъий аҳд қилиши, мана шу чигал, таҳликали вазиятлардаги хатти-ҳаракат ва руҳий драмалар қанчалар теран, таъсирчан, назокат ҳамда мардона йўсинда ифода этилган. Тасвир жараёнида аёл кўз олдимизда



гуноҳлардан покланиб, ўзга қиёфага кира бошлайди.

"Аёл"ни эслайлик. Худди машҳур "Минг бир жон"даги каби бу ҳикоя қаҳрамони ҳам бедаво дардга мубтало, "Минг бир жон"даги каби бу асар қаҳрамони ҳам ўлим билан мардона олишади, аммо "Минг бир жон"дагидан фарқли ўлароқ, пировардида у ажал олдида таслим бўлади. Аммо бу аянчли таслим эмас, мардона таслим – ўлим ҳақ, ундан қочиб қутулолмайсан, ўлимни енгиш эмас, уни мардона қарши олиш ҳам ўзига хос жасорат. Ҳаётнинг ўзида ҳам бунга мисоллар бор: жасур адиб Абдулла Қаҳҳор ва жасур мунаққид Озод Шарафиддиновларнинг ажал комида ўзларини қанчалар мардона тутганликларини биламиз. Зулфиянинг қаҳрамони жон таслим қилиш дақиқаларида шифохорлардан вафодор эри, жондан азиз фарзандларини ёнига йўлатмасликларини илтижо қилади, у ўзининг жон талвасаси пайтидаги аянчли ҳолати улар қалбида нохуш таассурот қолдиришини асло истамайди. Зулфия Қуролбой қизининг юқорида тилга олинган асарлари қатори бу ҳикояси ҳам чин инсон – аёл зотига, унинг қалб бисоти, матонати, бебаҳо туйғуларига қасида каби янграйди...

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Давр қаҳрамони ҳар доим ҳам янги қаҳрамон бўлавермайди. Ҳар қандай адабий давр ҳам маълум маънода аввалгиларини такрорлаши ёки замоннинг талабларига мосланаман деб адабий янгилик матлабидан тойиши мумкин. Сиз айтган "замондош қаҳрамон"имиз адабиётимиз тарихида қоладиган *замонавий қаҳрамон* бўла олармикин? Чунки замонавий қаҳрамон нафақат биз билан бир замин ва замонда яшаётган бўлиши, балки бизнинг ўй-истакларимизни ифодалаши, балки китобхонларга замонни англаш туйғуси (И.Ғафуров)ни юқтира билиши ҳам керак. Қаҳрамоннинг фақатгина макон ва замон жиҳатдан бизга яқинлиги унинг замонавий етук бадиий қаҳрамон эканлигини билдирмайди. Унда биз ҳар бир замонамиз қаҳрамонини замонавий қаҳрамон деб аташимиз ҳам мумкин бўлмай қолади.

Ҳикояда қаҳрамон қандай туғилади, унинг бир парча бағри адабий персонажга қаҳрамонлик қилишга торлик қилмайдими, деган мулоҳаза мазкур жанрнинг мутахассислари (С.Моэм) нигоҳидан ўтган. Чунки ҳикоя воқеалар давомида ривожланадиган қаҳрамонни эмас, балки асарга ўз характери билан кириб келадиган "тайёр" қаҳрамонлар билан иш кўради. Адиб ўз қаҳрамонининг ҳикоя (новелла)га тайёрлаш жараёни мутлақ асар ёзилгунга қадар кечади. Ана шу ёзувчи ўйи, тажрибасида пишиб етилган қаҳрамон биз билан учрашади, ўзининг синоати ва қисматини ўта қисқа воқеа ва кечинма орқали кўрсатади. Шу маънода Асрор бобо, Андрей Соколовлар (М.Шолохов) етук адабий тимсоллар сифатида ёдимиздан кўтарилмайдими



Бироқ "Минг бир жон"даги аёл билан Зулфия Қуролбой қизининг "Аёл"и ўртасида кескин фарқ бор. Мен қаҳрамоннинг асардаги ўрни ёки воқеадаги иштирокини эмас, балки бадиий етуклигини назарда тутяпман. Чунки Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамонининг ҳатто "инграш"га мажоли бўлмай "инқиллагани", унинг жисми ва руҳиятидаги ўзгаришларни улкан санъаткор сифатида кўрсатгани, ҳатто унга қаҳрамоннинг ўлим билан олишишдаги шижоатидан келиб чиқиб, ҳаёт "ҳадя қилгани" ҳам бизни ишонтиради. Зулфиянинг "Аёл"ида ана шундай руҳий матонат у қадар кўзга ташланмайди. Эҳтимол, ўлим арафасидаги қаҳрамондан бу талаб ортиқчадай туюлиши мумкиндир. Бироқ қаҳрамоннинг ўз умри якунида у адабий қаҳрамон сифатида ҳам тугал моҳият касб этиши керак, деган ўйдаман.

Умарали НОРМАТОВ: Гапингизда жон бор. Шу хил ҳикоялар устида турли адабий давраларда сўзлаганимда, бир гал талабчан китобхон "Фикрингизга қўшиламан, аммо қани энди, шу Сиз айтган аёл қаҳрамон шижоати шахсий-оилавий, интим ҳолат доирасидан ташқарига чиқиб, катта ҳаёт оқимида жўр бўлиб, улкан ижтимоий мақсадлар даражасига кўтарилса эди... Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор, А. Мухтор қаҳрамонлари айни шу жиҳати билан миллий адабиётимизда муҳим ҳодиса бўлган эди", дея эътироз билдирди. Кишини ўйлатадиган эътироз. Бу ўринда асар жанрини, жанрнинг имконият доирасини ҳам ҳисобга олиш даркор. Ҳикоянинг "тор рамкаси" доирасида ҳам қаҳрамон бисотини кенгроқ миқёсларда талқин этиш тажрибаси бор. "Асрор бобо" бу жиҳатдан ибратли. Зулфия қизимизнинг "Тафаккур", "Ёзсиз йил" ҳикояларида ҳам айни шундай тамойилга мойиллик сезилади. "Машаққатлар гирдобини" романида эса ижтимоий руҳ хийла кучли. Роман қаҳрамони Гулруҳнинг ўзга юртда бахт излаб бахтсизлик чоҳига тушиб қолган юртдошларини бало-қазолардан қутқариш йўлидаги жонбозлиги, шижоати тасвири асар асосини ташкил этади. Қизиқ, шунга қарамай қаҳрамон шижоатлари талқинида нимадир етишмаётгандай туюлади. Асар мутолааси чоғида шижоат тафсилотларини кўрамизу, ўша жараёнда қаҳрамон қалбида кечган оғриқ-изтироблар, ўй-мушоҳадалар, алам, армон-ўкинчлар, борингки, аёл — инсон сифатида айрим ожизлик, иккиланиш, шубҳа-ғумонлар — шу каби "шахсий", "интим" ҳаёт жаҳасидан беҳабарроқ қоламиз.

Кўряпсизсизми, қаҳрамон тимсолини тўлароқ очишда, унга жозиба бахш этишда шу хил айрим "ожизлик", армон-ўкинч, шахсий, "интим" жиҳатлар ҳам даркор экан. Ахир, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Саида тимсолларидаги инсонга хос ожизликлар улар шахсига заррача соя солмайди, балки чин инсоний қиёфасини тўлароқ очишга хизмат этади.

Шу ўринда бугунги адабиётимиз намуналаридан бир ижобий мисол



келтириб ўтсам. Эркин Аъзамнинг “Сув ёқалаб” киноқиссасида бош қаҳрамон Болта Мардоннинг ижтимоий фаолияти, у билан боғлиқ драматик лавҳалар ифодаси баробарида бу аломат инсоннинг шахсий-интим ҳаётига оид нозик кечинма-туйғулари ҳам қаламга олинади. Болта Мардоннинг дилбар аёл Шарофат билан тушда ҳамда ўнгда кечган мулоқотларига оид лавҳалар латиф бир лирик тарзда таъсирчан ифода-ланган. Бир ёстиққа бош қўйган аёли ювош, яхши хотин, бири биридан ширин қиз, ўғлонлар туғиб, катта қилди. Ўзи ундан ёмонлик кўрмади, лекин кўнгил қургур ҳееч... Демак, шoir айтмоқчи:

*Бирин ҳур дейинми, бирин гулоим,
Суймаганим суйганимдан мулоим
Бу қандайин кўргилик экан, худойим,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.*

У дунёдан ана шундай армон билан ўтаётир. У умрининг поёнида шу армони, кўнгил асрорини энг яқин одами, ўз зурриёдига очади, зурриёди, қолаверса, авлодлар учун бу чигал қисмат бир сабоқ бўлишини тилайди. Айни шу ўта интим лавҳа асарнинг, қаҳрамоннинг жозиба кучини яна ҳам очиб юборади.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Сиз юқорида тилга олган “хислатлар”, яъни А.Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор ва Асқад Мухтор қаҳрамонларидан улги олиб, кейинги давр ҳикояларида, адабий қаҳрамонларида бўй кўрсатаётгани аниқ. Чунки бу қаҳрамонлар нафақат миллий адабиётимизни, балки ўз даврида умумиттифоқ деймизми, ҳар ҳолда мавжуд адабий хонадонимизнинг энг кўркли ва кучли қаҳрамонларидан эдилар. Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Менда бу хил қаҳрамонлар “Бир она ҳужайранинг генидан сунъий равишда урчи-тилган, уруғланган бир она ҳужайранинг... ривожланиши учун яратил-ган шароит ва муттасил кузатувлар остида ва изланишлар натижаси-да инсон боласининг пайдо бўлиш жараёни” (Исажон Султон. “Боқий дарбадар”, Т., 2011. 27-бет) ўхшаб қолмаётганмикан деган хавотир бор. Чунки уларнинг кийиниши, нарс-ҳодисаларга муносабати замо-навий, бироқ айтган сўзларида, тафаккур тарзида, аниқроғи, бадиий матндаги қаҳрамон сифатидаги иштирокида бир хил андозавийлик мавжуддай туюлади менга. Шунинг учун ҳам улар китобхон қалбига кучли таъсир этиб, унинг диққатини узоқ тутиб туролмайди, ўқувчи та-факкурини янгилик сари етакламайди. Мен бугунги асарлардан ўзига ўқувчиларни эргаштира оладиган, янгилик сари етаклайдиган, китоб-хон қалби қатида очилмай ётган кечинма ва туйғуларини топишга, англашга ёрдам берадиган, ҳатто, ўзини, ўзлигини топишда ўқувчиси-га мураббийлик қила оладиган адабий қаҳрамонларни кутаман.

Умарали НОРМАТОВ: Эътирозларингизда асос бор. Лекин шунга қарамай давр қаҳрамонларини адабиётга олиб киришда қувонса, кўз-кўз қилса, арзигулик тажрибаларимиз ҳам бор. Чунончи, “Сув ёқалаб” асосида яратилган фильм ўзимиздагина эмас, хорижда ҳам қизиқиш уйғотди. “Мувозанат” романи доврўғи эса АҚШга ҳам етиб борди. Мичиган университети муаллимаси Рейчел Харэл 2007 йили Марказий Евроосиё масалаларига бағишланган 8-халқаро анжуманнинг маданият шўъбасида ўқиган “Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воқеаси” мавзусидаги маърузасида роман “Кўнгил эҳтиёжи сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирганлиги” алоҳида таъкидланади. Бунига эмас, университетда романга бағишланган кўламли семинарлар ташкил этилди.

Ниҳоят, О. Шарафиддиновнинг “Мустақиллик меъмори” бадиаси ҳам давр қаҳрамонини адабиётга олиб киришнинг етук намуналаридан бири эканлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Бошдан-оёқ самимият, жўшқин эҳтирос билан йўғрилган бу асар муносиб баҳоланди. Китобдаги мана бу парчада унинг бош пафоси ёрқин акс этган: “Мен, – деб ёзади муаллиф, – Ислом Каримовнинг асарларини ўқиб, унинг турли вазиятлардаги феъл-атворини кузатиб, қилган ишларини кўриб, шундай хулосага келдимки, бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазиятда самимийлигини сақлаб қолади, расмийчиликни жинидан баттар ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли, зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммоларнинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Хуллас, улкан сиёсатчи учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик, фаоллик қўшилиб, уни бениҳоя қатъиятли инсонга айлантирган. Айни чоғда, одамларнинг табиатини яхши хис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар”. Китоб бошдан-оёқ қаҳрамоннинг ана шундай ноёб хислатларини ҳаётий далиллар орқали очиб беришга қаратилган.

Яна бир туркум асарлар борки, улар ҳам биз баҳс юритаётган мавзу-муаммога бевосита дахлдор. Гап шўро истибдоди йиллари яшаб ижод этган, ўша машъум замонларда эл-юрт шаъни, эрки, ҳақиқат ва адолат йўлига жонини тиккан улкан ижодкорлар ҳаёти-қисматидан ҳикоя қилувчи туркум асарлар устида кетаётир. Улар орасида Усмон Азим қаламига мансуб Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги танқидчиликда ўзига хос трилогия деб аталган драмалар эътиборга сазовор. Ҳар уч асар ҳам трагик, ҳам қаҳрамонона руҳ билан йўғрилган. Муаллиф ҳар уч сиймо ҳаётига оид энг тигиз, драматик лавҳалар-



ни, муҳими, уйдирма-тўқима эмас, улар ҳаётида чиндан-да бўлиб ўтган ҳодисаларни кўз олдимизда қайта гаудалантиради; бош қаҳрамон – тарихий сиймолар атрофидаги деярли барча персонажлар ҳам ҳаётда бор одамлар, аксар ҳолларда улар ўз номлари билан берилади, айримлари эса адабий одоб-андиша юзасидан бошқача номланади, чин ҳақиқатдан хабардор кишилар учун уларнинг кимлиги шундоққина билиниб туради. Шахсан ўзимга танишроқ бўлгани учунми, "Абдулла Қаҳҳор" драмаси мутолааси чоғи, унда жасур ва донишманд адибнинг бекиёс шижоатларига оид характерли лавҳалар маҳорат билан бир ипга тизиб чиқилганига иқрор бўлдим. Ҳамкасб дўстларимиздан бири айтганидай, улар ўқувчида асло "идеаллаштирилган таассурот" уйғотмайди. Аслида, адибнинг ўз даври учун мислсиз жасоратини бундан-да баландроқ пардаларда, янада шиддатлироқ тарзда ифодалаш имкони бор эди. Қаҳҳор кўп ҳолларда разолат ва қабоҳатга қарши мардона тура олган, ўзининг шахсий ибрати, ҳақ сўзи, шижоати билан адабий жараёнга кучли таъсир кўрсатган, бутун бошли адабий мактаб яратган, ўз ортидан ўнлаб янги авлод – чин истеъдодларни эргаштира олган буюк зот, бинобарин, чин қаҳрамондир. Бугина эмас. Ундаги мана шу бекиёс журъат ва иштиёқ асарларига ҳам кўчиб ўтган, асарлари орқали ҳам ҳақиқат, адолат, инсон шаъни, қадри, ғурурини ҳимоя қилиш, қабоҳат ва разолатга қарши ўт очиш йўлидан борган. "Идеаллаштириш" у ёқда турсин, Қаҳҳорнинг миллий адабиётимиз тарихидаги шундай бекиёс хизматлари асрда етарли ифодасини топгани йўқ. Айни пайтда, Ш.Ризаевнинг "Шарқ юлдузи"даги чиқишида (2010 йил, 6-сон) У.Азимовнинг туркум драмалари қатори А.Қаҳҳор ҳақидаги асарида "пафос хусусий доирадан чиқолмайди, умумижтимоий орбитага кўтарилмайди. Фожиа қаҳрамоннинг ёки унинг оиласи кўргиликларининг драмасидек таассурот қолдиради" деган фикрига қўшилмай иложи йўқ. Яна ўша жасур адиб Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, биз яхши, классик деб атаётган асарларнинг Тўйтепадан нарига ўтолмаётганлиги сабаби ана шунда. Бу ҳол давр қаҳрамонларини адабиётга олиб кириш бобидаги илк тажрибалар экани билан изоҳланади. Лекин бир жиҳат кишига таскин беради: кам-қўстларига, зиддиятли жиҳатларига қарамай, адабиётимизда қаҳрамонна руҳ томон юз ўгиришнинг ўзи муҳим ҳодиса. Бу хайрли жараён яқин келажақда улкан миқёсларга кўтарилажагига ишончим комил.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Адабиёт мазмунан бойиш жараёнида шаклан янгиланиб бориши керак. Рус формал мактаби, АҚШдаги "янги танқид" тарафдорлари, француз структуралиستлари, немис рецептив назариётчилари ўзларининг асосий қувватини айнан мана шу янгиланиб бораётган шакл имкониятларини ўрганишга сарфладилар

ва бу йўлда эришган натижалари жаҳон адабиётшунослигига маълум. Агар биз миллий адабиётимиздаги шакл ўзгаришларини мазмуннинг талаби билан амалга оширилган жорийланиш дейиш билан чекланмай, ижодкор маҳорати билан боғлиқ деб тушунсак, ҳар бир ўзига хос ижодкор ўз ғояси, идеали ва қаҳрамонини "адабиёт домовойи рўҳатига ёздириш" (А.Қаҳҳор ибораси)ни шаклий изланишлар орқали амалга оширишни жоиз деб билса, бизнинг адабиётимиз сўзсиз кўп йўқотган жиҳатларини тиклайди, янги эришмоқчи бўлган имкониятлари сари йўл очади. Адабиётимизнинг шакллар ранг-баранглиги жиҳатидан камбағаллиги уни, умуман, қашшоқлаштираётган жиҳатлардан бири деб қарашимиз керак. Ва бир ғоя ёки эстетик идеалнинг ўнлаб ифодаларининг янги, оҳорли шу билан бирга эстетик салмоқдор восита ва унсурларини излаб топишга интилишимиз лозим.

Умарали НОРМАТОВ: Энди масаланинг фалсафий-назарий жумбоқлари устидаги баҳсга ўтсак. Давр қаҳрамони, умуман олганда, қаҳрамон жумбоғи жамият, инсон ҳамда инсоният ҳаётининг олий мақсади ва туб маъноси билан боғлиқ ҳодисадир. Маданият, маърифат, санъат ва адабиёт ҳар доим инсоният тараққиётининг идеалларини, мазмун ва моҳиятини англаш, англатишга ҳаракат қилиб келган. Таниқли санъатшунос, адабиётшунос олим Ю.Борев "Инсон ҳамда инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси" мақоласида "Бадий маданият тарихий жараёнда даврнинг (идеаллар, мақсадлар ва ҳаёт маъносининг) парадигмаларини ҳосил қилиш йўли билан қатнашади. Инсоният тарихи – парадигмалар аламушинувидан иборат. Инсон ўз олдига қўйган мақсад қадрсизланаётганини сезгач, янги парадигмаларни ишлаб чиқади ва янги даврга кириб боради... Аммо парадигмаларнинг нуқсонлари намоён бўла бошлагач, кескин ўзгариш, яъни таназул юз беради. Янги даврнинг ўз янги парадигмаси бўлади" деб ёзади. Олим парадигмаларнинг қисқача тарихи устида тўхталиб, жумладан, Шарқ модели устида сўз очиб, негадир, фақат **даони** тилга олиш билан чекланади. Шарқда минг йил давомида маънавий ҳаётни ҳаракатга келтирган, мусулмон шарқи, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг руҳий-маънавий асоси саналмиш тасаввуф фалсафасини четлаб ўтади. Шахсан Сиз тузган, сўзбоши ва изоҳлар билан 2005 йили чоп этилган "Испом тасаввуфи манбалари" тадқиқотининг ўзиёқ Шарқ мумтоз адабиёти барқарор фундаментал парадигма асосида ривож топганлигини тўла-тўқис тасдиқлайди. Мустақиллик йиллари шўро даврида сояда қолган ана шу бисотга юз ўгириш туфайли мумтоз адабиётимизнинг ҳақиқий жамоли тўлароқ намоён бўла бошлади... Бундай улкан илмий муаммонинг биз баҳс юритаётган мавзуга дахлдор жиҳати шуки, жаҳон адабиёти "бош мақсад", "идеал"



“қаҳрамон” бобидаги инқироздан сўнг, айти шу муқаддас хилқатларга қайтиш жараёнида жаҳон адабиётининг тажрибалари, жумладан, тасаввуф парадигмаси ҳам қўл келмаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу борадаги далилларга ўтишдан бурун, яна Ю.Боревнинг боя тилга олинган мақоласидаги бир мулоҳаза устида тўхталиб ўтсам. Олимнинг талқинига кўра, реализмнинг парадигмаси “инсонда олам акс этган, ўзликни камолга етказиш йўли билан, ёвузликка қарши зўравонлик қўлламай (Л.Толстой), давлат ва шахс уйғунлигига эришиш мумкин (А.Пушкин) деган ақидадан иборат. Унингча, соцреализм: инсон қайта қурувчи; ёвузликка қарши инқилобий куч билан оламни қутқарса бўлади, “дунё қон тўкиш билан ўзгариши мумкин” (М. Горький) деган ақидага асосланади. Энди сўнггиси — модернизм инсон, умуман оламда, ёлғиз, бу адоватли (Кафка) ва тутуриқсиз (Камю) дунёда ижтимоий тузилмаларсиз яшаш мумкин эмаслигидан қайғуради.

Олим кейинги икки парадигманинг инқироzi усида сўз очиб ёзади: “Жаҳон урушларини бошидан кечирган дунё — портлаш хавфи остида. Совуқ урушлардан сўнг бошланган янги давр инсоният тарихида биринчи бўлиб мақсадсиз, идеалларсиз, маъносиз ҳаёт кечирмоқда. Дунёқарашда қасос туйғуси пайдо бўлди. Бу ҳаётнинг турли жабҳаларида акс этмоқда... истеъдодли асарлар пайдо бўлмоқда, лекин кейинги ўн йилликлар давомида бирорта ҳам буюк асар яратилмади”. Олимнинг фикрича, ҳаётнинг олий мақсади ва идеалларисиз бу мумкин эмас! Шу тариқа маданият янги даврнинг янги парадигмасини шакллантириши даркор эди. ХХI асргача ҳаёт парадигмаси янги типдаги глобаллашувдир. Унга қилич ёрдамида (Македонский), хоч ва қилич ёрдамида (Буюк Карл), янги буржуа тузуми ва милтиқ найзаси ёрдамида (Ленин), иқтисод ва ҳарбий кемалар ёрдамида (АҚШ) эришмоқчи бўлишди.

Бу йўлларнинг биронтаси ҳам ўзини оқламади. Аммо шоир айтмоқчи, жаҳон аҳли ҳеч қачон ақли расолардан холи қолган эмас. Оқиллар нажот йўлини қидиришда давом этдилар. Ҳозирга келиб улар топган нажот йўли шундай: янги аср парадигмаси: умуминсоний маданият асосида глобаллашув, яъни турли миллатлар ва давлатчилик шакллариини сақлаган ҳолда инсоният наслининг ўзаро ҳамкорлиги, бирлашуви ва тараққиётини таъминлаш, шахс қадрига тиклаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Айти шу ҳаёт парадигмасини шакллантиришда жаҳон илғор маданияти, санъати, адабиёти сарида мустақил мамлакатимиз миллий маданияти, санъати, адабиёти намояндалари ҳам борлиги, ўзбек адабиёти ўтган асрда бўларкан “кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий бир қисми” эмас, жаҳон илғор адабиётининг узвий қисми тарзида дадил ривожланган бўлишига тушиб олганлиги қувонарли ҳолдир, бу эса бизни қилган давр

парадигмаси тақозосидир; республикамизда турли-туман санъат, таълим, илм-фан, экология, иқтисод, сиёсат, тиббиёт, маданият, маънавиятнинг ҳозирги долзарб муаммоларига бағишланган симпозиумларнинг ўтказилиши анъана тусини олгани, уларда қатнашаётган турли минтақа, турли мамлакат, мафкура вакиллари қараш ва интилишларида муштараклик устувор экани кишини қувонтиради. Жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, модернизациялаштириш жараёнида ўзликни, миллий менталитетни сақлаб қолган ҳолда бугунги жаҳон андозаларига мос йўллардан бораётганлиги давр парадигмасининг амалдаги тасдиғидир.

Бевосита санъат ва адабиётда ҳам айна шу жарарён намоён бўлмоқда. Тошкент шаҳрида ҳазрат Навоийга ўрнатилган улуғвор ҳайкал пештоқига даҳо шоирнинг "Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш" сатрлари ёзиб қўйилган. Беш ярим аср бурун битилган бу сатрлар башарият тамадунининг ҳозирги босқичида гўё унга – олам аҳлига қарата айтилган мардона мурожаат каби янграйди. Ўтган асрнинг поёнига келиб, янги асрга ўтиб, секин-аста адабиёт, санъатда яна ҳаётбахш, умидбахш, қаҳрамонона пафос қайта қад рослаб, инсон шахси, қадри, шаъни, заковатига ҳурмат-эҳтиром, инсонлараро, миллатлараро меҳр-оқибат, ҳурмат, севги, оила, ор-номус каби инсонни улуғлайдиган қадриятларни ҳимоя қилиш, қуйлаш етакчи тамойилга айланаётир. Ҳозир жаҳонда санъатнинг энг оммавий тури – кино асарлари миллионлаб, балки, миллиардлаб томошабинларни ўзига маҳлиё этган "Титаник", "Тафаккур нағмалари", "Исо Масих изтироблари", "Ганди" каби нодир фильмлар, назаримда, бадиий тафаккур тарихида бурилиш ясаётир. Кейинги йилларда телеэкранларимизда намоиш этилган ва этилаётган юқорида тилга олинган америка, япон, корейс, турк, лотин америкаси мамлакатлари сериаллари, чунончи "Доктор Хаус", "Ошин", "Қиш сонатаси", "Ишқ эртаги", "Муҳаббат симфонияси", "Осиё", "Келин", "Клон" сериаллари ўша ҳаётбахш тамойиллар турлича кўринишда изчил давом этётганидан далолат бериб турибди.

Кишини қувонтирадиган хижрати шундаки, суҳбатимиз аввалида миллий адабиётимизда кечаётган ҳаётбахш тамойиллар бугунги жаҳон тамаддунидаги ана шу умидбахш жараёнларга ҳамохангдир.

Яна бир ибратли ҳолат. Постмодерн даврига келиб жаҳоннинг етук қалам соҳиблари башариятнинг истиқболини ўйлаб, нажот йўлини қидиришда ўтмишнинг буюк сиймолари таълимоти, масалан, тасаввуф бисотиға мурожаат этаётирлар, чунончи, Лотин Америкасининг бир қатор улкан адиблари, жумладан, Пауло Коэльо ижодида бу интилиш ўзининг ёрқин самарасини кўрсатди, ўтган аср поёнида



дунё юзини кўрган “Алхимик” романи жаҳон бўйлаб катта шухрат қозонди. Асар қаҳрамони — ўспирин насроний Сантьяго мусулмон диёри, маънавий дунёси бўйлаб ғаройиб сафар саргузаштлари: орқали неча миллионлаб китобхонларни ўзига махлиё этди. Бу асарнинг бизда бирданига учта таржимаси пайдо бўлиши бежиз эмас. Ўз вақтида устоз О. Шарафиддинов таклифи билан асардан бир парча мактаб ўқув кўлланмасига киритилди. “Алхимик” теварагида кўп баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, З. Исомиддиновнинг “Алхимик”нинг Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сига бориб туташувчи робиталари ҳақидаги чиройли тадқиқоти майдонга келди.

Нихоят, ўзимизда ҳам “Алхимик” типдаги асарларга ҳамоҳанг тасаввуфнинг сирли-сехрли руҳи билан йўғрилган “Исён ва итоат”, “Мусулмон”, “Хайём”, “Боқий дарбадар”, “Сувдаги коса”, “Озод”, “Мезон” сингари ҳикоя, қисса ва романлар яратилди. Бу асарлар устида қизгин баҳс-мунозаралар кетяпти, афсус, ҳали бу тур асарларнинг асл моҳияти танқидчиликда етарли илмий кашф этилгани йўқ. “Алхимик”дан асло қолишмайдиган бу асарларимиз ҳозирча нега жаҳон орбитасига чиқа олмаяпти? Шу савол кишини ўйга толдиради.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Дунё эътиборини топган ва олтимиш йилдан бери эстетик тафаккур жабҳасида тинимсиз изланаётган Ю. Боровнинг қарашлари, албатта, тасодифий ёки фавқулудда шоирона эҳтироснинг натижаси эмас. Ю.Боров илмий асарларининг дунёнинг 40 дан ортиқ тилига таржима қилиниши, биргина “Эстетика” китобининг ўн икки марта (турли тўлдиришлар ва қайта таҳрирлар билан) қайта нашр этилиши рус олимнинг 86 ёшида ҳам самарали илмий фаолиятда эканини кўрсатади (Бироқ бизнинг адабий жамоатчилик ўртасида нисбатан кечикиброқ бўлса ҳам, Ю.Боров мақолаларининг “Жаҳон адабиёти” (2010, 5-сон) ва “Шарқ юлдузи” (2011, 4-сон)да чоп этилиши, “Эстетика” китобининг яхлит ҳолда нашр этилиши бизнинг фикрларимизни тасдиқлайдиган далиллардир). Олимнинг маданий “парадигматик” тавсиялари эса, менимча, унинг биргина адабиёт назарияси ва эстетика билан эмас, балки “метафизика, фалсафа, илоҳиёт, герменевика, санъатшунослик, риторика, ахборот назарияси, интонология, семиотика, аксиология, маданиятшунослик, эргономика” (бу рўйхат Ю. Боров муҳаррирлигида чоп этилаётган “Академические тетради” журнал-альманахининг орқа муқовасидан олинди) каби замонавий фанлар доирасидаги кузатувлари натижасидир. Акад. Ю.Боровнинг мавзуга дахлдор “ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида



мана шу, деб айтган бўлар эдим деган сўзлари ғоят ибратли. Бироқ шунга қарамай бу улкан олим билан бир неча йиллик мулоқотлар натижасида шунга амин бўлдимки, Ғарб дунёси, айниқса, адабиётшунослиги ҳатто, Арастудан М.Бахтинга қадар, асосан, ғарбона меъёрлар, ғарб адабиётининг фалсафий-эстетик парадигмалари асосида тафаккур қилишга ўрганиб қолганлар. Шунинг учун ҳам ҳатто Ю.Боревдай йирик назариётчи олимнинг Шарқ фалсафаси деганда, Конфуций ёки даони эслаши изчил кузатишлар ҳосиласи бўлмай, тасодифий ҳаёлга келган бир мисолдай тасаввур уйғотади менда. Ҳолбуки, эстетик идеал ва у йўлда амалиётга киришган қаҳрамоннинг ёрқин намунаси Сиз тилга олган тасаввуф таълимоти ва суфиёна адабиёт тажрибасида минг йиллар давомида мавжуд эди. Тасаввуфий талқиндаги *инсон*и *комил* тушунчаси Ғарб фалсафасининг синтези саналган Нитшеннинг "сверхчеловек"и эмас, у ўзини инсониятнинг улуғ пайғамбари бошлаган йўлда кетаётган солиқ деб билади, бу йўлда ўзини *комиллик* рамзи деб эмас, балки ҳар қадамда, ҳар мақом ва даражада ўз қалбини илоҳий сифатлар билан поклаб борадиган, пайғамбар ахлоқи билан ахлоқлантиришни ният қилган. Табиийки, бу тасаввуфий жараён Ғарб эстетларининг эмас, балки теистларининг, диншунос ва пантеистларининг эътиборига тушган ҳолос. Ана шу маънода Шарқ эстетикаси нақадар теран ва чуқур руҳоний илдизларга эга эканлиги ҳамма рус олимпарининг ишларида ҳам тан олинавермайди, тан олганлари ҳам бунини муайян доирада фақат айрим буюк даҳолар ҳақида сўз юритилаётганда тилга олиб ўташади ҳолос. Шарқ ва Ғарб деб иккига ажратиб ўрганиган кутблар эстетик жараёнини бирлаштирадиган, улардан бирини иккинчисидан ўрганувчи сифатида эмас, балки ўзаро мавжудлик ва тенг муносабатлилиқ даражасидан, яъни компаративистик тамоийиллардан келиб чиқиб ўрганиш ҳам, менимча, глобаллашув жараёни адабиётшунослигининг вазифасига киради. Энди европацентризм ёки американизм тажовузига берилмай ҳар бир адабий ҳодисани ҳолис ва тизимли силсила сифатида ўрганиш, сабабнинг оқибати бўйича ҳукм чиқариш эмас, балки оқибатни юзага чиқарган сабабларни чуқур ўрганиш даври келганлиги ушбу олимнинг ишларида ҳам таъкидланади. Лекин Ғарбдаги қарашларнинг чуқур ва малакавийлиги (профессионаллиги)ни ҳар қанча таъкидламайлик, улар Шарқ мумтоз поэтикаси тарихидан етарли хабардор эмаслиги билиниб қолади. Айниқса, бу ҳолат мусулмон Шарқда яратилган фалсафий-назарий таълимотни яхлит қабул қилишда ва уни адабий жараёнга татбиқ этишда аниқ кўзга ташланмоқда. Шу жиҳатдан тасаввуф адабиётининг поэтикаси ва тасаввуф эстетикаси ғарбликлар ишларида сир-синовати ҳали очилмаган кўриқдай тилсимланиб ётибди.



Умарали НОРМАТОВ: Маълум бўляптики, биз юқорида баҳс юритган қахрамон муаммосининг кўлам доираси ниҳоятда кенг. Муаммосининг назарий илдизлари бениҳоя чуқур. Бу борада қилинадиган ишлар беҳисоб. Биламиз, ўтган салкам XXV аср давомида бу жондан азий юртимиз дастлаб юнон, сўнг эрон, араб, мўғул, ниҳоят, рус чоризми босқинлари жабрини чекди, энг муҳими, маҳаллий халқ шу босқинлар чоғидаги мислсиз шафқатсизликлар, таъқибу таҳдид, қатағон хўрликларига қарши бош кўтариб мардона кураш олиб борди, халқ орасидан эл-юрт озодлиги, эрки йўлида жони-жаҳонини фидо этган, элни ўз ортидан эргаштира оладиган баҳодирлар етишиб чиқди. Бундай курашлар чоғи гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлди, лекин улар қалбида эрк, исён, кураш туйғуси ҳеч қачон сўнмаган, охир-оқибат, бу оташин туйғу ғолиб чиқди. Мана, 20 йилдирки, энг сўнгги ғалабанинг нашидасини туйиб турибмиз.

XX аср янги ўзбек адабиётининг миллат тарихи олдидаги яна бир энг муҳим хизмати шуки, миллатнинг асл ўғлонлари – чин истеъдод соҳибларининг ижодий шижоати туфайли шўро даври адабий сиёсати босими, мафкуравий тазйиқлар, ижодий изланиш йўлидаги қийинчиликлар, оғишларга қарамай, ўша тарихий босқичлардаги халқимизнинг ўз эрки, мустақиллиги, озодлиги йўлидаги курашларининг **бадий солномасини** бунёд этишга, озодлик курашчилари – ўз замонасидаёқ номлари афсонга айланган Спитамен, Широқ, Тўмарис, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари халқ баҳодирларининг бутун бошли образлар галереясини яратишга мушарраф бўлди. Миллат адабиётида озодлик йўлидаги курашлар акс этган шеър, дoston, драма, ҳикоя, қисса, романлар бир тизимга келтирилса, ўнлаб китоблардан иборат аломат серия пайдо бўлиши мумкин. Қолаверса, бу туркум асарлар бутун бошли илмий жамоа адо этиши мумкин бўлган улкан фундаментал тадқиқот учун ноёб манба – асос бўла олади. Амир Темур, Темурийлар ҳақидаги асарлар ҳам ҳар қанча ардоққа лойиқ: П.Қодиров қаламига мансуб “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довои” романларининг ўқ томирини Бобур – Ҳумоюн – Акбар, яъни бобо – ўғил – набира орасидаги ибратомуз муносабатлар ташкил этади. Атоқли француз тарихчи олими Э.Ренан буюк темурий тождорлар орасидаги бундай оқилона ворислик жаҳон тарихида фақат бир мартагина содир бўлган нодир ҳодиса, деб таърифлайди. Муаллиф айни шу ибратомуз ҳодиса моҳиятини теран бадий таҳлил этиб, улкан эпик полотнонинг пафоси даражасига кўтарди. Истиқлол йилларига келиб фақат миллат эмас, жаҳон тарихидаги буюк салтанат соҳиби Амир Темур сиймосини бор бўйича кўрсатиш имконияти очилди; П.Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” бадиаси,

А.Ориповнинг "Соҳибқирон" шеърый драмаси, М.Алининг "Улуғ салтанат" тетралогияси бу йўлдаги дадил қадамлар бўлди. Аммо бу борада қилинажак ишлар, эришилган натижалардан-да мўлроқ. Ҳозирча бизда дунёвий ва диний-исломий фанларнинг жаҳонга машҳур сиймолари ҳақида етук асарлар йўқ ҳисоб. Буюк юртдошларимизнинг беқиёс хизматларини дунёга кўз-кўз қиладиган, жаҳон аҳлини лол қолдирадиган кўламли романлар, сериаллар яратиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ: Дарҳақиқат, Сиз айтган озодлик қурашларининг бадийи солномаси дейишга арзигулик асарлар ҳақида кўп гапирилди, ёзилди, шунга қарамай бу борада ҳали айтилмаган гаплар, қилинадиган ишлар бисёр. Биргина мисол. Ўтган йили Ҳимоя қилинган А.Ҳамроқуловнинг "Ўзбек адабиётида Махмуд Торобий кўзғолонининг бадийи тасвири" мавзусидаги номзодлик диссертациясидаги қатор нозик кузатишлар, теран таҳлил ва талқинлар бизни хушёр торттирди...

Умарали НОРМАТОВ: Ҳамидулла! Сўхбатимизни Т.Карлейлнинг қаҳрамонлар, хусусан, шу улуғ мақомга муносиб ижодкор — шоир. адиблар хусусидаги мулоҳазаларидан бошлаган эдик, энди уни олимнинг қаҳрамон мақомига кўтарилган руҳоний уламолар ҳақидаги мулоҳазалари билан якунласак. Карлейль асарида бот-бот таъкидлаб ўтилгандек, қайси соҳага дахлдор бўлмасин, ҳар қандай қаҳрамон моҳиятан бир жисмдан яралган: уларнинг барчасига ҳаётнинг илоҳий маъносини англашга қодир буюк қалб ато этилган. Бугина эмас, Аллоҳ уларга ана шу ўзи англаб етган ҳақиқатни ўзгаларга етказиш — айтиш, куйлаш, бу йўлда бетиним заҳмат чекиш, шижоат билан изчил кураш олиб бориш лаёқатини ҳам берган. Карлейль ўрта асрларда Овропада насронийлар дунёсида майдонга чиққан буюк реформатор Лютер ва пуританист Ноксларнинг шижоати хусусида, одатдагидек, шавқ билан қалам тебратади. Асарнинг улар васфига бағишланган саҳифаларини ўқий туриб, беихтиёр ўзимизнинг мусулмон тасаввуфи дунёсидаги авлиёлар кўз олдимиздан бирин-кетин ўтаверади. Биргина Фариддин Атторнинг "Тазкират-ул авлиё" китобидан ўрин олган 70 чоғли азиз-авлиёлар, бу китоб ёзилгандан кейин дунёга келган яна ўнлаб машойихларнинг ўзлари англаб етган илоҳий ҳақиқатни юзага чиқариш, одамларга етказиш, асл ҳақиқатни Ҳимоя қилиш йўлидаги жонбозликлари башарият учун мислсиз ибрат, қаҳрамонлик намуналари-ку! Шўро даврининг машъум даҳриёна мафкуравий сийёсати миллатимизнинг ана шундай ноёб хазинасидан бебаҳра этди бизни. Аллоҳга шукурки, мустақиллигимизнинг 20 йили давомида ана шу топталган бебаҳо қадриятларни қайта тиклаш, халққа қайтариш



йўлида бекиёс савоб ишлар амалга оширилди. Уларни санаб, санаёғига етолмайсиз. Шўро даврида мутасаввуф шоирлар, уламолар, чунончи, Яссавий, Хўжа Аҳрор, Машраб, Сўфи Оллаёв, Сулаймон Боқирғоний, Ҳазинийларга муносабат қандай бўлгани, улар ҳаёти, қисмати, илмий, бадий-ижодий мероси қай тарзда талқин этилганлиги кўпчиликка аён. Фақат мустақиллик йилларига келиб улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш имкони туғилди. Фанда-ку бу борада туб бурилиш юз берди. Аммо бадий адабиётда бундай жараён бир оз секинлик билан кечаётир. Мутасаввуф уламо, ижодкорлар ҳақида асар битишга чоғланган ижодкор улар оламида яшаб, улар даражасида фикрлаш мақомига кўтарилмагунча, бу борада жиддий натижага эриша олмаслигимизни тажриба бот-бот тасдиқлаётир. Яссавий, Машраб ҳақидаги романлар мисолида бунини кўрдик. Айни пайтда, бу йўлда айрим ижобий тажрибаларимиз ҳам бор. Чунончи, Абдумутал Абдуллаевнинг "Ҳазрати Аттор" деб номланган маърифий қиссасида муаллиф "Тазкират-ул авлиё" мотивларига таяниб, ундаги нақл ва ҳикоятлар асосида бир қатор авлиёлар ҳаётидан қизиқарли ҳикоялар келтиради, аниқроғи, уларни бугунги тилимиз ифода тарзига кўчиради, қадим нақл ва ҳикоятларнинг бугунги замонга келиб туташадиган ришталарини топишга уринади. Шу тариқа бу маърифий қисса ўтмиш билан ҳозирги кун ораллиғидаги асардай таассурот қолдиради.

Шоир Омон Матжон "Шайх Нажмиддин Кубро" тарихий фожиасида, Наби Жалолиддин "Хайём" романида, менимча, бу борада хийла илгарилаб кетганлар. Ҳар икки асар ҳам жиддий мулоҳазалар учун озуқ беради. Бу ўринда "Хайём" романи устида озгина тўхталиб ўтсам. Асарда ўз даврининг бекиёс истеъдод соҳиби – олим ва шоир Умар Хайём билан мусулмон оламида "Ҳужжат-ул ислом" унвони билан машҳур Имом Ғаззолий орасидаги дунёвий, диний-исломий мавзудаги фалсафий мусоҳабалар, баҳс-мунозаралар тавсифига оид боблар, айниқса, мароқли чиққан. Ҳар икки алломанинг асл ҳақиқатни англаш, уни юзага чиқариш, ҳимоя қилиш йўлидаги жонбозликлари, қалбларда кечган туғёнлар эҳтирос ила қоғозга туширилган. Шуниси диққатга сазоворки, баъзи манбаларда бўлгани каби баҳс-мунозаралар чоғи икки буюк алломани бир-бирига қарама-қарши қўйиш йўқ; иккови икки олам, ҳар бири ўзича ҳақ, бир ҳақиқатга улар турли йўللardan боради, бир-бирларини тўлдирди, бир-бирларидан таъсирланади, бир-биридан ўрганади; шоир айтмоқчи, улар бири бирига шогирд, айни пайтда, бири бирига устод. Қизғин баҳс – тортишувлардан сўнг улар узоқ вақт унинг таъсирида, ўша жўшқин баҳсларнинг кўмсаб юрадилар... Роман муаллифи Хайёмдаги исёнкорона кайфиятлар, гоҳи майга ружу қўйиш ҳолатлари-

ни, уларнинг ҳаётӣй, шахсий-интим, руҳӣй асосларини ўзича тафтиш ва талқин этишга уринади; шунингдек, қатор рубоийларидаги шаккокликдек туюлган исёнкорона сатрлар шоирдаги беқиёс истеъдод, ҳақ йўлидаги изтиробга тўла изланиш, жазава, илҳом, сарҳуш ҳолат самараси тарзида изоҳланади.

Муҳими, мана шу қизгин баҳслар, ўзига хос талқинлар руҳи китобхон қалбига ҳам кўчиб ўтади. Шу хил фазилатларига кўра “Хайём” романи улуғ мутафаккир руҳӣй оламини бадий кашф этиш йўлидаги дадил қадам деб аташга журъат этаман. Бундай асар фақат истиқлол давридагина яратилиши, дунё юзини кўриши мумкин.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Умарали ака, дарҳақиқат. “Хайём” романидаги Умар Хайём билан Имом Ғаззолий мулоқотларига оид боблар, шунингдек, “Шайх Нажмиддин Кубро” тарихий фожиасидаги Кубро, унинг тариқати, мўғул истилочилари билан тўқнашувдаги мислсиз жасорати тасвири, талқинлари махсус жиддий баҳс-мулоҳазалар учун озуқа беради. Ҳозирча, “Хайём” романининг “Оралиқ” деб изоҳланган биринчи китоби ўқувчиларга ҳавола этилди. Биринчи китобда Имом Ғаззолий фаолиятининг илк босқичи билан танишамиз. Эҳтимол, романининг иккинчи китобида уни камолот чўққисида кўрармиз. Ана унда ҳам Ғаззолий, ҳам Хайём образлари устида мириқиб суҳбат куриш имкони туғилажак. Ҳозирча баҳсимизни шу нуқтада тўхтатиб турайлик.

2012 йил январ-феврал

“АДАБИЙ СУҲБАТЛАР” ҲАҚИДА СУҲБАТ

Таржимаи ҳолга оид маълумот: Умарали Норматов 1931 йил 3 январда Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида туғилган. Мактабни, сўнг педбилим юртини тамомлагач, Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) филология факультетида таҳсил олган. 1957 йилдан адабий-танқидий мақолалари билан матбуотда кўрина бошлаган. Газета ва журналларда 600 дан ортиқ мақоласи чоп этилган. Адабий-тақидий мақолалар китоблари, дарслик, ўқув қўлланмалари сони 50 дан ортиқ.

Аслида, Умарали Норматовни таништириш ҳождати йўқ. Уни кўпчилик яхши билади. Адабиёт ихлосмандлари Умарали Норматовни энг фаол мунаққид деб эътироф этишади. Унинг дарслик, ўқув қўлланмалари йигирма йилдан бери мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитиб келинади.



Айримлар ёши улуғлигини пеш қилиб, ўзига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишларини талаб қилади. Умарали Норматов эса саксон ёшда эканлигимни бошқалар сөзмасин, деб туради. Кўринишидан у саксон ёшга кирганга ўхшамайди. Билмаган киши, унга олтмиш ёш беради. Шунда ҳам қарияга чиқариб қўймадиммикин, деб хижолат тортади...

80 ёш, ҳар қалай, кичик сана эмас. Чунки бу ёшга етгунча одам ҳаётнинг не-не машаққатларини бошидан кечириб, турмушнинг қанчадан-қанча синовларидан ўтади. Бу даврда ҳаётда не-не ижтимоий ўзгаришлар рўй бермади дейсиз... ўтган аср 30 йилларида таваллуд топганлар очарчилик, қаҳатчилик даври, уруш уқубатларига дуч келган. Улар тортган азобларни ҳозирги авлод тасаввур ҳам қилолмайди.

– Домла, сизнинг 2008 йил “Мумтоз сўз” нашриётида чоп этилган адабий суҳбатлардан иборат китобингиз адабий-илмий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди, матбуотда ижобий баҳо олди. Бу китоб бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унда сизнинг қарийб ярим асирлик ижодий фаолиятингиз давомида яратилган айни шу жанрга оид асарларингиздан энг саралари жамланган. Шу пайтга қадар чиққан 30га яқин китобларингизнинг аксариятида адабий суҳбатлар ҳам ўрин олган. 1980 йили “Ёш гвардия” нашриётида чоп этилган фақат суҳбатлардан иборат “Талант тарбияси” китобингиз бугунга қадар ҳамкасбларингизнинг тилидан тушмайди. Ўз вақтида улар хусусида илиқ гаплар айтилган. Устоз Озод Шарафидиновнинг 1981 йили ёзилган бир мақоласида шундай сўзларни ўқиймиз: “Ниҳоят, бугунги танқидчиликни янги шакллар билан бойитиш борасида ҳам Умарали самарали меҳнат қилмоқда. Мен бу ўринда танқидчининг ёзувчилар билан баҳсини назарда тутаяпман. Уни “диалог” деб ҳам аташади. Албатта, “диалог” мутлақо янги шакл эмас, у рус адабиётида, танқидчилигида аср бошларидаёқ маълум эди... Лекин бу форма бизнинг танқидчиликимиз учун янгилик бўлди. Уни жорий қилишда Умарали биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатди. Лекин бу ўринда ҳам гап фақат шаклда эмаслиги, шу шаклга сингадирилган мазмун муҳимлигини таъкидлаш керак. Бу жиҳатдан ҳам Умаралининг баҳслари ижобий баҳога муносиб.”

Худди ўша йили ғоят талабчан мунаққид Н. Худойберганов: “... ўзбек танқидчилигида баҳс – суҳбат деган янги жанр туғилиб, равнот топишида Умарали Норматовнинг хизмати катта бўлди... Умарали Норматов билан Одил Ёкубов, Шукур Холмирзаев.



Эркин Воҳидовлар орасида бўлиб ўтган баҳслар ўз савиясига кўра Бутуниттифоқ танқидчилигида ташкил этилаётган баҳслар даражасига анча яқин туради", – деб ёзган эди ("Шарқ юлдузи", 1981, 1-сон, 220-221-бетлар).

— Бундай фикрнинг исботи сифатида Эркин Воҳидов билан қилинган "Талант тарбияси" сарлавҳали суҳбат рус тилига таржима қилиниб, "Дружба народов" журналида (1978 йил, 6-сон) эълон этилганлигини эслаш kifоя.

Энди сал берироққа келиб, бу хусусда мунаққиднинг иккита сафдоши эътирофларини тинглайлик. Таниқли мунаққид, таржимон Иброҳим Ғафуров Сизнинг "Шарқ" нашриётида 2007 йили чоп этилган "Ижод сеҳри" китобингизга ёзган сўзбошида шундай баҳога дуч келамиз: "Умарали Норматов салмоқли асарлар ёзган барча ижодкорлар билан адабиётнинг қайноқ, жўшқин, долзарб масалалари устида суҳбатлар қилди... Умарали Норматовнинг адабий суҳбатларида давр адабий-бадиий тафаккурнинг тақдорланмас белгилари акс этади. Бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, адиблар таржимаи ҳоли, улар қарашларининг тақдорланмас қимматли ҳужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кейинги эллик йил ичида ҳеч ким бунчалик кўп ва хўб суҳбат яратмаган. Уларда адибнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи Умарали Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлари акс этади".

Ниҳоят, "Тафаккур" журналининг 2010 йил 4-сонига босилган Йўлдош Солижоновнинг "Оқиллар суҳбатидан баҳрамандлик" сарлавҳали тақризида "Ижодкорнинг дахлсиз дунёси" китобидан жой олган суҳбатлар ҳақида шундай илиқ сўзлар битилган: "Ундан ўрин олган суҳбатлар ҳолислиги, илмийлиги, баҳс-мунозарага бойлиги билан қимматли. Мунаққид... адабий суҳбатлари билан XX аср ўзбек танқидчилигида бу жанр тараққиётга асос солди, дейиш мумкин... Ушбу суҳбатларнинг ҳар бири бадиий ижоднинг алоҳида назарий масаласига бағишланган бўлиб, яхлит олганда, санаткорнинг бадиий оламидан сабоқ берувчи дарслик вазифасини ўтайди... Адиблар билан суҳбатларнинг деярли барчаси шўролар даврида ўтказилгани инобатга олинса, уларда кўтарилган талай масалалар мунаққиднинг беқиёс жасоратидан гувоҳлик беришига амин бўламиз".

Домлажон, энди ўзингиздан эшитсак: Илмий-ижодий фаолиятингизда салмоқли ўрин тутган, Сизга бунчалар шўҳрат келтирган адабий суҳбат жанрига иштиёқ қай тариқа пайдо бўлди?

— Бир қарашда осон, аслида эса, жавоб бериш хийла қийин бўлган савол. Масаланинг моҳиятини англаш учун гапни сал узоқроқдан бошлашга тўғри келади.



Ғоят бой адабий меросимиз қатори адабиётшунослик бобида ҳам фахрланса арзугидек тажрибаларимиз бор. Таниқли адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев тайёрлаб, мазмундор талқин, изоҳлар билан 2008 йили чоп этилган "Шарқ мумтоз поэтикаси" китоби бунинг ёрқин бир исботи. Аммо адабиётшуносликнинг таркибий қисми саналмиш замонавий танқидчилик бизда кейинроқ – ўтган аср аввалида шакллана бошлади. Минг афсус, мамлакатимиз тараққиётида бу муҳим жараён ғоят мушкул, мураккаб шароитларда – адабиёт соҳасида шўро адабий сиёсати ҳукмронлик қилган, синфий, сиёсий-мафкуравий курашлар жазаваси авжига чиққан кезларда содир бўлди. Адабий танқид чин истеъдодларни, чин санъат асарларини, гўзалликни кашф этишдек бош вазифасидан чекиниб, ғоявий-синфий, сиёсий демагогия йўлига тушиб олди. Янги ўзбек адабиётида пайдо бўлган ноёб истеъдодларни, беназир санъат дурдоналарини – Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон лирикасини, "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Сароб", кейинроқ яратилган "Қутлуғ кон", "Навоий", "Жаллоддин" сингари асарларни китобхон байрамдек хуш қабул қилди, аммо жоҳил танқид найза кўтариб қарши олди, барчаси урқалтақ қилиниб, улар устидан сиёсий ҳукмлар ўқилди. Бу мудҳиш жараён гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб ўтган аср ўрталарига қадар давом этди.

Биргина мисол. "Шарқ ҳақиқати" газетасининг 1929 йилги бир неча сонларида мунаққид Сотти Ҳусайннинг "Ўткан кунлар" тўғрисида йирик танқидий мақоласи босилди. Мақола бошдан-оёқ сиёсий-мафкуравий жиҳатдан "Ўткан кунлар" ва унинг муаллифини қоралашга қаратилган эди. Донишманд адиб Абдулла Қодирий С.Ҳусайн мақоласига ғоят босиқлик, билимдонлик ва одоб билан жавоб ёзади. Бу – танқидчи билан ёзувчининг ўзига хос диалоги эди. Афсус, ўша кезлардаги вазият туфайли "диалог" қондаси бузилди. Жоҳил ва ўжар танқид адибнинг теран изоҳ ва мулоҳазалари устида ўйлаб кўриш ўрнига уни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. Улуғ адибнинг 9 банддан иборат изоҳларига қарши 9 банддан иборат мақола ёзиб, муаллифнинг барча асосли мулоҳазаларини чираниб рад этишга ҳаракат қилди. Мунаққид дағдаға билан: "Мен "Ўткан кунлар" устида фикр юритган вақтимда ҳам масалага **синфий кураш нуқтаи назаридан** (таъкид бизники – У.Н.) қарадим... Мен А. Қодирий шаҳар майда буржуазиясининг руҳини адабиётда акс эттирувчи вакили, деган натижани чиқарган эдим. Ҳали ҳам шундай фикрдаман. Чунки А.Қодирий яратган типлар, суратлар майда буржуазиянинг дунёга қараши ва дунёни тушунишидан фарқи йўқ", – дейди.

Улуғ адиб бунақа жоҳил, дағал кимсалар билан гаплашиш, баҳслашиш, улар қаршисида ўз нуқтаи назарини изҳор этиш,

ҳақиқатни ёклаш беҳуда эканини, мунаққид зоти билан бир тилда сўзлашиш мумкин эмаслигини англаб етади!

Ўшандай вазиятда холисона ёзувчи-танқидчи суҳбати – диалог бўлиши мумкинми?! Асло!

Ниҳоят, қатағонлар даҳоси – мустабид ҳукмдор вафотидан кейин манъавий ҳаётда юз берган ўзгариш – нисбий илиқлик, эркинлик шабадалари таъсирида ҳам адабиётнинг ўзида, ҳам адабиёт фанида, танқидчиликда, қолаверса, ёзувчи-танқидчи муносабатида янгиланиш содир бўлди, секин-аста танқид билан адабиёт орасида қад ростлаган бетон девор қулай бошлади. Эндиликда танқидчи истеъдодларнинг, чин санъат асарларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди, танқидчи билан ёзувчи бир тилда сўзлашадиган, бир муқаддас ҳилқат одамларига айлана бошлади. Қарангки, худди ўша пайтга келиб собиқ иттифоқ ҳудудидаги халқлар адабиёти, танқидчилигида "диалог", "адабий суҳбат" жонланиб, етакчи жанрлардан бирига айлана бошлади. Менинг адабий танқидчиликдаги дастлабки қадамларим айна шу даврга тўғри келади. Ўша кезлари рус матбуотида бирин-кетин чиқиб турган таниқли мунаққидларнинг машҳур носир, шоир, драматурглар билан диалог – адабий суҳбатларини кузатиб, ўқиб борар эканман бизда ҳам мунаққид учун бошқаларникидан асло қолишмайдиган суҳбатдош – адиблар бор-ку дер эдим. Аммо шахсан ўзимнинг ўшандай алломалар билан гурунг – суҳбат қуриш учун ҳали тайёр эмаслигимни ичдан сезиб, бунга журъат этолмас эдим.

– Сизнинг ҳақингиздаги библиогафик кўрсаткичда "Ўзбекис-тон маданияти" газетасининг 1966 йил 19 октябрь ва 23 ноябрь сонларида босилган "Роман ҳақида диалог", кейинроқ 1971 йил 8 декабрида "Роман ва замон" ва 1971 йил 16 март сониди эса "Роман ва замон" баҳсига қайтиб" мақолалари рўйхати келтирилган. Ҳар учаласи ҳам адабий суҳбат тарзида битилган. "Роман ҳақида диалог", шунингдек, "Ҳикоя устида баҳс" 1970 йили чоп этилган. "Жанр имкониятлари" китобингиздан жой олган. "Роман ва замон" диалог эса 1974 йили чиққан "Насримиз уфқлари" китобига киритилган. Қизиқ, ҳар уч-диалог мақолада негадир суҳбатдош "адабиётчи дўст"ининг исми шарифи айтилмайди. У ким, нега шундай йўл тutilган?

– Сиз тилга олган уч диалог – адабий суҳбат юқорида айтилганидек, мен учун суҳбатдош қидириб юрган кезларим қоғозга тушган, ўша пайтлари мен хизмат қилган университет ўзбек адабиёти кафедраси, қолаверса, мен аъзо бўлган Ёзувчилар уюшмаси қизғин баҳс-мунозаларининг ўчоғи эди. Айниқса, устоз Абдулла Қаҳҳор хонадониди Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшчонов, Одил Ёқу-



бов, Пиримкул Қодировлар иштирокида ўтадиган адабий гурунглар шавқини ҳанузгача унутолмайман. Ўша сиз тилга олган диалогларда “адабиётчи дўст” орқали устозлар, шунингдек, тенгдош замондош мунаққид, ёзувчи-шоирлар адабий гурунгларида айtilган фикр-мулоҳаза, баҳсларни беришга уринганман. Бевосита ҳаётнинг ўзидан олинганлиги учун бўлса керак, бу диалоглар ўз вақтида анча-мунча шов-шувларга асос бўлди. Мен яқинда уларни қайта ўқиб чиқиб, гапнинг очиғи, ҳузур қилдим, бугунги кунда ҳам улар қимматини йўқотган эмас; бир озгина таҳрир билан “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси”-нинг иккинчи китобига киритиш ниятим бор.

– *Кимлиги ноаниқ “адабиётчи дўст”дан аниқ шахслар – замондош ижодкорлар билан суҳбатларга ўтиш Сизда қай тарзда кечган, айтоласизми?*

– 1975 йилнинг май ойида ўша йилларда Республика Телевидениеси раҳбари лавозимида хизмат қиладиган университетдаги курсдош дўстим Ғани Расулов таниқли адиб Асқад Муҳтор билан унинг хонадонида суҳбат ўтказишни таклиф этди. Бошида бироз чўчидим: Асқад Муҳтордек билимдон, улкан шоир, носир билан миллионлаб томошабинлар қаршисида суҳбатлашишнинг ўзи бўладими?! Суриштирсам, Асқад аканинг ўзи суҳбатдош учун мени танлаган эканлар. Рози бўлдим. Суҳбат ғоят мароқли чиқди. Асқад аканинг маслаҳатига кўра, суҳбат матнини биргаликда қозоғга туширдик. Суҳбат “Шарқ юлдузи”нинг ўша йилги 11-сонида “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси” номи остида эълон этилди. Журналхонлар уни илиқ кутиб олди. Мана шу рағбат мени бутунлай адабий суҳбатлар оқимига тортиб кетди. Олдин ҳам айтганман, ёзганман: тақдир мени ХХ асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқатда бўлиш, ҳатто ота-бола, оға-ини, яқин дўст тутинишдек бахтга мурассар этди. Қарангки, салкам олтмиш йиллик умрим ўшандай ҳар бири бир дунё табаррук зотлар билан нафосат гурунгларида, тайёр ноёб хазина ганжинанинг ичида ўтибди. Бирин-кетин Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Уткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Муҳаммад Али, Омон Матжонлар билан адабий суҳбатлар турқуми туғила бошлади. Қатор адиблар билан бир эмас, икки, уч бор суҳбатлар уюштирилди, уларнинг деярли барчаси қизиқиш билан кутиб олинди.

– *Суҳбатлардан кўнглингиз тўлмай қолган жиҳатлар, шунингдек, бу борада ушалмай қолган ният-орзулар ҳам бўлганми?*

– Гарчи Асқад Муҳтор, Шукур Холмирзаевлар билан икки мартадан суҳбатлар олиб борган бўлсам ҳам, жуда кўп гапларим, афсус,



кўнглимда қолиб кетди – фан, адабиётимиз учун ғоят керакли ноёб ганжинани улардан ололмай қолдим. Рауф Парфи билан гурунглашишни бир неча бор маслаҳатлашиб олган эдик, минг афсус, турли сабабларга кўра улар рўёбга чиқмади. Шухрат ака билан катта бир суҳбат режаси қоғозга тушган эди. Адибнинг хасталиги туфайли у амалга ошмади. Кўпни кўрган адиб ўзи гувоҳ бўлган адабий жараёнга оид бир дунё хазинани ўзи билан олиб кетди. Фақат Абдулла Қаҳҳорнинг сўнгги кунлари хусусида айтганларинигина элга аён этдим холос.

Дарвоқе, Абдулла Қаҳҳор хонодонида мен шоҳид бўлган ҳар бир адабий гурунг бир суҳбат учун озуқа берарди, биз ғофил бандалар ўз вақтида уларни қоғозга тушириб қўймаган эканмиз. Фақатгина 1967 йил ёзидаги 10- 15 минутлик оёқ устида кечган суҳбатини ён дафтаримда қайд этиб қўйган эканман. Унинг тафсилотларини 2007 йили чиққан "Устоз ибрати" китобида эълон этдим. Бундай ишни мендан кўра устозга яқинроқ Озод ака, Матёқуб акалар ҳам амалга оширсалар бўлардику! Ўша кезлари бундай юмуш бизда одат тусига кирмаган эдида!...

– *Суҳбатга таёргарлик ва суҳбатлар жараёни қандай кечганлиги ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.*

– Ҳақиқатда "Жаҳон адабиёти" нинг 2010 йил июль сонидида эълон этилган Иосиф Бродский билан поляк адиби Ч. Милош суҳбатини мароқ билан ўқидим. 1989 йил кузида ўтказилган "Шоир масъулияти" сарлавҳали бу суҳбатнинг довуғини анча олдин эшитган эдим-у, аммо уни тополмай юрардим. Бу суҳбатни шу жанрнинг XX аср поёнидаги энг етук намуналаридан деб биламан. Жаҳон адабиётининг икки алломаси бу суҳбатга, чамамда, бутун умри давомида ҳозирлик кўрган ва умр бўйи тўплаган ижодий тажриба, кузатиш ва ҳулосаларини изҳор этишга эришган. Каминанинг бу борадаги тажрибаларини "Шоир масъулияти" хилидаги суҳбатлар билан асло қиёслаш мумкин эмас. Бироқ орада қандайдир муштаракликлар ҳам бор. Чунончи, суҳбатдошимнинг деярли барчаси мен учун туғушганлардек яқин, қадрдон, оға-ини, жўралар. Уларнинг қалами остидан чиққан барча асарлари менга таниш, асарларининг яратилиш жараёнидан, улар атарофида кечган баҳс-мунозаралардан хабардорман, қолаверса, уларнинг аксарияти ҳақида ёзганман. Бироқ суҳбат учун буларнинг ўзи мутлақо кифоя қилмайди. Ҳар қандай тадқиқотда бўлгани каби суҳбат, баҳс учун **арзигудек бош муаммо**, ўй-мушоҳадаларга озиқ берадиган **илмий жумбоқ** керак. Оддий салом-алик, шунчаки савол-жавоблардан ҳеч қачон яхши адабий суҳбат чиқмайди. Суҳбатларга тайёргарлик асносида мени қийнайдиган, тинчлик бермайдиган, бетиним ўйлашга,



изланишга ундайдиган дард – ана шу! Кўнгилда шундай дард бўлма-са, яхшиси, бу ишга қўл урмаган маъқул.

Аллоҳга шукурким, ҳар гал қалбимга яқин бирор адиб билан галдаги суҳбатга ҳозирлик кўрар эканман, кўпинча, уйқусиз тунларда каллада унинг бутун бир режаси, муаммо ва жумбоқлар силсиласи тайёр бўларди. Уларни эрта тонгда қоғозга тушириб, суҳбатдошга тақдим этардим, ўзим ҳам ўз навбатида режага таҳрирлар киритардим, сўнг бевосита суҳбат жараёни бошланарди.

– *Суҳбат жараёни ва унинг матнини тайёрлаш қай тарзда кечган?*

– Мен суҳбатлар устида қизғин иш олиб борган ўтган асирнинг 70- 80- йилларда бизда ҳали диктофон расм бўлмаган эди. Ўша кезлари хотирам тиниқ, кулоғим қуйма қулоқ бўлган эканми, бир ярим – икки соатга чўзилган адабий гурунглари икир-чикирларигача ёдимда қоларди, уларни бир-икки ўтиришда қоғозга тушириб, сўнг машинкада кўчиртириб, суҳбатдошимга ўқишга берардим. Камдан-кам ҳолларда матнга таҳрир киритилар, суҳбатдошлар розилик билдириб, имзо чекилгач, суҳбат матни матбуотга тақдим этиларди. Айрим ҳолларда, суҳбатдошлар ўзига тегишли сўзларнинг энг муҳим ўринлари матнини ўзлари ёзма ҳолда тақдим этганлар, жумладан, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Алилар шундай йўл тутган. Энг муҳими, жонли сўзлашув жараёнида руҳ-кайфият, самимият, фикрлар ҳаракати, ҳар икки тарафнинг ўзига хос ифода тарзини матнга кўчириш. Агар бунга эришилмаса, адабий суҳбат мароқли чиқмайди. Суҳбатлар матнини тайёрлаш заҳмати ана шунда.

– *Суҳбатлар учун танланган мавзу-муаммолар орасидаги сиз учун энг ардоқлилари, қолаверса, бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаганлари қайсилари?*

– Шахсан мен учун барчаси қадрли, номланишидан уларнинг мавзу-муаммолари шундоқ сезилиб туради: “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси”, “Роман табиати: талаб ва имкониятлар”, “Талант тарбияси”, “Саргузашт сарҳадлари”, “Услуб, бадиий шакл муаммолари”, “Поэма – кашфиёт демак”, “Шеърятда ўзига хослик ва муштараклик муаммоси”... Суҳбат ўтказилган бундан 30 – 35 йил бурун ҳам, ундан кейин ҳам, ҳозирги кунда ҳам бу хил муаммолар ижод ва фан аҳли учун долзарблиги ва аҳамиятини асло йўқотгани йўқ.

– *Суҳбатдошларингизнинг сиз учун, қолаверса, фан учун гоят муҳим фикр-мулоҳазаларидан баъзиларни эслатиб ўтсангиз.*

– Асқад Мухтор билан суҳбатда асарнинг китобхон учун таъсирли жойлари ёзувчининг ўзини ҳам шунчалик таъсирлантирадими? Микеланжело ўзи яратган ҳайкал тирикдай кўриниб кўрқиб кетганмиш, Балзак қаҳрамони ўлганида инфакт бўлиб қолганмиш, “Ўткан кун-



лар"даги Кумуш ўлими тасвири пайтида Қодирий йиғлагани ҳақида ҳам гаплар бор... "Шахсан ўзингиз персонажларингизнинг ўшандай ҳаяжонли дақиқаларини тасвирлаётганда қандай ҳолатга тушганиз?" деган саволга адиб бутунлай ўзгача жавоб қайтарган, жумладан, шундай деган эди: "Булар – ижод психологияси нуқтаи назаридан ҳақиқатдан ҳам афсона. Ижодкор бундай таъсирли тасвирлар пайтида заҳмат чекади. Тўғри, илҳом билан заҳмат чекади, лекин уни кўпинча ҳаяжон эмас, қаноатсизлик ҳисси қийнайди. Чунки қоғозга тушган нарсаси, одатда, ёзувчи ўйида туғилган ўзига хос мураккаб муносабатлар оламига нисбатан жуда кичик бўлади. Ёзувчи тасаввуридаги ажойиб дунё қоғозга ҳеч вақт тўлалигича тушмайди. Тасаввур сўздан бой. Шунинг учун ўша тасвирлаш чоғи ҳам мени биринчи галда қаноатсизлик ҳисси қийнаган. Чарчаганман, маза қилиб ухлаганман. Назаримда, шу ҳис бўлмаса, борди-ю ёзувчи ўзи ёзганидан ўзи мамнун бўлиб завқланаверса, асар яхши чиқмайди."

Бунақа гап фақат Асқад Мухтордангина чиқиши мумкин. Одил Ёқубов билан суҳбат чоғи адибнинг роман жанри табиати, "романга хос тафаккур" хусусидаги мулоҳазалари ҳамон мени ўйга толдиради. Адиб менинг бу хусусдаги гапларимга эътироз билдириб, "романга хос тафаккур" деган гап "асарда романбоп ҳодиса, воқеа, улкан драматизмнинг мавжудлигида" эмас, балки ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини улкан санъаткор – романист сифатида идрок этишидадир. Дарҳақиқат, битта воқеани икки ёзувчи икки хил кўриши мумкин. Бир ёзувчи бу воқеани кундалик ҳаётда учраётган оддийгина бир ҳодиса сифатида қабул қилиши ва шу асосда гоҳо ўқишлигина бир ҳикоя ёки қисса ёзиши мумкин. Иккинчи ёзувчи, агар у юқорида қайд қилинган тафаккурга эга бўлса, албатта, бу воқеа негизда ётган чуқур ижтимоий омилларни, фожиавий тақдирларни, улкан конфликтлар ва "ғоялар драмаси"ни кўрадики, натижада, қарабсизки, шу воқеа асосида улкан ва жиддий роман яратади..." деган қарашларни илгари суради. Бу фикр тасдиғи учун адиб Л.Толстойнинг "Тирилиш" романини мисол тариқасида келтиради. Улуғ ёзувчи машҳур адвокат Ф.Кони сўзлаб берган бир аёл воқеаси асосида кичик бир қисса яратмоқчи бўлганини айтади. "Лекин, – дея давом этади у, – ёзувчиликка хос бўлган воқеаларни улкан романист сифатида идрок этиш қобилияти, бир қарашда оддий туюлган ҳодисалар замиридаги ички зиддиятларни кўра олиш ва бу зиддиятларда замон драмасини ҳис эта олиш қобилияти, охир-оқибат, шунга олиб келадики, турмушда тез-тез учраб турадиган "оддий гап" асосида Чор ҳукумат яратган адолатсиз социал тузумнинг бутун ички қарама-қаршилиқларини фош қилувчи шафқатсиз бир эпик асар яратади!"



Бу мулоҳазалар бугунги кун учун ҳам қанчалар аҳамиятли экани равшан. Ҳозир "роман" деб тақдим этилаётган асарларда айтиш эъзувчи назарда тутган "романга хос тафаккур" етишмаётганлиги шундоққина кўриниб турибди...

Ниҳоят, "Услуб, бадиий шакл муаммолари"даги Ш.Холмирзаевнинг мана бу мулоҳазаларини эслайлик:

"Ёзувчи китобхоннинг савияси даражасида ижод этгани маъқулми ёки уни ўзига эргаштириш даражасида ижод этиш аъломи?"

Шахсан мен китобхонни бир ёққа торта билган, унинг дидига мўлжаллаб – унга асарини нима қилиб бўлса ҳам, ёқтириш мақсадида эмас, ўша дидни бир баҳя бўлса-да кўтариш ниятида тер тўккан ёзувчиларни севаман ва ўшаларнинг китобхони бўлишни орзу қиламан".

Бу айтиш шу куннинг гапи-ку! "Ижодкорнинг дахлсиз дунёси"да бунақа мулоҳазалар сон-соноқсиз.

– Адиблар билан суҳбатлар орасида ижодкорларнинг ўз ижодий тажрибалари, қатор асарларнинг ижодий тарихига оид гурунглари билан баробар устоз адиблар ижоди, уларнинг шоҳ асарларига бағишланган суҳбатлар ҳам бор. Чунончи, "Ҳақиқат ва сароб" сарлавҳали гурунгда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор романлари, хусусан, "Сароб" асари устида қизгин баҳс олиб борилган. Илк бор "Ёшлик" журналининг 1985 йил 1-сониде эълон этилган, орадан чорак аср ўтиб, Сизнинг "Нафосат гурунглари" китобингизга "Истеъдод кўлами" сарлавҳаси остида киритилган суҳбат Ойбек таваллудининг 80 йиллиги, "Мукаммал асарлар тўплами" нашри муносабати билан уюштирилган эди. Унда суҳбатдош – таниқли ёзувчи Одил Ёкубов улкан адиб Ойбек ижодий мероси, хусусан, романлари ҳақида ғоят қимматли ва мароқли мулоҳазаларни илғари сурган. Ўттир Қошимов билан "Бадиий сўз кудрати" сарлавҳали суҳбатингиз эса бошдан-аёқ Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романига бағишланган. Ҳар уч суҳбат ҳам ғоят мароқли чиққан, ҳамкасбларингиз томонидан юксак баҳосини олган. Чунончи, Баҳодир Каримов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг 2011 йил 28 январь сониде босилган "Олимнинг ҳароратли сўзи" сарлавҳали мақоласида "Бадиий сўз кудрати" устида тўхталиб: "Суҳбат чорак аср муқаддам уюштирилган бўлса ҳам, ундаги қарашлар, айтиқса, адиб романлари поэтикаси, миллийлиги, энг гўзал эпизодларига тегишли мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, ўша пайтларда суҳбатдошлар тилга олган айрим масалаларни кейинги давр тадқиқотчилари гўё янгиликдек тақдим этган ҳолларга дуч келмоқдамиз. Ҳар ҳолда, Умарали Норматов суҳбат жараёни-



да оддий бир савол бергувчи сифатида эмас, балки баҳс-мунозарага киришувчи, суҳбатдош адибнинг кўнгилдаги гапларни айтишга ундовчи, энг муҳими, суҳбат баҳонасида мавзуга оид илмий-назарий муаммоларини ўртага ташловчи олим сифатида намоён бўлади” деб ёзади.

– Чорак аср давомида мазкур суҳбат хусусида бундай илиқ гапларни кўп эшитганман, ҳозир ҳам эшитяпман. Суҳбат турли китобларда бир неча бор чоп этилди. Ниҳоят, уни 2010 йили “Ўзбекистон” нашриётида чиққан “Қодирий мўъжизаси”га ҳам киритдим. Китоб билан танишган бир ёзувчи дўстим “Бадий сўз қудрати” суҳбати “Қодирий мўъжизаси”нинг юраги бўлибди, деди. Бунақа баҳо ҳар қандай ижодкор каби каминага ҳам ёқади-да, ахир. Суҳбатдаги ўқувчиларни ўзига мафтун этган фазилат – жозибанинг туб манбаи “Ўткан кунлар”дек шоҳ асарнинг ўзида, ботинида эканини асло унутмайлик. Биз суҳбатдошлар ана шу жозибадор мўъжизаларни бир қадар юзага чиқариш, ўқувчиларга кўз-кўз қилишга уринганмиз, холос. Бунда Ўткирдек нозиктаъб, моҳир санъаткор адибнинг хизмати катта.

Айни шу гапларни “Ҳақиқат ва сароб” суҳбати ҳаммуаллифи атоқли адибмиз Пиримкул Қодиров ҳақида ҳам айтиш жоиз. Биласиз, Пиримкул Қодиров моҳир адиб, романнавис бўлиши билан баробар адабиётшунос олим, Абдулла Қаҳҳор ижодининг тадқиқотчиси эди. У Қаҳҳор ижоди бўйича Москвада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Пиримкул акадаги ҳам ёзувчилик, ҳам адабиётшунос олимлик нигоҳи, тажрибаси “Ҳақиқат ва сароб”нинг юқори савиядаги бетақор асар даражасига кўтарилишида муҳим омил деб биламан.

– Домла, кейинги йилларда Сиз адиблар билан гурунгни қўйиб, асосан, ҳамкасблар – адабиётшунослар билан суҳбатга ўтиб кетдингиз. Биргина Улуғбек Ҳамдам билан қилган “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи”ни мустасно этганда, кейинги адабий суҳбатларнинг барчасида суҳбатдошлар ҳамкасбларингиз, аниқроғи, ҳамкасб шогирдларингиз. “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи”да ҳам Улуғбек ёзувчи, шоир эмас, асосан адабиётшунос олим тарзида кўринади. “Ижод сеҳри”дан жой олган учта, “Ижодкорнинг дахлсиз дунёси”га кирган бешта суҳбатнинг барчаси олим ҳамкасблар гурунгидан иборат. Қолаверса, улардаги суҳбатдошлар ҳаммаси тенгқурлар эмас, ёш шогирдлар. Нега шундай!?

– Қарангки, шу пайтга қадар бу ҳақда ўйлаб кўрган эмас эканман. Шу ўринда, беихтиёр, бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган аср 60-йиллари бошларида Ёзувчилар уюшмасида шоир Миртемир бошчилигидаги ёш ижодкорлар тўғраги анжуманлари ғоят мароқли ўтарди, залга одам сигмай кетарди. Ёшлар билан бир қаторда ёши улур



адиблар ҳам қатнашарди. Абдулла Қаҳҳордек устоз ҳам бир чеккада тингловчи сифатида ўтирганини кўп кўрганман. Бир гал вақти ниҳоятда зиқ бир адибнинг бундай йиғилишларда қатнашиши сабабини сўраганимда “Давр нафасини, адабий жараён пульсини ҳаммадан кўра ёшлар яхши ҳис этади. Хаётдан, адабий жараёндан ортда қолмаслик учун шундай давраларда кўпроқ бўлгим келади”, – деган эди. Қарангки, 60 ёшларга борганда менда ҳам айна шундай кайфият пайдо бўлган экан. Ўтган асрнинг 70- йилларига келиб, айниқса, XXI асрга ўтиб, ҳаётнинг ўзида, адабий-танқидий тафаккурда ғоят шиддатли, тезкор, жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Бу ҳол биз тенги илм ва ижод аҳлини хийла шошириб қўйди. Бунинг устига мен филолог адабиётшунос олим, муаллим, бугунги адабий жараён бўйича мутахассис – мунаққидман. Кечаги билим, тасаввур билан аудиторияга кириб талаба ёшлар олдида маъруза ўқиш, замонавий адабий жараён ҳақида мулоҳаза юритиш, қолаверса, ёш тадқиқотчи шогирдлар билан ишлаш, уларга раҳбарлик қилиш асло мумкин бўлмай қолди. Ўз-ўзидан истеъдодли ёшлар, ёш ижодкорлар даврасига талпиниш, истеъдодли ёшларни тинглаш эҳтиёжи туғилди менда. Биз учун “устоз – шогирд” муносабати ўзгарди, шоир сўзлари билан айтганда, энди “бир бирига шогирд, бир бирига устоз” нақлига амал қилиш устувор таомилга айлана бошлади. Каминанинг айна шу йиллардаги адабий суҳбатдошларининг деярли барчаси ёш истеъдодли адабиётшунослар: Раҳмон Қўчқоров, Раҳимжон Раҳмат, Жаббор Эшонқул, Дилмурод Қуронов, Улуғбек Ҳамдам, Ҳамидулла Болтабоев... Мен бу суҳбатдошларимни шунчаки шогирд дейишга асло тилим бормаиди. Одатий гурунглар чоғи камина улардан кўп нарсга ўргандим, ўрганаётирман. Бир-икки мисол келтирай. “Назария ва адабий–бадий жараён” мавзусида гурунг уюштирилган кезлари Раҳимжон Раҳмат аспирант, мен эса унинг ишига илмий раҳбар эдим. Раҳимжон Рауф Парфи шеърини устида тадқиқот олиб борарди, унинг мавзуга оид “Ўзбекистон адабиёт санъати”да босилган “Жаннат соғинчи” мақоласи ўқувчилар – мутахассислар оғзига тушди. Ёш тадқиқотчи Рауф Парфи шеърини моҳиятини англаш мақсадида замонавий жаҳон адабиёти, санъати, шунингдек, адабиётшунослиги, фалсафаси, руҳшунослиги оламига шўнғиб кетди. Юқорида эслатилган суҳбатга тайёргарлик асносида машҳур “боши бузуқ” файласуф қаламқаш Маркиз де-Саднинг етти жилдлик асарларини ўқиб чиқди... Аспирант шогирд билан профессор устоз суҳбатини бугун бир ўқиб кўринг-а. Суҳбатдошлардаги “тенглик”ни кўриб ёқа ушлайсиз.

Бир вақтлар Ҳамидулла Болтабоевнинг номзодлик диссертация-



сига раҳбарлик қилганман. Бугун у менга "устози аввал" деб мурожаат қилиб қолса, хижолат тортаман. Ҳозирда адабиёт назарияси бўйича бизда тўртта етук мутахассис бўлса, биттаси – шу, иккита бўлса бири айни шу—Ҳамидулла Болтабоев! Ҳамидулла бугунги кунда фан доктори, ЎЗМУ профессори, кафедра мудир, жаҳоннинг кўллаб мамлакатларида ўтаётган улкан адабий-илмий анжуманлар иштирокчиси. "Ижодкорнинг дахлсиз дунёси"дан жой олган сўнгги якунловчи суҳбат "Янги назарий тамойиллар ва янгиланаётган адабий жараён"ни синчиклаб ўқисангиз, унинг билим ва тафаккур кўлами хусусида ўзингиз тўла тасаввур ҳосил қиласиз. Ёши бир жойга бориб қолган, бутун умри адабиёт ва адабиёт илми таълими жабҳасида кечган адабиётшунос учун ана шундай "шогирд"лар билан суҳбатдош бўлишнинг ўзи бахт, омад, Аллоҳнинг беназир эҳсони эмасми, ахир!...

Таржимаи ҳолга оид маълумотларга қўшимча: филология фанлари, доктори Умарали Норматов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1989), Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1992), "ТошДу моҳир педагоги" (1998), "Шарқ юлдузи", "Гулистон", "Тафаккур" журналлари мукофотини олган; унинг раҳбарлигида 12 нафар фан номзоди, 3 нафар фан доктори етишиб чиққан; 50 дан ортиқ фан докторлиги ва номзодлиги диссертацияларига оппонентлик қилган; 1966 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси; 1991 йилдан умумтаълим мактаблари учун тубдан янгиланган адабиёт дастури ва дарсликлари яратиш бўйича муаллифлар гуруҳига раҳбарлик қилиб, 5, 9, 11- синфлар учун дарслик, қўлланмалар муаллифи сифатида қатнашган, унинг иштирокида олий ўқув юртлари учун "XX аср ўзбек адабиёти тарихи", "Янги ўзбек адабиёти" дарслик ва қўлланмалари яратилган.

**Суҳбатдош –
филология фанлари номзоди
Сайёра Раҳмонова**

2010 йил 12 феврал



ИНШО

(Сўнгсўз ўрнида)

Кириш:

Ўзбек адабий танқиди, унинг бугунги савияси, келажакдаги тақдири устоз адабиётшунос олимни ўйлатади, қаердадир севинтирса, қаердадир ташвишга солади. Аммо танқид ҳақида куюнчаклик билан қанча ёзмасин, барибир, мунаққиднинг нияти эзгу, яъни ўзбек адабий танқиди юксалсин! Адабий жараёндан ортда қолмасин, аксинча, байроқни қўлга олган ҳолда олд сафга ўтиб юрсин. Чунки адабий жараён аввалида эмас, ортида юрган адабий танқид, бу – асл танқид эмас, балки ана шу жараённинг аянчли соясидир. Буни олим нозик англаб, ҳис қилади ва туриб-туриб: "Инсоният ҳали улкан истеъдодлар хизматини муносиб қадрлаш даражасига кўтарилгани йўқ", дея хитоб қилиб қоладики, бу дардли ҳайқириқнинг бир учи келиб танқидга тегади. Шунда беихтиёр хаёлга америкалик машҳур скрипкачи Жошуа Белл келади. 2009 йилда шундай бир эксперимент ўтказилади: жаҳонга машҳур, бир кун олдин "Бостон Симфоник Холл"да берган концертининг билет нархи 100-120 доллар бўлган скрипкачи оддий кийим кийган ҳолда метро бекатига тушиб келади ва тик турган қўйи 3,5 млн. доллар турадиган қимматбаҳо скрипкасида дунёларга донғи кетган мусиқаларини чала бошлайди. Шунда, биласизми, нима ҳол рўй беради: аянчли, аммо бугунги замонавий дунё ва замондош инсоннинг асл юзини очиб ташлайдиган, уларда яширин фожеани шундоқ кўз ўнгимизда намоеън этадиган воқеа содир бўлади. Скрипкачи 45 дақиқа мобайнида мусиқа чалади, лекин уни ҳеч ким танимайди, танимагани майли, шу вақт давомида 6 кишигина хиёл тўхтаб мусиқага қулоқ тутгандек бўлади, аммо соатларига қараб олгач, яна шитоб билан йўлларида давом этади, атиги 20 киши пул беради, машҳур скрипкачи бор-йўғи 32 доллар пул йиғайди. Энг қизиғи шуки, мусиқани астойдил эшитаман деган саноклиларнинг бари болалар бўлади. 5 ёшли бир бола ана ўшаларнинг орасида эди, бироқ ишга шошаётган онаси унинг қўлидан тортиб олиб кетади. Яъни катталарнинг ҳаммаси ўз қисматининг, кундалик турмуш ташвишларининг, ҳаёт



тарзларининг асири. Уларнинг мусиқа тинглашга мутлақо, ҳа, мутлақо имконлари йўқ. Бас, бошқа пайтлари катта-катта пул бериб ҳам концертига кира олмайдиган скрипкачининг шундоқ оёқлари остига келиб, текин концерт бериб турганида ҳам оддий одамлар бир муддат тўхтаб, – мусиқасини тинглай олмайдилар. “Демак, оддий бир жойда бўлса, гўзалликни кўрмас, ҳеч ким кутмаган маконда юз берса, санъат асарини эътиборсиз қолдирар эканмизда! Қиссадан ҳисса – яна бунга ўхшаш не-не мўъжизаларни ҳар куни, ҳар он назардан соқит қилиб, уларда ғофил ҳолда яшаётган эканмиз?” деган саволни қўйишади клип ижодкорлари.

Худди шундай, бугунги ўзбек адабиётида ҳам юқоридаги ҳолни ёдга соладиган воқеалар анчадан бери бор. Қаршисида тўхтаб тафаккур қиладиган асарлар оз бўлса-да яратилди, яратилаётир. Лекин ўқувчи метродаги одамлар каби бепарво, безътибор. Ҳатто адабий танқид ҳам деярли шундай аҳволда, баъзан эса янада аянчли ҳолларга тушиб туради у: асосий эътиборни чинакам санъат асарларига қаратиш ўрнига, кўпинча, ўртамиёна қораламалар билан андармон бўлиб, умрини ўтказди. Ҳа-ҳа, айнан умрини ўтказди... Чунки ўзлигини умрбоқий асарларга бағишламаган адабий танқид ўша асарлар тарих саҳнасидан тушиши билан кўздан ғойиб бўладилар, яъни унутиладилар. Нафақат бугуннинг, балки ҳамма замонларнинг танқидчиси бу аччиқ ҳақиқат устида жиддий ўйлаб кўрмоғи шарт!..

“Хўш, бу гапларнинг ушбу китоб ва унинг муаллифига нима дахли бор?” деган ҳақли савол туғилади. Гап шундаки, Умарали Норматов ана ўша скрипкачининг олдида бир зум бўлса-да тўхтаган, тўхтай олган камсонли тингловчи-танқидчиларимиздан! Бундай деяётганимнинг сабаби – агар бугунги адабий жараёни энг кўп ва хўп кузатаётган тўртта олим бўлса, ўшаларнинг биттаси, шубҳасиз, Умарали ака ҳисобланади. Бир қарашда осон юмушдек туюладиган жараёни кузатиш иши, аслида, жуда машаққатли, жасорат ва матонат, сабр ва тоқат, нуктадонлик ва адолат туйғусини, бутун бошли умрни, унинг баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларини ёдга соладиган ҳамма даврларини бутунича сарфлашни талаб қилувчи, адабиёт илмидаги энг оғир вазифалардан бири. Адабий жараён бу – у ёки бу даврда яшаётган миллат кайфияти акс этган кўзгу, демакдир. Зеро, ҳақиқий ижодкор ҳам, чинакам олим ҳам ўз даври билан бирга яшайди, яъни даврининг уриб турган томирига ташҳис бармоғини қўйиб, унинг дардига малҳам қидириб тонг оттиради...



Асосий қисм:

Таниқли адабиётшунос олим, кўпчилигимизнинг устозимиз, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг навбатдаги, эндигина сиз – азиз ўқувчи танишиб чиққан, тўрт қисмдан иборат “Ўжодкорнинг ҳароратли сўзи” номли китоби устоз мунаққиднинг ўзигагина хос бўлган услубда битилган. Ўзига хослик, аввало, олимнинг кўпчилигимиздан, аниқроғи, кўпчилик адабиётшунослардан фарқ қилган ҳолда, адабиётга ҳали-ҳанузгача муқаддас олам сифатида қарашда давом этаётганлиги ва бу қарашларини жўшқинликка йўғрилган муҳаббат, таҳлил ва танқид билан омихта қилганлигида кўзга яққол ташланади.

Одатда, ўз соҳасида энг баланд марраларни забт этган мутахассис олимнинг ҳар қандай мавзуда ёзган мақоласида шу соҳага тааллуқли кўпгина сиру асрор яширинган бўлади. Чунончи, Умарали Норматовнинг ушбу тўпلامдан жой олган исталган мақоласини кўринг, у хоҳ ўтган аср адабиётимизнинг даргалари ижодига бўлсин, хоҳ замонавий адабиётимиз вакиллари асарларига, фарқи йўқ, уларнинг барида бутун бошли адабиётимизга аҳамиятли қандайдир фикр, мулоҳаза борлигининг гувоҳи бўласиз.

Китобнинг биринчи қисми **“Янгилаётган адабий жараён”** деб аталиб, унда шу кеча-кундузда яратилаётган ўзбек адабиёти намуналарига назар ташланади. Иккинчи – **“Адабиётимиз даргалари”** деб номланган қисмида олим адабиётдаги миссиясини бажариб, бошқача айтганда, адабиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб улгурган катта авлод ижодкорлари ҳақида сўз юритади. **“Хотиралар тилга кирганда”** дейилган бўлимида эса, “мозийга қайтиб иш кўрилади” – XX аср аввалида ижод қилган ёзувчи-шоирлар оламига эътибор қилинади. Айни дамда, хотиралар бугунги ижодкорларга алоқадор мулоҳазалар билан ҳам лайваста этилади. Китобнинг тўртинчи – **“Адабий суҳбатлар”** дейилган фаслида устоз адабиётшунос адабиётимизнинг долзарб мавзулари борасида қатор суҳбатлар уюштилади. Ушбу китобнинг таҳлил ҳадафи ўлароқ Андижондан Қорақалпоғистонгача, ёшдан қаригача, наср, назм, адабий танқид, дарслик, қўйингки, турли жанрларда ижод қилган олим, ёзувчи, шоирларнинг бадиий, адабий-танқидий ва эссе йўналишидаги асарлари танланган. (Бу асарлар ҳақида юритилган мулоҳазалар диапозони эса яна-да кенг). Чунончи, Тошкент адабий муҳитида кўпчилик яхши билмайдиган, аммо вилоятларда ўз қалами билан яхшигина ном қозонган ёзувчи, шоирлар ҳам домланинг назаридан четда қолмаган. Жиззахлик ёзувчи Туроб Мақсуднинг “Қайтмас тўлқинлар”

романи, бухоролик носир Жўра Фозилнинг "Соҳилдаги уй" ҳикояси, пойтахтда энди-энди тилга туша бошлаган ёшлардан Муяссар Тилавованинг "Кўк ёл қўшиғи" ҳикояси, сурхондарёлик Дилрабо Норқулованинг қатор шеърлари шулар жумласидандир.

Китобга кирган турли мавзу ва йўналишдаги мақолаларни диққат билан муталаа қилар эканман, бир нарса менинг хаёлимни доимо банд этиб турди. У ҳам бўлса, устоз мунаққиднинг ҳаёт ва адабиётга бўлган муносабати! Бўлганда ҳам муҳаббатга қоришган муносабати! Эътиқод даражасига юксалган муносабат!.. Шунда ўзимга ўзим дедим: олисдаги (ёдингдаги) ота-онангу ёнингдаги дўсту ёринг, бағрингдаги бола-чақангу қалбингдаги ширин орзуларинг қадар севмагунча адабиёт сени ўз яқинига йўлатмайди, ичкарига киритмайди, ундаги сиру асрордан баҳраманд этмайди, йўқ! Умарали аканинг шу ёшида ҳам тиним билмай ўқиб-ўрганиб, туғилган жойию йилидан, касб корию мансаб мартабасидан қатъи назар, бутун бошли Ўзбекистонимиз ижодкорларига баравар қараб, "йилт" этган истеъдод маҳсулини қафтдаги ниҳолдек авайлаб-асраб, тахлилу тадқиқ этишининг замирида, туб-тубида ана ўша муҳаббат, ана ўша муносабат ётибди!

Умарали Норматов тадқиқот услубига хос жиҳатлардан бири – устоз мунаққид ижодкорларни, уларнинг тадқиқ этилаётган асарларини ўз даври билан бирга олиб ўрганади. Мисол учун, "Олтин зангламас" мақоласида қуйидагиларни ёзади: "Шуҳрат ва умуман, ўрта авлод адиблари ижоди ҳақида фикр юритганда шу ҳолатни, улар адабиёт майдонига қадам қўйган кезлардаги чигал муҳитни, албатта, назарда тутмоқ даркор. Шуҳрат шеърляти, насрий асарлари, драматургиясидаги қатор кам-кўстлар, заифликлар, бир чеккаси ана шу ҳолат билан изоҳланади. Айни пайтда, биз яқдиллик билан олтишинчи йиллари ўзбек адабиёти тараққиётида янги босқич бошланганини, мана шу босқич ривожига забардаст адибимиз Шуҳрат ҳам энг яхши шеърлари, романлари билан муносиб ҳисса қўшганлигини, адабиётимизнинг галдаги ривожига муайян ижобий таъсир кўрсатганлигини мамнуният билан эътироф этамиз". Мунаққид мақоласини шундай сўзлар билан якунлайди: "Бош асари номини унинг ўзига, шахсиятига, ижодий меросига ҳам нисбат бериш мумкин, дарҳақиқат, олтин зангламас". Худди шу фикрни домланинг ўзига (домла сиймосида у мансуб бўлган авлодга), у амалга оширган, ошираётган заҳматли, аммо шарафли ишга нисбатан ҳам бемалол қўллашимиз мумкин.

Профессор Умарали Норматов, одатда, ўзи ўрганаётган ижодкор мансуб даврни чуқур билиб олишга ҳаракат қилади. Мабодо, маз-

кур ижодкор тирик ва домлага замондош бўлса, аксар ҳолда уларнинг ўзлари билан ҳаётда яқин мулоқотда бўлган чиқади. Бошқача ифода билан айтганда, устоз мунаққид адиб, шоир ва ёлғиз фақат китоблари орқалигина эмас, балки ҳаёти, шахсияти, ижоддашқаридаги амалиёти воситасида ҳам яхши билади. Кўринадигани адиб-адабиётшунос олим У.Норматовнинг тадқиқот ишларида биотавонли метод мезонлари устун мавқега эга. Қолаверса, мунаққид қандай таъбирсиз, шундай ёзади. У тўлиб-тошиб гапирди, тўлиб-тошиб ёзади ҳам. Домлани мен баҳорда ўзанига сиғмай оқадиган тўлин дасога ўхшатаман. Мунаққиднинг ўзига хос услуби шу тўлғинликда ҳам мўъжассам. Бу услуб шаклда эргаш гапли кўшма гапнинг кўп ишлатилишидан тортиб, мазмунда аналитик таҳлил руҳидан то бадиъ руҳигача бир-бирига пайвандланиб, кўшилиб-чатишиб юзага келадиган бой услубдир.

Устоз мунаққид А.Қодирий, Шухрат, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин Тўғондиров, О.Ёкубов, Х.Тўхтабоев, А.Орипов каби катта авлод асасларини қандай билагонлик билан таҳлил этса, Н.Эшонқул, А.Йўлдош каби бугунги авлод ижодини ҳам шундай муҳаббат, билим ва ҳарорат билан таҳлилу тадқиқ этади. Бу жиҳати билан домла биз тенги авлод мунаққидларидан кескин фарқ қилади. Яъни олим ўз тадқиқотлари билан авлодлар ўртасига кўприк ташлайди, ёшроқ мунаққидлар масалан. Мирмуҳсин асарларига тўхталмаган, тўхталганда эса асосан танқидий ёндашган бўларди. Умарали Норматов Мирмуҳсин асарларидан ҳам фазилятлар қидириб топади: "Эҳтимол, ёзувчи кейинги асманлари "Дегрез ўғли", "Чотқол йўлбарси", "Илдизлар ва япроқлар", "Меъмор", "Темур Малик", "Илон ўчи"да, "Умид"дагидек бадиъий мукамалликка, таъсирчанликка эриша олмагандир. Аммо уларда ҳам эътиборга лойиқ лавҳалар, эпизодлар мавжуд". Бизнинг авлод мунаққидлари эса бироз "торлик" қилган, уч юз-тўрт юз саҳифали романни унинг ичидаги бир-икки "эътиборга лойиқ лавҳалар"ни учунгина ёқлаб гапирмаган бўларди. Бу нарса, бир томондан, танқидчилар авлодлари ўртасидаги фарқни кўрсатса, бошқа томондан, устоз мунаққиднинг ёзувчи Мирмуҳсин билан даврдош эканлигини англатади. Албатта, шахсиятдаги ўзига хослик (бағрикенглик) масаласи ҳам бор. Демак, домланинг фикрлари, юқорида айтилганидек, авлодлар ўртасини бир-бирига боғлайдиган ришта вазифасини ўтамоқда. Чунки илмнинг детерминизм мезонлари нуқтаи назаридан қаралганда ҳам тамомила бири иккинчисига ўхшамаган иккита авлод ўртасида-да ўзаро алоқадорлик узвлари мавжуд бўлади.

Китобда идеал ва қаҳрамон муаммоси устоз мунаққидни тақрор ўзига жалб этади. Бу бежиз эмас. Сабаби, кейинги 20-25 йил мобай-



нида юртимизда сиёсат, иқтисод, маданият, қадрият, хулласи калом, барча соҳаларда азмий ўзгаришларга юз тутилди. Бунинг оқибатида эса инсон ва жамият дунёқараши ўзгарди. Демак, жамиятда энг оддий кишиларга қадар, ёшдан қаригача, ҳамманинг орзу-мақсадлари ва идеаллари бошқачаланди. Табиийки, янги идеаллар янги қаҳрамонлардагина ўзини намоён эта олади. Ўзгача ифода билан айтганда, бугун адабиётдаги идеал ва қаҳрамон масаласи дунёни бадиий-эстетик қабул қилишдаги энг муҳим масаладир. Ҳатто кўрқмай айтиш жоизки, бош масаладир. Адабиётшунос олим адабиётнинг ана шу бош ва энг муҳим масаласини теран англайди ҳамда у ҳақда яна бир катта адабиётшунос олим, профессор Ҳ.Болтабоев билан баҳс-мунозараларга бой суҳбатга толади.

Хулоса:

Куни кеча Раҳимжон Раҳмат билан телефон орқали устоз ва адабиётшунослигимизда у босиб ўтган, ўтаётган йўл ҳақида фикрлашар эканмиз, ўзимизча шундай ўйларга бордик: Умарали Норматовдек юртимизнинг чинакам зиёлиларини ҳеч иккиланмасдан миллатимизнинг фахри, ғурури деб атасак бўлади. Сабаби, домла ҳам инсонлик, ҳам олимлик сифатига доғ туширмай келаётган камсонли зиёлиларимиздан ҳисобланади. Чунки у чинакам олим ўлароқ адабиёт илми воситасида ўзи мансуб миллат қалбию онгига қулоқ тутиб, ҳақиқий инсон ўлароқ эса миллат севинчию қайғусига шерик, дарддош бўлиб келаётир, энг муҳими, устоз адабиётшунос бу йўлдан ҳеч қачон ва ҳеч бир даврда ортга чекинган ва ё чалғиган эмас. Зеро, манзилни кўзлаб йўлга тушган Улуғ Йўлнинг чин Йўловчиси ундаги қийинчиликлар – шамолу бўронлар, қору ёмғирлар туфайли ортга қайтиб кетмайди, аксинча, кўзини уфқларга тиккан кўйи юришда давом этади!..

Улуғбек ҲАМДАМ,
филология фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

<i>Кириш. Китобхонга икки оғиз дил изҳори</i>	3
I. Янгиланаётган адабий жараён	8
Роман кўзгусида миллат тақдири.....	8
"Қайтмас тўлқинлар" ва унинг муаллифи ҳақида дил сўзлари.....	18
Новелла бағридаги тугён ("Пунакаре" мутолааси чоғидаги ўйлар).....	22
Кичик жанрнинг катта имкониятлари (Улуғбек Ҳамдам ҳикояларига бир назар).....	28
Уч ҳикоя таассуроти	32
Шоирнинг ҳароратли сўзи (Улуғбек Ҳамдамнинг "Янги инсон" достони хусусида ўй-мушоҳадалар).....	37
Дунё кенглигига сигмайди кўнгил.....	43
Ижтимоий пафос жозибаси ("Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!" тўплами мутолааси чоғидаги ўйлар).....	48
Эҳ, бу қизлар, қизларжон ("Кичик мўъжизалар" туркумидан)	55
Бокира туйғулар тараннуми	62
Адабиёт фанининг уфқлари ёҳуд янги давр олими (Ҳимоялар чоғидаги ўйлар)	67
Танқид ва адабий жараён	74
Жўшқин мулоқотларда туғилган тадқиқот	78
"Адабий жараёнда "Мом синдроми" рисоласи хусусида.....	88
Ижодкор нигоҳида адабий жараён.....	90
"Янги авлод овози" мутолааси чоғида туғилган ўй-мушоҳадалар.....	115
Асл ижодни англаш бахти.....	130
II. Адабиётимиз дарғалари, нодир намнуалари баҳси	141
"Ўткан кунлар" сабоқлари: романнинг ижодий тарихи, ижтимоий пафосига оид мулоҳазалар (Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллигига)	141
"Даврим жароҳати" достонининг умумбашарий ижтимоий пафоси (Достон яратилганининг 50, мудҳиш жароҳат содир этилганининг 70 йиллиги муносабати билан)	158
Эзгуликка, тарих ҳақиқатига садоқат	

(Пиримкул Қодиров таваллудининг 85 йиллигига)	162
Бир гурунг чоғидаги ўй-мушоҳадалар.....	170
Шоир шаънига икки бадиха	181
Аёл шаънига қасида (Бадиа).....	187
Ватаннинг оташин куйчиси	
(Абдулла Орипов таваллудининг 70 йиллигига)	191
Олтмиш йиллик маслақдош дўстим	
(Адабиётшунос Наим Каримов таваллудининг 80 йиллигига).....	198
Ойдинхоннинг ижоддаги илк қадамларига оид тўрт лавҳа	204
Етук олим, дилбар шахс, содиқ ҳамроҳ.....	209
Заҳматкаш, фидойи олимнинг шарафли йўли.....	216
III. Хотиралар тилга кирганда	225
Оловли йиллар манзаралари	
(Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигига)	225
Қодирийнинг сўнгги илтижоси	
(Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари)	230
Адибнинг адабий муҳити	236
Қалбдаги истиқлол ёлқини	242
Қутлуғ хонадоннинг беназир бекаси	
(Кибриё Қаҳҳорова таваллудининг 100 йиллигига)	244
Тил илмининг шоири (Тилшунос олим, мураббий	
Аюб Фуломов таваллудининг 100 йиллигига).....	248
Аллома паноҳида ўн уч йил (Академик	
Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов таваллудининг 100 йиллигига).....	253
Адабиётшунослигимизнинг эгизак маликаси	259
Яхшилик йўлдоши	262
Шавкатжонни эслаб	264
Дўстим орзуси.....	268
IV. Адабий суҳбатлар.....	272
Бугунги адабиётда эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси	
(Профессор Ҳамидулла Болтабоев билан суҳбат)	272
“Адабий суҳбатлар” ҳақида суҳбат	298
Иншо (сўнгсўз ўрнида)	311

Умарали Норматов

ИЖОДКОРНИНГ ҲАРОРАТЛИ СЎЗИ

*Адабий-танқидий мақолалар,
эссе, хотира ва суҳбатлар*

Мухаррир:
Дилшод Ражабов

Бадий муҳаррир:
Хуршид Иброҳимов

Мусахҳиҳ:
Дилноза Рустамова

Техник муҳаррир:
Файзулла Азизов

Саҳифаловчи:
Маъруф Раҳмонов

«Turon zamin ziyo» нашриёти
Лицензия: АИ № 171. 2010 йил 11 июн
Тошкент ш. Юнусобод-14. 27/35

Теришга 2015 йил 22 ноябрда берилди.
Босишга 2015 йил 22 декабрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. «Virtes Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет коғозида босилди.
20 шарт. б.т. 18,6 ҳисоб нашр. таб.
Алади 500 нусха. 175-сон буюртма.

“Мухаррир” нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.
E-mail: muharrir@list.ru.